

The book cover features a dark background with ornate, light-colored floral patterns in the corners. Several circular frames are overlaid on the cover, containing different images: a Ford car, a bottle of wine, a portrait of an elderly man, and a stylized illustration of a man and a woman. The text is arranged in a central, slightly right-aligned layout.

ШУҲРАТ ЭРГАШЕВ

ЖАҲОН

ТАРИХИ

ЭНГ ЯНГИ ДАВР
1918 – 1945 йиллар

III
ҚИСМ

УЎК 94(419)(075)

КБК 63.3(0)я73

Э 74

Масъул муҳаррирлар:

тарих фанлари доктори, профессор **Раҳмон Фармонов**,
тарих фанлари доктори, профессор **Қаҳрамон Ражабов**

Тақризчилар:

тарих фанлари номзоди, доцент **Тулқин Бобоматов**,
тарих фанлари номзоди, доцент **Равшан Сиддиқов**,
тарихчи олим **Абдурасул Раззоқов**

Ўқув қўлланмани тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ФА-А1-ГО16 ПЗ-2014-0906065019 «Ўзбекистоннинг энг янги тарихини фанлараро ўрганиш: методлар, ёндошувлар, концепциялар» лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Ушбу китоб энг янги тарихнинг биринчи даврига бағишланган. Бу – индустриал жамият ижтимоий-сиёсий тизими инқирозининг бошланиши даври. Бу даврнинг асосий мазмунини жамият тараққиётининг бош йўллари – либерал-демократик ва тоталитар-авторитар йўллар ўртасидаги кураш ташкил қилади.

Мазкур ўқув қўлланма олий ўқув юр்தларининг тарих таълими йўналиши талабалари учун мўлжалланган. Бироқ, мавзуларнинг жойлашуви ва баён қилиш усуллари кўра, у магистрантлар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқитувчилари, академик лицейларнинг ижтимоий-гуманитар йўналиши талабалари ва жаҳон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар учун ҳам қизиқарли ва фойдали маълумотлар беради.

КИРИШ

Буюк географик кашфиётлардан бошланган Ғарб давлатларининг мустамлакачилик юришлари XX аср бошларида ўз нихоясига етди. Дунё асосан забт этилди. 1914 йилга келиб европаликлар Африка китъасини деярли тўлиқ эгаллаб олдилар. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Тинч океанидаги кўпчилик оролларнинг ҳам тақдири шундай бўлди. 1900 йилга келиб Осиё китъасининг ҳам 60% и европаликлар томонидан эгаллаб олинди. Мустамлакачилик бутун дунё киёфасининг тўлиқ ўзгаришига олиб келди: ер юзи инсоният тарихида илк бор ягона ойкуменага¹ айланди. Образли қилиб айтганда, дунё «яқунланган» ҳолга келди: инсон бутун Ер шарини ўзлаштирди. Бир қатор минтақалар ва ҳудудлар – Шимолий Америка, Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Америка – европаликлар томонидан эгалланиб, маҳаллий аҳоли сиқиб чиқарилди ва қириб юборилди. Бу ҳудудларда кўплаб жиҳатлари билан Европа цивилизациясини эслатувчи жамият ва маданиятлар шаклланди. Юз йилдан зиёд вақт мобайнида, 1810 йилдан 1921 йилгача фақат АҚШга 34 млн (асосан Европадан) аҳолининг кўчиб келиши бу жараённинг жуда кенг миқёсидан далолат беради. 1851 йилдан 1910 йилгача бўлган 60 йил ичида кичкинагина Ирландиянинг 72 % аҳолиси океан ортига кўчиб кетди. Бу катта кўчишларсиз Европанинг киёфасини, Европа цивилизацияси тақдирини тасаввур қилиш қийин бўларди. Зеро, бу кўчишларга қарамасдан, 1800 йилдан 1914 йилгача Европа аҳолиси 188 млн дан 458 млн кишига – деярли икки ярим баробарга кўпайди.

Ягона ойкуменанинг шаклланишида коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиши жуда муҳим роль ўйнади. XX асргача турли мамлакатлар ва халқлар ўртасида мунтазам алоқалар ўрнатилишида табиий тўсиқлар: ўрмонлар ва тоғлар, денгизлар ва чўллар, дарёлар ва иқлим шароитлари халақит берарди. Европа цивилизациясининг тантана қилишида елканли кемалар-

¹ О й к у м е н а – Ер шарининг инсоният томонидан ўзлаштирилган, одам яшайдиган қисми.

ни такомиллаштириш, темир йўллар куриш, пароходлар ва ички ёнув двигателларини ихтиро қилиш ва бошқа техник ютуқлар ҳал қилувчи роль ўйнади. Агар дастлаб денгизда сузишнинг такомиллашуви Испания, Португалия, Голландия, Англия каби денгиз давлатларини жаҳон сиёсатининг олдинги сафига олиб чиққан бўлса, саноат инқилоби ва курукликдаги коммуникацияларнинг жадал суръатлар билан кенгайиши, темир йўл транспортининг тез ривожланиши натижасида Германия, АҚШ, Россия каби империяларнинг юксалиш даври бошланди. Жуда катта ҳудудларни бўйсундирган, ўзлаштирган, Ер шарини денгиз, темир йўл ва автомобиль йўллари билан қоплаб олган инсон энди кўкка интилди, ҳаво йўлларини ҳам забт этишга киришди. Авиациянинг пайдо бўлиши ва кейинги ривожланиши жаҳон ҳамжамиятининг геосиёсий тузилишига муҳим ўзгаришлар киритди. Табиий тўсиқларни енгиб ўтишнинг самарали воситасига айланган авиация давлатлар ўртасида куруклик ва денгиздаги чегараларни яқинлаштирди. Шундан сўнг ахборот воситаларининг ривожланиши – дастлаб телеграф ва телефон, кейин эса радио ва телевидениенинг ихтиро қилиниши турли мамлакатлар ва халқларнинг яқинлашувида инқилобий аҳамиятга эга бўлди.

Шаклланган ягона ойкуменада Ғарб барча соҳаларда устувор бўлишга ҳаракат қилди. У Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида яшаш қоидаларини ўрнатишга, Шарқнинг анъанавий тизимидаги ўзгаришлар йўналишини белгилаб беришга уринди. Аммо бу ҳаракатлар зиддиятли натижаларга олиб келди. Цивилизациялар ўртасидаги ўзаро алоқа Шарқ минтақасида инқирозли жараёнларни келтириб чиқарди. Юз бераётган ҳодисаларга Шарқ давлатларида икки хил ёндошув шаклланди: бир томондан, янгиликларни ўзлаштиришга (модернизацияга) уриниш бўлса, бошқа томондан, ўз цивилизациясининг ибтидосига қайтиш, ёт унсурлардан химояланишга интилиш (фундаментизм) ҳоллари юз берди. Албатта Шарқ бир хил эмасди. Ўзининг қадимий цивилизацияларига эга бўлган Миср, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Эрон каби мамлакатлар Ғарб цивилизациясининг тажовузи олдида нисбатан кучли маданий иммунитетга эга бўлсалар, айрим Осиё ва кўплаб Африка мамлакатларида шундай иммунитет мавжуд эмасди.

Уларнинг ҳар бирида Ғарб кадриятларини ўзлаштиришнинг ўз имкониятлари ва бу йўлда ўз тўсиқлари мавжуд эди. Ушбу омиларнинг барчаси йиғилиб шунга олиб келдики, бу минтақаларда та-

рихий тараккиёт мутлақо турлича йўллардан кетди. XX аср охири – XXI аср бошларига келиб Шарқ мамлакатлари тараккиётнинг турли босқичларида турибди: улар орасида постиндустриал цивилизацияни шакллантириш йўлига кирганлар, ва, айти пайтда, тараккиётда чексиз орқада қолиб кетганлар, деградация тенденциясини намойиш қилаётганлари ҳам мавжуд.

Бу давр – Ғарб жамиятида индустриал цивилизация кадрларининг асосий тамойиллари тўлиқ ва изчил амалга оширилган, эркин, чекланмаган ижтимоий фаолият ҳуқуқига эга бўлган, мустақил ва озод шахс ҳақидаги ғоялар тантана қилган давр. Айти пайтда, бу Европада Янги даврнинг буюк орзуси – инсон табиатининг азалий гуманизми, Онгнинг қудрати, инсоннинг чексиз маънавий ва ижтимоий комилликка интилиши ҳақидаги орзуларнинг батамом барбод бўлган даври. Ишлаб чиқаришда, синфий муносабатларда, сиёсий жараёнларда, оммавий психологияда зиддиятларнинг кучайиши ягона манбага эга бўлиб, унинг сабаби индивидуализм тамойилига асосланган ижтимоий тизимнинг инкирозида эди. Модернизация жараёнида нафақат шахснинг диний, табақавий «қишанлари», балки инсон ҳаётининг маънавий ва ижтимоий пойдевори ҳам вайрон қилинди.

Модернизация жараёнида пайдо бўлган технологик инсон оламни ўзгартиришнинг икки йўналишини белгилаб берди. Бир томондан, у табиатни тубдан ўзгартиришнинг технологиясини ишлаб чиқди, иккинчи томондан, анъанавий жамиятни замонавий жамиятга айлантиришнинг технологиясини яратди. Аммо, қатъий мақсадга йўналтирилган саноат технологиялари табиатни вайрон қилиши, глобал экологик инкирозга олиб келиши, худди шунингдек, қатъий ижтимоий-сиёсий технологиялар ижтимоий ва маънавий (ахлоқий) муҳитни вайрон қилиши, тотал ижтимоий-маданий инкирозга олиб келиши мумкинлиги маълум бўлиб қолди. Ноиктисодий ахлоқ ва маданиятнинг «қолдиқларидан» тўлиқ озод бўлган «иктисодий одам» кенг тарқалаётган антицивилизациянинг манбаига айланиб қолади. Бошқача айтганда, инсоният минг йиллар давомида шакллантирган маънавий-ахлоқий кадриятлар ва нормалар ўрнини маиший ҳаёт муаммолари, пул ва бойлик ташвишлари эгаллайди.

Ўтган асрнинг охирида бу жараёнларни англаш иктисодий либерализм вакиллари орасида анча қалтис хулосаларга асосланган эди. Масалан, Европа Реконструкция ва Тараккиёт банкининг

собик директори Жак Атталининг ёзишича, антиктисодиёт ва иктисодиёт ўртасидаги кураш иккинчисининг ғалабаси билан якунланганда ягона, чегарасиз дунё шаклланади. Олам ўзининг эски кўпсифатлилигини йўқотади ва тотал бир хил шаклга келади; фақат шундай гомоген макондагина «пул эраси» – юқори ва куйи, ахлоқ ва ахлоқсизлик, асл ва ясама ўртасидаги фаркни билмайдиган ягона бирлик тантана қилиши мумкин¹. Бу фикрда кўп эмас, кам эмас инсоннинг иктисодийдан бошқа барча маълум мотивацияларининг тотал кадрсизланиши ва мақсадсизланиши ҳақида гап кетмоқда. Фойда, бойлик, пул каби тушунчалар ахлоқ, эзгулик каби азалий тушунчаларни инсон ҳаётидан сиқиб чиқариши ҳақида айтилмоқда. Бу жараённинг хавфини XX аср охиридан модернизация жараёнига кирган барча жамиятларда кузатиш мумкин. Афсуски бу жараён модернизациялашаётган жамиятлар учун энг янги даврнинг характерли белгиларидан бирига айланиб қолмоқда.

«Энг янги давр» атамасини илк бор XIX асрнинг бошларида немис файласуфи Г. Гегель ўзининг «Фалсафа тарихи» номли асарида қўллайди. Аммо бу тушунча тарихий даврни англатувчи атама сифатида дастлаб марксистик адабиётда пайдо бўлди. Марксистлар ижтимоий-иктисодий тузумлар алмашинувини, қарама-қарши синфлар ўртасидаги курашлар даврини «энг янги давр» деб атадилар. Агар янги давр Европада буюк географик кашфиётлардан бошланган капиталистик тузумнинг қарор топиши даври бўлса, «энг янги давр» жамиятнинг капитализмдан коммунизмга ўтиш даври сифатида қаралди. Жаҳон социалистик тизими ва у билан бирга коммунизм ғояси инқирозга учраши оқибатида бу атама ўзининг илгариги мафкуравий мазмунини йўқотди ва бетараф илмий-тарихий атамага айланди. Ҳозирги даврда «энг янги тарих» тушунчаси олимлар томонидан анча кенг маънода, кўпроқ индустриал цивилизациядан постиндустриал цивилизацияга ўтиш даври сифатида қаралмоқда.

Аммо совет тарихшунослигида бутун XX аср жаҳон миқёсида капитализмдан коммунизмга ўтиш даври сифатида талқин қилинди. Совет даврида ва ундан кейинги дастлабки йилларда чоп қилинган ва баъзан бугун ҳам талабалар фойдаланаётган кўплаб ўқув адабиётлариға шу ғоя очик ёки яширин сингдирилган.

¹ Қ а р а н г: Философия истории: Учеб. пособие / Под ред. проф. А.С.Понарина. М.: Гарданики. 1999. С. 37.

Ғарб жамиятини чуқур инқирозга олиб келган ва унинг модернизиациялашув жараёнини тезлаштирган Биринчи жаҳон уруши «янги тарих» билан «энг янги тарих» ўртасидаги чегара деб қаралади. Монополистик капитализмнинг қарор топиши энг янги даврнинг иқтисодий асосини ташкил қилади. Илгариги эркин тадбиркорликка асосланган капитализм бу даврда давлат-монополистик капитализмига айланди.

Энг янги тарих – бу инсоният тарихининг дунёда юз берган чуқур ва кенг микёсли ўзгаришлари билан характерланувчи энг мураккаб даври. Бу – замонавий цивилизациянинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий асослари қарор топган давр. Бу давр индустриал цивилизациянинг инқироzi ва постиндустриал цивилизацияга ўтиши билан характерланади. Постиндустриал цивилизацияга ўтиш жараёни иқтисодий тизим инқироzi, иқтисодни давлат томонидан тартибга солиш тизимининг қарор топиши, илмий-техник инқилоб, янги сиёсий ғоялар (фашизм, большевизм)нинг пайдо бўлиши ва анъанавий сиёсий оқимларнинг янгиланиши (неолиберализм, неоконсерватизм) каби бир қатор муҳим ўзгаришларни олиб келди. Ишчилар ҳаракатининг ривожланиши ва марксизм асосий принципларининг қайта кўриб чиқилиши натижасида пайдо бўлган социал-демократия энг янги даврда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги асосий демократик сиёсий оқим ва мафкурага айланди. Биринчи жаҳон урушидан сўнг жаҳон сиёсий кенглигида туб сифат ўзгаришлари юз берди, индустриал жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ривожланиш тенденциялари ўзгарди, жамият тараққиётининг тоталитар ва авторитар режимлар сингари муқобил моделлари пайдо бўлди. Шунингдек, либерал демократиянинг такомиллашув жараёни давом этди, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайди. XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланган мамлакатларда халқ фаровонлигини оширишнинг давлат кафолатлари тизими яратилди, «умумий фаровонлик жамияти»ни куриш ғояси найдо бўлди, уни амалга ошириш бошланди.

Энг янги даврнинг яна битта характерли жиҳати, бу даврда социалистик тузум яратилди. Аммо социализм ҳақидаги тасаввурлар ва унинг совет модели жамият тараққиётининг замонавий воқелигига мос келмаганлиги сабабли социализм жамиятнинг мустақил модели сифатида барҳам топди, социалистик тузум тарқалиб кетди. Шундан сўнг Ғарб давлатларининг постиндустриал тараққиёт босқичига

Ўтиши халқаро муносабатларнинг янги сифат босқичини бошлаб берди: икки кутбли дунёдан бир кутбли, кейин эса кўп кутбли дунё моделига ўтиш жараёни бошланди.

Энг янги даврда мустамлака тизими ривожда ҳам чуқур ўзгаришлар юз берди. XX асрнинг биринчи ярмида Шарқ халқлари миллий-озодлик ҳаракати янги босқичга кирди, миллий сиёсий партиялар ва шунга мос мафқуралар шаклланди. Асрнинг иккинчи ярми янги мустақил давлатларда ижтимоий тараққиётнинг йўл ва шаклларини излаш даври бўлди. XX асрнинг иккинчи ярмида мустамлака тизими барҳам топди, Осиё ва Африкада кўплаб янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. XX асрнинг сўнгги ўн йилида СССРнинг тарқалиб кетиши натижасида Шарқий Европада, Ўрта Осиёда ва Кавказда мустақил давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ташкил топди. Бугун Ўзбекистон Республикаси – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа йирик халқаро уюшмаларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси.

Энг янги давр тарихида нисбатан мустақил бўлган иккита босқични ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи босқич 1918 – 1945 йиллар – индустриал жамият ижтимоий-сиёсий тизими инкирозининг бошланиши даври. Бу инкироз иккита жаҳон урушларида, социалистик ва миллий-озодлик инқилобларида, СССР, Италия, Германия, Испания, Япония каби давлатларда тоталитар тизимларнинг қарор топишида, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашувида намоён бўлди. Бу босқичнинг асосий мазмунини жамият тараққиётининг бош йўллари – либерал-демократик ва тоталитар-авторитар тизимлар ўртасидаги кураш ташкил қилади. Улар ўртасидаги қарама-қаршилик 1939 йили инсониятни жаҳон тарихидаги энг даҳшатли урушга олиб келди.

Бу босқич жаҳон тарихининг энг мураккаб босқичларидан биридир. Зотан, чорак асрни қамраб олган қисқа тарихий даврга Европа ва жаҳон миқёсига молик жуда кўплаб воқеалар жамланган. Айнан шу ерда йигирма беш йил оралигида иккита жаҳон урушлари юз берди. Европанинг янги ғоявий-сиёсий бўлиниши намоён бўлди – либерал демократия тоталитаризм ва фашизмнинг тажовузкор даъватига учради.

Энг янги даврнинг 1945 йилдан кейин бошланган иккинчи босқичи мазмунини мустамлака тизимининг кулаши ва «учинчи дунё»нинг кўплаб мустақил давлатлари ташкил топиши, «совук

уруш», дунёни ядровий ҳалокат ёқасига олиб келган қуролланиш пойгаси ташкил қилади. Бу давр совет тоталитаризми билан либерал-демократия ўртасидаги глобал қарама-қаршилик, халқаро муносабатларда шаклланган икки қутбли тизимнинг инқирози ва ижтимоий тараққиётнинг борган сари глобаллашуви билан тавсифланади.

«Жаҳон тарихи. Энг янги давр» ўқув қўлланмаси «Жаҳон тарихи. Янги давр» (I ва II қисмлар) деб аталган ўқув қўлланмаларининг давоми бўлиб, III ва IV қисмлардан иборат. III қисм энг янги тарихнинг биринчи босқичи – 1918 – 1945 йиллар оралиғида юз берган энг муҳим воқеаларни ёритишга бағишланган. Қўлланмада тараққиётнинг либерал-демократик йўли ва унга муқобил равишда пайдо бўлган тоталитар тизимлар ва авторитар режимлар ҳамда улар ўртасидаги қарама-қаршиликни ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда индустриал ишлаб чиқариш усулининг инқирози ва постиндустриал усулнинг шаклланиш жараёнига цивилизация ривожланишининг қонуний натижаси сифатида ёндошишга ҳаракат қилинди.

Ўқув қўлланмасининг IV қисми энг янги тарихнинг иккинчи босқичи – 1945 – 2017 йиллар оралиғидаги воқеаларни ёритишга бағишланган. Унда Осиё ва Африка мамлакатларининг мустақилликка эришиши, «совук уруш», қарама-қарши глобал тизимларнинг шаклланиши, қуролланиш пойгаси, либерал демократия билан совет тоталитаризми ўртасидаги қарама-қаршилик ва социалистик тизимнинг барбод бўлиши, дунёда бир қутбли тизимнинг вужудга келиши ва унинг оқибатлари каби муаммолар билан бир қаторда, XX асрда пайдо бўлган ва XXI асрда ҳам инсониятни ташвишга солаётган глобал хавф-хатарлар – ядро уруши фалокати, экологик, технологик хавфлар ҳамда этно-ижтимоий муаммолар, экстремизм ва терроризм, шунингдек, илмий-техник тараққиёт, фан, адабиёт ва санъатни ёритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

І БЎЛИМ

ИНДУСТРИАЛ ЦИВИЛИЗАЦИЯ: РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

І БОБ. КАПИТАЛИСТИК ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЯНГИ МУАММОЛАР

XIX аср охири XX аср бошларида капитализм ва сиёсий демократия институтларининг жадал ривожланиши давом этди. Бу ривожланган мамлакатларда саноат инқилобининг яқунланиши ва жаҳон капиталистик тизимининг қарор топиши даври бўлди. Бу даврда капитализм ўз таракқиётининг янги – империализм босқичига кириб келди.

Эркин тадбиркорлик капитализми ва унинг зиддиятлари. Эркин тадбиркорликка асосланган капитализмда кичик, ўрта ва йирик хусусий тадбиркорлар моддий неъматларни ишлаб чиқаришда асосий роль ўйнайди. Ўз даврида бу тадбиркорларнинг ҳеч нарса билан чекланмаган ўзаро рақобати иқтисодиётнинг самарали ривожланишини ва бутун жамиятнинг моддий фаровонлигини таъминлайди, деб ҳисобланар эди. Бу қарашда давлатга, назарий жиҳатдан, четдан кузатиб турувчи роли ажратилади. У бозор иштирокчиларининг эркин рақобатига аралашмайди, фақат бу рақобатнинг самарали фаолият юритиши учун шароит яратиши лозим, деб қаралади.

«Бозорнинг кўринмас кўли» давлат, партиялар ёки алоҳида шахслар аралашувисиз иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда тартибни сақлаб туришга кодир, деб ҳисобланарди. Шундан келиб чиқиб, «ҳар ким ўзи учун» деган шиор жамиятда ҳукмрон тамойилга айланди. Тадбиркорлик соҳасида ютукқа эришган киши обрўли, лаёқатли ва ишда самарали шахс сифатида қараладиган бўлди. Бу қараш, охиروқибатда, бир қисм энг омадли тадбиркорлар ва бизнесменлар онгида ҳаётга мослашувчанлик ютуқларнинг асосий мезони, деган ғоянинг қарор топишига олиб келди. Бу ғоя, айниқса жуда катта кор-

иорациялар, молия ва молия-саноат империяларини тузган йирик капиталистлар, магнатлар учун ўта жозибадор ғояга айланди.

Давлат-монополистик капитализмининг шаклланиши. Аслида мутлақо эркин тадбиркорлик капитализми «соф» ҳолда ҳеч қачон ва ҳеч қерда мавжуд бўлмаган. Ҳатто эркин тадбиркорлик капитализмининг ватани ҳисобланган АҚШда ҳам давлат ҳар доим иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга фаол аралашиб келган. Масалан, давлатнинг катта ёрдамисиз Шимолий Америка қитъасини ўзлаштиришга жуда муҳим ҳисса қўшган кенг темир йўллар тармоғини куришнинг иложи бўлмасди.

Капиталистик жамият эволюцияси XIX аср охирига келиб эркин рақобат ва чекланмаган эркин бозор принципи доирасининг тораёишига олиб келди. Бу, ўз навбатида, шахсий эркинлик ва имкониётлар тенглиги принциплари билан капиталистик воқелик ўртасида пайдо бўлган зиддиятларни акс эттирди. Бу зиддиятлар шароитида ҳам ишлаб чиқаришнинг марказлашуви ва концентрациялашуви жадал суръатлар билан давом этди.

Доимий кескинлашиб бораётган рақобат шароитида кичик ва ўрта корхоналар йирик ва кучли рақобатчилар билан курашда енгиб бўлмас қийинчиликларга учради ва иқтисодий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолди. Энг даромадли саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни ўз қўлларида тўплаган корпорациялар, трестлар, синдикатлар ва шу кабиларнинг пайдо бўлиши билан майда ишлаб чиқарувчиларнинг ахvoli янада оғирлашди.

Корпорациялар бутун бошли соҳаларни монополлаштириб, қатор мамлакатлар иқтисодида ўзларининг ҳукмрон мавқеини таъминладилар. Шу даврда эркин, ҳеч нарса билан чекланмаган рақобатни ташвиқот қилиш тор доирадаги бир гуруҳ бойлар, молия ва саноат магнатлари манфаатларига хизмат қиларди.

Эркин тадбиркорлик капитализми давлат-монополистик капитализмига айланиб борди. Шундай шароитда жамият олдида турган кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни фақат бозор кучи билан ҳал қилиб бўлмаслиги маълум бўлиб қолди.

Турли ғоявий-сиёсий йўналишдаги социолог ва идеологлар капитализм ўз ривожланишининг сифат жиҳатидан янги босқичига қадам қўйганлигини, бу эса жамият олдида мутлақо янги муаммоларни қўяётганлигини ва уларни ҳал қилишнинг янги усул ва механизмларини яратиш лозимлигини англаб етдилар.

Бу даврда кўнчилик капитализмнинг тушкунлиги ва инқирози ҳақида гапира бошлади. Барча фаразлар ва илмий тахминларнинг анча асосланганлигига қарамадан, капитализм ўзининг яшовчанлигини, янги шароитга мослашувчанлигини, ривожланиш учун кўшимча кучларни топиш ва сафарбар қила олишини намойиш қилди. Европа халқларига катта кулфат келтирган Биринчи жаҳон урушидан кейин капиталистик мамлакатларнинг ривожланиши иқтисодни тинчлик шароитига мослаштириш туфайли қийин кечди. Урушдан кейин вайронгарчиликларни бартараф қилиш ва иқтисодни тиклаш асосий муаммо бўлди. 1924 йилга келиб шароит сезиларли яхшиланди, иқтисоднинг ўсиши бошланди.

Айниқса саноатнинг янги соҳалари – автомобилсозлик, авиация, кимё, радиотехника ва шу қабилар жадал суръатлар билан ўсди. Халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ҳам тез ривожланди, капитал экспортининг ҳажми ошди, меҳнатни ташкил қилишнинг янги усуллари, ишлаб чиқариш конвейерлари каби янги техник ихтиролар жорий қилиниб, меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашди. Буларнинг барчаси ишсизлар сонининг камайишига, иш ҳақининг ошишига, турмуш шароитининг яхшиланишига, демак, ижтимоий кескинликнинг юмшашига, хусусан, иш ташлашларнинг камайишига олиб келди.

Аммо 1929 йил кузда АҚШ ва чет эл компанияларининг акциялари олди-соттиси амалга ошириладиган Нью-Йорк биржасида бошланган саросима, 1930-йилларнинг энг йирик иқтисодий инқирозига олиб келди. Инқироз ишчилар оммаси, хизматчилар, зиёлиларнинг катта қисмига таъсир кўрсатди. Капиталистик мамлакатларда ҳаммаси бўлиб 30 млн киши ишсиз қолди. Иқтисоднинг бутун бошли соҳалари хонавайрон бўлди. Айниқса кичик ва ўрта тадбиркорлар катта зарар кўрди.

Айнан шу инқироз эркин тадбиркорлик капитализмига узил-кесил нукта қўйди ва давлатнинг тартибга солиш ролини Ғарб жамияти иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг доимий ва асосий унсурига айлантирди.

«Европа қуёшининг ботиши». Капиталистик жамиятда юз берган ўзгаришларнинг моҳиятини тўғри тушуниш учун ижтимоий онгда юз берган янги воқеликларни инобатга олмоқ лозим. XIX аср иккинчи ярмига келиб, борган сари кучайиб бораётган маънавий тушкунликни ҳис қилиш европаликлар учун характерли

жихат бўлиб қолди. Ўша даврнинг кўплаб мутафаккирлари Ғарб цивилизациясининг муқаррар инкирозини башорат қилдилар. Бу ҳол С. Кьеркегор, Ф. Ницше, О. Шпенглер, Н. Бердяев, К. Ясперс, П. Сорокин, С. Л. Франк каби XX аср мутафаккирларининг асарларида ўз ифодасини топди.

Бу асарларнинг руҳи таникли немис файласуфи О. Шпенглернинг «Европа куёшининг ботиши» асарида ёки П. Сорокиннинг «Ғарб маданиятининг ижодий қуввати сўниб бормоқда», деган иборасида ўта мухтасар ва мазмундор шаклда ифода қилинди. Шу фикрни К. Ясперс қуйидагича шакллантирди: Биринчи жаҳон урушидан сўнг «инсоният цивилизациясининг умри тугаганлиги тўғрисида ҳиссиёт пайдо бўлди, истисносиз барча халқларни ва, кишиларни қамраб олган ўзгаришлар ёки ҳамма нарсанинг йўқ қилинишидан ёки янги дунёнинг туғилишидан дарак бераётган эди. Бу ҳали интиҳонинг ўзи эмасди, аммо унинг юз бериши мумкинлиги тўғрисидаги тасаввур барчани баб-баробар қамраб олди». П. Сорокиннинг: «Биз маданият ва жамиятнинг битта (ҳиссиётли) шакли йўқ бўлаётган, бошқа шакли эса энди пайдо бўлаётган, инсоният тарихидаги бурилиш палласидан бирида яшайпмиз», деган фикри мутлоқ кўпчиликнинг фикрига айланди. Дарҳақиқат, XIX аср охири – XX аср бошларида ижтимоий онг ва ижтимоий-сиёсий тафаккурда шундай кескин ўзгаришлар юз бердики, бу Ф. Ницше ёзганидек, «қадриятларни қайта баҳолаш»ни кун тартибига қўйди. Давр қиёфасини белгилаб берган реал жараёнлар ва ҳодисаларни таҳлил қилиш, гап одатдаги иқтисодий ва сиёсий фалокатлар ҳақида эмас, ҳаётнинг цивилизациявий асосларини, қадриятлар тизимини, ахлоқ, маданият, фан, фалсафа ва динни қамраб олган жуда чуқур ўзгаришлар ҳақида кетаётганлигини кўрсатди.

Бу, моҳиятига кўра, рационалистик типдаги онгнинг инкирози эди. Рационализм ва у билан боғлиқ илмий ёндошув инсонни ўраб турган оламни билишда жуда катта роль ўйнади ва инсон тафаккурини чексиз юксакка кўтариб, унга микро ва макроолам сирларига кириб бориш имконини берди. Ҳаётнинг рационалистик тузилиши турмушда илгари орзу ҳам қилиб бўлмайдиган қулайлик ва шинамлиқни яратди. Рационалистик тафаккурнинг ғалабаси Европа цивилизациясининг қиёфасига, демократия, эркинлик гояларининг ривожига, ахлоққа ва шу кабиларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатган муҳим омиллардан бири бўлди. XIX аср охири – XX аср бошлари-

да фаннинг муҳим соҳаларида материя, макон ва замон ҳақида шу пайтгача ҳукмрон бўлган тасаввурларни бузиб ташлаган инкилобий кашфиётлар амалга оширилди. Атомнинг парчаланиши, рентген нурлари, термодинамика қонунлари, нисбийлик назарияси, генетика каби муҳим кашфиётлар табиий фанлардаги инкилоб ҳақида гапириш имконини берди. Аммо тарихий тажриба рационализм, фан ва тараққиёт ҳам ўзларининг салбий жиҳатларига эга эканлигини, улар зарур, аммо инсоннинг тўлақонли ҳаёт кечириши учун фақат шулар етарли эмаслигини кўрсатди.

Иккита жаҳон урушлари тараққиётнинг пастдан юқорига, мукамаллик сари тўхтовсиз ҳаракат эканлиги тўғрисидаги тасаввурларни батамом бузиб ташлади. Бу ўзгаришлар «санъатнинг дегуманизация жараёни» номини олган ва XX асрдаги буюк оламшумул ўзгаришларнинг сабабига ва кейинчалик оқибатига айланган турли хил, баъзан ғаройиб ғоялар, оқимлар, мактабларнинг маданиятда, санъатда, адабиётда пайдо бўлишида акс этди. Ижтимоий онг соҳасида «худолар кунининг битганлиги», кўплаб марта ва кўплаб шаклларда юз берган «Худонинг ўлими» ва оламнинг худосизлашуви бу ўзгаришларнинг муқаддимаси ва гувоҳига айланди. А. Камю таъкидлаганидек, «христиан танқидчилари айтганидек, Ницше Худони ўлдириш режаси билан юрган эмас, у ўз замонасининг калбида Худо аллақачон ўлганлигини фош қилди, холос».

Умуман XX асрнинг биринчи ярмини инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ва жуда чўзилиб кетган ғалаёнлар даври деб аташ мумкин. Бундай пайтда кишилар ҳаёти ва бутун кишилик жамиятининг маънавий ибтидоси янги юксакликка кўтарилади ёки аксинча, забт этилган юксакликдан пастга улоқтирилади. Кишиларда ҳаётга ишончсизлик, келажакка умидсизлик пайдо бўлади. Айнан шундай эврилиш дамларида турли хил орзулар, утопиялар, дунё тузилишини мукамаллаштириш режалари, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизимларни, мамлакатлар ва халқлар ҳаёт тарзини қайта қуриш дастурлари пайдо бўлади. Таклиф қилинаётган ва Европа роя килиши лозим, деб ҳисобланаётган кўплаб йўллар ичида бирига муқобил бўлган иккита асосий йўналиш ажралиб чиқди. Бу жамиятни қайта қуришнинг ислохотлар йўлини таклиф қилаётган либерал-демократик йўналиш ва эски дунёни тўлиқ бузиб, унинг вайроналари устига янги дунё қуришни таклиф қилаётган тоталитар-авторитар йўналиш эди. XX асрнинг биринчи ярмидаги

воқеалар моҳиятини кўп жиҳатдан шу икки йўналиш ўртасидаги карама-қаршилиқ белгилаб берди.

Урушдан кейинги тинчлик ўрнатиш муаммолари ва Европа мамлакатларида инқилобий жараёнлар. XX асрнинг биринчи ярмида Ғарб цивилизацияси дуч келган энг катта синовлар, албатта, жаҳон урушлари бўлди. 1918 йил 11 ноябрь куни инсониятнинг шу давргача бўлган тарихидаги энг даҳшатли уруш якунланди. Унда 13,6 млн дан зиёд киши ҳалок бўлди, 20 млн киши ногирон бўлиб қолди. Сон-саноқсиз моддий ва маънавий зарар етказилди.

Биринчи жаҳон уруши якунлангандан сўнг дунё, айниқса Европа халқларида бу уруш шундай катта миқёсдаги сўнгги тўқнашув бўлди, энди ҳукуматлар янги урушга ҳеч қачон йўл қўймайдилар, деган умид бор эди. Аммо тинчлик узоққа чўзилмади. Кўплаб мамлакатларда урушдан кейин вужудга келган ички муаммолар ва турли сиёсий кучлар ўртасидаги тўқнашувлар халқаро муносабатлардаги виддиятлар билан қўшилиб, Иккинчи жаҳон урушига олиб келди.

Версаль-Вашингтон тизими. Париж тинчлик конференцияси. Франциянинг Компьен ўрмонида 1918 йил 11 ноябрь куни Германия Антанта билан яраш сулҳини имзолади. Биринчи жаҳон уруши якунланди. Сулҳ шартларига кўра Германия асли унга тегишли бўлмаган барча ҳудудлардан ва Рейн дарёсининг чап қирғоғидаги ерлардан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиш мажбуриятини олди. Ўнг қирғоқда эса нейтрал зона ташкил қилинди. Бундан ташқари Германия ғолиб давлатларга ўз ҳарбий анжомларининг катта қисмини бериш ва ҳарбий асирларни қайтариш мажбуриятини олди. Шу билан бирга Совет Россиясига қарши туриш учун Болтиқбўйи ва Украинада немис қўшинлари қолдирилди. Компьен сулҳи Россия билан Германия ўртасида 1918 йил 3 март куни тузилган Брест сулҳини бекор қилди. Компьен сулҳидан кейин тинчлик конференциясига тайёргарлик бошланди ва у ғолиблар ўртасида кескин тортишувлар остида ўтди. Европада ўз гегемонлигини ўрнатмоқчи бўлган Франция Германияга нисбатан энг кескин позицияни эгаллади. У фақат Эльзас ва Лотарингияни қайтаришни эмас, Саар кўмири ҳавзасини қўшиб олишни ва Германия билан чегарани Рейн дарёси бўйлаб ўтказишни талаб қилди. Франция Германиянинг Африкадаги мустамлакаларидан бир қисмига ва Туркиянинг Яқин Шарқдаги мустамлакаларига ҳам даъво қилаётган эди. Англия эса ўзининг «денгизлар ҳукмдори» мақомини сақлаб қолиш учун Фран-

ция ва АҚШ флотининг кучайишини истамасди. У Германиянинг бўлиб ташланишидан ҳам манфаатдор эмасди. Илгари кўпчилик давлатларга қарз берган Англия уруш туфайли АҚШдан қарз бўлиб қолди, умуман жаҳонда Англиянинг тутган ўрни пасайди. Англия немис мустамлакаларининг бир қисмига эгалик қилишга, Яқин ва Узоқ Шарқда ўз мавқеини мустаҳкамлашга умид қиларди. Уруш натижасида АҚШ иқтисод ва молия соҳасида дунёнинг етакчи давлатига айланди. У Европа давлатларига 10 млрд доллар миқдоридан қарз берди ва 6,5 млрд доллар инвестиция киритди. АҚШ Германиядан олинган репарациялардан манфаатдор бўлиб, бу пулларни Европа давлатлари ўз қарзлари учун АҚШга тўлар эди. Шу сабабли АҚШ Германиянинг ҳаддан зиёд кучсизлантирилишига қарши чиқди. У Узоқ Шарқда ва Тинч океани зонасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилади. Ўзининг иқтисодий устунлиги ва ҳарбийденгиз флотининг қудратига таянган АҚШ «денгизларда эркин сузиш» ва «эркин савдо» тамойилларини илгари сурди.

1919 йил 18 январдан 1920 йил 21 январгача Париж яқинидаги Версаль қасрида 27 давлат вакиллари иштирокида Париж тинчлик конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда ҳал қилувчи ролни «катта учлик» – Англия ва Франция бош вазирлари Дэвид Ллойд Жорж, Жорж Клемансо ва АҚШ президенти Вудро Вильсон ўйнади. Конференциянинг очилишида Франция президенти Р. Пуанкаре роппа-роса 48 йил аввал, 1871 йил 18 январь куни Германия империяси эълон қилинганлигини йиғилганларга эслатиб: «Адолатсизлик асосида туғилган Германия, ўз умрини шармандаларча яқунлади», – деган машҳур иборасини айтди. Конференция жараёнидаги узоқ курашдан сўнг Германия билан сулҳ шартлари келишилди. 1919 йил 28 июнда Германия Версаль тинчлик шартномасини имзолади. Кейин Германиянинг иттифоқчилари бўлган бошқа мағлуб давлатлар – Австрия, Болгария, Венгрия ва Туркия билан ҳам шартномалар имзоланди. Шартномага кўра Германия ўз ҳудудининг 1/8 қисмидан ажралди. Эльзас ва Лотарингия Францияга қайтарилди, Эйпен округи, Мальмеди ва Моренэ Бельгияга, Шимолий Шлезвиг Данияга ўтказилди. Германиянинг Рейн дарёси чап қирғоғидаги ерлари ва ўнг қирғоқда 50 км кенгликдаги ҳудуди демилитаризациялашган зона деб эълон қилинди. Бу ерда немис қўшинларини жойлаштириш, ҳарбий машқлар ўтказиш ва мустаҳкам қалъалар куриш тақиқланди. Рейн дарёсидан ғарб томондаги Германия ер-

лари 5 йилдан 15 йилгача иттифокчилар армиялари томонидан оккупация қилинди. Саар кўмири хавзаси Францияга берилди, Саар вилояти эса 15 йилга Миллатлар Лигасининг бошқарувига ўтди. Польша, Чехословакия ва Люксембургнинг мустақиллиги тан олинди. Помераниянинг, Познаннинг, Ғарбий ва Шарқий Пруссиянинг, Юқори Силезиянинг катта қисми Польшага ўтди. Польша Болтик денгизига чиқди. Гданьск Миллатлар Лигаси бошқаруви остидаги «эркин шаҳар»га айлантирилди. Шу тариқа Шарқий Пруссия Германиядан ажратиб қўйилди. Мемель (Клайпеда) Миллатлар Лигаси назоратига ўтди ва 1923 йили Литва таркибига қўшилди. Силезиянинг бир қисми Чехословакияга қўшиб берилди. Эльба, Одер, Неман, Дунай дарёлари ва Киль канали чет давлатлар кемалари учун очиқ деб эълон қилинди. Версаль сулҳи Германияни ўзининг барча мустамлакаларидан маҳрум қилди. Улар мандат (бошқариш ҳуқуқи) кўринишида Франция, Англия, Бельгия, Португалия ва Япония томонидан бўлиб олинди. Шартнома немис армияси сони 100 минг кишидан ошмаслигини белгилаб қўйди. Германияга оғир қуроқлар ишлаб чиқариш ва ҳарбий кемалар қуриш ҳам тақиқланди. Шартномага кўра Германия Биринчи жаҳон урушининг бошланиши учун ягона жавобгар деб эълон қилинди. Шунга кўра у голиб давлатлар фойдасига жуда катта – 132 млрд марка репарация (товон) тўлаши лозим эди. Версаль тинчлик шартномасининг матни, кейинги барча шартномалар матни сингари Миллатлар Лигаси – тинчликни сақлаш бўйича халқаро ташкилот Уставидан бошланди.

Миллатлар Лигасининг ташкил қилиниши. Мандат тизими. АҚШ президенти В. Вильсон ташаббуси билан Париж тинчлик конференциясида халқаро ташкилот – Миллатлар Лигаси¹ ташкил қилинди. Жаҳонда тинчлик учун кураш, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва хавфсизлик масалалари Миллатлар Лигасининг асосий вазифалари қилиб белгиланди. Дастлаб мағлуб давлатлар ва совет Россияси унга қабул қилинмади. Лига аъзоси бўлган давлатлар халқаро баҳсли масалаларни ҳал қилишнинг олий ҳаками деб эълон қилинган Ассамблеяга ҳар йили ўз вакилларини юборардилар. Ассамблея билан бирга деярли шундай ваколатларга эга бўлган Кенгаш ҳам тузилди. Бешта асосий голиб давлатлар – АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия ва Япония Кенгашнинг доимий

¹ Миллатлар лигаси расман 1920 йил 10 январда ташкил топган ва 1946 йил 18 апрелда БМТ ташкил топиши билан ўз фаолиятини яқунлади.

аъзолари бўлиши кўзда тутилди. Миллатлар Лигасининг Устави тажовузкор давлатларга қарши жамоавий санкциялар (ҳарбий ёки иқтисодий) қўлланилишини белгилаб қўйди.

В. Вильсоннинг талаби билан Миллатлар Лигаси Уставига мандат, яъни маълум бир ҳудудни бошқариш учун ваколат тушунчаси киритилди. Халқаро ҳуқуққа янги категорияни киритиш зарурати Германия мустамлакаларини ва Туркиянинг Яқин Шарқдаги ерларини ғолиб давлатлар томонидан бўлиб олиш, айти пайтда, жамоатчилик, айтиқса Осиё ва Африка халқлари кўз ўнгида очикчасига мустамлакачи ва босқинчи бўлиб кўринмаслик истаги туфайли пайдо бўлди. Ушбу ҳудудлардаги халқлар «ўзини ўзи бошқаришга қодир эмас», деган фикрга таянган Устав муаллифлари «килгор миллатлар» бу халқларга раҳнамолик қилишлари, уларни ўзини ўзи бошқаришга «тайёрлашлари» лозим, деб ҳисоблайдилар. Миллатлар Лигаси номидан 1919 йил майда Буюк Британия Фаластинни, Трансиордания, Ироқ ва Танганьикани, Франция – Сурия ва Ливанни бошқаришга мандат олди. Буюк Британия ва Франция Того билан Камерун ҳудудларини ўзаро бўлиб олишди. Япония Мариан, Каролин ва Маршалл ороллари ва Шаньдун яриморолини бошқаришга мандат олди. Ллойд Жорж тан олиб: «Мандат босқинчилик учун оддий ниқоб», – деган эди.

Шу тариқа «абადий тинчлик» воситаси деб эълон қилинган Миллатлар Лигаси ғолиб давлатларнинг дунёни ўзаро бўлиб олишига қонуний тус берди, иттифоқчиларнинг урушдаги ғалабасини мустаҳкамлади.

1919–1923 йиллардаги тинчлик шартномалари. Вашингтон конференцияси. 1919 йил сентябрда Париж яқинидаги Сен-Жермен қасрида Австрия билан шартнома имзоланиб, Австро-Венгрия империясининг тарқалганлиги расмийлаштирилди. Австрия-Венгрия, Польша, Чехословакия ва Серб-хорват-словен қироллигининг (кейинчалик бу давлат Сербия қироллиги билан бирлашиб, Югославия номини олди) мустақиллигини тан олди. Ушбу давлатлар, шунингдек, Руминия таркибига кирган барча ҳудудлардан воз кечди. Жанубий Тироль ва жанубий славян ерлари Италияга берилди. Австриядан ҳарбий ва савдо флоти тортиб олинди, армиясининг сони 30 минг кишидан ошмаслиги белгилаб қўйилди, репарация шартлари аниқланди. Шу билан йирик ва қучли империя сифатидаги Австриянинг тарихи яқун топди.

1919 йил ноябрда Париж якинидаги Нёйи саройида Германиянинг иттифокчиси бўлган Болгария билан ҳам шартнома тузилди. Унга кўра Болгария худудининг бир қисми Руминияга, Серб-хорват-словен қироллигига ва Грецияга ўтказилди. Болгария катта қонгрбуция тўлайдиган бўлди.

1920 йил июнда Версаль саройида Венгрия билан тинчлик шартномаси имзоланди. Венгриянинг худуди уч марта қискарди. У қуролли кучларини анча қискартирди, репарация тўлаш мажбуриятини олди.

1920 йил августда Туркия билан Севр шартномаси имзоланди. Бу шартномада Туркиянинг асосий худудларини бўлиб олиш ва Қора денгиз бўғозлари устидан иттифокчилар назоратини ўрнатиш кўзда тутилди. Аммо Туркияда миллий инқилоб ғалаба қозонганлиги сабабли Севр шартномаси бажарилмади. Натижада 1923 йили Лозанна тинчлик шартномаси имзоланиб, Туркиянинг урушдан кейинги чегаралари белгилаб берилди ва унинг мустақиллиги тан олинди.

Юкоридаги шартномалар биргаликда Версаль тинчлик шартномаси номини олди.

Узоқ Шарқ ва Тинч океанидаги баҳсли муаммоларни ҳал қилиш ва денгиздаги қуролларни чеклаш мақсадида 1921 йил 12 ноябрдан 1922 йил 6 февралгача тўққиз давлат вакиллари иштирокида Вашингтон конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда асосий ролни АҚШ, Буюк Британия ва Япония ўйнади. 1921 йил декабрда Вашингтон конференциясида тўрт давлат – АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Япония ўртасида шартнома имзоланиб, ушбу давлатларнинг Тинч океани ҳавзасидаги ўз оролларига эгалик қилиш ҳуқуқлари кафолатланди.

1922 йил февралда беш давлат – АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция ва Италия вакиллари денгиз қуролларини чеклаш бўйича шартнома имзолади. Шартнома уни имзолаган давлатлар денгиз флотларининг нисбатини ўрнатди. Бу нисбатдан энг катта фойдани АҚШ олди ва илк бор огир денгиз қуроллари сони бўйича Буюк Британия билан тенглашди. Шу йил февраль ойида тўққиз давлат ўртасида шартнома имзоланиб, Хитойнинг суверенитети ва худудий яхлитлиги кафолатланди. Япония Шаньдун оролини Хитойга қайтаришга мажбур бўлди. Шартнома Ғарб давлатлари ҳамда Япониянинг Хитойга нисбатан «очик эшиклар» ва «тенг имкониятлар» тамойилини ўрнатди. Бу тамойиллар АҚШ учун жуда фойдали

бўлди, зотан қудратли Америка капитали Хитой бозорига кириш имкониятини қўлга киритди.

1919–1923 йиллари имзоланган шартномалар ва жаҳондаги кучларнинг янги нисбати халқаро муносабатларнинг Версаль-Вашингтон тизими номини олди. Версаль-Вашингтон тизими бир гуруҳ давлатларнинг дунёга ҳукмронлигини ўрнатди, дунё сиёсатида АҚШ таъсирининг сезиларли кучайганлигини акс эттирди. Шу тарика ғолиблар ва мағлублар ўртасидаги зиддиятлар тизими шаклланиб, бу мағлубларнинг ўч олиш, адолатли тартиб ўрнатиш учун интилишига, янги урушга олиб келди.

Европа мамлакатларида инқилобий жараёнлар. Россия инқилоби. 1905–1907 йиллардаги инқилоб Россиядаги иқтисодий, сиёсий ва синфий қарама-қаршиликларни бартараф қилмади, шу сабабли у 1917 йил февраль инқилоби учун замин яратди. Чор Россиясининг Биринчи жаҳон урушида иштироки унинг иқтисодиёти ҳарбий давр вазифаларини ҳал қилишга тайёр эмаслигини кўрсатди. Кўплаб заводлар ўз фаолиятини тўхтатди, армияда қурол-яроғ, ҳарбий аслаҳа ва озик-овқат танқислиги бошланди. Мамлакатнинг транспорт тизими уруш шароитига мутлақо мослашмаган эди. Қишлоқ хўжалиги ҳам ўз вазифасини удалай олмади. Бу қийинчиликлар натижасида Россиянинг ташқи қарзи кескин ошиб кетди. Урушдан энг юқори фойда олишга интилган рус буржуазияси хомашё, ёнилғи, озик-овқат ва шу каби масалаларни ҳал қилиш учун иттифоқлар ва қўмиталар туза бошлади.

Большевиклар партияси армияда урушнинг империалистик характерини, унинг эксплуататор синфлар манфаати учун олиб борилаётганлигини ва шу сабабли талончилик моҳиятига эга эканлигини очиб ташлашга қаратилган ташвиқот олиб борди. Бу партия омманинг норозидик кайфиятидан монархияни ағдариб ташлаш йўлида фойдаланишга ҳаракат қилди.

1915 йил августда «Прогрессив блок» ташкил қилиниб, у император Николай II ни ўз укаси Михаил фойдасига тахтдан воз кечишга мажбур қилишни режалаштирди. Шу тарика, муҳолифатдаги буржуазия инқилобнинг олдини олиш ва айни пайтда, монархияни сақлаб қолишга умид қилди. Аммо бу режа мамлакатда буржуа-демократик ўзгаришларни таъминламас эди.

Аҳолининг урушга қарши кайфияти, ишчилар ва деҳқонларнинг оғир аҳволи, сиёсий ҳуқуқларнинг йўқлиги, чор ҳукумати обрў-

Ишнинг насайиши ва унинг ислохотлар ўтказишга лаёқатсизлиги 1917 йилги февраль инқилобининг асосий сабаблари бўлди.

Февраль инқилобининг асосий воқеалари шиддат билан юз берди. Бир неча кун ичида Петроград, Москва ва бошқа шаҳарларда «Ўқолсин чор ҳукумати!», «Ўқолсин уруш!» каби шиорлар остида иш ташлашлар тўлкини бўлиб ўтди. 25 февралга келиб сиёсий стачка умуммиллий тус олди. Ўққа тутиш, камокка олиш каби ҳаракатлар омманинг инқилобий босимини қайтара олмади. Ҳукумат қўшинлари жанговар тайёргарликка келтирилди, Петроград ҳарбий лагерга айлантирилди.

1917 йил 26 февраль инқилобнинг бошланиши бўлди. 27 февраль куни Павлов, Преображенск, Волинск полкларининг аскарлари ишчилар томонига ўтди. Бу кураш натижасини ҳал қилди: 28 февраль куни ҳукумат ағдарилди.

Россиядаги февраль инқилобининг аҳамияти шундаки, у империализм даврида ғалаба билан яқунланган биринчи халқ инқилоби бўлди.

1917 йилги февраль инқилоби жараёнида подшо Николай II тахтдан воз кечди. Россияда иккиҳокимиятчилик вужудга келиб, бу 1917 йилги февраль инқилобининг ўзига хос якуни бўлди. Бир томондан, халқ ҳокимияти органи сифатида Ишчи ва солдат депутатлари совети фаолият юритди, иккинчи томондан, буржуазия вакиллари ҳокимияти – Муваққат ҳукумат князь Г. Е. Львов бошчилигида мамлакатни бошқаришга даъво қилди. Ташкилий жиҳатдан ҳокимиятни бошқаришга буржуазия анча яхши тайёрланган эди, аммо у ўзининг ҳукмронлигини, ягона ҳокимиятни ўрната олмади. Бу ҳол уруш натижасида вужудга келган иктисодий ва ижтимоий қийинчиликлар билан қўшилиб, 1917 йил октябрда давлат тўнтаришига, большевиклар томонидан ҳокимиятнинг эгаллаб олинишига олиб келди.

Германия инқилоби. Биринчи жаҳон урушидан кейин шу урушнинг асосий айбдори бўлган Марказий Европанинг энг катта давлати – Германияда айниқса фожиали воқеалар бўлиб ўтди. Бу ерда инқилоб ҳарбий денгизчиларнинг Киль шаҳридаги қўзғолонидан бошланди. 1918 йил 7 – 8 ноябрга келиб ғалаёнлар Германиянинг барча йирик шаҳарларини қамраб олди. Айниқса меҳнаткашларнинг пойтахт Берлиндаги чиқишлари оммавий тус олди. Бу ғалаёнлар таъсири остида 9 ноябрь куни ҳукумат бошлиғи шахзода

Макс Баденский аллақачон чет элга қочиб кетган кайзернинг тахтдан воз кечганлигини билдирди. Германия республика деб эълон қилинди. Ф. Эберт бошчилигида янги ҳукумат – Халқ вакиллари кенгаши (ХВК) тузилди. Бу ташкилот икки партия – Германия социал-демократик партияси (ГСДП) ва Германия мустақил социалистик-демократик партияси (ГМСДП) вакилларидан иборат эди. 1918 йил 10 ноябрда ташкил топган Берлин ишчи ва солдат депутатлари кенгаши томонидан «Меҳнаткаш халққа!» деб номланган қақриқ қабул қилиниб, унда Германия «социалистик республика», Ишчи ва солдатлар кенгаши эса «сиёсий ҳокимиятнинг эгаси» деб эълон қилинди. Шу тариқа инқилобнинг бу босқичида Германияда икки ҳокимиятчилик вужудга келди: ХВК билан бир пайтда Ишчи ва солдатлар кенгашлари ҳам фаолият юрита бошлади. Аммо бундай ҳолатнинг узокқа чўзилмаслиги маълум эди. Аслида 1918 йил ноябрь – декабрь ойларида немис жамиятида шиддатли сиёсий кураш кетаётган бўлиб, бу курашнинг натижаси Германияда инқилобнинг қандай йўлдан боришини белгилаб берди. «Советлар намунасидаги» инқилобий ўзгаришларни амалга оширишга кескин қарши бўлган Эберт, жамият ҳаракатга келиб, ўзгаришлар талаб қилинаётган бир пайтда фақат мослашувчан ижтимоий сиёсатгина оммани радикаллашувдан сақлаб қолиши мумкинлигини яхши тушунарди. 1918 йил 12 ноябрь куни ХВКнинг дастури эълон қилинди. Унда умумий тарзда ҳукумат «социализмни амалга оширишга ҳаракат қилади» деб таъкидланди. Аммо бу ҳужжатда асосан шу пайтгача амалга оширилган тадбирлар: сўз, йиғилишлар, ассоциациялар эркинлиги, сиёсий маҳбусларга аминистия эълон қилиш қабилад яна бир бор таъкидланган эди, холос. Асосий янгиликлардан эса, 8 соатлик иш кунининг жорий қилинишини, ижтимоий таъминот тизимини кенгайтиришни ва умумий сайлов ҳуқуқи асосида Таъсис мажлисига сайловлар ўтказишни айтиш лозим. Умуман олганда бу мўътадил ўзгаришларни назарда тутувчи ҳужжат эди.

ХВК фаолиятининг муҳим томони ижтимоий сиёсат эди. Ҳукумат хизматдан бўшатирилган солдатлар ва ишсизларни иш билан таъминлашга, ижтимоий таъминот муаммоларини ҳал қилишга, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишга киришди. 15 ноябрга келиб ҳукумат ташаббуси билан қасаба уюшмалари ва тадбиркорлар ўртасида «меҳнат ҳамкорлиги» тўғрисида келишув имзоланди. Бундан ташқари социалистик усулларни жо-

рий қилиш бўйича махсус комиссия таъсис қилиниб, уни таникли социал-демократлар К. Каутский ва Р. Гильфердинг бошқарди. Комиссия жуда катта корхоналарни давлат тасарруфига ўтказиш билан шуғулланиши лозим эди. Бу ижтимоий сиёсатда давлат ролининг сезиларли ошганлигини билдиради. ХВК давлат бошқаруви-нинг аввалги амалдорларидан кенг фойдаланди. У армиянинг олий кўмондонлиги билан жамоат тартибини саклаш бўйича келишув имзолаб, жойларда тузилаётган совет ташкилотларининг армия ва судлар ишларига аралashiшини тақиқлади. 1918 йил декабрнинг ўрталарига келиб Германия инқилобий ҳаракатида сўл қанот ажра-либ чиқди ва улар социалистик инқилобни, ҳокимиятни советларга беришни талаб қила бошладилар. Улар Совет Россиясидан илҳом олдилар. Германия социал-демократик партияси ҳукумати аксинча, мўътадил-ислоҳотчилик позициясида туриб, конституция ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун Таъсис мажлисини чақиришни жуда муҳим деб ҳисобларди. Бу талаб қайта тикланган ва энди «халқ», «демократик», «миллий» каби никоблар остида фаолият юритаёт-ган либерал ва консерватив партиялар томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланди.

Сўллар бу йўналишга рози бўлмадилар. «Спартак» ташкило-ти йўлбошчилар К. Либкнехт ва Р. Люксембург бошчилигида ва Мюнхен, Бремен, Гамбург радикаллари иштирокида 1918 йил 30 декабрда Германия коммунистик партияси тузилди. Шу давр немис жамиятининг олдида умумдемократик вазифалар туриши-га қарамадан, коммунистларнинг дастурий ҳужжатларида соци-алистик инқилобга даъват қилинган эди. 1919 йил 5 январь куни Берлинда ишчилар курулли кўзғолон кўтариб, социал-демократ Ф. Эберт бошчилигидаги ҳукуматнинг истеъфосини талаб қилдилар. Кўзғолон тартибсиз кўтарилиб, ягона бошқарувга эга бўлмаганлиги учун мамлакат бўйлаб кенг қўллаб-қувватланмади. Натижада, бу кўзғолон бостирилди. Германия коммунистик партия-си раҳбарлари К. Либкнехт ва Р. Люксембург ўлдирилди.

«Германиядаги Ноябрь инқилоби» деган умумий ном ости-даги инқилобий чиқишларнинг сўнгги йирик воқеаси 1919 йил 13 апрелда Бавария совет республикасининг эълон қилиниши бўлди. Русларнинг пролетариат диктатураси тажрибасини қўллаган Бавария совет республикаси ҳукумати ишчи назоратини жорий қилди, банкларни миллийлаштирди, қашшоқларга тарқатиш учун

озик-овқат захираларини мусодара қилди, Қизил армия ва аксил-инқилобчиларга қарши курашиш учун Фавкулодда комиссия тузишни бошлади. Баварияда советлар уч ҳафта ҳокимиятда турди. Мюнхенга етиб келган ҳукумат кўшинлари кўзғолонни бостирди ва республикани ағдариб ташлади.

Таъсис мажлисига ўтказилган сайловларда асосий ўринларни либерал ва консерватив партиялар вакиллари эгаллади. Конституцияни ишлаб чиқиш жамиятда сақланиб қолаётган танглик ҳолатида амалга оширилди ва бу ҳол конституциянинг мазмунига таъсир кўрсатди. 1919 йи 31 июль куни Веймар шаҳрида Таъсис мажлиси инқилобий омманинг демократик талабларини кониктирувчи конституцияни қабул қилди.

Германия тарихида янги – Веймар республикаси даври бошланди. 1919 йил 28 июнда Версаль тинчлик шартномаси имзолангандан сўнг республика халқаро миқёсда тан олинди.

Австрия инқилоби. Германиядан кейин кўпмиллатли Австро-Венгрия империясида инқилобий чиқишлар бошланиб кетди. 1918 – 1919 йиллардаги Австрия инқилоби Германиядаги инқилоб билан кўплаб умумий жиҳатларга эга эди. Монархияни ағдариш курулли курашсиз амалга оширилди. 1918 йил 12 ноябрда Австрия республика деб эълон қилинди. Мамлакатда Таъсис мажлисига сайловлар ўтказилиб, янги конституцияни ишлаб чиқиш бошланди. 19 февраль куни ўтказилган сайлов натижасида либераллар, консерваторлар ва социал-демократлар вакилларидадан иборат коалицион ҳукумат тузилди. Иқтисодиётнинг вайрон бўлиши оқибатида келиб чиққан ижтимоий норозиликни пасайтириш учун коалицион ҳукумат қарточка бўйича бериладиган озиқ-овқат нормасини ошириш бўйича бир қатор тадбирларни амалга оширди. Зодагонларнинг мақом ва имтиёзларини бекор қилиш, император оиласи мулкини уруш қурбонлари фойдасига мусодара қилиш, 8 соатлик иш кунини ўрнатиш, корхоналарда ишчи қўмиталарини жорий қилиш ҳақида ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилиниб, улар Австрияни ижтимоий қонунчилик соҳасида олдинги ўринга олиб чиқди. 1920 йили қабул қилинган Конституция мамлакатда республика тузуми, буржуа-демократик ҳуқуқ ва эркинликларни жорий қилди.

Венгрия инқилоби. Венгриядаги воқеалар анча драматик характер касб этди. Дастлаб Венгрия инқилоби ҳам Германия ва Австриядаги инқилоблар каби ривожланди. Монархияга мансуб

ҳукумат ағдариб ташланди ва ҳокимият турли партиялар вакиллари-дан иборат коалицион ҳукуматга ўтди. 1918 йил 16 ноябрь куни Венгрия республика деб эълон қилинди. Фуқароларнинг умумдемократик ҳуқуқ ва эркинликлари тан олинди. Меҳнаткашларга саноат ва қишлоқ хўжалигини «социализация» қилиш ва бошқа ислохотлар ваъда қилинди. Аммо граф Каройи бошчилигидаги ҳукумат ислохотларни амалга оширишга шошмади. Айни пайтда, мамлакатнинг иқтисодий аҳволи оғирлашиб борди. Антанта қўшинлари мамлакатнинг бир қисм ҳудудини оккупация қилди. Бу мамлакатдаги ҳолатни кескинлаштириб юборди. Каройи социал-демократларга ҳукумат тузишни таклиф қилиб, ўзи истеъфога чиқди. Социал-демократлар эса, ўз навбатида, ёрдам сўраб эндигина ташкил қилинган Венгрия коммунистик партиясига мурожаат қилди. Бу партия Совет Россиясида бўлиб қайтган бир гуруҳ ҳарбий асирлар ташаббуси билан ташкил қилинган эди. Уларнинг бир қисми (100 кишига яқини) Россиядаги инқилобда большевиклар томонида туриб қатнашган ва ўз ватанида ҳам шундай инқилобни амалга ошириш ташаббуси билан чиқаётган эди.

1919 йил 21 мартда Венгрия совет республикаси эълон қилинди, ҳукумат эса Россиядаги сингари Халқ комиссарлар совети деб аталди. Социал-демократлар ва коммунистлар ягона партияга бирлашдилар.

Венгрия совет республикаси ҳукумати ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари кенгашига таяниб мамлакатни чет эл интервенциясидан ҳимоя қилиш учун Қизил армия тузди ва кескин ўзгаришларни амалга ошириш режасини ишлаб чиқди. Миллий вазифалар (интервенциядан ватанни ҳимоя қилиш) ва ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий тузумни ўзгартириш бўйича дастури Венгрия инқилобига Австрияникига нисбатан кескинлик бахш этди. Ҳукумат саноат корхоналари, банклар, транспорт, улгуржи савдони национализация қилишини эълон қилди. Корхоналарда ишчи назорати ўрнатилди. 100 гектар (57 га) дан зиёд помешчик ерлари экспроприация қилиниб, давлат хўжалигига ўтказилиши белгиланди. 8 соатлик иш куни, ижтимоий суғурта, бепул тиббиёт хизмати бўйича тадбирлар амалга оширилди, меҳнаткашларнинг барча категориялари ойлик маошлари оширилди. Социализм «жорий қилишни» жадаллаштирган инқилобий ҳукумат бир қатор хатоларга йўл қўйди ва бу ҳол унинг ижтимоий таянчини сусайтирди. Помешчикларнинг экспроприация

килинган мулклари ерсиз ва ери кам деҳқонларга берилмади, са-
ноат ва савдонинг кенг национализация қилиниши ўз келажагидан
хавфсираган кичик тадбиркорлар ва савдогарларнинг норозилиги-
ни келтириб чиқарди. Ҳукуматда ва ягона партиядо коммунистлар
билан социалистлар ўртасидаги келишмовчиликлар ҳам кучайди.
Мамлакат ичкарасида Антантада ҳарбий кўмак олаётган экспропри-
ацияга қарши кучлар фаоллашиб кетди. Апрель ўрталарига келиб
Қизил армия Венгрия ҳудудига даъво қилаётган румин ва чехос-
ловак интервентларига қарши курашаётган эди. Фуқаролар уруши
гирдобидо қолган Совет Россияси венгерларга ёрдамга кела олма-
ди. Ҳарбий интервенция кўп жиҳатдан кураш тақдирини ҳал қил-
ди – 1919 йил 1 августда Венгрия совет республикаси ағдариб таш-
ланди. Мамлакатда адмирал М. Хортининг авторитар диктатураси
ўрнатилди. Венгрияда яна монархия эълон қилинди. Ҳокимиятни
тўлиқ эгаллаб олган Хорти регент бўлиб қолди.

**Австро-Венгрия империясининг тарқалиб кетиши ва янги
давлатларнинг ташкил топиши.** Биринчи жаҳон урушининг охир-
ларига келиб Австро-Венгрия империяси таркибига киргаң халқлар
миллий-озодлик ҳаракатини ва миллий давлатлар тузиш учун ку-
рашни бошлаб юбордилар. Вена, Будапешт, Прага ва империя-
нинг чекка ҳудудлари ҳам демократик ва миллий ҳаракатларнинг
ўчоғига айланди. Чехия ва Словакияда миллий кўмиталар тузилиб,
мустақиллик талаби билан чиқа бошладилар. 1918 йил 28 октябрда
Миллий кўмита Прагада Чехословакия давлатининг мустақиллиги-
ни эълон қилди. Аини пайтда, Словакия Миллий кўмитаси 30 ок-
тябрь куни Словакиянинг Венгриядан ажралганлигини эълон
қилди. Бу икки миллий кўмиталар Чехословакия республикасини
тузиш ҳақида келишувга эришдилар.

Югославиянинг ташкил топиши. Австро-Венгрия империя-
си таркибига кирувчи жанубий славян халқларининг мустақиллик
учун кураши ҳам 1918 йил кузида бошланди. Бу кураш давомида
тузилган словенлар, хорватлар ва сербларнинг Халқ вечаши (кенга-
ши) Австро-Венгрия империяси билан алоқаларнинг узилганлиги
ва Словенлар, хорватлар, серблар давлати (СХСД) тузилганлигини
эълон қилди. Аини пайтда, итальян қўшинлари Адриатика денги-
зи соҳилларидаги ерларни эгаллаб олиш учун уруш ҳаракатларини
давом эттираётган эди. Жанубий славян ерларини мамлакат-
да ҳукмронлик қилаётган Қорагеоргиевичлар сулоласи байроғи

остида бирлаштиришни кўпдан бери режалаштириб юрган Сербия Қироллиги уруш хавфи олдида СХСДга бирлашишни таклиф килди. Музокаралар натижасида СХСД ва Сербия Қироллиги бирлашди. Серблар, хорватлар ва словенлар қироллиги тузилганлиги ҳақида қарор қабул қилинди. Бу миллий ва диний таркиби бўйича хилма-хил бўлган давлат Югославия номини олди.

Польша мустақиллигининг тикланиши. Биринчи мустақил Польша ҳукумати 1918 йил 6 ноябрь куни Люблинда тузилди. 11 ноябрда Ю. Пилсудский анча кенг асосдаги ҳукуматни ташкил килди. Унга асосан социалистлар, деҳқонлар партияси вакиллари ва бошқалар кирди. Аммо ҳукумат Польша ҳудудини тўлиқ назорат қилмас эди. 1918 йил декабрда Польша ғарбий ерларининг бир қисми немислардан озод қилинди. Шу сабабли Польшанинг республика сифатида шаклланиши фақат 1919 йил мартда конституция қабул қилиниши билан яқунланди. Польша давлатига Ю. Пилсудский бошчилик килди. Унинг даврида мамлакатни бошқариш авторитар кўриниш касб этди.

Финляндия мустақиллигининг эълон қилиниши. Россияда 1917 йил октябрь давлат тўнтариши натижасида большевиклар ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг 1809 йилдан бери Россия таркибида бўлган Финляндияда демократик ҳукумат тузилди ва Совет Россияси томонидан тан олинди. Аммо мамлакатнинг жанубидаги социалистик инқилоб тарафдорлари томонидан бошланган ҳаракат фуқаролар урушига олиб келди. Бу ерда Қизил гвардия тузилиб, Совет Россиясидан ёрдам олди. 1918 йил апрелда Финляндия ҳукуматига немис дивизияси ёрдамга келди. 1919 йил июлда инқилобий ҳаракат бостирилди. Шундан сўнг Финляндияда социал-демократик ва либерал-консерватив партияларнинг кенг коалицияси асосида ҳукумат тузилди.

Миллий ва пролетар-инқилобий кучларнинг тўқнашуви Болтиқбўйи мамлакатларида ҳам бўлиб ўтди. 1919–1920 йиллари Латвия, Литва ва Эстонияда буржуа-демократик республикалар ўрнатилди.

* * *

Шу тариқа урушдан кейинги дастлабки йилларда Европанинг сиёсий харитасида жиддий ўзгаришлар юз берди, янги ғоявий-сиёсий ва ижтимоий-психологик ҳолат вужудга келди.

I боб бўйича саволлар

1. XX аср бошларига келиб эркин тадбиркорлик капитализми қандай зиддиятларга учради?
2. Капитализм ривожланишидаги қандай муаммолар давлат капитализмининг шаклланишига олиб келди?
3. Эркин тадбиркорлик капитализмига узил-кесил нукта қўйган ҳодиса нималарда намоён бўлди?
4. Европа куёшининг ботиши ижтимоий онгда, санъат ва адабиётда қандай акс этди?
5. Париж тинчлик конференциясининг асосий натижалари нималардан иборат бўлди?
6. Версаль-Вашингтон тизими деганда нимани тушунаси?
7. Биринчи жаҳон урушидан кейин Европанинг бир қатор давлатларида юз берган инкилобларни қандай умумий сабаблар бирлаштириб туради?

II БОБ. БИРИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАРАКАТЛАР ВА МАФКУРАЛАР

Уруш Европа халқлари онгида чуқур из қолдирди. 1920-йиллари Европа мамлакатларида шакланган пацифистик ҳаракатларни нафакат урушни кўрган, унда қатнашган авлоднинг уруш ва зўравонликка қарши нафрати, балки Биринчи жаҳон уруши сингари ҳалокатга бошқа йўл қўймаслик истаги ҳам бирлаштириб турарди. «Пацифизм даври» деб ном олган 1920-йилларда Европа ва АҚШ сиёсатчилари келишиш, муаммоларни тинч усуллар билан ҳал қилиш йўллари топа олдилар.

Биринчи жаҳон уруши йиллари социалистик ҳаракатда юз берган ажралиш сўл радикал қанотда коммунистик партиялар тузилишига олиб келди. Сўллар Совет Россиясининг моддий ва ташкилий кўмагига таяниб, 1919 йили Коминтернни (Коммунистик Интернационал) туздилар. Коминтерн жаҳон социалистик инкилобини амалга ошириш ҳамда ижтимоий адолатга эришишнинг умумий мақсадлари асосида миллий партияларни бирлаштирган ягона халқаро ташкилот сифатида ҳаракат қилди. 1929 йилга келиб капиталистик мамлакатлардаги коммунистик партиялар аъзолари сони 0,8 млн кишига етди. Социал-демократик ва социалистик партия-

лар, ўз навбатида, Ишчилар Социалистик Интернационалини туздилар. Бу партиялар Европа жамияти сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. Улар 6 миллиондан зиёд кишини ўз сафларида бирлаштирди. Бу партиялар социалистик ғояларга эришиш йўллари ҳақида ўзгача қарашга эга эдилар. Улар мавжуд тузумни инкилоб орқали бузиш йўлини рад этарди ва социализмга ислоҳотлар натижасида эришиш мумкинлигига ишонар эди. 1920–1930-йиллари коммунистлар ва социалистлар ўртасидаги қарама-қаршилик баъзи мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятга сезиларли таъсир кўрсатди.

Либерал-демократик ислоҳотчилик ва «умумий фаровонлик давлати» ғояси. Ғарбнинг илғор мамлакатларида урушдан кейин вужудга келган ижтимоий ва сиёсий вазият ҳукмрон қатлам вакиллари, ҳукуматларни ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг самарали йўллари излашга мажбур қилди. Либерал-демократик ҳукуматлар жамиятда борган сари оммалашиб бораётган социалистик ва пайдо бўлаётган фашистик хавфлар олдида тараққиётнинг муқобил йўллари таклиф қилиши, энг асосийси, шаклланган либерал-демократик давлат институтлари ва кадриятлар тизимини сақлаб қолиши зарур эди. Шу тариқа иқтисодни давлат томонидан тартибга солиш ва ривожланишни режалаштиришнинг энг маъқул йўллари излаш ва айни пайтда, хусусий мулкчилик ғояси ва унинг асосларини сақлаб қолишга интилиш «умумий фаровонлик давлати» ғоясига олиб келди. Бу давлатнинг вазибалари аҳолининг муҳтож қатламларига, ишсизлар ва қарияларга ижтимоий ёрдам кўрсатишдан иборат эди. Айнан давлат ишчилар ва тадбиркорлар ўртасида келиб чиққан можароли масалаларни ўзининг тўғридан-тўғри аралашуви орқали ҳал қилиши лозим эди. Дастлаб «умумий фаровонлик давлати»ни яратиш учун ҳаракат XX асрнинг биринчи ярмида АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Скандинавия мамлакатларида амалга оширилди. Албатта, Ғарб жамиятларидаги ислоҳотларнинг суръатлари ва қамрови бир-биридан фарқ қиларди. АҚШ ва Буюк Британияда ислоҳотчилик Биринчи жаҳон урушидан олдин пайдо бўлди. Америка ислоҳотчилиги президентлар Теодор Рузвельт ва Вудро Вильсон бошқаруви даврида ривож топди. Президент Франклин Рузвельт уни янада ривожлантирди ва мукамал сиёсатга айлантирди. Буюк Британияда ислоҳотчилик Дэвид Ллойд Жорж бош вазир пайтида бошланди ва лейбористлар томонидан давом эттирилди.

Бу ислохотлар ғояси инглиз иқтисодчиси Жон Мейнард Кейнс (1883–1946) томонидан илмий асосланди ва у тақдим қилган таклифлар мажмуи «Кейнс назарияси» номини олди. Кейнсчиликнинг асосий ғояси қуйидагича эди: 1) давлат иқтисодий масалаларга фаол аралашishi, айниқса йирик монополистик бирлашмалар фаолиятини тартибга солишда унинг роли юкори бўлмоғи лозим; 2) давлат ижтимоий муаммоларни тартибга солиши, моддий бойликларни жамиятнинг кашшок катлами ўртасида тақсимлаши керак.

Биринчи ғоя ойлик иш ҳақининг минимал даражасини, иш кунининг давомийлигини, ишлаб чиқилган маҳсулот қийматини ва атроф-муҳитни химоя қилиш тартибини ўрнатиш орқали амалга оширилди. Жамиятнинг ижтимоий муаммолари таълим ва соғлиқни сақлаш, ишсиз ва кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, кексалик пенсияларини бериш орқали амалга оширилди.

Кейнс назариясида илгари сурилган таклифларни турли Ғарб давлатларида қўллаш, капитализм инқирозни енгиб ўтиши ва бундан кейин ҳам жамият тараққиётини таъминлаши мумкинлигини, ўзининг ижтимоий тузум сифатида ривожланиш ва яшаш имкониятига эга эканлигини намоиш қилди. Аммо шунга қарамасдан, Европанинг бир қатор мамлакатларида фашизм ва большевизм ғоялари ҳам кенг тарқалди.

Фашизмнинг пайдо бўлиши. 1918–1919 йиллари Ғарбнинг бир қатор мамлакатларида ўнг радикал, экстремистик ҳаракатлар вужудга келиб, умумий ном билан фашизм деб аталди (бу атама латин тилидан келиб чиққан бўлиб, фашио – ячейка, иттифок маъноларини англатади). Фашизм алоҳида мафкуравий ҳаракат ва давлат сиёсий тизими сифатида XX асрнинг биринчи чорагида шаклланди.

Биринчи жаҳон уруши Европа мамлакатлари иқтисодиётини вайрон қилди ва шу билан бирга ижтимоий-сиёсий ҳолатни кескинлаштирди. Бир қатор мамлакатларда ижтимоий-сиёсий кураш кескинлашди ва инқилобий бўҳронлар билан қўшилиб кетди. Уруш келтирган кулфат, сўнг инқилоблар пайтидаги қонли тўқнашувлар, ундан кейин эса юз берган иқтисодий ва ижтимоий инқирозлар – буларнинг барчаси кишиларда конституцион ҳокимиятга ишонч руҳини сўндирди, маънавий инқирозни келтириб чиқарди. Сиёсий ва маънавий инқироздан чиқиш йўлларини излаш жамиятда давлатнинг ролини қайта баҳолашга олиб келди. Иқтисодий тараққиёт

ва ижтимоий муаммоларни давлат бевосита ўз зиммасига олди. Анъанавий равишда сиёсий маданият даражаси юкори бўлган демократик мамлакатларда давлатнинг роли анча кучли бўлиб, бу ислохотларнинг боришига, иктисодни тартибга солишга ва жамиятда ижтимоий таъминот давлат тизимини жорий қилишга ёрдам берди. Анъанавий равишда сиёсий ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатларда (Россия, Италия, Германия, Испания, Португалия) тоталитар-авторитар тизимлар қарор топди. XX асрнинг биринчи ярмидаги тоталитаризм фашизм ва большевизм сингари ўта ўнғ ва сўл шакллари билан характерланади.

«Фашизм» тушунчаси Италияда пайдо бўлди. Германияда бу ҳаракат «национал социализм» номини олди. Италия ва Германияда фашизмнинг пайдо бўлишига бу мамлакатлардаги ўхшаш шароитлар имкон яратди. Биринчидан, иккала мамлакатларда ҳам марказлашган миллий давлатлар нисбатан кеч пайдо бўлди. Агар Франция ва Буюк Британия жуда катта ижтимоий-сиёсий тажрибага эга бўлиб, XVII–XVIII асрлардаёқ фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар давлат қонунларида белгилаб қўйилган бўлса, Германия ва Италияда дастлабки конституциялар XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Бу давлатларда демократик ва фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликлари жуда чекланган эди. Фикр эркинлиги ва шахс манфаатлари янги сиёсий гояларнинг устувор асосларига айланмади, аксинча, қўпол кучга бўйсунди, ҳокимиятга тобелик, мавжуд ҳолатдан миннатдорлик, шукроналик ҳисси тарғиб қилинди. Сиёсий қолоқлик шовинизм ва миллатчиликни келтириб чиқарди. Иккинчидан, урушдан кейинги иктисодий қийинчиликлар, инқилобий ҳаракатнинг кучайиши мулкидан айрилган кичик ва ўрта мулкдорларда бир томондан, йирик капиталга, бошқа томондан, инқилобий кучларга нисбатан ҳам нафрат ҳиссини уйғотди. Фашизмнинг ижтимоий негизини жамиятда ўзининг аввалги обрўсини йўқотган, қашшоқлашган қатлам, ҳаётда ўз ўрнини тополмаётган офицерлар, шунингдек, хонавайрон бўлаётган майда мулкдорлар ташкил қилди. Шу тариқа фашизм ғояси қарор топиши учун жуда қулай муҳит пайдо бўлди. Учинчидан, Германияда Версаль сулҳининг оғир шартлари, Италияда эса Париж конференцияси кутилган умидларни окламагани бу мамлакатларда миллий гуруҳнинг топталганлиги ҳиссини пайдо қилди. Ушбу омилларнинг

барчаси жам бўлиб, фашизмни келтириб чиқарган ва жамиятда етакчи сиёсий кучга айлантирган сабаблар бўлди.

Фашизм мафкураси. Фашизм мафкураси жамиятда азалдан сақланиб келаётган миллатчилик, ирқчилик, шовинизм ғоялари устига қурилди. Пангерманизм ва шовинизм ўртасида бевосита алоқа мавжуд. XIX асрнинг 80–90-йилларида фаол ҳаракат қилган пангерманизм учта асосий ғояга таянади: 1) Германия Европа қитъасида ҳукмронлик қилмоғи лозим; 2) немис тилида сўзлашувчи барча халқлар ягона Германия империясига бирлашиши керак; 3) Германия ўзининг мустамлака ерларини кенгайтирмоғи лозим.

Фашистик (нацистик) мафқуранинг асосини ирқчилик, миллатчилик ва шовинизм назарияси ташкил қилди. Фашизм мафқурасига биноан немис-орийлар – олий ирқ, бошқа барча халқлардан устун туради. Рейх раҳбарлари олий ирқнинг софлигини тиклашни ўзларининг вазифалари деб билдилар. Ирқчилик назарияси шовинизм билан узвий боғланган эди. Антиинтеллектуализм, зўравонлик ва кўпол кучнинг устунлиги, давлатнинг ролини қайта баҳолаш (этатизм), раҳбарга сўзсиз итоат қилиш (доҳийпарастлик) кабилар ҳам фашистик мафқуранинг таркибий қисмларига айланди.

Ажабланарлиси шундаки, фашизмнинг ҳам ўзига хос ахлоқий тамойиллари мавжуд эди: бурч, ор-номус, кондошлик ва бошқа шу каби тушунчаларни улар ўзларича талқин қилади. Шунга қарамасдан, улар ўзаро ахлоқ ва гуманизм орқали эмас, ирқчилик назарияси орқали боғланган эди. Фашизм мафқураси онгга, ақлидрокка эмас, ақидаларга сўзсиз, кўр-кўрона бўйсунушга асосланган ва шу сабабли бундай тоталитар жамиятда билимли, маърифатли кишиларга эҳтиёж бўлмади.

Фашистик ҳаракатнинг лидерлари ижтимоий сафсатабозликдан кенг фойдаландилар, кишиларнинг миллатчилик ҳиссиётига таъсир ўтказишга ҳаракат қилдилар, ўз миллати учун ижтимоий адолатни, «янги жамиятнинг» ўзларига маъқул шаклини куришни ваъда қилдилар.

Большевизм. Большевизм – бу XX аср Россия инкилобий ҳаракатидаги мафкура, назария ва ижтимоий тажриба. Большевизмнинг интеллектуал-сиёсий оқим сифатида пайдо бўлишини анъанавий равишда 1903 йили Россия социал-демократик ишчи партияси (РСДРП) иккинчи съездида юз берган ажралиш билан боғлашади. РСДРПнинг II съездида янги типдаги партия масаласининг

муҳокамаси ажралишга сабаб бўлди. Партия Устави устида иш-лаш жараёнида В. Ленин ва Ю. Мартов партияга аъзолик ҳақидаги банднинг икки хил матнини таклиф қилдилар. Ленин – партия дастури ва уставини тан олган, аъзолик бадалларини тўлайдиган ва партия ташкилотларидан бирида ишлайдиган фуқаро партия аъзоси бўлиши мумкин, деган матнни таклиф қилди. Ю. Мартов эса иккита талаб билан чекланиш ва партия ташкилотларидан бирида ишлаш талабини олиб ташлашни таклиф қилди. Партиянинг мар-казий органларига сайловларда Ленин тарафдорлари кўпчилиқни ташкил қилди. Ленин ўз фракциясини «большевиклар» (кўпчилик) деб атади. Мартов эса ўз тарафдорларини «меньшевиклар» (озчи-лик) деб атади. Кейинчалик кўпчилик ҳолларда Ленин тарафдорла-ри озчиликни ташкил қилган бўлса-да, улар сиёсий жиҳатдан анча жарангдор бўлган «большевик» номини ўзларида охиригача саклаб қолди. Улар Россияда фуқаролар урушининг (1918–1920) катализа-тори ва асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, мамлакатда ҳоки-миятни эгаллаб олди.

Большевизмнинг шароитни баҳолашга ўта экстремистик ёндо-шуви ҳамда фикрлашнинг авторитарлиги билан характерланувчи ижтимоий ва сиёсий амалиёти асосан марксизм ва сўл доктриналар билан боғланган. Большевизмга кишилар ҳаракатини, ижтимоий ёки шахсий хулқ-атворини баҳолашда априор ёндошув хос – ҳар қандай фикр, қараш ва шу қабиларнинг «ҳақиқийлиги» унинг апри-ори «ягона тўғри» таълимотга (масалан, марксизмга) мослигидан, олдинга қўйилган мақсадга (масалан, коммунистик жамият қуриш, социал инқилобни амалга ошириш) йўналтирилганлигидан келиб чиқиб баҳоланади. 1920 – 1930-йиллардаги совет мафқурасида син-фий ахлоқ концепцияси кенг тарқалган бўлиб, унга биноан фақат ишчилар синфи диктатураси манфаатлари йўлида қилинган ҳаракат ахлоқий аҳамият касб этиши мумкин эди.

Шу сабабли большевизм мафқурасининг айрим таркибий қисм-лари дунёнинг кўплаб, айниқса ижтимоий кескинлик кучли бўлган Осиё, Лотин Америкаси ва Африка мамлакатларида кенг тарқалди. Бундай оммавийлик шу билан изоҳланадики, большевиклар дасту-рининг асосий тезислари қашшоқлашган кенг оммага мўлжалланган эди. Бундай ёндошув Октябрь тўнтаришида, Фуқаролар уруши-да большевиклар қозонган галабада, янги социалистик жамиятни қуриш жараёнида ўзининг самарадорлигини исботлади.

Большевиклар партиясининг шаклланиши Россияда марксизмнинг – XIX асрдаги буржуа жамияти, уни инқилобий йўл билан янги ижтимоий-иқтисодий формацияга – коммунизмга айлантиришнинг йўллари ва усуллари ҳақида К. Маркс ва Ф. Энгельснинг сиёсий қарашлари, принциплари ва ғоялари тизимининг кенг тарқалиши билан боғлиқ эди. Партиянинг яратилишида Женевада яшайдиган дастлабки рус марксист-эмигрантлари (Г.В. Плеханов, П.Б. Аксельрод, В.И. Засулич, Л.Г. Дейч ва бошқалар) томонидан 1883 йили тузилган «Меҳнатни озод қилиш» гуруҳи муҳим роль ўйнади. Бу гуруҳ аъзолари К. Маркс ва Ф. Энгельснинг бир қатор асарларини рус тилига таржима қилди. Бу асарлар орасида «Коммунистик партия манифести» номли асар (1848 йили ёзилган) ҳам бўлиб, унда капитализм ҳалокатининг муқаррарлиги кўрсатилган ҳамда реакция буржуа синфини йўқ қилишда, ўз партиясини тузишда, сиёсий ҳокимиятни эгаллашда, кейин эса хусусий мулкни ва инсонни эксплуатация қилишни бартараф этишда пролетариат синфининг етакчилик роли очиб берилган. Ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар Россиянинг узил-кесил капиталистик тараққиёт йўлига кирганлигини намоён қилди. Марксизмнинг Россиядаги тарафдорлари ўзларининг асосий эътиборини мамлакат тақдири учун бурилиш нуқтаси бўлган мана шу жараённи англашга қаратди.

• Большевизм мафқураси. В. Лениннинг сиёсий таълимоти. «Синф диктатураси» феноменининг мазмунини В. Ленин қуйидагича таърифлайди: биринчидан, маълум синф диктатураси унинг ҳокимиятини, яъни шу синфнинг бошқа барча ижтимоий гуруҳлар устидан ҳукмронлигини, унинг иродасига ва манфаатларига барча жамият аъзоларининг бўйсунлигини белгилаб беради. Иккинчидан, бундай диктатурада ҳукмрон синф ҳокимияти тўғридан-тўғри турли шаклдаги зўравонликка таянади. В. Ленин зўравонликни диктатуранинг зарурий омилларида бири деб билади. Учинчидан, синф диктатурасининг зарурий белгиларидан бири унинг тўлиқ «эркинлиги», яъни бирон-бир қонун билан мутлақо чекланмаганлигидир.

Давлатнинг синфий диктатура сифатидаги моҳиятини марксча-ленинча талқин қилишнинг бошқа томони – бу демократияни, эркинликни, гуманизм принципини идрок қилиш ва баҳолашдир. В. Лениннинг фикрича, буларнинг деярли барчаси фақат ташқи атрибутлар бўлиб, меҳнатқашларни, халқ оммасини чалғитади,

давлатнинг жабр-зулмга асосланган характерини яшириш учун хизмат қилади. Турли хил демократик-ҳуқуқий институтлар ва нормаларни фойдаланиш ва рад этиш лозим. Улардан баъзилари, масалан, парламентаризмдан ҳукмрон синфлар диктатурасига қарши курашда фойдаланиш лозим. «Давлат ва инқилоб» муаммоларини анализ қилиб, В. Ленин шундай ёзади: «Давлат ҳокимиятининг бир синфдан бошқа бир синф қўлига ўтиши, соф илмий жиҳатдан ҳам, амалий-сиёсий аҳамияти нуқтаи назаридан ҳам инқилоб тушунчасининг асосий белгисидир». Бундай қарашда ҳокимиятга келган пролетариатнинг буржуа давлатига муносабатини аниқлаб олиш лозим бўлади. Бу муносабатнинг икки хил варианты бўлиб, биринчисидан, пролетариат тайёр давлат машинасини эгаллаб олади ва ундан ўзининг вазифаларини ҳал қилишда фойдаланади. Иккинчиси, пролетариат буржуа давлатчилигини ағдаради, бузиб ташлайди ва унинг ўрнида принцип жиҳатидан янги типдаги давлатни куради. К. Маркс сингари В. Ленин ҳам ҳеч иккиланмасдан иккинчи имкониятни танлайди: «...барча илгариги инқилоблар давлат машинасини мукаммаллаштирди, аслида эса уни синдириш, бузиш керак. Бу фикр марксизмнинг давлат ҳақидаги бош, асосий хулосасидир», – деб ёзади.

1920-йилларнинг ўрталаридан бошлаб кейинги ўттиз йил ичида Ленин ғояларининг асосий ҳимоячиси ва шарҳловчиси, большевикларнинг етакчи назариётчиси И. Сталин бўлди. Сталин реалликни кўнқирралади, мураккаб ва ички зиддиятли жараён сифатида тасаввур қилишдан йироқ эди. Сталинча фикрлашга илмий-назарий анализ ёт усул бўлган. У пролетариатнинг вазифасини ҳам, социалистик давлат куриш жараёнини ҳам тўхтовсиз давом этадиган синфий кураш ҳақидаги ленинча назарияга боғлайди. Бу эса социалистик жамият куриш жараёнида аввал сиёсий рақибларига, кейин кенг халқ оmmasига нисбатан ўта шафқатсиз усуллардан фойдаланишга, миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг қурбон қилинишига олиб келди.

1916 йили В. Ленин классик марксизмни янги шароитда ривожлантиришга катта ҳисса бўлган ўзининг «Империализм – капитализмнинг юқори босқичи» номли асарини ёзди. Бу асарда империализм босқичида капитализмнинг иқтисодий ва сиёсий нотекис ривожланиши назарий жиҳатдан асосланди ва шундан келиб чиқиб, агар инқилобий ҳаракатга пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун охиригача боришга тайёр бўлган ишчилар синфининг авангар-

ди бошчилик килса, социализм дастлаб бир неча ёки алоҳида битта, ҳатто Россия сингари иқтисодий қолоқ мамлакатда ҳам ғалаба қозониши мумкин, деган хулосага келди. Бу хулоса 1917 йил октябрдаги куролли қўзғолонга, давлат тўнтаришига ва ҳокимиятнинг большевиклар томонидан эгалланишига олиб келди.

Тоталитаризм. Тоталитаризм (лотинча «totalis» – умумий, ялпи) фанда XX асрнинг иккинчи ярмидан фаол қўлланила бошланди. Аммо тоталитаризмнинг ғоявий илдишлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Платон, Томас Мор, Бабёф, Руссо, Гегель, Маркс, Ницше ва бошқа олимлар озчиликнинг кўпчиликка, шахснинг давлатга бўйсунуши, жамиятнинг давлат томонидан бошқарилиши зарурлигини асослашга уринишган эди. XX асрнинг 40 – 50-йилларида тоталитаризм назарияси Ф. Хайек, Х. Аранд, К. Фридрих, З. Бзежинский ва бошқа кўплаб муаллифлар асарларида ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда бу атама сўнгги 25 йил ичида илмий муомалага кирди ва асосан совет даврини таърифлашда фаол қўлланилмоқда.

Тоталитаризм XX аср ҳодисаси бўлиб, бутун сиёсий тизим ва жамият ҳаёти устидан тўлиқ давлат назорати ўрнатилишини билдиради. Унда демократик ташкилотлар тақиқланади, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, сиёсий муҳолифат фаолияти бекор қилинади.

XX асрда модернизация йўлига кирган бир қатор мамлакатларда ана шундай тоталитар сиёсий режимлар ўрнатилди.

Бу мамлакатларда (Германия, Россия, Италия) давлатнинг жамиятдаги роли либерал демократиянинг ватани ҳисобланган Буюк Британия ва АҚШга нисбатан юқори эди. Масалан, 1913 йили АҚШда ялпи миллий маҳсулотнинг 9 % и давлат томонидан қайта тақсимлаган бўлса, бу кўрсаткич Германияда 18 %, яъни икки баробар кўп эди. Тоталитар давлатлар ижтимоий ва иқтисодий муаммолар кескинлашган пайтда шу кескинликни юмшатишнинг йўли сифатида давлатнинг тартибга солувчи ролини янада оширади. Натижада бутун ишлаб чиқариш, тақсимот ва айрибошлаш, жамиятнинг маънавий ҳаёти, фуқароларнинг хулқ-атвори ва ҳатто, фикрлари устидан тўлиқ (тотал) давлат назорати ўрнатилади. Давлат функциясининг бундай кенгайиши унинг табиатини ҳам ўзгартиришни, давлат билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги типини шакллантиришни тақозо этади.

Тоталитаризмнинг мафкуравий ва сиёсий асослари. Жамиятнинг катта қисмида ягона кадриятлар тизими, мафкура, сиёсий дастур ва уларнинг амалга оширилиши учун давлатнинг алоҳида ролига эҳтиёж пайдо бўлганда тоталитар сиёсий режим ўрнатилиши учун шарт-шароит туғилади.

Тоталитар режимларда инсон, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари охирги ўринда туради. Большевистик, нацистик, фашистик ва бошқа тоталитар мафкуралар асосида ўрнатилган сиёсий режимлар аввалбошданок ашаддий тоталитаризмга, энг юқори лавозимдаги кишининг шахсига сиғинишга, онг устидан кўпол кучнинг, зўравонликнинг устунлигига асосланади. Шу боис жамиятда тоталитар режимлар ўрнатилиши билан оммавий равишда, зўравонлик йўли билан кишилар онгини ўзгартиришга киришилади. Ўн миллионлаб кишиларни расмий стандартлар бўйича ўйлашга мажбурлаш, умумий фикрга қўшилмаганларнинг овозини ўчириш – тоталитар режимлар қарор топишининг умумий усули бўлиб қолди. Буни амалга ошириш учун Гестапо, КГБ каби жазо органлари ташкил қилинади, уларнинг бўлимлари ҳар бир провинция, район ва бошқа маъмурий бўлинмаларда фаолият юритиб, ўз фуқаролари устидан тотал назоратни амалга оширади, тоталитар ҳокимиятнинг жойлардаги таянчига айланади.

Тарихан тоталитаризмнинг ўтмишдоши диний мутаассиблик бўлса-да, XX асрнинг тоталитар мафкуралари дин билан боғлиқ эмас. Ўтмишдаги диний-тоталитар экспериментлар ўз миқёси ва мақсадининг характерига кўра чекланган эди. Фақат XX асрга келиб ўз ғояларини тарғиб қилиш учун оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланувчи сиёсий партияларнинг вужудга келиши туфайли тоталитаризм тарихий ҳодиса сифатида намоён бўлди.

Тоталитар мафкуранинг ўзига хос жиҳати унинг мутлоқ ҳақиқатга, қандайдир олий манфаатларни (миллий ёки синфий ва ҳ.к.) ифода этишга даъво қилишидир. Бу мафкура тоталитар режимнинг таянчи бўлган оломонга мўлжалланганлиги учун оммабоп характер касб этади. Унинг шиорлари оддий, кишиларнинг ақл-идроки, теҳнига эмас, кўпроқ ҳиссиётига мўлжалланган бўлади. Бундай мафкуранинг ифодачиси бўлиб тоталитар сиёсий партия ёки гуруҳ майдонга чиқади. Сайлов ёки тўнтариш йўли билан бундай партия ёки гуруҳнинг ҳокимиятга келиши тоталитар режимнинг ўрнатилишини бошлаб беради. Тоталитар режимларда ҳокимиятга

келишнинг ёки ҳокимият алмашинувининг конституциявий нормалари кўпол бузилади, мавжуд конституциялар бекор қилинади, ўзгартирилади ёки ҳокимиятда турган шахсга мослаб, уларни четлаб ўтиш йўллари топилади. Тоталитар режимнинг характерли томони шундаки, унда инсон ҳаёти қадрсизланади, кишиларнинг эрки ва ҳақ-хуқуқлари мафкура манфаатлари учун қурбон қилинади, Гестапо, КГБ сингари ташкилотлар томонидан поймол қилинади.

Тоталитар режимларнинг ўрнатилишида кенг ташвиқот ва унинг омили бўлган оммавий ахборот воситалари катта роль ўйнайди. Улар ёрдамида халқ, синф ёки миллат тарихидан фақат ғалабалар, ютуқлар, машҳур тарихий шахслар олиниб, кўз-кўз қилинади, айниқса иқтисодий ва маънавий тушқунлик дамларида буюк ўтмиш ва унга мос буюк келажак (масалан, коммунизм) ҳақидаги сафсаталар тоталитар мафкуранинг таркибий қисмига, расмий ташвиқотнинг бош мавзусига айланади, тарих, маданият сохталаштирилади ва соддалаштирилади. Зотан, тарихни соддалаштириш, воқеа-ҳодисаларни содда ҳолда тушунтиришга интилиш тоталитар режимларда халқни оломонга айлантиришнинг кенг тарқалган йўли ҳисобланади. Тоталитар режимлар учун ҳиссиётга берилувчи, ҳодисаларнинг мазмунини тушунишга эмас, унинг ташқи кўринишидан, шаклидан лаззат олишга интилувчи оломон асосий ижтимоий таянч ҳисобланади.

Шу оломонга мос «зиёлилар» қатлами шаклланиб, ижтимоий тараққиёт муаммолари ва тарих тўғрисида ўзларининг содда қарашларини яратади, жамиятда умумий шукроналик руҳини яратишга интилади, санъат умуминсоний муаммоларни четлаб, турмушнинг хусусий, майда иқир-чиқирларини ижтимоий муаммо даражасига кўтаради, оммавий ахборот воситалари орқали уни тарғиб қилади. Адабиётда ҳам замонга мос «майда» ёзувчилар кўпайиб, адабиётнинг асосий вазифаси тоталитар режимга хизмат қилиш, баъзан очикча маддоҳликдан иборат деб билади. Шу тарих аъзоларининг асосий қисмини оломонга айлантирган жамият маънавий қашшоқлашиб боради ва охир-оқибатда таназзулга юз тутади.

Демак, тоталитар жамиятлар қуйидаги умумий жиҳатларга эга бўлади:

– илгари мавжуд бўлган тартибни тўлиқ рад этувчи расмий мафкуранинг мавжудлиги; янги мафкура фуқароларни янги жамият қуриш йўлида бирлаштириши лозим;

– лидернинг шахсига сиғиниш, у бошчилик киладиган ягона оммавий партиянинг мавжудлиги;

– ҳукмрон элита учун имтиёзлар ва назоратсизлик мавжуд бўлган ҳолда аҳолининг мутлоқ кўпчилигида реал ҳуқуқ ва эркинликларнинг йўқлиги;

– иқтисоднинг марказлашган бюрократик ҳолда бошқарилиши.

Тоталитар режим ўзининг асосий моҳиятига кўра битта ҳукмрон тўданинг аҳоли қолган қисмига нисбатан мутлақо чекланмаган диктатурасидир.

XX асрда бир-бирига қарама-қарши турган иккита тоталитар мафкуралар – фашизм ва советлар большевизми ҳамда улар асосида мавжуд бўлган давлатлар қулагандан кейин ҳам тоталитаризм ўз долзарблигини йўқотмади.

Фашизм ва большевизм. Фашизм билан большевизм ўртасидаги ажойиб бир ўхшашлик XX асрнинг 20 – 30-йилларидаёқ тадқиқотчилар эътиборига тушди. Албатта, фашизм ва большевизмда умумий ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Булар: ҳокимиятни зўравонлик йўли билан эгаллаб олиш, сиёсий мухолифларни қамаш, ўлдириш орқали йўқ қилиш, битта партиянинг ҳукмронлиги, раҳбарга (дохийга) итоаткорлик, оммавий қатагон ва шу қабилар эди. Бироқ, фашизм ва большевизмнинг мақсадлари ва мафкуралари ўртасида анча фарқ ҳам мавжуд. Агар большевиклар эзилган синфлар ва халқларнинг тенглиги, бирдамлигини (интернационализм)ташвиқот қилсалар, фашистларнинг маслағи шовинизм ва расизм эди. Фашизм либерализм ва демократияни илдизи билан йўқ қилиб ташлади. Большевиклар эса конституция ва бошқа барча юридик ҳужжатларда тенглик, эркинлик, адолат ва бошқа ахлоқий-этик нормаларни сақлаб қолди. Большевиклар инсоният асрлар давомида орзу қилиб келган адолатли жамият қуришни ўзларининг асосий мақсади деб эълон қилдилар. Аммо большевиклар томонидан бу ёрқин идеалларни амалга ошириш жараёни улар эълон қилган кадриятлардан анча узоқ эди. Фашистлар ишчиларни ўз томонига жалб қилиш учун социалистик ғоялардан вақтинча фойдаландилар. Большевиклар эса орзу-истакларни воқелик тарзида тақдим қилиб, социализм қуриб бўлинганлигини эълон қилдилар ва бу билан социалистик ғояларнинг моҳиятини кадрсизлантирди.

Фашистлар ва большевиклар ҳамда уларнинг тоталитар партиялари «янги ижтимоий тузумлар» ҳақидаги ўзларининг утопик

қарашларини либерал-демократик давлат тузилиши ғояларига, парламентаризмга қарши қўйдилар. Улар учун хос бўлган жиҳат ҳокимиятнинг диктаторлик шаклларини ўрнатишга интилиш эди. Либерал-демократик давлатлар урушдан кейинги муаммоларни тез ва самарали ҳал қилиш йўлларини тополмаганлиги ҳам жамиятда кучли, қаттиққўл режимга, диктатурага эҳтиёжни келтириб чиқарди.

Европа мамлакатларида Халқ фронтлари. Фашистлар ҳокимиятга келган мамлакатларда демократик тизимни тўлиқ йўқ қилиб ташлади, фуқаролик ҳуқуқларини чеклади, тоталитар режимлар ўрнатди. Янги сиёсий воқелик барча демократик кучларнинг фашизмга қарши курашга бирлашишини талаб қиларди. Европа халқлари мураккаб танлаш олдида турарди: илгари буржуа демократиясига асосий хавф деб пролетариат диктатураси қаралган бўлса, энди буржуа демократиясига асосий хавфни фашизм солаётган эди. 1930-йиллари бир қатор Европа мамлакатларида вужудга келган ижтимоий-сиёсий ҳолат натижасида антифашистик фронтлар ҳам турли шаклларга эга бўлди. Тоталитар диктатура ёки авторитар режимлар ҳукмрон бўлган мамлакатларда Халқ фронтлари яширин ҳолатда пайдо бўлди ёки эмиграцияда туриб фаолият юритди. Германия, Италия, Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида Халқ фронтлари шундай ҳолатда эди. Демократик мамлакатларда Халқ fronti аҳолининг барча қатламларини бирлаштирди бу эса фашистларнинг ҳокимиятга келишига йўл қўймади.

Халқ fronti ҳокимиятлари учта давлат – Франция, Испания ва Чилида шакллантирилди. Бу ҳукуматларнинг асосий вазифаси фашизмга қарши барча демократик кучларни бирлаштириш бўлди. Халқ фронтлари буржуазия билан пролетариат ўртасидаги кураш муаммоларидан алоҳида ҳолда вужудга келди. Шу сабабли бу ҳукуматларни ишчилар синфи ёки пролетар диктатурасининг ғалабаси сифатида қараш лозим эмас. Аксинча, халқ фронтлари Европа мамлакатларида демократия ривожланишининг натижаси сифатида пайдо бўлди. 1930-йилларнинг мураккаб шароитида халқ фронтлари узил-кесил ғалаба қозона олмади, бироқ Иккинчи жаҳон уруши йилларида улар ҳал қилувчи роль ўйнади.

Шундай килиб, Биринчи жаҳон урушидан сўнг вужудга келган шароит жамиятнинг кейинги тараққиёти тўғрисида турли қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Либерал-демократик ривожланиш доирасида пайдо бўлган янги йўналишлар билан бир қаторда фашизм ва большевизм сингари радикал ғоялар ҳам шаклланиб, улар инсоният тараққиётининг кейинги босқичида муҳим роль ўйнади.

II боб бўйича саволлар

1. Пацифизм даври деганда нимани тушунасиш? Европада пацифистик ҳаракат нималарда намоён бўлди?
2. «Умумий фаровонлик давлати» ғоясининг асосини қандай қарашлар ташкил қилади?
3. Европада фашизмнинг пайдо бўлишига қандай омиллар сабаб бўлди?
4. Большевизм ва унинг Россияда пайдо бўлиши сабаблари ҳақида нималарни биласиз?
5. Тоталитаризмнинг пайдо бўлиш сабаблари ва мафкуравий асослари ҳақида нималарни биласиз?
6. Тоталитар жамиятнинг асосий белгилари нималардан иборат?
7. Фашизм ва большевизмнинг ўхшаш ва фарқли томонлари нималардан иборат?

III БОБ. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ МУАММОЛАРИ

1920-йиллардаги иқтисодий барқарорлашув. Урушдан кейин пулнинг қадрсизланишини енгиб ўтиш, миллий валюталарнинг қадрини тиклаш, айниқса, 1924 йилгача иқтисодий тартибсизликнинг маркази бўлиб қолаётган Германияда тартибни тиклаш Европа мамлакатларида хўжалик ҳаётини барқарорлаштиришнинг муҳим шарти эди. Германияга кредит беришни назарда тутган Дауэс режасини амалга ошириш Германия иқтисодиётини тиклаш ва халқаро иқтисодий муносабатларни изга солиш имконини берди. Пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш урушдан кейинги иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти бўлди. Уруш ва ундан кейинги вайронгарчилик даврида эскирган техникани алмаштириш, янги технологияларни жо-

рий қилиш бошланди. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари (Англия, АҚШ, Франция) модернизация жараёнини давом эттириб, индустриал жамият босқичига ўтдилар. Бу мамлакатлар тарихий тараққиётидаги миллий фарқларга қарамадан, уларни умумий миллий даромадда саноат маҳсулотларининг устуворлиги, ривожланган ва нисбатан барқарор сиёсий тизимнинг шаклланганлиги, фуқаролик жамияти ва унга хос бўлган мустақил нодавлат ташкилотлар тизимининг мавжудлиги, шаҳар аҳолиси сонининг доимий ошиб бориши, аҳолининг нисбатан юқори саводлилиқ даражаси каби жиҳатлар бирлаштириб турарди.

1920-йиллари илғор капиталистик мамлакатларда иқтисодий тизимни жиддий қайта қуриш амалга оширилди, урушдан кейинги вайронгарчилик енгиб ўтилди, яшаш шароити яхшиланди. Оммавий ишлаб чиқариш соҳалари – автомобилсозлик, электротехника, химия саноати олдинги ўринга чиқди. Автомобиль конвейери, стан-дартлаштириш, бир хил деталларнинг кенг қўлланилиши, меҳнат жараёнини интенсифлаштириш мақсадида уни бошқариш ва ташкил қилишнинг янги самарадор усулларини жорий қилиш оммавий ишлаб чиқаришнинг янги техник даражаси ва имкониятларини акс эттирарди. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини, самарадорлигини ва ишлаб чиқаришдан олинадиган фойдани кескин ошириш имконини берди. 1914 йили биринчи конвейер ташкил қилган АҚШ «автомобиль кироли» Генри Форд ўзининг «Менинг ҳаётим, менинг ютуқларим» деб номланган китобида маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил қилишнинг янги тамойилларини баён қилди ва америкалик ҳамда европалик тадбиркорлар ўй-хаёлларининг ҳукмдорига айланди.

Энг жадал иқтисодий ўсиш АҚШда юз берди. Халқаро савдо урушдан олдинги даражасига нисбатан 1/3 мартага ўсди. Ўша йиллари америкача «просперити» (гуллаб-яшнаш) сўзи иқтисоднинг инқирозсиз даври бошланганлигига ишончни билдирар эди. Бир қатор Европа мамлакатларида иқтисодий ривожланишнинг бозор механизмлари билан бирга давлатнинг тартибга солиш сиёсати ҳам иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим роль ўйнади. Шунга қарамадан капиталистик дунёда иқтисодий тараққиёт бир хилда юз бермади. Агар АҚШ, Франция, Германия нисбатан жадал суръатлар билан ривожланган бўлса, Англия, Жанубий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида ривожланиш суръатлари анча паст

эди. Бунинг устига капиталистик мамлакатлардаги барқарорлашув жараёни мустақкам эмасди. Унинг энг бўш жойи 1920-йилларнинг охирида вужудга келган оммавий товар ишлаб чиқариш билан аҳолининг паст харид қобилияти ўртасидаги номутаносиблик бўлди. 1930-йилларнинг бошларига келиб аҳолининг харид қобилияти кескин тушиб кетди. Савдо инқирози бошланиб, товарлар оғборларда йиғилиб қолди. Рақобат ва ишлаб чиқаришдаги бошбошдоклик, аҳолининг паст харид қобилияти капиталистик хўжалик тизимини муқаррар равишда инқирозга олиб келарди. Реклама, кредит, бўлиб-бўлиб тўлаш шарти ҳам ҳолатни кутқара олмади. 1929 йил 24 октябрда Нью-Йорк фонд биржасида саросималик бошланди: бирданига барча ўз акцияларини сотишни хоҳлаб қолди. Шу тариқа нисбатан «гуллаб-яшнаш» даври тугади. АҚШнинг ортидан бутун капиталистик дунё жаҳон иқтисодий инқирозининг гирдобига шўнғиб кетди.

1920-йиллардаги сиёсий барқарорлашув. Европа давлатларининг урушдан тинчликка ўтиш жараёни анча узоқ давом этди. Тинчлик шартномаларининг имзоланиши, империялар вайроналари устида янги давлатларнинг ташкил топиши, Совет Россияси билан Г'арб давлатлари ўртасида муносабатларнинг нормаллашуви ижтимоий-сиёсий ҳолатнинг барқарорлашуви учун имконият яратди. Ҳаётнинг нормаллашуви жараёни дастлаб ғолиб давлатларда бошланди. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Скандинавия мамлакатлари иқтисодни тинч изга солиш жараёнини яқунлаб, иқтисодий ўсиш йўлига кирдилар ва бу ҳол 1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозигача давом этди.

Биринчи жаҳон уруши Европа жамиятининг асосларини ларзага келтирди. О. Шпенглернинг урушдан кейин нашр қилинган «Европа қуёшининг ботиши» номли асари кўп жиҳатдан жамиятда мавжуд тушкунлик кайфиятини ва юксак орзуларнинг барбод бўлганлигини ёрқин акс эттирди. Инқилоблар, сиёсий инқирозлар, халкнинг қашшоқлашуви ҳукуматлардан, сиёсий партиялардан янги сиёсий курсни талаб қиларди. Бошқаришнинг усули сифатида миллий ва халқаро миқёсларда зўравонлик қўлланиб келаётганига қарамасдан, бу йиллари жамият устидан назорат ўрнатишнинг бошқа, энг самарали усуллари – ислохотчилик ва сиёсий тактика олдинги ўринга чиқади. Бу ҳол халқаро алоқаларнинг ҳам ўзига хос жиҳатига айланди. Миллатлар Лигаси ҳузурида тузилган Халқаро меҳнат

ташкilotи (ХМТ) касаба уюшмалари ва ишчилар ташкilotларининг асосий ижтимоий ва иқтисодий талабларини ўз ҳужжатларига киритди. Бундай йўл тутиш урушдан кейинги дастлабки йилларда либерал ва социал-демократик партиялар сиёсати учун хос эди. Социал-демократик партиялар Европанинг сиёсий тарихида илк бор ҳукуматларни бошқарди ёки бошқа сиёсий партиялар билан коалицияда ҳукумат таркибига кирди. Улар сафида 8 миллиондан зиёд аъзолар бор эди, улар учун ўн миллионлаб кишилар овоз бердилар. Социал-демократлар таъсирининг ошишига, уларни қўллаётган кучлар сафининг кенгайишига урушдан кейин деярли барча Европа давлатларида умумий сайлов ҳукуқининг жорий қилиниши сабаб бўлди. Аёллар ҳам шундай ҳуқуққа эга бўлдилар. 1920-йилларга келиб турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатини ифода этувчи матбуот сиёсий курашда муҳим роль ўйнай бошлади. Радио, кинематография ахборот етказишнинг қудратли воситасига айланди, «оммавий маданият» шаклланди. «Халқ капитализми», инқирозсиз капитализм каби ғояларни тарғиб қилиш ҳам жамиятда ислохотчилик руҳининг ва ижтимоий ҳаракатларнинг сусайишига олиб келди.

Ислохотларга интилиш фақат барқарор парламент тизимига эга бўлган Буюк Британия, АҚШ, Франция, Скандинавия мамлакатларига хос бўлмасдан, янги ташкил топган Европа давлатларининг бир қисми ҳам шу йўлдан бордилар. Бироқ 1920-йиллари жамиятда ишчилар ва демократик ҳаракатлар муҳим роль ўйнаган, давлатга таъсир кўрсатишга ва жамиятдаги бузғунчи кучларга қарши тура олишга қодир бўлган мўътадил ислохотчи ҳукумат шаклланган мамлакатлардагина демократия, ислохотлар ва сиёсий барқарорликни кузатиш мумкин. Кучсиз ҳукуматга эга бўлган давлатлар мураккаб вазиятларда Италиядаги сингари ўнг экстремистик кучларнинг, ёки Россиядаги сингари сўл экстремистик кучларнинг ҳокимиятга келишига қаршилик қила олмаслигини кўрсатди. Жамиятда демократик анъаналар кучсиз бўлган Жанубий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида (Венгрия, Болгария, Греция, Албания) авторитар режимлар ўрнатишга интилиш кучли эди. Давлат тузилишининг демократик тизимига эга бўлган давлатларда ҳам «сўл» ва «ўнг» томонга оғишлар юз берди. Францияда «сўл блок» (1924–1926) ўз ўрнини ўнг партиялар иттифоқига бўшатиб берди. Шунингдек, 1924 йили Англияда лейбористларнинг ҳокимиятга ке-

лиши ҳам қисқа муддатли бўлди. Ва ниҳоят, либерал-демократик ва социалистик партиялар Италияда фашистларнинг босимига қарши тура олмади ва 1920-йилларнинг охирига келиб бу ерда тоталитар режим шаклланди. Шу даврдан бошлаб Европа демократияси сўл ва ўнг радикал кучларнинг жиддий қаршилигига учради. Веймар республикасининг инкирози бунга энг ёрқин мисол бўлди. Ҳатто демократик анъаналар кучли бўлган Шимолий Америкада ҳам шу даврда сиёсий консерватизм кескин кучайди.

1920-йиллардаги иқтисодий юксалиш ва сиёсий барқарорлик барча капиталистик давлатлар учун хос бўлса-да, бу жараёнларнинг суръати ҳар бир давлатдаги бошқарув шаклига бевосита боғлиқ эди. Бу даврда Европа мамлакатларидаги ишчилар ҳаракатига социал-демократик партиялар ислохотчилик мафкурасининг таъсири ҳам кучайди.

1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инкирози. Инкироз 1929 йил 24 октябрь куни Нью-Йорк фонд биржасида миллионлаб акцияларнинг нархи миллиардлаб долларга тушиб кетганда бошланди. Бу қимматбаҳо қоғозлар бозорининг синиши эди. Биржада акциялар билан чайқовчилик қилиш, айниқса 1928 – 1929 йиллардаги жадал иқтисодий ўсиш пайтидаги биржа курсларининг сунъий оширилиши, муқаррар равишда инкирозга олиб келди. Бироқ биржадаги ҳалокат иқтисодий соҳадаги инкирознинг фақат ташқи кўриниши эди, холос. Бу инкироз XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошлари учун хос бўлган капиталистик хўжалик шаклининг тарихий эволюциясини яқунлади.

Иқтисодий циклларнинг муқаррар ва зарурий йўлдоши бўлган инкирозларнинг асосий сабабларидан бири сифатида, одатда, ишлаб чиқарилган товарларнинг бозордаги талабдан ошиб кетганлиги, яъни ишлаб чиқариш билан талаб ўртасидаги зиддият қаралади. Бу ишлаб чиқаришнинг ошиб кетиши ва капиталнинг йиғилиб қолиши билан боғлиқ инкироз эди. Маҳсулотнинг йиғилиб қолишидан қутулиш учун инкироз пайтида ишлаб чиқарувчилар нархларни пасайтиради, ишлаб чиқаришни қисқартиради, ишчиларни ишдан бўшатди, инвестиция киритишни тўхтатади. Товар ишлаб чиқариш билан уларга бўлган талаб тенглашганда инкироздан чиқиш ва янги иқтисодий ўсиш даври бошланади. Бу инкирозларнинг типик кўриниши. Аммо 1929–1933 йиллардаги инкироз одатдагиларга ўхшамайди. Ишлаб чиқаришнинг даврий инкирози тизим инкирози

ва капитализм ривожланишининг узун тўлкини деб аталувчи энг куйи нуқтаси билан бир пайтга тўғри келди. Рус олими Н. Д. Кондратьев 1920-йиллари капитализм ривожланишининг узун тўлкини деб аталган назарияни ишлаб чиқди. Узун тўлқин деганда 40 – 60 йил давом этадиган иқтисодий фаолликнинг даврий тебраниши тушунилади. Бундай тебранишлар XVIII аср охиридан қайд қилиниб борилади ва иқтисодчи олимларнинг ҳисоблашларича, 1929 – 1933 йилларга куйи фазанинг 4-тўлкини тўғри келади. Бу даврларда бири-биридан ярим асрлик фарқ билан иқтисодиётнинг техник ва технологик базаси алмашди ва хўжаликнинг барча соҳаларига тарқалди. 1920 – 1930-йиллари яратилган янги техника ва технологиялар оммавий ишлаб чиқаришни таъминлаши мумкин эди, аммо янгиланиш жараёни оммавий истеъмол шартларини таъминламай туриб кўтарилиш босқичига ўтиши мумкин эмасди.

Версаль-Вашиингтон тизимининг инқироzi ва барбод бўлиши. Версаль-Вашингтон тизими омонат бўлиб чиқди. У ҳам ғолиблар, ҳам мағлублар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар туфайли емирилиб борди. 1920-йиллари инглиз-америка ва америка-япон зиддиятлари очик-ойдин кўриниб қолди. XX аср бошларида АҚШ Европадан қарздор, унга тобе эди. 1920-йилларга келиб эса АҚШ Буюк Британия, Франция, Германия, Италия ва Япониянинг умумий маҳсулотидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. АҚШ энди қарз берувчи давлатга айланди ва Европа Иккинчи жаҳон урушидан олдин унга катта миқдорда қарз бўлиб қолди. АҚШ чет давлатларга капитал жойлаштириш бўйича Буюк Британияни кувиб етди. АҚШ, Англия ва Япония ўртасидаги зиддиятларнинг муҳим бўғини Хитой эди. Бу давлатлар манфаатлари курукликда ҳам, денгизда ҳам тўқнаш келди. Вашингтон конференцияси денгиз қуроллари пойгасини тўхтата олмади.

Ҳарбий кучга таяниш кўп жиҳатдан капиталистик мамлакатларнинг халқаро майдондаги позициясини белгилаб берди. Аммо келишувларга эришиш, Европадаги тинчликсеварлик кайфияти ва урушга қарши ҳаракатлар билан ҳисоблашишга тўғри келди. Шу ҳолатдан келиб чиқиб, 1927 йили денгизда қуролланиш пойгасини чеклаш бўйича келишув ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди. Аммо Женевада чақирилган конференция ижобий натижа бермади. Кейин денгиз қуроллари бўйича шунга ўхшаш бошқа конференциялар бўлиб ўтди ва уларда ҳам умумий келишувга эришилмади.

1930-йиллар бошларида жаҳон иктисодий инқирози туфайли Гурб давлатлари Германия томонидан репарация тўловларини бекор қилишга рози бўлдилар. Бу Версаль тинчлик сулҳининг шартларини қайта кўриб чиқиш билан баробар эди. 1932 йили қуролсизланиш бўйича Женева конференциясида Германия «қуролларда тенглик» тамойилининг тан олинисига эришди ва бу унга Версаль шартномасининг ҳарбий чекловларини қайта кўриб чиқиш имконини берди.

Узоқ Шарқда Япония ўзининг тажовузкор режаларини амалга оширишга киришди. 1931–1932 йиллари Япония Манжурияни босиб олди ва Манжоу-Го кўғирчоқ давлатини тузди. 1933 йили Япония Миллатлар Лигасидан чиқди. Шундан сўнг у Хитойга қарши тажовузни кучайтирди ва 1937 йил июлда кенг миқёсдаги уруш ҳаракатларини бошлаб, Марказий Хитойни ва бошқа бир қатор ҳудудларни босиб олди. Шу тариқа Осиёда ҳам жаҳон уруши ўчоғи пайдо бўлди, дунё аста-секин, қадамба-қадам янги жаҳон урушига қараб силжий бошлади.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Осиё ва Африка мамлакатларида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Яқин Шарқ мамлакатлари бевосита ҳарбий ҳаракатлар зонасида қолди, мустамлакалар искарлари Антанта кўшинлари сафида туриб урушда қатнашди. Осиё ва Африка мамлакатлари хомашё ва ишчи кучининг муҳим тахирасини ташкил қилди. Мустамлакалар аҳолиси урушдан кейинги тинчлик даври уларга озодлик ва мустақиллик олиб келди, деб ишонилган эди. Аммо бу умидлар рўёбга чиқмади. Париж тинчлик конференциясида мандат кўриниши остида амалда Германия мустамлакалари бўлиб олинди. Европа давлатлари ўз мустамлакаларига мустақиллик беришни истамади. Биринчи жаҳон урушидан кейинги 40–50 йил Осиё ва Африка халқларининг мустақиллик учун кураш даври бўлди.

* * *

Хулоса қилиб айтганда, 1920-йиллари Биринчи жаҳон урушининг кишилар онгига таъсири туфайли мавжуд халқаро муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш истаги етакчи давлатлар ҳукуматлари фаолиятида устувор йўналиш бўлди. Аммо 1930-йиллардан муаммоларни ҳал қилишда аста-секин ҳарбий кучга таяниш ҳоллари кучайиб борди, ҳокимиятга келган фашистик ва нацистик

партиялар ўч олиш ва дунёни қайта бўлишни ўзларига мақсад қилиб кўйдилар. Бу янги жаҳон урушига олиб келди.

III боб бўйича саволлар

1. 1920-йиллардаги иқтисодий барқарорлашув нималарда намоён бўлди?
2. 1920-йиллардаги сиёсий барқарорлашув нима учун Европанинг бир қатор мамлакатларида авторитар ва тоталитар режимларнинг шаклланишига олиб келди?
3. 1929 – 1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозининг сабаблари ва оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Версаль-Вашингтон тизимининг барбод бўлиш сабабларини нималарда деб биласиз?

IV БОБ. XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЛМИЙ-ТЕХНИК ТАРАҚҚИЁТ, ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ. АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

Бу даврда дунёнинг ижтимоий-иқтисодий қиёфасини ўзгартирган энг муҳим омиллардан бири назарий билимларнинг кенгайиши бўлди. Ўз даврида XIX аср кашфиётлари одамларга техник тараққиётнинг энг юксак чўққиси бўлиб туюлган эди. Зотан, бу даврда буғ машиналари ва двигателларининг яратилиши саноат тўнтаришини амалга ошириш, мануфактуралардан фабрика ишлаб чиқаришига ўтиш имконини берди. Денгизларда елканли кемалар билан бирга анча тез сузадиган пароходлар пайдо бўлди, Европа ва Шимолий Америкада темир йўллар қурилиб, саноат ва савдо кескин ривожланди.

XIX асрда ҳозирги замон фани шаклланди. Фанни ишлаб чиқарувчи кучга айлантиришнинг узоқ давом этган жараёни якунланиб, XX асрда илмий-техник инқилобга олиб келди. XIX аср бошларида дунёда 1 мингга яқин олимлар фаолият кўрсатган бўлса, аср ўрталарига келиб улар сони 10 минг кишига етди, 1900 йили эса 100 минг олим илмий фаолият билан шуғулланарди. XIX асрда илмий билимлар ҳажмини икки баробар оширишга 50 йил сарфланган бўлса, XX аср давомида бу муддат 5 йилгача қисқарди. Фан жамиятни олға ҳаракатлантирувчи қудратли кучга айланди.

XX асрда илмий-техник тараққиёт жадаллашувининг сабаблари қуйидагилардан иборат эди: Биринчидан, фан ўтган асрлар даво-

мида кўплаб олимлар фаолиятининг натижаси бўлган жуда катта илмий тажрибани тўплади. Шу маънода XX асрда юз берган илмий-техник инқилоб узоқ давом этган цивилизация ривожланишининг қонуний натижаси бўлди.

Иккинчидан, илгари турли мамлакатлар ва университетлардаги олимлар бир-биридан ажралган ҳолда фаолият юритганлар ва кўпинча бир тажрибани такрорлаганлар, бошқаларнинг кашфиётлари ҳақида ўн йиллардан сўнг хабардор бўлганлар. Транспорт ва алоқа воситалари ривожланиши билан XX асрга келиб, фан глобал характерга эга бўлди.

Учинчидан, фан тараққиётининг муҳим манбаи фанлараро интеграциялашув бўлиб, энди илмий тадқиқотлар икки ва ундан ортиқ фанлар доирасини қамраб олди. Масалан, физик жараёнларнинг кимёвий хоссалари ўрганила бошланди.

Тўртинчидан, фан техник тараққиёт билан, ишлаб чиқариш курулларининг мукаммаллашуви, янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланди, фан бевосита ишлаб чиқаришга айлана бошлади. Илгари олимлар бевосита ишлаб чиқариш муаммолари билан шуғулланишни ўзларига эп кўрмаганлиги учун техник янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш жуда узоқ вақтга чўзилар эди. Масалан, буғ машинасининг ғояси пайдо бўлгандан то дастлабки буғ машиналарини яратишгача қарийб юз йил керак бўлди. Худди шунингдек, фотографияга – 113 йил, цементга – 88 йил зарур бўлди. Фақат XIX аср охиридан бошлаб фан янги асбоблар, ускуналар, машиналар ва ишлаб чиқаришга татбиқ қилинадиган бошқа янгиликлар билан фаол шуғуллана бошлади. Назарий билимларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш муддати қисқариб, жаҳон урушлари оралиғида 24 йилни ташкил қилди.

Бевосита ишлаб чиқариш манфаатларига хизмат қилувчи тадқиқотлар олиб борувчи дастлабки лабораториялар XIX аср охирида кимё саноатида пайдо бўлди. 1930-йиллар бошларига келиб фақат АҚШда 1000 га яқин фирмалар ўз лабораторияларига эга, кўплаб йирик корпорациялар ўз илмий тадқиқотларини олиб борар ёки илмий марказларнинг ёрдамидан фойдаланар эди.

Табийй фанлардаги инқилоб. Назарий билимларнинг амалий аҳамиятга эга эканлиги ядро энергиясининг кашф қилинишида яққол намоён бўлди. 1934 йили француз физиклари эр-хотин Ирэн ва Фредерик Жолио-Кюрилар сунъий йўл билан радиоактив изо-

топлар олиш усулини кашф этдилар. Радиоактив изотопларни қўллаш техника, биология, кимёда ажойиб кашфиётлар қилиш имконини берди. 1939 йили АҚШлик Э.Ферми (асли италиялик) ва Ф.Жолио-Кюри ураннынг парчаланиши жараёнида юз берадиган занжирли реакция натижасида жуда катта энергия ажралиб чиқиши тўғрисидаги ғояни шакллантирди.

Немис физиги Макс Планк (1858–1947) иссиқликнинг нур тарқатиш қонунларига асосланиб, элементар нур тарқаткичлар, яъни атомлар дискрет порциялар – квантлар билангина ўз энергиясини электромагнит майдонга бера олади, деган гениал фаразни илгари сурди. 1919–1939 йиллари замонавий физиканинг энг янги соҳаларидан бири – квант механикаси муваффақият билан ривожланди. Шу даврда физиканинг алоҳида йўналиши атом физикаси ҳам шаклланди. 1938 йили немис олимлари уран ядролари ажралиб чиқишининг занжирли реакциясини кашф этдилар. Инсоният атом энергиясидан фойдаланишнинг мураккаб муаммоси олдида турарди.

Германиядан АҚШга кўчиб ўтган А. Эйнштейн 1939 йил ёзида, Иккинчи жаҳон уруши арафасида, АҚШ президенти Ф. Рузвельтга хат билан мурожаат қилиб, атом энергиясидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишнинг истиқболлари ва фашистлар Германиясининг биринчи бўлиб ядро қуролини яратиш хавфи тўғрисида огоҳлантирди. Натижада 1940 йили АҚШда ядровий тадқиқотларга йўналтирилган «Манхэттен лойиҳаси» деб аталувчи режа қабул қилинди. Атом бомбасини яратиш устида изланишлар Германия, Совет Иттифоқи ва бошқа бир қатор давлатларда ҳам давом эттирилди. Аммо АҚШ ўз рақибларидан анча олдинлаб кетди. 1942 йил Чикагода Э. Ферми илк атом реакторини яратди. Биринчи атом бомбаси 1945 йил 16 июль куни АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Альмагородаги полигонидеда портлатилди.

Физика соҳасидаги янги назарияларнинг амалиётга татбиқ қилиниши кўплаб янги техник ихтироларга олиб келди. 1907 йили Петербург технология университетининг профессори Борис Розинг «Тасвирни масофага электр орқали узатиш усули»га патент олди. Аммо у 1911 йили «жонсиз» тасвирни масофага узатишга эришди, холос. Тарихда илк бор ҳаракатланувчи тасвирни электрон-нурли гўшак ёрдамида масофага узатишни 1928 йили ихтирочилар Б.П. Грабовский ва И. Ф. Белянский Тошкентда амалга ошир-

дилар. Тошкент трамвай трести базасида ўтказилган бу тажрибани олимлар замонавий электрон телевиденининг (телевидение юнонча теле – узоқ ва лотинча видео – кўраман сўзларидан олинган) туғилиши деб ҳисоблашадилар. Шу тариқа телевидение асри бошланди.

XIX аср охирида кашф этилган кино ҳали овозсиз эди. 1920-йиллари овозли кино устида ишлаш даври бўлди. Турли экспериментлардан сўнг 1927 йил 6 октябрь куни Нью-Йоркда намоиш қилинган «Жаз куйчиси» фильмини мутахассислар биринчи овозли кино деб тан олишган. Томошалар ичида энг оммавийси бўлган овозли кино ўз даврини шундай бошлади.

XX аср бошларида биология фани ҳам шиддат билан ривожланди. Немис олими Грегор Мендель (1822–1884) бошлаб берган ирсият қонунлари ва организмнинг ўзгарувчанлиги ҳақидаги фан – генетика соҳасидаги тадқиқотлар Биринчи жаҳон урушидан кейин янгича шиддат билан ривожланди. У тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги ривожидида жуда катта роль ўйнади. Айниқса, Совет Иттифоқида қишлоқ хўжалик станциялари ташкил қилиниб, у ерда олимлар экспериментал ботаника ва зоология билан шуғулландилар. Асосий тиббиёт экинлари ва чорва молларини чаতিштириш орқали уларнинг янги нав ва зотларини яратишга қаратилди. Айни пайтда, тадқиқотлар инсоният олдида турган муаммоларга, биринчи навбатда, касалликларни даволашга қаратилди.

1922 йили британиялик олим Жон Маклеод ва канадалик олим Фредерик Бантинг кўплаб экспериментлар жараёнида ўт пуфаги гармони бўлган инсулинни олишга муваффақ бўлдилар. Қандли диабет касаллиги энди бедаво дард бўлмай қолди. Инсулиннинг кашф этилиши XX асрнинг энг буюк кашфиётларидан деб тан олинди, 1923 йили Ж. Маклеод ва Ф. Бантинг физиология ва тиббиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлдилар.

Шу даврда витаминлар, гармонларнинг кашф этилиши ва вирусология соҳасидаги ютуқлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бу кашфиётлар микробиология саноатининг пайдо бўлиши учун асос яратди. Биологиянинг ривожланиши турдош фанлар – кимё ва тиббиётга катта таъсир кўрсатди.

1928 йили британиялик олим Александр Флеминг ўз лабораториясида бир қанча вақтдан бери тўпланиб қолган идишларни йиғиштираётиб, улардан биридаги моғорга кўзи тушади. Текшириб кўрилганда бу жуда ноёб *Penicillium* турига мансуб моғор бўлиб

чикди. Пенициллин, кейин эса бошқа антибиотикларнинг (аспирин, стрептомицин ва бошқалар) кашф этилиши юкумли касалликларни даволашда ҳақиқий инқилоб бўлди. А. Флеминг 1944 йили рицарлик унвонига, 1945 йили эса Нобель мукофотига муносиб деб топилди. Кўпгина касалликларни А. Флеминг кашф қилган пенициллинсиз ва антибиотикларнинг янги авлодисиз даволаш бугунги кунда ҳам мумкин бўлмасди.

Транспорт ривожланиши. XIX аср охирларида бошланган транспорт инқилоби Биринчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейин янги куч билан давом эттирилди. Уруш йилларида зирхли-занжирли машина – танк пайдо бўлди ва илк бор 1916 йили ҳарбий ҳаракатларда иштирок этди. Автомобиль саноати ҳам ривожланишда давом этди. Иккинчи жаҳон уруши арафасига келиб, ривожланган мамлакатларда 6 млн юк ва 30 млн енгил автомашиналардан фойдаланилар эди. 1930-йиллари Германиянинг «ИГ Фарбенин-дустри» концерни томонидан юкори сифатли синтетик каучук олиш технологиясининг яратилиши автомобиллардан фойдаланишни арзонлаштирди.

Автомобиль транспортининг ривожланиши кўплаб мамлакатларда улар билан темир йўллар ўртасида рақобатни вужудга келтирди. Натижада темир йўл транспорти ҳам жадалроқ ривожлана бошлади. Асосий эътибор локомотивлар кувватини, ҳаракат тезлигини ва поездларнинг юк кўтариш имкониятини оширишга қаратилди. Темир йўлларни электрлаштириш жадал суръатлар билан олиб борилди.

Халқаро савдонинг ривожланишида кемаларнинг юк ташиш имкониятини ва тезлигини ошириш катта аҳамият касб этди. XX аср бошларида буғ турбиналари ва ички ёнув двигателлари билан ҳаракатга келтириладиган кемалар қурилган бўлса, электродвигателларнинг қўлланилиши натижасида сувости кемаларини қуриш имконияти пайдо бўлди. Улар Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларида муҳим роль ўйнади.

XX асрда бошланган авиация ҳам Биринчи жаҳон урушидан кейин жадал ривожланди. 1920-йиллари Германияда Г. Юнкере тўлиқ металлдан ясалган самолёт конструкциясини яратди. Бу янгилик самолётнинг тезлиги ва учиш масофасини ошириш имконини берди. 1919 йили Нью-Йорк – Вашингтон йўналиши бўйича дунёда биринчи почта-йўловчи ташувчи авиалиния очилди. 1920

йили Берлин – Веймар йўналиши бўйича ҳам самолётлар мунтазам уча бошлади. 1927 йили америкалик учувчи Ч. Линдберг биринчи марта қўнмасдан Атлантик океанидан учиб ўтди. 1937 йили совет учувчилари В. Чкалов ва М. Громов бошқарган самолёт Шимолий кутб орқали Совет Иттифокидан АҚШга учиб борди. 1930-йиллар охирига келиб дунёнинг кўплаб ҳудудлари ҳаво йўллари орқали бирлашди. Самолётлар тез ва ишончли алоқа востасига айланди.

К. Э. Циолковский, Ф. А. Цандер (Совет Иттифоки), Р. Годдард (АҚШ), Г. Оберт (Германия) каби олимларнинг назариялари асосида 1920–1930-йиллари реактив двигателлар яратилди. Шу йиллари Совет Иттифоки ва Германияда илк ракеталар синовдан ўтказилди. 1939 йили Германияда жаҳонда биринчи реактив самолёт учирилди. Конструктор Вернер фон Браун бир неча юз километрга учадиган Фау-2 ракеталарини яратди. 1944 йили Лондонни бомбардирмон қилишда улардан фойдаланилди. Реактив самолётлар Совет Иттифокида 1940 йили, Буюк Британияда – 1944 йили, АҚШда – 1945 йили синовдан ўтказилди.

1930-йилларга келиб физика, кимё каби табиий фанларнинг ривожланиши янги, ўта мустаҳкам материалларни яратиш имконини берди. 1938 йили бир пайтда АҚШ ва Германияда капрон, перлон, нейлон, синтетик катрон каби сунъий толаларнинг олиниши янги, ўта сифатли конструктив материаллар олиш имконини яратди. Аммо уларни оммавий ишлаб чиқариш Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланди.

Шу йиллари саноат ва транспортнинг ривожланиши энергия сарфини ошириб, энергетикани такомиллаштиришни талаб қилди. XX асрнинг биринчи ярмида ҳам энергиянинг асосий манбаи кўмир бўлиб қолаверди. 1930-йиллари дунёдаги электр энергиясининг 80% и кўмир билан ишлайдиган иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқилар эди. Гидроэлектростанциялар қуриш ҳам шу йиллари бошланди. Урушдан олдинги энг йирик электростанция 1936 йили АҚШнинг Колорадо дарёсида қурилган бўлиб, тўғонининг байандлиги 222 метр эди. Шу йиллари Германияда синтетик суюқ ёқилғи олиш устида иш олиб борилди. Табиий газ энергиянинг яна бир муҳим манбаи бўлиб қолди.

1930-йиллар охирига келиб ривожланган мамлакатлар саноатининг катта қисми электрлаштирилди. Фуқаро авиацияси, телеграф,

радиоэшиттиришлар кенг тарқалди. 1927 йили Буюк Британиянинг машҳур радиокорпорацияси Би-би-си ташкил қилинди.

Фан ва техникадаги янгиликлар кишиларнинг кундалик турмушини ҳам ўзгартириб юборди. Аҳолининг бой ва ўртаҳол қисмида шахсий автомобиллар пайдо бўлди. Кўплаб ишчилар ишга мотоцикл ва велосипедларда қатнай бошлади. Маиший техникалар – музлаткичлар, чангюткичлар, кир ювиш машиналаридан, шунингдек, телефон ва граммофондан фойдаланиш бошланди.

Ижтимоий фанлар. Биринчи жаҳон урушидан сўнг оламнинг асосини моддий заррачалар ташкил қилади, деб ҳисобловчи материалистлар билан оламдаги ҳаётни худо ва маънавий омиллар белгилайди, деб ҳисоблайдиган идеалистлар ўртасидаги кураш янгидан авж олди.

Немис файласуфи О. Шпенглернинг шу йиллари нашр қилинган «Европа кўёшининг ботиши» асари ўз номи билан Ғарб цивилизацияси инқирозининг бошланишини башорат қилди. О. Шпенглер жамоавийлик, ҳамжиҳатлик, қуролдошлик ва милитаризм тамойилларига қурилган «прусс социализми» назариясини асослаб берди. 1920 – 1930-йиллари немис файласуфи Ф. Ницшеннинг капитализмнинг, замонавий маданият ва диннинг инқирози ҳақидаги ғоялари оммалашди. Ф. Ницшеннинг фикрича, инсоннинг ҳокимиятга интилиши ва ҳиссиётлари ҳаётнинг асосини ташкил қилади. Шу боис ўз иродасини ҳаммага ўтказа оладиган одам – оксуяк, фюрер (дохий) жамиятни бошқармоғи лозим. О. Шпенглер ва Ф. Ницше ғояларидан немис фашистлари ўзларининг жинойткорона фаолиятини асослашда фойдаландилар.

1919–1939 йиллари тарих фанида новаторлик мактаблари ва йўналишлари пайдо бўлди. Улар орасида француз тарихчиларининг «Анналлар мактаби» алоҳида ажралиб туради. Улар инсониятнинг глобал тарихи тўғрисидаги ғояни илгари сурдилар. Анналларнинг фикрига кўра, инсоният тарихининг асосини алоҳида воқеалар ва фактлар ёки сиёсий тарих эмас, узоқ давом этган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва кишиларнинг кундалик турмуши ташкил қилади. Инглиз тарихчиси А.Тойнби эса жаҳон тарихини алоҳида локал цивилизациялар тарихи тарзида қарайди.

Адабиёт ва санъат. 1920–1930-йилларда адабиёт ва санъат ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари. Биринчи жаҳон урушидан кейин ўтган чорак аср мобайнида бадий маданиятда фавқулудда

муҳим ҳодисалар юз берди. Бу даврдаги бадиий ва адабий жараён ривожланишида учта йирик босқични ажратиб кўрсатиш мумкин. 1920-йиллари Ғарб жамияти бадиий санъатига Биринчи жаҳон уруши ва унинг оқибатлари жуда катта таъсир кўрсатди. 1930-йиллари эса жаҳон иқтисодий инқирози, фашизмнинг ҳокимиятга келиши, тоталитар режимларнинг тарқалиши ва яқинлашиб келаётган Иккинчи жаҳон уруши ёзувчилар ва рассомлар тақдири ва ижодига фожиавий таъсир этмасдан қолмади. Ва албатта, бошланиб кетган Иккинчи жаҳон уруши бутун дунё зиёлилари ҳаёти ва ижодида ўзининг чуқур изини қолдирди. Фашистик ва тоталитар режимлар ўрнатилган кўплаб мамлакатлардан ёзувчилар, архитекторлар ва рассомлар эмиграцияси кўплаб мамлакатлар бадиий маданиятига жиддий ўзгаришлар киритди. АҚШдан бошпана топган «Париж мактаби» рассомлари Нью-Йоркни бадиий санъатнинг халқаро марказига айлантирди.

1920–1930-йиллар ёзувчилари ва рассомлари ижодида ижтимоий-сиёсий омил алоҳида аҳамият касб этади. Кўплаб мамлакатлардаги ижтимоий ҳаракатлар санъатда инқилобий оқимларни вужудга келтирди. Бошқа томондан эса тоталитар режимлар санъатнинг ўзларига мос тизимларини яратди. Тоталитаризм билан либерал-демократия ўртасидаги курашнинг кескинлашуви санъатнинг мафкуралашувига, унда қарама-қарши оқимларнинг тўқнашувига олиб келди. Урушлар орасидаги бошқа бир янгилик байналмилал ва миллий бадиий жараёнларнинг жадал ривожланиши бўлди. Бу даврда турли мамлакатлар ва халқлар санъатининг яқинлашуви юз берди.

1920–1940-йиллар ижтимоий ва фалсафий фикр оламида инсон, бу зиддиятли дунёда унинг ўрнини белгилаш сари буюк бурилиш юз берди. Бу йиллари энг таъсирли оқимлардан бири экзистенциализм – инсон мавжудлиги фалсафаси (лотинча «экзистенция» – мавжудлик, борлик) бўлиб қолди. Бу фалсафий оқимнинг энг кўзга кўринган намояндалари Германияда К. Ясперс ва М. Хайдеггер, Францияда – ёзувчи ва файласуфлар Ж.П. Сартр, А. Камю, Г. Марсель, Испанияда — Х. Ортега-и-Гассет эди. Экзистенциализм фалсафаси бу даврда Ғарб жамиятини қамраб олган чуқур инқироз заминида пайдо бўлди. Экзистенциализм фикрловчи кишиларнинг фожиавий ўй-хаёлларига жавоб беришга, тобора мураккаблашиб бораётган дунёда инсонга ўз ўрнини топишга, бегоналашувни енгиб ўтиб, «Мен» деган ўзлигини (ўз экзистенциясини) топишда

ёрдам беришга интилди. Инсон мавжудликда ўзлигини, ўзининг моҳиятини топади – бу экзистенциализмнинг бош тамойили, инсонда юз бераётган барча ўзгаришлар учун унинг шахсий жавобгарлиги ғояси эди. Инсоннинг шахсий танлаш ҳолати – урушлар оралиғи ва Иккинчи жаҳон уруши даври экзистенционал фаласафа ва адабиётининг бош мавзусига айланди. Ижтимоий фикрга ва адабиётга З. Фрейднинг психоанализ фалсафий концепцияси, шунингдек, табиат ва ривожланиш, инсон эволюциясини, уларнинг бирлигини тушунтирувчи оламнинг янгича картинасини яратишга уринган француз файласуфи А. Бергсоннинг ҳаёт фалсафаси катта таъсир кўрсатди.

Адабиёт. 1920–1930-йиллари катта авлод ёзувчилари: Францияда А. Франс ва Р. Роллан, Англияда Б. Шоу, Ж. Голсуорси ва Г. Уэллс, Германияда Г. Манн ва Т. Манн, Г. Гауптман, АҚШда – Т. Драйзер ва бошқалар ўз фаолиятини давом эттирди. Айни пайтда, янги ёрқин истеъдодлар – французлар Ф. Мориак ва Р.М. дю Гар, инглизлар Р. Олдингтон ва С. Моэм, америкаликлар Э. Хэмингуэй, У. Фолкнер ва Ф. Фицджеральд, немислар Э. М. Ремарк, Л. Фейхтвангер ва бошқалар пайдо бўлди. 1920-йиллари «умидсиз авлод» адабиёти деб аталган адабиётни яратган истеъдодли ёш ёзувчилар авлоди майдонга чиқди. Америкалик ёзувчи Г. Стайн ўша пайтда Парижда яшаган бир гуруҳ америкалик ёзувчиларни (Э. Хэмингуэй, Д. Дос Пассос ва бошқалар) шу авлодга мансуб деб ҳисоблайди. Кейин бу атама Биринчи жаҳон урушидаги ғайриинсоний қирғинга қарши норозиликни, пессимизм кайфиятини, ижтимоий борлиқдан ва мавжуд ҳаёт тарзидан қаттиқ кўнгил совишини акс эттирувчи 20-йиллар адабиётидаги йўналишни англата бошлади. 1920-йиллари Э. Хэмингуэйнинг «Фиеста» ва «Алвидо, қурол!», Э. М. Ремаркнинг «Гарбий фронтда ўзгариш йўқ», Р. Олдингтоннинг «Қаҳрамоннинг ўлими» ва бошқа кўплаб, асосан Биринчи жаҳон уруши қатнашчиларининг асарлари пайдо бўлди.

Айни пайтда, модернистик адабиёт намояндаларининг йирик асарлари нашр қилинди. Инглиз-ирланд ёзувчиси Ж. Жойснинг «Улисс» романи, австриялик Ф. Кафканинг «Америка», «Жараён», «Қалъа» романлари, француз М. Прустнинг «Бой берилган даврни излаб» романи, Т.Элиотнинг «Шеърлар»и шулар жумласидан эди.

Ижодида алғов-далғов замонни, йирик ижтимоий ўзгаришларни, қонли воқеаларни акс эттирган экспрессионист-санъаткорлар 1910 –

1920-йиллари Германияда катта таъсирга эга бўлди. Охирзамон, қиёмат қойим – экспрессионизм поэзиясининг асосий образлари эди. Ижтимоий-психологик романлар (Э. М. Ремарк, Ф. Мориак ва бошқалар), С. Цвейгнинг психологик новеллалари, А. Моруа-нинг биографик романлари жамиятнинг эътиборини жалб қилди. Инкилобий-пролетар адабиётини ташкил қилган асарлар пайдо бўлди. Бу давр адабиёт ва санъатида жанр ва йўналишларнинг кўплигига қарамасдан, уларнинг барчасини, деярли истисносиз, урушга ва фашизмга қарши қатъий позиция бирлаштириб туради.

Тасвирий санъат. XX аср бошларида янги модернистик оқимни ифодалаган Ғарбий Европа рассомлари 1920-йилларга келиб «кекса» усталар бўлиб қолган эди. Фовистлар, кубистлар, футуристлар шунча ўзларини босиб олдилар. Улар энди «исёнкорлар» эмасди, П. Пикассодан бошқа ҳеч бири арзигулик асар яратмаган бўлса-да, ҳар қалай тан олинган мэтрлар эди. Модернистларни аста-секин тан ола бошладилар, аммо кўпчилик музейлар ҳали ҳам улар асарларини сотиб олишга шошилмаётган эди. «Юлдузлар» даври ўтиб кетди. Истеъдодда бир-бирига тенг бўлган ёш рассомларнинг кенг тўлқини майдонга чиқди. Фақат айрим ёзувчи ва рассомларгина халқаро микёсда тан олиниб, обрўга эга бўлди.

П. Пикассонинг қудратли ижоди ва шахсияти ўзида тасвирий санъатнинг турли оқим ва йўналишларини, ўз онгидаги зиддиятларни ва XX аср ҳаёти ва санъатидаги қарама-қаршилиқларни мужассам қилди. Унинг асарларида ёруғлик ва зулматнинг фожиавий тўқнашуви мавзуси буюк бир истеъдод билан акс эттирлади. 1937 йили у ўзининг энг машҳур асари – «Герника» (Герника – фашистлар бомбардимони натижасида йўқ қилинган испан шаҳри) фожиавий композициясини яратди. 1937 йили Халқаро кўргазманинг Испания павильонига қўйилган бу асар огоҳлантириш сифатида, фашизм хавф солаётган инсониятнинг ҳалокати рамзи сифатида қабул қилинди.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда абстракт санъат ҳам ривожланди. Биринчи жаҳон урушидан кейин маънавий бойликларнинг қадрсизланиши, 1910-йилларнинг иккинчи ярмидан жадал тус олган стил ва йўналишлар эволюцияси предметсиз санъатнинг шайдо бўлишига олиб келди. Санъатнинг Сезандан кубизмга ва ундан предметсизлик сари эволюцияси мантикий узвий жараён сифатида амалга оширилди. Тасвирий санъатда предметсизлик сари




П. Пикассо. Герника.



К. Малевич. Қора квадрат.

Йўналишнинг олдинги сафида рус санъати намояндаси, суперматизм (лотинча *supremis* – олий) асосчиси К. Малевич ва унинг издошлари борди. К. Малевич 1915 йили ўзининг машхур «Қора квадрат»ини яратди. Модернистик санъатнинг бу мактаби кубизмга қарши йўналиш сифатида пайдо бўлди ва нарсалар олами билан ҳар қандай боғлиқликдан маҳрум бўлган предметсиз тасвир даражасига чиқди. 1920-йиллари француз Р. Делоне, голландиялик П. Мондриан, россиялик К. Малевич, чех рассоми Ф. Купка ва бошқалар бу йўналиш вакиллари эди. Стил эволюциясининг символизмдан бошланган бошқа бир оқими абстракт тасвирий санъатнинг ноёб усули пайдо бўлишига олиб келди. В. Кандинский асос солган абстракционизм усули амалда ўзининг бевосита давомчиларига эга бўлмади. В. Кандинский ижоди ҳам рус, ҳам немис авангардига бирдай тегишли. Агар предметсизлик воқелик билан барча келишувларни кубизм босқичида қолдириб, аниқлик билан қатъий ажралиш йўлидан борса, Кандинский абстракционизми аста-секин реал шакллардан халос бўлади (абстракциялашади) ва хусусийдан умумийга қараб боради.

1920-йиллари Париж, Москва, Мюнхеннинг ижодий лабораторияларида абстракционизм тажрибаларини умумлаштиришга, бадий шаклларнинг асосий унсурларини (линия, нуқта, доғ, ранг ва бошқалар) ўрганишга ҳаракат қилинди, шунингдек, тасвирий



В.Кандинский. Декорация.

санъат, архитектура, амалий санъат ва дизайн асосларининг синтези ғояси ишлаб чиқилди. 1920-йилларнинг иккинчи ярмида абстракционизмга қизиқиш сусайди. Авторитар ва тоталитар режимдаги бир қатор мамлакатларда бу оқим таъқиб қилинди ва тақиқланди. Илмий-техник тараққиёт санъатда янги услуб йўналишлари – супрематизм, конструктивизм ва рационализмнинг шаклланишини бошлаб берди. Конструктивизм К. Малевич супрематизмининг давоми сифатида пайдо бўлди. Конструктивизм предметсиз шакл ёрдамида санъат билан техникани келиштирувчи шаклни топишга интилиб, К. Малевич супрематизмининг чуқур ўйланган мавҳумлигига қарши турди. Масалан, Россияда бу йўналиш (В. Татлин, А. Родченко, Э. Лисицкий) архитектура санъатида, дизайнда ва қурилишда муҳим роль ўйнади. Ўзбекистонда ҳам бу даврда шундай бинолар кўплаб қурилган. Масалан, Самарқандда 1925 йили П. А. Голосов лойиҳаси асосида қурилган Республика касалхонаси биноси ёки конструктивизмнинг Тошкент мактаби асосчиларидан бўлган С.Н. Полупанов томонидан 1934 йили Алишер Навоий кўчасида қурилган Тошкент шилоят ижроия кўмитасининг биноси (ҳозир Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи) конструктив архитектурага ёрқин мисол бўлиши мумкин.

В. Гропиус томонидан Германияда яратилган Баухауз мактаби ҳунармандчилик, саноат, ишлаб чиқариш ва фан ўртасида, бадий ижод билан техник ижодий фикр ўртасида янги алоқаларни ўрнатишга интилиб, барча санъатларнинг бирлигини эълон қилди, ҳунарманд ва санъаткор ўртасидаги анъанавий фарқни рад этди. Унинг дизайн лабораторияси саноат учун лойиҳалар ишлаб чиқди. Германияда фашистлар ҳокимиятга келиши билан мактаб ўз фао-

лиятини яқунлади, аммо унинг аъзолари чет элларда якка тартибда фаолият юртишни давом эттирди.

Бу даврда «моддийликка», шунингдек, реализмга қараб бурилиш билан бирга урушдан кейинги йилларда санъатнинг ва ижоднинг деярли барча соҳаларида характерли жиҳат – келажакка интилиш, санъат воситасида оламни гуллаб-яшнатиш ва дунёни маънавий ўзгартириш орзуси кўзга ташланади. Бу даврда антиутопия жанри ҳам ривожланди (ёзувчилар Е. Замятин, А. Платонов, О. Хаксли, Ж. Оруэлл). Кандинский Бутун олам утопия ибодатхонасини куришни орзу қилди, ле Корбюзье Франциядаги Бордо шаҳри атрофида шаҳар-боғ барпо қилди.

Аммо реал ҳаёт оптимизм учун асос бермаётган эди. Биринчи жаҳон уруши даҳшатлари, унинг оғир оқибатлари ва умуман урушдан кейинги кескин бурилиш Европада воқеликка ва санъатнинг ўзига қарши норозилик ҳаракатини келтириб чиқарди. Урушнинг охирида ва урушдан кейинги дастлабки йилларда кубизм, футуризм ва экспрессионизм ўрнига янги оқимлар – дадаизм ва кейин сюрреализм келди. Дадаизм (энди тили чиқа бошлаган боланинг ноаниқ гувраниши – «дада»дан олинган) уруш йиллари агрессив, антиэстетик позицияни эгаллаган швейцариялик кам сонли рассомларни бирлаштирди. Улар ҳаётнинг мазмунини, ижодий фаолият сифатида санъатни рад этди. Улар бадий синтез ғоясини рад этди, унинг устидан кулди.

Дадаистлар ҳаётнинг табиий моҳиятидан келиб чиқиб, турли хил мақсадсиз ижодни таклиф қилди. Бу иррационал оқим ўрнига тезда бошқаси – дунёни парадокслар, даҳшатли ҳодисалар ва ижтимоий жинниликка тўла деб қаровчи сюрреализм келди. Сюрреализм ҳам бадий синтезни рад этди, ўз стилини ва турмушнинг бемаънилиги (абсурдлиги) ҳақида ўз гоъвий концепциясини яратди. Каталониялик Сальвадор Дали ижоди дунёга машҳур бўлиб кетди. 1930-йиллари сюрреализм таъсири Ғарбий Европа чегарасидан чиқиб, Лотин Америкаси ва Японияга ҳам тарқалди. Бу даврдаги Ғарбий Европа тасвирий санъати ўзининг кошинкорлиги, турли мактаб ва йўналишларнинг рақобати билан ажралиб турса-да, асосий санъат реализм доирасида ривожланди. Бунда кўпчилик рассомлар ва ижодкорлар фаолияти реалистик тасвирий санъатнинг изчиллигига, ижоднинг манбаи реал ҳаёт – инсон, табиат, моддийлик эканлигига асосланган реализм назарда тутилади. Аммо бу ре-

шизм энди авангардчиларнинг жасоратли интилишларидан кейин ҳосил бўлган «янги реаллик» эди.

1920 –1930-йиллари халқаро бадиий кенглик шаклланди, бадиий йўналишлар халқаро характер касб этди, дунё халқлари маданияти ва санъатининг ўзаро таъсири кучайди. Аммо бу жараёнда минтақавий, цивилизациявий фарқлар кўзга ташланади. Биринчи жаҳон урушидан кейин мустақилликка эришган Шарқий ва Жанубий Европа мамлакатларида абстракционизм ва иррационал оқимларнинг таъсири унча кучли эмасди. Бу мамлакатларда санъат ривожига миллий давлатчилик ғоялари ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Бу мамлакатлар рассомлари миллий санъат ривожланиши концепциясининг икки йўналишидан бирига риоя қилади. Бир гуруҳи замонавий санъат ва оқимларга қўшилиш учун «Париж мактаби»га мурожаат қилди. Биринчи навбатда, қайта тикланган реализм билан боғлиқ «янги традиционализм» тажрибаси ўрганилди. Бошқа концепция миллий анъаналарга таянди. Улар олдиларига хусусий, янги, замонавий, миллий санъатни яратиш ва-нифасини қўйдилар. Шу сабабли мумтоз меросга, миллий бадиий



С. Дали. «Буюк эсини».

ва халқ анъаналарига мурожаат қилинди. Аммо бу минтақа мамлакатлари санъати учун энг умумий бўлган йўналиш халқ турмуши мавзусига мурожаат бўлиб қолди. Шу асосда неопрimitивизм пайдо бўлди.

1920–1930-йиллари Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатлар санъати Европа санъатига яқинлашди. Тасвирий санъат Европа мактаблари, турли бадиий оқимлар томонидан тўпланган ижодий тажрибага мурожаат қилди. Бу ҳол айниқса Хитой ва Японияда сезиларли жараёнга айланди. Миллий тасвирий санъат усталари (Хитойда Ци Байши, Японияда Тагуэти Сейхо) одатий мавзу ва услублардан воз кечмаган ҳолда ижодда, айниқса табиатни тасвирлашда янги марраларга интилди. Анъанавий санъатнинг бу рассомлари асарларида табиат олами доно гўзаллик соҳиби сифатида тасвирланади. Бошқа томондан, 1920-йиллари анъанавий санъат Европа санъати билан яқинлаша бошлади. Бу ўзида миллий бадиий маданият билан Европа тасвирий санъатидаги «янги традиционализм»ни бирлаштирган янги санъатни яратиш тажрибаси Япония, Хитой, Индонезияда яққол кўзга ташланади. 1920-йиллари Узоқ Шарқ мамлакатлари санъати учун диққатга сазовор жиҳат инқилобий сиёсий санъатнинг ривожланиши бўлди. Унда плакат, варақа, газетадаги расм, гравюра етакчи роль ўйнайди. Бу йўналиш бадиий воситани жанр ва анъанавий халқ ижодиёти усулларидан эмас, кўпроқ совет ва Ғарбий Европа инқилобий графикасидан олади.

XX аср бошларида Лотин Америкаси мамлакатлари тасвирий санъатида «испанча» деб аталган оқим (Мексика, Колумбия, Куба, Чилида), ҳамда француз бадиий мактаблари ва оқимларининг таъсири (Аргентина, Бразилия, Венесуэла, Уругвай ва бошқаларда) катта бўлди. Аммо бу оқимлар мавжуд ҳолатга арзигулик ўзгариш киритиб, санъатда ўзига хос мактаблар яратмади. 1920-йиллардаги энг муҳим ўзгаришлар кўпчилиги 1910–1917 йиллардаги Мексика инқилоби қатнашчилари бўлган рассом-монументалистлар фаолияти билан боғлиқ. Улар бир қанча вақт Европада бўлиб, янги ғояларни синдириб олган эди. «Буюк учлик» (Д.А. Сикейрос, Д. Ривера, Х.К. Ороско) янги монументал тасвирий санъат намуналарини яратди. Улар ўз асарларида ижтимоий ва тарихий муаммоларни баъзан тўғридан-тўғри публицистик шаклда кўрғазмали

қилиб тушунтиришга интилди. Улар ижоди минтақа бадий маданиятида катта бурилиш ясади.

* * *

Хуллас, бу даврда физика ва бошқа табиий фанлардаги оламшумул кашфиётлар, ижтимоий фанлардаги янги гоёлар, адабиёт ва санъатдаги янги йўналишлар индустриал цивилизациянинг кейинги ривожига бевосита таъсир кўрсатди. Зотан, бу даврда илм-фан ва маданиятнинг ривожланиши инсон заковатининг улуғворлигига мадҳиядир.

IV боб бўйича саволлар

1. XX асрда илмий-техник тараққиёт жадаллашувининг сабаблари нимадан иборат эди?
2. XX асрнинг биринчи ярмида физика соҳасидаги кашфиётларнинг асосий натижаси нималардан иборат бўлди?
3. Инсулин ва пенициллиннинг кашф этилиши қандай касалликларни даволаш имкониятини яратди?
4. XX асрнинг биринчи ярмида транспорт соҳасида юз берган янгиликлар ҳақида гапириб беринг.
5. 1920–1940-йилларда ўқиш техникасининг қандай янги турлари яратилди?
6. О. Шпенглер ва Ф. Ницшеннинг қандай назарияларидан фашистлар ўзларининг жинояткорона гоёларини асослашда фойдаландилар?
7. 1920–1930-йилларда маданият ривожланишининг ўзига хослиги нимада эди?
8. 1920–1930-йиллари Ғарбда санъатнинг қандай янги йўналишлари пайдо бўлди?
9. 1920–1930-йилларда Осиё ва Лотин Америкаси тасвирий санъатида қандай ўзгаришлар юз берди?

II БЎЛИМ

ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА ЛИБЕРАЛ- ДЕМОКРАТИЯ МАМЛАКАТЛАРИ

XX асрнинг биринчи ярми жадал индустриал тараккиёт даври бўлди. Иқтисодиётда ҳал қилувчи ролни янги техника ва технологиялар ўйнай бошлади. Ривожланиш суръатларининг жадаллашуви кўп жиҳатдан XIX аср охири – XX аср бошларидаги илмий-техник «инқилоб» билан боғлиқ эди. Олимлар бу даврни «иккинчи саннат инқилоби» ёки «табиатшуносликдаги инқилоб» деб атадилар. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари – Буюк Британия, Франция, АҚШ, Германия модернизация жараёнини давом эттириб, индустриал жамият босқичига кирдилар. Бу мамлакатлар ўртасидаги миллий фарқларга қарамасдан, умуммиллий даромадда саннат маҳсулотлари салмоғининг юқорилиги, ривожланган ва нисбатан барқарор сиёсий тизимларнинг шаклланганлиги, фуқаролик жамияти ва унга хос бўлган ташкилотлар ва ижтимоий ҳаракатлар тизими ҳамда давлатдан мустақил жамоат институтларининг ташкил топганлиги, шахар аҳолиси сонининг тўхтовсиз ўсиб бориши, аҳолининг нисбатан юқори саводлилиқ даражаси улар ривожланишидаги умумий жиҳатлар бўлиб қолди.

V Б О Б. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА БУЮК БРИТАНИЯ

Рах Britannikанинг сўниши. XIX асрни асосли равишда «Британия асри» деб аташади, аммо кириб келган XX аср Британия учун олдинги аср сингари қулай ва муваффақиятли бўлмади. Аср бошидаёқ инглиз-бур урушлари (1899–1902) бошланиб, унда охиروқибатда инглизлар ғолиб чиққан, Трансвааль ва Оранж республикалари Британия империяси таркибига қўшиб олинган бўлса-да, Африканинг жанубидаги бу уруш инглизлар учун анча қимматга тушди. Етакчи давлатларнинг барчасида жамоатчилик Англия сиёсатини қоралади. Энг асосийси, бу уруш инглиз элитасини империянинг

имкониятлари энди аввалгидек чексиз эмаслигига ишонтирди. Бу уларни кириб келган янги асрда Буюк Британиянинг истикболлари ҳақида ўйлашга, ички ва ташқи сиёсатда янги имкониятларни излаб топишга мажбур қилди. Жиддий фикр юритиш учун асослар ҳам етарли эди: бир пайтлар жаҳоннинг иқтисодий маркази, «дунё устахонаси» бўлган Буюк Британия борган сари АҚШ ва Германия сингари янги индустриал давлатлардан ортда қолиб кетаётган эди. Бошланиб кетган Биринчи жаҳон уруши ва ундан кейинги воқеалар Рах Britannika асри яқунланганлигини яна бир бор намоёниш қилди.

Буюк Британия Биринчи жаҳон уруши йилларида. Биринчи жаҳон уруши Буюк Британиянинг ҳукмрон доираларига катта сиёсий ғалаба ва обрў олиб келди, илгари ҳам кичик бўлмаган мустамлика империяси янада кенгайди, катта репарация олинди. Аммо бу ғалаба, худди Франциядаги сингари, Англия учун ҳам жуда қимматга тушди. Умумий аҳолининг 10 % дан кўпроғи сафарбар қилинди, 750 минг инглиз жангларида ҳалок бўлди, 1,7 млн киши ярадор бўлди. Буюк Британия ўз тарихида ҳеч қачон бундай йўқотишларни кўрмаган эди. Мамлакат молияси ҳам оғир аҳволга тушиб қолди. Русларнинг ўша пайтда қилган ҳисоб-китобига қараганда, Буюк Британия уруш бошларида кунига 17,5 млн рубль, уруш охирига келиб эса 78,5 млн рубль маблағ сарфлади. Давлатнинг ички қарзи 10 марта ошди ва 6,6 млрд ф. ст.ни, ташқи қарзи эса 1,2 млрд ф. ст.ни (жумладан, АҚШдан 850 млн ф. ст.) ташкил қилди. Буюк Британия ўз тарихида илк бор қарздор давлатга айланди. Уруш йиллари мамлакат савдо флотининг 70% йўқотилгани, айниқса, оғир оқибатларга олиб келди. Уруш йиллари кемалар қуриш ҳам 40 % га қисқариб кетди. Умуман sanoat ишлаб чиқариши 20 % га тушиб кетди, ҳоминиё танқислиги кескин сезила бошлади. Уй-жой қурилишининг тўхтатилиши, солиқларнинг оширилиши ва қимматчилик мамлакат ичидаги ижтимоий ҳолатни кескинлаштирди. Уруш йиллари мустамлакалар билан алоқалар ҳам сезиларли даражада сусайди. Пассив савдо баланси вужудга келди – инглиз товарларининг экспорти қисқариб, импорт мунтазам ошиб борди. Агар 1914 йили мамлакатга 696 млн ф.ст. га тенг товар олиб кирилган бўлса, 1918 йили бу кўрсаткич 1316 млн ф. ст.ни ташкил қилди. Импортга боғлиқлик ташқи қарз ва иқтисодий инкироз муаммоларини янада кескинлаштирди.

Уруш кийинчиликлари барча сиёсий кучларнинг жипслашуви-ни ва уларнинг анъанавий дастурий мақсадларига ўзгартиш кири-тишни талаб қилди. Либералларнинг аввалги раҳбарияти ва бош-вазир Г. Асквитнинг ўзи ҳам кескин чоралар кўришда лаёқатсизлик намоиш қилди. Д. Ллойд Жорж ва консерваторлар етакчиси А. Бо-нар Лоу давлат сиёсий механизмини тўлиқ қайта қуриш ташаббуси билан чиқдилар. 1916 йили Д. Ллойд Жорж либерал партия етак-чиси ва барча йирик партиялар иштирокидаги коалицион ҳукумат бошлиғи бўлди. «Ҳарбий кабинет» деб аталган бу ҳукумат уруш-нинг боришида бурилиш яшаш учун жуда катта фаоллик кўрсатди. 1916 йили Британия саноатчилар федерацияси тузилди. Уруш охи-рига келиб федерация таркибида умумий капитали 4 млрд ф.ст. бўлган 18 минг фирма бирлашган эди. Федерация саноат ишлаб чиқаришини давлат томонидан режалаштириш ва тартибга солиш-нинг асосий воситасига айланди. Биринчи навбатда, бу саноатнинг янги – кимё, авиация, автомобиль, шунингдек, пўлат куйиш соҳа-ларига тааллуқли эди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатга маҳсулот олиб кирувчилар учун ҳукумат фавқулодда юқори бож тўлови – маҳсулот қийматининг 33,3 % миқдорига солиқ ўрнатди («Макенни бож солиғи»). Аграр ишлаб чиқариш ҳам фаол рағбатлантирилди. 1917 йилги қонун кишлок хўжалиги ишчиларининг энг кам иш ҳақини белгилаб бер-ди ва маҳсулотга юқори нархларни кафолатлади. Бу тадбирлар киш-лок хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни сезиларли даражада оширди.

Урушдаги ғалабага Буюк Британиянинг мустамлакалари ҳам катта ҳисса қўшди. 1917 йили метрополия ва мустамлакалар ҳа-ракатларини бошқариш учун империя ҳарбий кабинети таъсис қилиниб, унга Буюк Британия ҳукумати вакиллари ва доминионлар бош вазирлари кирди. 1917 йилги империя ҳарбий конференцияси метрополия ва доминионлар ўртасидаги муносабатлар «домини-онларнинг Империя давлатлар иттифоқидаги автоном миллатлар эканлигини тўлиқ тан олиш асосида» қурилади, деган муҳим сиё-сий қарорни қабул қилди.

Ўз иқтисодий ва сиёсий имкониятларини мислсиз сафарбар қилган Буюк Британия ҳарбий ишлаб чиқаришни сезиларли ошириш-га ва урушдаги иштирокини фаоллаштиришга эришди. Буюк Бри-тания миллий бойликларининг учдан бир қисмига тенг йўқотишга

олиб келган уруш 1918 йили Антантанинг ғалабаси билан якуланди.

Д. Ллойд Жорж ҳукуматининг 1919–1921 йиллардаги ички сиёсати. Биринчи жаҳон уруши йиллари тузилган коалицион ҳукуматнинг мақсади уруш йилларида фуқаролар ўртасида тинчликни сақлаб қолиш эди. Мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий ҳолат, кенг меҳнаткаш омма онгида юз берган ўзгаришлар натижасида 1918 йилга келиб анъанавий икки партияли тизим жиддий инқирозни бошдан кечирди. Инқирознинг сабаблари, биринчидан, миллионлаб аъзоларга эга бўлган ишчиларнинг оммавий касабаниттифоқларига таянган лейбористлар партияси таъсирининг кескин ошиши, иккинчидан, анъанавий либерал партия обрўсининг пасайиши бўлиб, бу ҳол партия аъзоларининг икки гуруҳга бўлиниб кетишида ва партияга овоз берувчи сайловчилар сонининг кескин кинмайишида намоён бўлди. Лейбористлар партиясида юз берган ўзгаришлар уни парламентдаги жиддий сиёсий кучга айлантирди.

Урушдан кейинги дастлабки парламент сайловлари 1918 йил декабрда «миллий коалиция»да ихтилофлар кучайган шароитда бўлиб ўтди. 1918 йил июнда бўлиб ўтган лейбористлар партияси конференцияси консерваторлар билан «сайлов ярашуви»ни тўхтатиш ва либералларнинг ҳукмрон коалициядан чиқиши тўғрисида қарор қабул қилди. Сайлов арафасида лейбористлар ижтимоий-иқтисодий соҳада анча кескин чораларни, жумладан, стратегик муҳим соҳаларни (темир йўллар, савдо кемалари, кўмир саноати, ҳарбий қорхоналар, электр энергияси ишлаб чиқариш) национализация қилишни, энг кам иш ҳақи даражасини ўрнатишни, бандлик борасида давлат сиёсатини фаоллаштиришни, иш кунини кичкартиришни кўзда тутувчи дастурини эълон қилди (1918 йилгача лейбористлар аниқ дастурга эга эмасдилар).

Бироқ, партия таркибида умуммиллий коалиция билан ҳамкорлик тарафдорлари ҳам анча киши эди. Коалицион ҳукумат таркибига кирган лейбористлар партиясининг тўрт нафар аъзосидан бирчаси ўз лавозимларини сақлаб қолишни афзал кўриб, партия сарфидан чиқди.

Либерал партия раҳбариятида ҳам ажралиш юз берди. Г. Асквит фракцияси партиянинг «миллий коалиция» таркибига сингиб кетишига йўл қўймаслик учун анъанавий сиёсатга қайтишни талаб қилди. Д. Ллойд Жорж эса коалицияда қолиш, умуммиллий плат-

формани сақлаб қолиш тарафдори бўлиб чиқди. Сайловолди кампаниясида у «Англияни унинг қаҳрамонларига муносиб мамлакатга айлантирайлик» шиори билан иштирок этди. Ҳукумат уруш йилларидаги «ллойд жоржизм» сиёсатига мос бир қатор тадбирларни амалга оширди. Парламент ислоҳоти ўтказилиб, 21 ёшдан катта эркакларга ҳамда йилига маълум даромад келтирувчи кўчмас мулкка эга бўлган 30 ёшдан катта аёлларга сайлов ҳуқуқи берилди. 14 ёшгача бўлган болаларни мажбурий ўқитишни, бепул бошланғич таълимни жорий қилган ислоҳот катта ижтимоий шов-шувга сабаб бўлди. Ҳукумат болалар меҳнатидан фойдаланишни чеклаш ва ҳарбий хизматдан бўшатирилганларга ёрдам кўрсатиш борасида ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Сайловларда жами 707 депутатлик ўрнidan либерал партиядagi Ллойд Жорж тарафдорлари 136 та ва консерватив партиядagi ҳамкорлари 348 та депутатлик ўринларини эгаллади. Сайлов натижалари Буюк Британиянинг етакчи сиёсий кучлари ўзгаришларнинг оғир даврига қадам қўйганлигини, яқин келажакда иккипартияли моделнинг умумий кўринишида муҳим ўзгаришлар юз бериши лозимлигини яққол намоён қилди.

Д. Ллойд Жорж бош вазир лавозимини сақлаб қолди, аммо ҳукуматдаги асосий лавозимларни консерваторлар эгаллади. А. Бонар-Лоу муҳрдор – лорд, У. Черчилль – ҳарбий вазир, Г. Д. Керзон – ташқи ишлар вазири бўлди. Д. Ллойд Жорж мамлакатни инқироз ҳолатидан олиб чиқишнинг ягона йўли хусусий тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантиришда, давлатнинг тартибга солиш ролини қайта кўриб чиқишда, деб ҳисоблайди. Аммо бундай ёндошув ўзини оқламади. Урушдан кейинги саноатни қайта қуриш урушининг оғир оқибатларини янада кучайтирди, холос. Айрим жонланишларга қарамасдан, бу йиллари саноат ишлаб чиқариши анча паст ҳолатда қолди: 1920 йили 1913 йилга нисбатан 90 %, 1921 йили – 61,5 %, 1923 йили – 82,9 % ни ташкил қилди. Айниқса кўмир қазиб чиқариш, кemasозлик, тўқимачилик, металлургия соҳалари катта зарар кўрди. Ҳукумат фермерларни қўллаб-қувватлаш сиёсатини олиб борган қишлоқ хўжалигида аҳвол бир қадар яхши эди. 1920 йили бошоқли экинларга қатъий нархларни белгиловчи қонун қабул қилинди. Аммо қишлоқ хўжалигини ҳам инқироздан сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. 1920 – 1923 йиллари экин экиладиган майдонлар 20 % га қисқариб кетди.

Урушдан кейинги дастлабки йиллари бозорда талабнинг пастлиги сабабли маҳсулотлар улгуржи нархларининг пасайиши, транспорт инфраструктурасининг бузилиши, инвестиция фаоллигининг сустлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтирди ва Буюк Британия савдо балансини ёмонлаштирди. Урушдан кейинги инкироз йилларида экспорт 44,6 % га, импорт – 39,8 % га тушиб кетди. Давлат қарзларини тўлашга ҳар йили бюджетнинг 40 % га яқини сарфланди. 1919 йили ҳукумат фунт стерлингнинг олтин стандартидан воз кечганлигини эълон қилишга мажбур бўлди. Бу тадбир саноат ишлаб чиқаришининг қисқа муддатли жонланишига, аммо инфляциянинг ҳам шиддат билан ўсишига сабаб бўлди. Бу иктисодий муаммоларнинг барчаси мамлакатда ижтимоий-сиёсий ҳолатнинг кескинлашувига олиб келди.

1918–1921 йиллар Буюк Британияда ишчилар ҳаракатининг кучли кўтарилиш даври бўлди. Бу даврда омманинг фаоллашуви уруш туфайли яшаш шароитининг ёмонлашишидан норозилик билан бирга, ўз тараққиётида янги сифат босқичига кирган индустриал жамиятнинг цивилизациявий инкирозини ҳам акс эттирар эди. Радикал прогрессив психология устувор бўлган, тафаккур ва ижтимоий алоқалар борган сари техникалашган шароитда классик либерализм қоидаларига асосланган ижтимоий моделнинг чекланганлиги XX аср бошларидаёқ ёрқин намоён бўлди. Биринчи жаҳон уруши индустриал тузум ҳукмрон бўлган шароитда аҳолининг энг эҳтиёжманд қатламини сиёсат майдонига олиб чиқди. Ижтимоий хулқ-атворнинг табиий шакли сифатида зўравонликка кўникиб қолган, ўз муаммоларини тез ва кескин ҳал қилишни истаётган кишилар ҳам жаҳон уруши оқопларидан чиқиб келди. Айни пайтда, Буюк Британияда – модернизация жараёнларининг эволюцион, табиий характерига эга бўлган «эски капитализм» мамлакатида – жамиятнинг кенг фашистлашуви учун ҳеч қандай омиллар мавжуд эмасди. Европанинг бошқа мамлакатлари билан солиштирганда урушдан кейинги ижтимоий-иктисодий инкирознинг кўлами ҳам унчалик катта эмасди. Натижада оммавий норозилик жараёни ташкилий характерга эга бўлиб, тўлиқ ишчи тред-юнионларга таянди. Ишчилар ҳаракатининг тан олинган етакчилари «Учлар иттифоки» деб аталувчи шахтёрлар, транспортчилар ва темир йўлчиларнинг энг йирик учта тред-юнионлари альянси бўлди. Улар кенг национализацияни амалга ошириш, иш ҳақини ошириш каби талаблар би-

лан чиқдилар. Катъий бостириш чоралари билан ҳукумат ишчилар ҳаракатини сусайтиришга эришди. Мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий қилиш хавфи остида «Учлар иттифоқи» етакчиларининг 1921 йил 15 апрель куни («Қора жума») умумий иш ташлаш ўтказишдан воз кечиши ишчилар ҳаракатидаги бурилиш нуктаси бўлди. Шу 1921 йили тред-юнионлар конгресси Бош кенгаши тузилиб, унинг раҳбарияти мўътадил ислоҳотчилик позициясини эгаллади.

Урушдан кейинги даврда Буюк Британия ташқи сиёсати. Мамлакатдаги мураккаб ички ҳолатда ва ҳукумат социал либерализм сиёсатини изчил амалга оширишдан воз кечган шароитда ллойд-жоржизм тамойилларини амалга оширишнинг асосий жабҳаси Буюк Британия ташқи сиёсати бўлиб қолди. Ллойд Жорж ҳукуматининг стратегияси давлатлараро муносабатларни зўравонлик, экспансионистик тафаккурдан ҳалос қилиш ва дунёда янги тартибнинг кафолатлари бўлган буюк давлатлар етакчилигида барқарор ҳалқаро-ҳуқуқий тизимни шакллантиришдан иборат эди. Албатта бу тизимда Буюк Британияга асосий роллардан бири ажратилди.

Янги ташқи сиёсий дастурни амалга оширишда дастлабки қадамлардан бири бош вазир бошчилигида Буюк Британия делегациясининг Париж тинчлик конференциясидаги иштироки бўлди. Ллойд Жорж Германия масаласида Франция делегацияси илгари сурган энг радикал таклифларнинг, жумладан, Германия ғарбий ҳудудларига Франция даъвосининг ҳамда олтин ҳисобида 800 млрд марка репарация талабининг рад этилишига эришди. Халқаро музокараларнинг кейинги босқичи бўлган 1921 йилги Лондон конференцияси репарацияларнинг умумий ҳажмини 132 млрд марка қилиб белгилади ва бу сумманинг 22 % ини Буюк Британия оладиган бўлди.

Буюк Британия Миллатлар Лигасини тузиш таклифини фаол қўллаб-қувватлади ва унинг доирасида ўз мустамлакаларини анча кенгайтириб олишга эришди. 1920 йил майда Буюк Британиянинг Ирок, Фаластин, Трансиордания, Тинч океанидаги Науру оролига мандат ҳуқуқи расмийлаштирилди. Британия доминионлари Жануби-Ғарбий Африкага, Самоа ороллари ва Янги Гвинеянинг бир қисмига мандат олди. Шу тариқа Буюк Британия Германиянинг собиқ мустамлакаларидан 5,5 млн аҳоли яшайдиган 21 млн кв км ҳудудга, шунингдек, собиқ Усманийлар империяси таркибига кирувчи 500 минг кв км ҳудудга эга бўлди.

Буюк Британия халқаро муносабатларнинг янги тизими шаклланишини яқунлаган 1921 йилги Вашингтон конференциясини ўтказишда ҳам муҳим роль ўйнади. Аммо унинг натижалари Буюк Британиянинг ўзида ишончсизлик билан қарши олинди. Буюк Британия 1902 йили Япония билан имзоланган иттифоқчилик шартномасини сақлаб қололмади – унинг ўрнига АҚШ, Буюк Британия, Япония ва Франциянинг Тинч океанидаги оролларга эгалик ҳуқуқини қафолатлаш тўғрисида «Тўртлар шартномаси» имзоланди. Бу келишув ва конференцияда Хитой масаласида қабул қилинган қарорлар натижасида урушдан олдин Хитой билан савдонинг 50 % ини, кемалар қатновининг 45 % ини назорат қилган Буюк Британия бу минтақадаги ўз позициясини йўқотди. «Бешлар шартномаси» АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция ва Италия ҳарбий-денгиз флотининг нисбатини ўрнатди. Бунда ҳам асосан АҚШ флоти фойда кўрди.

Ллойд Жоржнинг Совет Россияси билан муносабатларни тинч йўл билан ҳал қилишга интилиши ҳукуматнинг консерватив қисмида норозиликни келтириб чиқарди. Ҳали Париж тинчлик конференциясидаёқ Ллойд Жорж АҚШ президенти В.Вильсон билан бирга «рус масаласи»да Россияда етакчиликка интилаётган сиёсий кучлар билан келишувга боришни таклиф қилди. Аммо 1919 йил баҳорда конференция интервенция ғоясини қўллаб-қувватлади. Россияда фуқаролар уруши тугаши билан Ллойд Жорж большевиклар ҳукумати билан муносабатларни ўрнатиш ғоясига қайтди.

Ҳукумат коалициясида ажралишга олиб келган яна бир муаммо мустамлака масаласи бўлди. Ллойд Жорж ташқи иқтисодий алоқаларни либераллаштириш, империячилик сиёсатидан воз кечиш ташаббуси билан чиқди. Аммо консерватив партия етакчилари бунда Буюк Британиянинг дунёга таъсири учун хавфни кўрдилар ва мустамлакалардаги миллий-озодлик ҳаракатларига нисбатан ҳукумат сиёсатининг талабчанлигини оширишга эришди. Бунга жавобан Мисрда кўзғолон кўтарилди ва натижада Буюк Британия бу мамлакат устидан протекторат мақомидан воз кечишга, фақат Сувайш канали устидан назоратни сақлаб қолишга мажбур бўлди. Мухолифатдаги Ҳиндистон Миллий конгресси фаолияти ҳам жадаллашди. Доминионлар Канада, Австралия ва Жанубий Африка Британия империяси таркибида автоном давлат мақомини қатъий талаб қилди. Доминионлар Миллатлар Лигасига мустақил аъзо бўлиш ҳуқуқини

қўлга киритди. Бу доминионлар давлат мустақиллиги масаласини қайта кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатди.

Британия дипломатияси, айниқса Ўрта Шарқда сезиларли мағлубиятга учради. 1919 йили Афғонистонда ҳокимиятга янги ҳукмдор Абдуллахон келди ва мустақил курс юритишини эълон қилди. Қисқа ҳарбий можародан сўнг Британия ҳукумати Афғонистоннинг тўлиқ мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди. Буюк Британия минтақада таъсирини сақлаб қолиш учун Эрон билан шартнома тузди. Аммо бу давлат устидан ўрнатилган протекторат ҳам Буюк Британияга муваффақият келтирмади. 1920–1921 йиллари Эронда кучли миллий-озодлик ҳаракати бошланди ва унинг таъсири остида Эрон Мажлиси Буюк Британия билан тузилган шартномани ратификация қилишдан бош тортди. Ниҳоят, Ллойд Жорж ҳукуматининг Севр шартномаси шартларини бажаришдан бош тортган Туркия воқеаларига аралашуви ҳам яққол муваффақиятсизлик билан якунланди. Буюк Британиянинг қўллаб-қувватлаши туфайли Туркияга қарши урушга киришган Греция армияси 1922 йили турклар томонидан тор-мор қилинди.

Ллойд Жорж ҳукумати кулашининг охири сабаби Ирландия муаммоси бўлди. XIX аср охири – XX аср бошларида Ирландия, шунингдек, Шотландия ва Уэльсда муҳолифат ҳаракатининг радикал шакллари фаоллаша бошлади. 1919 йил январда бир гуруҳ депутатлар Дублинда йиғилиб, Ирландияни «суверен ва мустақил миллат» деб эълон қилди. Ирландия республикаси президенти қилиб Де-Валера сайланди. Ирландия республикасининг армияси ва автоном давлат аппарати тузилди. Бунга жавобан Британия ҳукумати 1920 йил январда Ирландияда ҳарбий ҳолат эълон қилди. Аммо катта миқёсдаги уруш хавфи Ллойд Жорж ҳукуматини 1921 йил июлда кўзғолончилар билан сулҳ тузишга, 1921 йил декабрда эса мустақил Ирландия давлатини тузиш тўғрисида келишув имзолашга мажбур қилди. Ольстер Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қўшма қироллиги таркибида қолди. Буюк Британия Ирландия республикаси ҳудудида ҳарбий-денгиз базаларини ва Ирландиянинг ташқи сиёсати устидан ўз назоратини сақлаб қолди. Бу қарор ҳарбий можарони тўхтатди, аммо Ольстер Буюк Британия ҳудудида доимий миллий ва конфессионал танглик ўчоғи бўлиб қолди.

Лейбористлар ҳокимият тепасида. Ирландия инкирози, мустамлакалар масаласидаги келишмовчиликлар ва қатъиятсиз ички

сиёсат 1922 йил бошларида ҳукумат коалициясининг узил-кесил барбод бўлишига олиб келди. Ўз таъсирини сақлаб қолишга интилган Ллойд Жорж тори партиясидаги «ёш консерваторлар» қанотини қўллаб-қувватлади ва бу билан партияда бўлинишни келтириб чиқарди. «Ёш консерваторлар» етакчилари Ф. Биркенхед ва О. Чемберлен партия сиёсатининг анъанавий асосларини қайта кўриб чиқиш ва лейбористларнинг тобора кучайиб бораётган таъсирига қарши тура оладиган кучли либерал-консерватив коалицияни ташкил қилиш таклифи билан чиқдилар. Аммо Б. Лоу ва С. Болдуин бошчилигидаги анъанавий консерватизм тарафдорлари фракцияси 1922 йил бошида партиянинг ҳукумат коалициясидан чиқишига эришди. Ллойд Жорж парламентда кўпчилик овозга эга бўлмаганлиги учун истеъфога чиқишга мажбур бўлди. 1922 йил октябрда Бонар Лоу фақат консерватив партия вакилларидан иборат янги ҳукуматни шакллантирди. Парламент тарқатиб юборилди, навбатдан ташқари сайловларда эса консерваторлар 344 та ўрин билан тўлиқ ғалабага эришди. Либералларнинг Ллойд Жорж ва Асквита бошчилигида иккита автоном қанотга ажралиб кетганлиги (улар 57 ва 60 та ўрин олди), парламентда 138 та ўринга эга бўлган лейбористларни иккинчи сиёсий партияга айлантирди. Инглиз иккипартияли тизимида кескин ўзгариш юз берди. Либерал партиянинг мағлубияти вақтинчалик характерга эга бўлмасдан, ижтимоий либерализм принципларини изчил ишлаб чиқишдан воз кечган, натижада партиянинг ягона ижтимоий таянчидан айрилган ллойд-жоржизм сиёсий фалсафасининг чуқур инкирозини акс эттирди. Лейбористлар партияси танлаган социал-реформизм стратегияси уларга пайдо бўлган мафкуравий ва сиёсий бўшлиқни узвий ҳолда тўлдириш имконини берди.

Б. Лоу ҳукумати бир йилдан камроқ ҳокимиятни бошқарди. Шу қисқа вақт ичида бу ҳукумат Франция ва Германия муносабатларидаги мураккаб муаммоларни ҳал қилиш ва Рур инкирози оқибатларини бартараф қилишига тўғри келди. 1923 йили АҚШ билан келишув имзоланиб, унга кўра Буюк Британиянинг қарзи 30 % га қисқарганлиги ҳамда тўлов вақти 62 йилгача чўзилганлигини (йиллик тўлов 3,5 % ни ташкил қилди) ҳам шу ҳукуматнинг ютуғи деб аташ мумкин. Умуман олганда АҚШ бошқа Европа мамлакатларига нисбатан янада конструктив позицияни эгаллади. Масалан, Франциянинг қарзи 60 % га, Италияники эса 80 % га қисқартирилди.

1923 йил майда Б. Лоу соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли истеъфога чиқди. Ҳукуматни С. Болдуин бошқарди. У протекционистик тарифлар тўғрисидаги масала ва фаол империячилик сиёсатидан партияни бирлаштирувчи куч сифатида фойдаланишга ҳаракат қилди. Ллойд Жоржнинг ҳам протекционистик курсни қўллаб-қувватлаши ҳолатни мураккаблаштирди. Ташаббусни ўзида сақлаб қолишга, партия етакчиси сифатидаги ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳамда либералларнинг рақобатини узил-кесил бартараф қилишга интилган С. Болдуин, парламентни тарқатиб юбориш ва янги сайловлар тайинлашга эришди. Сайловлар кутилмаган натижаларга олиб келди – консерваторлар бор-йўғи 259 ўринга, бирлашган либераллар 155 ўринга, лейбористлар эса 191 ўринга эга бўлди. Анъанавий партиялар – консерваторлар ва либераллар ўртасидаги қарама-қаршилик шароитида ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини мандатлар сони бўйича иккинчи йирик партия бўлган лейбористлар етакчиси Р. Макдональд олди.

Лейбористларнинг биринчи ҳукумати. Ишчилар партиясининг бошқаруви қисқа, аммо бундай турдаги дастлабки уриниш сифатида муҳим бўлди. Айтиш лозимки, лейбористлар ҳукуматида бир қатор муҳим лавозимларни «мустақил» сиёсатчилар эгаллади. Бу ҳукуматдаги қатор лавозимларни Лордлар палатаси аъзолари эгаллашини кўзда тутган Британия ижро ҳокимияти моделининг ўзига хослиги билан изоҳланади.

Парламентда кўпчилик ўринга эга бўлмаган лейбористлар ички сиёсатда бирон-бир жиддий ўзгариш қила олмади, фақат ишсизлик бўйича нафақанинг оширилиши, ижтимоий суғуртанинг кенгайтирилиши, биринчи эҳтиёж товарларига солиқларнинг камайтирилиши билан чекланди. Уй-жой қурилишига давлат субсидиялари оширилишини кўзда тутган «Уитли режаси» жамиятда катта шовшувга сабаб бўлди. Лейбористлар ҳукумати протекционистик бож тўловларидан воз кечиш ва ҳарбий харажатларни анча оширишга қаратилган янги бюджетни ишлаб чиқди.

Ташқи сиёсат борасида Макдональд юқори даражадаги фаолликни намойиш қилди. Бу даврда Британия дипломатияси Франция-Германия қарама-қаршилигини ҳал қилишда ва Дауэс комиссияси таклифларига мувофиқ барқарорлаштириш чора-тадбирларини қабул қилишда катта роль ўйнади. Миллатлар Лигасида Макдональд Франция бош вазири Э. Эррионинг ташқи сиёсатда

пацифистик принципларни жорий қилишга қаратилган фаолиятини қўллаб-қувватлади. Британия дипломатиясининг фаол ҳаракати туфайли 1923–1924 йиллари йирик мустамлакалар билан муносабатлардаги кескинликни юмшатишга эришилди. Лондонда барча баҳсли масалаларга бағишланган конференция бўлиб ўтди. У Британия Миллатлар Ҳамдўстлиги тузилганлигини яна бир бор тасдиқлади. Айни пайтда, Макдональд ҳукумати Ҳиндистон, Ироқ ва Судандаги миллий-озодлик ҳаракатларини бостирди. Британия дипломатияси Туркия билан муносабатларни тартибга солишга бағишланган 1923 йилги Лозанна конференциясида фаол иштирок этди. Конференция, жумладан, Буюк Британиянинг Сувайш канали устидан назорат ҳуқуқини тасдиқлади. Россия билан муносабатларда ҳам ижобий силжиш юз берди. 1924 йили Макдональд ҳукумати СССРни тан олди.

Шундай қилиб, лейбористлар ҳукумати амалда урушдан кейинги дастлабки йилларда Ллойд Жорж томонидан таклиф қилинган, давр руҳига сўзсиз жавоб берадиган, аммо Буюк Британия сиёсий доираларида турли хил эътирозларга сабаб бўлган ташқи сиёсат курсини давом эттирди.

«Болдуин даври». 1924 йил охирида консерваторлар партияси лейбористлардан ташаббусни ўз қўлига олди. Шу йили бўлиб ўтган навбатдан ташқари парламент сайловларида консерваторлар партияси Жамоалар палатасида 413 ўринга эга бўлиб, ишончли ғалаба қозонди. Лейбористлар – 151 та, либераллар – 40 та ўринни эгаллади. Стенли Болдуин бош вазир бўлди ва 1929 йилгача шу лавозимда қолди. Бу давр Британия тарихшунослигида «Болдуин даври» номини олди. Консерваторлар етакчиси, биринчи навбатда, кўп йиллардан бери сақланиб келаётган партиядagi бўлинишни бартараф қилишга уринди. Сайловлар арафасида қабул қилинган партиянинг янги дастури кўп жиҳатдан муҳолифатдаги «ёш тори» фракциясининг қарашларини акс эттирди. Унинг етакчи ғояси «консерватив реформизм» – консерваторлар ва либераллар ғояларининг самарали синтези бўлди. Либераллар сингари Болдуин ҳукумати ҳам давлат ҳомийлиги асосида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратди. Улар мустамлака империясининг самарали ҳамкорликка асосланган имкониятлари иқтисодий ўсишнинг манбаи бўлади, деб ҳисоблади. Консерватив реформизм ғояси, биринчи навбатда, «юқори ўрта синф»дан чиққан, партия раҳбариятида бор-

ган сари эски тори-аристократларнинг ўрнини эгаллаб бораётган тадбиркорлар доираларини ўзига жалб қилди. Болдуин партиянинг ёш истикболли етакчиларидан бўлган ва ҳукуматда Ҳиндистон ишлари бўйича ҳамда ташқи ишлар вазирлари лавозимларини эгаллаган Ч. Биркенхед ва Н. Чемберленнинг қўллашига эришди. Кутилмаганда Хазина канцлери, яъни молия вазири лавозимини собиқ мудофаа вазири, икки марта либераллардан консерваторларга ўтиб улгурган Уинстон Черчилль эгаллади.

С. Болдуин ҳукумати маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва Буюк Британия товарларининг чет эл бозорларида рақобатбардошлигини ошириш учун бир қатор тадбирларни, жумладан, 1925 йили молиявий ислохотни амалга оширди. Миллий молиявий тизимни мустаҳкамлаш мақсадида 1925 йил апрелда фунт стерлингнинг олтин стандарти жорий қилинди (1922 йилдан дунёда Генуя олтин-девиз стандарти деб аталувчи тизим мавжуд эди; девизлар – банк векселлари, чеклар, аккредитивлар кўринишидаги халқаро тўлов воситаси бўлиб, олтинга тенг ҳисобланар эди). Айнан фунт стерлингнинг олтин билан кафолатганлиги ва чекланмаган миқдорда миллий валюта ликвидлигини таъминлаш (яъни, пулнинг эркин ва чекланмаган миқдорда олтинга алмаштирилиши) туфайли Британия молия тизими халқаро тадбиркорлар томонидан капитални жойлаштиришнинг ишончли ва ҳимояланган соҳаси сифатида қарала бошланди. Қисқа муддат ичида чет эл инвестициялари оқими анча ўсди, Британия банкларида қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси ва халқаро операциялардан оладиган фойдаси ошди. Бу «кўринмас экспорт» самараси 1 млрд ф.ст. дан зиёдрокни ташкил қилди. Аммо молия гуруҳлари фойдаси инглиз саноатчилари учун зарарга айланди. Британия компаниялари маҳсулотининг таннархи юқори бўлиб (валютанинг қимматлиги сабабли), улар Америка ва Германия маҳсулотлари билан ҳатто ички бозорда ҳам рақобатлаша олмасди. 1925 йилги молия ислохотидан сўнг Британия товарлари нархи жаҳон бозорида тахминан 12 % га ўсди. Британия иқтисодиётининг модернизация қилинмаган эски соҳалари тўлиқ таназзулга юз тутди. Кўмир казиб чиқариш 1913 – 1928 йиллари жаҳонда 6 % га ўсгани ҳолда, Британияда 17 % га қисқарди, чўян эритиш жаҳонда 12 % га ўсди, Британияда эса 55 % га қисқарди. Тўқимачилик ишлаб чиқаришининг қисқариши натижасида бу соҳада Буюк Британиянинг жаҳондаги улуши 39 % дан 34 % га тушиб кетди. 1920-йиллари

ишсизлик даражаси 10 % дан пастга тушмади. 1923–1930 йиллари кўмир саноати ишчиларининг сони 30,8 % га, тўқимачилик – 24,9 % га, қора металлургия – 21,1 % га қисқарди. Ўсиш суръатлари ҳам паст бўлиб, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми 1929 йили 1913 йилга нисбатан 100,6 % ни ташкил қилди. Аммо асосий соҳалар – машинасозлик, кимё, автомобиль, авиация саноатлари 1913 йилги даражасига чиқа олмади. Аграр секторда ҳам депрессия давом этди. Натижада жаҳон савдосида Буюк Британиянинг ҳиссаси тушиб кетди. 1913 йили Британия экспорти жаҳон экспортига нисбатан 15,2 % ни ташкил қилган бўлса, 1926–1928 йиллари фақат 12,5 % ни ташкил қилди, холос. Экспортнинг умумий ҳажми урушдан олдинги даражасининг 87 % ини ташкил қилди.

Иқтисодий ҳолатнинг мураккаблиги мамлакатда ижтимоий тангликнинг ўсишига олиб келди. Айниқса Н. Чемберлен ҳокимиятга келган дастлабки даврда унинг ташаббуси билан қабул қилинган ижтимоий таъминот давлат дастури муваффақиятсизликка учрагандан сўнг ҳолат янада оғирлашди. Бу дастур пенсия таъминотини кенгайтиришни, пенсия ёшини 65 ёшгача қисқартиришни, кам таъминланганларга кўшимча ёрдам кўрсатишни, ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтиришни кўзда тутган эди. Бюджетни катъий иқтисод қилиш сиёсати бошлангандан сўнг бу ислохотлар тўхтатилди, реал иш ҳақи пасайтирилди, кўплаб соҳаларда иш куни узайтирилди. Бунга жавобан иш ташлаш ҳаракати жадал ўсди. 1926 йил майда Буюк Британия тарихида биринчи марта умумий иш ташлаш бўлиб ўтди. Иш ташлаш давомида илгари сурилган талаблар асосан иқтисодий ва мўътадил характерда эди. Ишчилар иш ҳақининг пасайишига, иш кунининг узайтирилишига қарши кафолат талаб қилдилар. Консерваторлар ишчилар ҳаракатига қарши иқтисодий ва ҳуқуқий воситалар билан курашга киришди. 1926 йили ишчилар тўғрисидаги қонунлар талабчанлиги анча оширилди. 1927 йили саноат можаролари ва касаба уюшмалари тўғрисида қонун қабул қилинди. Унга кўра ҳукуматни қандайдир ҳаракатга мажбур қилиш учун уюштирилган умумий иш ташлашлар қонунга зид деб эълон қилинди. Янги меҳнат можароларининг олдини олиш учун 1928 йили банкир Альфред Монд бошчилигида ҳукумат комиссияси ташкил қилиниб, меҳнат муносабатлари соҳасида давлат сиёсатининг умумий принципларини ишлаб чиқиш унинг вазифаси қилиб белгиланди. Комиссиянинг тред-юнионлар Бош кенгаши би-

лан маслахати натижасида меҳнат ва капитал ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш сиёсатининг умумий йўналишлари ишлаб чиқилди.

Консерваторлар ҳукуматининг ташқи сиёсати анча муваффақиятли бўлди. 1920-йиллари халқаро муносабатларда пацифистик принципларнинг устуворлиги сиёсатдаги зўрлик методларининг аҳамиятини пасайтирди. Британия дипломатияси китъадаги давлатлар ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланиш анъанавий сиёсатидан вақтинча воз кечди. 1925 йили Буюк Британия Версаль шартномаси шартларининг ўта оғирлигидан зарар кўрган давлатларга ён беришни бошлаб берган Локарна конференциясида қатнашди. Буюк Британия қуролсизланиш бўйича халқаро дастурларга ҳам кўшилди. Консерваторлар ҳукумати анъанавий равишда СССРга қарши қатъий позицияни эгаллади. 1927–1928 йиллари икки давлат ўртасидаги муносабатлар бир неча бор бузилиш арафасига келиб қолди. Иқтисодий ҳамкорлик кўлами кескин қисқарди. Британия дипломатияси учун Хитой масаласи ҳам жиддий муаммо бўлиб қолаётган эди. Жанубий Хитойда миллий ҳаракатнинг ўсиши Буюк Британиянинг Гонконгдаги манфаатларига хавф соларди. Умуман халқаро майдондаги барқарор ҳолат Болдуин ҳукуматининг обрўсини анча оширди, аммо унинг ички сиёсатдаги камчиликлари ўрнини боса олмади.

Лейбористларнинг иккинчи ҳукумати. 1929 йилги парламент сайловлари арафасида консерваторлар партияси раҳбариятда етакчилик учун кураш туфайли иккига ажралиб кетди. Болдуин бирон-бир янги дастур таклиф қила олмади. Ҳукуматнинг ягона жиддий сайловолди тадбири 1928 йилги янги сайлов қонуни бўлди. Қонун аёллар ва эркаклар ҳуқуқларини тенглаштирди. Лейбористлар етакчилари аксинча, сайловларга «Лейборизм ва миллат» номли янги дастур тайёрлади. У ҳар қандай радикализмдан холи бўлиб, кўпроқ прогрессив буржуа партиясининг дастурини эслатар эди. Корхоналарни национализация қилиш талаби дастурда «жамият манфаатлари учун энг яхши экспертлар ва тадбиркорлар томонидан бошқарилувчи» «ижтимоий корпорациялар» тузиш ғояси билан алмаштирилди. Ушбу ўзгаришларни инобатга олганда, 1929 йил 30 майдаги сайловлар натижалари унчалик тасодифий бўлмади: жамоалар палатасида лейбористлар – 287 ўрин, консерваторлар – 260 ўрин, либераллар – 59 ўринни эгаллади. Шу тариқа лейбористлар

илк бор энг катта парламент фракциясини тузишга ва бошқалар позициясидан қатъи назар ҳукуматни шакллантиришга даъво қилиш ҳуқуқига эришди. Ҳукуматни яна Р. Макдональд бошқарди. Лейбористлар ҳукуматининг фаолиятига катта таъсир кўрсатган ҳодиса жаҳон иқтисодий инқирози бўлди.

Буюк Британияда инқироз бошқа мамлакатлардагига нисбатан кечроқ бошланди. Шусиз ҳам Британия иқтисоди ўсишининг паст даражаси ишлаб чиқаришнинг кескин тушиб кетишига олиб келмади. Агар 1929 йили ишлаб чиқариш даражаси 1913 йилга нисбатан 100,3 % ни ташкил қилган бўлса, 1932 йили 82,5 % ни ташкил қилди. Натижада Буюк Британия иқтисодиёти АҚШ (ўсиш кўрсаткичи 1929 йили 1913 йилга нисбатан 180 %, 1932 йили – 93,7 %), Германия (117,3 % ва 70,2 %), Франция (142 % ва 105,4 %) иқтисодиётига нисбатан унчалик чуқур инқирозга тушмади. Айни пайтда, инқироз йиллари Буюк Британияда саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми, инвестицион фаоллик даражаси фавқулодда паст бўлди. Бу ишсизлик муаммосини (1932 йили 25 % га етди) кескинлаштирди. Бутун бошли «депрессия районлари» шаклланиб, бу ҳудудларда иқтисодий ҳаёт тўлиқ тўхтади. Энг кам модернизациялашган технологик базага ва паст ишлаб чиқариш самарадорлигига эга бўлган соҳалар энг кўп зарар кўрди. Кемасозлик ҳажмининг қисқариши 1929 – 1934 йиллари Буюк Британия денгиз савдоси ҳажмининг 2,43 млн т. қисқаришига олиб келди. Пўлат қуйиш 9,63 млн т. дан 5,20 млн т. гача, чўян эритиш 7,59 млн т. дан 3,57 млн т. гача камайди. Шу тариқа Буюк Британия металлургия саноати 70 йил орқага суриб ташланди. Бошқа соҳаларда ҳам шундай оғир аҳвол вужудга келди. Инқироз йиллари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи 34 % га тушиб кетди. Буюк Британиянинг халқаро савдодаги улуши ҳам камайиб кетди. Давлат бюджетдаги камомад ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини камайтирди. Бюджетнинг умумий камомади 1931 йили 100 млн ф. ст. ни ташкил қилди. Бюджет муаммоларини таҳлил қилиш учун таниқли молиячи Жорж Мэй бошчилигида ҳукумат комиссияси тузилди. Комиссиянинг хулоса ва тавсиялари анча нохуш бўлди – мамлакат янада чуқур молиявий инқироз остонасида турибди ва ҳолат тезлик билан қатъий тежамкорлик сиёсатига ўтишни, давлатнинг ижтимоий дастурларини тўхтатишни талаб қилади. Мэй комиссияси хулосаси лейбористлар партияси раҳбариятида кескин тортишувларни келтириб чиқарди

ва Макдональд ҳолатни бошқа ўнглай олмади. Ҳукуматда ажралиш хавфи юзага келди.

Лейбористлар ҳукумати ташқи сиёсат соҳасида фаоллик кўрсатиб, бир қатор муаммоларни ҳал қилишга киришди. СССР билан дипломатик муносабатлар тўлиқ ҳажмда тикланди, Германиядан олинаётган репарацион тўловларни тўхтатиш ҳақида қарор ратификация қилинди. Доминионларнинг истагига кўра 1931 йили қабул қилинган Вестминстер статuti деб номланган ҳужжат доминионларнинг Буюк Британиядан ажралиш жараёнини яқунлади ва давлат суверенитетини ўрнатди. Статутга кўра доминионнинг генерал-губернатори қирол томонидан маҳаллий аҳоли орасидан тайинланадиган бўлди. Статутдаги энг муҳим қоида доминион қонунлари устуворлигининг ўрнатилиши бўлди. Яъни доминион қонунлари Буюк Британия қонунларига мос келмай қолганда, доминион қонунларининг устунлиги тан олинди. Ўз ички мустақиллигига эга бўлган доминионлар билан метрополия биргалликда Британия Миллатлар Ҳамдўстлиги номли иттифокни ташкил қилди.

1931 йил ўрталарига келиб лейбористлар ҳукумати инкирозга қарши фаол сиёсат юритиш учун етарли таъсирга эга эмаслиги маълум бўлиб қолди. Мэй комиссияси тавсиялари бўйича ҳукуматда келиб чиққан можаро ва янги бюджет бўйича парламентдаги жўшқин мунозаралар Макдональдни истеъфога чиқишга мажбур қилди. Аммо консерваторлар партияси мамлакатни инкироздан олиб чиқиш учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёр эмасди. Партия раҳбарияти Н. Чемберлен ва У. Черчилль фракциялари ўртасидаги кураш оқибатида анча кучсизланиб қолган эди. Шундай шароитда учта партиялар вакилларидан иборат «миллий ҳукумат» тузиш ғояси туғилди. Ҳукуматни бошқариш Макдональдга таклиф қилинди. Макдональднинг розилик бериши уни лейбористлар партияси сафидан чиқарилишига олиб келди. Парламентдаги 287 нафар лейборист-депутатлардан фақат 13 нафари Макдональд фракциясида қолди. Шунга қарамасдан, консерваторлар, национал-лейбористлар ва национал-либераллар ҳукумати тузилди ва бу коалиция 1931 йил октябрдаги сайловларда ғалаба қозонди. Коалиция Жамоалар палатасида жами 497 ўринга эга бўлди. Гендерсон бошчилигидаги лейбористлар партияси қаттиқ мағлубиятга учради.

Илгариги 287 ўриндан фақат 46 ўринни сақлаб қолди, холос. Либераллар 72 ўринга эга бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида иқтисод. Ҳукуматнинг коалицион характериға қарамасдан унда ҳал қилувчи ролни консерваторлар ўйнади. Молия вазири бўлган Невилл Чемберлен, айниқса катта таъсирга эга эди. Энди у илгаригидек «ижтимоий консерватизм» ихлосманди эмасди, ҳақиқий «тори» – аристократ, такаббур, намойишқорона нозиктаъб шахсга айланди.

«Миллий ҳукумат» бор кучини валюта ва экспорт-импорт соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишга қаратди. 1931 йилги валюта ислоҳоти фунт стерлингнинг олтин стандартини бекор қилди (яъни банкнотларни қуйма олтинга алмаштириш тўхтатилди). Миллий валюта курси шиддат билан тушиб кетди. 1931 йил сентябрь – декабрь ойларида у 30 % га пасайди. Аммо олтин стандартнинг бекор қилиниши саноат ишлаб чиқаришининг ўсишига таъсир кўрсатди, зеро у маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келди. Молия бозори ҳам издан чикмади. Бунда Британия Ҳамдўстлиги иттифоқи мамлакатлари, шунингдек, Греция, Португалия, Швеция, Дания, Норвегия, Финляндия, Эрон, Миср ва кўплаб Лотин Америкаси мамлакатлари кирган «стерлинг блоки»нинг ташкил қилиниши катта роль ўйнади. Блокка қирувчи мамлакатларда ф. ст. асосий валютага айланди. Натижада 1930-йиллар охирига келиб жаҳон савдо айланмасининг 40–50 % и инглиз миллий валютасида амалга оширилди. Ижтимоий соҳада қатъий иқтисод сиёсати бюджетни соғломлаштиришга олиб келиши лозим эди.

Мамлакатни иқтисодий инқироздан олиб чиқиш бўйича ҳукумат томонидан амалга оширилган тадбирлар ўз натижасини берди. Агар 1932 йили ишлаб чиқариш индекси 1913 йилга нисбатан 83,5 % ни ташкил қилган бўлса, 1937 йили бу кўрсаткич 123,6 % га етди. Аммо кўмир қазиб олиш, кemasозлик, тўқимачилик саноати каби соҳаларда ўсиш урушдан олдинги даражасига етмади. Энг тез ривожланган соҳалар автомобилсозлик, авиация, кимё ва уй-жой қурилиши бўлди. 1930-йилларнинг иккинчи ярмидан ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда давлатнинг ҳарбий инвестициялари катта роль ўйнади. Бюджетнинг ҳарбий соҳага йўналтирилган қисми агар 1935 йили 136,9 млн ф.ст. ни ташкил қилган бўлса, 1939 йили 626,4 млн ф. ст. га етди. Иқтисоднинг милитаризациялашу-

ви айникса 1937–1938 йиллардаги инкироз пайтида катта ижобий аҳамиятга эга бўлди.

1930-йиллардаги сиёсий ривожланиш муаммолари. Буюк Британия иқтисодий инкироздан чиқа бошлаши билан мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ҳам барқарорлашиб борди. Бирок, етакчи сиёсий партиялардаги ички зиддиятлар кучайиб борди. Лейбористлар партиясида ажралиш юз бергандан ва Макдональд гуруҳи ундан чиққандан сўнг лейбористларнинг сўл қаноти фаоллашиб кетди. 1932 йили октябрда партия конференцияси ишчилар ҳаракатининг социалистик йўналишини сақлаб қолиш ва парламентдаги лейбористлар фракцияси фаолиятида партия мафкуравий принципларини қатъий ҳимоя қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Партия раҳбарлигига ҳам анча сўл йўналишдаги сиёсатчи Жорж Лэнсбери келди. Аммо 1930-йиллар ўрталарига келиб партияни яна мўътадил кучлар безовта қила бошлади. 1934 йил партиянинг «Социализм ва тинчлик учун» деб аталган янги дастурини қабул қилиш бу йўналишда бурилиш нуқтаси бўлди. Бу ҳужжат олдинги «Лейборизм ва миллат» дастурига нисбатан анча кенг ва кескин характерда бўлиб, унда бир қатор иқтисодий, жумладан, саноатнинг қатор соҳаларини национализация қилиш ва банк тизимини қайта қуриш талаблари илгари сурилди. «Социализм ва тинчлик учун» дастури лейбористларнинг демократия ва лейборизм принципларига, халқаро муносабатларда тинчлик ғоясига содиқлигини намоён қилди. Умуман лейбористлар партиясининг янги дастури масъулиятли ҳукуматни шакллантиришга ва конструктив сиёсат олиб боришга йўналтирилган эди. Партиянинг биринчи идеологи С. Веббнинг энг қобилятли сафдошларидан бири, Оксфорд университетини битирган Клемент Эттли 1935 йили лейбористлар етакчиси бўлди. К. Эттли қарашларида Кейнснинг иқтисодий концепцияси алоҳида сиёсий мафкура характерини касб этди. Аммо Буюк Британияда «кейнсчилик инкилоби» гача қарийб йигирма йил бўлса-да, либерал партия бу даврда сиёсий ташаббусни ўнг ва сўл мухолифларидан ўз қўлига ололмади.

1930-йиллари консерватив партияда протекционистик бож солиғи режимини тиклаш ва мустамлакалар билан алоҳида муносабатлар ўрнатиш тарафдорлари фаоллашиб кетди. Консерваторлар учун анъанавий бўлган бундай музокаралар ортида асли йирик фракциялар ўртасида партияга етакчилик қилиш учун кураш яши-

ринган эди. Лордлар Бивербрук ва Ротермир ҳамда собиқ мустамликлар вазири Л. Эмери бошчилигидаги катта авлод вакиллари партиянинг расмий етакчиси С. Болдуинга қарши чиқди. Аммо улар Болдуиннинг мавқеини пасайтиришга эриша олмадилар. Консерватив партиянинг С. Болдуин бошчилигидаги етакчи фракцияси бу йиллар давомида ўз мавқеини сақлаб қолди. 1935 йилги сайловларда улар ишончли ғалабани қўлга киритиб, Жамоалар палатасида 387 ўринга эга бўлди. Бундан ташқари, 33 нафар национал-либераллар ҳам улар позициясини қўллади. Лейбористлар 154 ўринга эга бўлди. Парламент сайловларидаги ғалабадан сўнг ҳукуматни С. Болдуин бошқарди (икки йилдан кейин унинг ўрнига Н.Чемберлен келди).

1930-йиллар ўрталаридаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик шароитида Британия монархиясидаги инкироз кутилмаган ҳодиса бўлди. 1936 йили Георг V вафот этгандан сўнг тахтга Эдуард VIII келди. Янги монарх ўз аجدодларига нисбатан мутлақо бошқача шахс эди. Уни расмий ахлоқ талабларини писанд қилмаслик, ўз кадр-қимматини юқори баҳолаш, ўз халқининг реал эҳтиёжлари билан яшашга интилиш каби хислатлар ажратиб турарди. Эдуард VIII ўта ҳиссиётга берилувчан ва жаҳлдор эди. Унинг анъанавий хушахлоқ монархия имиджидан воз кечиш ва сиёсий ҳаётда шахсан иштирок этишга интилиши консерватив партия етакчилари билан келишмовчиликни келтириб чиқарди. 1937 йили муаммонинг ечими топилди. Эдуард VIII ўта жозибадор ва эпчил, аммо икки марта эридан ажралган америкалик Уэллис Симпсонга уйландан сўнг расман тахтга ўтиришини эълон қилди. Ҳукумат диний, ҳуқуқий, сиёсий ва ахлоқий сабабларга кўра бу никоҳга қатъий қарши чиқди. Болдуин ҳукумат истеъфоси ва конституциявий инкироз билан кўрkitди, Эдуардга радио оркали тўғридан-тўғри халққа мурожаат қилишни таққлади. Кутилмаганда қачондан бери партия етакчилари билан курашга тайёрланиб юрган У.Черчилль киролининг ёнини олди. Черчилль ҳатто, парламентда партияларо «киролик» фракциясини ташқил қилишга уринди. Аммо Эдуард севимли аёли учун тахтдан воз кечишга қарор қилди ва 1936 йил 10 декабрда тахтдан воз кечиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолади. У Уэллис Симпсонга уйланиб, яна 35 йил тожу тахтсиз, аммо бахтли ҳаёт кечирди.

Буюк Британия тахтига итоаткор Георг VI келиши билан сиёсий инкироз яқунланди. Бироқ сиёсий инкирознинг яқунлангани

ҳукумат доирасида бирликнинг тикланишига олиб келмади. Черчилль ва Чемберлен ўртасидаги кураш сиёсий ҳаётнинг асоси бўлиб қолди.

1930-йилларда Буюк Британия ташқи сиёсати. Бу даврда Буюк Британия ташқи сиёсий курсини шакллантиришга консерватив партиядаги Н.Чемберлен бошлиқ гуруҳ катта таъсир кўрсатди. Лейбористларнинг иккинчи ҳукумати даврида шаклланган халқаро муаммоларни ҳуқуқий тартибга солиш ғояси, блоклар сиёсатидан воз кечиш, Версаль-Вашингтон тизими шартномаларидан зарар кўрган давлатларга ён бериш сиёсатининг узвийлиги сақлаб қолинди. 1934 йили СССР Миллатлар Лигасига аъзо бўлгандан сўнг у билан муносабатлар ҳам яхшиланди.

Консерватив партия раҳбарияти мустамлакалар масаласида олдинги сиёсат принципларини жиддий қайта кўриб чиқди. 1935 йили Ҳиндистоннинг янги конституцияси тасдиқланди. Ҳиндистон провинция ва рожаликлардан иборат федератив давлатга айлантирилди. Сайлов ҳуқуқига эга бўлган маҳаллий аҳоли сони 14 % га кўпайтирилди. Аммо ҳукуматнинг бу курси бир қатор сиёсатчиларнинг норозилигини келтириб чиқарди. Айниқса У. Черчилль ҳукумат курсига қатъий қарши чиқди. Черчилль фракциясини Ирландия масаласида ҳукуматнинг «журъатсизлиги» ҳам ғазабга келтирди. 1937 йили Ирландия парламенти янги конституция қабул қилиб, мамлакатни «суверен ва мустақил давлат» деб эълон қилишига нисбатан Британия ҳукумати қатъий фикр билдирмади.

Европа қитъасида Британия дипломатиясининг асосий вазифаси Версаль тинчлик шартномасидан жабр кўрган давлатлар, биринчи навбатда, Германия билан зиддиятларни бартараф этишдан иборат бўлди. Бу масалада 1920-йиллари танланган стратегия Германияга «ён бериш» ва аста-секин унинг ҳуқуқий реабилитациясини таъминлашга қаратилган эди. Аммо фашистлар ҳокимиятга келиши билан Германия сиёсатида тажовузкорликнинг кучайиши 1934–1935 йиллари Европада антигитлер кучларнинг жипслашувига туртки бўлди. Австрияни зўравонлик билан аншлюс қилиш хавфи ҳатто Италия фашистик режимини ҳам Германияга қарши чиқишга мажбур қилди. Шундай масъулиятли дамда Британия дипломатияси жиддий хатога йўл қўйди. Европада юз бераётган ўзгаришларнинг ҳақиқий характерини тушунмаган Буюк Британия ҳукумати Европада «мувозанат тизими»ни сақлашга қаратилган анъанавий сиё-

сатга қайтди. 1934–1935 йиллари юз берган Франция билан Италиянинг яқинлашуви шароитида Буюк Британия Германия билан яқинлашишга қарор қилди. 1935 йил мартда Германия билан яширин музокаралар олиб бориш учун Берлинга Буюк Британия ташқи ишлар вазири Саймон келди. Икки давлат ўртасида Версаль шартномасида кўрсатилган куруллар миқдорини сақлаш ва ҳарбий денгиз кучларининг нисбати тўғрисида келишувлар имзоланди. Буюк Британия сиёсатчилари бу келишувни денгиз курулларини чеклаш бўйича муҳим қадам деб ҳисоблади. Аммо Гитлер яқин келажақда бирон-бир шартномага риоя қилишни режалаштирмаётган эди.

1935 йилнинг иккинчи ярмида Британия дипломатияси яна бир, воқеаларнинг кейинги ривожига ўта салбий таъсир кўрсатган таваккал ишга қўл урди. Италия Абиссинияга (Эфиопия) бостириб киргандан сўнг Буюк Британия бунга Миллатлар Лигасида кескин қарши чиқди. Аммо бу бирон-бир амалий тадбирга олиб келмади. Аслида Миллатлар Лигаси ихтиёрида тажовузкор давлатга таъсир ўтказишнинг реал воситалари анчагина эди. Аммо салгина аввал антигитлер коалицияни тузиш тўғрисида Муссолини билан музокаралар олиб бораётган, Италиянинг Шимолий Африкадаги тажовузкор ҳаракатига кескин қаршилик қилмасликка тайёр эканлигини намойиш этаётган Франция ҳам энди Италияга қарши кампанияга қўшилди. Бундай шароитда Италиядаги фашистик режим мадад истаб айнан Берлинга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Кейинги икки йил давомида гитлерчилар блокнинг асосини ташкил қилган «Берлин – Рим» ўқи шаклланди.

Германияга ён бериш сиёсати аста-секин Буюк Британия сиёсатчиларининг бир гуруҳи томонидан мамлакат ташқи сиёсатининг асосий қисми сифатида қарала бошланди. Бу қараш тарафдорлари Э. Галифакс, С. Хор, Д. Саймон, Р. Батлер Н.Чемберлен атрофида бирлашиб, ҳукуматнинг умумий курсини белгилашда муҳим роль ўйнади. Бу гуруҳ Германияга ён беришни фақат урушни баргараф қилишнинг ягона имконияти деб эмас, Европада барқарор мувозанат тизимни яратишнинг ҳам муҳим шarti деб қараётган эди. Улар Германиядаги фашистик режимнинг «ўзига хослиги» қарамасдан у билан ҳамкорлик қилишни оммавий ахборот воситалари орқали зўр бериб ташвиқот қилди. Очиқ фашистпараст кучларнинг Британия жамияти ҳам пайдо бўлди. Ҳукуматнинг бу курсига қарши чиққан ягона таъсирли сиёсий гуруҳ консерватив

партиядаги У.Черчилль фракцияси бўлди. Черчилль тарафдорлари 1936 йили қайта қуролланиш дастурини қабул қилишга эришди, аммо улар ҳукуматнинг умумий ташқи сиёсатига таъсир кўрсатиш имкониятига эга эмасди.

1937 йил ноябрда портфелсиз вазир Галифакс Гитлер билан учрашиб, Буюк Британиянинг «реализм сиёсатига» содиқ эканлигини таъкидлади ва ҳатто Франция билан бирга Италия – Германия иттифоқига қўшилишга тайёрлигини ҳам билдирди. Шунингдек, Буюк Британия Австрия, Чехословакия ва Польшанинг немис аҳолиси яшайдиган ҳудудларини Германия билан бирлаштириш масаласида Гитлерни қўллашینی ҳам таъкидлади. 1938 йил 11 мартда Галифакснинг Гитлер билан бўлган янги учрашувида Буюк Британиянинг бу позицияси яна бир бор тасдиқланди. Аммо эртаси куни Германия армияси Австрияни зўравонлик билан аншлюс қилди. Чемберлен парламентда бу акцияни қоралади, аммо ҳукумат бирон-бир қарши чора кўрмади. Бундан буён Европада ҳудудий масалаларни зўрлик йўли билан ҳал қилишга йўл қўймаслик учун Буюк Британия дипломатияси Судет муаммосини давлатлараро музокараларда ҳал қилиш таклифи билан чиқди. 1938 йил 30 сентябрда Чехословакиянинг Судет вилоятини Германияга бериш тўғрисида Буюк Британия, Франция, Германия ва Италия ўртасида имзоланган Мюнхен келишуви бу таклифнинг бевосита натижаси бўлди. Мюнхендан қайтган Н. Чемберлен «Мен сизга тинчлик олиб келдим», дея парламентда баёнот берди. 1939 йил мартда Германиянинг Чехословакияга бостириб кириши Чемберлен обрўсига берилган катта зарба бўлди ва Мюнхен курсининг пуч хаёл эканлигини намоён қилди.

Черчилль фракцияси парламентда ҳукуматни қатъий танқид қилиб, ҳарбий харажатларнинг оширилишига эришди. 1939 йил апрелда армияни қайта қуроллантиришга ажратилган маблағ 1938 йилга нисбатан икки баробар оширилди. Воқеалар ҳам шиддат билан ривожланди. 1939 йил мартда Буюк Британия Польшанинг ҳудудий дахлсизлигини кафолатлаши тўғрисида баёнот берди. Европада янги можаро келиб чиқса, СССРнинг позициясини аниқлаш учун у билан маслаҳатлар бошланди. 1939 йил апрелда Италия Албанияни босиб олгандан сўнг Греция ва Руминияга Британия кафолатлари берилди. Нидерландия, Швеция ва Дания буюк давлатларнинг ўзаро урушидан четда туришга интилиб, бундай кафо-

латдан воз кечди. Буюк Британия ҳукуматининг бу қадамларига жавобан Германия 1939 йил 27 апрелда 1935 йилги ҳарбий-денгиз келишувини, шунингдек, хужум қилмаслик тўғрисидаги Германия – Польша пактини бекор қилганлигини эълон қилди. Бундай шароитда Англия – Франция – СССР ўртасидаги музокаралар муҳим аҳамият касб этди. Аммо бунда на инглизлар, на французлар реал келишувга эришишдан манфаатдорлигини намойиш қилмади. Бунга сабаб СССРга нисбатан чуқур ишончсизлик, 1939 йил августда имзоланган ўзаро хужум қилмаслик тўғрисидаги совет-герман пактидан сўнг Совет Иттифоқи позициясининг фавқулодда кучайганлиги, шунингдек, СССР билан Германия ўртасида тўқнашув юз берса, ўз зиммасига мажбурият олмаслик эди. Кўплаб Британия сиёсатчилари Европа сиёсий харитасида юз берган ўзгаришлар Германияни кониктиради, деб ишонар эди. 1939 йил июнь – июль ойларида ҳам Германия раҳбарияти билан алоқаларнинг давом эттирилиши шундан далолат беради. 1939 йил 1 сентябрь куни Германиянинг Польшага бостириб кириши бу қарашларнинг хомхаёл эканлигини кўрсатди.

Буюк Британия Иккинчи жаҳон уруши йилларида. Германияга ўз қўшинларини Польша ҳудудидан олиб чиқиб кетиш талаби қўйилгандан сўнг, 1939 йил 3 сентябрь куни Буюк Британия Германияга уруш эълон қилди. Аммо Буюк Британияда ҳам Франциядаги сингари қандай қилиб бўлса-да, мамлакатни кенг уруш ҳаракатларига жалб қилмаслик тарафдори бўлган кучлар ҳокимиятда эди. Бу сиёсат «ғалати уруш» номини олиб, у Мюнхен келишувининг бевосита давоми бўлди.

Буюк Британия ҳукумати СССРнинг Финляндияга бостириб киришига қарши фаол ҳаракат қилди. Ҳатто 150 минг кишилиқ инглиз-француз экспедицион корпусини жўнатиш ҳам режалаштирилди. Финляндияга қурол етказиб бериш бошланди. Финляндия мағлубиятга учрагандан сўнг Ғарб давлатлари бутун эътиборини Германия муаммосига қаратди.

Урушнинг бошланиши Буюк Британиянинг ҳукмрон доираларида кучлар нисбатининг жиддий ўзгаришига олиб келди. 1939 йил 8 сентябрда консерваторлар, лейбористлар ва либераллар ўртасида «сиёсий яраш» келишуви имзоланди. Унга кўра уруш даврида маҳаллий бошқарув органларида партиялар вакилларининг нисбати ўзгармайдиган бўлди. Тез орада тадбиркорлар билан тред-юнионлар

ўртасида «саноат келишуви» имзоланди. Германияга қарши қатъий ҳаракат тарафдорлари бўлган Уинстон Черчилль ва Энтони Иден ҳукумат таркибига киритилди. Британия армиясининг Норвегиядаги мағлубиятидан сўнг ҳукумат инқироzi бошланди. 1940 йил 10 май – Германия Францияга бостириб кирган куни Чемберлен истеъфога чиқди. Ҳукуматни У. Черчилль бошқарди.

Бош вазир лавозимига келган У.Черчилль бутун ҳокимиятни ўз қўлида тўплади ва давлатни бошқаришнинг деярли авторитар механизмини яратди. У уруш йиллари армия ва ташқи алоқалар устидан шахсий назорат ўрнатди. 1939 йил августда ва 1940 йил 22 майда ҳукуматга фавқулодда ҳуқуқлар берувчи қонунлар қабул қилинди. Ҳукумат мамлакат саноатининг уруш даврида фаолият юритишини таъминлаш учун бир қатор қатъий қонунлар қабул қилди. Ҳукумат қабул қилган фавқулодда қарорлар ва буйруқлар натижасида уруш йиллари Буюк Британия конституцияси фаолияти деярли тўхтатилди.

Уруш олиб бориш учун Ҳамдўстлик мамлакатларининг имкониятлари ҳам сафарбар қилинди. 1939 йил 3 сентябрда Австралия ва Янги Зеландия ҳукуматлари, 5 сентябрда Жанубий Африка иттифоқи, 8 сентябрда эса Канада Германияга уруш эълон қилди. Ҳиндистон ҳам Германия билан уруш ҳолатида бўлди. Доминионларда уруш ҳаракатларида қатнашиш учун ҳарбий бўлинмалар ташкил қилинди. 1941 йилиёқ 100 минг канадалик аскарлар метрополияга, 90 минг австралиялик аскарлар – Яқин Шарқ ва Шимолий Африкага, 35 минг янги зеландияликлар Яқин Шарққа жўнатилди. Бундан ташқари Шимолий Африкадаги уруш ҳаракатларида жанубий африкалик ва ҳиндистонлик ҳарбий қисмлар иштирок этди.

Черчилль ҳукумати учун 1940 йилнинг ёз ойлари ҳал қилувчи дамлар бўлди. Францияда ҳарбий ҳаракатлар тугаши арафасида Черчилль ташаббуси билан Буюк Британияда ҳимоя иншоотлари қурилиб, мамлакатни ягона кўрғонга айлантириш ҳаракати бошланди. Фуқаро мудрофааси отрядлари тузилди. Бирок, Англия учун асосий жанглар ҳавода юз берди – гитлерчилар қўмондонлиги йирик десант операциясига журъат қилмади. Ҳаво жанглирида уч мингдан зиёд самолётлар қатнашди. Немис ҳарбий-ҳаво кучлари – люфт-ваффенинг 1940 йил август – сентябрь ойларида Буюк Британия осмонидagi мағлубияти урушнинг умумий натижасини белгилаб берди.

Буюк Британия кўшинларининг 1941 йил Болқон кампанияси олдида қитъадаги ва 1941 йил охирида японлар шиддат билан хужум бошлаган Тинч океани ҳавзасидаги ҳарбий ҳаракатлари анча муваффақиятсиз чиқди. Бироқ Яқин Шарқда 1941 йилнинг баҳор ва ёзида амалга оширилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида инглиз кўшинлари Ироқ, Сурия ва Ливанни ўз назорати остига олди.

Буюк Британиянинг Иккинчи жаҳон урушидаги стратегияси узил-кесил 1941 йил охирида, антигитлерчи коалиция тузилгандан сўнг аниқ бўлди. Черчилль Биринчи жаҳон урушидагидек катта йўқотишларсиз нацистик Германия устидан тўлиқ ғалабага эришишни мақсад қилиб қўйди. Асосий масала қудратли антигитлер коалицияни тузиш бўлди. 1940 йил 23 июнда Буюк Британия ҳукумати коллаборационистик Виши ҳукуматини тан олмади ва генерал де Голлнинг «Озод Франция» ташкилоти билан фаол ҳамкорликни бошлади. Урушнинг дастлабки даврида АҚШ ҳукуматининг аралашмаслик позицияси туфайли унинг қўллаб-қувватлашига эришиш қийин бўлди. Шунга қарамадан, Британия ҳукумати 1940 йилиёқ олинаётган Америка қуроолларининг ҳажмини анча оширишга эришди. 1941 йили АҚШ ҳукумати томонидан ленд-лиз тўғрисида қонун қабул қилингунга қадар бу қурооллар тижорат нарҳида етказиб берилди. 1941 йили урушга СССР ва АҚШ кўшилиши билан умумий стратегия тубдан ўзгарди. Антигитлер коалиция реалликка айланди. 1941 йил 12 июлда Москвада Германияга қарши ҳамкорликда ҳаракат тўғрисида совет-инглиз келишуви имзоланди. Шу йил 14 августда АҚШ ва Буюк Британия уруш пайти ва ундан кейинги ҳамкорлик тамойиллари тўғрисида декларацияни – Атлантик хартияни имзолади. Бу ҳужжатни имзолаган томонлар худудий ва бошқа бойликларни эгаллаб олишга интилмаслик, халқларнинг ўз бошқарув шаклини эркин танлаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, зўравонлик йўли билан суверенитетидан маҳрум қилинган халқларнинг ўз ҳуқуқларини тиклашга интилишини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз зиммасига олдилар. 1941 йил Буюк Британия ва СССР ўртасида урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида шартнома узил-кесил имзоланди. Бундан олдин Буюк Британия ўз зиммасига олган мажбуриятдан келиб чиқиб, СССРга қарши агрессияда қатнашаётган Финляндия, Венгрия ва Руминияга уруш эълон қилди. Музокаралар давомида Европада иккинчи фронтни очиш

тўғрисида стратегик келишувга эришилди. Буюк Британиянинг асосий ҳарбий ҳаракатлари аввалгидек Африка қитъасида олиб борилди. 1942 – 1943 йиллар оралиғида бу ердаги уруш ҳаракатларида туб бурилишга эришилди, шундан сўнг Африкада ҳарбий ҳаракатлар бутунлай тўхтатилди. 1943 йил апрель – май ойларида инглиз-америка ҳарбий-денгиз кучлари «Атлантика учун жанг»да ғалабага эришди. Шунга қарамадан, Буюк Британия Европада иккинчи фронтни очиш масаласига эҳтиёткорлик билан ёндошди. Сталин билан оғир музокаралар давомида Черчилль иккинчи фронт очилишини 1944 йил бошигача қолдиришга эришди. Урушнинг охири яқинлашган сари Буюк Британия етакчиси СССРнинг ўсиб бораётган таъсирида Европа демократиясига катта хавфни кўрди ва у билан муносабатларда эҳтиёткорлик намоен қила бошлади. Черчиллнинг фикрича, фашизмнинг тор-мор қилиниши иккита мурасасиз ижтимоий тизимлар ўртасидаги қарама-қаршиликнинг янги босқичи учун муқаддима бўлди. 1945 йил Ялта конференциясида Черчилль иттифоқчиларнинг Европадаги бўлғуси таъсир зоналарини аниқ белгилаб олишга ҳаракат қилди. Буюк Британия етакчиси Ғарб сиёсатчилари ичида биринчилардан бўлиб «совуқ уруш»нинг муқаррарлигини нафақат англаб етди, балки унга қатъий тайёрлана бошлади.

* * *

Хулоса қилиб айтганда, Биринчи жаҳон урушидан кейин дунёда Буюк Британиянинг иқтисодий мавқеи ва сиёсий таъсири пасайиб борди. Бу фақат АҚШ ва Германия каби рақобатчи давлатларнинг пайдо бўлиши билан эмас, аввало Буюк Британиянинг ўз ички муаммолари билан ҳам боғлиқ эди. Буни Иккинчи жаҳон урушидан олдин Англия ҳукумати олиб борган сиёсат ва урушнинг ўзи яққол кўрсатиб берди

V боб бўйича саволлар

1. Буюк Британия Биринчи жаҳон урушидан қандай натижалар билан чиқди?
2. 1920-йиллари Буюк Британия саноатининг қайси соҳалари жадал ривожланди ва қайси соҳалари турғун ҳолатда қолди?
3. Буюк Британия тараққиётидаги қандай муаммолар 1926 йил майдаги энг йирик иш ташлашни келтириб чиқарди?

4. Буюк Британия 1930-йиллари инкироздан чиқишнинг қандай йўлини танлади? Бу йўл 1930-йиллар охирида иқтисодда қандай натижаларга олиб келганлигини гапириб беринг.
5. Бу даврда сиёсий ривожланишдаги Буюк Британияга хос бўлган қандай асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин?
6. Буюк Британиянинг мустамлака ва доминионлар билан муносабатида қандай ўзгаришлар юз берди? Вестминстер статутини бу муносабатларга қандай таъсир килди?
7. Иккинчи жаҳон урушидан олдин Буюк Британия ташқи сиёсатининг асосий мақсади нимадан иборат эди? 1938 йилги Мюнхен келишувидан асосий мақсад нимадан иборат эди?

VI БОБ. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИГИДА ФРАНЦИЯ

Биринчи жаҳон урушининг якунлари. Биринчи жаҳон урушини Франция ғалаба билан якунлади. 1918 йил 11 ноябрь куни маршал Ф. Фош Германия кўшинларининг таслим бўлганлиги ҳақидаги расмий билдирувни қабул қилганда, Франция ўз қудратининг чўққисига эришган эди. У ўзининг ашаддий душманини тор-мор қилди, қитъада бошқа жиддий рақиби қолмади. Аммо шу зафарли кунларда Францияда ҳеч ким бор-йўғи йигирма йилдан сал кўпроқ вақт ўтиб, Учинчи республика худди чўпдан ясалган уйча каби вайрон бўлади, деб ўйламаган эди. Нима бўлди, нега Франция нафақат ўз муваффақиятини мустаҳкамлай олмади, балки ўз тарихидаги энг йирик ва шармандали миллий ҳалокатга учради? Бу унча осон бўлмаган саволларга жавоб бериш учун иккала жаҳон урушлари орасида Франциянинг ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўналишларини таҳлил қилмоқ лозим.

Франция урушда ғалаба қозонди, аммо бу ғалаба француз халқига жуда қимматга тушди. Уруш йиллари 8,5 млн киши, яъни мамлакатнинг ҳар бешинчи фуқароси ҳарбий хизматга чақирилди, 1 млн 359 минг француз ҳалок бўлди, 2 млн 560 минг киши ярадор бўлди, улардан 600 минги ногирон бўлиб қолди. Демографик муаммолар тинч аҳоли орасида, жумладан, илгари маълум бўлмаган «испанка» гриппи вирусидан ўлганларнинг сони кўплиги туфайли янада чуқурлашиб борди. Франция меҳнатга яроқли аҳолисининг 11 % идан айрилди. Жуда катта армияни демобилизация қилиш, юз минглаб уруш қатнашчиларини ишга жойлаштириш ва ижтимоий реабилитация қилиш муаммоси турарди. Бевосита уруш

ҳаракатлари бўлиб ўтган Франция ҳудудининг учдан бир қисмидаги саноат корхоналари вайрон қилинди. Айниқса, саноати ривожланган шимоли-шарқий департаментлар уруш натижасида катта зарар кўрди. 10 минг корхоналар, 7500 кўприклар, 265 минг тураржой бинолари вайрон қилинди, чорва моллари қирилиб кетди, савдо флотининг ярми йўқотилди. Мамлакат жуда улкан молиявий зарар кўрди – иттифокчилардан 62 млрд франк (шундан 40 млрд франки (4 млрд доллар) АҚШга) қарз бўлиб қолди. Россия, Туркия ва Австро-Венгриядаги инқилоблар туфайли чет эл инвестицияларининг 40 % и йўқотилди, франк 5 марта қадрсизланди. Чет эллардаги капиталнинг бир қисми ҳарбий қарзлар ҳисобига сотилди. Умуман, уруш Францияга 134 млрд франк, яъни миллий бойликларнинг чорак қисмига тенг зарар келтирди.

Айни пайтда, уруш француз саноат тизимини қайта қуришга, ишлаб чиқаришни концентрациялашга, стандартлаштириш ва механизациянинг ривожланишига тurtки бўлди. Илгари самарасиз ҳисобланган иккинчи даражали кўмир ва темир рудаси конларини жадал ўзлаштириш бошланди. Авиация, автомобилсозлик, шунингдек, кимё саноати ҳам ривожлана бошлади. Ижтимоий тизимни модернизациялаш тезлашди, анъанавий ўрта синф камайиб борди. Франция дунёнинг кудратли ҳарбий давлатига айланди ва ғолиб давлатлар каторида урушдан кейинги сиёсий жараёнларга бевосита таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлди.

1919 йил тинчлик конференциясининг Парижда бўлиши Биринчи жаҳон урушида Антантанинг ғалабасига Франция қўшган ғалабанинг тан олинishi бўлди. Ж. Климансо конференцияга раислик қилди. Франция ўч олишни истарди. Парламент минбаридан ва газеталар саҳифасидан: «Бошлар ҳамма нарса учун жавоб беради» (уруш йиллари немисларни бошлар деб аташган), деган жумла жарангларди. Франция делегациясининг энг радикал таклифлари, масалан, Германия ҳудудини қисмларга бўлиб ташлаш конференция қатнашчилари томонидан рад этилди. 1871 йили Германия томонидан тортиб олинган, 1,7 млн аҳоли яшайдиган, иқтисодий жиҳатдан жуда муҳим ҳудуд бўлган Эльзас ва Лотарингия Францияга қайтариб берилди. Бу ерда замонавий ускуналар билан жиҳозланган металлургия заводлари, тўқимачилик корхоналари (уларнинг маҳсулоти Франциядаги барча тўқимачилик корхоналари маҳсулотининг 50 % идан кўпроқ), Эльзас ва Лотарингияни қайта-

риб олган ва Миллатлар Лигаси бошқаруви остига ўтган Саар кўмир ҳавзасини 15 йил эксплуатация қилиш ҳуқуқига эга бўлган Франция саноат ишлаб чиқариши учун ёнилғи ва хомашё базасини анча кенгайтирди, хусусан, руда қазиб чиқариш бўйича Европада биринчи ўринга чиқди. Миллатлар Лигасининг доимий аъзоси бўлган Франция мустамлака мандатларини бўлишда Сурия, Ливан ҳамда Камерун ва Того ҳудудининг бир қисми устидан назоратни қўлга киритди. Германия тўлаши лозим бўлган 132 млрд марка умумий репарация суммасининг 52 % ини Франция оладиган бўлди. Тўғри, Франция оқибатда бу сумманинг фақат 8,2 млрд маркасини хомашё кўринишида олди, холос.

«Миллий блок» ҳукумати. Биринчи жаҳон урушининг якуни Франция сиёсий тизимида жиддий ўзгаришларга олиб келди. 1914 йил сайланган Депутатлар палатаси конституцияга кўра 1918 йил баҳорда қайта сайланиши лозим эди. Аммо унинг ваколатлари 1919 йил ноябргача чўзилди ва бу давр ичида парламент сайлов тизимида туб ислохотни амалга оширди. Ислохотнинг асосий мақсади сайлов ҳуқуқининг мослашувчанлигини таъминлаш, сайловчилар кайфиятини тўлиқроқ ҳисобга олиш эди. Натижада мураккаб, аралаш пропорционал-мажоритар тизим жорий қилинди. Янги қонун бўйича сайловлар департаментларда 75 минг сайловчидан 1 нафар депутат ҳисобида ўтказилди. Бундай сайлов тизими ўз номзодлари рўйхатига машҳур сиёсатчиларни қўшган партияларга катта имкониятлар берди.

1919 йилги сайловлар арафасида Франция партиявий-сиёсий жабҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Сўллар фавкулудда фаоллашиб қолди. Бу даврга келиб СФИО (ишчи интернационалнинг француз секцияси) 180 минг аъзога эга бўлган энг йирик партияга айланган эди. Социалистларнинг касаба уюшмалари, жумладан, сафларига 2,4 млн кишини бирлаштирган Меҳнаткашлар умумий конфедерацияси (МУК) билан алоқалари янада яқинлашиб кетди. Бироқ социалистлар сафида ажралиш юз берди. СФИОнинг 1919 йил апрелда бўлиб ўтган фавкулудда съездида бир-бирига қарши турган учта фракция вужудга келди. Уруш йиллариёқ халқаро ишчилар ҳаракати бирлигини тиклаш, ревизионистик ғоялардан воз кечиш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида демократик ислохотларни амалга ошириш, пролетариат диктатураси эълон қилиш стратегик мақсади билан чиққан Л. Блюм ва П. Фор бошчи-

лигидаги марказчилар гуруҳи фракциялар ичида етакчи эди. Янада радикал бўлган М. Кашен ва М. Торез бошчилигидаги сўллар гуруҳи социал-демократия билан ҳар қандай алоқалардан воз кечиш ва яқинда ташкил қилинган Коминтернга қўшилиш талаби билан чиқди. Социал-реформизм принциплари асосида II Интернационални қайта тиклаш таклифи билан чиқаётган партиянинг ўнг қаноти камчиликни ташкил қилди. Съезд партиянинг инқилобий марксизм ғоясига содиқлигини таъкидлади.

1919 йилги сайловлар арафасида ўнг марказчи партиялар бирдамлик, меҳнат, синфлар ўртасида ҳамкорлик, иқтисодий либерализм, диний баҳсларни бартараф қилиш шиорлари остида чиқаётган жуда кенг коалицияни шакллантиришга эришди. Бу коалициянинг ташаббускори бўлиб либерал йўналишдаги унча катта бўлмаган Демократик Альянс партияси чиқди. «Миллий блок» номини олган коалицияга республикачилик ҳаракатининг барча йўналишидаги ўндан зиёд партиялар кирди. «Миллий блок»га Ж. Климансодан кейин Эдуард Эррио бошчилик қилаётган радикаллар ва радикал-социалистлар партияси ҳам қизиқиш билдираётган эди.

Партиялар мувозанатидаги бундай ўзгариш вақтинчалик ҳолат бўлмасдан, француз жамияти ижтимоий структурасидаги фундаментал ўзгаришларни, модернизация жараёнининг якунланганлигини, икки қутбли ижтимоий тизимнинг шаклланганлигини билдирар эди. Бундай ҳолат парламент ҳокимиятининг сўзсиз устуворлигига таянган ва сиёсий элита бўлиниб кетган шароитда етарли ҳуқуқий кафолатларга эга бўлмаган Учинчи республика конституцион тузумининг барқарорлигига раҳна соларди. Илгари бундай муаммо барча хайрихоҳ сиёсий кучларни жипслаштириш йўли билан ҳал қилинар эди. Энди эса аҳолининг анъанавий ўрта қатлами камайиши, улар дунёқарашидаги ўзига хосликнинг йўқолиб бориши туфайли таъсири тушиб бораётган радикаллар ва радикал-социалистлар партияси тизимнинг таянчи бўлиб қолди. Шунга қарамасдан, айнан радикаллар янгиланган партиявий-сиёсий тизимда «барқарорлик қўриқчиси»га айланди.

Ўнг кучларнинг жипслашуви ва сўл кучларда ажралишнинг юз бериши 1919 йил декабрда бўлиб ўтган сайловларнинг натижасини олдиндан белгилаб берди. Кўпчилик округларда сайловчилар учта рўйхат — «Миллий блок», радикаллар ва СФИО асосида овоз бер-

дилар. «Миллий блок» 437, радикаллар – 86, социалистлар – 68 та мандатга эга бўлди.

Сайловлардаги мағлубият СФИО сафларида ажралишга олиб келди. 1920 йил Страсбург шахрида партиянинг навбатдаги съезди бўлиб, унда СФИОнинг II Интернационалдан чиққанлиги эълон қилинди. Шундан сўнг социал-реформистик озчилик партияни тарк этди. Уларга инқилобий экстремизмга қарши чиққан марказчиларнинг собиқ етакчиси Леон Блюм бошчилик қилди. Шу йил декабрда Тур шахрида бўлиб ўтган партиянинг янги съезди социалистик партия базасида Коммунистик Интернационалнинг Француз секцияси (1922 йилдан Франция Коммунистик партияси – ФКП) ташкил қилинганлиги тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилди. Янги партия расман Коминтерн сафига қўшилди. Бу ажралиш сўл кучларнинг позициясини кучсизлантирди.

1920 йил январда бўлиб ўтган президентлик сайловлари «Миллий блок»нинг реал сиёсий кийёфасини белгилаб берди. Учинчи республика анъаналарига кўра парламентда бўлиб ўтган бу сайловлар сиёсий кучлар мувозанатини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Президентнинг ўзи қандайдир жиддий ваколатларга эга эмасди. Президентликка реал номзод сифатида Ж. Климансо қаралаётган эди. Аммо парламент аъзолари 78 ёшли Ж. Климансонни жуда жанжалкаш, «аклдан озиб қолиши мумкин», деб ўрнига сиёсатдан анча йироқ бўлган академик Поль Дешанелни сайладилар. Аммо тескариси бўлиб чиқди – П. Дешанель шу йили май ойида поезддан тушиб кетиб, аклдан озганлиги (ёки аксинча) туфайли сентябрда унинг ўрнига А. Мильеран сайланди. Қандай бўлганда ҳам Ж. Климансоннинг мағлубияти «Миллий блок» раҳбариятининг «фавқулодда чоралар» даврини тугатишга, жамият тараккиётига давлат аралашувини камайтиришга қаратилган барқарор либерал сиёсатга ўтишга қарор қилганлигини акс эттирди. Аммо урушдан кейинги қийинчиликлар бу режанинг тўлиқ амалга оширишига йўл қўймади.

«Миллий блок» ҳукумати олдида турган энг оғир вазифа урушдан кейинги иқтисодий инкирозни бартараф этиш бўлди. 1921 йили инкироз энг авжига чиқиб, ишлаб чиқаришнинг пасайиши 1913 йилга нисбатан 55 % ни (қишлоқ хўжалигида 77 % гача) ташкил қилди. Озиқ-овқат ва кенг эҳтиёж моллари нархи 5–7 марта (энг кам иш ҳақи 2–2,5 марта) ошди. Мамлакатни СФИО ва ФКП томонидан

қўллаб-қувватланган кучли иш ташлаш ҳаракати камраб олди. Радикаллар партияси, ўз навбатида, иқтисодий ислоҳотлар давлат дастурини амалга ошириш талаби билан чиқди. Бироқ, «Миллий блок» ҳукумати (унинг ҳокимияти даврида тўртта ҳукумат алмашди – А. Мильеран, Ж. Лейг, А. Бриан ва Р. Пуанкаре) инқирозга қарши сиёсатнинг ўзгача стратегиясини танлади. Унинг асосини иқтисодни либераллаштириш, табиий бозор механизмларини тиклаш ташкил қилди. Уруш йиллари шаклланган давлатнинг тартибга солиш тизими барҳам топди, энг рентабелли ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш курсига ўтилди. Ҳукумат иқтисодий муносабатларни либераллаштиришга катта умид боғлади. Бунинг таъсири биринчи навбатда, солиқларнинг ўсишида акс этди. 1913–1924 йиллари солиқлар аҳолининг умумий даромадига нисбатан 13,8% дан 17,8 % гача ўсди. Аммо шу даврда Италия, Германия, Буюк Британияда солиқлар 20 % га ўсганлигини инобатга олсак, Франция бу борада қитъанинг «илғори» эмасди.

Тикланаётган саноатдаги рентабелликни бузмаслик учун ҳукумат меҳнаткашларнинг ижтимоий талабларини ҳам камдан-кам ҳолларда қондирди. Фақат партиялар ва иш ташлаш ҳаракатининг қатъий талаби туфайли фабрика- заводларда 8 соатлик иш куни жорий қилинди, эркаклар билан аёлларнинг ҳуқуқлари тенглаштирилди, коллектив шартномалар тузиш легаллаштирилди. Аммо ҳукумат дастурининг энг оғир қисми молия муаммоси бўлиб қолаверди. 1919 йили бюджет камомади 27 млрд франкни ташкил қилди ва бу давлатнинг умумий даромадидан икки баробар кўп эди. 1920 йили Франциянинг умумий давлат қарзи 300 млрд франкдан ошиб кетди. Қатъий иқтисод режимини жорий қилишга уриниш, ижтимоий соҳага йўналтирилган сарф-харажатларни камайтириш ишчиларнинг янги чиқишларига олиб келди.

Иқтисодий муаммолар гирдобида қолган «Миллий блок» ҳукумати ўзининг ғолиб-давлат мақомидан фойдаланишига катта умид боғлади. 1922 йил Генуя конференциясида Франция делегацияси чор ҳукуматининг қарзларини тўлаш бўйича Россия олдига қатъий талаблар қўйди. 1920–1922 йиллардаги Германия репарацияси бўйича музокараларда ҳам Франция ўта кескин позицияни эгаллади. 1921 йилги Лондон конференциясида Ирокнинг шимоли-шарқидаги нефтга бой Мосул худуди устидан назоратни Буюк Британияга бериш эвазига Франция репарация миқдорини 132

млрд маркада тўхтатишга эришди. Бироқ, келаси йили Германия ҳукумати мамлакат иқтисодидаги чуқур инкироз туфайли репарация тўловларини амалга оширишнинг иложи йўқлигини билдирди. Бунга жавобан 1923 йил 11 январда Франция-Бельгия қўшинлари чегарадан ўтиб, Рур қўмири ҳавзасини босиб олди. Бу тадбир ҳеч қандай иқтисодий фойда бермади, аммо Франциянинг ўзида сиёсий инкирозни келтириб чиқарди ҳамда АҚШ ва Буюк Британия билан муносабатларнинг бузилишига олиб келди. Икки ой ичида франкнинг курси икки марта тушиб кетди. Миллий молия тизимини муқаррар ҳалокатдан қутқариш учун «Миллий блок» ҳукумати қарз сўраб АҚШ ва Буюк Британия банкларига мурожаат қилди. Францияни молиявий қўллаб-қувватлаш учун репарация муаммоларини Ч. Дауэс бошчилигидаги халқаро комиссия ихтиёрига топшириш шарти қўйилди. Шундай қилиб «Миллий блок»нинг сиёсий стратегияси 1924 йилги парламент сайловлари арафасида барбод бўлди.

«Сўллар картели» ҳукумати. «Миллий блок»нинг сиёсий инкирози радикаллар ва радикал-социалистлар етакчилигида сўл марказчилик коалицияси тузилиши вақтига тўғри келди. Сайловлар арафасида радикаллар етакчиси Э. Эррио фақат ўз партиясини жипслаштиришга эмас, балки энг яқин иттифоқчилари – СФИО ва республикачи социалистлар билан коалиция тузишга ҳам эришди. 1923 йил ёзда учта партия – радикаллар ва радикал-социалистлар, СФИО ҳамда республикачи социалистлар янги коалиция – «Сўллар картели» («картел» сўзининг қўлланилиши унга аъзо бўлган партияларнинг сайловларда ҳамкорлик қилишини, аммо ўз партиялари автономиясининг сақланиб қолишини аниқларди) тузилганлигини расман эълон қилди. 1924 йил майдаги сайловлар «Сўллар картели»га қутилган ғалабани келтирди – улар 582 депутатлик ўринларидан 287 тасини эгаллади. Э. Эррио бошқарган Картел ҳукумати ташқи ва ички сиёсатда давлат курсининг принципаал ўзгаришини эълон қилди. 1924 йилиёқ француз дипломатиясининг асосий ориентирлари тубдан ўзгарди. Германияга қатъий равишда ўз сўзини ўтказишга уриниш тўхтатилди ва «Дауэс режаси» тан олинди, Франция СССРни расман тан олди. Э. Эррио пацифистик дипломатия принциплари – арбитраж, ҳавфсизлик ва қуролсизланишни қатъий туриб ҳимоя қилди. У Миллатлар Лигаси ҳомийлиги остида сиёсатнинг воситаси сифатида урушдан воз кечиш принципи устувор бўлган халқаро ҳуқуқ тизимини яратишни асо-

сий вазифа деб билди. 1924 йил Миллатлар Лигаси Ассамблея-сининг V сессияси Эррио ва маслакдошларининг ғоялари руҳида «Халқаро можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисида» протокол қабул қилди ва у янги дипломатиянинг тимсолига айланди.

Ички сиёсатда Э. Эррио ҳукуматининг ютуқлари унчалик катта бўлмади. Кенг демократлаштириш дастури, сиёсий амнистия тўғрисида конун, аёллар сайлов ҳуқуқларининг кенгайтирилиши, монахлик конгрегацияларида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланишга қарши изчил кураш жамиятда ижобий кайфият уйғотди, аммо иқтисодий муаммоларни ҳал қилиши мумкин эмасди. Шунга қарамасдан, бу йиллари Францияда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 5% ни ташкил қилди ва бу кўрсаткич бўйича у фақат АҚШдан ортда қолаётган эди. Аммо бундай суръатларни сақлаб туриш учун ресурслар етарли эмасди. Француз саноати энергия таъминотининг сустлиги, техник модернизациялашда ортда қолаётгани товарларнинг таннархини ошириб, сифатининг пасайишига олиб келди. Француз молия капитали ишлаб чиқаришни инвестициялашга жуда қийинчилик билан ўтди. Ҳукумат ҳам бюджетдаги жуда катта дефицит туфайли саноатни қўллаб-қувватлаш имкониятига эга эмасди. 1924 йили чиқарилган тўрт миллиард франклик ички заём ҳам барбод бўлди. Ишлаб чиқаришни комплекс социализациялаш дастури ҳам ўзини оқламади. Ҳукумат уй-жой қурилишини яширинча молиялаштиришни давом эттирди. Натижада, давлат томонидан таъминланмаган «ошиқча» пул миқдори 2,5 млрд франкка етди. Бу маълумотларнинг ошқор бўлиши натижасида жанжал келиб чикди. Сенатнинг прогрессив даромад солиғини жорий қилишга рози бўлмади, бу эса ҳукуматнинг молия сиёсатини хавф остига қўйди. Радикал партиянинг ўзида ҳам Эрриога қаршилар сони кўпайди. Йирик француз банклари бош вазир сиёсати билан келишмади. Натижада 1925 йил 10 апрелда Сенат ҳукуматнинг молия сиёсатини қоралади. Эррио ҳукумат раиси лавозимидан истеъфога кетишга мажбур бўлди.

Шундан сўнг ҳукуматда беқарорлик даври бошланди – бир йилда бешта ҳукумат алмашди ва уларнинг ҳар бири олдингисига қараганда ўнроқ бўлди. Расман сўл блок фаолият юритишда давом этди, аммо бундай шароитда ўз дастурини амалга ошириш мумкин эмасди. Бунинг устига Франциянинг Сурия ва Марокашдаги мустамлакачилик урушида иштирок этиши ҳам аҳволни баътар

огирлаштирди. Бу урушларни бюджет кўтара олмади. Франкнинг курси шиддат билан тушиб кетди. Бюджетни кутқариш учун парламент томонидан ажратилган 7,5 млрд франк молиявий ҳалокат хавфини туғдирди. Бу муаммоларнинг ҳаммаси қўшилиб, 1926 йилда «Сўллар картели»нинг батамом тарқалиб кетишига олиб келди.

«Миллий бирлик ҳукумати». Парламентда бирорта партия мутлак кўпчилик ўринга эга бўлмагани учун «миллий бирлик ҳукумати» номини олган ҳукуматни шакллантиришга тўғри келди. Унга ўнг партиялар вакиллари, шунингдек, радикаллар кирди. Ҳукуматни Р. Пуанкаре бошқарди. Р. Пуанкаренинг сиёсий Олимпга қайтиши унинг учун жуда муваффақиятли бўлди. Р. Пуанкаре француз ва халқаро ишбилармон доираларнинг тўлиқ ишончи ва қўллаб-қувватлашига эришди. Ҳукуматнинг асосий вазифаси молиявий барқарорликка эришиш эди. Бюрократик аппаратни қисқартириш ҳисобига давлат харажатлари жиддий қисқартирилди, янги солиқлар жорий қилинди. Агар 1913 йили миллий даромаднинг 14,2 % ини солиқлар ташкил қилган бўлса, 1928 йили бу кўрсаткич 28,1 % га етди. Айни пайтда тадбиркорларга катта имтиёзлар берилди. 1926 йилдан 1929 йилгача Франция бюджети дефицитсиз бўлди. Пуанкаре ҳукумати инфляцияни тўхтатишга, франкни барқарорлаштиришга ва оқибатда кишиларнинг яшаш шароитини яхшилашга эришди. Ҳукуматнинг фаол молиявий сиёсати натижасида Франциянинг олтин захираси 1926 – 1932 йиллари 18 млрд дан 83 млрд франккача кўпайди. Давлатнинг ижтимоий фаолияти кучайди: 1926 йили ишсизлик учун нафақа, кексалик пенсияси, шунингдек, касаллик, ногиронлик, ҳомиладорлик нафақалари (1928) жорий қилинди. Р. Пуанкаре ва уни қўллаётган партияларнинг обрўси ошиб борди.

Миллий молия тизимининг барқарорлашуви sanoat ривожланиши суръатларининг ўсишига олиб келди. 1927 йили Франция sanoat ишлаб чиқариши урушгача бўлган даражасидан уч баробар юқори эди. Узоқ вақт ичида биринчи марта ишчиларнинг етишмаслиги сезилди – бу йиллари Франция чет эллардан ишчи таклиф қилган Европадаги ягона давлат эди. Бандлик тизими ўзгарди. 1920-йиллар охирига келиб илк бор шаҳар аҳолиси сони қишлоқ аҳолиси сонидан ошди. Умуман бу даврда Францияда иқтисодий тараққиёт суръати умумевропа кўрсаткичларидан жиддий фарқ қилади: агар

1920–1929 йиллари Европада саноат ишлаб чиқариши 18 % га ўсган бўлса, Францияда бу кўрсаткич 31 % ни ташкил қилди.

«Миллий бирлик» ҳукуматининг фаол иқтисодий сиёсати давлат ҳокимияти механизмининг ўзини ҳам жиддий ўзгартириш билан қўшиб олиб борилди. Бош вазирнинг ваколатлари анча ошди. 1927 йили сайлов ислохоти ўтказилди. Парламент ҳокимиятини барқарорлаштириш учун илгариги мажоритар тизимга қайтилди.

Шундай шароитда 1928 йили навбатдаги парламент сайловлари бўлди. Р. Пуанкаренинг шахсий обрўси ва ҳукуматнинг ютуқлари «Миллий бирлик» иштирокчиларининг галабасини таъминлади. Пуанкаре яна ҳукуматни шакллантирди. Аммо тезда ҳолат кескин ўзгарди. Радикаллар партиясининг навбатдаги съездида Даладьё фракцияси «Миллий бирлик»нинг диний масаладаги сиёсатини қоралади (Пуанкаре конгрегацияларнинг миссионерлик мактаблари очиш ҳуқуқини тиклади). Бунинг кетидан радикалларнинг ҳукуматда иштирок этишини тақиқловчи қарор қабул қилинди. Съездда Даладьё партиясининг раиси қилиб сайланди. Пуанкаренинг кенг коалицияни саклаб қолишга уриниши фойда бермади. «Миллий бирлик» тарқалиб кетди. Касаллиги туфайли Рамон Пуанкаренинг истеъфога чиқиши ва кўп ўтмай вафот этиши Учинчи республиканинг гуллаб-яшнашига катта ҳисса қўшган давлат арбоблари авлодининг сиёсий саҳнадан кетиш рамзи бўлди.

1929 йили ёзда Р. Пуанкаре ўрнига таникли сиёсий арбоб, 11 марта ҳукуматни бошқарган ва 25 марта асосий вазирлик лавозимларини эгаллаган Аристит Бриан келди. А. Бриан анъанавий равишда ташқи сиёсат масалаларига асосий эътибор қаратди. Бу даврда унинг исми билан боғлиқ иккита йирик ташқи сиёсий ташаббус – урушни қонундан ташқари деб эълон қилиш тўғрисидаги Бриан-Келлог пакти ва «Пан-Европа»ни, яъни Америка Қўшма Штатларига ўхшаш Ғарбий Европа давлатлари федерациясини тузиш режаси илгари сурилди. Ўз даврида бу икки ташаббус жамиятда қизғин баҳсларни келтириб чиқарди, аммо оқибатда ҳар иккала-сидан ҳам фойда чиқмади.

Франция жаҳон иқтисодий инқирози йилларида. А. Брианнинг шу маънода омади келдики, Францияда иқтисодий инқироз 1929 йил кузда эмас, 1930 йил охирида бошланди ва дастлаб унинг таъсири АҚШ ва Германиядагидек сезиларли бўлмади. Инқироз бошида Францияга бошқа мамлакатлардаги сингари кулфатларни

олиб келмади. Шу сабабли аҳоли кенг катламларининг муносабати қам анча вазмин бўлди, ижтимоий можаролар юз бермади. Танглик, энг аввало, Франция ҳукмрон доираларида сезилди. Учинчи республика яна талвасага тушиб қолди: 1929–1932 йиллари 8 та ҳукумат шмапти. Бу ҳукуматларнинг барчасида ўнг партиялар етакчи бўлиб, уларда янги лидерлар – А. Тардье ва П. Лаваль пайдо бўлди. Аммо бу ҳукуматларнинг бирортаси француз иқтисодиётининг шистга қараб жадал силжишини тўхтата олмади.

Шундай шароитда 1932 йили Францияда янги парламент сайловлари бўлиб ўтди. Сайловолди мунозараларининг марказида борган сари чуқурлашиб бораётган инкирозга ким айбдор, деган савол турарди. Ўнглар, энг аввало, ҳукумат инкирозга бузғунчи кучлар ва уларнинг Франция ичкарасидаги айғоқчилари – коммунистлар ва социалистлар айбдор, деб барчани ишонтиришга уринди. Бу ҳаракат катта муваффақият қозонмади.

Ўнг партияларнинг босимига қарши туриш учун социалистлар радикалларга умумий дастурнинг тўртта банди: ҳарбий харажатларни камайтириш, ижтимоий суғурта ягона давлат тизимини яратиш, 40 соатлик иш ҳафтасини ўрнатиш, ҳарбий саноат, транспорт ва суғурта компанияларини национализация қилиш асосида кучларни бирлаштиришни таклиф қилди. Дастлаб радикаллар бу таклифни рад этди. Аммо сайловларнинг биринчи ва иккинчи тури орасида Франция президенти П. Думер ўлдирилиб, бош вазир Тардье бунда Коминтернни айблагандан сўнг, радикаллар мамлакатнинг ўнгга қараб ўта хавфли оғишини фақат социалистлар билан биргаликда тўхтатиш мумкинлигига ишонди ва таклифни қабул қилди. Шу тариқа сўл блок қайта тикланди ва сайловларда ғалаба қозонди.

Ҳукуматни Э. Эррио бошқарди. У инкироз туфайли пайдо бўлган катта муаммоларга дуч келди. Кун сайин бюджет танқислиги ошиб борди, ҳукумат олдида қаердан пул олиш муаммоси борган сари кескин тура бошлади. Эррио коммунистлар ва социалистлар томонидан таклиф қилинаётган саноатнинг бир қатор соҳаларини национализация қилиш ва йирик капиталга қўшимча солиқ жорий қилиш таклифига қарши эди. 1932 йил декабрда унинг ҳарбий қарзлар тўловини давом эттириш тўғрисидаги таклифи Депутатлар палатаси томонидан рад этилди. Эррио ҳукумати кулади, яна Францияда катта зарар келтираётган ҳукумат беқарорлиги бошланди.

Миллий Мажлис фракциялар ўртасидаги доимий можаролар, ҳис-ҳаяжонли чиқишлар ва очик сиёсий савдолашувлар майдони-га айланиб қолди. Марказчи партиялар тушқунликка тушиб қолди, иктисодий инкирознинг янада кучайиши оқибатида сиёсий кучлардаги ажралиш янада кескинлашди. Шундай пайтда сиёсий майдон-га француз фашизми чиқди.

Француз фашизми. Франция узоқ давом этган жамиятни модернизациялаш жараёнида шаклланган ўзининг демократик анъаналарига, барқарор ижтимоий психология тизимига эга «эски капитализм» мамлакати бўлиб, бу ерда фашизм Германия, Австрия, Италия, Испаниядаги сингари чуқур тарихий асосларга эга эмасди. Француз фашизми анча кам ижтимоий базага эга эди, унга сиёсий тарқоқлик, ғоявий аморфлик, ёрқин етакчиларнинг йўқлиги каби жиҳатлар характерли эди. Француз фашизми жамиятнинг клерикал-монархистик ва милитаристик сиёсий йўналишдаги миллатчи, майда буржуазия ва синфсиз унсурларига таянган испан-португал вариантыга ўхшаб кетарди.

Аммо иктисодий инкироз, сиёсий бекарорлик туфайли барча Ғарб давлатларидаги сингари Францияда ҳам демократик институтлар ўз имкониятларини тугатди, эскирди, энди улардан воз кечиш керак, деб ҳисоблайдиган сиёсий кучларнинг позицияси кучайди. Бу фикрни Францияда полковник де ля Рок бошчилигидаги «Аксъон франсез», Ш. Морес раҳбарлигидаги «Жанговар хоч», Ж. Валуа бошчилигидаги «Фесо» сингари фашистпараст ташкилотлар, П. Теттенжнинг «Ватанпарвар ёшлар»и, М. Бюкер бошчилигидаги экстремистик миллатчи гуруҳлар, Ж. Ренонинг «Француз бирдамлиги» каби ташкилотлар тарғиб қилди. Бу ташкилотларнинг омма орасида таъсири тез ўсиб борди, уларнинг ҳукмрон элита, армия ва полиция орасида ҳам тарафдорлари анчагина эди. Бу ташкилотларнинг энг йириги – «Ватанпарвар ёшлар» 90 минг аъзога эга, «Фесо» сафларида 50 минг, «Аксъон франсез» ва «Жанговар хоч» сафларида тахминан 60 мингдан аъзо бор эди.

Инкироз кучайган сари бу фашистик ташкилотилар Учинчи республиканинг лаёқатсизлиги ва ўзларининг ҳокимиятни бошқаришга тайёр эканлиги ҳақида очик ва қатъий айта бошлади. Ҳолат шундай танглашдики, ижтимоий портлаш юз бериши учун битта баҳона керак эди, холос.

Зиддиятларнинг кучайиши ва кескин сиёсий инқироз ҳолатига ўтиши учун баҳона «Ставицкий иши» бўлди. Ставицкий Байон шихридаги ломбардда сақланаётган, кейинчалик аниқланишича сохта бўлган, кимматбаҳо буюмлар кафолати эвазига облигация чиқаришни ташкил қилди. 1933 йил ноябрда бу кўзбўямачилик сирини очилиб қолди. 200 млн франк миқдоридagi облигациялар оддий қоғозга айланди. Ставицкийнинг ўзи меҳмонхонада ўлик ҳолда топилди. Расмий тахминга кўра ўзини ўзи ўлдирган. Аммо Францияда бунга ҳеч ким ишонмади: энг юқори лавозимдаги ҳомийларсиз бу фирибгарликни амалга оширишнинг иложи йўқ, сир очилгандан кейин жанжалнинг олдини олиш учун уни ўлдирган.

Фашистик ташкилотлар мавжуд ҳукуматни, умуман Учинчи республикани кенг танқид қилишни бошлаб юбордилар. 1933 йил бошларида улар Франциянинг йирик шаҳарларида «Йўқолсин ўғриллар!» шиори остида ҳукуматга қарши оммавий мунтазам намойишлар ўтказди. 1934 йил охирида улар К. Шотан ҳукуматининг истеъфосига эришди. Аммо бу намойишлар ташкилотчилари кутмаган натижага олиб келди – ҳукуматни радикал-социалист Э. Даладье бошқарди. У аввало фашистик режимга хайрихоҳлиги билан маълум бўлган полиция префекти Кьяппни лавозимидан озод қилди.

Ўз ички тузилишининг кучсизлиги туфайли француз фашизми мустақил сиёсий куч сифатида майдонга чиқишга даъво қила олмас эди. Фашистларнинг биргаликда уюштирган ягона йирик ҳаракати 1934 йил 6 февраль куни давлат амалдорлари ўртасида коррупцияга қарши Пари Леода ўтказилган намойиш бўлди. Намойиш полициячилар томонидан осонгина қувиб юборилди. Аммо Германияда Гитлернинг ҳокимиятга келиши, халқаро ҳамжамият ва алоҳида давлатлар дипломатиясининг Европада фашизмнинг, экстремистик, миллатчи гуруҳларнинг кучайишига қарши ожизлиги француз демократик жамияти томонидан катта хавотир билан қабул қилинди. Фашистларнинг фаоллашуви сўл кучларнинг ўзаро келишмовчиликларни унутиб, мамлакатни фашистлаштиришга қарши бирлашишига олиб келган муҳим омил бўлди.

Францияда халқ фронти. Барча сўл, антифашист кучларнинг жипслашувида ФКП етакчиси М. Торез жуда катта роль ўйнади. Айнан у ўз сафдошларини, Коминтерн раҳбариятини бугунги кун талабига жавоб бермайдиган қарашлардан воз кечиш, энг аввало,

«Бутун хокимият советларга!» деган шиорни кун тартибидан олиб ташлаш лозимлигига ишонтирди. 1934 йил июнда М. Торез дастурий баёнот билан чиқиб, ФКПнинг янги курсини асослади, сал кейин эса ФКП ва социалистик партия раҳбарлари ўртасида музокара-лар бошланиб, 1934 йил 27 июнда Биргаликда ҳаракат тўғрисидаги пактнинг имзоланишига олиб келди. Пакт сўл кучлар олдида турган асосий вазифа қилиб демократик эркинликларни ҳимоя қилиш ва фашистик ташкилотларнинг тақиқланишига эришишни белгилаб берди. Биргаликдаги ҳаракатларни тартибга солиш учун Мувофиқлаштирувчи қўмита ташкил қилинди. 1934 йил октябрда М. Торез барча эркинлик ва демократия тарафдорларига «Нон, эркинлик ва тинчлик учун халқ fronti» доирасида бирлашишни таклиф қилди.

Халқ fronti 1935 йил июлда пайдо бўлди. Унинг таркибига коммунистлар, социалистлар, радикаллар, касаба уюшмалари ва француз зиёлиларининг антифашист ташкилотлари кирди. Янги бирлашманинг самарадорлигини 1936 йил баҳорда бўлиб ўтган парламент сайловлари кўрсатди. Унда Халқ fronti номзодлари ишончли ғалабани қўлга киритди – улар сайловчиларнинг 57 % овозини олди. Ҳукуматни тузиш парламентдаги социалистлар фракцияси етакчиси Л. Блюмга топширилди. Коммунистлар ҳукумат таркибига кирмасликка, аммо у Халқ fronti дастурини бажарса, қўллаб-қувватлашга қарор қилди.

Л. Блюм ҳукумати 1936 йил 4 июнь куни шакллантирилди, 7 июнда эса Матиньон саройидаги бош вазир қароргоҳида касаба уюшмалари ва Тадбиркорлар умумий конфедерацияси вакиллари ўртасида музокаралар бошланди. Музокараларга бош вазир Л. Блюм раислик қилди. Эришилган келишув шартларига кўра ойлик иш ҳақи ўртача 7–15 % га оширилди, касаба уюшмалари талаб қилган барча корхоналарда жамоавий шартномалар мажбурийлиги ўрнатилди, ҳукумат меҳнатқашлар ижтимоий ҳимояси ҳақидаги бир қатор қонунларни парламент муҳокамасига киритиш мажбуриятини олди.

1936 йил ёзда парламент Халқ fronti дастурининг асосий қоидаларини ҳаётга татбиқ қилган 133 та қонунни мисли кўрилмаган тезлик билан қабул қилди. Улар орасида айниқса фашистик лига фаолиятини тақиқлаш тўғрисидаги, 40 соатлик иш ҳафтасини ўрнатиш, ойликларни ошириш ҳақидаги, ҳақ тўланадиган таътил

жорий қилиш тўғрисидаги бир қатор қонунлар энг муҳимлари эди. Аммо ҳукуматнинг ижтимоий ислоҳотлари бюджет камомадини оширди. Йирик тадбиркорлар солиқ тўлашдан бош тортиб, капиталини чет элларга кўчирди. Баъзи маълумотларга қараганда, француз иқтисодидан олиб чиқилган маблағ 60 млрд франкни ташкил қилди. Коммунистлар бюджет камомадини қоплаш учун йирик бойларга фавқулудда солиқ солишни таклиф қилди. Социалистлар ва радикаллар бу таклифни рад этишди.

Жамиятда фашистик ташкилотлар фаолияти жиддий баҳсларни келтириб чиқарди. Қонун бўйича фақат ҳарбийлашган фашистик ташкилотлар тақиқланган бўлиб, фашистик йўналишдаги сиёсий ташкилотлар тақиқланмаган эди. Бундан фашистик ғоя тарафдорлари зудлик билан фойдаланиб қолдилар, илгариги ҳарбийлашган фашистик ташкилотлар номини ўзгартириб, Франция социал партияси, Республика национал ва социал партияси каби сиёсий ташкилотларга айланиб олдилар. Улар матбуот орқали ўз ғояларини фаол тарғиб қилишда давом этди. Блюм ҳукумати бу жараёнда «аралашмаслик» сиёсатини олиб борди, бу эса кўпчилик антифашистлар, аввало коммунистларнинг норозилигига сабаб бўлди. 1937 йил ёзида Блюм ҳукумати истеъфога чиқди. Бир неча ҳукумат алмашинувидан кейин 1938 йили ҳокимиятга Э. Даладьё келди. Бу ҳукумат Халқ фронти бошлаган ташаббусларни бекор қилишга киришди. Ўнглр Халқ фронтини Францияни «советлаштиришда» айблади. Уларнинг етакчиси П. Лаваль: «Халқ фронтдан кўра Гитлер маъқул», – дея баёнот берди. Бу шиорни ўша давр француз сиёсий элитасининг катта қисми қабул қилди. Айнан шу ҳол Учинчи республикани ҳалокатга олиб келган асосий омиллардан бири бўлди.

1938 йил кузда Даладьё ҳукумати Буюк Британия билан бирга Чехословакияни фашистик Германияга топширган Мюнхен келишувини маъқуллади. Амалда Мюнхен келишуви янги жаҳон урушига йўл очиб берди. Бу урушнинг биринчи қурбонларидан бири Франциянинг ўзи бўлди: 1940 йил 14 июнь куни немис қўшинлари Парижга кириб келди. Француз тарихчиларининг таъкидлашича, немис қўшинлари учун Парижга йўл Мюнхен келишувида очилган эди. Ўшанда кўпчилик фақат Чехословакияга – Франциянинг ишончли, содиқ иттифоқчисига нисбатан хоинлик бўлди, деб ўйлаган эди. Аммо бу фақат Чехословакияга нисбатан эмас, бутун дунёда тинчликка нисбатан хоинлик бўлиб чиқди. Бу хоинлик натижасида

илк жабр кўрганлардан бири француз халки бўлди. Ўз етакчиларининг калтабин сиёсати Учинчи республика учун жуда қимматга тушди: у немис қўшинларининг оёғи остида барбод бўлди.

Франция Иккинчи жаҳон уруши йилларида. 1940 йил 10 май куни немис қўшинлари Мажино линиясини айланиб ўтиб, Бельгия, Голландияга ва у ердан Шимолий Францияга бостириб кирди. Дюнкерк районида 400 минг кишилик инглиз-француз қўшинлари қуршовга тушиб қолди. Фақат катта қийинчиликлар ва йўқотишлар эвазига бу қўшиннинг қолган қисми Англияга эвакуация қилинди. Бу пайтда немислар шиддат билан Парижга яқинлашиб келди. 10 июнь куни ҳукумат Париждан Бордога кочиб кетди.

16 июнь куни ҳукуматнинг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Рейно ҳукуматнинг махсус вакили генерал де Голль Лондонда ўтказган музокаралар ва Англия бош вазир У. Черчиллнинг инглизлар ва французларга икки фуқаролик бериш, Лондонда ягона ҳукумат тузиш, ҳарбий кучларни бирлаштириш тўғрисидаги таклифлари ҳақида ахборот берди. Аммо ҳукумат раисининг муовинлари Лаваль ва Петен, шунингдек, армия кўмондони генерал Вейган ва адмирал Дарлан Германия билан сулҳ тузишни ёқлаб чиқдилар. Рейно истеъфога чиқди ва янги ҳукуматга маршал Петен бош бўлди. 17 июнь эрталаб Петен армияни «жанг қилишни дарҳол тўхтатиш»га чақирди.

Сулҳ 1940 йил 22 июнь куни Компьен ўрмонидаги Ретонд бекатида, 1918 йили маршал Фош Германиянинг таслим бўлганлиги ҳақидаги сулҳни имзолаган вагонда, Гитлернинг шахсан ўзи иштирокида имзоланди. Сулҳга кўра Германия Франциянинг 2/3 қисмини, жумладан, Парижни оккупация қилди. Жанубий Франция расман мустақил бўлиб қолди ва Петеннинг коллаборационистик ҳукумати бошқаруви остида қолди. Француз армияси 100 минг кишигача қисқартирилди, оғир қуроллар ва флотининг асосий қисмидан айрилди. Сақланиб қолган қуроллар немислар назорати остида ҳарбий омборларга жойлаштирилди. Германия армияси французларнинг 3000 самолёти ва 4930 та танкига эга бўлди. Сулҳ шартларига кўра барча немис ҳарбий асирлари Германияга қайтарилди, аммо 1,5 млн француз асирлари «тинчлик шартномаси тузилгунча» Германияда қолди.

1940 йил 25 июнда Франция билан Италия ўртасида ҳам сулҳ имзоланди. Унинг шартларига кўра Италия Франция жанубида-

ги Ментон шахрини оккупация қилди, жанубий фронтда жанг қилаётган француз кўшинларининг куролларини эгаллаб олди. Шу келишувга кўра Франция Африкадаги ўз мустамлакалари устидан тўлиқ назоратни сақлаб қолди, уларга демилитаризация режими татбиқ қилинмади. Франция ҳарбий қисмлари ва ҳарбий-денгиз флотини мустамлакаларда «тартибни» кафолатлаши лозим эди. Бирок француз ҳарбий кемаларининг тақдири ачинарли бўлди. Англия флотини Миср ва Жазоир кўрфазларида турган кемаларга ультиматум кўйди. Таслим бўлган француз кемалари Плимут ва Портсмутга ўтказилди, аммо Мерс ал-Кабир (Жазоир) кўрфази ва Дракар (Француз Ғарбий Африкаси) портидаги кемалар ультиматумни рад этди ва инглизлар томонидан бомбардимон қилинди. Бунга жавобан 5 июль куни Петен ҳукумати Буюк Британия билан муносабатлар узилганлигини эълон қилди.

Виши режими. Сулҳ имзолангандан сўнг Франция ҳукумати Виши курорт шаҳарчасига кўчиб ўтди. Миллий мажлиснинг 1940 йил 10 июлдаги қарори билан қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти тўлиқ 84 ёшли маршал Филип Петен қўлига ўтди. Петен «Меҳнат, Оила ва Ватан» (француз республикачилигининг «Озодлик, Тенглик, Биродарлик» шиори ўрнига) принциплари асосида янги конституция тайёрланишини эълон қилди. Франция Республикаси ўрнига Франция давлати деб аталадиган бўлди. Бу конституция жорий қилинмади. Унинг ўрнини бир қатор қонунлар бажарди. 1941 йил февралдан давлатни бошқаришда ҳукуматнинг роли ошиб, унинг раиси давлат бошлиғининг вазифаси сифатида қараладиган бўлди. 1942 йил апрелгача бош вазир лавозимини Ж. Дарлан, кейин эса Лаваль эгаллади. Давлат аппарати тозаланди. Йирик шаҳарлардаги муниципалитетлар тарқатиб юборилди. Режимга хайрихоҳ бўлмаган барча жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, иш ташлаш ва намоишлар тақиқланди. Ҳукумат Христиан цивилизациясини тиклаш, француз миллатини ахлоқий ва ижтимоий тозалаш учун кураш бошланганини эълон қилди. Бунда бош ролни черков ўйнаши лозим эди. 1941 йил 24 июлда француз кардиналлари ва епископлари йиғилиши Рим папаси Пий XII га хат йўллаб, Петен ҳукуматини қўллаб-қувватлашини билдирди. Черков Петен коллаборационистик ҳукуматининг муҳим иттифоқчисига айланди. Бутун мактаб таълими черков ихтиёрига ўтказилиб, ўқитувчилар таркибини тозалаш, ўқитиладиган фан-

ларни қайта кўриб чиқиш бошланди. Оила устидан ҳам черков назорати ўрнатилиб, ажралишлар тақиқланди, кўп фарзандлилик рағбатлантирилди.

Шу йўллар билан Виши режими француз жамиятини фашистлаштириш, жамиятнинг табақавий-корпоратив моделини шакллантириш, авторитар давлат куриш, анъанавий маънавий идеалларни тиклаш сари йўл тутди. Аҳолининг урушдан олдин ҳам католик дини қадриятлари, этатистик сиёсий маданият тарафдори бўлган катлами бу тузумнинг таянчига айланди. Бироқ Францияда оммавий фашистик ҳаракатни авж олдириш учун ижтимоий қатлам мавжуд эмасди. Вишичиларнинг аҳолини сафарбар қилишнинг вертикал тизимини яратишга уриниши муваффақият қозонмади. Лавалнинг классик типдаги фашистик партия тузишга уриниши ҳам барбод бўлди.

Вақт ўтиши билан аҳолининг коллаборационистик режимдан норозилиги кучайиб борди. Нацистик Германия билан «фахрий ва нажотбахш» сулҳ тўлиқ таслим бўлиш эканлиги аён бўлиб қолди. Тинчлик шартномасини имзолаш урушдан кейинга қолдирилди, 1942 йил ноябрдан эса Франция худудининг «озод» қисми ҳам оккупация қилинди. Франция иқтисодининг ресурслари борган сари кўпроқ Учинчи Рейх ҳарбий машинаси манфаатларига бўйсундирилди. Франция худудидаги немис оккупация қўшинларини таъминлаш учун тўрт йилда Франция 681 млрд марка тўлашга мажбур бўлди. Банклар, ҳарбий корхоналар немислар назорати остига тушиб қолди. 39 та йирик француз монополияларида немис капитали иштирок этди. 1944 йил бошига келиб 80 % француз корхоналари немисларнинг ҳарбий буюртмаларини бажарарди. Тўрт йил давомида оккупантлар мамлакатдан 9 млрд 759 681 млн франкка тенг хомашё, 184 670 млн франкка тенг саноат маҳсулотлари, 126 645 852 млн франкка тенг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб чиқиб кетди. Англия флоти томонидан амалга оширилган камал ҳам француз иқтисодиётига катта салбий таъсир кўрсатди. Ишсизлик микёси ошиб борди, инфляция кучайди. Очлик хавф сола бошлади. Сиёсий террор ҳам кучайиб борди. Аҳолининг кенг қатлами бундай ҳолатга қарши курашни бошлади.

Қаршилик ҳаракати. Париж таслим бўлгандан тўрт кун кейин, 1940 йил 14 июнда французлар Лондон радиоси орқали Қаршилик ҳаракатининг биринчи чақириғини эшитди. Генерал де Голль мил-

датта мурожаат қилди! «Нима бўлганда ҳам француз қаршилигининг алангаси ўчмаслиги керак ва ўчмайди ҳам. Эртага ҳам бутунгидек мен Лондон радиоси орқали сизга мурожаат қиламан», – деди генерал. Де Голль номи ҳали кўпчиликка яхши таниш эмасди ва асосан Буюк Британия ва мустамлакаларда жойлашган француз кўшинларига мурожаат қилди. Бу даврда коммунистик партиянинг позицияси каттароқ аҳамиятга эга эди. 10 июль куни ФКП етакчилари М. Торез ва Ж. Дюкло барча французларга мурожаат қилиб, миллий ва ижтимоий озодлик учун курашга чақирди. Коммунистлар бошчилигида 1940 йил ёзидан Франция худудида Қаршилик ҳарбий отрядлари шаклланди. Қаршиликда, шунингдек, католиклар ҳаракати, демократ-антифашистлар ҳам катта роль ўйнади. 1941 йил майда ФКП «кенг миллий-озодлик фронтини тузиш учун миллий зулмга қарши курашадиган ҳар қандай француз ҳукумати, ташкилотни, шахсни қўллаб-қувватлашга» тайёр эканлигини билдирди. 1941 йил июнда Миллий фронт ташкил қилиниб, унинг ҳомийлиги остида Қаршилик қуроли кучлари шаклланди. 1943 йили СФИО билан алоқадаги Қаршилик гуруҳларини бирлаштирган раҳбарлик кўмитаси ташкил қилинди.

Франциядан ташқарида Қаршилик ҳаракатини инглиз ҳукмрон доиралари томонидан қўллаб-қувватланган генерал де Голль бошқарди. Кейинчалик Франциянинг XX асрдаги энг машҳур сиёсий арбоби деб тан олинган бу шахс уруш арафасида унча таникли бўлмаган ҳарбий киши эди. Ҳарбий вазир муовини сифатида капитуляция пайти Лондонда махсус топшириқ билан бўлган де Голль ҳукуматнинг барбод бўлганлигига ишонч ҳосил қилди ва курашиш мумкинлигига ишонган французларни «оддий ишончли ғоя» – миллий ғурур ва Франциянинг буюклигини тиклаш ғояси атрофида бирлаштиришга эришди. Де Голль сафдошлари билан ўзини француз ҳукуматининг расмий вориси деб эълон қилган «Озод Франция» ташкилотига бирлашдилар. Де Голль ихтиёридаги кўшинлар сони унча кўп эмас, 1940 йил июлда 7 минг киши, йил охирида 35 минг киши ва яна 20 та ҳарбий кемадан иборат бўлиб, шу сабаб де Голль томонидан зиммага олинган иттифоқчилик мажбуриятлари ҳарбий жиҳатдан соф рамзий маънога эга, аммо «Озод Франция»нинг мавжудлиги антигитлер коалиция учун фавқулодда муҳим сиёсий омил эди. Буни тўғри тушунган де Голль бор кучи билан Франция-

нинг обрўйини, унинг буюк давлат сифатидаги мақомини сақлаб қолишга ҳаракат қилди.

«Озод Франция»ни Британия ҳукуматининг позициясига боғлиқ бўлмаган реал таянч билан таъминлаш учун де Голль бутун эътиборини марказий Африкадаги мустамлакаларга қаратди. Чад ва Убанги-Шари маъмурияти Қаршилик ҳаракатига кўшилди. Камерун ва Ўрта Конгода эса Виши режимининг вакиллари алмаштиришга эришди. Габонда «Озод Франция» ҳарбий қисмлари ўзининг биринчи муваффақиятли ҳарбий операциясини ўтказди. 1940 йил 27 октябрда Браззавиль шаҳрида Империя мудофаа кенгаши тузилганлиги эълон қилинди ва унга Ҳиндихитой генерал-губернатори ҳам кўшилди. 1941 йили де Голль Франция Миллий қўмитаси (ФМҚ) тузилганлигини эълон қилди. 1942 йили де Голль ҳаракати «Курашаётган Франция» номини олди. ФМҚ антигитлер коалиция доирасида Франция вакили сифатида муқим позицияни эгаллади.

Шимолий Африкани вишичилар назорати остидан озод қилиш жараёнида янги маъмуриятни ташкил қилиш муаммоси ҳам ҳал қилинди. Иттифоқчилар мустамлакалар маъмурияти раҳбарлигига немислар асиридан қочган ва Жазоирда америкаликларнинг ҳарбий операциясида қатнашган генерал Жирони мўлжаллаётган эди. Жиро Петен билан ҳам яхши муносабатларни сақлаб қолган ва шу сабабли коллаборационистлар билан Қаршилик ҳаракати ватанпарварларини яраштиришга қодир бўлган шахс сифатида қараларди. Бундай келишув иттифоқчилар қўшинларининг Франция ҳудудида қаршиликсиз кириб келишини таъминлаши мумкин эди. Икки қудратли етакчиларнинг қарама-қаршилиги келишув билан яқунланди: 1943 йил 3 июнь куни Жазоирда икки генералнинг ҳамкор раислигида Француз миллий-озодлик қўмитаси (ФМОК) ташкил қилинди. Жиро Шимолий Африкадаги француз қўшинлари, де Голль эса Франциянинг бошқа ҳудудлардаги қўшинлар бош қўмондони бўлди. ФМОК иттифоқчи давлатлар томонидан вакиллик органи сифатида расман тан олинди. Унинг ҳомийлиги остида Қаршилик кучларининг жипслашуви юз берди. 1943 йили Қаршиликнинг коммунистлардан то Демократик Альянсгача бўлган барча кучларини бирлаштирган Франция Қаршилик Миллий кенгаши (ҚМК) ташкил қилинди. ҚМКнинг биринчи раиси де Голлнинг шахсий вакили Жан Мулен бўлди. Узоқ музокаралардан сўнг 1944 йил февралда Франция ҳудудида Қаршиликнинг ягона қуролли куч-

лари – Франция ички кучлари (ФИК) ташкил қилинди. ФИКнинг де Голлни қўллаб-қувватлаши ФМОҚ раҳбариятидаги ички кураш тақдирини ҳал қилди. Жиро истеъфога чиқишга мажбур бўлди, де Голль Қаршилиқ ҳаракатининг ягона етакчисига айланди. 1944 йил 2 июнда ФМОҚ ўзини Франция республикасининг муваққат ҳукумати деб эълон қилди.

1944 йил августда иттифоқчилар ва Қаршилиқ ҳаракати қўшинлари яқинлашгандан сўнг немислар Петен ва унинг ҳукумати Баден-Вютенбергга зўрлик билан эвакуация қилди. Улар 1945 йили иттифоқчилар томонидан озод этилиб, француз ҳукуматига топширилди. Петен ва унинг ҳукумати аъзолари давлатга нисбатан хоинликда, ҳарбий жиноятларда айбдор деб топилди ва мол-мулки мусодара қилиниб, жамият олдида шарманда қилишга, отиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Петеннинг Биринчи жаҳон урушидаги хизматларини ва кекса ёшини (у 89 ёшда эди) инобатга олиб, де Голль ўлим жазосини умрбод камоқ жазоси билан алмаштирди.

* * *

1944 йил июнда инглиз-америка қўшинлари Нормандия ва Жанубий Францияга туширилди. Де Голль иттифоқчилар кўмондонлигидан иккинчи фронтни очиш бўйича операцияда қатнашишга руҳсат олди. Франциянинг ўз ҳудудида Қаршилиқнинг 500 минг аъзоси иттифоқчи қўшинлар келишидан олдин қуроли кўзғолонни бошлаб юборди. 1944 йил 18–25 август кунлари кўзғолончилар Парижни озод қилди, тантанали парад ўтказилди, Франция тарихида янги давр бошланди.

VI боб бўйича саволлар

1. Биринчи жаҳон уруши Франция учун қандай натижаларга олиб келди?
2. 1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозининг Францияга таъсири нималарда намоён бўлди?
3. 1930-йиллари Франция ички сиёсатидаги ўзгаришлар ва ижтимоий тангликнинг сабаблари нимадан иборат эди?
4. Р. Пуанкаре Рур авантюрасининг асосий моҳияти нимада эди? Нима учун бу ҳаракат Францияда сиёсий кучлар мувозанатини бузиб юборди?
5. 1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози Франция иқтисоди ва сиёсий кучлар мувозанатига қандай таъсир кўрсатди?

6. 1937 йили сўл кучларнинг Л. Блюм бошчилигидаги ҳукумати истеъфога кетиб Э. Даладье бошчилигида ўнг кучларнинг ҳокимиятга келиши Франция ички сиёсатида қандай ўзгаришларга олиб келди?
7. Икки жаҳон урушлари орасида Франция ташқи сиёсатининг асоси нимадан иборат эди? Бу сиёсатдаги субутсизлик қандай натижаларга олиб келди?

VII БОБ. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ

АҚШ Биринчи жаҳон уруши йилларида. 1917 йил 4 март куни В. Вильсон иккинчи марта президентлик лавозимида ўтирди. Вашингтонда энди урушнинг муқаррарлигини барча ҳис қилаётган эди. Икки ҳафтадан кейин Германия сувости кемалари АҚШнинг учта кемасини чўктириб юборди. 2 апрель куни Вильсон АҚШни Германия билан уруш ҳолатида деб эълон қилиш таклифи билан Конгрессга мурожаат қилди. Конгресс кўпчилик овоз билан Германияга уруш эълон қилиш тўғрисидаги резолюцияни маъқуллади ва 6 апрель куни уни Вильсон имзолади.

АҚШ ҳукумати мамлакат иқтисодиётини ҳарбий рельсга ўтказиш учун бир қатор тадбирлар комплексини амалга оширди. Энг аввало, жамият ҳаётининг барча муҳим жабҳалари устидан давлат назорати ўрнатилди. Темир йўллар национализация қилинди, озиқ-овқат, ёнилғи-мойлаш материаллари истеъмолига чеклаш ўрнатилди, иқтисоднинг ҳарбий соҳаларини бошқариш қатъий назоратга олинди, кенг миқёсда савдо флотини қуриш бошланди, иш ташлашларга қарши қатъий жазо чоралари белгиланди. 1917 йил айғоқчилик тўғрисида қонун қабул қилингандан сўнг муҳолифат фаолияти ҳам деярли тўхтатилди.

Айни пайтда Ижтимоий ахборот масалалари бўйича кўмита урушни қўллаб-қувватлаб кенг миқёсдаги ташвиқот ишларини олиб бориш учун публицистлар, журналистлар ва олимларни сафарбар қилди. Натижада 1918 йил баҳорга келиб аҳоли ва мамлакат иқтисодиёти тотал уруш хизматида жалб қилинди. Америка тарихида биринчи марта шундай катта – деярли 4 млн кишилик армия шакллантирилди.

Умуман соф ҳарбий нуқтаи назардан қараганда АҚШнинг урушга қўшган ҳиссаси иттифокчиларникига нисбатан анча кам бўлди. Аммо бир қатор бошқа кўрсаткичлар бўйича АҚШ Антанта

давлатларининг ғалабасига катта хисса кўшди. Масалан, ҳарбий-денгиз флоти Англияга Германия сувости кемалари ҳаракатидан зарар кўрган флотини тиклаш учун кемалар етказиб берди. Генерал Першинг бошчилигидаги 1 млн 200 минг кишилик экспедицион корпуснинг 1918 йил сентябрда Францияга туширилиши Ғарбий фронтда кучлар нисбатини иттифоқчилар фойдасига ўзгартирди. Буларнинг ҳаммаси урушнинг 1918 йил ноябрда, яъни ҳарбий стратеглар мўлжаллаганидан бир йил олдин тугатилишига олиб келди.

АҚШнинг урушга кириши ва урушдан кейинги тартибга солиш жараёнида иштирок этиши бутун дунёга бу мамлакатнинг буюк давлатга айланганлигини намоён қилди. АҚШ раҳбарлари ҳам жаҳон сиёсатида биринчиликка интилди ва ўз баёнотларида буни яшириб ҳам ўтирмади. В. Вильсон АҚШнинг урушга кўшилишидан асосий мақсад «демократия учун тинчликни сақлаб қолиш» эканлигини эълон қилди. У урушнинг мақсади ҳақида биргаликда баёнот билан чиқишга Буюк Британия ва Франция раҳбарларини кўндира олмагандан сўнг, 1918 йил 8 январда Конгресс йиғилишида ўзининг «Ўн тўрт банд» деб аталган мурожаати билан чиқди. Мурожаатда у ўтмишдаги барча урушларнинг сабаби бўлган анъанавий дипломатияга чек қўйишни талаб қилди.

Урушни бартараф қилишнинг воситаси сифатида Вильсон очик дипломатияни, денгизларда сузиш эркинлигини, мустамлакалар талабларини камситишларсиз қондиришни, ёппасига қуролсизланишни, савдо йўлидаги сунъий тўсиқларни бартараф қилишни ва, энг асосийси, дунёда тинчликни таъминлашга, аъзо давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини таъминлашга хизмат қилувчи Миллатлар лигасини ташкил қилишни таклиф қилди. Шуни айтиш лозимки, Вильсон бошчилигидаги АҚШ делегацияси Париж тинчлик конференциясида ва Версаль тинчлик шартномасининг асосий қондаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, Миллатлар лигасини тузишда муҳим роль ўйнади.

Аммо урушдан кейин АҚШ ички сиёсий ҳаётида изоляционистик кайфиятлар устунлик қилди. Конгресс Париж тинчлик шартномасини ратификация қилишдан бош тортди ва шу билан В. Вильсоннинг ғоясига кўра тузилган Миллатлар лигасига АҚШнинг аъзо бўлишига вето қўйди.

АҚШ «просперити» даврида. 1920 йили бўладиган президент сайловларида демократлар реванш олишни мўлжаллаётган эди.

Вильсон бу сайловлар Миллатлар лигаси масаласида «буюк ва тантанали референдум» бўлади, деб таъкидлар эди. Аммо урушдан кейинги биринчи президентлик сайловларига демократик партия анча кучсизланган ҳолда кириб келди. Вильсон касаллиги туфайли тўшакда ётиб қолгани учун уни учинчи муддат президентликка номзод қилиб кўрсатиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. Бундан ташқари Америка тарихида ҳали ҳеч ким уч марта президент бўлмаган эди.

Демократлар Оҳайё штати губернатори Ж. Коксни президентликка номзод қилиб кўрсатдилар. Аммо унинг ғалаба қозонишига умид йўқ эди. Вильсон маъмуриятининг ташқи сиёсий курсини қаттиқ танқид қилиш билан боғлиқ муаммодан ташқари, сайлов кампанияси авжига чиққан пайтда иқтисодий инқироз ҳам бошланиб, уни демократларнинг иқтисодий сиёсати оқибати деб баҳолашди.

Ж. Кокснинг барча уринишларига қарамасдан, республикачилар партияси номзоди У. Гардинг ғалаба қозонди. Сайлов арафасида АҚШнинг халқаро муносабатларда фаол қатнашиши тарафдори бўлган 31 нафар таниқли республикачилар Гардингнинг президентликка сайланиши АҚШнинг Миллатлар лигасида иштирок этишининг энг яхши қафолати бўлади, деб баёнот берди. Гардингнинг ғалабаси кўпчилик томонидан Америка халқининг вильсонча интернационализмдан ва прогрессизм даври ислохотларидан воз кечиши сифатида қабул қилинди.

Урушга бошқа давлатлардан кейин қўшилган, ҳарбий ҳаракатлардан узоқда жойлашган АҚШ анча кам қўшин йўқотди, аммо урушда иштирок этиш Америка бизнеси учун жуда катта фойда келтирди. Урушдан олдин Европадан қарздор бўлган АҚШ энди унинг кредиторига айланди. Урушдан катта фойда кўрган АҚШ қашшоқлашган ва вайрон бўлган Европадан олимлар ва илмий кашфиётларни йиғиб олди, янги ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий қилди, янги техника ва технологияларнинг ажойиб муваффақиятини намоён қилди. Моддий тўкинчиликни акс эттирувчи иқтисодий тараққиётнинг жадал суръатлари, фан ва техниканинг энг янги ютуқлари, турмушдаги ижобий ўзгаришлар 1920-йиллари жанговар сиёсий консерватизм, индивидуализм ва иқтисодий либерализм тантанаси билан уйғунлашиб кетди. Бу Европадаги инқилобий воқеалардан олинган таъсирга қарши, ўзликни сақлаб қолишга қаратилган консерватив жавоб эди. Тадбиркорлар урушдан олдин-

ги нормал ҳолатга қайтишни, аввало давлатнинг иктисодни тартиб-га солиш тадбирларини, бизнес учун қатъий ўрнатилган тартибларни бекор қилишни, тадбиркорлар ишига ҳар қандай аралашувни тўхтатишни талаб қиларди. АҚШнинг иктисодий ҳолати билан ислохотлар ва давлатнинг тартибга солиш сиёсати одатий ҳол бўлиб қолган Европа мамлакатлари ўртасидаги асосий фарқ ҳам шунда эди.

Айтиш лозимки, 1920-йиллар жаҳон капиталистик иктисодиётининг барқарорлашуви билан характерланади. 1921 йил ёзда АҚШ иктисодининг инкироздан чиқиши, 1922 йилдан эса саноат ишлаб чиқаришининг кўтарилиши кузатилди. Америка иктисодиётининг гуллаб-яшнаши ҳақида гапира бошладилар.

1923 йили августда Аляскада сайр қилиб юрган президент Гардинг касалланиб, вафот этди. Унинг ўрнига келган вице-президент Калвин Кулиж бизнесни қўллаб-қувватлаш, унга аралашмаслик сиёсатини давом эттирди ва таклиф қилинган барча ижтимоий қонунларни рад этди. У давлатнинг вазифаси қонун ва тартибни сақлашда, мамлакатни иложи борича арзон бошқаришда, деб биларди.

Олий суд тадбиркорлар манфаатини камситувчи бир қатор қонунларни конституцияга хилоф деб топиб, бекор қилди. Масалан, 1919 йили қабул қилинган 14 ёшгача бўлган болалар меҳнатидан фойдаланган тадбиркорларга алоҳида юқори солиқлар солиш тўғрисидаги қонун 1922 йили бекор қилинди. Колумбия округида аёллар ва болалар меҳнати учун тўланадиган минимал иш ҳақи тўғрисидаги қонуннинг тақдири ҳам шундай бўлди.

1924 йилги сайловларда республикачилар партияси номзоди Кулиж демократлар номзоди Дэвис устидан анча осон ғалаба қозонди. Бу сафар Кулиж «ўз шахсий ҳуқуқига биноан», яъни умумхалқ сайловларида ғалаба қозониб президент бўлди. Кулиж президентлигининг иккинчи муддати ҳам «просперити» байроғи остида ўтди. К. Кулиж: «Американинг иши – бу бизнес», деган шиорни илгари сурди. Урушдан кейинги Америка иктисодининг энг ривожланган даврида мамлакатни бошқарганлиги учун Кулижга омад кулиб бокди, зотан бу даврда деярли бутун капиталистик дунё йирик кредитор сифатида Нью-Йоркка таъзим қилди. Кулиж ҳокимиятга келганда «просперити» энг авжида эди. Дарҳақиқат, АҚШ иктисоди жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. 1922–

1929 йиллари мамлакатда пўлат ишлаб чиқариш 70 % га ошди, нефть – 156 % га, автомобиллар – 255 % га ўсди. Шу давр ичида мамлакатнинг ялпи миллий маҳсулоти 54 % га ошди. 1929 йилга келиб АҚШнинг миллий даромади умумжаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 44,8 % ини ташкил қилди, айти пайтда бу кўрсаткич Германияда 11,6 %, Буюк Британияда – 9,3 %, Францияда – 7 %, Совет Иттифоқида – 6 % эди. АҚШ иқтисодий муваффақиятларининг ёрқин намоёниши Генри Форднинг автомобиль заводларида янги усулларнинг жорий қилиниши бўлди. У конвейерни, меҳнат тақсимотининг янги усулини қўллаб, «Форд» автомобиллари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтирди. Асосий эътибор ишлаб чиқаришни стандартлаштиришга, арзон автомобилларни оммавий ишлаб чиқаришга, ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилашга ва иш ҳақини оширишга қаратилди. Форд 8 соатлик иш куни жорий қилди ва иш ҳақини икки баробар (қунига 2,5 \$ дан 5 \$ га) оширди. 1927 йили машҳур «МаркаТ» автомобилларидан 10 млн дона ишлаб чиқарилди. Битта автомобилнинг нархи 290 \$ ни, яъни ўртача америкалик оила бир йиллик даромадининг 1/10 қисмини ташкил қилди. Бу дунёда биринчи «халқ автомобили» эди. 1929 йилга келиб АҚШда дунёдаги қолган барча мамлакатларидагидан анча кўп автомобиль бор эди.

1922 – 1929 йиллар оралиғида акциялар дивидентлари 108 % га, корпорациялар даромади – 76 % га, иш ҳақи – 33 % га ошди. 1924–1929 йиллари АҚШ иқтисодий жиҳатдан дунёнинг энг ривожланган мамлакатига айланди. У бутун дунёда ишлаб чиқарилган (СССРдан ташқари) жами саноат маҳсулотининг 48 % ини ёки Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Япониянинг ҳаммасида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларидан 10 % кўп маҳсулот ишлаб чиқарди. АҚШда иқтисоднинг энг янги соҳалари: электротехника, кимё, авиация, нефть, саноати, автомобилсозлик, кино саноати, радиотехника жадал ривожланди. Кир ювиш машиналари, музлаткичлар, фотоаппаратлар, патифон ва радиоприёмниклар оммавий ишлаб чиқарила бошланди. 1920-йиллар охирига келиб ҳар иккинчи америкаликда радиоприёмник бор эди. Йўловчи авиацияси даври бошланди. 1927 йили Чарльз Линдберг монопланда Атлантик океанидан учиб ўтди. Кино артистлари Мэри Пикфорд, Чарльз Чаплин дунёга машҳур бўлдилар. Журналистлар XX асрни турлича мақтадилар – «Аспирин асри», «Жаз асри», «Просперити ўн йил».

лиги» (просперити – гуллаб-яшнаш) ва буларнинг барчаси тўғри, ammo улар даврнинг ташқи ифодаси эди, холос.

Юқоридаги ютуқлар натижасида урушдан кейинги биринчи ўн йилликда Америка ва Европа капитализмлари ўртасидаги фарқ каттиқлашиб борди. Ҳали уруш йиллариёқ АҚШ экспорт ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринга чиққан бўлса, 1929 йили ташқи савдо айланмаси бўйича ҳам Англияни ортда қолдириб, биринчи ўринга чиқиб олди. 1927 йили Женевадаги Халқаро иқтисодий конференцияда келтирилган статистик маълумотларга кўра, дунёда ишлаб чиқарилган тошкўмирнинг 40 % и, пўлатнинг 50 % и, нефтнинг 70 % и АҚШ ҳиссасига тўғри келарди.

Шу билан бирга бу давр ирқчилик, антисемит ва антикатолик кайфиятларнинг қайта кучайиши билан характерланади. Уруш йиллари кун кечиришнинг қимматлашганлиги сабабли касаба уюшмалари ишчилар маошини оширишни, темир йўлчилар ва шахтёрлар бу соҳаларнинг давлат мулкига ўтишини талаб қилиши, урушдан кейин бошланган иш ташлашлар – буларнинг барчасини ҳукмрон ва бизнес доиралар большевизм ва инқилоб хавфи сифатида таърифлади. 1919–1920-йиллари амалга оширилган бир қатор террорчилик ҳаракатлари «қизиллар хавфи» тўғрисидаги жазавани янада авж олдириб юборди. Битта бомба бош прокурор Митчел Палмернинг уйи ёнида, иккинчиси – Уолл-стритда портлатилди, ўнлаб кишилар ҳалок бўлди. Палмер илгари тараққийпарвар киши бўлган эди, портлашдан сўнг эса касаба уюшмалари ва ишчилар ташкилотларини қувгин остига олди. «Палмер рейдлари» деб аталувчи текширишлар натижасида минглаб америкалиқлар ва иммигрантлар қамоққа олинди, юзлаб киши депортация қилинди. Италиялик иммигрантлар Николо Сакко ва Бартоломео Ванцетти завод қоровулини ўлдирганликда сохта айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинди. Жамоатчиликнинг қаршилигига қарамасдан улар 1927 йили электр стулида қатл қилинди. Ку-клукс-клан (Ku Klux Klan, КKK – оқ танлиларнинг устунлигини, оқлар националиزمи гоясини ҳимоя қилувчи АҚШдаги ўта ўнг ирқчилик ташкилоти) ташкилотлари ўз фаолиятини кучайтирди. 1920-йиллари бу ташкилот аъзоларининг сони 5 млн кишига етди, улар кўплаб шаҳарлар ва ҳатто, штатлар ҳукуматларини назорат қилди. Жанубдаги бир қатор штатларда Инжил шарҳига зид бўлган билимларни тарқатиш тақиқланди. Мактаб ўқитувчиси Жон Скопе Чарльз Дарвиннинг

эволюция назариясини ўқитганлиги учун судга тортилиб, камок жазосига ҳукм қилинди.

Ўтакетган тартибсизликлар ва биржадаги чайқовчилик бошқа яширин жиҳатларни ҳам очиб ташлади: конгресс ва ҳукуматнинг бир қатор аъзолари аралашган коррупция можаролари мамлакат сиёсий ҳаётини жунбишга келтирди. 1919 йили спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш, сотиш ва ташишнинг тақиқланиши ақидапарастларнинг катта ютуғи бўлди. Аммо бу қонуннинг жорий қилиниши 1920-йиллари спиртли ичимликларнинг ноқонуний савдосини жуда даромадли ишга айлантди ва ташкиллашган жиноятчиликнинг ўсишига олиб келди. Жиноятчиликнинг ўсиши, коррупция, яширин бизнес тез ўсаётган шаҳарларда, айниқса санат марказларида одамлар хавфсизлигига раҳна сола бошлади. Бутун бошли синдикатлар рэкет, спиртли ичимликлар ва наркотиклар сотиш билан шуғуллана бошлади. Чикагода Ал Капоне гангстерлар (АҚШда бандит, босқинчи гангстер деб аталган) синдикати тўлиқ хўжайинлик қиларди. Ҳар бир шаҳарча ўз «ал капоне»сига эга эди.

Шундай шароитда ҳукмрон доиралар ишчилар ҳаракатини бос-тиришга уринди. 1928 йили конгрессга бўлиб ўтган сайловларда яна республикачилар ғалаба қозонди. Улар партиясидан президентликка номзод Г. Гувер сайловчилар учун ўта жозибадор бўлган: «Бизнинг гапимиз билан ишимиз битта», «Ҳар қозонда товуқ шўрва қайнайди, ҳар бир оилада автомобиль бўлади», «Чексиз гуллаб-яшнаш» каби шиорлардан фойдаланди. 1929 йил январда Г. Гувер АҚШнинг навбатдаги президенти қилиб сайланди. Март ойида Г. Гувер Оқ уйга кириб келганда яна тўрт йил Американинг гуллаб-яшнаши таъминланганига деярли барча ишонган эди.

Буюк иқтисодий инкироз. Оммавий ишлаб чиқаришга мос талаб ва истеъмол бозорининг мавжуд эмаслиги Америкача гуллаб-яшнашнинг ва илғор капиталистик мамлакатлар иқтисодиётининг бўш томони эди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг пастлиги эртами-кечми маҳсулотни сотишнинг инкирозини келтириб чиқаради. Америкаликлар томонидан ўйлаб топилган «Реклама плюс кредит – доимий гуллаб-яшнаш» формуласи ишлаб чиқариш инкирозини бир оз ортга сурди холос, зеро кредит – бу қарз, уни эртами-кечми барибир тўлаш керак. Шу тариқа савдо инкирози бошланиб, товарлар омборларда йиғилиб қолди. Рақобат ва ишлаб чиқаришдаги бошбошдоқлик, аҳолининг паст харид қобилияти капиталистик.

хўжалик тизимини муқаррар равишда инкирозга олиб келди. Реклама, кредит, бўлиб-бўлиб тўлаш шарти ҳам ҳолатни кутқара олмади.

Г. Гувер президент бўлганига тўрт ой ҳам ўтмасдан шу пайтга-ча гуллаб-яшнаган иқтисодиёт мислсиз инкироз бўсағасида турарди. 1929 йил 24 октябрда Нью-Йорк фонд биржасида саросималик бошланди: бирданига барча ўз акцияларини сотишни хоҳлаб қолди. Шу тариқа нисбатан «гуллаб-яшнаш» даври тугади. АҚШнинг ортидан бутун капиталистик дунё жаҳон иқтисодий инкирози гирдобига шўнғиди. Бу инкироз XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошлари учун хос бўлган капиталистик хўжалик шаклининг тарихий эволюциясини яқунлади.

1930-йилларнинг бошига келиб АҚШ капиталистик дунёнинг тан олинган етакчисига, техник тараққиётнинг яловбардорига айланди. Иқтисодий инкирознинг бутун кудрати ҳам шу ерда намоён бўлди. 10 минг банк, 135 минг фирмалар ўз фаолиятини тўхтатди, ишлаб чиқариш инкироздан олдинги даражасининг 53,8 % ига тушиб қолди. Инкироз аҳолининг барча қатлам ва гуруҳларини: ишчилар, хизматчилар, олимлар, амалдорлар, ижодий интеллигенция вакиллари ва тадбиркорларини қамраб олди. Мамлакатда 17 млн ишсиз бор эди. Инкироз Америка фермерлари учун ҳақиқий кулфат бўлди, улар бозори касод бўлган маҳсулотларини йўқ қилишга мажбур бўлди.

Хўжаликнинг анъанавий типини ўз имкониятларини яқунлади. Ижтимоий муаммолар жуда кескинлашди. Мамлакатда ишсизлик бўйича суғурталаш, черковникдан ташқари ижтимоий ёрдам ташкилотлари мавжуд эмасди. «Қатъий индивидуализм» мафкураси ҳар бир киши ўз тақдири учун ўзи жавобгар, деган қоидага асосланади. Кишилар тақдири учун давлатнинг жавобгарлигини тан олинмайди. Давлатнинг ижтимоий кўмаги «американизм» асосларига путур етказди, деб ҳисобланарди. Индивидуализм мафкураси инкироз йиллари марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятсизлигини, умумдавлат миқёсида ижтимоий қонунларнинг мавжуд бўлмаслигини олдиндан белгилаб берди.

АҚШдаги, капиталистик дунёдаги инкироз эски капитализм даври тугаганлигини билдирди. Инкирознинг чуқурлигини, умумжаҳон миқёси фавқулодда ва кенг қўламли чоралар кўрилишини талаб қилди. «Нимадир қилиш керак!» деган талабни фақат аҳолининг

кашшоклашган кенг қатлами эмас, балки ўртаҳол кишилар ва ҳатто, иктисодий инкирознинг кўлаמידан ва мавжуд тизимнинг вайрон бўлишидан қўрқиб кетган йирик бизнес вакиллари ҳам давлатнинг олдига қўя бошлади.

Бу йиллари АҚШда республикачилар партияси ҳокимиятда турарди. Президент Герберт Гувер, илгари омади чопган тоғ инженери ва тадбиркор бўлган шахс, 1928 йили ўзининг ишчанлик сифатлари, саховатпешалиги ва аввалги савдо вазири лавозимида бизнесга содик хизмат қилганлиги учун бу юқори лавозимга эришган эди. Гувер давлатнинг бизнес ишларига аралашмаслиги ҳақидаги XIX аср индивидуализми ва либерализми тамойилларини ҳимоя қилди. 1931 йили оммавий ишсизлик шароитида у жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифни рад этди. Гувер рози бўлган ягона йирик тадбир Реконструкция молия корпорациясини тузиш бўлди. Бу ҳукумат ташкилоти банкларга, темир йўлларга, суғурта компанияларига қарз бериш билан шуғулланди. Гувер «гуллаб-яшнаш» даври Америкага тезда қайтади, деб таъкидлашда давом этди. Аммо америкаликлар энди ўз президентига ишонмай қўйгандилар.

1932 йил ёзида уруш фахрийлари пенсия талаб қилиб Вашингтонга келдилар. Генерал Ж. Макартур кўмондонлигидаги кўшинлар фахрийларнинг Потомак дарёси қирғоғидаги чодирларини бузиб, ўзларини ҳайдаб юборди. Бу тадбир ҳукуматнинг умумий сиёсати-га мос тушар эди. Шундай шароитда 1932 йилги сайлов кампанияси бошланиб кетди.

«Янги курс» даври. 1932 йил ноябрдаги сайловларда Гуверга қарши демократик партиядан номзод Франклин Делано Рузвельт номзоди қўйилди.

Ўта шухратпараст бўлган бу шахс ўз умрини сиёсий фаолиятга бағишлади. 1910 йили Нью-Йорк штати сенатига сайланди. В. Вильсон ҳукуматида денгиз флоти вазирининг ўринбосари бўлди, АҚШ делегацияси таркибида Париж тинчлик конференциясида иштирок этди. 1921 йили болалар шол касаллигига чалиниб, бир умр юролмайдиган ногирон бўлиб қолди. 1928 йили Рузвельт Нью-Йорк штати губернатори этиб сайланди. Анча катта отамерос мулкка, шу жумладан, йирик Хайд-парк ер-мулкига эга бўлган Рузвельт, АҚШ президентлигига қаторасига тўрт марта (1932, 1936, 1940, 1944) сайланган ягона шахс. Шунинг ўзи ҳам унинг АҚШ тарихидаги ғоят катта ролидан далолат беради.

Сайлов кампанияси давомида Гувер янги дастур таклиф қилмади. Рузвельт аксинча, умумий муҳит талабидан келиб чиқиб, шутқларидан бирида: «Мен Америка халқига янги курс ваъда қиламан», – деди. «Янги курс» деган бу жозибадор сўз оммавий шиор ва сиёсатнинг номига айланди. 1933 йил март-июнь ойларида президент бутун бошли қонунлар тўпламини конгресс орқали тасдиқлаганда, «янги курс» амалий мазмунга эга бўлди. Президент ўз вазифасини тўғри тушунди – фавқулодда ҳолат фавқулодда чоралар кўрилишини талаб қилади.

«Янги курс» ислоҳотлари. Март ойида конгресснинг биринчи йиғилиши бошланди. Уч ой ичида конгресс кўплаб қонунлар қабул қилди. Америка ва бутун капиталистик дунё учун мисли кўрилмаган миқёсда иқтисодга давлат бошқарувини жорий қилиш бу қонунларнинг моҳиятини ташкил қилди. Ҳаммаси фавқулодда характер ва америкача миқёс касб этди, уларда, шунингдек, президентнинг жасорати ва қатъиятлиги ҳам акс этарди. Янги президент ҳузурида унинг ислоҳотчи-сафдошлари, Колумбия университети профессорлари, бизнесменлардан иборат «ақллилар трести» тузилди. Улар оммавий ишлаб чиқариш билан америкаликларнинг паст харид қобилияти ўртасидаги узилиш тузум учун қандай хавfli бўлса, корпорацияларнинг жиловсиз рақобати ҳам Америка капитализми учун шунчалар хавfli эканлигини исботлаб берди.

Президентнинг дастлабки тадбирлари банк тизимини барқарорлаштириш ва ишсизларга ёрдам кўрсатишга қаратилди. Бу мақсадлар учун Фавқулодда федерал ёрдам ташкилоти тузилиб, бу ташкилот муҳтожларга тарқатиш учун 500 млн доллар маблағ ажратди. Рузвельт фахрланиб юрган муҳим тадбирлардан бири ишсиз шаҳар ёшлари учун ўрмон худудларида лагерлар ташкил қилиниши бўлди. Бу лагерларда ҳар йили 500 минггача ёшлар бошпана, озиқ-овқат, кийим ва кунига бир доллар пул оларди. Улар ўрмонларни тозалаш, янги дарахтлар ўтқазиш, миллий паркларни ободонлаштириш каби ишлар билан шуғулланди.

Рузвельт жорий қилган яна бир янгилик Теннесси дарёси водийсидаги еттита жанубий штатларни қамраб олган катта географик худудни ривожлантириш бўйича йирик комплекс лойиҳа бўлди. Бир пайтлар пахта далалари бўлган бу ерлар эрозияга учраб, яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Рузвельт дастури бу ерларни комплекс тиклаш, дарёда дамбалар қуриш, электростанциялар бунёд

этишни кўзда тутарди. Шу мақсадда қудратли давлат корпорацияси ташкил қилиниб, Теннесси водийсига янгидан ҳаёт бахш этилди. Бу ерда 25 та электростанциялар қурилди, дарё тозаланиб, унда кемалар қатнайдиган бўлди, янги ўрмонлар қад кўтарди, хуллас ҳаёт яшнади.

Бу тадбирларнинг вақтинчалик эканлигини кўпчилик тушунарди, аммо иқтисодий тартибсизликнинг бош сабаби – жиловлаб бўлмайдиган рақобатни нима қилиш кераклигини ҳеч ким билмасди. Баъзилар мажбурий картеллаштириш тадбирини таклиф қилди. Таклиф Рузвельтга маъқул бўлди. Шу тарика Миллий саноатни тиклаш тўғрисида қонун пайдо бўлди. Бу қонун уч қисмдан иборат эди. Биринчи қисм «хусусий рақобат кодекси» жорий қилинишини кўзда тутарди. Ҳар бир соҳа ишлаб чиқарувчилари барча учун тенг бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш шартлари тўғрисида келишиб олардилар. Бу рақобатни мажбурий чеклаш эди. «Хусусий рақобат кодекси» президент томонидан имзоланиб, қонун тусини олди. Шундай кодекслар АҚШ саноатининг 95 % ни қамраб олди. Ишлаб чиқариш ҳажми билан истеъмол бозори талаби ўртасида мутаносибликни вужудга келтириш инқироздан чиқишнинг таянч нуқтаси бўлди.

Миллий саноатни тиклаш тўғрисидаги қонуннинг иккинчи бўлими тадбиркорлар билан ишчилар ўртасидаги муносабатни тартибга солди. Қонуннинг моддаларидан бири ишчиларнинг музокаралар олиб бориш ва тадбиркорлар билан меҳнатга ёлланиш тўғрисида келишувлар тузиш жараёнида касаба уюшмаларининг иштирок этиш ҳуқуқи тан олиншини кўзда тутарди. Тадбиркорларга «ўзларига қарашли» касаба уюшмаларини тузиш тақиқланди. Бу АҚШда ишлаб чиқариш касаба уюшмаларини тузиш учун катта туртки бўлди ва меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг жамоавий-шартномали тартибини ўрнатди.

Инқирозга қарши тадбирларнинг учинчи қисми жамоат ишларига ва давлат саноати, ҳарбий ва бошқа объектлар қурилишига катта маблағлар ажратилишини кўзда тутди.

Кейинги муҳим қонун қишлоқ хўжалигини тартибга солиш, фермерларга моддий ёрдам кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан саноат маҳсулотлари нархи ўртасидаги фарқни қисқартиришга қаратилган эди. Бу қонун икки йил муддатга кири-

тилди ва шундан сўнг эркин тадбиркорлик тамойилларини бузганлиги учун Олий суд томонидан бекор қилинди.

Ф. Рузвельтнинг иқтисодга давлат аралашувини кучайтиришга қаратилган комплекс тадбирлари фанда либерал этатизм (etat – давлат) деб номланиб, у демократик партиянинг иқтисодий ислохотлар доктринасига айланди.

Агар инкироз кучайган йиллари тадбиркорлар давлатнинг иқтисодни тартибга солиш сиёсати билан келишган, унга чидаган бўлса, иқтисодий ҳолат яхшиланиши, инкироздан чиқиш бошланиши билан тадбиркорларнинг норозилиги кучайиб борди. Матбуот Рузвельтга қарши катта кампания бошлади. Унинг сиёсати эркин тадбиркорлик тамойилларига, америкачиликка ва индивидуализм фалсафасига хилоф деб баҳолана бошланди. Баъзилар унинг сиёсатида корпоратив давлатчилик (авторитаризмнинг давлат шакллари билан бири) ва фашистик Италия тамойиллари билан яқинликни кўрса, бошқалар уни социализм ва ҳатто, коммунизм уруғини сочишда айблади. 1936 йилги президентлик сайловларида Рузвельтга қарши анча катта кучлар бирлашди. Аммо Рузвельт ғолиб чиқди, уни сайловчиларнинг катта қисми, кечаги қашшоқликни унутмаган оддий халқ қўллаб-қувватлади.

«Янги курс»нинг ижтимоий ислохотлари. 1937 йили янги муддатга президент бўлган Рузвельт ўзининг сайловолди ваъдаларини бажаришда ва жамиятдаги муносабатларни ислох қилишда конгресс ва Олий суднинг қаршилигига дуч келди. Унинг 1937 йили таклиф қилган қонунлари конгресс томонидан рад этилди, бошқалари эса Олий суд томонидан конституцияга хилоф деб топилди. Фақат ишчилар ва фермерларнинг оммавий ҳаракатлари ва 1938 йили бошланган янги иқтисодий инкироз конгресс ва Олий судни президентнинг ижтимоий ислохотларига нисбатан муносабатини ўзгартиришга мажбур қилди. Натижада 1930-йиллари муҳим ижтимоий ислохотлар: меҳнат муносабатлари тўғрисида қонун, ижтимоий суғурта тўғрисида, болалар меҳнатидан фойдаланишни тақиқловчи, ишчилар ва хизматчилар учун иш ҳафтасининг давомийлиги ва иш ҳақининг минимал даражасини ўрнатовчи меҳнатга ёллашнинг адолатли шартлари тўғрисида қонунлар қабул қилинди. 1938 йилги инкироз яна ҳукуматни давлат қурилишлари ва жамоат ишларига бир неча миллиард доллар пул ажратишга мажбур қилди. Ишсиз-

ликни суғурталаш билан бир қаторда пенсия таъминоти тўғрисида ҳам қонун қабул қилинди.

Ф. Рузвельтнинг «янги курси» Америка капитализмининг характери́ни ўзгартириб юборди. АҚШ иқтисодини янги, империячилик амбициялари авж олган даврга мослади.

Шу тариқа 1930-йилларнинг иккинчи ярмида АҚШ ва унинг ортидан бутун капиталистик дунё иқтисодий инқироздан чиқиб олди. Аини пайтда улар бошқа бир, кўпроқ ташқи сиёсат билан боғлиқ муаммоларга дуч келди.

Жаҳон урушлари оралиғида АҚШнинг ташқи сиёсати. Урушдан кейинги дастлабки ўн йилда АҚШ ташқи сиёсатида молиявий-иқтисодий масалаларга – чет эллардаги капиталини кўпайтириш, ташқи савдони кенгайтириш, янги бозорларни эгаллашга катта эътибор қаратди. Президентлар Гардинг ва Кулижлар маъмуриятлари қуролсизланиш жараёнини кўллаб-қувватлаб, тинчликни таъминлашга қаратилган сиёсат юритди.

1921 йилги Вашингтон конференциясида АҚШ давлат котиби Ч.Э. Хьюз қуролларни қисқартириш бўйича тарихда биринчи самарали музокараларда иштирок этди. Аммо умуман олганда бу даврда АҚШ ҳукумати тор миллий, изоляционизм сиёсатига амал қилди. Бу, хусусан, АҚШнинг Миллатлар лигаси билан ҳамкорлик қилишни истамаслигида, Европа давлатларидан уруш даври қарзларини ундириш жараёнида, айниқса кўзга ташланди.

1922 йили Форми-Маккамбер акти бўйича АҚШ ҳукумати чет эл товарларига бож солиғини оширди. Шунингдек, иммиграцияга ҳам катта чекловлар жорий қилинди. Янги иммигрантлар америкалик фуқароларнинг иш ўринларини эгаллашига ишонган ишчилар ҳаракатининг ва иммигрантларнинг бир қисми радикаллар бўлиши мумкин, деб ҳисоблаган турли ватанпарвар ташкилотларнинг босими остида конгресс Иммиграцияни чеклаш тўғрисида қонун қабул қилди. 1924 йилги Миллий келиб чиқиш тўғрисидаги қонун эса квота ўрнатди ва бир йиллик иммигрантлар сонини 164 минг, 1927 йил 1 июлдан – 150 минг киши қилиб белгилади. Қонун моҳиятига кўра дискриминацион характерга эга бўлиб, Жанубий ва Шарқий Европадан иммигрантлар келишини чеклади, Осиёдан иммигрантлар келишини тўлиқ тақиқлади.

АҚШ ташқи сиёсий курсининг позитив томонга ўзгариши Ф. Рузвельт даврида юз берди. Америка дипломатияси Европа ва

бонка минтакалардаги жараёнларда фаол иштирок эта бошлади. 1933 йили ноябрда Совет Иттифокини тан олиб, у билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

1920-йиллардаёқ АҚШ ҳукмрон доиралари Лотин Америкаси мамлакатлари билан муносабатларни яхшилаш чораларини кўрдилар. Бу Ф. Рузвельтга ушбу минтақада «Яхши қўшничилик» номини олган курсни юритиш имконини берди. Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципини намоён қилган ва Кариб денгизи ҳавзасидан ўз қўшинларини олиб чиққан Рузвельт, минтақада Америка Қўшма Штатларининг обрўсини оширишга эришди.

1930-йиллари халқаро шароит кескинлашган ва янги уруш ҳавфи ошган бир пайтда Вашингтон изоляционизм сиёсатини давом эттириб, дунёнинг бошқа қисмидаги, айниқса Европадаги можаролардан четда туришни маъқул кўрди. Италия Эфиопияни босиб олишга тайёргарлик кўраётган бир пайтда, 1935 йили АҚШ конгресси босқинчи ёки химояланувчи давлатларни ажратмасдан, умуман урушаётган давлатларга Америка қуролини сотишни тақиқловчи Нейтралитет ҳақида қонунни қабул қилди. Бундан ҳам талабчан қонун 1936 йили Испанияда фуқаролар уруши бошлангандан сўнг қабул қилинди. Бу қонун Франко бошчилигидаги исёнчилар фашистик Италия ва нацистик Германиядан ёрдам олаётган бир пайтда, амалда Испаниянинг республикачилар ҳукуматини жазолашга қаратилди.

Аммо реал жараёнлар ва воқеалар Америка ҳукмрон доираларининг узоқни кўзловчи қисмини бундан буён АҚШ дунёда юз бераётган воқеалардан четда туrolмаслигига ишонтирди. Ўша даврдаёқ янги технологияларнинг ҳайратланарли ютуқлари, хусусан, авиациянинг ривожланиши АҚШнинг жаҳон сиёсати марказларидан узоқда жойлашганлиги билан боғлиқ географик омилнинг таъсирини камайтирди. Бу жараёнлар Европа ва Осиёда тажовузкор диктаторлик режимлари – демократик жамиятларга зид, Версаль тизимини ва урушдан кейин шаклланган статус-қвони бузишга интилаётган режимларнинг пайдо бўлиши билан бир пайтга тўғри келди.

Тинч океани ҳавзасида Рузвельт Г. Гувер бошлаб берган Япониянинг Осиёда босиб олган ерларини тан олмаслик сиёсатини давом эттирди. 1937 йили Япония Хитойга бостириб кирганда, демократлар маъмурияти амалда изоляционизм сиёсатидан воз кечишни

бошлаб берди. Уруш касалликка ўхшайди, деб баёнот берган Рузвельт, барча тинчликсевар мамлакатларни тажовузкор давлатга нисбатан «карантин» жорий қилишга чақирди, аммо бу баёнот ҳеч қандай сиёсий оқибатга эга эмас, дея қўшиб қўйди. Шу йил декабрда япон авиацияси Янцзи дарёсида Американинг кичик ҳарбий кемасини чўктириб юборди, аммо чет элларда бўлаётган воқеаларга аралашмасликни талаб қилаётган Америка жамоатчилигининг босими остида ўч олиш истагидан воз кечишга тўғри келди.

Дунёдаги сиёсий вазият борган сари мураккаблашиб бораётган эди. АҚШ бу ҳолатни ҳисобга олмаслиги мумкин эмасди. 1938 йили Перуда ўтказилган Панамерика давлатлари конференциясида Европадаги диктаторлик режимлари тажовузкор ҳаракатларини бошлайдиган бўлса, Америка давлатларининг сиёсати тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу қарор айна вақтида қабул қилинди, зеро тажовузкор ҳаракатлар бошлаб юборилган эди. Дунёнинг глобаллашуви шароитида АҚШ ўз ташқи сиёсатини одатдаги ва қулай бўлган Монро доктринаси доирасида юритиши мумкин эмасди. Шундай бўлса-да, бу доктрина ҳамон ўз таъсирини сақлаб қолаётган эди, зотан, нацизмнинг сурбетларча ҳаракати олдида турган Буюк Британия ва Франция АҚШнинг бирон-бир мададини сезаётган эмасди.

1939 йил сентябрда Германия Польшага бостириб киргандан сўнг Рузвельт Нейтралитет ҳақидаги қонунни қайта қўриб чиқиш, «нақд пул – товар» принципи асосида урушаётган давлатларга, биринчи навбатда, Буюк Британия ва Францияга қурол сотишга руҳсат бериш мақсадида конгресснинг махсус сессиясини чақирди. 1940 йили Франция таслим бўлгандан сўнг АҚШ ижтимоий фикрида кескин ўзгариш юз берди ва Буюк Британияга ҳар томонлама ёрдам бериш лозим, деб ҳисоблай бошлади.

Айнан шу ўзгарган шароитларда АҚШ изоляционизм ва нейтралитет сиёсатидан воз кечишга ва антигитлер коалицияси томонида Иккинчи жаҳон урушига киришга мажбур бўлди. 1941 йил 7 декабрда Япониянинг Гавай оролларидаги Пёрл-Харбор ҳарбий базасига хиёнаткорона ҳужуми АҚШнинг урушда катнашиши масаласини узил-кесил ҳал қилди. АҚШ конгресси аввал Японияга, кейин эса Германияга уруш эълон қилди.

Америка раҳбарлари фашизм ва япон милитаризмининг ғалабаси АҚШнинг мавжудлиги учун реал хавф солади, деган тунунчадан келиб чиқиб ҳаракат қилдилар. Европани назорат ости-

га олган душман давлат ёки Евроосиёни назорат қилувчи душман давлатлар иттифоқи Америкага нисбатан ҳарбий устунликка эришиш имкониятига эга бўларди. Бундай шароитда АҚШ бутун инсоний ва моддий ресурсларини ашаддий қуролланган диктаторлик режимларидан ҳимояланишга мажбур бўлган, камалдаги қалъага ўхшаб қоларди.

АҚШ Иккинчи жаҳон уруши йилларида. АҚШ Иккинчи жаҳон урушида 1941 йил декабрдан Тинч океанидаги, 1942 йил июндан Ўрта Ер денгизидаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этди. 1944 йил июнда Европада Ғарбий фронт очилди. Америка қўшинлари Франция (асосан Нормандияда), Италия, Тунис, Жазоирда, Марокаш, Германия, Нидерландия, Бельгия ва Люксембургдаги ҳарбий ҳаракатларда қатнашди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида АҚШда ҳарбий-хўжалик тизимига асос солинди. Уруш арафасида ҳали АҚШ 1937–1938 йиллардаги инкироздан тўлиқ чиқа олмаган эди. 1939 йил куздан 1943 йил кузгача АҚШ саноат ишлаб чиқариши 2,5 баробар ошди. Бу ўсиш уруш билан, ҳарбий техника, озик-овқат, кийим-кечак ва шу қабиларга буюртмаларнинг кўпайганлиги билан боғлиқ эди.

АҚШда ҳарбий ишлаб чиқаришнинг ўсиши Америка қитъасининг бевосита уруш ҳаракатларидан узоқда жойлашиши билан ҳам боғлиқ эди. Аммо шунга қарамасдан, АҚШда ҳарбий ишлаб чиқариш СССРдаги ҳарбий ишлаб чиқаришга нисбатан анча паст эди.

1941 йил 7 декабрь куни эрталаб Япониянинг 441 та самолёти АҚШнинг Пёрл-Харбордаги ҳарбий базасига ҳужум уюштирди. 4 та линкор, 2 та крейсер ва битта мина қўювчи ҳарбий кема чўктириб юборилди. Америкаликлар 2403 нафар аскарларидан айрилди.

Бу ҳужумдан олти соат кейин Америка ҳарбий кемалари ва сувости кемаларига океанда Японияга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлашга буйруқ берилди. Президент Рузвельт мурожаатидан сўнг конгресс Японияга уруш эълон қилди. 11 декабрда Германия ва Италия, 13 декабрда – Руминия, Венгрия ва Болгария АҚШга уруш эълон қилди. Япон қўшинлари Филиппинга ҳужум бошлаб, 1942 йил апрелга келиб уни тўлиқ босиб олди. Бу ердаги АҚШ ва Филиппин қўшинларининг кўпчилиги асир тушди.

1942 йил бошларида япон авиацияси Австралия кирғоқларидаги Дарвин портини бомбардимон қилди. 8 май куни Маржон денгизида ва 4 июнь куни Мидуэй аттолида авианосецлар жанги бўлиб, уларда америкаликлар илк бор японлар устидан ғалабага эришди. Мидуэй аттоли ёнидаги жанг бутун Тинч океанидаги урушда бурилиш нуктаси бўлди.

Янги Гвинея оролида японлар Порт-Морсби йўналишида ҳужум қилди, аммо генерал Дуглас Макартур қўмондонлигидаги америка-австралия қўшинлари уларни тўхтатишга муваффақ бўлди. 1942 йил 7 августда АҚШ ҳарбий-денгиз пиеда қўшинлари Гуадалканал оролига тушиб, япон аэропортини эгаллаб олди. 1942 йил октябрь-ноябрь ойларида японлар уюштирган қарши ҳужумлар натижа бермади. 1943 йил февралда америкаликлар Гуадалканал оролини тўлиқ, июль-августда Соломон ороллари архипелагининг бир қисмини, ноябрь-декабрда Бугенвиль ва Янги Британия ороллари қисман эгаллаб олди. 20–23 ноябрда АҚШ ҳарбий-денгиз пиеда қўшинлари Гильберт оролини эгаллаб олди, 1944 йил бошида эса Маршалл оролларига келиб тушди.

1944 йил 15 июнда америкаликлар мустаҳкам химоя кўрғонларига эга Сайпан ороллари (Мариан ороллари) қўшин туширди. Японлар қаттиқ қаршилиқ кўрсатди, аммо 9 июлга келиб улар бутунлай тор-мор қилинди. Америкаликларнинг Сайпан оролини эгаллаши Японияда генерал Тодзио ҳукуматининг қулашига олиб келди. 1944 йил давомида АҚШ қўшинлари Мариан ороллари тўлиқ эгаллаб олди ва В-29 Superfortress самолётлари бевосита Япония ҳудудини бомбардимон қилишни бошлади.

1944 йил октябрда Лейт қўлтиғида денгиз жанглари тарихидаги энг йириги бўлиб ўтди. Япон флоти қаттиқ ҳалокатга учради, шундан сўнг америкаликлар денгизда тўлиқ устунликка эришди. Япон авиацияси ҳам қатта талафот кўрди. Генерал Д. Макартур қўмондонлигидаги АҚШ қўшинлари октябрда Филиппин ороллари жанубига кириб келди ва бир қатор жанглардан сўнг 3 март куни Манила шаҳрини озод қилди. Май ойига келиб Филиппин японлардан тўлиқ озод қилинди.

1945 йил 19 февралда АҚШ пиеда қўшинлари Иводзима оролига келиб тушди, японларнинг қаттиқ қаршилигига қарамасдан, 26 март куни орол эгаллаб олинди. 1945 йил 22 июнда АҚШ ва Буюк Британия қўшинлари Окинава оролини эгаллаб олди. Бу ороллар

бевосита Япония худуди бўлгани учун японлар қаттиқ қаршилик кўрсатди. Япон «камикадзе»лари иттифоқчилар кемаларига хужум уюштирди. Аммо бу жанглар ороллардаги япон қўшинларининг тўлик йўқ қилиниши билан яқунланди.

1945 йил июлда иттифоқчилар Японияга таслим бўлишни таклиф қилди, аммо у таклифни рад этди. 1945 йил 6 август куни АҚШнинг В-29 Superfortress самолёти Хиросима, 9 августда эса Нагасаки шаҳарларига атом бомбаларини ташлади. 15 август куни император Хирохита Япониянинг сўзсиз таслим бўлганлиги тўғрисида эълон қилди. Япониянинг таслим бўлганлиги тўғрисидаги акт АҚШ ҳарбий-денгиз флотининг «Миссури» кемаси бортида 1945 йил 2 сентябрь куни имзоланди.

Генерал Дуайт Эйзенхауэр қўмондонлигидаги АҚШ қўшинлари Ўрта Ер денгизи бўйларида жанг қилиб, инглиз қўшинлари билан ҳамкорликда 1943 йил майда Италия ва Германия қўшинларидан Тунисни озод қилди.

АҚШ 7-армияси ва Британия 8-армияси 1943 йил 10 июлда Сицилия қирғоқларига туширилиб, 17 августда Сицилияни тўлик озод қилди. Шундан сўнг Италияни озод қилиш учун жанглар ҳар хил тезлик билан давом этиб, фақат 1945 йил майда яқунланди. 2 май куни Италиядаги немис қўшинлари таслим бўлди.

1943 йилги Техрон конференциясининг қарорига кўра Европада иккинчи fronti 1944 йил 6 июнь куни очилди. АҚШ, Буюк Британия ва Канада қўшинлари Нормандияга туширилди. Оверлорд операция деб аталган иттифоқчиларнинг ҳарбий ҳаракатлари натижа-сида 15 август куни Жанубий Франция, Тулон, Марсель шаҳарлари, 25 августда Париж, 31 август куни Франциянинг шимоли-шарқини озод қилди. Сентябрь ойида иттифоқчилар Бельгия худудига, 1945 йил январдан эса Ғарбий Германияга кириб келди. 25 апрелда АҚШ қўшинлари Эльба дарёси бўйида совет қўшинлари билан уч-рашди.

* * *

Уруш яқунланди. АҚШ Иккинчи жаҳон урушида 418 000 киши йўқотди. Ҳарбий ҳаракатлар яқунланган пайтда Европада ва Тинч океани ҳавзасида АҚШнинг 8 млн қўшини бор эди. Европадан 1946 йил февралгача, Тинч океани ҳавзасидан 1946 йил сентябргача қўшиннинг асосий қисми ватанига қайтарилди.

Урушдан сўнг АҚШ капиталистик дунёнинг иқтисодий ва сиёсий етакчиси, ҳарбий жиҳатдан дунёнинг энг кучли давлати сифатида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб олди.

VII боб бўйича саволлар

1. Биринчи жаҳон урушининг натижалари АҚШнинг иқтисодий ривожланиши ва жаҳон сиёсатидаги ўрнига қандай таъсир кўрсатди?
2. 1920-йиллари АҚШ иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий сиёсати билан Европа мамлакатларидаги шундай сиёсат ўртасидаги фарк нималарда намоён бўлди?
3. 1929 – 1933 йиллардаги иқтисодий инқироз АҚШ иқтисоди ва ижтимоий сиёсатида қандай из қолдирди?
4. АҚШ инқироздан чиқишининг қандай йўлини танлади? Ф. Рузвельт «янги курс» сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида гапириб беринг.
5. Демократик партиянинг иқтисодий ислохотлар дастурига айланган либерал этатизм сиёсати ҳақида гапириб беринг.
6. «Янги курс»нинг ижтимоий ислохотлари қандай ўзгаришларга олиб келди?
7. Иккинчи жаҳон уруши бошлангунча АҚШни ташқи сиёсатининг устувор йўналиши бўлган нейтралитет ва изоляционизм тамойилларининг хатолиги нимада эди?

VIII БОБ. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИГИДА КАНАДА

XX аср бошларида Канада. XX аср бошларида Канада худудининг кенлиги, табиий бойликлари, иқтисодий ва сиёсий ривожланиш даражаси бўйича Буюк Британия мустамлакачилик империясида алоҳида ўрин тутарди. 1837 йилги мустамлакачиликка қарши инқилоб инглизлар томонидан куч билан бостирилгандан сўнг, Буюк Британия Канадага ўзини ўзи бошқариш мақомини беришга мажбур бўлган эди. Шундан кейин бошланган жадал иқтисодий ўсиш бу ерда маҳаллий сиёсий элитанинг ҳокимиятни эгаллаб олишига кўмаклашди. 1848 йили парламент олдида ҳисоб берувчи ҳукумат тузилгандан сўнг миллий элита сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олди. Бу жараёнда АҚШ жиддий роль ўйнади. Айниқса 1867 йили АҚШ Россиядан Аляскани сотиб олгандан сўнг унинг Канадага таъсири янада кучайди.

1867 йили Буюк Британия парламенти Канадага доминион ҳукукини берди. Британия Шимолий Америкаси ҳақида Акт қабул

қилиниб, унга кўра тўртта собиқ провинциялардан конфедерация тузилди ва ягона Канада давлатига бирлашди. Бу Акт Канада Конституцияси куни бўлиб қолди. 1 июль – Конституция кучга кирган кун – Конфедерация куни – Канаданинг миллий байрами сифатида нишонланади.

Ўзини ўзи бошқарувчи ҳудуд мақомини олган Канада Буюк Британия империяси таркибида қолди. Давлат тузилиши Британия қироличаси бошчилигида конституцион монархия деб эълон қилинди. 1867 йилги Актга кўра Канада давлат тузилиши шакли бўйича федерация эди. Бу Акт аҳолисининг кўпчилиги французлар бўлган Квебек провинциясига ҳам маълум миллий кафолатлар берди. Канада иқтисодий ривожланишда борган сари АҚШ билан яқинлашиб борди. XX аср бошида ягона Канада халқини шакллантириш сиёсати олиб борилди.

XX аср бошларида Канадада иқтисодий ривожланиш суръатлари ўсди. Миллий саноатнинг жадал ривожланиши ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрациялашувига, трестлар шаклидаги Канаданинг ўз монополистик ташкилотлари пайдо бўлишига олиб келди. Канадада хўжалик комплексининг ривожланишига фақат метрополиядан эмас, қўшни АҚШдан ҳам инвестицияларнинг оқиб келиши катта ижобий таъсир кўрсатди. 1900–1913 йиллари мамлакатга 2,5 млрд чет эл инвестициялари киритилди. Иқтисодиётнинг гуркираб ўсиши Канадага кўплаб иммигрантларни жалб қилди. XX аср бошларида иммигрантлар оқими АҚШдан Канадага кўчди. 1900 йилдан 1918 йилгача Канада аҳолиси 64 % га, гарбий провинциялар аҳолиси эса тўрт баробарга кўпайди, янги провинцияларни ташкил қилиш имконияти пайдо бўлди. Янги провинциялар жаҳон бозорининг талабидан келиб чиқиб, асосан ғалла етиштиришга ихтисослашди. 1910 йили Канада жаҳон бозорига дунё бўйича сотиладиган ғалланинг 13 % ини етказиб берди. Канада ҳукумати маҳаллий саноатни қўллаб-қувватлаш сиёсатини олиб борди.

Биринчи жаҳон уруши арафасида капиталнинг концентрациялашуви ва саноат ишлаб чиқариши кучайди. Пўлат қуйиш, тўқимачилик, цемент саноати ва темир йўл қурилишида йирик монополиялар ташкил қилинди. Банкларнинг бирлашиш жараёни 70 % банк ресурсларининг учта йирик банклар – Монреаль, Қироллик ва Тижорат банклари назоратига ўтиши билан яқунланди. 1913 йилга келиб 50 та йирик оилалар мамлакат миллий бойли-

гининг 1/3 қисмини назорат қиларди. Канада иқтисодиёти асосан экспортга йўналтирилган бўлиб, XX аср бошларида шу ҳолатини сақлаб қолди. 1912 йили Канаданинг ташқи савдо айланмаси 1890 йилдагига нисбатан 10 баробар ошди.

Биринчи жаҳон урушига Канада Буюк Британия империясининг таркибий қисми сифатида қўшилди. Жамиятда империя бирдамлиги ғояси кучли эди. Р. Борден бошчилигидаги консерваторлар ҳукумати метрополияга ўз садоқатини намойиш қилди. 1918 йилга келиб, Канада урушда 60 минг аскардан айрилди, 200 минг киши ярадор бўлди. Бу аҳолиси кам сонли бўлган мамлакат учун жуда катта йўқотиш эди. Уруш йиллари мамлакат иқтисодиёти ҳам катта ўзгаришларни бошдан кечирди. Чет эл инвестициялари кескин кўпайиб, Буюк Британия монополиясига чек қўйилди. Инвестициядаги АҚШ улуши 39 % гача кўпайди. Иқтисодга давлат аралашуви кучайиб, ҳарбий ишлаб чиқариш, қатор темир йўл компаниялари национализация қилинди.

Қишлоқ хўжалиги ҳам жадал ривожланиб, 1917 йили Канада дон экспорт қилиш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди. Бунда қишлоқ хўжалигига давлат инвестицияларининг киритилиши катта роль ўйнади.

1920–1930- йилларда Канада. Уруш йилларида тузилган коалицион ҳукумат мустақкам эмасди. У. Лоръенинг ўлиmidан сўнг У.Л. Макензи Кинг либераллар етакчиси бўлди. 1920 йили соғлиғи туфайли истеъфога чиққан Р. Борден ўрнига консерваторлар етакчиси қилиб Артур Мейган сайланди. Партия либерал-консерваторлар партияси деб қайта номланди. Аммо раҳбариятнинг алмашинуви партияларга уруш йиллари йўқотган мавқеини тиклаш имконини бермади. 1930 йилгача икки партиядан бирортаси парламентда кўпчилик ўринни эгаллаётган эди.

1921 йилги сайловлардан сўнг либераллар М. Кинг бошчилигида ҳукумат туздилар. Бу сайловларда фермерларнинг Миллий тараққиёт партияси парламентда консерваторларга нисбатан кўпчилик ўринни эгаллади ва либераллар билан коалицияга бирлашди.

Ички сиёсатдаги инқирозли ҳолатни ҳукумат ташқи сиёсатдаги ютуқлар билан қоплашга ҳаракат қилди. 1919 – 1920 йиллари Париж тинчлик конференциясида Канада тинчлик шартномаларини мустақил имзолади ва Буюк Британиянинг қаршичилигини енгиб,

Миллатлар Лигасида вакиллик ўрнига эга бўлди. Канада Совет Россиясига қарши чет эл интервенциясида ҳам қатнашди. 1918 йил Владивостокка қўшин туширилиб, кейинчалик улар сони 4,5 минг кишига етказилди. Аммо мамлакат ичкарасидаги ҳолат Канада ҳукумати ўз қўшинларини Россиядан олиб чиқиб кетишга мажбур қилди.

Либералларнинг иқтисодий сиёсати саноатда реконверсияни амалга оширишга, уруш йилларидаги давлатнинг тартибга солиш тадбирларини тўхтатишга қаратилган эди. Жаҳон урушлари оралиғида Канада аграр-индустриал давлат бўлиб, «буғдой доминиони» мақомини сақлаб қолди. 1919–1920 йиллардаги хўжалик ривожланиши вақтинчалик ва чекланган характерга эга эди. У 1920–1921 йиллардаги саноат ва аграр инқироз билан алмашди. Ҳукумат чет инвестицияларини кўпайтириш ва провинцияларнинг хомашё имкониятидан кенгрок фойдаланишни инқироздан чиқишнинг йўли сифатида қараётган эди. Канадага АҚШ капиталининг кириб келиши кучайиб, Британия капиталини сиқиб чиқара бошлади. Канада иқтисодиётининг муҳим тармоқлари устидан назорат ўрнатиш учун АҚШ билан Англия ўртасидаги кураш кучайиб борди. Инқироз меҳнатқашлар турмушининг ёмонлашуви ва ишсизликнинг ўсишига олиб келди. 1919 йили Винниpegда касаба уюшмаларини қўллаб ўтказилган кўп минг кишилик иш ташлаш икки ой давом этди. 1922 йили Торонтода Канада ишчи партияси тузилди.

Ҳукумат жамиятнинг эътиборини ташқи сиёсатга жалб қилишга ҳаракат қилди. Канада Буюк Британиянинг «ёш турклар»га нисбатан сиёсатини қўлламади. Англия томонидан эришилган Лозанна шартномасини ҳам имзоламади. 1921–1922 йиллардаги Вашингтон конференциясида ҳам Канада АҚШ билан биргаликда ҳаракат қилди. 1920 йили М. Кинг Канада чет давлатларда ўз дипломатик ваколатхоналарини очиши учун Буюк Британиянинг руҳсатига эришди. 1923 йили Канада АҚШ билан ўзи мустақил, Буюк Британия иштирокисиз балиқ овлаш тўғрисида шартнома имзолади.

1926 йили инглиз генерал-губернатори навбатдан олдин сайловлар ўтказишдан бош тортиб, янги ҳукумат тузишни А. Майген бошчилигидаги консерваторларга топширганда, мамлакатда конституцион инқироз вужудга келди. Натижада сайловлар барибир бўлиб ўтди ва Макензи Кинг бошчилигидаги либераллар яна ҳукумат туздилар (1926–1930). Генерал-губернатор билан бўлган можародан

сўнг Макензи Кинг 1926 йилги империя конференциясида иштирок этди. Конференцияда Канада қатъий позицияни эгаллади ва доминионларнинг «империяда тенг мақоми»га эришди. «Бальфур декларацияси» қабул қилиниб, доминионларнинг тобелигини истисно қилувчи автономия мақоми тан олинди; доминионлар Британия тахтига мансублик тарзида ихтиёрий равишда Британия Миллатлар Ҳамдўстлигига бирлашди. Доминионлар уруш ва тинчлик масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқини олди. Генерал-губернаторнинг ҳуқуқи тахтнинг вакили мақоми билан чекланди. Канадада Англия ҳукумати номидан комиссар тайинланадиган бўлди.

1927 йили Канада федерация ташкил қилинганлигининг 60 йиллигини тантанали нишонлади. Шу йили АҚШ билан, кейин Франция ва Япония билан ўзаро дипломатик ваколатхоналар очилди. 1927 йил май ойида Англия босими остида Совет Иттифоқи билан муносабатлар тўхтатилди.

Либерал ҳукумат жадал иқтисодий ривожланиш шароитида фаолият юритди. Канадада ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрациялашуви жараёни кучайди. Хўжаликни электрлаштириш бошланди. 1929 йили мамлакатда мунтазам самолётлар қатнови йўлга қўйилди. Қайта ишлаш саноатининг ҳам жадал ривожланиши кўзга ташланди. 1926 йили Канада ғалла ўриш комбайнлари ишлаб чиқара бошлади. Аммо иқтисоднинг хомашёга ва етакчи соҳаларнинг экспортга йўналтирилганлиги батамом қарор топди. 1930 йили Канада экспорт ҳажми бўйича дунёда бешинчи ўринга чиқди. Францияга қаршли ороллар орқали Канада АҚШга бу ерда ичимлик ичиш тақиқланган йиллари спирт контрабандасини ҳам йўлга қўйди. 1927 йилги юқори ҳосилдорлик, озик-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хомашёсига жаҳон бозорида талабнинг ошиши, Канадага аграр инкирозни енгиб ўтиш имконини берди.

Шу йиллари чет эл инвестицияларининг оқими кучайди. Айни пайтда, Канада иқтисодининг ташқи саноат ва молия бозорларидаги ҳолатга боғлиқлиги жаҳон иқтисодий инкирозининг унга ҳалоқатли таъсир кўрсатишини белгилаб берди. 1929–1933 йиллардаги иқтисодий инкироз бир пайтда АҚШ ва Канадада юз берди. 1933 йили Канада ишлаб чиқариши ҳажми икки баробарга қисқарди, бандлик даражаси эса уч марта камайди. Айниқса фермерлар катта зарар кўрди. Саккиз йил давомида мамлакат ғарбида қурғоқчилик бўлди, чанг-тўзон ва қурғоқчилик туфайли ерларнинг мелиоратив

ҳолати ёмонлашди. Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг кескин тушиб кетиши шунга олиб келдики, 1933 йили минглаб фермерлар давлат боқимандасига айланди.

1930 йилги сайловлар аҳолининг либераллар сиёсатига ишонмаслигини кўрсатди. Миллионер Р. Беннет бошчилигида консерваторлар кабинети шаклланди. Р. Беннет ҳукумати инқирозни енгиб ўтиш усули сифатида қатъий протекционизм ва ички резервларни сафарбар қилишга мурожаат қилди. 1930 йили ишсизларга ёрдам ҳақида қонун қабул қилиниб, унда жамоат ишларига маблағ ажратиш кўзда тутилди. Амалда бу бошпанасиз ва ишсиз ёлғиз кишилар учун «меҳнат лагерлари» яратилишига олиб келди ва 1933 йили улар мудофаа вазирлиги ихтиёрига ўтказилди. Бу лагерлардаги яшаш ва меҳнат шароитлари кўпчиликда норозилик уйғотди ва 1935 йил ёзда ишсизларнинг Ванкувердан Оттавага юриши билан яқунланди. Бу юришни тарқатиб юбориш учун ҳукумат қуролли кучдан фойдаланди.

Р. Беннетга парламент томонидан берилган диктаторлик ваколатлари унга қатор қатағончилик тадбирларини ўтказиш имконини берди. Иммиграция тақиқланди ва «номақбул» чет элликларни мажбурий депортация қилиш бошланди. Ксенофобия ва миллатчилик кучайди. Фашистпараст ташкилотлар пайдо бўла бошлади. Ҳукуматнинг «ўннга» қараб силжиши Уруш ва фашизмга қарши Канада лигаси каби ташкилотларнинг тузилишига олиб келди. Р. Беннет томонидан кенг ислохотлар дастури –«янги курс»нинг эълон қилиниши, парламентда 8 соатлик иш куни ҳақида қонун қабул қилиниши, ҳафталик дам олиш кунлари, ишсизликни суғурталаш каби тадбирлар ҳам консерваторларнинг ҳокимиятда қолишини таъминлай олмади.

Макензи Кингнинг янги ҳукумати (1935–1948) Олий судга мурожаат қилиб, «меҳнат лагерлари»нинг қонунга хилоф деб топилишига эришди ва уларни тарқатиб юборди. Айни пайтда «янги курс»нинг барча ижтимоий қонунлари бекор қилинди, касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди ва фавқулодда характердаги ижтимоий ёрдамлар ҳажми оширилди. Канадада оғир депрессиядан кейин иқтисоднинг тикланиши секин кечди ва хомашё соҳаларини ривожлантиришга, урушдан олдинги милитаризациялаш жараёни билан боғлиқ АҚШ ва Буюк Британияга экспортнинг кенгайишига

асосланди. Канадада темир рудаси, нефтнинг янги конлари ва радий топилди.

1930-йиллари Канада ички сиёсий ривожланишининг ўзига хос томони провинцияларда ижтимоий ҳаётнинг фаоллашуви бўлиб, у федерал-провинция муносабатларининг кескинлашувига олиб келди ва конституцион инқирознинг етилиб келаётганидан далолат берди. Федерал парламентнинг ижтимоий масалаларни ечишга ҳақли эмаслиги тўғрисидаги масалани кўтариш учун сўл кучларнинг барча мурожаатлари провинцияларнинг конституциявий имтиёзлари бузилмаслиги ҳақидаги баҳона билан кўриб чиқилмади. Айни пайтда, 1867 йилги конституция икки соҳада ўзгаришларга учради. Оттавада бўлиб ўтган Империя конференцияси Вестминстер статuti лойиҳасини тасдиқлади ва у 1931 йили қонун кучини олди. У доминионлар суверенитетидаги охириги юридик чегарани бекор қилди. Қонунчилик ҳокимияти доминионлар парламентларига берилди ва Буюк Британия қонунлари энди доминионларга татбиқ қилинмайдиган бўлди. Канаданинг тенглиги ва мустақиллигини тан олган ушбу қонун, Канада конституциясига ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарор қилиш ҳуқуқини Буюк Британиянинг ўзида қолдирди.

Канада тарифлар тўғрисидаги инглиз-америка келишмовчиликларидан Буюк Британия ва Ҳамдўстлик бозорларида ўз позициясини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланди. 1932 йили Англия – Канада савдо шартномаси имзоланди. 1937 йилги тож кийиш маросимида Макензи Кинг иштирок этди, 1939 йили эса Канада ва АҚШга ташриф буюрган қирол ва қироличани тарихда биринчи марта қабул қилди. Канада бош вазири ва дипломатик ташкилот раҳбари лавозимларини эгаллаган Макензи Кинг йигирма йил ичида фаол ташқи сиёсат олиб борди. У усталик билан кийинчиликларни енгиб, АҚШ ва Англия ўртасида воситачи ролини бажарди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Канада Буюк Британия ташқи ишлар вазирилигининг ташқи сиёсий ташаббусларини қўллаб-қувватлади. 1937 йил ёзда Макензи Кинг Германияга ташриф буюрди ва Гитлер билан учрашди. Учрашув чоғида ўзининг Британияга садоқатини намоиш қилиб, немисларнинг Англияга нисбатан муносабатини аниқлашга ҳаракат қилди. Либераллар ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши АҚШ билан муносабатларни яхшилаш бўлди. 1936 ва 1938 йиллари ўзаро фойдали муҳим келишувлар имзоланди. Канада

иктисодиётида Америка фирмалари ва уларнинг филиаллари сони кўпайди (1936 йили улар 1930 йилга нисбатан 26 % га кўп эди). 1939 йили Франклин Рузвельт Канадага ташриф буюрди. Ўзаро ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Шунга қарамаздан уруш арафасида Канадада изоляционистик кайфиятлар кучли эди. Макензи Кинг Канаданинг ҳарбий можарога жалб қилиниши масаласини очиқ муҳокама қилишдан ўзини олиб қочди ва: «Парламент ҳал қилади», деган умумий ибора билан чекланди.

Канада Иккинчи жаҳон уруши йилларида. 1939 йил 3 сентябрда, Германия Польшага бостириб киргандан икки кун кейин у билан шартнома мажбуриятларига эга бўлган Англия ва Франция ҳам Германияга қарши урушга киришди. Канада Британия Миллатлар Ҳамдўстлиги аъзоси эди, аммо ҳукумат Англиянинг кетидан урушга кўшилишга шошмади ва урушга кўшилиш масаласини парламентда муҳокама қилишни маъқул кўрди. Бундай қарорни қўллаш учун Англиянинг АҚШдан қурол сотиб олиши билан боғлиқ муҳим халқаро ҳолат ҳам мавжуд бўлиб, АҚШнинг 1935 йилги нейтралитет тўғрисидаги қонунида урушаётган давлатларга қурол сотиш кўзда тутилмаган эди. Канаданинг расман урушга кўшилиш ҳақида расман баёнот бермаганлиги бир неча кун ичида катта ҳажмдаги АҚШ қуролларини сотиб олиш имконини берди. 1939 йил ноябрда АҚШнинг нейтралитет тўғрисидаги қонунига киритилган ўзгартириш АҚШ қуролларини Буюк Британияга етказиб беришда Канадани «воситачи ҳудудга» айлантириш йўлидаги охириги тўсик олиб ташланди.

Парламент йиғилишида бош вазир Макензи Кинг умумий ҳарбий мажбуриятни (конскрипцияни – баъзи мамлакатларда пул тўлаб ёки ўрнига одам ёллаб ҳарбий хизматни ўташ усули) жорий қилишдан воз кечишини яна бир бор таъкидлади. Канаданинг урушда иштироки Англияга қурол етказиб бериш билан чекланиши ҳақида эълон қилинди. Бундан ташқари душман томонидан тажовузга учраганда Канаданинг ўз ҳудудини, Ньюфауленд ва Вест-Индияни ҳимоя қилиш ҳам кўзда тутилди. Бу курс депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди ва Канада парламенти 1939 йил 10 сентябрда Германияга уруш эълон қилди.

1940 йил ёзда Франция таслим бўлгандан сўнг Канада АҚШ ва Буюк Британия билан ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни жадаллаштирди ва иқтисодни ҳарбий рельсга ўтказишни тезлаш-

тирди. 1940 йил августда Огденберг (Нью-Йорк штати) шаҳрида Ф.Д. Рузвельт билан Макензи Кинг учрашиб, АҚШ ва Канаданинг мудофааи бўйича доимий Маслаҳат кенгаши тузиш ҳақида келишиб олдилар ва Канада ҳудудида АҚШ кўшинларини жойлаштириш кўзда тутилди. Аслида бутун Шимолий Америка устидан АҚШнинг ҳарбий назорати ўрнатилди. Бу келишув Буюк Британия манфаатларини инобатга олмаган ва унинг иштирокисиз Канада томонидан мустақил имзоланган биринчи шартнома эди. Лондон ўз норозилигини билдирди. 1941 йил Ф. Рузвельт ва Макензи Кинг томонидан Гайд-паркда эълон қилинган декларация Канада ва Буюк Британия муносабатларини янада мураккаблаштирди. Декларацияда Канада ва АҚШ ҳарбий ишлаб чиқаришни биргаликда тартибга солиш Англияга ленд-лиз бўйича қурол етказиб беришни кооперациялаш тўғрисида эълон қилинган эди. Канада ҳукумати оғир уруш йилларида АҚШ билан Англия ўртасидаги муносабатлардан ўз давлатининг ролини оширишда фойдаланишга ҳаракат қилди.

Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти давлат томонидан қатъий тартибга солинди. 1940 йил баҳорда Ҳарбий таъминот бошқармаси ўрнига анча самарали Қурол аслаҳа ва таъминот бошқармаси тузилди. Бу бошқарма барча моддий бойликларни ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришга сафарбар қилди. 1940 йилги «Миллий ресурсларни сафарбар қилиш тўғрисида»ги қонун ҳукуматга транспорт ва саноат устидан назорат ўрнатиш учун катта ваколатлар берди. 1941 йили энг юқори нархлар тўғрисида қонун кучга кирди. Иш ҳақлари музлатиб қўйилди ва айрим озиқ-овқат ва истеъмол молларига карточка тизими жорий қилинди. Айни пайтда, билвосита солиқлар 2,5 марта оширилди. Ҳукумат жуда катта куч ва маблағни ҳарбий саноатни яратишга сарфлади. 1939–1945 йиллари Канада инвестицияларининг 37 % и иқтисоднинг ҳарбий секторига йўналтирилди. Уруш йиллари йирик бизнес иштирокида мамлакат иқтисодини индустрлаштириш ва уни техник модернизациялаш жараёни амалга оширилди. 1939–1945 йиллари Канаданинг умумий давлат харажатлари 24 млрд долларни ташкил қилди. Шундан 18,2 млрд ҳарбий харажатларга йўналтирилди. Натижада, уруш даврида саноат маҳсулотлари ҳажми 2 марта, ташқи савдо айланмаси эса 3 марта ўсди. Ишлаб чиқарилган ҳарбий маҳсулотларнинг 53 % и Ҳамдўстлик мамлакатларига жўнатилди. Бу Канаданинг Германия устидан ғалабага қўшган анча катта ҳиссаси эди.

Канада қўшинлари Европадаги уруш ҳаракатларида инглиз-америка қўшинлари билан бирга қатнашди. 1940 йили Европадаги Канада қўшинлари сони 23 минг кишига етказилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Канада армиясининг йўқотишлари Биринчи жаҳон урушидагидан кам бўлди ва 42 мингга яқин кишини ташкил қилди. Канаданинг фашизм устидан ғалабага қўшган асосий ҳиссаси антигитлер коалиция мамлакатларига қурол-яроғ, стратегик хомашё материаллари ва озиқ-овқат етказиб беришдан иборат бўлди.

* * *

Жаҳон урушлари оралиғида ва Иккинчи жаҳон уруш йилларида АҚШ ва Буюк Британия билан ҳамкорлик Канадага мамлакатнинг саноат салоҳиятини ошириш, хўжаликнинг янги соҳаларини яратиш, ички ва ташқи бозорда Канада капиталининг позициясини мустаҳкамлаш, Ҳамдўстлик доирасида ўз автономиясини кенгайтириш имкониятини берди.

VIII боб бўйича саволлар

1. XX аср бошларида миграция оқимининг АҚШдан Канадага кўчишининг сабаблари нималарда эди?
2. Биринчи жаҳон урушидан кейин Канада иқтисодига капитал кириши бўйича АҚШ билан Буюк Британия ўртасидаги рақобат Канада учун қандай оқибатларга олиб келди?
3. 1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инкирозининг Канадага таъсири асосан қайси соҳаларда кўпроқ намоён бўлди?
4. 1930-йиллари Канада ҳукуматини бошқарган лейбористлар ташқи сиёсатидаги энг муҳим йўналишлар қайсилар эди?
5. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Канада саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ва савдо айланмасининг жадал ўсишига қандай омиллар сабаб бўлди?

IX БОБ. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА ШИМОЛИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ

XX асрнинг биринчи ярмида Шимолий Европа мамлакатлари. XX аср бошларида Шимолий Европа мамлактлари ривожланиши жаҳон ҳаётида, жумладан, Европа ҳаётида ўзига хос ҳодиса эди. Бир томондан, Дания, Норвегия, Швеция, Исландия ва Финляндия

минтақанинг хўжалик аъаналари билан боғлиқ бўлган жўшқин иктисодий ривожланишни бошдан кечираётган, бошқа томондан, Скандинавия мамлакатлари илғор мамлакатлардан анча орқада қолиб кетган ва жаҳон сиёсати тақдирини ҳал қиладиган давлатлар қаторига кирмас эди. Бундай қолоқликнинг сабабларидан бири тараққиётга тўсик бўлаётган феодал қолдикларнинг сақланиб қолаётгани бўлди. Англия, Франция, Германия билан таққослаганда Швециядан ташқари барча Скандинавия мамлакатларида хўжаликнинг аграр-саноат типи устувор бўлиб, индустриал инфратузилмалар энди шаклланаётган эди.

Скандинавия мамлакатлари Европа китъасининг муҳим ички коммуникация тармоғи бўлган Болтиқ денгизи устидан назоратни ўзларида сақлаб, жуда қулай геосиёсий шароитда турар эдилар. Бундан ташқари, бу мамлакатлар бўлғуси урушда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўладиган Атлантика океани савдо йўлларига бевосита чиқиш имкониятига эга эди. Бу мамлакатларда саноат ривожланиши учун ўзига шароит яратилди.

Аммо минтақанинг жадал ривожланиши учун демографик омил халақит берарди. Бу мамлакатларда индустриал жамият шаклланиши учун аҳолининг ўта сийрак жойлашуви ҳам тўсик бўлаётган эди. Шаҳар марказлари жуда секин ривожланди, урбанизация даражаси ҳам паст, аҳолининг асосий қисми скандинавияликларга хос бўлган ўта индивидуалистик психология аъаналарини сақлаб қолган қишлоқларда истиқомат қиларди.

Ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг кўплаб қийинчиликлари XIX аср охири – XX аср бошларида Скандинавия мамлакатларининг сиёсий ҳолати билан боғлиқ эди. Агар Ғарбнинг етакчи мамлакатлари – Англия, Франция, бундан салгина олдин бирлашган Германия, шунга ўхшаш ҳолатда турган Италия, шунингдек, Испания, Португалия ва бошқа мамлакатлар жаҳон мустамлакачилик тизimini ташкил қилиб, аллақачондан бери ресурслар, молия ва бошқа бойликларни шу тизим ичида бўлиш билан шуғулланиб келаётган бўлсалар, XIX – XX асрлар чегарасида Скандинавия мамлакатларидан фақат Швеция ва Дания мустақилликка эга эдилар.

XIX аср охирида, миллий бозор ва умуман капитализм ривожланган сари Норвегия капитали ички бозорда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, шунингдек, жаҳон бозорига чиқишга интилди. 1905 йил июнда Норвегия ҳукумати мамлакатнинг Швециядан ажралганли-

гини эълон қилди. Дания шаҳзодаси Карлнинг 32 ёшли ўғли Хокон VII номи билан Норвегия тахтига ўтирди.

Финляндиянинг шароити янада мураккаб эди. У Россия империяси таркибига автономия ҳуқуқи билан кирган бўлиб, давлат суверенитети йўқлиги сабабли Россиядаги сиёсий ҳолатга тўлиқ боғлиқ эди. Бу даврда Россия давлатининг ўзи ҳам узоқ давом этган инқироз ҳолатини бошдан кечирарди. Россиядаги ислохотлар жараёни шунга олиб келдики, империянинг барча чекка ҳудудларида руслаштириш, консерватив сиёсий мафқурани сингдириш ва маданий экспансия сиёсати олиб борилди. Албатта, бу жараёнлар Финляндияга ҳам таъсир кўрсатди. Аммо Финляндиянинг ўзига хослиги шунда эдики, у Россия билан алоқалардан ташқари ўзининг скандинавиялик қўшнилари ва бошқа Европа мамлакатлари билан ҳам хўжалик алоқаларига эга эди. Минтақа таркибиди умумий тараққиёт ва Россиядаги Февраль инқилоби шунга олиб келдики, Финляндия ўз мустақиллигига эришиш истагини билдирди. Бу фақат Россияда большевиклар ҳокимиятга келгандан сўнг мумкин бўлди ва Финляндия 1918 йили тўлиқ мустақилликка эришди.

XX аср бошларида Скандинавия мамлакатлари чуқур ички ўзгаришлар даврини бошдан кечирди. Бу мамлакатлардаги ички давлат тузилиши умумевропа миқёсида юз бераётган ижтимоий-иктисодий ўзгаришларга зид келиб қолди.

Скандинавия мамлакатларида миллий партиявий тизимнинг асосини икки оқим – катта ер эгаларига, йирик амалдорлар, номдор зодагон оилаларига таянган консерватив «хейре» ва асосан деҳқонларга таянган патриархал-демократик «венстре» ташкил қилади. XX аср бошларида улардан ажралиб чиққан сўллар ҳар бир давлатда турлича аталган социал-демократик партияларни ташкил қилди.

Социал-демократиянинг мафқуравий асосини бернштейнча ислохотчилик ташкил қилди ва бу ҳол уларнинг мўътадил ҳаракат дастурини белгилаб берди, либерал партиялар билан узоқ муддат ва самарали ҳамкорлик қилишига кўмаклашди.

Сўл венстре ва социал-демократлар коалицияси жуда тез парламент курашининг етакчисига айланди. Бу кучларнинг ҳокимиятга келишига фақат сақланиб қолаётган одат – қиролнинг ҳукуматни парламентдаги фракциялар ўрnidан келиб чиқиб эмас, ўз шахсий қарашидан келиб чиқиб тайинлаши тўсик бўлаётган эди. Ай-

нан «парламентаризм» учун, вазирларни тайинлаш тартибини ўзгартириш учун кураш XX аср бошларида Скандинавия мамлакатларидаги сиёсий курашнинг асосини ташкил қилди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Скандинавия мамлакатларининг ташки сиёсатини халқаро муносабатлардаги икки йўналиш белгилаб берди. Биринчидан, бу уруш арафаси эди ва буюк давлатлар дунёни бўлиб олиш учун урушга узоқ вақтдан бери тайёрланаётган эди. Иккинчидан, Шимолий Европа мамлакатларининг ташки сиёсий фаолияти уларнинг турли блокларга хайрихоҳлиги ҳамда Европа ва жаҳон можароларида нейтрал ҳолатни эгаллашга мойиллиги билан боғлиқ эди.

Уруш бошланиши билан барча Скандинавия давлатлари ўз нейтралитети тўғрисида эълон қилдилар. Аммо бу нейтралитет у ёки бу урушаётган томонга қараб оғишга ҳам мойил эди. Швеция Германияга хайрихоҳ, даниялик ҳам немислар талабига кўра бўғозларни миналаштириб чиқди, Норвегия эса Англия билан яқин алоқани сақлаб қолди. Иқтисодга келсак, нейтрал ҳолат Скандинавия учун катта фойда келтирди. Урушнинг дастлабки йилидаёқ улар урушаётган давлатларнинг буюртмалари билан кўмиб ташланди. Натижада, жуда қисқа вақт ичида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, чет эл қарзларидан қутулиш, катта олтин захираларини жамлаш имконияти пайдо бўлди. Агар Швецияда 1912 йили 560 та акционерлик жамиятлари тузилган бўлса, 1916 йили 935 та корхона ташкил қилинди. Даниянинг «Шарқий Осиё компанияси» дивидентлари 1916 йили 30 % ни ташкил қилди. Нейтрал Скандинавия мамлакатларининг товар айланмаси 1914 йили Англия билан ҳам, Германия билан ҳам анча ўсди. Қизиғи Англиядан импорт кўпайиб, уни Германияга экспорт (реэкспорт) Скандинавия мамлакатлари савдо ҳажмининг анча катта қисмини ташкил қилди. Швеция Германияга саноат хомашёси, Дания – озиқ-овқат, Норвегия – руда ва балиқ етказиб берарди. Айти пайтда, Англиянинг Скандинавия мамлакатларига босими, Германияга маҳсулотлар экспорт қилишни тўхтатиш талаби ҳам кучайиб борди.

1917 йили мустақиллик олган Финляндияда рус қўшниларидан ўрнак олиб, кучли инқилобий ҳаракат бошланиб кетди. Бу ҳаракат немис қўшинлари ёрдамида бостирилди ва Финляндияда монархия ўрнатилиб, немис шахзодаси Карл Гессенский тахтга ўтирди. Фақат Германиянинг урушдаги мағлубияти бу экспансияга чек қўйди. Ан-

ганта тарафдори бўлган генерал К. Маннергейм сайловгача регент қилиб тайинланди. 1919 йили Финляндия республика деб эълон қилинди.

Урушнинг охириги даврида бутун Скандинавия Антанта билан ҳамкорлик қилди. Париж тинчлик конференциясининг қарори бу минтақа учун муҳим аҳамият касб этди. Дания 1866 йилги Дания-Пруссия-Австрия уруши оқибатида олиб қўйилган Шлезвигни қайтариб олди. Дания билан қироллик унияси доирасида Исландия маъмурий мустақиллик олди. Финляндия Швециядан Аланд ороллари олишга эришди. Норвегия Шпицберген архипелагини олди. Натижада Биринчи жаҳон уруши Скандинавия мамлакатларининг иқтисодий позициясини мустаҳкамлади, вужудга келган ҳолат эса урушдан олдин бошланган сиёсий ислохотларни давом эттириш имконини берди.

Скандинавия мамлакатлари жаҳон урушлари оралиғида ва Иккинчи жаҳон уруши йилларида. Жаҳон урушлари оралиғида ўтган вақт давомида Скандинавия мамлакатлари иқтисодни ва сиёсий тизимни модернизация қилишнинг маълум босқичини босиб ўтдилар. Модернизация жараёни турли давлатларда ҳар хил суръатлар билан олиб борилди. Аввалгидай Дания ва Швеция етакчилик қилди. Бошқа Ғарб дунёси дуч келган иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашуви, ички сиёсий кескинликнинг кучайиши, радикал сиёсий ҳаракатларнинг фаоллашуви, меҳнат можароларининг кўпайиши каби беқарорлик омиллари Скандинавия мамлакатларига катта таъсир кўрсатмади, зотан улар уруш йиллари ўзларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаб олган эди.

Айнан шу даврда Швеция ва Данияда давлат-монополистик капитализмининг ислохотчилик модели шаклланди ва кейинчалик ўзининг мантиқий якунига етказилди. Бу давлатлар уруш йиллари бошланган иқтисодга давлат аралашуви сиёсатини давом эттирди. Дания ва Швеция ҳукуматлари турлича партиявий кўринишга эга бўлса-да (Данияда ҳокимиятда венстре турарди, социал-демократлар муҳолифатда эди, Швецияда ҳукуматнинг барча аъзолари партиясиз эди), ижтимоий-иқтисодий модернизацияни амалга ошириш йўллари деярли бир хил эди.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда катъий дефляция¹, протекционизм, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга интилиш,

¹ Де ф л я ц и я – муомаладаги реал пул миқдорини камайтириш.

капитал экспорт қилишга ўтиш, иқтисоднинг миллий соҳаларини янада ривожлантириш каби принциплар амал қилди. Социал-демократик партияларнинг кучайиши ишчи партияларнинг венстре ва либераллар билан ҳаракат бирлиги тўғрисида расмий келишувлар имзоланишига олиб келди. Ишчи партияларнинг коалицион ҳукуматларда иштирок этиши, уларнинг ички сиёсатга таъсири шунга олиб келдики, ижтимоий соҳа ҳам ишлаб чиқариш сингари муҳим соҳага айланди. Иқтисодий тизимни тартибга солишда аҳолининг бандлиги, солиқ тизимини демократизациялаш, турмуш тарзининг умумий даражасини сақлаб туриш, ижтимоий суғурта соҳасини кенгайтириш, пенсия таъминоти, тиббиёт хизмати, давлат таълими кабилар муҳим роль ўйнади. Ҳукумат меҳнат можароларининг олдини олишга, тадбиркорлар билан касаба уюшмалари ўртасида муносабатни тартибга солишга катта куч сарфлади.

Умуман иқтисодни давлат томонидан тартибга солиш кенг ва стратегик соҳаларни национализация қилишгача бўлган анча катъий характер касб этди. Буларнинг барчаси жаҳон иқтисодий инқирозини нисбатан енгил бартараф қилиш ва Иккинчи жаҳон уруши бошлангунча мамлакатда ички барқарорликни сақлаб туриш имконини берди.

Норвегия ва Финляндияда сиёсий ривожланиш жараёнлари бошқача кечди. Бу ёш мустақил давлатларда иқтисодий соҳадаги умумий колоқликдан ташқари миллий масала ҳам кескин турарди. Норвегия ва Финляндиядаги умумий муҳит оммавий онгнинг юқори даражада сиёсийлашуви, ижтимоий кескинлик, радикал партиялар ролининг ошиши билан ажралиб турарди. Иқтисоддаги колоқлик гўё қайноқ ички сиёсий ҳаёт билан тўлдирилар эди. 1918 йилги сайловларда венстренинг мавқеи пасайди, Халқ партияси радикал қанотининг мавқеи эса кучайди ва ҳейре партиясида миллатчилик тенденциялари пайдо бўлди. Жаҳон иқтисодий инқирози бошқа Скандинавия мамлакатларига нисбатан кўпроқ Норвегия ва Финляндияга таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида Норвегияда ҳарбийлашган миллатчи гуруҳларнинг фаолияти кучайди. 1931 йили тузилган фашистпараст В. Квислинг партияси уларнинг етакчиси бўлди. 1933 йилдан Норвегия фашистлари Германияга эргаша бошлади.

Жаҳон урушлари орасида Финляндияда ҳам шундай кескин сиёсий зиддият вужудга келди. Ички ҳаётда либерал йўналишдаги

Прогрессив партия етакчилик қилишига қарамасдан, сиёсий кураш кўп марталаб парламент доирасидан ташқарига чиқиб кетди. Ишчилар ҳаракатига қарши баъзан ўта қатъий чоралар қўлланилди. Яқиндагина ўзи ҳам ярим мустамлака бўлган Финляндия миллатчилик кўринишлари пайдо бўлган кичик миллатларга нисбатан финлангириш сиёсатини олиб боришдан ўзини тия олмади.

1930 йили фашистпараст Лапуас ҳаракати пайдо бўлди. 1932 йили фин фашистлари давлат тўнтаришини амалга оширишга уриниб кўрдилар, аммо исён барбод бўлди, ҳаракат етакчилари суд қилиниб, шартли бўлса-да, жазога тортилди. Финляндияда фашизм кенг ижтимоий таянчга эга бўлмаса-да, умумий норозилик ҳарбий-авторитар диктатуранинг қарор топиши учун қулай шароит яратди. Бу ерда Шарқий кўшни – СССРнинг ролини ҳам эсдан чиқармаслик лозим, зеро у фин жамятини милитарлаштирган кучли омилга айланди ва оқибатда 1939–1940 йиллардаги совет-фин урушига олиб келди. Уруш Финляндиянинг мағлубияти билан яқунланди. Урушдан олдин Финляндия давлатига ҳарбий-сиёсий раҳбарликни собик регент К. Маннергейм эгаллади. У жамятдаги реваншистик кайфиятлар таъсирида Гитлер Германияси билан иттифоқчиликни танлади, аммо СССРга қарши урушда катта муваффақиятларга эришмади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Шимолий Европа давлатларининг тақдири турлича кечди. Дастлаб скандинавлар аввалгидай нейтралитет принципларига амал қилишга ҳаракат қилди ва 1938 йили бошқа давлат билан ҳарбий ҳаракатлар юз берган тақдирда нейтралитетнинг умумий шартлари тўғрисида минтақавий шартнома имзоланди. Аммо урушнинг глобал характери Скандинавия давлатларига жаҳон можаросидан четда туриш имконини бермади.

Финляндия Германиянинг сателлитига айланди ва унинг томонида бўлиб урушга кирди, аммо Карелия фронтида Совет армияси томонидан мағлуб этилиб, СССР билан сепарат сулҳ тузди ва уруш тугамасдан олдин коалициядан чиқди.

Денгиз портларига эгалик қилган, шу сабабли Болтиқ ва Шимолий денгизларда ҳамда Атлантикада стратегик позицияни эгаллаган Норвегия ва Дания Германия тажовузкор сиёсатининг объектига айланди. Бу мамлакатларда оккупацион режимлар ташкил қилинди. Дания Германиянинг протекторатига айланди, Норвегияни очик фашистпараст В. Квислинг ҳукумати бошқарди, фақат Исландия

бу ерда инглизлар ўрнашиб олганлиги сабабли фашистик блокдан чиқа олди. Адолат юзасидан шуни айтиш лозимки, Норвегия фашизмга қарши Қаршилиқ ҳаракатининг муҳим ўчоқларидан бири бўлди. Норвегияни ҳимоя қилиш учун бўлган жангларда шахсан қирол Хокон VII нинг ўзи қатнашди ва кейинчалик Англияда у тузган норвег ҳарбий қисмлари 1944 йили Европада иккинчи фронтни очишда қатнашди. Данияда ҳам қирол Кристиан X томонидан қўллаб-қувватланган Қаршилиқ ҳаракати авж олди.

Уруш даврида Швеция учун энг қулай шароит пайдо бўлди. Унинг нейтралитети урушаётган барча томонларни қониктирар эди. Биринчи жаҳон уруши йилларидаги сингари бу йиллари ҳам Швеция стратегик хомашё етказиб берувчи, турли молиявий операциялар бажарилувчи, халқаро воситачи ташкилотлар фаолият юритувчи, Швейцария билан бирга урушаётган томонлар махсус хизматлари фаол ҳаракат қилувчи ҳудуд бўлиб қолди.

* * *

Жаҳон урушлари оралиғида вужудга келган ихтимой ва иқтисодий тангликка, Европадаги сиёсий беқарорликка қарамасдан Шимолий Европа мамлакатлари тараққиётнинг либерал демократик тамойилларини сақлаб қолишга эришдилар. Бу Иккинчи жаҳон урушидан кейин уларга иқтисодий ривожланган ва ижтимоий-сиёсий барқарор жамиятларни яратиш имконини берди.

IX боб бўйича саволлар

1. XX аср бошларида Шимолий Европа мамлакатларида капитализмнинг жадал ривожланишига тўсиқ бўлувчи қандай омиллар мавжуд эди?
2. Биринчи жаҳон урушидан кейинги иқтисодий қийинчиликлар Шимолий Европа мамлакатларига қандай таъсир кўрсатди?
3. 1930-йиллари Норвегия билан Финляндиядаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар Швеция ва Даниядаги шундай жараёнлардан қандай фарқ қилди?
4. 1939 – 1940 йиллардаги совет-фин урушининг асосий сабаблари нималардан иборат эди?
5. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Скандинавия давлатларининг аҳволи қандай кечди?

Х БОБ. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИГИДА ҒАРБИЙ ЕВРОПАНИНГ «КИЧИК МАМЛАКАТЛАРИ»

Тараққиётнинг умумий йўналишлари. XX аср бошларида Ғарбий Европанинг «кичик мамлакатлари» ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, ҳудудий, демографик ва миллий омиллари, «катта» Европада тутган сиёсий мавқеи бўйича турлича эди. Стратегик мавқеи бўйича турли мамлакатлар, масалан, энг кичик Люксембург ва нисбатан йирик ва аҳоли зич жойлашган Бельгия, Голландия (Нидерландия) ва Швейцария деярли бир хил ҳолатда эди. Биринчи жаҳон уруши арафасида бу мамлакатларнинг ҳар бири ўзига хос сиёсий жихатга эга бўлса-да, уларни бирлаштириб турувчи умумий томонлар ҳам мавжуд эди ва шу ҳол тадқиқотчиларга Бельгия, Голландия, Люксембург ва Швейцарияни алоҳида гуруҳга ажратиш имконини беради.

XX аср бошларида Европанинг «кичик мамлакатлари» энг барқарор ривожланаётган минтақалардан ҳисобланарди. Улар Европанинг «катта» мамлакатлари сингари жуда кенг, ўз ҳудудларидан кўплаб марта катта бўлган мустамлакаларга эга эди. Масалан, Бельгия ҳудуди бўйича ўзидан 80 марта катта бўлган Конгони, Голландия ўзидан 60 марта катта бўлган Индонезияни мустамлакага айлантириб олганди. Табиийки, бу мустамлакалар капитал киритишнинг муҳим соҳаси ва хомашёнинг катта манбаси бўлиб хизмат қиларди.

Юқори даражада индустрлашган ва ўз саноат маҳсулотларининг асосий қисмини экспорт қиладиган Бельгияда, XX аср бошидаёқ машинасозлик, кимё, ойна ишлаб чиқариш саноатларида қудратли концернлар вужудга келди. Голландия саноат тараққиёти бўйича Бельгиядек ривожланган эмасди, унинг иқтисоди асосан мустамлакалардаги хомашё захиралари, хусусан, Индонезиядаги нефть (бу ерда 1906 йили 1 млн тонна нефть қазиб олинган) ҳисобига ривожланди. Аммо Голландия пул-кредит соҳасида катта муваффақиятларга эришди: Амстердам, Роттердам, Нидерланд-Ҳинд банклари жаҳон молия тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Бельгия ҳам бу соҳада ортда қолмаётган эди – Бельгия молия гуруҳлари кўплаб мамлакатларга, масалан, Россия, Миср, Жанубий Америка, Хитойга капитал экспорт қилишда катта ютуқларга эришди. Бунда Бельгиянинг «Генерал жамият» ва «Брюссель банки» каби

йирик банклари катта роль ўйнади. Бельгиянинг экспорт қилинган умумий капитали ўша вақтда 3 млрд франкни ташкил қилди.

Бельгия, Голландия ва Люксембургни ривожланган индустриал мамлакатлар билан бир қаторга олиб чиққан қудратли автомобиль ва темир йўллар инфратизимининг мавжудлиги бу давлатлар учун характерли жиҳат эди.

Европанинг марказидаги кичкина мамлакат – Швейцария ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мамлакатнинг тадбиркор доиралари индустриал комплексни жадал ривожлантириш вази-фасини қўймаган эди. Асосий эътибор экспортнинг етакчи соҳалари – кимё, ипак, озиқ-овқат, соатсозлик соҳаларига, шунингдек, транспорт ва энергетика тизимларини модернизациялашга қаратилди. XIX асрнинг охиридан бу ерда мамлакат банк тизими шаклланди ҳамда омонат сирини сақлашнинг ишончлилиги ва омонатчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўз қонунлари билан узоқ йилларга бутун дунё пулларини ўзига жалб қилди. Катта маблағларни ўз ҳудудида жойлаштирган Швейцария, албатта капитал экспорти билан шуғулланди. Аср бошига келиб экспорт суммаси ўша давр учун астрономик сумма – йилига 3 млрд франкни ташкил қилди.

Швейцария деярли жаҳон банки бўлганлиги сабабли унинг ташқи сиёсат стратегияси ҳам шунга мос эди. У ўзини нейтрал давлат деб эълон қилди ва барча урушларда шу мақомга катъий риоя қилди. Нейтрал давлат мақоми Швейцарияга турли партияларга мансуб эмигрантлар учун ишончли бошпана бўлиш имконини ҳам берди. Бундан ташқари, Швейцарияда, худди нейтрал Швециядаги сингари, уруш йиллари барча урушаётган давлатларнинг махфий хизматлари фаолият олиб борди. Шунингдек, бу Альп республикасида Қизил Хоч қўмитаси, Миллатлар Лигаси, Халқаро меҳнат ташкилоти сингари кўплаб халқаро ташкилотлар ҳам фаолият юритди.

Шундай қилиб, нейтрал мамлакат, келиб чиқишидан катъи назар барча жаҳон пулларининг омборхонаси, халқаро туризмнинг тан олинган маркази бўлган Швейцария дунё пойтахтларидан бирига айланди.

Бенилюкс (Бельгия, Нидерландия, Люксембург биргаликда шундай аталади) мамлакатлари ва Швейцариянинг ички сиёсий тузилиши чуқур анъанавий илдизга эга. Бу илдизлар кўпгина Европа мамлакатларига хос бўлган қадимий маданий анъаналарга таянади.

Бу ерда, Швейцариядан ташқари, давлат тузилишининг барқарор ва турғун шакли конституцион монархия бўлиб қолди.

Швейцарияда тарихан шаклланган мукамал давлат-ҳуқук механизми федерация бўлиб, у ўзини ўзи бошқаришнинг кучли институтларига эга бўлган 22 та кантондан иборат. 1874 йилги конституция асосий демократик эркинликларни ўрнатди ва жамиятни ташвишга солаётган барча масалалар бўйича референдум ўтказишнинг ўзига хос тажрибасини белгилаб берди.

Швейцариядан фарқли равишда Бенилюкс давлатларида конституция билан чеклаб қўйилган қироллар ҳукмронлик қилади. Бу ерда, одатда, монархнинг жуда юқори шахсий обрўси ички сиёсий барқарорликни сақлаб туришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бельгияда 1909–1934 йиллари сергайрат, жуда қизиқувчан, ишқибоз, зеҳнли ва ақл-заковатли киши бўлган Альберт I қироллик қилди. У ажойиб спортчи, альпинист, чавандоз эди. Бельгия қироллик оиласи мамлакатда маданият ва санъатни ривожлантириш учун катта куч сарфлади.

Нидерландияда 1890 йилдан бошлаб 50 йил қиролича Вильгельмина ҳукмронлик қилди. У давлат таълимини ва хусусий таълимни ривожлантиришга, шунингдек, аёлларни сайлов ҳуқуқи билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратди.

Люксембургда фақат 1919 йили конституцион монархия тузumi ўрнатилди. Ундан олдин Люксембургни Буюк Герцоглар бошқариб, улар ташқи сиёсатда германпарастлик анъаналарига таянар эди. Буюк Герцог хоним Мария-Аделаиданинг ҳам шу сиёсатга амал қилгани мамлакатда республикачилик ҳаракатининг кучайишига олиб келди. 1919 йили Шарлотта Буюк Герцог хоним деб эълон қилинди ва унинг даврида Люксембургда монархия чекланди.

XX аср бошларидан Бенилюкс мамлакатларида диний йўналишдаги партиялар етакчи кучга айланди. Бу партияларнинг барчаси учун хос бўлган жиҳат уларнинг аксилинқилобий характери эди. Уларнинг асосий ғояси ижтимоий бирдамлик ва синфий келишув, иқтисодий эксплуатациянинг кескин шакллари тақиқлаш, ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Социал-ислохотчилик позициясида турган социал-демократик партиялар кутилмаганда диний партияларнинг иттифоқчисига айланди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида бу мамлакатлар нейтралитетни сақлаб қолишга, империалистик блоклар урушида қатнашмасликка ҳаракат қилди. Аммо фақат Швейцария, юкорида айтилган сабабларга кўра, бунга эриша олди. Қолган давлатлар пассив шаклда бўлса-да, урушга жалб қилинди. 1914 йил августда немис кўшинлари Бельгия ва Люксембургга киритилди. Уруш оқибатлари бу кичик давлатлар учун катта йўқотишга олиб келди. Фақат Бельгиянинг ўзи 270 минг кишисидан айрилди.

Бенилюкс ва Швейцария жаҳон урушлари оралиғида. Биринчи жаҳон урушининг якунида Бельгия ғолиб давлатлар қаторидан ўрин эгаллади. Париж тинчлик конференциясида мамлакатнинг шимоли-шарқидаги учта округ – Эйпен, Мальмеди ва Моренни кўшиб олди, шунингдек, Африкада собиқ Германия мустамлакалари – Руанда ва Угандага ҳам эгалик қилди. Нидерландия Швейцария сингари нейтралитетни сақлаб қолди ва бу ҳолатдан унумли фойдаланиб, урушаётган давлатларга маҳсулот етказиб беришни бир неча баробар оширди. Нидерландия урушаётган давлатлар ўртасидаги транзит савдонинг муҳим марказига айланди. Умуман олганда урушда Антантанинг ғалабаси Бенилюкс давлатларининг Фарбга ҳавасмандлигини мустаҳкамлади. Кейинги йилларда Бельгия, Нидерландия, Люксембург Англия ва Франциянинг Миллатлар Лигаси етакчилигида халқаро муносабатлар тизимини яратишга қаратилган сиёсатини доим қўллаб келди.

Жаҳон урушлари оралиғида ички сиёсий ҳолат барқарорлигича қолди. 1919 йили учта давлатларда ҳам сайлов тизими ислоҳ қилинди. Католиклар ҳукумати социал-ислоҳотчилик йўналишидаги ишчилар партиялари билан ҳамкорликда прогрессив меҳнат қонунчилиги ва кенг ижтимоий суғурта тизимига асос солди.

1920-йиллари бутун Фарб дунёсидаги сингари Бенилюкс мамлакатларида ҳам давлат-монополистик капитализми шаклланди. Бирок, бу ерда капитализм фақат иқтисодни давлат томонидан тартибга солиш билан чекланмасдан, давлатга маълум ижтимоий функцияларни бериш билан ҳам характерланади. 1930-йиллардаги инқироз пайтида бундай моделнинг самарадорлиги айниқса ёрқин намоён бўлди. Деярли барча мамлакатларда иқтисодий инқироз туфайли радикал оқимлар фаоллашди, хусусан, кўплаб Европа мамлакатларида фашистлашиш жараёни кучайди. Бунинг натижасида халқаро аҳвол ҳам мураккаблашди, зотан, инқироз ҳар доим

ички ва ташки сиёсатда энг кескин чоралар қўллашни талаб қилади.

Бенилюкс мамлакатларидан Нидерландияда А. Мюссертнинг германпараст «Национал-социалистик ҳаракат» партияси, Бельгияда Дегрель бошчилигидаги «Фламанд миллий иттифоқи» демократияга хавф солаётган жиддий кучлар эди. Аммо олиб борилган ижтимоий сиёсат ва иқтисоднинг давлат томонидан бошқарилиши натижасида, бу ҳаракатлар оммавий тус олмади, 1930-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам миллий бирлик ҳукуматлари барқарорликни сақлаб қола олдилар.

Европанинг «кичик» мамлакатлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши Европанинг «кичик» мамлакатлари учун ҳал қилувчи дам бўлди. Антигитлер коалиция бўйича иттифокчилар, Франция, Буюк Британия, фашистик Германиянинг ўзи ҳам Бенилюкс давлатларининг нейтралитетини инобатга олмасдан, ўзларининг стратегик режаларида бу давлатларга катта ўрин ажратган эди. Бу сафар Нидерландия ҳам катта урушдан четда тура олмади, аммо ҳар доимгидек, Швейцарияга шундай бахт насиб этди. Уруш йиллари Швейцария яна урушаётган мамлакатлар махсус хизматлари ва разведкаларининг махфий кураш майдонига айланди, зотан, Учинчи Рейхнинг олтинлари ҳам шу ерда сақланиши Швейцарияни дахлсиз ҳудудга айлантирди.

Урушнинг дастлабки ойларида Бельгия қироли ва Нидерландия қироличаси урушаётган давлатлар ўртасида воситачилик қилишга ҳам ҳаракат қилиб кўрдилар. Аммо бу амалга ошмади. 1940 йил 10 май куни гитлерчилар Германияси уруш эълон қилмасдан, Нидерландия ва Бельгияга бостириб кирди, Ғарбий фронтда асосий ҳужум ҳаракатлари бошланди. Иттифокчиларнинг ҳарбий ҳаракатлари учун 22 та дивизияга эга бўлган Бельгия ва 10 та дивизияга эга бўлган Нидерландия армиялари катта аҳамият касб этиши мумкин эди. Бироқ, на Англия, на Франция немислар ҳужуми бошлаганидан олдин Бельгия ва Нидерландия билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш тўғрисида келиша олмади. Натижада Германия армияси Бельгия ва Нидерландия армияларининг қаршилигини енгиб, ёрдамга келган инглиз-француз кўшинларини ҳам супуриб ташлаб, жадал олдинга интилди.

1940 йил 13 май куни Нидерландия ҳукумати ва қиролича Вильгельмина Лондонга жўнаб кетди, 14 май куни эса Нидерландия

армияси бош қўмондон Вильгельмина буйруғига биноан таслим бўлди. Ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилиши олдидан немис авиацияси Роттердамни бомбардимон қилди. 17 май куни кечкурун немис қўшинлари Бельгия пойтахти Брюсселни эгаллади. Германия армияси Люксембург ва Бельгиянинг жануби-шарқига қараб юрди ва французларнинг Мажино мудофаа линиясини айланиб ўтиб, тўсатдан ҳужум қилди. 21 май куни немислар Ла-Манш бўғозига чиқди, 28 май куни бутун Бельгия оккупация қилинди. Бельгия қироли Леопольд III таслим бўлиш ҳақида буйруқ берди, Бельгия урушдан чиқди, қиролнинг ўзи эса ҳарбий асирга айланди.

Бельгия ва Нидерландияда асосий конституцион институтлар бекор қилинди. Мамлакат ҳудуди қўшни Франция билан қўшилиб, оккупацион маъмуриятларга бўлинди ва немис бошқарувчиларига бўйсундирилди. Эйпен, Мальмеди ва Сен-Вит округлари эса Гитлернинг 1940 йил 18 майдаги декрети билан Германия таркибига қўшиб олинди.

Оккупация билан боғлиқ харажатларни қоплаш мажбурияти аҳоли зиммасига юклатилди ва дастлабки 19 ой ичида жуда катта суммани – 30 млрд Бельгия франкини ташкил қилди. Бельгиядан Германияга пўлат, машиналар, рангли металллар ва бошқа маҳаллий саноат маҳсулотларини юклаган поездларнинг кети узилмасди. Германия ҳарбий саноати эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқара олмайдиган корхоналар ёпилди, ишчилар эса кўчага ҳайдалди. 1941 йил ишсизлар сони 1 млн 200 минг кишига етди. Бу муаммони ҳал қилишга уринган немислар, қўплаб кишиларни Германияга ишга ёки «меҳнат лагерларига» ҳайдади.

Голландияда немис оккупантлари томонидан ўрнатилган фуқаролик маъмурияти аҳолининг кенг қатламларини Германия нацистик давлатига боғлашга ҳаракат қилди. Шу мақсадда Голландия ва Люксембург аҳолиси «герман халқларига қондош» деб эълон қилинди. Оккупацион режимга халқнинг хайрихоҳлигини таъминлашга уринган Голландия рейхскомиссари Зейс-Инкварт, А. Мюссертнинг голланд фашистик ташкилотларига ёрдам кўрсата бошлади. Аммо аҳоли фашистларни қўллаб-қувватлашни истамади; фашистлар билан ҳамкорлик режаларини бузиб юборган Қаршилик ҳаракати вужудга келди.

Люксембургда оккупантлар, аввало, озик-овқатларни, ёнилгини ва шу каби биринчи эҳтиёж моллари омборларини эгаллаб олди.

1940 йили Люксембург немис фуқаро маъмуриятига бўйсундирилди, 1941 йил февралда эса немисларнинг Кобленц ва Трир округлари билан бирга янги маъмурий бирлик – Мозельандни ташкил қилди. Гитлерчилар Люксембургни тўлиқ немислаштириш учун кўп куч сарфлади. Озгина сиёсий шубҳа уйғотадиган барча кишилар концлагерларга жўнатилади ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинди. Юзлаб оилалар Германияга кўчирилди, улар ўрнини немислар эгаллади.

Ғарбий Европа мамлакатларида, демак, Бенилюксда ҳам фашистларнинг «янги тартиби» ўрнатилиши билан Қаршилик ҳаракати ҳам пайдо бўлди ва борган сари фаоллашиб борди. Бельгиядаги Қаршилик ҳаракатида икки йўналиш: буржуа партиялари томонидан бошқариладиган пассив қаршилик ва сўл кучлар вакилларида ташкил топган фаол қаршилик ҳаракати шаклланди. Пассив қаршилик ҳаракати тарафдорларининг мақсади Германиянинг мамлакатни фашистлаштириш сиёсатига қаршилик кўрсатиб, айти пайтда фаол қуролли ҳаракатдан ўзларини тийиш ва кучларни Бельгия иттифоқчилар томонидан озод қилингунча сақлаб қолишдан иборат эди.

Зимдан қаршилик кўрсатиш ҳоллари кўпайиб, борган сари ташкиллашган ва мунтазам характер касб этиб борди. Льежеда рексистлар (бельгиялик фашистлар) томонидан уюштирилган намоёишга қарши 70 минг кишилик қарши намоёиш ўтказилди. Антверпен яқинидаги нефтни тозалаш заводида, Брюссель, Шарлеруа, Льеже ва Бельгиянинг бошқа шаҳарларидаги заводларда ёнгинлар уюштирилди. 1940 йили партизанлар гуруҳи тузилиб, Бельгия партизанлар армияси ташкил қилинишини бошлаб берди.

Голландияда 1941 йил февралда Қаршилик ҳаракатининг ўсганлигидан дарак берувчи воқеалар содир бўлди. Қатор заводларда мутахассисларни Германияга жўнатишга қарши иш ташлашлар бўлиб ўтди. Босқинчилар ишчиларга қарши даҳшатли жазо чораларини қўлладилар.

Иттифоқчиларнинг Европа қитъасидаги жанговар ҳаракатлари бошланиши, 1944 йили иккинчи фронт очилиши билан Бенилюкс мамлакатларида қаршилик кўрсатиш кучлари янада фаоллашди. 1944 йил 2 сентябрь куни инглиз-америка қўшинлари Бельгияга кириб келди ва 8 сентябрь куни мамлакат худудининг асосий қисми

озод қилинди. Шу куни Бельгия ҳукумати Лондондан қайтиб келди. Қаршилик кўрсатиш фаоллари гитлерчилар томонидан Антверпен портининг асосий иншоотлари портлатилишига йўл қўймади. Бу иттифоқчиларнинг кейинги ҳарбий операциялари учун катта аҳамиятга эга бўлди.

1944 йил ёзда немислар Люксембург Қаршилик ҳаракатига кирган фитначи ёрдамида Қаршилик ҳаракатига катта зарба берди. Қаршилик ҳаракати кўплаб аъзоларидан айрилди, аммо кураш давом этди. 1944 йил сентябрда Люксембург озод қилинди. Фашистлар босқини Европанинг кичик давлатига катта зарар етказди: 1700 дан зиёд люксембургликлар қатл қилинди ёки концлагерларда ҳалок бўлди, 59 минг қурилиш иншоотлари вайрон қилинди. Люксембургга немис фашистлари етказган умумий зарар 500 млн долларни ташкил қилди.

1944 йили Лондондаги эмигрант ҳукумат буйруғига биноан Голландия Қаршилик ҳаракати «ички қуроли кучлар» билан бирлашди, бош қўмондон қилиб тахт вориси малика Юлиананинг эри шаҳзода Бернард тайинланди. 17 сентябрь куни Арнем районида инглиз қўшинларининг ҳужуми бошланди. Голландия ҳукуматининг чақириғига биноан уюштирилган иш ташлашда 30 минг темир йўл ишчилари иштирок этди. Темир йўл ҳаракати тўхтаб қолди. Гитлерчиларнинг босимига қарамасдан, темир йўл мамлакат озод қилингунча ишга тушмади. 1944 йил декабрда гитлерчилар 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган барча эркакларни Германияга жўнатиш учун йиғилишини талаб қилди. Қаршилик ҳаракатининг даъватига биноан чақирув жойларига ҳеч ким келмади. 1944 йил кузда бошланган мамлакатни озод қилиш жараёни 1945 йил 11 март куни якунланди. Унда Қаршилик ҳаракатининг 5 минг нафар жангчилари ва 1941 йили Англияда ташкил қилинган бригада иштирок этди. Озод қилинган ҳудудда Голландия ҳарбий бошқаруви жорий қилинди.

* * *

Бенилюкс мамлакатларидаги Қаршилик ҳаракати жараёнида барча демократик кучларнинг жипслашуви юз берди ва бу Европанинг «кичик мамлакатлари»да урушдан кейинги демократик тартибларга асос бўлди.

Х боб бўйича саволлар

1. XX аср бошларида Ғарбий Европанинг «кичик мамлакатлари» ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги қандай жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин?
2. Жаҳон урушлари оралиғида Ғарбий Европанинг «кичик мамлакатлари» давлат тузилишида қандай фарқли жиҳатлар мавжуд эди?
3. Биринчи жаҳон уруши натижалари Ғарбий Европанинг «кичик мамлакатлари»га қандай таъсир кўрсатди?
4. Иккинчи жаҳон уруши Ғарбий Европанинг «кичик мамлакатлари» тақдирида қандай роль ўйнади?
5. Ғарбий Европанинг «кичик мамлакатлари»да Қаршилик ҳаракатининг кучайишига қандай омиллар таъсир кўрсатди?

ХІ БОБ . ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА АВСТРАЛИЯ

Урушдан кейинги сиёсий ривожланиш. Австралия Версаль тинчлик шартномасини ички сиёсий ҳолат кескинлашган бир шароитда қарши олди.

1920 йили тузилган Австралия коммунистик партияси ўз ички зиддиятларига қарамасдан, ишчилар ҳаракатида марксистик таълимотнинг тарқалишига катта ҳисса қўшди. Бундай ҳолатда лейбористлар раҳбарияти ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолиш учун сиёсий тактикани ўзгартиришга мажбур бўлди.

1921 йил бошида Австралия лейбористлар партияси (АЛП) ижроия қўмитаси Австралия ишчилар ҳаракатининг янги дастурини ишлаб чиқиш учун касаба уюшмаларининг умумавстралия конференциясини чақиришга қарор қилди. 1921 йили Мельбурнда бўлиб ўтган конгрессда сафларига 700 минг австралиялик ишчиларни бирлаштирган касаба уюшмаларининг вакиллари қатнашди. АЛП ижроия қўмитаси раиси Э. Холлуэй конгрессни очиб, йиғилишнинг асосий вазифаси Австралия ишчилар ҳаракатининг мақсадларини аниқлаш ва ўзгарган сиёсий ҳолатга жавоб берадиган янги дастурни ишлаб чиқиш эканлигини айтди.

Музокаралар давомида бир қатор касаба уюшмалари вакиллари мавжуд сиёсий институтларни қаттиқ танқид қилди ва лейбористлар партияси дастурини тубдан ўзгартиришни талаб қилди. 1921 йил 10 октябрда Брисбенда очилган Лейбористлар партияси

умумавстралия конференциясида асосан касаба уюшмалари ва киллари томонидан партия дастури ҳақида билдирилган фикрлар муҳокама қилинди. Узоқ мунозаралардан сўнг партиянинг асосий мақсади «ишлаб чиқаришни социализациялаш, бўлиш ва айирбош-лаш лейбористлар партиясининг пировард мақсади», деган қарор қабул қилинди. Аммо мунозаралар анча давом этиб, лейбористлар партияси дастурининг охири таҳрири 1927 йил партиянинг 11-конференциясида қабул қилинди.

Қабул қилинган дастурнинг мазмуни шундан далолат берардики, прогрессив қанотнинг партияни реформизм ботқоғидан олиб чиқиш учун қилган уриниши Австралия лейбористлар партиясидаги буржуа-оппортунистик кучлар томонидан йўққа чиқарилди.

Ҳукумат коалициясида ҳам оғир шароит вужудга келди. Уруш даврида Уильям Хьюз томонидан тузилган Миллий партия ички зиддиятлар босими остида ривожланди. 1919 йил мамлакат қишлоқ хўжалик буржуазиясини бирлаштирган Аграр партиянинг тузилиши ҳам Миллий партияга берилган кучли зарба бўлди. Э. Пейж раҳбарлик қилган янги партия қисқа вақт ичида катта муваффақиятларга эришди. 1922 йилги федерал сайловларда Аграр партия парламентда 22 та ўрин эгаллади. Энди Миллий партиянинг ҳокимиятда қолиши Аграр партияга боғлиқ эди.

Пейж баёнот бериб, Хьюз бош вазир лавозимдан истеъфога чиққан тақдирда аграрчилар Миллий партияни қўллашени билдирди. 1923 йили Хьюз истеъфога чиқди. Ҳукумат бошлиғи қилиб С. Брус сайланди. Аграр партия янги ҳукуматда 11 та вазирлик лавозимларидан 5 тасига эга бўлди. Э. Пейж ҳам ҳукумат таркибига кирди. Бу ҳукумат тарихда Брус-Пейж ҳукумати номини олди.

Брус-Пейж ҳукумати 6 йил ҳокимиятда турди. 1929 йилги парламент сайловларида либерал-аграр коалиция каттиқ мағлубиятга учради. Ҳокимиятга яна лейбористлар келди ва ҳукуматни Д. Скеллин бошқарди.

Иқтисодий ривожланиш. 1920-йиллар Австралия учун қулай бошланди. Асосий экспорт товарларининг нархи муттасил ўсиб борди. Масалан, 1925 йили 1913 йилдагига нисбатан жуннинг экспорт нархи 163%, ғалланики – 50%, ёғ ва гўштники – 60% ошди. Мамлакатга иммигрантлар ва капиталнинг катта оқими кириб келди. 1921–1927 йиллари Австралияга 263 минг иммигрант келди, ундан олдинги 20 йил ичида улар сони 248 минг кишига етган.

эди. 1930-йиллар охирига келиб мамлакат аҳолиси 6,5 млн кишига етди. Бу даврда мамлакатга кириб келган чет эл капитали ҳажми 1 млрд 188 млн ф. ст., шундан Британия инвестициялари 554 млн ф. ст. ни ташкил қилди. Қулай иқтисодий конъюнктура Австралия иқтисодиётининг асосий соҳалари ривожига имкон берди. 1920 – 1929 йиллари жун ишлаб чиқариш 625 млн фунтдан 968 фунтгача, қўйлар сони – 86,1 млн дан 106,2 млн гача кўпайди. Шу даврда жун экспорт қилиш 542 млн фунтдан 763 млн фунтгача, гўшт экспорт қилиш эса 1920 йиллар ўрталарига келиб урушдан олдинги даражасидан икки баробар кўпайди ва нархи икки баробарга ошди.

Австралиянинг асосий савдо ҳамкори илгаригидек Буюк Британия бўлиб қолаётган эди. Аммо бу даврда унинг ҳиссаси камайди, АҚШ ва Япониянинг ҳиссаси эса сезиларли даражада ошди. Агар Биринчи жаҳон уруши бошланишида Австралия экспортида Буюк Британиянинг ҳиссаси 45,1 % ни ташкил қилган бўлса, 1929 йилга келиб бу кўрсаткич 38 % гача, импортда эса 59,7 % дан 39,7 % гача камайиб кетди.

1920-йиллардаги жадал иқтисодий ривожланиш 1929 йил октябрда Нью-Йорк биржасида бошланган саросималикдан сўнг депрессия билан алмашди. Капитализм тарихидаги энг мислсиз иқтисодий инқироз Австралияга ҳам кириб келди.

Жаҳон иқтисодий инқироzi Австралияга кучли зарба берди. Унинг асосий экспорт товарлари нархи кескин тушиб кетди. 1930 йили Австралия экспорти умумий қиймати 1928 йилги қийматнинг 50 % игача тушиб кетди. Мамлакатнинг миллий даромади 1930/31 йили 1/3 баробар қисқарди. 1933 йилга келиб, австралиялик меҳнаткашларнинг 1/3 қисми ишсиз қолди. Ишлаётганларнинг ҳам иш ҳақи 20 % га қисқарди.

1930 йили иқтисодий инқироз энг кизгин паллага кириб, ўн минг австралиялик меҳнаткашлар қашшоқлик даражасига етганда, лейбористлар партияси ўзининг 12-конференциясига йиғилди. Конференцияда АЛП коммунистик партия билан бирлашмаслиги эълон қилинди ва АЛП аъзоларига коммунистик партия сиёсатини ҳимоя қилиш тақиқланди. Айни пайтда, лейбористлар партияси иқтисодий инқирознинг оғир даврида мамлакатни бошқаришга лаёқатсизлигини намойиш қилди. Бош вазир Д. Скеллин Лондонда Империя конференциясида иштирок этаётган пайтда, мамлакатда Янги Жанубий Уэльс лейбористлари раҳбари мамлакатни

«кутқариш» режасини таклиф қилди. Режанинг асосий моҳияти Буюк Британияга солиқ тўлашдан воз кечиш эди. Бу таклиф АЛП да маъқулланмагандан сўнг, Лэнг партиядан чиқди ва ўз гуруҳини ташкил қилди. Бошқа бир лейборист Д. Лайнс 1931 йили федерал сайловлар арафасида Бирлашган Австралия партияси номли ўз гуруҳини тузди. 1931 йил декабрдаги сайловларда бу партия федерал парламентда мутлақ кўпчилик, Квисленддан ташқари барча шаталар парламентларида ҳам кўпчилик ўринларни эгаллади. Партия етакчиси Д. Лайнс Австралия Иттифоқининг янги ҳукуматини шакллантирди ва 1939 йили вафот этгунга қадар бу ҳукуматни бошқарди. Кейин ҳам бу партия ҳокимиятда қолди, Р. Мензис бош вазир лавозимини эгаллади.

1934 йилдан Австралиянинг иқтисодий аҳволи яхшилана бошлади, аммо инкироз оқибатлари ҳали узоқ вақт сезилиб турди. Мамлакатнинг ривожланиш суръатлари сусайди.

1931 йили жун ишлаб чиқариш 1007455 фунтни ташкил қилган бўлса, 1941 йилга келиб 1167158 фунтга тенглашди. Қўйлар сони шу даврда 110618893 бошдан 125189129 бошгача кўпайди. Ёғ ва ғалла етиштириш ҳам шундай секинлик билан ривожланди. Бундан ташқари, асосий экинлардан бири ҳисобланган пахта экиладиган майдонлар ҳажми ва ишлаб чиқариш миқдори ҳам камайиб кетди. Шоли етиштириш ҳам секин ривожланди.

Австралия саноати кишлоқ хўжалигига нисбатан жадалроқ суръатлар билан ўсди. 1933–1936 йиллари тоғ-кон саноати маҳсулотлари 17608 минг ф. ст. дан 27562 ф. ст. гача ошди. Шу даврда олтин ишлаб чиқариш 38 % га, кумуш – 24 % га ўсди. Шунингдек, мис, кўргошин, рух, чўян, пўлат, кўмир каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам жадал суръатлар билан ўсди.

Қайта ишлаш саноати корхоналари ҳам кўпайди, улардаги ишчилар сони 405909 кишидан 492775 кишига кўпайди. Шу даврда бу корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ҳам 23,5 % га ошди.

Австралия ташқи савдоси ҳам инкироздан олдинги суръатларга нисбатан секинроқ ўсди. 1920-йиллар охирида Австралия ташқи савдо айланмаси ҳажмида экспорт 141633 минг ф. ст., импорт – 143648 минг ф. ст. бўлиб, 1937 йилга келиб ҳам бу кўрсаткичга етмади. Австралиянинг асосий экспорт товари аввалгидай жун, харидорлари эса Буюк Британия, АҚШ, Япония бўлиб қолаётган эди.

Австралия экспортининг 50 % и Буюк Британия, 10 % и – АҚШ, 6 % и – Япония хиссасига тўғри келди. Австралия импортида ҳам шу мамлакатлар асосий ўринни эгаллайди.

1930-йиллари саноатнинг электроэнергия ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, самолётсозлик каби янги соҳалари, автомобиль ва авиация транспортлари ривожлана бошлади. Дунёнинг энг йирик «Форд», «Женерал моторс», «Крайслер» каби автомобиль компаниялари ўзларининг филиалларини очди, 1923 йили мамлакатда энг йирик «Холден» автомобиль корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Автомобилларнинг асосий қисми Австралиянинг ўзида ишлаб чиқарилди.

Европадан Австралияга илк бор ака-ука Росс ва Кейи Смитлар аэропланда учиб келди. Улар Лондондан Дарвингача бўлган масофани 28 кунда учиб ўтдилар. 1920-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам бир неча шундай парвозлар бўлди. 1934 йил Мельбурннинг 100 йиллик байрамига Британиялик учувчилар К. Скотт ва К. Блек 71 соат вақт сарфлаб, Лондондан учиб келди. 1920-йиллари Австралия тижорат авиакомпаниялари пайдо бўлди. Улардан энг йириклари «Квинсленд энд Нортерн территори айр сервис» («Квонтас») ва «Острэйлиен нэшнл эйруэйз» (ОНЭ) эди.

Австралия иктисодий ҳолатининг ёмонлашуви оқибатида аҳолининг ўсиши сезиларли даражада пасайди, иммиграция ҳам қисқарди. 1941 йилга келиб, Австралия аҳолиси 7077586 кишини ташкил қилар эди.

Ташқи сиёсат. Австралия Иккинчи жаҳон уруши йилларида. Бу йиллари Австралиянинг ташқи сиёсати Буюк Британияга садоқат кўрсатиб, унинг ташқи сиёсий акцияларини қўллаб-қувватлаш билан характерланади. 1931 йилги Вестминстер статусига кўра Австралия Британиянинг бошқа доминионлари сингари мустақил ташқи сиёсат юритиш ҳуқуқини олган бўлса-да, Иккинчи жаҳон урушигача чет элларда дипломатик ваколатхоналарига эга эмасди.

Австралияда ташқи ишлар вазирлиги расман 1901 йилдан бери фаолият юритарди. У Австралия ва Буюк Британия ўртасида алоқалар олиб борар, Тинч океани ҳавзасида Австралия манфаатларини ифода қилар, жумладан, Папуа ҳудудини бошқаришда иштирок этар ва иммиграция ишларини бошқарар эди. 1916 йили вазирлик йўқ қилиниб, унинг функциялари аввал бош вазир девонига, кейин эса ҳудудлар вазирига берилди. 1930-йилларнинг ўрталарида

ташки ишлар вазирлиги қайта тикланди. Шунга қарамасдан, 1938 йил Мюнхен инқирози авжига чиққан пайтда Р. Мензис парламентда сўзга чикиб, доминионларнинг мустақил ташқи сиёсий курс олиб бориш имкониятини рад этди ва: «Британия олиб бораётган урушда Австралия нейтрал бўлиб қола олмайди», деди.

Бу йиллари австралияликларнинг манфаатлари, орзу-умидлари ва ҳаяжонлари узоқ Европада юз бераётган воқеалар билан боғлиқ эди. Аммо Австралия Тинч океани ҳавзасида ўзининг империалистик режаларини амалга оширишга киришган Япония тажовузининг хавфи ошиб бораётганини ҳам ҳисобга олмаслиги мумкин эмасди.

Биринчи жаҳон урушининг охирларида японларнинг Австралияга нисбатан даъвоси тўғрисида маълум эди. 1930-йилларнинг иккинчи ярмида «Япония хавфи» тўғрисида Австралия матбуоти ҳам ёза бошлади. Бунинг сабабларидан биттаси 1936 йили Австралия ҳукумати Буюк Британияга ён босиб, иккала мамлакат ўртасида савдони рағбатлантиришга қаратилган тариф тизимини жорий қилганида ва Япония билан савдони чеклаганида эди. Айтиш лозимки, 1930-йиллар ўрталарига келиб Австралия ташқи савдо муносабатларида Япония муҳим ўрин эгаллайди. У Австралия жунининг Буюк Британиядан кейин иккинчи харидори эди. Айни пайтда Австралия Япониядан анча катта миқдорда тўқимачилик маҳсулотларини сотиб оларди. 1935 йили савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш бўйича Австралия-Япония музокаралари ҳам бўлиб ўтди. Аммо тариф бўйича ўзгаришдан кейин Австралия экспортида Япониянинг ҳиссаси 1932 йилги 6,3 % дан 1937 йили 4,3 % гача пасайиб кетди.

Шундай бўлса-да, Австралия ҳукумати Япониянинг 1937 йил июлда Хитойга қарши тажовузига нисбатан юмшоқ позицияни эгаллади. Японияга металл юклашдан бош тортган докерлар иш ташлаши ҳам Австралия ҳукумати томонидан тезда бартараф қилинди ва Японияга металл етказиб бериш давом эттирилди. АҚШнинг Сиднейдаги бош консули Д. Моффет Австралия Япония сиёсатига хавфсираб қараса-да, бу ерда Британия флотининг қудрати сезилмаётгани, АҚШдан ёрдам олишга ҳеч қандай умиднинг йўқлиги туфайли Японияга нисбатан фақат дўстлик сиёсатини юритишга мажбур, зеро Австралия Япония тажовузининг объекти бўлиб қолишни истамайди, деб ёзган эди.

Австралия ҳукумати Япония тажовузининг хавфини албатта англаётган эди. 1938 йил декабрда бош вазир Д. Лайнснинг: «Австралия ўзининг бутун тарихи давомида биринчи марта уруш зонасида қолиши мумкин... Шунини аниқ билиш лозимки, яқин бир неча ҳафта ичида биз, австралияликлар мамлакатимизга қилинган ҳужумни қайтариш зарурати олдида туришимиз мумкин», деб баёнот бериши, ҳукуматнинг уруш хавфини аниқ тасаввур қилганлигидан далолат беради. Аммо шунга қарамадан Австралия Японияга қарши санкциялар эълон қилишдан бош тортди. Бундан ташқари, Австралия-Япония савдо шартномасини қайта тиклаш борасида музокаралар олиб борилди. 1939 йил 9 май куни ташқи ишлар вазири Г. Голлет баёнот бериб, Япония билан дўстона муносабатларини таъкидлашга интилди.

Австралия ҳукумати ташқи ҳужумдан мамлакатни ҳимоя қилиш борасида Британия флотининг имкониятлари тўғрисида жиддий гумонсирашнинг мавжудлигига қарамадан, тўлиқ унга ишонди. Ҳукумат доиралар бўлғуси урушда Австралиянинг вазифаси Британия флоти билан ҳамкорликда амалга ошириладиган денгиз жангларида қатнашишдан иборат бўлади, деб ҳисобларди. Қуруқликдаги қўшинларни кучайтириш лозим, деган фикрлар ҳам жаранглади. Аммо бу фикрлар ҳукуматнинг расмий муносабатини акс эттирмади. Аксинча, Британия ҳукуматининг тажовузкорга ён бериш сиёсатини қўллаб-қувватлади.

Бу йиллари Австралиянинг АҚШ билан муносабатларида маълум кескинлик мавжуд эди. Бу асосан Янги Гвинейга кема қатнови, ўзаро савдо ва АҚШ ҳукумати томонидан австралияликлар учун жорий қилинган иммиграция квотаси ва бизнесменлар учун виза олишнинг қийинлиги билан боғлиқ эди. Уруш яқинлашган сари Австралия ҳукумати нажот истаб АҚШга мурожаат қила бошлади. Муносабатларни яхшилаш учун 1938 йили бошланган музокаралар уруш бошлангунча ижобий натижага олиб келмади.

1939 йил 3 сентябрда Буюк Британия Германияга уруш эълон қилганда, Австралия ҳам Германия билан уруш ҳолатида эканлигини маълум қилди. Уруш йиллари Австралия армиясида 993 минг киши хизмат қилди. Австралия ҳарбий қисмлари Европадаги ҳарбий операцияларда, Шимолий Африкада ва Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмидаги жангларда иштирок этди. Бундан ташқари, Австралия ҳудуди тарихда биринчи марта тўғридан-тўғри душман

хужумига учради. Уруш йиллари жангларда ҳаммаси бўлиб 27073 нафар австралиялик ҳалок бўлди, яна 23477 киши яраланди.

1939 – 1945 йиллари Австралия амалда иккита урушда иштирок этди. Британия Миллатлар Ҳамдўстлиги доирасида Германия ва Италияга қарши Европа ва Шимолий Африкада ҳамда АҚШ ва Буюк Британия билан иттифоқда Японияга қарши ҳарбий ҳаракатларда қатнашди.

Тинч океанида кенг миқёсли уруш ҳаракатлари бошланиши билан Австралия қўшинлари Ўрта Ер денгизига олиб чиқилди. Шунга қарамадан, кўплаб Австралия қисмлари Германияга қарши ҳаво жангларида иштирок этди. 1942 йилдан 1944 йил бошларигача Тинч океанидаги жангларда Австралия қўшинлари асосий роль ўйнади. 1944 йилдан эса асосан иккинчи даражали жангларда ва уруш тугагунча Японияга қарши ҳужумларда иштирок этди.

* * *

Иккинчи жаҳон уруши Австралия иқтисодиётида, ички ва ташқи сиёсатида ҳам жиддий ўзгаришларга олиб келди. Уруш мамлакатда индустриллаштириш жараёнини тезлаштирди, қуrolли кучларнинг ўсиши ва ривожланишига олиб келди. Ташқи сиёсатда Австралия Буюк Британияга нисбатан кўпроқ АҚШга таянадиган бўлди. Урушнинг билвосита натижасида Австралия жамияти ўзгарди – у энди хилма-хил ва космополит жамиятга айланди.

XI боб бўйича саволлар

1. 1920-йиллари Австралия сиёсий кучлари мутаносиблигида қандай ўзгаришлар юз берди?
2. 1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инкирози Австралия иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатди ва бу сиёсий кучлар ҳаракатида қандай ўзгаришларга олиб келди?
3. 1930-йиллари Австралия маҳсулот ишлаб чиқариши ва ташқи савдосининг урушдан олдингига нисбатан секинроқ ўсганлигига нималар сабаб бўлди?
4. 1930-йилларда Австралия ташқи сиёсати қандай ҳаракатлар билан характерланади?
5. Австралиянинг Иккинчи жаҳон урушида қатнашиши нималарда намоён бўлди?

III БЎЛИМ

ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА ТОТАЛИТАР РЕЖИМЛАР ВА АВТОРИТАР ДИКТАТУРА МАМЛАКАТЛАРИ

ХИ БО Б. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ: ТОТАЛИТАР ТИЗИМНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Россияда большевиклар ҳокимиятининг ўрнатилиши. Россиядаги шароит очик ҳаракат қилувчи, ўз мақсадларини очик эълон қилувчи оммавий социал-демократик партияни тузиш имконини бермасди. В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси аввалбошданок омманинг чор ҳукуматига қарши курашга бошчилик қила оладиган ҳарбийлашган ташкилот эди. Агар 1917 йили Россияда ўта қулай шароит вужудга келмаганда, аъзоларининг кўпчилиги фронтда, сургунда ёки эмиграцияда бўлган, оммага таъсири жуда чекланган большевиклар партияси ҳокимиятга кела олмасди. Биринчи жаҳон урушидаги муваффақиятсизлик, иқтисоднинг вайрон бўлиши, унинг оқибатида бошланган очарчилик омманинг норозилигини кучайтирди, 1917 йилги Февраль инқилобига, монархиянинг ағдарилишига сабаб бўлди. Аммо бу Россияда демократик тартиб ўрнатилишига олиб келмади. Уруш, аҳоли норозилигининг ўсиб бориши, иқтисоднинг огир аҳволи тез ва дадил ҳаракатларни талаб қилаётган бир пайтда, Муваққат ҳукумат Таъсис мажлисининг чақирилишини кутиб турди. Офицерларни сайлашни, барча сиёсий кучлар учун фаолият эркинлигини жорий қилган Муваққат ҳукуматнинг сиёсати армиянинг вайрон бўлишига, сиёсий аҳволнинг янада оғирлашувига олиб келди.

Давом этаётган жаҳон уруши шароитида ҳолатдан чиқишнинг, давлатни сақлаб қолишнинг имкони ҳокимиятни ҳарбийларга топшириш эди. Аммо Муваққат ҳукумат 1917 йил кузда генерал Корнилов билан ҳамкорлик қилишдан бош тортди, уни қўллаётган

ҳарбий қисмларни тарқатиб юбориб, ўзини охириги таянчидан ҳам маҳрум қилди.

Большевиклар эса амалга ошмаслиги олдиндан маълум бўлган популистик шиорларни ўртага ташлаб, омманинг эътиборини қозонди. Большевиклар партияси 1917 йилги эркин сайловларда катта муваффақиятга эришмаган бўлса-да, қисқа вақт ичида энг оммавий партияга айланди. 1917 йил октябрда большевиклар сўл эсэрлар ва анархистлар ёрдамида зўравонлик йўли билан тўнтариш ясаб, ҳокимиятни эгаллаб олди. В.И. Лениннинг ғоясига кўра Россияда большевикларнинг ҳокимиятга келиши бутун дунёда (ҳеч бўлмаса Европада) социалистик инқилобга олиб келиши лозим эди.

1917 йил кузида Россияда юз берган умуммиллий инқироз эски давлатчиликнинг парчаланиши ва эски жамиятнинг бузилишини билдирар эди. Большевиклар ҳокимиятга келгандан сўнг: эски давлат машинасини таг-туби билан бузиб ташлаш; Совет давлатини тузиш; ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашни ўзининг биринчи даражали вазифаси қилиб қўйди.

Эски тузумни бузиб ташлаш вазифасини большевиклар жуда тез уддалади. Муваққат ҳукумат, вазирликлар, Синод, Сенат, земство, суд, прокуратура бекор қилинди. Эски давлат идораларининг биноларини янги хўжайинлар эгаллади. Россия империяси давлат хизматининг асоси бўлган унвон ва мартабалар рўйхати бекор қилинди. Ҳукумат фаолиятини тўхтатиб қўйиш хавфини солган эски Россия амалдорларининг иш ташлаши тез ва қатъий бостирилди.

Советларнинг Бутунроссия II съездида (25–27 октябрь 1917 йил) В.И. Ленин бошчилигида большевиклар ҳукумати – Халқ комиссарлари совети тузилгандан сўнг Россиянинг бошқа ҳудудларида ҳам советлар ҳокимиятини ўрнатиш бошланди. Жуда катта қаршилик ва жанглар натижасида илгари Россия империясига кирган деярли барча ҳудудларда ҳокимият советлар қўлига ўтди. 1917 йил октябрдан 1918 йил февралгача совет ҳокимиятининг ўрнатилиши даври бўлди. Жойларда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши 1917 йил 2 ноябрда Россия халқлари ҳуқуқлари декларациясини қабул қилиш имконини берди. Декларацияда миллий зулм ва тенгсизликнинг йўқ қилинганлиги, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузишгача бўлган ҳуқуқларининг эълон қилиниши Россиядаги кўп сонли халқларнинг онгига жуда катта таъсир кўрсатди. 1917 йил декабрда большевиклар ҳукумати

Польша ва Финляндиянинг мустақиллигини тан олди. Болтиқбўйи, Кавказорти, Украина, Ўрта Осиё ва бошқа худудларда турли давлатлар ташкил топди, сиёсий ҳокимият учун қизғин кураш бошланди. Жумладан, 1917 йил ноябрда Қўқон шаҳрида Туркистон мухторияти ҳукумати ташкил топди. Мухторият ўзининг 72 кунлик қиска фаолияти давомида Туркистон тарихидаги дастлабки демократик ҳукумат мақомини ўзида сақлаб қола олди. Бироқ Тошкентдан юборилган янги совет ҳокимияти ва большевикларнинг қуролли кучлари ёрдамида 1918 йил февралда Туркистон Мухторияти ҳукумати ағдариб ташланди. Бошқа жойлардаги миллий ҳукуматлар тақдири ҳам шундай бўлди.

1917 йил 12 ноябрда Таъсис мажлисига бўлиб ўтган сайловларда 57% овозларни эсерлар, 23,9% – большевиклар, 4,7% – кадетлар, 2,3% – меньшевиклар олди. Таъсис мажлиси 1918 йил 5 январь куни Петроградда очилди ва 12 соат фаолият юритди. Мажлис совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган тadbирларни қўллашдан бош тортди ва 1918 йил 6 январга ўтар кечаси Бутунроссия Марказий Ижроия қўмитасининг қарори билан Таъсис мажлиси тарқатиб юборилди, кадетлар партияси ва муҳолифатчи газеталар фаолияти тақиқланди. Таъсис мажлисини қўллаб Петроградда ўтказилган норозилик йиғилиши тезда бостирилди. Россия аҳолисининг асосий қисми Таъсис мажлисининг тақдирига бефарқ бўлиб қолаверди.

1918 йил январда чақирилган Советларнинг Бутунроссия III съезди Таъсис мажлисининг ваколатларини ўз зиммасига олди. Съезд «Меҳнатқаш ва эксплуатация қилинувчи халқлар ҳуқуқлари декларацияси» деб номланган популистик ҳужжатни қабул қилди. Советлар съезди, съездлар оралиғида эса Бутунроссия Марказий Ижроия қўмитаси янги давлатнинг Олий қонун чиқарувчи органи деб эълон қилинди. Ижроия қўмита раиси қилиб М.Я. Свердлов сайланди. Съезд Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси (РСФСР) тузилганлигини эълон қилди. Америка ва француз инқилоблари таъсири остида съезд Меҳнатқаш ва эксплуатация қилинувчи халқлар декларациясини қабул қилди. Совет ҳукумати номидан «муваққат» сўзи олиб ташланди.

1917 йил декабрда «аксилинқилобчилар ҳаракати ва саботажга қарши» курашиш учун Бутунроссия фавқулодда комиссияси (ВЧК – Всероссийская чрезвычайная комиссия) ташкил қилинди.

Комиссия раиси қилиб Ф. Э. Дзержинский тайинланди. ВЧК чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб, жойларда совет ҳокимиятининг ўрнатилишида катта роль ўйнади. 1918 йил январда кўнгиллилик ва синфий тамойил асосида Қизил армия шакллана бошлади. Жойларда ҳокимият тўлиқ советлар қўлига ўтди. Янги ҳокимиятнинг муҳим жиҳати шунда эдики, у партиявий раҳбарлик асосида шаклланди ва большевиклар партиясининг ҳар қандай қарори совет қарори сифатида қабул қилиниши мумкин бўлди. Партия ва давлат ташкилотларининг бирикиб кетиши шу тариқа юз берди. Бу шаклланаётган большевиклар тоталитар тузумининг муҳим белгиси эди.

1918 йил 3 март куни Брест-Литовск шахрида Германия билан сулҳ тузилди. Сулҳ натижасида большевиклар вақтинча нафасни ростлаш имкониятига эга бўлса-да, Россия 50 млн киши яшайдиган жуда катта худудидан ва Қора денгиз флотидан айрилди, Германияга катта контрибуция тўлаш мажбуриятини олди. Рус олимларининг таъкидлашича, сулҳ Россиянинг бутун тарихи давомидаги энг шармандали шартнома бўлди.

Фуқаролар уруши. Фуқаролар уруши – бу битта мамлакат худудида синфлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида давлат ҳокимияти учун олиб борилган қуролли кураш. Россиядаги фуқаролар уруши – фавқулодда мураккаб ҳодиса. У бутун мамлакат худудини камраб олди ва тотал характер касб этди. Бу урушда турли ижтимоий қатламларнинг мулкӣ ва моддий манфаатлари тўқнашди, инқилобий ўзгаришлар натижасида жуда катта бойликларнинг қайта тақсимланиши, бир қўлдан бошқасига ўтиши бу тўқнашувни ўта кескинлаштирди. Инқилобдан кўпчилик деҳқонлар, ишчилар, аҳолининг бошқа энг қашшоқ қатламлари моддий манфаат кўрди. Ютқазганлар помешчиклар, капиталистлар, интеллигенциянинг бир қисми бўлди. Интеллигенциянинг бошқа бир қисми, шаҳарлик ўрта қатлам, казаклар ва бошқа гуруҳлар ҳам янги ҳаётда ўз ўрнини аниқлаб олишга ҳаракат қилди. Кўпинча ғоявий позиция, шахсий сабаб ва бошқа ҳолатлар моддий манфаатдорликдан устун қўйилди. Фуқаролар уруши жамиятни, оилаларни бўлиб ташлади, кўпчилик қариндошлик алоқалари узилди.

Фуқаролар урушининг бошланиши учун Россиядаги барча сиёсий кучлар у ёки бу даражада айбдор. Уларнинг ҳар бири Ватанни кутқаришни мақсад қилди, аммо бу мақсадга эришиш учун ўз сиёсий душманларига қарши шафқатсиз кураш йўлини танлади. Боль-

шевиклар ҳам, уларнинг душманлари ҳам бу курашда борган сари ўравонлик ва террор усулларини маъқул кўрди.

Кўпчилик Россияда Фуқаролар уруши 1917 йил октябрда большевиклар ҳокимиятга келиши билан бошланди ва 1922 йил кузда Узоқ Шарқда «оқ гвардия»нинг тор-мор қилиниши билан якунланди, деб ҳисоблайди. Шу вақт давомида турли хил ижтимоий синфлар ва гуруҳлар ўзаро муаммолар ва зиддиятларни қурол кучи билан ҳал қилдилар.

Фуқаролар урушининг асосий сабаблари жамиятни қайта қуришнинг эзгу мақсадлари билан уларни амалга оширишнинг радикал усуллари ўртасидаги номутаносиблик, большевикларнинг коалицион ҳукумат тузиш таклифидан ва келишувлардан воз кечиши, Таъсис мажлисини тарқатиб юбориши, товар-пул муносабатларини бекор қилиши, пролетариат диктатурасини ўрнатиши ҳамда Россияни кучсизлантиришдан манфаатдор бўлган Ғарб давлатларининг сиёсати эди. Фуқаролар уруши «қизил» ва «оқ» армиялар ўртасидаги урушнинг бир неча босқичидан (асосан бешта) иборат бўлиб, сўнгги босқичида (1921–1922) Узоқ Шарқ оқ гвардиячилардан озод қилинди. Ўрта Осиёдаги советларга қарши қуролли кураш 1920-йилларнинг охиригача давом этди.

Фуқаролар уруши даврида чет эл, аввало Антанта давлатларининг Россияга қарши босқинчилик ҳаракатлари ҳам бўлиб, у чет эл интервенцияси номини олди. Чет эл кўшинлари билан советларнинг ички душманлари бирлашиб, 1918 йили Россиянинг Волгабўйи, Урал, Сибирь, Узоқ Шарқ ҳудудларида совет ҳокимиятини ағдариб ташлади. Шундай ҳолатда большевиклар жуда катта ташкилотчилик ишларини амалга оширди: кўшинлар сони 1 млн кишидан оширилди; армияда катъий тартиб ўрнатилди, чор ҳукуматининг кўплаб генерал ва офицерлари советлар томонига жалб қилинди; мамлакат «ягона ҳарбий лагерь» деб эълон қилинди. 1918 йил сентябрда В.И. Ленинга суиқасд қилиниши «қизил террор» – большевиклар душманларининг оммавий равишда жисмонан йўқ қилиниши учун баҳона бўлди.

1918–1921 йиллари Советлар республикасида иқтисодни бошқаришнинг ҳарбий усули – «ҳарбий коммунизм» сиёсати ўрнатилди. У Фуқаролар урушида ғалаба қозониш учун мамлакат барча ресурсларини сафарбар қилишнинг фавқулодда тизими эди. Бу сиёсатнинг энг муҳим жиҳатлари: хусусий мулкчиликни бекор

қилиш; пул-товар муносабатларини тўхтатиш ва саноатни национализациялаштириш; тенг тақсимлашга асосланган давлат тизими ўрнатиш; иш ҳақини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлаш; шаҳар билан қишлоқ ўртасида тўғридан-тўғри товар алмашинуви-ни (бартер) йўлга қўйиш бўлди. Дехқонлардан ошиқча озиқ-овқат маҳсулотларини мажбурий ва текин тортиб олиш – озиқ-овқат раз-вёрсткаси жорий қилинди.

Черков ва масжидлар ходимлари, руҳонийлар қувғин қилинди. Кўплаб черков ва масжидлар ёпилди, уларнинг мулклари инқилоб эҳтиёжлари учун тортиб олинди.

Сиёсий соҳада «ҳарбий коммунизм» бир партиявий тизимнинг ҳукмронлиги, маъмурий-буйруқбозлик бошқарув усулининг жо-рий қилиниши ва ҳурфикрликнинг қаттиқ таъкиб қилиниши билан характерланади. Маънавий соҳада ҳукмрон мафкура ва ахлоқ нор-маси сифатида марксизм ўрнатилди. Бу шафқатсиз усуллар билан большевиклар ўз мақсадларига эришдилар.

М. Фрунзе, М. Тухачевский, С. Будённый каби сўзсиз қобилиятли қўмондонлар бошчилигида Қизил армия 1919 йили Колчак, 1920 йил баҳорда Деникин, Юденич, кузда Врангель армияларини тор-мор қилди.

Фуқаролар урушининг яқунловчи босқичи собиқ Россия импе-риясининг чекка ўлкалари – Кавказорти, Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан характерланади. 1922 йил ноябрда Қизил армия Владивосток шаҳрини олиб, Тинч океанига чиқиши билан Россияда Фуқаролар уруши яқунланди.

Большевиклар ғалаба қозонди, аммо Россия ҳалокат ёқасига келиб қолди. Жуда кўплаб аҳоли нобуд бўлди. Қизиллар ва оклар томонидан умуман 800 мингдан 1 млн гача киши ҳалок бўлди, жумладан, ярмидан кўпини яраланганлар ва эпидемиялардан ўл-ганлар ташкил қилди. 1918 – 1919 йиллари Россияда испан грип-пидан (испанка) 3 – 4 млн, бутун дунёда эса шу гриппдан 20 млн, яъни бутун Биринчи жаҳон уруши жанглирида ҳалок бўлганлар-дан икки баробар кўп киши вафот этди. Россияда 2 млн киши терлама, дизентерия ва чечак касалликларидан ўлди. Юз минглаб кишилар оқ ва қизил террор қурбони бўлди. Украинада миллатчи ва антисемит С. Петлюра тарафдорлари томонидан 300 минг, асо-сан яҳудийлар ўлдирилди. Турли маълумотларга қараганда, 2 – 3,5 млн киши Россиядан чиқиб кетди. Халқ хўжалигига етказилган

моддий зарар олтин ҳисобида 50 млрд рублни ташкил қилди. Саноат ишлаб чиқариши 1920 йили 1913 йилга нисбатан 7 марта, қишлоқ хўжалиги – 40% камайди.

Фуқаролар уруши миллий фожиа бўлди, жамиятдаги ахлокий-руҳий муҳитга кучли таъсир кўрсатди. Озодлик, мулк, ҳуқуқ ва бошқа кўплаб тушунчалар ўз қадрини йўқотди. Ҳар қандай муаммони ҳал қилишнинг фавқуллода, зўравонлик усуллари энг самарали ҳисобланадиган бўлди. Жамиятда умумий нафрат ҳисси кучайди.

Янги иқтисодий сиёсат. СССРнинг ташкил топиши. Октябрь давлат тўнтаришининг муҳим натижаси янги давлат – Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг (СССР) ташкил топиши бўлди. Унда «давлат социализми» (давлатнинг иқтисодиётга ва ижтимоий муносабатларга аралашуви) ўрнатилди ва мисли кўрилмаган суръатларда иқтисод, жамият ва давлат ислоҳ қилинди. Совет типдаги «давлат социализми» жамиятни индустрлаштиришнинг капиталистик усулига муқобил йўл эди.

1921 йили совет давлати кучли иқтисодий ва сиёсий инқирозни бошидан кечирди. Мамлакат вайрон бўлган, саноат ишлаб чиқариши 1913 йилга нисбатан 7 марта тушиб кетган эди. Шу йили юз берган даҳшатли қурғоқчилик Украина, Кубань ва бутун Волгабўйини қамраб олди. Бу ҳудудларда очарчилик бошланиб, советларга қарши кўзғолонлар кўтарилди. Машҳур норвег кутбчиси Ф. Нансен очларга амалий ёрдам кўрсатишни ташкил қилганлардан бири бўлди. Унинг ҳурмати ва катъий илтимоси туфайли Ғарб давлатлари оч Россияга ёрдам кўрсатди, минглаб одамларни ўлимдан қутқариб қолди (баъзи ҳисоб-китобларга кўра 1923 йилгача очлик ва эпидемиядан 5 млн га яқин киши вафот этган).

Шундай шароитда Лениннинг ташаббуси билан РКП (б) 1921 йил мартда озик-овқат развёрсткасини озик-овқат солиги билан алмаштирди ва унинг ҳажмини икки баробар кам қилиб белгилади. Дехқонларга ошиқча маҳсулотларни сотишга рухсат берилди. Бу янги иқтисодий сиёсатнинг бошланиши эди.

Янги иқтисодий сиёсат (новая экономическая политика – НЭП) нинг моҳияти бозор иқтисодиётини қисман тиклаш, уни иқтисодий манфаатдорлик ва хўжалик ҳисоби асосида ривожлантиришдан иборат эди. 1921–1924 йиллари иқтисодий ҳаётда кўплаб янгиликлар пайдо бўлди. Эркин савдо, пул айланиши тикланди, пул нислоҳоти ўтказилди.

НЭП мажбурий ва вақтинчалик тадбир бўлиб, большевиклар инқироз тугаши билан уни бекор қилишни кўзлаган эди.

НЭПнинг дастлабки қадами қишлоқда озиқ-овқат развёрсткасини қатъий белгиланган озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш бўлди.

НЭП шароитида хусусий капиталистик уклад қайта тикланди, майда товар ишлаб чиқариш эса кучайди. Халқ хўжалигини тиклаш, ишчиларнинг манфаатдорлигига таяниш, уларни юқори самарали меҳнатга йўналтириш лозим эди. Большевиклар помешчик ва капиталистларни ҳайдаб юбориш мумкин, аммо майда товар ишлаб чиқарувчилар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва майда савдогарлар билан келишиш лозим, деб ҳисобларди. Улар НЭПнинг асосий моҳияти янги совет жамиятининг ижтимоий таянчи бўлган ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини сақлаш ва кучайтиришда, деб ҳисобларди. Ленин НЭПнинг моҳияти саноат билан қишлоқ хўжалигини савдо орқали боғлашда, деб биларди. Бундай боғлиқлик кенг миқёсдаги пул-товар муносабатларини тақозо қиларди. Қишлоқ хўжалигида, енгил саноатда, савдода ёлланма меҳнатдан фойдаланмаслик мумкин эмасди. Бу эса большевиклар ўз олдига қўйган «инсоннинг инсон томонидан эксплуатация қилинишини» тўлиқ бартараф қилиш вазифасидан ортга қайтиш эди.

Аммо большевиклар фақат қишлоқ хўжалигига таянган ҳолда узокқа бориб бўлмаслигини яхши тушунар, Россия эса асосан аграр мамлакат эди. Шу сабабли асосий эътибор саноатга, транспортга, бутун иқтисодиётни ривожлантириш истикболларига қаратилди. Янги Давлат илмий-текшириш институтлари тузилди. Россия Фанлар академияси табиий ишлаб чиқарувчи кучлар бўйича комиссия тузди, мамлакатда жуда катта минерал ва бошқа ресурслар борлиги аниқланди. 1925 йили Россия Фанлар академияси ўзининг 200 йиллигини нишонлади ва СССР Фанлар академияси деб қайта номланди. Бир гуруҳ олимлар мамлакатни электрофикациялаш (ГОЭЛРО) режасини ишлаб чиқди (1920). ГОЭЛРО келажакда мамлакатни индустрлаштиришнинг асосини ташкил қилди. 1921 йили Давлат план қўмитаси (Госплан) – жаҳон тарихида шундай типдаги биринчи давлат ташкилоти яратилди. Бу ташкилот ва умуман совет режали иқтисодиёти кейинчалик ҳақли равишда қаттиқ танқид қилинишига қарамасдан, ўз вақтида бутун совет иқтисодиётининг оёққа туришида, айниқса Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги

тикланиш йилларида катта ижобий роль ўйнади. Жаҳон иқтисодий инқироzi йилларида Ғарб мамлакатлари ўз иқтисодиётига совет режали ишлаб чиқариши элементларини татбиқ қилди.

Аҳолига ошиқча маблағларини йиғиш ва сақлаш имкониятини берган пул ислоҳоти, айниқса муҳим аҳамият касб этди. Советлар 1923 йили муомалага чиқарган бир червонец (тилла танга) қатъий валюта бўлиб, жаҳон бозорида 6 доллар турарди.

Шу тариқа НЭП хусусий тадбиркорликни рағбатлантирди, иқтисоднинг ўсишига кўмаклашди. 1922 йили анча мўл ҳосил йиғиб олинди ва очарчилик асоратлари енгиб ўтилди. 1924 йилдан деҳқонлар натурал солиқ ўрнига пул шаклида солиқ тўлашга ўтди ва бу мамлакатда товар-пул муносабатларининг тикланганидан далолат берарди. 1924–1925 йиллари мамлакатда 50 минг хусусий саноат корхоналари, 265 минг хусусий савдогарлар фаолият юритарди. Хусусий корхоналарда 420 минг ишчилар меҳнат қиларди. Қишлоқ хўжалигида 2 млн ёлланма ишчилар (батрақлар) пайдо бўлди. Саноат ривожланишининг ўсиши жуда муваффақиятли бўлди. 1926 йилга келиб, ишлаб чиқаришнинг кўплаб соҳаларида 1913 йилги даражага эришилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли 1913 йилги даражасидан ошиб кетди, 1925 йили дон маҳсулотлари ҳосилдорлиги эса 1909–1913 йиллардаги ўртача кўрсаткичдан 20% юқори бўлди.

НЭП мамлакат халқ хўжалигини тиклаш, ишлаб чиқариш ва савдони йўлга қўйиш, огир иқтисодий ҳолатдан чиқиб олиш имконини берди. Бироқ муваффақиятлар нисбий бўлиб, бу вақтга келиб дунёнинг етакчи мамлакатлари ривожланишда анча олдинлаб кетган эди. Бунинг устига, давлат капитализми СССРда кенг ривожланиш ва мамлакат иқтисодиётида сезиларли позицияни эгаллаш имкониятига эга бўлмади. Совет давлати таклиф қилаётган шартлар на россиялик, на чет эл тадбиркорларини қаноатлантирмас эди. 1923–1924 йиллари халқ хўжалигининг ялпи маҳсулотида давлат капиталистик корхоналарининг улуши 0,1%ни, уларда банд бўлган ишчилар сони эса мамлакатдаги умумий ишчилар сонининг 1% ини ташкил қиларди, холос.

Иқтисодий сиёсатнинг асосий принципини Ленин «Коммунизм – совет ҳокимияти плус бутун мамлакатни электрлаштириш», деган шиор билан белгилади. Бунда ҳар қандай йўл билан бўлса-

да, сиёсий ҳокимиятни коммунистик партия қўлида сақлаб қолиш бош вазифа ҳисобланарди.

Совет давлати олдида мамлакатни индустрлаштириш муаммоси турарди. Мамлакатнинг халқаро яққаланиб қолишига бардош берадиган, ҳар қандай тажовузга қарши тура оладиган қудратли иқтисодиётни яратиш лозим эди. Аммо НЭП СССРда «бозор социализмининг» ўрнатилишига олиб келмади. 1924 йили В. И. Ленин вафот этгандан сўнг давлатда И. В. Сталин ва унинг сафдошлари асосий роль ўйнай бошлади. Улар НЭП ўз ролини бажариб бўлди, деб ҳисоблади ва 1927–1929 йилларда аста-секин уни бекор қилиш бошланди. Иқтисодий эволюция, иқтисодий ракобат, иқтисодиётга таъсир қилишнинг иқтисодий усуллари ўрнига жамиятни бошқаришнинг маъмурий-буйрукбозлик, фавқулудда, ноиқтисодий усуллари танланди. И. Сталин шахсига сиғиниш, уни чексиз улуғлаш жараёни бошланиб, аввал мухолифатчиларнинг, кейин эса миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг қатағон қилинишига олиб келди.

1920-йиллар охири – 1921 йиллар бошларида Россия халқаро яққаланишдан чиқиш учун Финляндия, Эстония, Латвия, Литва, Польша билан шартномалар имзолади. Халқаро яққаланишдан чиқишда 1922 йили Германия билан имзоланган Рапалло шартномаси катта аҳамиятга эга бўлди.

1922 йили амалга оширилган муҳим тадбирлардан бири СССРнинг ташкил топиши бўлди. Миллатларнинг ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш тамойилидан келиб чиқиб, барча республикалар федератив давлатга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирдилар. Натижада, 1922 йил 30 декабрь куни собиқ Россия империяси ҳудудида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) ташкил қилинди. Дастлаб Россия, Украина, Белоруссия ва Кавказорти республикалари СССРга кирдилар. 1924 йили давлатнинг биринчи конституцияси қабул қилинди. Шу йиллари СССР Европа давлатлари томонидан, 1933 йили охириги йирик давлат – АҚШ томонидан тан олинди.

Мамлакатни индустрлаштириш ва унинг оқибатлари. 1920-йиллар охирига келиб НЭПнинг ютуқларига қарамасдан, Совет Иттифоқи саноат тараққиёти бўйича Ғарбнинг илғор мамлакатларидан анча ортда қолаётган эди. XIX аср охири – XX аср бошларида чор ҳуқумати томонидан бошланган индустрлаштириш Биринчи

жаҳон уруши ва инкилоблар туфайли яқунланмай қолди. Россия аграр-индустриал мамлакат бўлиб қолаётган эди. Мамлакат олдида иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштириш, модернизациялашни яқунлаш вазифаси турарди. В.И. Ленин вафотидан кейин социализм қуриш йўллари ҳақида Бухарин, Зиновьев, Каменев, Риков, Троцкий, Сталин ва бошқалар иштирокида авж олган мунозара ўз моҳиятига кўра мамлакатни модернизациялаш жараёнини қандай амалга ошириш, қолоқликни қандай енгиб ўтиш йўллари ҳақида эди. Сталин таклиф қилаётган «катта иқтисодий сакраш» орқали 10 йилда индустриал давлатлар қаторига қўшилиш режаси кўпроқ тарафдорларни ўзига жалб қилди.

Чет элларда бўлаётган қуйидаги воқеалар ҳам совет раҳбарларини жадал модернизациялаш ва социализм қуришни тезлаштиришга мажбур қилаётган эди:

– 1929–1932 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози ва унинг оқибатларидан бири сифатида фашизм мафкурасининг тарқалиши ҳамда Германия, Италия, Венгрия, Руминияда ҳокимиятга фашистларнинг келиши;

– янги жаҳон уруши хавфининг пайдо бўлиши;

– СССР ҳақида унга фақат фашистик Германия ва милитаристик Япония эмас, СССРнинг янги жамият қуришдаги ютуқлари ёқмаётган Англия, АҚШ, Франция ҳам хавф солиб турган «қамалдаги қалъа» сифатида тасаввурнинг мавжудлиги.

СССРда социалистик индустриаллаштиришни амалга оширишдан мақсад қуйидагилар эди:

1. Техник-иқтисодий қолоқликни бартараф этиш ва мамлакатнинг техник-иқтисодий мустақиллигига эришиш. Бунда Чор Россиясида мавжуд бўлмаган ва совет давлатини саноат ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан таъминлаш лозим бўлган саноатнинг кўплаб соҳаларини яратиш кўзда тутилади.

2. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг техник базасини яратиш. Аграр соҳада тракторлар, комбайнлар, юк автомобиллари ва бошқа техникалардан фойдаланиш эвазига қўл меҳнатини камайтириш, қишлоқ хўжалигининг техник даражасини ошириш.

3. Индустриаллаштириш мамлакат мудофаа қудратини оширишнинг, армияни техник қайта қуроллантиришнинг муҳим омили сифатида қаралаётган эди.

Индустрлаштириш жараёнида иккита асосий йўналишда – мутлақо янги саноат корхоналарини куриш ва эскиларини техник қайта куруллантириш йўналишларида олиб борилди.

Бундай кенг миқёсдаги индустрлаштиришни режадагидек жадал суръатлар билан амалга ошириш учун жуда катта капитал маблағлар талаб қилинарди. СССРда бундай маблағ ва ташки молиявий манбалар ҳам мавжуд эмасди. Советлар ҳокимиятга келгандан сўнг Чор Россияси ва Муваққат ҳукуматнинг қарзларини тўлашдан бош тортди, бу эса СССРни чет давлатлардан қарз олиш имкониятидан маҳрум қилди. Индустрлаштириш учун фақат ички имкониятлардан фойдаланишга тўғри келди.

Шундай бўлса-да, Ташки савдо халқ комиссарлиги чет элга ғалла, олтин, ёғоч, кўмир, санъат асарлари ва бошқаларни сотди. Бундан тушган валютага бутун бошли заводлар учун энг янги ускуналар сотиб олинди.

Ички манба сифатида биринчи ўринда кишлок хўжалигидан фойдаланилди. Озиқ-овқат ва хомашё чет элга сотилди, шаҳар аҳолиси учун эса 1928–1934 йиллари озиқ-овқат маҳсулотлари карточкалар орқали сотилди. 1927–1929 йиллари нэпманларга (НЭП даврида бойиб олган тадбиркорлар), ҳунармандлар ва бой деҳқонлардан олинадиган солиқлар кескин оширилди. Режани бажармаган тадбиркорларнинг мол-мулки мусодара қилинди. Натижада 1933 йилга келиб саноат ва савдода хусусий сектор амалда йўқ қилинди. Давлат даромадининг яна бир муҳим соҳаси спиртли ичимликлар сотиш бўлиб, уни сотиш ҳам кескин оширилди.

1930-йиллар давомида мажбурий меҳнат соҳаси ҳам кенгайиб борди. Агар 1930 йили ҳуқуқдан маҳрум қилиш жойларида 100 мингдан зиёд маҳкумлар бўлса, 1940 йилга келиб лагерларда 2,5 млн киши сақланарди. Улар меҳнатидан энг чекка жойларда ўта оғир шароитларда фойдаланилди. 1930-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, халқ хўжалигига жалб қилинган капитал маблағларнинг 10% и маҳкумлар томонидан ўзлаштирилаётган эди.

Совет давлати ички қарзларни ҳам кенг жорий қилди. Амалда аҳолидан пул маблағлари ихтиёрий-мажбурий тортиб олинди; давлат секторида ишловчилар «заёмга» ёзиларди. 1927 йили аҳолидан 1 млрд рубль «қарз» олинди. 1930-йиллар ўрталарида келиб бу маблағ 17 млрд рублни ташкил қилди.

Капиталистик мамлакатларда индустрлаштириш дастлаб энгил ва озик-овқат саноати, савдода капитал жамғаришдан бошланиб, кейин оғир саноатни яратиш амалга оширилади. СССРдаги индустрлаштириш жараёни эса энг илғор, фавкулудда катта маблағ талаб қилинадиган соҳалар: металлургия, машинасозлик, энергетика, қудратли ҳарбий-саноат комплексини барпо қилишдан бошланди. Индустрлаштиришни амалга оширишнинг бундай усули бутун халқ кучини жалб этишни талаб қилади.

1928/29–1932/33 йилларга мўлжалланган биринчи беш йиллик совет режали иқтисодиёти даврини бошлаб берди. Беш йилликнинг асосий вазифаси СССРни аграр мамлакатдан саноати ривожланган ва кучли ҳарбий давлатга айлантириш эди. Жуда катта куч ва маблағ оғир саноатни ривожлантиришга сарфланди. Шу йиллари 1500 та йирик саноат корхоналари, жумладан, Днепрогэс, Сталинград, Челябинск, Харьков трактор заводлари, Магнитогорск ва Кузнецк металлургия комбинатлари, Москва ва Нижний Новгород автомобиль заводлари қурилди. Улар асосан четдан келтирилган илғор асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Биринчи беш йилликда совет оғир саноатининг асослари яратилди.

Иккинчи беш йиллик (1933–1937) даврида асосий вазифа янги асбоб-ускуналарни ўзлаштириш ва ўз саноат ишлаб чиқаришини йўлга қўйишдан иборат бўлди. 1935 йили янги асбоб-ускуналардан фойдаланиб, юкори меҳнат унумдорлигига эришиш учун стахановчилик ҳаракати авж олди.

Учинчи беш йилликнинг дастлабки йилларида (1938–1941) мудофаа саноати жадал суръатлар билан ривожланди, мамлакат шаркида саноат базаси мустаҳкамланди.

Шу йиллари Ўзбекистон оғир ва энгил саноатининг ҳам асослари яратилди. Тошкент кишлок хўжалик машинасозлиги заводи (Ташсельмаш), Тошкент ва Фарғонада текстиль комбинатлари, Самарқанд, Бухоро ва Қўқонда тикувчилик фабрикалари, Тошкентда кондитер фабрикаси ва бошқалар қурилди. Саноатнинг янги соҳаларига, Чирчиқ каби саноат шаҳарларига асос солинди. 1940 йилда Ўзбекистонда 1452 та саноат корхонаси фаолият юритаётган эди.

1928–1940 йиллари жами 9 мингдан зиёд йирик корхоналар қурилди, тракторлар, самолётлар, автомобиллар, синтетик каучук ишлаб чиқариш каби ўнлаб янги соҳалар яратилди, мамлакатни

электрлаштириш амалга оширилди. Оғир саноатнинг кудрати сезиларли даражада ўсди. 1940 йили 1913 йилга нисбатан пўлат эритиш 4,3 млн дан 18,3 млн тоннагача, нефть – 11,6 млн дан 31,1 млн т. гача, тошкўмир – 32,5 млн дан 140 млн т. гача, электр энергияси ишлаб чиқариш – 5 млрд дан 58,4 млрд кВт. соатга кўпайди. Минглаб эски корхоналар реконструкция қилинди.

Чор Россияси билан ривожланган индустриал мамлакатлар ўртасидаги технологик фарқни қисқартиришга эришилди. Агар биринчи беш йиллик даврида станоклар асосан Ғарб мамлакатларидан сотиб олинган бўлса, 1930-йилларнинг охирига келиб совет машинасозлиги кўплаб замонавий ускуналарни ўзи ишлаб чиқариш кудратига эга эди. Совет саноатининг ускуналари Ғарбникига қараганда анча «ёш» эди. 1940 йилга келиб совет саноатидаги асбоб-ускуналарнинг 71% и ўн йилдан кам хизмат қилган бўлса, АҚШ ва Германияда бу кўрсаткич 28 ва 34% ни ташкил қиларди.

1930-йиллар охирига келиб СССР саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми бўйича Англия, Германия, Францияни қувиб ўтди, Европада биринчи, дунёда эса АҚШдан кейин иккинчи ўринга чиқди. СССР кудратли индустриал давлатга айланди. У ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқаришга қодир бўлган дунёдаги 3 – 4 та давлатлардан бири бўлиб қолди. Шундай қилиб, СССР 1928 – 1941 йиллари индустриал сакрашни амалга оширди, энг ривожланган мамлакатлар даражасига етди. Индустрлаштириш мамлакат иқтисодиётининг моддий-техник базасини сифат жиҳатидан янгилаш имконини берди.

Қишлоқ хўжалигини ялпи коллективлаштириш. 1927 йили СССРда тахминан 24 млн деҳқон хўжаликлари мавжуд эди. Деҳқон оилалари 120 млн киши бўлиб, мамлакат аҳолисининг мутлоқ кўпчилигини ташкил қиларди. Ҳар бир хўжалик ўртача 4–5 га экин майдонига, 1 та от ва битга сигирга эга эди. Меҳнат қуроллари ичида ёғоч омор, белўроқ, кўлўроқ энг кўп ишлатиларди. 1927 йили деҳқон хўжалиklarининг 1,4% и 16 га дан кўп, 3,7% и эса 10–16 га экин майдонларига эгаллик қиларди.

Аграр соҳани ислоҳ қилмай туриб иқтисодиётда «катта сакраш»га эришиш мумкин эмасди. Майда деҳқон хўжалиklarининг имкониятлари ҳали тугамаганди, аммо қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг даражаси паст бўлиб қолаётган ва бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини ортга тортаётган эди. Йирик аграр-

олимлар А. В. Чаянов, Н. Д. Кондратьев томонидан таклиф қилинган ва Н. И. Бухарин қўллаб-қувватлаган майда деҳқон хўжаликларини кўнгиллилик ва босқичма-босқичлик принциплари ҳамда давлатнинг ҳар томонлама кўмаги асосида турли шакллардаги кооперацияларга бирлаштиришни кўзда тутувчи модернизациялаш модели И. Сталин томонидан рад этилди.

Асосан 1930–1932 йиллари амалга оширилган ялпи коллективлаштириш деҳқон хўжаликларини, асосий ишлаб чиқариш воситаларини (меҳнат қуруллари, ишчи ва наслдор молларни) жамоа хўжаликларига бирлаштиришдан иборат бўлди. Ер давлат мулки эди. Деҳқон оилаларига қарашли ерларни битта колхоз (жамоа хўжалиги шундай аталган) даласига айлантириш унча катта муаммо эмасди. Аммо деҳқонлар фақат ерлари ва меҳнаткаш қўлларини колхоз ихтиёрига бериб қолмасдан, ўз отлари, хўкизларини ҳам умумий отхона ва молхоналарга топшириши лозим эди. Кейин одамлар «ортқича» сигирлари, қўйлари ва бошқа уй ҳайвонларини ҳам колхозга топшира бошладилар. Колхозчиларнинг (колхоз аъзолари шундай аталарди) колхозда ишлаган меҳнат кунига қараб (одатда йил охирида) ҳисоб-китоб қилинар ва натурал (ун, гўшт ва ҳ.к.) ёки пул шаклида иш ҳақи тўланар эди. Баъзан қурғоқчилик ёки бошқа сабабга кўра ҳосил бўлмай қолган даврда колхоз ўз аъзоларига ҳеч нарса бера олмайдиган йиллар ҳам бўларди. Бунда колхозчилар кичик бўлса-да, асосан томорқада етиштирган маҳсулотлар билан кун кўрарди. Аммо жуда бойиб кетиб, ўз аъзоларини шаҳардагидан кам бўлмаган шароит ва имконият билан таъминлаган намунавий колхозлар ҳам бўларди.

Ялпи коллективлаштириш 1930 йил 5 январда Бутуниттифок коммунистик партияси (большевиклар) Марказий қўмитаси (МК) нинг «Коллективлаштириш суръатлари ва колхоз қурилишига ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори чиққандан сўнг авж олди. Деҳқонларга кучли босим бошланди. Колхозларга турли имтиёзлар ва давлат ёрдами ваъда қилинди. Иккиланиб турган ўртаҳол деҳқонларни қулоқ қилиш билан кўрқитилди. Қулоқ қилиш бой деҳқон хўжаликларини еридан ва барча мол-мулкидан маҳрум қилиш эди. Мамлакат бўйича 600 минг бой деҳқон хўжаликлари хонавайрон қилинди. Қулоқлар оилалари мажбурий равишда мамлакатнинг бошқа ҳудудларига кўчирилди. 250 минг бой деҳқон оилалари тезда мол-мулкани сотиб, шаҳарларга қочиб кетди.

1930 йил мартда Сталин сурбетларча коллективлаштириш жараёнидаги «ҳаддан ошишлар» ва «четга чиқишлар»ни танқид қилди. Айниқса колхозларга киришдаги ихтиёрийлик принципининг бузилганлиги қаттиқ танқид қилинди. Бир қисм деҳқонлар ҳатто колхоздан қайтиб чиқишга ҳам эришди. Аммо 1930 йил кузда деҳқонларга босим қайтадан кучайди ва 1932 йилга келиб 60% дан кўп деҳқон хўжаликлари колхозларга бирлашди. 1937 йилга келиб эса мамлакатдаги 19,9 млн деҳқон хўжаликларининг 18,5 млн ни ёки 93% и колхозларга бирлашди.

Қишлоқ хўжалигини ялпи коллективлаштириш жараёнида мамлакат раҳбарлари:

- индустрлаштириш эҳтиёжлари учун зарур бўлган маблағларнинг қишлоқдан шаҳарга йиғилишини таъминлаш;
- кулоқларни социализм ғалабасидан манфаатдор бўлмаган ижтимоий қатлам сифатида бартараф қилиш;
- қишлоқ аҳолисининг бир қисмини шаҳарларга кўчириш ва саноатга жалб қилиш эвазига қишлоқда ошиқча аҳоли мавжудлиги муаммосини ҳал қилиш каби мақсадларга эришишга интилди.

Колхоз ёшлари ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб, шаҳарга жойлашишга ҳаракат қиларди. Мамлакатда кўплаб саноат объектлари қурилаётган бўлиб, уларда қишлоқдан келган малакасиз ишчиларга доим эҳтиёж мавжуд эди. Давлат ташкилотлари қурилишга асосан қишлоқдан ташкилий равишда ишга қабул қилишни амалга оширарди. Қишлоқ ёшларидан кимдир олий ёки ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кирар, бошқа бирлари ҳарбий хизматни танлар ва шу тариқа шаҳарликка айланарди. 1932 йили паспорт жорий қилинганда колхоз аъзоларига бу ҳужжатни бериш назарда тутилмаган эди. Колхозчилар фақат 40 йилдан кейин паспорт ола бошлади. 1960-йилларнинг охиригача колхозчиларга давлат пенсиялари ҳам берилмасди.

Коллективлаштиришнинг энг асосий натижаси деҳқонлар ижтимоий макомининг ўзгариши бўлди. Совет ташвиқотида деҳқонлар совет жамиятининг янги синфи, ишчилар синфининг иттифоқчиси дейиларди. Амалда эса 1930-йиллардан деҳқонлар ернинг, ўз меҳнати натижасининг эгаси бўлмай қолди, рағбатлантирувчи омил йўқолди, деҳқон давлатга қарам қишлоқ хўжалик ишчисига айланиб қолди. Қишлоқ ҳаётининг ҳамма жабҳалари партия-давлат раҳбариятига бўйсундирилди. Кўпчилик колхозчилар 1974 йилга-

ча паспортга эга эмасди, амалда яшаш жойига бириктириб қўйилганди.

Шу тариқа СССРда коллективлаштириш сиёсати амалга оширилди. Бунинг оқибатида қишлоқдаги ўзига тўқ деҳқонлар, ер эгаларининг барчаси мулкидан маҳрум қилинди, кўпчилиги кулок сифатида қамалди, сургун қилинди, қатл этилди. Коллективлаштириш оқибатида 15 млн га яқин деҳқон ўз ерларидан сургун қилинди, бир неча миллиони ҳалок бўлди. Коллективлаштиришнинг даҳшатли оқибати шу бўлдики, СССР мавжудлигининг сўнгги давригача озик-овқат билан ўзини ўзи таъминлай олмади. 1933 йилги даҳшатли очарчиликда Украина, Кубань, Волгабўйи, Жанубий Урал ва Қозоғистонда 7 млн гача киши очликдан ўлди.

1930-йиллар охирига келиб тобора бекарорлашиб бораётган дунё сиёсатида СССР ўзига хос ўрин эгаллайди. Дунёнинг 1/6 қисмини эгаллаган давлат раҳбарлари мамлакатда социализм асосан қуриб бўлинганлигини эълон қилди. 1936 йил охирида қабул қилинган СССР конституциясида умумий сайлов ҳуқуқи ва фуқаролик эркинликлари расман баён қилинса-да, амалда уларнинг бирортаси таъминланмади. Мамлакатда тўлиқ давлат ихтиёрида, қатъий марказлашган иқтисодга эга бўлган тоталитар сиёсий режим ўрнатилди. Конституцияга биноан федератив давлат бўлган СССР амалда унитар давлат эди. Миллий республикалар, жумладан, Ўзбекистон энг кам суверен ҳуқуққа ҳам эга эмасди. Жамият, ҳар бир шахс устидан давлатнинг мафкуравий назорати кенг миқёсда ва оммавий қатағонлар билан қўшиб олиб борилди. 1920–1930-йиллардаги қатағонларда турли ҳисоб-китобларга қараганда 5 млн дан 7 млн гача киши жабрланди, қатта қисми ҳалок бўлди.

1929–1933 йилларда И. Сталин зўравонлик, террористик усуллар билан миллионлаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган индустриаллаштириш ва коллективлаштиришни ўтказиб, «буюк бурилиш»ни амалга оширди. И. Сталин қатағонлар ва ижтимоий сафсатабозликка (социализмнинг «битта, алоҳида олинган мамлакатда» ғалабаси ҳақида, 1936 йилги «дунёдаги энг демократик» конституция ҳақида, халқнинг давлатни бошқаришдаги иштироқи ҳақида ва ш.к.) асосланган тоталитар тузумни яратди.

Маданий инқилоб. Саводсизликни тугатиш, янги типдаги совет мактаблари тизимини яратиш, «халқ зиёлилари» кадрларини гайёрлаш, большевиклар назорати остида ва марксча-ленинча маф-

кура асосида фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш тарихда «маданий инқилоб» номини олди.

Маданий инқилоб асосан биринчи ва иккинчи беш йилликлар давомида амалга оширилиб, унинг бош мақсади фан ва санъатни марксистик мафкурага бўйсундириш эди. Бу йўлда амалга оширилган дастлабки тадбирлардан бири саводсизликни тугатиш бўлди. 1926 йили 9 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳолининг 51,1%и саводли, айрим миллий ўлкаларда эса бу кўрсаткич ўта паст – 2,7% дан 9,1% гачани ташкил қиларди.

СССР таркибига кирган миллий республикалар, жумладан, Ўзбекистонда умумий мажбурий таълимни жорий қилиш учун мактаб бинолари, малакали кадрлар етишмаслигидан ташқари диний ва миллий урф-одатлар билан боғлиқ тўсиқлар ҳам мавжуд эди. Асрлар давомида ўзбек аёлининг ҳаёти шариат қонунлари ва улардан келиб чиққан урф-одатлар билан белгиланар, эркаклар онгида эса аёллар ҳақида қотиб қолган догмалар ва тасаввурлар устувор эди. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг қисқа вақт ичида ўзбек аёлларини озод қилиш вазифаси қўйилди.

Аммо бу масаланинг шошилинич ҳал қилиниши кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди. 1917 йилги октябрь давлат тўнтаришидан сўнг аёллар масаласи тўғрисида бир қатор: аёлларнинг эркаклар билан тенглиги, балоғат ёшига етмаган қизларни турмушга беришни тақиқлаш тўғрисида ва шу каби қонун ва қарорлар қабул қилинди.

1920-йиллари ташкил қилинган хотин-қизлар бўлимлари фаол тушунтириш ишларини олиб борди, махсус аёллар клублари, артеллар, магазинлар ташкил қилди, аёлларни саводхонликка, ҳунарга, савдога ўргатди. Бу ишлар асосан тушунтириш, ишонтириш орқали, зўравонликларсиз амалга оширилиб, жамиятда катта қаршиликларга учрамади.

Аммо анъаналар ва урф-одатларни ҳисобга олиб ўтказилган бу тадбирларнинг суръати большевиклар ҳокимиятини қаноатлантирмади. Бу жараёни сунъий равишда тезлаштириш учун 1927 йили «Хужум» деб ном олган ҳаракат бошланди. Большевиклар психологик ва диний омилни ҳамда хотин-қизларни тўлиқ озод қилиш учун ижтимоий муҳит етилмаганлигини инобатга олмадилар. «Хужум» кампанияси давомида зўрлик йўли билан 100 минглаб хотин-қизлар паранжиларини ташлади. Аммо ўзбек аёлларини жадал озод қилиш сиёсати фожиали оқибатларга олиб келди. 1927–

1928 йиллари Ўзбекистонда 2,5 минг фаол аёллар, хотин-қизлар клублари раҳбарлари, кутубхоначилар, ўқитувчи аёллар ўлдирилди.

1929 йилдан бутун СССР бўйлаб саводсизликни тугатиш ҳаракати авж олди. Бу ҳаракатга юз минглаб кишилар жалб қилинди. Саводсизликни тугатишда қатнашган кишилар сони 1930 йили 1 млн кишини ташкил қилди. 1930–1932 йиллари саводсизликни тугатиш бўйича ташкил қилинган турли мактабларда 30 млн киши ўқирди. Саводсизликни тугатиш учун мамлакатда мажбурий таълимни жорий қилиш лозим эди. 1930/31 ўқув йилидан бошлаб 8, 9, 10 ва 11 ёшдаги болалар бепул тўрт йиллик таълим билан қамраб олинди. Шу йили саноат шаҳарларида, фабрика- завод районларида, ишчилар шаҳарчаларида 4 йиллик таълимни битирган болалар учун етти йиллик мажбурий таълим жорий қилинди. Биринчи беш йиллик охирига келиб СССР ҳудудида умумий мажбурий таълим асосан жорий қилинди.

Биринчи ва иккинчи беш йилликларда бутун мамлакат бўйлаб кенг миқёсда мактаблар қурилиши олиб борилди. 1929 – 1932 йиллари 3,8 млн ўқувчига мўлжалланган 13 минг янги мактаблар, 1933–1937 йиллари эса яна 18778 та шундай мактаблар қурилди.

Аммо барчани баробар таълим тизимига жалб қилиш жараёни миллий ўлкаларда ўзига хос қийинчиликларга эга эди. Масалан, Ўзбекистонда ўғил болалар билан қизларнинг бир мактабда ўқиши, бир синфда ёки бир партада ўтириши, қизларнинг мактабларда паранжини ечиши асрлар давомида шаклланган диний урф-одатларга мос келмасди. Шуни ҳисобга олган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий кўмитаси 1930 йил октябрь пленумида ўзбек қизларини таълим жараёнига тўлиқ қамраб олишни, бунинг учун қизлар учун алоҳида мактаблар сонини оширишни маҳаллий органлардан талаб қилди.

Бу йиллари совет маданиятининг ривожланиши зиддиятли характерга эга эди. Бир томондан, аҳолининг саводлилиқ даражасини ошириш, фундаментал фаннинг энг муҳим соҳаларини ривожлантириш, илмий-техник кадрларни тайёрлаш объектив зарурат бўлса, бошқа томондан, совет ҳокимияти жамиятда ўзининг мафкуравий таъсирини кучайтириш ва бунда адабиёт, санъат ҳамда ижтимоий фанлар имкониятидан фойдаланишни биринчи даражали вазифа қилиб белгилади. Зиддиятлар, айниқса, анъаналар ва модернизация ўртасидаги муносабатда яққол кўзга ташланади. Масалан,

Ўзбекистон аҳолисини модернизацияга жалб қилиш бўйича советлар олиб борган сиёсат инглиз ва французларнинг ўз мустамлакаларида олиб борган шундай сиёсатига ўхшаб кетади. Аммо фарқ шундаки, совет давлати ўз сиёсатини жамиятни ўзгартириш мақсадида олиб борди ва шу сабабли совет ҳокимияти ўзбек халқи ҳимоя қилишга, сақлаб қолишга ҳаракат қилган миллий анъаналари, маънавий оламига бошқа мустамлака давлатларига нисбатан тажовузкор тарзда кириб борди. Советларнинг модернизация сиёсати Туркия ва Эрондаги шундай жараёнлар билан ҳамоҳанг эди. Аммо 1920–1930-йилларда советлар жорий қилган ҳаёт тарзининг ўзбеклар учун мутлақо бегоналиги Ўзбекистонда унга қарши кучли қуролли ҳаракатга олиб келди. Туркия ва Эронда эса бундай ҳаракат анча суёт эди. Бунинг бошқа бир сабаби шундаки, агар Туркия ва Эрондаги модернизация жараёнлари бунга эҳтиёжни ҳис қилган миллий лидерлар ва уларга эргашган зиёлилар томонидан миллий шиорлар остида ўтказилган бўлса, Ўзбекистондаги бу жараёнларга раҳбарлик Москвадан амалга оширилди ва мақсад ҳам миллатимиз иродасини акс эттирмади.

Маданий инқилоб ўзининг барча зиддиятларига қарамасдан, кўплаб жиддий муаммоларни ҳал қилди. Саводсизликка қарши қурашда катта муваффақиятларга эришилди. 1939 йилга келиб Совет Иттифоқи аҳолисининг 80 % и ўқиш ва ёзишни билар эди. Таълим тизими тўлиқ ислох қилиниб, 1930 йили мажбурий бошланғич таълим жорий қилинди. 1930-йилларнинг ўрталарига келиб бошланғич, ўрта, ўрта махсус ва олий таълимни ўз ичига олган совет таълим тизими шаклланди. Гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида таълимнинг мафқуравий жиҳатига асосий эътибор қаратилади.

Натижада янги, совет интеллигенцияси шаклланди, эски интеллигенцияга большевиклар ҳокимияти хавфсираб қаради. 1922 йил кузда большевикларнинг мафқуравий қарашларини маъқулламаган 160 нафар йирик олимлар, файласуфлар, тарихчилар, иқтисодчилар Россиядан чиқариб юборилди. Большевиклар мафқураси динга қарши фаол ташвиқотда ҳам намоён бўлди, черковлар, масжидлар вайрон қилинди, улар мулклари таланди.

Эски интеллигенция вакилларида аграр-олимлар Н. Д. Кондратьев, А. В. Чаянов, файласуф П. А. Флоренский, йирик биолог-генетик Н. М. Вавилов, ёзувчилар О. Э. Мандельштам, А. Б. Бабель, Б. А. Пильняк, актёр и режиссёр В. Э. Мейерхольд ва бошқа кўплаб

зиёлилар қатагон қилинди. Авиаконструкторлар А. Н. Туполев, Н. Н. Поликарпов, физик Л. Д. Ландау, аэродинамика институти-нинг асосчиларидан бири С. П. Королёв ва бошқалар қамалди.

Шу йиллари Ўзбекистонда ҳам кўплаб олимлар, маданият хо-димлари, ёзувчилар қатагон қилинди.

Мамлакатни индустрлаштириш жараёни кўплаб малакали иш-чилар ва техник ходимларни талаб қилар эди. СССРда қишлоқ хўжалик ва техник олий ўқув юртлари очилди. Олий ўқув юртлари 1913 йилга нисбатан 8 марта кўпайиб, 817 та институт ва универ-ситетларни ташкил қилди. Мутахассислар сони 1917 йилги 1,5 млн киши ўрнига 1941 йили 20 млн кишига етди. Ўзбекистонда ҳам би-ринчи беш йиллик охирига келиб, олий ўқув юртлари сони 2 тадан 18 тага кўпайди. Талабалар сони ҳам 1928 йилги 4 мингтадан 1932 йили 12,2 минг кишига етди.

1938 йили И. Сталин таҳрири остида нашр қилинган «ВКП(б) тарихи қисқа курси» қарийб йигирма йил ўқув юртларидаги таъ-лим ва ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар учун асосий ориентир бўлиб қолди. Бу бутун совет давлати тарихида давом этган партия ва дав-лат раҳбари асарларининг ўқув юртларида мажбурий ўқитилиши жараёнини бошлаб берди.

Адабиёт ва санъат ривожланиши тўлиқ коммунистик мафку-рага бўйсундирилиб, социалистик реализм расмий бадиий тамо-йилга айланди. Бу тамойилга қўшилмаган кўплаб миллий маданият вакиллари қатагон қилиниб, «шаклан миллий, мазмунан социалис-тик» деб аталган маданият яратилди.

Ташқи сиёсат. 1920-йилларда советлар ташқи сиёсатининг асо-сий вазифаси янги ҳокимиятнинг халқаро миқёсда тан олиншига эришиш бўлди. Совет ҳукумати ташқи сиёсатининг мураккаблиги шунда эдики, у миллий манфаатлардан ташқари коммунистик маф-куранинг ҳам устуворлиги асосига қурилган эди. Совет ҳукумати давлат бюджетидан жуда катта маблағни жаҳонда коммунистик ва инқилобий ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга сарфларди. Бундан ташқари, совет ҳукумати Чор Россияси ва Муваққат ҳукуматнинг қарзларини тўлашдан, ҳамда Россияда ўтказилган национализация жараёнида чет эллик инвесторлар қўрган зарарни қоплашдан бош тортди.

1919–1920 йиллардаги совет-поляк урушининг яқунланиши ва 1920 йили Врангелнинг тор-мор қилиниши амалда вайрон қилинган

мамлакат хўжалигини тиклашнинг янги босқичига ўтиш имконини берди. Бироқ, қатъий чеклашларга эга бўлган ҳарбий коммунизм сиёсати ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омил – манфаатдорликнинг йўқлиги (бу омил кўпинча зўравонлик билан алмаштирилган) хўжаликни жадал тиклашга тўсиқ бўлаётган эди.

Шунга қарамасдан, фуқаролар уруши тугаб, совет давлатида ички сиёсий тизим барқарорлашган сари, илгари уни бойкот қилган давлатлар дипломатик ва савдо алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида у билан музокаралар бошлади.

1930-йиллари жаҳонда юз бераётган жараёнлар СССР хавфсизлигига катта таҳдид солаётган эди. 1931–1932 йиллари Япония Манжурияни босиб олиб, иккала давлат ўртасида кескинликни юзага келтирди. 1938 йили Ҳасан кўли атрофида японлар СССР худудига бостириб кирди. 1939 йили японлар Мўғулистонга бостириб киргандан сўнг, унинг иттифоқчиси бўлган СССР ҳам Мўғулистонга қўшин киритди. Халхин-Гол дарёси ёнидаги жангда японлар мағлубиятга учради. 1941 йил апрелда Москвада ўзаро хужум қилмаслик тўғрисида совет-япон шартномаси имзоланди.

Европа йўналишида Германия солаётган хавфни бартараф этиш мақсадида совет ҳукумати Буюк Британия, Франция ва бошқа давлатлар орасида ўзига иттифоқчилар излай бошлади. 1934 йили Совет Иттифоқи Миллатлар Лигасига аъзо бўлди. Аммо бу вақтга келиб халқаро муносабатларнинг ва советлар ташқи сиёсатининг муҳим омили тинчлик ва халқаро тартибга хавф солаётган Германия бўлиб қолди.

Албатта, тинчликка асосий хавфни Германия солаётган эди. Аммо Совет Иттифоқининг бу даврдаги ташқи сиёсатини ҳам тўлиқ тинчликсевар деб бўлмайди. Зотан ўзининг бутун тарихи давомида Россия империяси юритган ташқи сиёсатнинг моҳиятини ўзгалар ерини босиб олиш ҳисобига ўз худудини кенгайтириш ташкил қилади. Рус тарихчиси В.О. Ключевскийнинг ибораси билан айтганда, Россиянинг бутун тарихи давомида давлат кенгайиб, халқ эса хароб бўлиб борди.

Раппало шартномаси имзолангандан сўнг Совет Иттифоқи ва Германия ўртасидаги муносабатлар яхшиланиб борди. Германия Россия худудида концессияга, энг муҳими рейхсвер (ҳарбий ҳаво флоти) учун кадрлар тайёрлаш имкониятига эга бўлди. Москва

остонасида Юнкерс фирмаси авиа завод курди, Самарада кимё фабрикаси ишга туширилди. Липецк бўлғуси немис учувчилари учун машқ худудига айланди. Яна шуни айтиш лозимки, бўлғуси машхур немис генерали Г. Гудериан танкларни ўрганишни Қозондаги ҳарбий билим юртида бошлаган, бўлғуси фельдмаршал В. Кейтель эса ҳатто бир муддат Москвадаги ҳарбий академияда дарс берган. Айни пайтда совет қўмондонларининг кўпчилиги Берлинда ўз малакаларини оширдилар. Шундан бўлса керак, 1936 йили А. Гитлер биз билан (нацистлар билан демокчи) большевикларни ажратувчи томонлардан кўра бирлаштирувчи жиҳатлар кўпроқ, деган эди. Буларнинг ҳаммаси дунёда вужудга келган кучлар нисбати билан қўшилиб, 1939 йил 23 август куни Москвада СССР ва Германия ўртасида ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартнома (Молотов – Риббентроп пакти) имзоланишига олиб келди. Шартномага илова қилинган махфий протоколда СССРнинг геостратегик манфаатлари чегараси аниқланди. Унга кўра Финляндия, Болтиқбўйи давлатлари, Польшанинг шарқий қисми, Бессарабия СССР манфаатлари зонаси деб белгиланди. Яъни уруш бошланиши билан СССР шу худудларни ўзиники ҳисоблаши мумкин эди. Шу шартномага биноан 1939 йил 17 сентябрь куни совет қўшинлари Польшага бостириб кирди, Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия СССР таркибига қўшиб олинди. Шу даврда Руминиядан Бессарабия тортиб олиниб, Молдавия Совет республикаси ташкил қилинди. 1939 йил ноябрда советлар Финляндияга қарши уруш бошлаб, 1940 йил мартда Москвада имзоланган шартномага кўра Финляндиянинг 11 % худуди мажбуран СССР таркибига киритилди.

Хуллас, большевиклар ўтказган жуда катта миқёсдаги эксперимент иккита жаҳон урушлари оралиғида миллионлаб кишиларни ҳалок қилди, ўн миллионлаб кишиларнинг одатий турмуш тарзини бузиб ташлади, бутун бошли миллатлар тақдирига таъсир кўрсатди. Улар жуда катта қурбонлар эвазига, оммавий сафарбарлик ва зўравонлик усули билан иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қудратли давлатни барпо қилдилар.

СССР Иккинчи жаҳон уруши йилларида. Иккинчи жаҳон урушининг Германия СССРга бостириб кирган 1941 йил 22 июндан то 1945 йил 9 майгача бўлган даври совет ва Россия тарихшунослигида «Улуғ ватан уруши» номини олган. Уруш одатда тарихчилар томонидан уч босқичдан иборат деб ўрганилади. 1941 йил 22 июн-

дан 1942 ноябргача урушнинг биринчи босқичи, 1942 йил 19–20 ноябрдан 1943 йил декабргача – иккинчи босқичи ва 1944 йил январдан 1945 йил 9 майгача – учинчи босқичини ташкил қилади.

Бу уруш СССР учун ҳалокатли бошланди. Қизил армиянинг 5 млн жангчиларидан кўпчилиги ҳалок бўлди ёки асирга тушди. Бутун уруш давомида асирга тушганлардан 3,2 млн киши лагерларда ҳалок бўлди, қайтмади ёки қайтиш жараёнида ўлди. Факат жуда кам фоиизи немисларга хизмат қилишга рози бўлди. Аммо оккупация қилинган ҳудудларда большевиклар ҳокимиятига нафрат билан қаровчи кўплаб шахслар немисларга хизмат қилди. Умуман немислар сафида туриб Қизил армияга қарши курашган собиқ совет фуқаролари сони 1 млн 200 минг кишига яқин эди.

Урушнинг биринчи босқичида немислар тўлиқ устунликка эришди. Дастлаб Германияга қарши турган ҳудудлардаги совет кўшинлари сони 2,9 млн киши эди. Биринчи ҳафтадаёқ Германия кўшинлар сони бўйича 3–4 марта, асосий ҳужум йўналишида 5–6 марта устунликка эришди. Шунга қарамадан, совет жангчилари кўплаб километрга чўзилган мудофаа линиясида немислар ҳужумининг шаштини пасайтиришга эришди. 1941 йил 1 июлда 5,3 млн киши ҳарбий хизматга чақирилди. СССР Олий Совети Президиумининг қарори билан қамоқдаги кўплаб кишилар озод қилинди. 420 минг сиёсий маҳбуслар ҳам лагерлардан озод қилиниб, фронтга жўнатилди. Умуман уруш йиллари 975 минг маҳбуслар жазодан озод қилиниб, урушга сафарбар этилди. 42 ёшдан катта кишилар кўнгилли равишда халқ лашкарларига кўшилиши мумкин эди. 1941 йил июль – октябрь ойларида халқ лашкарлари сони 1,7 млн кишига етди ва улардан 40 та дивизия ташкил қилинди. Халқ лашкарларининг 15 дивизияси урушнинг охиригача қатнашди. 1941 йил ноябрь – декабрь ойларига келиб ҳаракатдаги армияда 6,6 млн киши жанг қилаётган эди.

Уруш бошланиши билан мамлакат ҳарбий лагерга айлантирилди. Жуда улкан эвакуация жараёни амалга оширилиб, аҳоли, ускуналар, бутун бошли завод ва фабрикалар мамлакат шарқига, жўнатилди. Шу йиллари Ўзбекистонга ҳам юзга яқин саноат корхоналари эвакуация қилинди.

1941 йил 5–6 декабрь кунлари совет кўшинлари Москва остоналарида дастлабки ғалабани қўлга киритиб, мамлакат пойтахтининг босиб олиниш хавфини бартараф қилди.

Урушнинг иккинчи босқичидаги энг йирик жанг Сталинград остоналарида бўлиб ўтди. 1942 йил 19–20 ноябрь кунлари Қизил армия кўшинлари Сталинград остоналарида қарши ҳужумга ўтди. Дўшманнинг 22 та дивизияси (330 минг аскар) қуршаб олинди. 1943 йил 31 январь – 2 февраль кунлари фашистларнинг 6-армияси тормор қилинди, тирик қолган 90 минг киши фельдмаршал Ф. Паулос бошчилигида асир тушди.

Сталинград жангида иккала томондан 2 млн дан зиёд жангчи иштирок этди. Бу жангда Қизил армиянинг ғалабаси стратегик ташаббусни қўлга олиш, жануби-ғарбий йўналишда бутун фронт бўйлаб ҳужумга ўтиш имконини яратди.

Сталинград жангидан сўнг немислар Шимолий Кавказни ташлаб чикди, 600–700 км га чекинди, совет-герман frontiдаги ўз қўшинларининг 40% ини йўқотди.

1943 йил июль – август ойларида жуда катта Курск танклар жанги бўлиб ўтди. Курск жангида 4 млн дан зиёд киши қатнашди. Бу жангдан сўнг стратегик ташаббус тўлиқ совет қўмондонлиги қўлига ўтди. Шу даврдан бошлаб СССР ҳудудини озод қилиш бошланди.

1943 йил ёз – кузида Смоленск, Днепр дарёсининг чап қирғоғидаги Украина ерлари Киев шаҳри билан озод қилинди.

Урушнинг учинчи босқичи 1944 йил 27 январда 872 кун давом этган Ленинград камалини тўлиқ бартараф этиш билан бошланди. 1944 йил давомида Украина, Белоруссия, Карелия тўлиқ озод қилинди. Польша, Чехословакия, Венгрия, Руминия, Болгария, Югославия, Австрияни озод қилиш бошланди.

1945 йил 16 апрель – 2 май кунлари Берлин операцияси амалга оширилиб, Учинчи рейх пойтахти қамал қилинди ва шиддатли жанг билан олинди. Рейхстаг устига советларнинг кизил байроғи қўндирилиб, Европада уруш якунланди.

* * *

1917 йили Россияда ҳокимиятга келган большевиклар инсоният тарихидаги микёси бўйича энг кенг, натижалари бўйича энг баҳсли экспериментни амалга оширди. Кўплаб халқлар, миллатлар яшайдиган жуда катта ҳудудда ўтказилган ислохотлар натижасида янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга асосланган жамият қурилди. Инсон ресурсларини шафқатсиз эксплуатация қилган бу тоталитар режим қудратли иқтисодиёт ва армияни барпо қилиб, Иккин-

чи жаҳон урушида бошқа бир тоталитар режим – фашизм устидан ғалаба қозонишга эришди.

ХII боб бўйича саволлар

1. Биринчи жаҳон урушидан кейин бир қатор янги модернизация мамлакатларида тоталитаризмнинг ўрнатилишига нима сабаб бўлди? XX асрдаги тоталитар тузумларнинг мафкуравий асослари ҳақида гапириб беринг.
2. 1917 йили Россияда большевиклар ҳокимиятининг ўрнатилишига мамлакатда вужудга келган қандай иқтисодий ва сиёсий ҳолатлар сабаб бўлди?
3. СССРдаги индустрлаштириш ва коллективлаштириш сиёсатларининг мақсадлари нимадан иборат эди? Улар қандай оқибатларга олиб келди?
4. Маданий инқилоб қандай мақсадларни ўз олдига қўйди ва қандай натижаларга эришилди?
5. Совет тоталитар тузumi уюштирган қатағонлардан кўзланган мақсад нимада эди? Оммавий қатағонлар совет жамиятига қандай таъсир кўрсатди?
6. 1920-йиллари совет ташқи сиёсатининг асосий вазифалари ва мураккаб жиҳати нималардан иборат эди?
7. 1930-йиллари советлар олиб борган ташқи сиёсатнинг тажовузкор жиҳатлари нималарда намоён бўлади?

ХIII БОБ. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИГИДА ГЕРМАНИЯ: ФАШИСТЛАРНИНГ ҲОКИМИЯТГА КЕЛИШИ

1918 йилги инқилоб. 1918 йил ёзида Ғарбий фронтда немис армияси сўнгги ҳужумининг барбод бўлиши мамлакатда инқилобий ҳолатнинг вужудга келишига туртки бўлди. Шундай шароитда қаршиликнинг фойдасизлигини тушунган армия қўмондонлиги 4 октябрь куни АҚШ президенти В. Вильсонга сулҳ таклифи билан мурожаат қилди. 5 октябрь куни кайзер Вильгельм II Люндендорфнинг истеъфосини қабул қилди ва шу Люндендорфнинг таклифига социал-демократларни инобатга олган ҳолда коалицион ҳукумат тузишни ўз жияни шаҳзода Макс Баденскийга топширди. Бу тadbирлар инқилобий портлашни ортга суриши ва бўладиган тинчлик музокараларида Германиянинг имижини кўтариши лозим эди.

Шу куни парламентаризм руҳида сиёсий ислоҳот ўтказилиши, жумладан, ҳукуматнинг Рейхстаг олдида масъуллигини ўрнатиш, юқори давлат ва ҳарбий лавозимларига тайинлашда, ижтимоий тадбирлар ҳақида қарорлар қабул қилишда ижро ҳокимиятининг ҳуқуқларини чеклаш эълон қилинди. Бундан ташқари янги канцлер голиб давлатларнинг Германияга нисбатан ижобий муносабатини таъминлашнинг зарурий шарти сифатида кайзернинг тахтдан воз кечишини ҳам қараётганлиги маълум бўлди. 29 октябрь куни бир гуруҳ олий лавозимли генераллар деярли зўрлик билан императорни олий бош қўмондон ставкаси жойлашган Спа шаҳрига олиб кетди.

Тобора чуқурлашиб бораётган ҳукумат инкирози шароитида 1918 йил ноябрь бошларида Германияда инқилобий воқеалар бошланиб кетди. Бунга сабаб 3 ноябрь куни Киль шаҳрида ҳарбий ҳаракатларни давом эттиришдан бош тортиб, ишчи ва солдат депутатлари Советини тузган ҳарбий морякларнинг чиқиши бўлди. Инқилобий тўлқин 9 ноябрь куни Берлинга етиб келди. Шаҳар стихияли намоишлар ва митинглар билан қамраб олинди. Канцлер Макс Баденский ўзбошимчалик билан императорни тахтдан воз кечган деб эълон қилди, ўз ваколатларини топширди ва Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар ҳукуматни бошқаришни Рейхстагдаги энг катта фракция раҳбари Фридрих Эбертга таклиф қилди. Гинденбургнинг бош қўмондон вазифасида қолиши кафолатини олган ҳарбий доиралар янги ҳукуматни кўллаб-қувватлади. Аммо ишчилар ҳаракати энг радикал қисмининг таъсирини камайтириш учун Германия социал-демократик партияси (ГСДП) раҳбарлари зудлик билан республикани эълон қилиш ва Германия мустақил социал-демократик партияси (ГМСДП) билан коалицион ҳукумат тузишга мажбур бўлди. Бу ҳукумат Халқ вакиллари кенгаши (ХВК) номини олди. Эски маъмурий органлар билан мувозий равишда Ишчи депутатлар кенгаши, Кизил гвардия отрядлари тузилди.

ХВК Таъсис мажлисига сайловлар ўтказиш ва урушни тугатишни ўзининг асосий мақсади деб эълон қилди. 11 ноябрда Антанта билан Компьен сулҳи имзоланди. Уруш даврида жорий қилинган конституциявий чекловлар бекор қилинди, аскарларни ҳарбий хизматдан қайтариш ва саноатни тинчлик даври маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтириш бошланди. ХВК томонидан қабул қилинган «Меҳнат ҳамкорлиги тўғрисида келишув» касаба уюш-

малари тузилишини ва уларнинг жамоавий шартномалар тузиш ҳукукини легаллаштирди. Айти пайтда, ҳукумат халқнинг бевосита инқилобий ҳаракатини, сўл радикал партиялар таъсирини чеклашга ҳаракат қилди. 16–21 декабрь кунлари Берлинда ўтказилган Советларнинг I умумгерман съезди инқилобнинг ривожланишида бурилиш нуқтаси бўлди. Кескин мунозаралардан сўнг съезд Таъсис мажлисига сайловлар ўтказиш ва унга янги давлат қурилиши бўйича конституциявий ваколатларни бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Сўл кучлар Германияда буржуа-демократик республика тузилишининг олдини олиш учун ягона усул – сиёсий зўравонликни янада кучайтириш сари йўл тутди.

1918 йил 30 декабрда «Спартак» гуруҳи ва сўл радикаллар ҳаракатининг конференцияси бўлди ва унда Германия коммунистик партияси (ГКП) тузилганлиги эълон қилинди. Янги партиянинг мақсади инқилобий кучларни жипслаштириш, пролетариат диктатураси ўрнатиш учун кураш, буржуа давлатчилигини тўлиқ бекор қилишдан иборат бўлди.

Коммунистлар дарҳол қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўриш тўғрисида қарор қабул қилмади. Аммо 1919 йил январда Берлинда ишчиларнинг стихияли чиқишлари бошланганда ГКП бу ҳаракатни қўллаб-қувватлади. ГМСДП ҳукумат коалициясидан чиққандан сўнг унинг аъзолари бўлган давлат амалдорларининг ишдан бўшатилиши январь воқеалари учун баҳона бўлди. Берлин кўчаларида митинглар ва полиция билан тўқнашувлар бошланиб кетди. Ҳукумат армия ёрдамида 12 январга келиб қўзғолонни бос тирди. Қўзғолоннинг бостирилиши мамлакатда оқ террор бошланиши учун туртки бўлди. 15 январь куни коммунистлар етакчилари Карл Либкнехт ва Роза Люксембург ўлдирилди.

Кейинги ойлар давомида сўл кучларнинг кичик-кичик жанглари бўлиб ўтди. Улар ўз миқёси бўйича анча кенг, аммо тарқок эди. Январда Бремен совет республикаси эълон қилинди, февралнинг ўртасида эса Рейн-Вестфалия вилоятида иш ташлаш ҳаракати авж олди, апрелда Бавария совет республикаси эълон қилинди. Бу чиқишларнинг барчаси маҳаллий полиция отрядлари, ҳарбий қисмлар, уруш фахрийларининг кўнгилли отрядлари томонидан бостирилди.

Зўравонликнинг кучайиши Германия инқилобининг сўнгги босқичига фожиавий характер бахш этди. Шунга қарамадан, инқи-

лобнинг асосий натижаси Германияда монархиянинг ағдалиши, сиёсий ва ижтимоий соҳада демократик ислохотларнинг бошланиши бўлди ва Германиянинг урушдан чиқишини тезлаштирди. Германия инқилобининг ўзига хос томони амалда давлат тузумининг тинч йўл билан алмашиши бўлди. Бундай ҳаракатнинг етакчиси бўлиб ўзи инқилобий партия бўлмаган, аммо инқилобий жараёнларни ҳуқуқий ўзгаришлар оқимига солишга муваффақ бўлган ГСДП чиқди. Германия инқилобининг парадокси шундаки, унинг асосини сўл ва ўта сўл партиялар ўртасидаги кураш ташкил қилди, бошқа сиёсий кучлар эса пассив ҳолатда бўлди.

Веймар республикаси. 1919 йил 19 январда, Берлинда энди қуролли кўзғолонни бостириш якунланганда, Таъсис мажлисига сайловлар бўлиб ўтди. Унинг натижалари Германияда сиёсий кучлар мувозанатида жиддий ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатди. Сўл партиялардан ГСДП – 163 та ва ГМСДП – 22 та мандатга эга бўлди. Инқилоб даврида бу партиялар ўртасида вужудга келган зиддият уларга ягона блок ташкил қилиш имконини бермади. Бундан ташқари ГСДП Германияда давлат тузумини демократлаштириш ва ҳар қандай инқилобий экстремизмни бартараф этишга йўналтирилган барқарор кўпчилиқни парламентда ташкил қилиш тарафдори бўлиб чиқди. ГСДП бу йўналишда ўз иттифоқчилари сифатида Немис демократик партияси (НДП) ва Марказ партиясини қараётган эди.

Таъсис мажлисида ўнг қанотни Немис халқ партияси (НХП) ва Немис миллий халқ партияси (НМХП) ташкил қилди. Густав Штретземан бошчилигидаги НХП ўнг республикачи партия бўлиб, миллий-либераллар ҳам улар қаторига қўшилди. Партиянинг дастури «кучли миллий давлат» ва либерал йўналишдаги жадал сиёсий ва иқтисодий ислохотлардан воз кечиш ғоясига таянди. Умуман Таъсис мажлиси мамлакатдаги сиёсий кучларнинг ҳолатини акс эттирмасди. Аммо сайловларда аҳолининг 83% и қатнашиши Таъсис мажлисининг легитимлигини шубҳа остига олишга ҳам сабаб туғдирмайди.

1919 йил 31 июлда Германиянинг янги конституцияси қабул қилинди ва Таъсис мажлиси ўтказилган шаҳар номидан Веймар конституцияси деб аталди. Халқ суверенитети, халқ бирлиги, озодлик, ижтимоий адолат конституциянинг асосий принциплари деб эълон қилинди. Конституция Германия империясини бекор қилмади,

аммо президентли-парламентли республика тузумини ва федератив давлат тузилишини ўрнатди. Собиқ «иттифокчи давлатлар» ўз ваколатли органлари – ландтагларга эга бўлган ерларга айланди. Веймар конституцияси империя қонунларининг ерлар қонунларидан устуворлигини ўрнатди. Қуйи палата – Рейхстаг ҳокимият тизимида энг катта ваколатга эга бўлди, жумладан қонунчилик жараёнини назорат қиларди. Рейхстаг 4 йил муддатга тўғридан-тўғри ёпиқ овоз бериш орқали сайланарди. Умумхалқ овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланадиган президент республика тузуми барқарорлиги ва империя бирлигининг кафолати сифатида қаралди. Президент ҳукумат бошлиғи – рейхсканцлерни, канцлер таклифига кўра империя вазирларини, юқори лавозимли шахсларни тайинлаш ҳамда лавозимидан озод қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Президент қуролли кучлар бош қўмондони, халқаро миқёсдаги ишларда империя вакили, фавқулодда ҳолат эълон қилиш ҳуқуқига эга эди. Конституция муаллифлари президентга шунчалик кенг ваколатлар берар эканлар, президент сайловининг умумхалқ характери унинг шахсий диктатураси ўрнатилишига қарши кафолат бўлади, деб ўйлагандилар.

Бундан ташқари, Веймар конституцияси шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ижтимоий ҳаёт, ижтимоий-иқтисодий соҳани ҳам тартибга солди. Барчанинг, эркак ва аёлларнинг, «империянинг бошқа тилда сўзлашувчи қисми аҳолисининг» қонун олдида тенглиги, шахснинг ва яшаш жойининг дахлсизлиги, ёзишмаларнинг сир сақланиши, сўз ва кўчиб юриш эркинлиги, иттифоқлар ва жамиятлар тузиш эркинлиги, виждон эркинлиги эълон қилинди. Черков жамоат корпорацияси сифатида давлатдан ажратилди. Конституция умумий мажбурий мактаб таълимини жорий қилди, давлатга тадбиркорларни, аҳолининг ўрта қатлами ва ишчиларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш воситаларини миллат манфаатлари учун компенсация асосида социализациялашни амалга ошириш мажбуриятини юкледи. Хусусий масалалардаги бошқа қўллаб-қувватлаш ҳам фуқароларнинг ўзаро ва давлат билан муносабатларида ижтимоий мустақиллик ва ижтимоий жавобгарлик ғояларига таянди. Шундай қилиб, Веймар конституцияси классик либерал конституционализм модели аъёнларини енгиб ўтган янги типдаги биринчи конституция бўлди.

Веймар конституцияси муаллифлари жамиятнинг ҳокимият тизимини ташкил қилишда либерал конституционализм (аввало, Аме-

рикадаги) анъаналарини ҳисобга олиб, ижтимоий йўналтирилган демократик давлат вариантини яратишга интилдилар. Бу тажриба XX асрда жаҳон конституцион жараёни ривожига улкан таъсир кўрсатди, аммо урушдан кейинги немис жамиятининг ўзига хос томонлари нуқтаи назаридан қараганда, жиддий камчиликларга эга эди. Веймар конституцияси ривожланган фуқаролик жамияти, бирқарор консенсусли сиёсий маданият, демократик кадриятларнинг умумий тан олинганлиги мавжудлигини назарда тутган эди. XIX аср охири – XX аср бошларида Германия ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи жуда улкан зиддиятлар комплексининг мавжудлиги ўз даврининг энг демократик ва мукамал конституциясини ҳам фойдасиз қилиб қўйди.

Германиянинг иқтисодий аҳволи ва Версаль шартномаси. Уруш тугашига келиб Германия тўлиқ иқтисодий вайронгарчилик ҳолатига тушиб қолди. Саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми урушдан олдингига нисбатан 1918 йили 57% ни, 1919 йили – 37,8% ни ташкил қилди. Урушга сарфланган умумий харажатлар 150 млрд маркани ташкил қилган ҳолда, шу даврда тўпланган умумий маблағ 35 млрд маркадан ошмади. Хомашё ва ёнилғи захиралари тўлиқ тугатилди. Урушдан олдинги иқтисодий алоқалар издан чиқди, транспорт инфратизими бузилди. Қишлоқ хўжалигида моллар сони кескин камайиб, бошоқли ва техник экинлар ҳосилдорлиги ҳам пасайиб кетди. Гиперинфляция миллий молия тизимининг асосларини бузди, фуқароларнинг шахсий омонатларини йўққа чиқарди. Реал иш ҳақи 1900 йилга нисбатан 72% ни ташкил қилди. Иқтисоднинг ҳолдан тойиши чуқур тизимли қайта қуришни ва оммавий инвестицияни талаб қиларди, аммо бунинг учун мамлакатда ички манбалар мавжуд эмасди.

1919 йил 28 июнда Версалда имзоланган тинчлик шартномаси Германиянинг урушдан кейинги ривожланишида беқарорликнинг қудратли омилига айланди. Уруш учун айбдор деб эълон қилинган Германия Африка ва Тинч океанидаги барча мустамлакаларидан, Шарқий Пруссияни ажратиб қўйган «Данциг коридоридан», Эльзас ва Лотарингиядан ва бошқа жами 7,3 млн аҳолига эга бўлган 73,6 минг кв км ҳудудидан маҳрум бўлди. Бу мамлакат ҳудудининг 13% ини, аҳолисининг 10% ини ташкил қиларди. Бу ҳудудлар билан бирга Германия саноат хомашёсининг асосий манбаидан ҳам айрилди. Шунингдек, немис денгиз ва темир йўл транспортининг

катта қисми, жумладан, 5 мингта паровоз ва 150 мингта вагонлар ғолибларга берилди. Германиянинг ҳаво кенгликлари учуш учун ва тўртта йирик дарёлар кемалар катнови учун эркин зоналар деб эълон қилинди. Версаль шартномаси Германияга янги турдаги куруллар ишлаб чиқаришни тақиқлади, рейхсвер – курулли кучлар сонини 100 минг кишигача қисқартириш мажбуриятини юкледи, умумий ҳарбий мажбурият тизими бекор қилинди. Гарбий чегарадаги ҳарбий истеҳкомлар йўқ қилинди, Рейн вилояти демилитаризациялашган ҳудуд деб эълон қилинди, Рейн дарёсининг чап қирғоғида Антантанинг оккупацион кўшинлари жойлаштирилди. Германиянинг иқтисодий макони, сув йўллари ва аэродромлари ғолиб давлатлар учун очилди. 1920 – 1921 йиллардаги музокаралар натижасида жуда катта репарация суммаси – олтин ҳисобида 132 млрд марка тўлаши белгиланди. Ўрнатилган график бўйича қарзни тўлаш учун Германия ҳар йили ғолиб давлатларга ўз йиллик ялпи миллий маҳсулотидан уч баробар кўп суммани бериши лозим эди.

Версаль шартномаси иқтисодий оқибатларининг жуда оғирлигига қарамасдан, Германия учун сиёсий оқибатлари янада ҳалокатли бўлди. Бир неча ўн йил миллий юксалиш, ғалабалар, умидлардан сўнг немислар мағлубият аламини, шармандали тинчлик шартномаси таҳқирини, янги муаммолар олдида иложсизлик домини ҳам татиб кўрдилар. Бу таъсири иқтисодий вайронгарчиликлардан кам бўлмаган ижтимоий-руҳий инкирозга олиб келди. Немислар тафаккури учун улар армияси урушда батамом тор-мор қилинмаганлигини англаш жуда муҳим эди. Немислар АҚШ президенти В. Вильсоннинг «14 банди» асосидаги яраш шартларига рози бўлиб, бу шартлар ҳарбий можаронинг бир томонини тотал жазолашни кўзда тутмаган эди. Версаль тинчлик шартномасининг жуда оғир шартлари немислар учун ҳеч қутилмаган ҳодиса, Германия урушининг ягона айбдори деб топилиши эса ўтакетган адолатсизлик бўлди. Буларнинг барчаси немис жамияти оммавий онгини реваншизм касалига дучор қилди, энг экстремистик сиёсий гояларни сиёсий майдонга олиб чиқди.

Париж тинчлик конференциясининг Германия учун фожиали яқунланишига қарамасдан, Веймар демократиясининг бошида турган сиёсий кучлар – «Веймар коалицияси» мамлакатдаги ҳолатни барқарорлаштиришга ҳаракат қилди. Улар саноат магнатларининг қўллаб-қувватлаши билан бирга, Веймар демократияси ғояларини

кабул қилган маданият ва фаннинг атоқли намояндалари обрўсидан ҳам фойдаланишга интилди.

«Веймар коалицияси» дастурини амалга ошириш йўлидаги тўсик тобора чуқурлашиб бораётган иқтисодий инқироз бўлди. Шундай шароитда давлатнинг қатъий тартибга солишидан воз кечиб, бозор муносабатларини либераллаштиришга ўтиш ҳалокатли оқибатларга олиб келди. Урушдан кейин саноат ва фонд бозорини тизимли қайта қуриш ташаббусини қўлдан берган, жуда оғир ижтимоий юкни ўз зиммасига олган ҳукумат солиқларни ошириш ва қоғоз пул ҳажмини кўпайтириш йўлидан боришга мажбур бўлди. Бу қисқа вақт ичида давлат қарзининг жуда катта миқдорда ошишига олиб келди. 1918 йили бу қарз 50 млрд марка бўлса, 1919 йили – 86 млрд марка, 1920 йили – 153 млрд маркани ташкил қилди. Муомаладаги қоғоз пуллар миқдори 1918 йил охирида 23 млрд марка бўлса, 1919 йили – 46 млрд марка, 1920 йили – 92 млрд маркага кўпайди. Фақат 1919–1920 йилларнинг уч ой кишида марка 1/3 марта қадрсизланди. Мамлакат гиперинфляция гирдобига тушиб қолди. Бундай шароитда республикага қарши кучларнинг жадал жипслашуви юз берди.

«Капп исёни» ва Рур инқироzi. Версаль шартномасини бажаришдан норози бўлган консерватив гуруҳлар, миллатчи партия ва ташкилотлар ҳукмрон «Веймар коалицияси»га қарши турарди. Улар фаолияти демилитаризациялаш жараёнидан қаттиқ зарар кўрган Ғарбий Германия оғир саноатининг Стиннес, Тиссен, Кирдорф сингари йирик саноатчилари томонидан қўллаб-қувватланди. Кучайиб бораётган иқтисодий инқироз шароитида ўнг кучлар очик куролли ҳаракатга журъат қилди.

1920 йил мартда биринчи армия гуруҳи қўмондони фон Лютвиц кўнгилли корпуслар («фрайкорлар»)нинг қаршиликсиз Берлинга кириб келишини ташкил қилди. Бир неча кундан кейин В. Капп бошчилигида ҳукумат тузилганлиги ва Веймар конституцияси бекор қилинганлиги эълон қилинди. Исёнчиларга қарши курашиш имкониятига эга бўлмаган ҳукумат умумий иш ташлаш тўғрисида қасаба уюшмаларига мурожаат қилиш билан чекланди. Қизиғи шундаки, бу чақирикқа биринчи бўлиб Берлин банклари қўшилди ва пул беришни тўхтатди. Исённи армия ҳам қўлламади. Исёнчилар учун қутилмаган ҳолатда ўнг марказчи партиялар ҳам сусткашлик қилди. Бундай шароитда Капп ҳукумат бошлиғи ва-

колатларини ўзидан соқит қилди ва сиёсий фаолиятдан воз кечди. Қонуний ҳукумат тикланди. У барча кўнгилли ҳарбийлашган ташкилотларни тақиқлади. Фақат Бавария истисно бўлиб, бу ернинг айирмачи ҳукумати федерал ҳукумат қарорига зид равишда нафақат ноқонуний фрайкорлар гуруҳларини ўзида сақлаб қолди, балки легионерларни ўрмон кесувчилар ва спортчилар кўринишида бутун Германия бўйлаб жойлаштирди. Бу Баварияни ўнг радикал экстремистик ҳаракатнинг марказига айлантирди.

1920 йилги сайловлар сиёсий кучларнинг жадал кутблашувини кўрсатиб берди. Рейхстагдаги кучларнинг янги нисбати «Веймар коалицияси»нинг тарқалишига олиб келди. Янги ҳукуматни НМП, НДП ва Марказ ташкил қилди. Марказ партиясининг вакили К. Ференбах канцлер лавозимини эгаллади.

Товар бозорини барқарорлаштириш учун божхона сиёсатида қаттиққўлликни оширишга ҳаракат қилинди. Аммо 1921 йили Париж ва Лондон конференцияларида репарация тўлаш шартлари узил-кесил белгилангандан сўнг Ференбах намоишкорона истеъфога чиқди. Ҳукуматни яна бир марказчи И. Вирт бошқарди. У ҳукуматнинг халқаро мажбуриятларини бажариш йўлларини топишга ҳаракат қилди. Ҳукумат марканинг курсини ушлаб туриш учун давлатнинг олтин захираларини кенг миқёсда сотишни бошлади. Бу 1922 йил март – апрель ойларида молия бозорини барқарорлаштирди, аммо давлат қимматбаҳо қоғозларини олтинга айлантириш учун саноатчилар томонидан кўплаб миқдорда сотиб олиниши инфляцияни янада кучайтирди. Бундай шароитда ҳукумат ёрдам сўраб халқаро молия ташкилотларига мурожаат қилди. Бироқ 1922 йили Генуя конференциясида Германия иқтисодий ҳолатини барқарорлаштириш бўйича музокаралар тугалланмай қолди. Музоқара ташкилотчиси, Германия ташқи ишлар вазири ва йирик саноатчи В. Ратенау 1922 йили СССР билан Раппало шартномасини имзолаганлиги, Версаль шартномаси шартларини тўлиқ бажаришга киришгани ҳамда яҳудий миллатига мансублиги учун «Консул» экстремистик ташкилотининг уч нафар ўта ўнг аъзолари томонидан 1922 йил 24 июнь кунини олиб ўлдирилди. В. Ратенаунинг ўлими ҳукмрон коалицияни инқирозга олиб келди. Бажарилмаслиги олдиндан маълум бўлган халқаро мажбуриятлар учун жавобгарликни бирорта партия ўз зиммасига олишни истамади.

1922 йил охирида «партиясиз ҳукумат» ташкил қилинди. Ҳукуматга йирик саноатчи Г. Стиннеснинг дўсти В. Куно бошчилиқ қилди. Янги ҳукумат «ҳалокат сиёсати» – репарацияларни тўлаш ва бошқа халқаро келишувларни бажаришдан тўлиқ бош тортиш ҳолатини таклиф қилди. Бу курс мамлакатни иқтисодий ҳалокатдан сақлаб қолувчи ягона имконият сифатида тақдим этилди. Аммо унинг ҳақиқий мақсади беқарорликни янада чуқурлаштириш ва охир-оқибатда республика тузумини бекор қилиш эди. Инфляция жараёнлари назорат қилиб бўлмайдиган даражага келди. 1922 йилнинг иккинчи ярмида миллий валюта курси тинимсиз пасайди. Августда 1 долларга 1 минг марка, декабрда эса 7–8 минг марка берарди. Молия тизимининг узил-кесил қулаши 1923 йил бошида, Рур вилоятига француз-бельгия кўшинларининг киритилиши билан юз берди. Франция Кунонинг «ҳалокат сиёсати»га шундай жавоб қайтарди. Бу инқироз фонд бозорида саросимани ва улкан бюджет харажатларини келтириб чиқарди (Рур вилоятида оммавий фуқаролик бўйсунмаслик тadbирлари бошланиб, 12 миллионли аҳолининг ярмидан кўпи тўлиқ давлат таъминотига ўтди). Германия Рур билан бирга қазиб олинadиган кўмирнинг 88% идан, чўяннинг 70% идан, пўлатнинг 40% идан айрилди. Ҳукумат қоғоз пул ҳажмини оширди. Марканинг харид қобилияти кескин тушиб кетди. Агар 1918 йил Берлинда 1 маркага 10 дона трамвай чиптаси сотиб олиш мумкин бўлса, 1919 йил – 5 дона, 1921 йил – 1 дона олиш мумкин эди. 1923 йил июлда бир дона трамвай билети 10 марка, августда – 10 минг марка, ноябрда – 150 млрд марка турарди. Пул у ясалган қоғоз парчасидан ҳам арзон бўлиб кетди. 1923 йил бошида бюджет даромади харажатларнинг 1/3 қисмини, йил охирида эса 1/100 қисмини қоплар эди. 1923 йил августда давлат қарзи 1200 миллион маркага етди. Германия ҳалокат ёқасида турарди. Бундай шароитда радикал экстремистик сиёсий кучларнинг таъсири кескин ошди.

1923 йилги инқироз ва Германиянинг фашистлашуви. Рур инқирози бошланиши билан ўнг ғуруҳлар конституцион тузумга қарши ҳал қилувчи юришга тайёрлана бошладилар. Бироқ Капп исёни тажрибаси шуни кўрсатдики, республика тузумини зўрлик йўли билан ағдариш жуда хавфли ҳокимият бўшлигини вужудга келтириши мумкин. Давлат тўнтаришига қонунийлик тусини бериш учун Веймар парламент тизими билан боғланмаган ва анча

оммавий, айна пайтда мутлако янги сиёсий ҳаракатнинг майдонга чиқиши талаб қилинарди. «Консерватив инқилоб» байроғи остида бирлашган ўнг радикал гуруҳлар янги ҳаракатнинг асосини ташкил қилди.

Инқилобий-консерватизм мафқурасининг сарчашмалари Германияда Биринчи жаҳон урушидан олдин фаоллашган консерватив ҳаракатнинг мақсадларида кўзга ташланади. Унинг узил-кесил шаклланиши урушдаги мағлубият туфайли миллий ҳиссиётларнинг кескинлашуви ва урушдан кейинги даҳшатли ижтимоий-иқтисодий инқироз даврида ўта бузилган кўринишдаги ижтимоий этатизм ғояларининг қайта тикланиши билан боғлиқ эди. Инқилобий-консерватизмнинг энг йирик идеологлари – О. Шпенглер, Меллер ван ден Брук, К. Шмитт, Э. Юнг, М. Шпан, Ф. Юнгер либерал ғояларга норозилик билдириб, монархистик легитимистик консерватизмни ҳам инкор қилдилар. Гап ўзининг рационалиزمи ва практицизмида чекланган Ғарб кишисига зид равишда мутлако янги инсонни яратишга қодир бўлган тотал инқилоб ҳақида кетаётган эди. Бу инқилоб фақат миллий, немисча характер касб этиши мумкин, чунки у умумий фаровонликка эришишнинг универсал йўллари ҳақида чиқарилган хулосалар маҳсули бўлмасдан, асл халқ руҳиятининг сарчашмаларига қайтиш, миллат мавжудлигининг табиий шаклларини тиклаш эди. «Европа қуёшининг ботиши» деб номланган таниқли асар муаллифи Освальд Шпенглер немис социализмининг ўзига хос концепциясини ишлаб чиқди. Бу ерда социализм деганда маълум ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизими эмас, умумий мақсадлар, идеаллар, кадриятлар устуворлиги асосида бирлашган жамиятнинг ҳолати тушунилади. Немис социализми (О. Шпенглерда «прусс социализми») жамиятни ташкил қилишнинг мавжуд миллий моделларидан бири бўлмасдан, айнан немис миллий характериғагина хос бўлган жиҳат сифатида қаралади. Бу ғояни ривожлантирган Э. Юнгер ирқчилик йўналишидаги «янги миллатчилик» ва миллатнинг умумий ҳаракатига шахснинг сўнгиб кетиши имконини берувчи жамиятнинг ўзига хос ҳолати сифатида «тотал сафарбарлик» назарияларини таклиф қилди. Таниқли юрист К. Шмитт либерал парламентаризм шароитида камчиликнинг сиёсий диктатурасидан фарқ қилувчи, халқнинг ҳақиқий иродасини ифода этувчи «ҳақиқий демократик давлат» назариясини ишлаб чиқди. Кейинчалик Шмитт бундай давлатни та-

рифлаш учун «тотал давлат» иборасини киритди. «Миллий социализм», корпоратив давлат, миллий бирдамлик, халқ демократияси ғоялари таниқли фашист назариётчиси Миллер ван ден Брукнинг 1923 йили нашр қилинган «Учинчи рейх» номли концептуал асари учун ҳам асос бўлди. Асар муаллифи миллий инқилоб натижасида немис халқининг Учинчи рейхи туғилишини башорат қилди.

Консерватив инқилоб ғояси кўп сонли ўнг экстремистик ҳаракатлар учун маънавий муҳит яратди. Бу ҳаракатларнинг негизи уруш фахрийлари кўнгиллилар корпуси («фрайкорлар»), Германия учун анъанавий бўлган «ўсмирлар иттифоқлари» ва анти-семит ташкилотлардан иборат эди. Шу тариқа Германияда илк фашистик ҳаракат шаклланиши жараёни бошланди. Бу ҳаракатга аввалбошданок сиёсий радикализм, жангари исёнкорлик, салбий, бузғунчилик ғояларининг устуворлиги каби хислатлар хос эди. Германияда илк фашизмнинг ўзига хос томони умуммиллий жипслаштирувчи ғоя ролининг юқорилиги, корпоратив ва анархо-синдикалистик мафкура, ижтимоий католицизм ролининг бошқа мамлакатлардагига нисбатан пастлигидир. Бу йўналишдаги етакчи ташкилот – Гитлернинг национал-социалистик партияси алоҳида аҳамиятга эга эди.

Национал-социалистлар таъсирининг тез ўсиши ва улар ғоявий-сиёсий ориентациясининг ўзига хослиги дастлаб партияга ташки таъсир билан боғлиқ бўлди. Биринчидан, бу партияни тадбиркорлар, жумладан, молия-саноат магнатлари қўллаб-қувватлади. Бу алоқа янгилик эмасди. Капп исёни мағлубиятга учрагандан сўнг саноатчилар томонидан нацистик ташкилотларни жипслаштиришга эътибор қаратилди. Кўплаб шундай ташкилотлар ичида 1919 йили мюнхенлик темир йўл устахоналари чилангари Антон Дрекслер бошчилигида тузилган ва кейин истеъфодаги ефрейтор А. Гитлер томонидан бошқарилган Немис ишчи партияси (НИП) ҳам бор эди. Бу партия кучли айирмачилик тенденцияларига ва ўзига хос сиёсий маданиятга эга бўлган Баварияда «немис социализми» ғоясини тарқатишнинг муҳим воситаси сифатида қаралаётган эди. Тез орада НИП Германия национал-социалистик ишчи партияси (ГНСИП) деб қайта номланди, «миллий инқилоб» ва радикал бирдамлик мафкураси руҳида партиянинг дастурий қоидаларини ишлаб чиқиш бошланди.

Фаолиятининг дастлабки даврида ГНСИП ҳатто Мюнхен микёсида ҳам кам сонли ва кам аҳамиятли ташкилот эди. Аммо 1920

йили «Германия ордени»дан қудратли ҳомийлар пайдо бўлгандан сўнг бу партиянинг тақдирида кескин бурилиш юз берди. Бу оккультизм руҳидаги ярим яширин ташкилот инсон тафакқурининг чекланганлигини уни ҳаётнинг мистик манбаларига етиштириш орқали ва ирқий иерархия асосида енгиб ўтишни таклиф қилади. Оккультизм ғояларини тарғиб қилиш руҳан чўккан немис жамиятида жуда тез илдиз отди. Партия очикча сиёсий характер касб этиб борди – ирқчилик ғоялари миллий инқилоб назарияси билан қўшилиб кетди.

Партия етакчиси Адольф Гитлер Биринчи жаҳон уруши ҳақидаги хабарни завқ-шавқ билан кутиб олди, уруш оқоқларида ўзини жамиятга керак деб ҳис қилди, Германиянинг мағлубиятини ўз шахсий фожиаси сифатида қабул қилди. Шиддат билан сиёсатга кириб келиш ва ҳокимият поғоналаридан кўтарилиш унинг ўз ноёблигига бўлган ишончини янада кучайтирди, ўзини махфий бурчни бажаришга, буюк мессияга бағишланган деб ҳис этди. Омадсиз рассом ва архитектор, у ўзини янги партия, янги давлат, янгича дунё тартибининг асосчиси сифатида ҳис қилди. Айнан шу сифатлар, шунингдек, мистик экзальтацияга мойиллик ва нотиклик санъатининг алоҳида турига лаёқатлилиқ Гитлерни партия ҳомийлари учун жозибали шахсга айлантирди.

Гитлер жуда қисқа вақт ичида ўзгариб кетди. Национал социализм ғоялари партиянинг мафқуравий доктринасида мистицизм, оккультизм мотивлари билан бирлашиб кетди. Куёш абадий ҳаракатининг тимсоли бўлган қадимги мистик рамз – свастика партиянинг эмблемаси қилиб қабул қилинди. Қадимги рун белгилари асосида партиянинг бошқа рамзлари, байроғи, махсус маросимлар (жумладан, Қадимги Римдагидек ўнг қўлни олдинга чўзиб ярим кўтарган ҳолда саломлашиш, машъала билан юриш) ҳам жорий қилинди. Буларнинг ҳаммаси партиянинг мутлақо янги имижини яратди ва ҳатто тажрибали сиёсатчиларни ҳам ўзига жалб қилди. 1921 йилдан Гитлер партиянинг фюрери – чекланмаган ваколатли диктаторига айланади.

Рун инқирози даврида марказчи кучлар жипслашувининг муҳим сабабларидан бири консерватив-инқилобий ҳаракатнинг сўл қаноти – национал-большевизмнинг фаоллашуви бўлди. Бу ҳаракат тарафдорлари немис миллий инқилоби гоёсини Совет Россиясидаги давлат қурилиши тажрибаси билан бирлаштириш таклифини

шгари сурдилар. Улар рус большевизмини марксистик анъаналарнинг давоми деб эмас, катъий антикапиталистик ва антилиберал йўналишга эга бўлган рус халқи миллий мафкураси сифатида қарадилар. Коммунистлар ҳам шунга мос жавоб қайтарди. 1923 йил Коминтерн Ижроия қўмитасининг Рурда французлар томонидан отиб ўлдирилган немис миллатчиси Шлагетер хотирасига бағишланган мажлисида коммунистик ҳаракат раҳбарларидан бири К. Радек Коминтерн немис миллатчиларининг халқаро капиталга қарши курашини қўллаб-қувватлашини билдирди. К. Радекнинг шов-шувга сабаб бўлган бу нутқи ГКП билан ГНСИП алоқаларнинг кучайишига олиб келди.

Сиёсий зўравонлик кучайган ва экстремистик кучлар жипслашган шундай шароитда ҳукумат конституцион тузумни ҳимоя қилиш учун либерал-демократик ва ўнг-республикачи кучларни бирлаштиришни мақсад қилиб қўйди. Тартибни сақлаш учун армияга фавқулодда ваколатлар берилди. Рейхсвер раҳбарияти ҳукумат томонида бўлишга қарор қилди. Фақат Баварияда воқеалар назоратдан ташқарига чиқди. Бу ерда 1923 йил 8 ноябрь куни Мюнхендаги «Бюргербройкеллер» деб аталувчи жуда баҳайбат пивохонога пиво ичиш ва маърузалар эшитиш, ижтимоий-сиёсий муаммоларни муҳокама қилиш учун 3000 га яқин одам, жумладан, Бавария республикасининг ҳукумат раҳбарлари йиғилди. Бундан фойдаланган Гитлер бошчилигидаги бир гуруҳ фашистлар Баварияда ҳокимиятни эгаллаб, Берлинга юриш уюштиришга уриниб кўрдилар. Нацистларнинг қуролланган отряди пивохонони ўраб олиб, янги ҳукумат тузишга, «миллий инқилоб»ни эълон қилишга чақирди. Нацистлар Мюнхен бўйлаб уюштирган юриши полициялар томонидан қувиб юборилди, ўнга яқин нацист ўлдирилди. Гитлер ва бошқа тинкилотчилар турли муддатга қамоққа ташланди. Суд жараёнининг ўзини Гитлер спектаклга айлантирди. Муваффақиятсизлик билан тугашига қарамасдан, айнан «пиво исёни» ГНСИПни умумгерман миқёсидаги сиёсий кучга айлантирди.

Барқарорлашув даври. Сўл ва ўнг радикалларнинг чиқишларини бостириш Германияда сиёсий вазиятнинг нисбатан барқарорлашувига олиб келди. Аммо бу барқарорлашувнинг ҳақиқий сабаби Германия билан Ғарбнинг етакчи давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг тубдан ўзгариши натижасида немис молия-иншоот капитали етакчи гуруҳлари ўртасида келишувга эришил-

ганлиги эди. 1925 йилги Локарно конференциясининг қарори Германиянинг дипломатик яққаланишдан чиқишини бошлаб берди. Штреземан бошчилигидаги Германия делегацияси Европанинг урушдан кейинги чегаралари муаммоси бўйича самарали музокарадар усулини топишга эришди. Франция билан ўз чегараларининг ўзгармаслигини тан олган Германия, ҳуқуқий жараён доирасида, арбитраж ва халқаро назорат остида шарқий чегараларни қайта кўриб чиқиш ҳуқуқини ўзида қолдирди. Бу билан Локарно конференцияси билвосита бўлса-да, Версаль тизимининг номукамаллигини ва тинчлик шартномаларидан ноҳақ жабр кўрган давлатларни «хотиржам қилиш», ҳуқуқий оқлаш лозимлигини тан олди. Локарно курсига риоя қилган Германия 1926 йили Миллатлар лигасига аъзо бўлди. Айни пайтда, Германия дипломатияси 1920-йилларнинг иккинчи ярмида Европа сиёсий элитаси орасида оммавийлашган пан-европа лойиҳаларига жуда эҳтиёткорлик билан ёндошди. Ғарб билан муносабатлар нормаллашган ҳолатда Германия ўзининг шарқий кўшнилари – СССР ва Польша билан муносабатларни ҳам яхшилашга интилди. Бунда айниқса Рейхсвернинг Қизил армия билан яқин муносабатлари асосий роль ўйнади.

Германиянинг иқтисодий ривожланишини тартибга солишда Буюк Британия, АҚШ ва Франция ишчан доиралари билан муносабат ўрнатилиши ижобий роль ўйнади. 1924 йили америкалик банкир Ч.Г. Дауэс бошчилигидаги халқаро қўмита халқаро молия-кредит ва савдо муносабатларини тиклашнинг стратегик режасини қабул қилди («Дауэс режаси»). Бу режанинг асосий моҳияти Европа марказида урушдан кейинги тартибсизликлар манбаи бўлиб қолаётган Германия иқтисодини кредитлар ёрдамида тиклашдан иборат эди. Натижада Германия Англия, Франция ва бошқа давлатларга репарация, улар эса АҚШга ўз қарзларини тўлаш имкониятига эга бўларди. Капиталнинг бу айланиши валюталарни олтин стандартига ўтказиш билан бирга капиталистик дунёда иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш учун асос бўлди. Ч.Г. Дауэсга 1925 йили Нобель мукофоти берилди.

1924–1930 йиллари Германия ҳаммаси бўлиб 63 млрд марка ёрдам олди. Кредитнинг асосий қисми иқтисодни қайта қуриш, фанга асосланган соҳаларни, энергетикани, коммуникация тармоқларини ривожлантиришга сарфланди. Кредитлар немис корхоналари асосий капиталининг 2/3 қисмини ташкил қилди. Германия, Американи

ва Англия капиталининг жадал кўшилиб кетиши юз берди, кўшма компаниялар ва банк бирлашмалари ташкил қилинди. 1920-йиллари 300 та халқаро монополиялардан 200 тасида Германия капитали иштирок этди. Крупп, Хенкель, Дорнье, Юнкерс концернлари Версаль шартномаси билан тақиқланган ишлаб чиқаришни бошқа мамлакатлар, жумладан, СССР ҳудудида қайта тиклади. Саноат ишлаб чиқаришининг концентрациялашув даражаси анча ошди. Германия саноатида асосий позицияларни «И. Г. Фарбениндустри» химия концерни, АЭГ ва «Сименс» электротехника концернлари, олгита Рур металлургия концернлари эгаллади. 1926 йилдан Германияда иқтисодий кўтарилиш бошланди. 1929 йилга келиб ишлаб чиқариш даражаси 1913 йилга нисбатан 117% ни ташкил қилди. Саноатнинг асосий кўрсаткичлари бўйича Германия дунёда иккинчи-учинчи ўринга чиқди. Аммо Германияда ижтимоий ҳолат оғир бўлиб қолаётган, солиқлар жуда юқори, иш ҳақи эса урушдан олдинги даражасининг 60 – 70% ини ташкил қиларди, холос. Ишсизлик даражаси ҳам юқори бўлиб, 3,5 млн дан зиёд киши доимий иш жойига эга эмасди.

Ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатни кўтаринкилик руҳи қамраб олди. Германия биринчи марта сиёсий эркинликдан тўлиқ фойдалана бошлади. Веймар республикаси маданиятнинг гуллаб-яшнаши, эркин санъатнинг рамзи бўлиб қолди. Бир неча йиллар давомида Германияда жиддий иш ташлашлар ҳам, ҳукумат инқирози ҳам бўлмади. 1924 йилги сайловлар натижасига кўра парламентда етакчи позицияни марказчи партиялар эгаллади. Радикал партиялар ГКП ва ГНСИП ҳам ўз фракцияларини туздилар.

Германия иқтисодий инқироз йилларида. Нацистларнинг ҳокимиятга келиши. 1929 йили бошланган жаҳон иқтисодий инқирози Германиядаги иқтисодий ва сиёсий барқарорликнинг ўта нисбий эканлигини очиб ташлади. Уч йил давом этган инқироз даврида саноат ишлаб чиқаришининг пасайиши 58% ни ташкил қилди. Курилиш амалда тўхтади. Хунармандчилик ишлаб чиқариши айланмаси 1928 йилги 20 млрд дан 1932 йили 10,9 млрд маркагача тушиб кетди. Германиянинг ташқи савдоси 2,5 марта камайди. Аграр соҳа, пишиқса, давлат дотациясини олмайдиган кичик деҳқон хўжаликлари жуда оғир аҳволда қолди. Репарацияларни тўлаш давлат бюджети учун жуда оғир бўлаётган эди. 1929 йили Гаага халқаро кон-

ференциясида умумий репарация суммасини 113,9 млрд маркага ва йиллик тўловларни камайтириш – «Юнг режаси» муаммони ҳал қилмади. Фақат 1932 йили Германия иқтисодий ҳалоқат ёқасига келиб қолганда репарация 3 млрд маркагача камайтирилди ва тўлаш муддати 15 йилга узайтирилди.

Инқироз йиллари ижтимоий муаммолар кескинлашди, ишсизлик ошди. 1933 йил бошида ишсизлар сони 9 млн кишига етди. Немис жамиятида ижтимоий пессимизм, умидсизлик кайфияти ўсиб борди. Ҳар йили ўртача 20 минг киши ўз жонига қасд қиларди. Сиёсий инқироз ҳам етилиб борди. 1930 йилги парламент сайловларида социал-демократлардан кейин иккинчи ўринни ГНСИП (107 мандат) эгаллади.

1930 йилга келиб Гитлер партияси жипслашган сиёсий кучга айланди. Ландберг турмасида ётган пайтида Гитлер «Майн кампф» («Менинг курашим») деб номланган китобини ёзди. Унда фюрер национал-социализмнинг асосларини ўз нуқтаи назари бўйича баён қилди. Нацизм доктринаси Учинчи Рейхни – орийлар иркининг минг йиллик давлатини тиклашга йўналтирилди. Немислар энг юқори поғонани эгаллайдиган ирқий иерархия янги жаҳон тартибининг асоси бўлиши лозим эди. Дунёга ҳукмронлик қилишни Гитлер иқтисодий ва сиёсий мақсадлардаги прагматик экспансия деб эмас, тотал уруш, немис миллатини ёмон иллатлардан тозалайдиган, тоблайдиган ва немисларга олий ирқ ҳуқуқини қайтариб берадиган муқаддас олов (худди қадимги орийлардаги сингари) сифатида қарайди. Национал-социализм идеалларига мутаассибларча ишонч, фюрер иродасига кўр-кўрона бўйсунуш, ўзини қурбон қилишга тайёрликни Гитлер партия ички ҳаётининг табиий шакли деб белгилайди.

1920-йиллари мафкуравий доктринани шакллантириш билан бирга Гитлер партияни ташкилий жиҳатдан ҳам қайта курди. ГНСИП давлат ичидаги давлат, бўлғуси Учинчи Рейхнинг¹ намуна-

¹ У ч и н ч и Р е й х – бу тушунчанинг асосчиси миллатчи немис ёзувчиси Артур Мёллер ван ден Брук ҳисобланади. У 1923 йили нашр қилинган китобини «Учинчи рейх» деб атаган. Ушбу ёзувчи томонидан илгари сурилган концепцияга мувофиқ 962 йили Оттон I Буюк тахтга келишидан бошланган ва 1806 йили Наполеон томонидан йўқ қилинган Муқаддас Рим империяси Биринчи Рейх, 1871 йили Вильгельм I ҳокимиятга келганда эълон қилинган ва 1918 ноябрь инқилобида бекор қилинган Германия империяси Иккинчи Рейх эди. Учинчи Рейх Веймар республикасининг ўрнига келиши лозим.

енга айланди. «Пиво исёни» тажрибасини англаган Гитлер, партия ҳокимиятга келишининг янги стратегиясини ишлаб чиқди. У парламент демократияси доирасида очик ҳаракат қилиш шаклига таянди.

1932 йилги президент сайловлари Германия сиёсий кучлар мувозанатидаги мураккаб вазиятни яққол кўрсатиб берди. Президент сайловларида радикал йўналишдаги сиёсатчилар етакчи бўлди. 13 мартда ўтган биринчи турда миллатчи Гинденбург – 49,6%, нацист Гитлер – 30,1%, коммунист Тельман – 13,2% овоз олдилар. 10 апрель куни бўлган иккинчи турда 53% овоз олган Гинденбург голиб чиқди.

Ҳукумат бошлиги бўлган Шлейхер нацистларнинг ҳокимиятга келишига салбий муносабатда эди, аммо конституциявий механизмни қайта қурмай туриб Германия инқироздан чиқа олмайди, деб ҳисобларди. Президент сайловларидаги ютуқни мустақамлаш мақсадида канцлер таклифи билан Гинденбург Рейхстагни тарқатиб юборди. Аммо 1932 йил июлда бўлиб ўтган сайловларда ГНСИП катта муваффақият қозонди: Гитлер партияси сайловчиларнинг 13,8 млн овозини олди ва биринчи марта Рейхстагда энг катта фракцияга – 230 депутат ўрнига эга бўлди.

Нацистлар ғалабаси ҳукуматни қийин аҳволга солиб қўйди. Шлейхер коалицион ҳукумат тузиш учун Гитлер билан олиб борган музокаралар натижа бермади. ГНСИП лидери ўзини ҳеч қанақа мижбуриятлар билан чеклашни истамади: у яққаҳокимликка интилаётган эди. Рейхстагда кўпчилик овозга эгалигидан фойдаланган ва коммунистлар билан блокка қўшилган нацистлар фон Папен ҳукуматига ишончсизлик билдирди. 1932 йил бўлиб ўтган иккинчи сайловларда ГНСИП 196 ўринга эга бўлди. Сўл кучлар катта муваффақият қозониб, коммунистлар 100 та, ГСДП – 121 та ўринни эгаллади. Нацистлар партиясига берилган овозларнинг камайишига қарамасдан, партияга ва унинг лидерига миллионлаб немислар ишонарди, ўзининг, Германиянинг келажагини Гитлер ва унинг партияси билан боғлашарди.

Веймар республикаси режимининг талвасаси 1932 йилнинг охириги икки ойига тўғри келди. Рейхстагнинг янги таркиби шаклланигандан сўнг президент Шлейхерга канцлерлик ваколатларини берди. Аммо бу ҳукуматга парламент ишонч билдирмади. Шлейхернинг ГКП ва ГНСИПни тарқатиб юбориш тўғрисидаги таклифи ҳам қабул қилинмади. Шундай ҳукумат инқироzi шароитида 1933 йил

30 январь куни президент Гинденбург рейхсканцлер лавозимини А. Гитлерга таклиф қилди. Нацистлар диктатураси ўрнатилишига хали бир йилдан кўпроқ вақт бор, ammo Германиянинг тақдири ҳал бўлган эди.

Учинчи Рейх. Ҳокимиятга келган Гитлер режали равишда республика тузумини диктаторлик режими билан алмаштиришни бошлади. 1933 йил 27 февралда Рейхстагга ўт қўйилиб, унда коммунистларни айблаш, шовкин-суронли антикоммунистик кампанияни бошлаш имконини берди. Шундай шароитда 5 март куни нацистлар янги парламент сайловларини ўтказди. Унда нацистлар 288 ўринга эга бўлди. 1933 йил мартда Рейхстаг ҳукуматга фавкулудда ваколатлар бериши тўғрисида қонун қабул қилди.

1933 йил 24 мартдаги «Халқ ва давлатнинг мушкул аҳволини яхшилаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳукумат чекланган қонунчилик ҳуқуқи, жумладан, конституцияга хилоф бўлган қонунлар қабул қилиш (Рейхстаг ва Рейхсратга тааллуқли масалалардан ташқари) ҳуқуқига эга бўлди. Шу кунгек «империя хотиржамлигига оғир зарар етказиши мумкин бўлган мулоҳаза ва воқеликни қўпол бузиб талқин қилганлик учун» жиноий жавобгарлик кўзда тутилган «Миллий тикланиш ҳукуматини маккорона тажовузлардан ҳимоя қилиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Бу қонунга биноан март ойидаёқ Германия коммунистик партияси тақиқланди, бир ойдан сўнг барча касаба уюшмалари тарқатиб юборилди. Июнь ойида ГСДП тақиқланди, кейин қолган барча партиялар «ўзини ўзи тарқатганлигини» эълон қилди. 1933 йил июлда ГНСИПдан бошқа ҳар қандай сиёсий партияларнинг фаолиятини тақиқловчи қонун қабул қилинди. 1933 йил декабрда қабул қилинган «Партия ва давлат бирлигини таъминлаш тўғрисида»ги қонун билан Германия давлат тизимида нацистик партиянинг алоҳида вазифалари мустаҳкамлаб қўйилди. Шу қонунга биноан рейхсканцлер ягона қонуний партиянинг фюрери сифатида Рейхстаг тарқибини шакллантириш ва юқори лавозимларга тайинлаш ҳуқуқини олди.

Империянинг маъмурий-ҳуқуқий тузилиши ҳам жиддий қайта кўриб чиқилди. Империя тақибига кирувчи ерларнинг (вилоятлар) маҳаллий ҳокимиятни шакллантиришдаги барча ҳуқуқлари бекор қилинди, ландтаглар (маҳаллий вакиллик органлари)нинг

ҳуқуқлари чекланди. 1933 йил 7 апрелдаги «Вилоятларнинг империяга қўшилиши тўғрисида» деб аталган қонун билан вилоят маъмурияти бошлиқлари (штатгальтерлар) ГНСИП олий мансабдорлари (гауляйтерлар) орасидан тайинланиши ўрнатилди. 1934 йил январда ландтаглар бутунлай тарқатиб юборилди. Бир ой кейин Рейхсрат ҳам бекор қилинди. 1934 йил 2 августда Гинденбург вафот этгандан сўнг президент, рейхсканцлер ва олий бош қўмондан школатлари Гитлер қўлида жамланди. Фюрерчилик бутун давлат миқёсида жорий қилинди, Веймар конституцияси расман сақланиб қолса-да, тотал диктатура ўрнатилди.

Национал-социалистик доктринанинг ўзига хос жиҳати ва давлат қурилиши ҳақидаги бошқа фашистик концепциялардан фарқи шундаки, унда «халқ» ҳуқуқий тушунчаси алоҳида ижтимоий гуруҳ даражасигача торайтирилади ва у ҳуқуқий муносабатларнинг олий субъекти, суверен ҳокимиятнинг ҳақиқий эгаси деб эълон қилинади. Бу ролга алоҳида этно-маданий тур сифатида орий ирки лойик кўрилади. Шахснинг ҳуқуқий мақоми ҳам унинг «тоза ирк»га минсублигидан келиб чиқиб белгиланади. 1935 йили «Фуқаролик тўғрисида қонун» ва «Немис қони ва немис шон-шарафини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонунлар қабул қилиниб, уларга биноан давлат аҳолиси «гражданин» ва «фуқаро» категорияларига бўлинди. Барча сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлар «гражданинларга» – немис ёки немисларга қариндош миллат вакилларига берилди. «Фуқаролар» сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилинди ва фуқаролик ҳуқуқлари чекланди. Немис миллатининг софлигини сақлаш учун кишилар оила-никоҳ муносабатларида ҳам чеклашлар ўрнатилди, никоҳдан ўтиш учун «сонломлик суди» деб аталувчи ташкилотнинг махсус руҳсати зарур эди.

Орий халқ давлати ғоясини амалга ошириш Германияда мутлақо янги ҳокимият тизимининг шаклланишига олиб келди. Унинг асосини расман халқ ҳокимиятчилиги ташкил қилди. Вакиллик демократияси тўғридан-тўғри плебисцит демократияси билан алмаштирилди. Шу принципга мувофиқ 1933 йили Германиянинг Миллатлар лигасидан чиқиши, 1934 йили канцлернинг президентлик ваколатларини олиши, 1938 йили Австрияни аншлюс қилиш амсалаларида плебисцитлар ўтказилди. Рейхстаг таркибига 2 минг номзодлар ҳам плебисцит орқали тасдиқланиб, шулардан 810 депутатни шахсан фюрер танлайдиган бўлди.

Национал-социализм учун янги давлат режимининг мафкуравий функцияси жуда муҳим эди. Давлат организми доирасида тузилган мафкуравий машина факат жамият тараққиётининг стратегик йўналишини белгилаб бериш билан чекланмасдан, ижтимоий муносабатларнинг бошқарувчисига ҳам айланди. Оммавий ахборот воситалари, кинематография, фундаментал ва амалий фан, санъат, спорт, туризм, дам олиш соҳаларидаги энг янги ютуқлар расмий тарғибот учун хизмат қилди. Халқ таълими ва тарғибот вазири И. Геббельс омма онгига таъсир кўрсатишнинг кўплаб замонавий усуллари яна ўша даврдаёқ яхши билганди. Унинг раҳбарлигида национал-социализм ғояларини яхлит дунёқарашга, ахлоқий-этик комплексга айлантиришнинг, гуманизм ва демократия қадриятларини, рационал тафаккур асосларини рад этувчи «янги инсон»ни тарбиялашнинг мислсиз мафкуравий тизими яратилди. Маълум маънода партия ҳам, давлат ҳам, ҳар қандай жамоат ташкилотлари ҳам умумий мафкуравий тизимнинг бир қисмига айланди. Ёшларни тарбиялаш ишига алоҳида эътибор қаратилди. «Гитлерюгенд» («Гитлерчи ёшлар») ташкилотига 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган орий иркига мансуб болалар ва қизлар аъзо бўлиши мажбурий эди.

Давлат ва мафкура функцияларининг бирикиб кетишига яна бир мисол репрессив аппарат фаолияти бўлди. Давлатнинг террор тизими уни ёт унсурлардан тозалашга қаратилди. Террор фақат давлат душманларини жазолаш эмас, «халқ режими»га реал муҳолифат бўлиши мумкин бўлган жамиятнинг сиёсий фаол аъзоларини бошқалардан ажратиб қўймоғи лозим эди. Бу режимнинг асосини Г. Гиммлер бошчилигидаги СС отрядлари ташкил қилди. СС генетик соф орий типини яратиш учун жуда пухта ўйланган демографик сиёсат олиб борди. СС аъзоларидан фарзандли бўлишни истаган немис аёллари учун 12 та махсус туғруқхоналар очилди.

Нацистлар диктатураси даврида Германиянинг иқтисодий ривожланиши. Нацистлар ҳокимиятга келгандан сўнг Германия иқтисодиётини чуқур турғунлик ҳолатидан олиб чиқиш, айна пайтда режимнинг таянчини таъминлашга қаратилган ижтимоий сиёсат олиб бориши лозим эди. Иқтисодий ислохотлар жараёнини мувофиқлаштириш учун 1933 йил 15 июлда Немис хўжалиги бош кенгаши таъсис этилди. Кенгаш таркибига Г. Крупп, Ф. Тиссен, Г. Феглер, Ф. Флик каби 12 нафар йирик тадбиркорлар вакиллари ва 5 нафар Империя хўжалик вазирлиги вакиллари кирди. Кенгаш

раҳбарлигида 1933 йили 18 та хўжалик округидан иборат Германия иқтисодининг минтақавий тизими шакллантирилди. Уларнинг ҳар бирида Округ хўжалик палатаси, уларни бошқариш учун Империя хўжалик палатаси ҳамда махсус Империя хўжалик суди ташкил қилинди. Иқтисодиётнинг барча бўғинларида фюрерлик принциплари жорий қилинди.

1935 йили иқтисодни ислоҳ қилиш жараёни урушга тайёргарлик дастури билан қўшилиб кетди. «Империя мудофааси ҳақида» деб аталган махфий қонун асосида Империя мудофаа кенгаши ва махсус идора – Ҳарбий иқтисод бўйича бош вакил бошқармаси ташкил қилинди. 1936 йили Германия иқтисодини сафарбар қилиш тўрт йиллик режасини бажариш бўйича Г.Геринг бошчилигида идора тузилди ва у алоҳида ваколатларга эга бўлди. Мулкчилик шаклидан қатъи назар ишлаб чиқариш соҳалари давлат томонидан режалаштиришга ўтди. 1939 йили давлат томонидан режалаштириш ишлаб чиқариш ҳажмининг 80% дан зиёдини қамраб олди.

Банк соҳасини «орийлаштириш» («яхудийлар капиталидан» тозалаш) сиёсати натижасида банклар сони 1725 тадан 477 тагача қисқартирилди.

Давлатнинг фаол тартибга солиши ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириши дастлабки уч йил ичидаёқ фавқулодда юқори натижалар берди. 1933 – 1938 йиллари миллий даромад икки баробар ошди, саноат ишлаб чиқариши 102% га (1929 йилга нисбатан 25% га) ўсди. 1930-йиллари Ғарбнинг етакчи давлатлари иқтисодиёти турғунлик ҳолатида турган бир пайтда бу жуда юқори кўрсаткич эди. Айниқса оғир саноат кўрсаткичлари жуда юқори бўлиб, барча давлат капитал харажатларининг 3/5 қисми шу соҳага йўналтирилди. 1934 йили оғир саноат инкироздан олдинги даражасига етди, 1939 йили эса ундан 50% га ошиб кетди. Пўлат ва алюминий эритиш бўйича Германия дунёда биринчи ўринга чиқди. Нефть маҳсулотлари, синтетик каучук, автомобиллар, станоклар ишлаб чиқариш анча кўпайди. Ҳарбий техника ишлаб чиқариш ҳам жадал ривожланди. 1932 – 1938 йиллари қурулганишга сарфланган маблағлар 10 баробар ошди ва уруш арафасида давлат бюджетининг 58% ини ташкил қилди. 1937 йилга келиб 300 дан зиёд янги заводлар, жумладан, 45 та автомобилсозлик, 60 та авиасозлик, 70 та химия, 15 та ҳарбий-кемасозлик заводлари ишга туширилди. Транспорт инфратузилмаси ҳам қайта қурилди. Умуман 1938 йилга

келиб Германия иктисодий имкониятлари бўйича Европада иккинчи ўринни муқим эгаллаб турарди.

Нацистлар режимининг ижтимоий сиёсати. «Минг йиллик Рейх»ни қуришга киришган нацистлар раҳбарияти немис жамияти ижтимоий тизимини қайта қуриш, орийлар давлатида инсоннинг ўрнини белгиловчи янги ижтимоий моделларни яратиш заруриятидан келиб чиқди. Асосий ижтимоий гуруҳлар «турмуш чегарасини» белгиловчи иктисодий тадбирлар ва юриш-туришнинг умумий андозаларини шакллантирувчи омманинг ҳиссиётига таъсир кўрсатишга йўналтирилган чоралар шу мақсадга хизмат қилди. Ижтимоий сиёсат шу тариқа ўта мафқуралаштирилди.

Нацистлар бошқарган йиллари Германияда қатъият ва синчковлик билан меҳнат, оналик, жасур йигит, халқ бирлиги, ватанпарварлик культлари яратилди. Ватан фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ҳар бир немиснинг энг олий фуқаролик бурчи сифатида тарғиб қилинди. Империя миқёсида жуда кўплаб меҳнат мусобақалари ташкил қилинди. 1 май Миллий меҳнат куни сифатида нишонланадиган бўлди. Озод халқ меҳнати ғоясини оммалаштиришда «Куч орқали шодлик» ташкилоти катта роль ўйнади. Бу ташкилотга ҳукумат томонидан жуда катта маблағлар ажратилди.

Ижтимоий сиёсат ишлаб чиқариш жараёнини мажбурий қартеллаштириш билан қўшиб олиб борилди. Ишлаб чиқарувчилар давлат буюртмаларини бажарар, давлат эса уларни иш ташлаш ва инкироз каби хавфлардан ҳимоя қилади. Маҳсулотларга ҳам давлат томонидан буюртма берилиб, қатъий ўрнатилган нархларда харид қилинади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам асосан давлат буюртмаси асосида етиштирилади. Бундай сиёсатда немис жамиятининг ҳар бир қатлами икки хил ҳолатга тушади: бир томондан режим уни сўзсиз устунлик билан таъминлайди, бошқа томондан – қатъий чекловлар ўрнатади. Масалан, йирик тадбиркорлар давлатнинг протекционистик сиёсати катта фойда олади, иш ташлаш ҳаракатидан ҳимоя қилинади. Аммо тадбиркорлик эркинлиги, катта фойда олиш имконияти чекланади. Катта ер эгаларига нисбатан ҳам шундай сиёсат олиб борилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг эркин бозори йўқ қилинди. Маҳсулотлар қатъий ўрнатилган нархларда давлатга топширилиши белгилаб қўйилди.

Нацистик диктатура олдида немис пролетариати ҳам ҳимоясиз қолди. Ёлланма ишчилар мустақил қасаба уюшмалари тузиш, жа-

моавий шартномалар тузиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва иш ҳақини ошириш учун курашиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Иш ҳақининг тариф ставкалари 1932 йилги инкироз йиллари даражасида музлатиб қўйилди. Меҳнат дафтарчалари жорий қилингандан сўнг иш жойини алмаштириш ҳам қийин бўлмай қолди. Айни пайтда, нацистлар ташвиқот машинаси тадбиркорлар ва ишчиларнинг тенглиги тўғрисида жар солди, «шон-шараф ижтимоий судлари» ташкил қилинди.

Нацистлар ҳукмронлиги даврида ишсизлик кескин (1933 йили 6 млн дан 1937 йили 900 минг ва 1939 йили 120 минг кишигача) камайди. Иш ҳақи ва нарх-наво ўсиши тўхтатиб қўйилганлиги учун истеъмол тизими тартибга тушди. Кўплаб хайр-эҳсон ташкилотлари тузилиб, уларнинг асосини «Қишки ёрдам» фонди ташкил қилди. 1937 йили бу фонд орқали 10 млн киши озик-овқат ва нақд пул ёрдамини олди. Бундан ташқари, фонд хайрия тушликлари ташкил қилди. Фондга ёрдам беришдан бош тортган кишилар исмлари шармандалик тахтасига осиб қўйилди. Ишчилар учун оналарга бериладиган давлат ёрдами ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Таълим ва тарбия давлат тизими яратилиб, болалар ва ёшлар учун ғамхўрликни (жумладан, моддий) ўз зиммасига олди.

Шу тариқа нацистлар режимининг ижтимоий сиёсати қатъий корпоратив тизимни шакллантиришга, жамиятни ўзининг ижтимоий-иқтисодий функцияларига эга ёпик жамоаларга айлантиришга қаратилган эди.

Учинчи Рейхнинг қулаши. 1937–1938 йиллари иқтисодий ўсишда эришилган ютуқлар ва табақалашган ижтимоий сиёсат гитлерчилар раҳбариятига Германия ички ҳолатини барқарорлаштириш имконини берди. Аммо бу асосий мақсад – национал-социализм ғоялари руҳидаги янги жаҳон тартибини ўрнатиш йўлидаги биринчи қадам деб қаралди. Бўлажак урушга тайёргарлик кўриш учун эришилган ички барқарорлик ҳам, мувозанатга келтирилган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳам қурбон қилинди. 1937 – 1938 йиллари гитлерчилар режимининг асосий сиёсати Германияни тотал равишда урушга тайёрлаш, мавжуд меҳнат ва моддий ресурсларини тўлиқ сафарбар қилиш бўлиб қолди. 1935 йили 18 дан 43 ёшгача бўлган эркаклар учун умумий мажбурий ҳарбий хизмат жорий қилинди. Гитлер ҳар бир аскар ва зобитнинг шахсан фюрерга содиқлиги, немис халқи учун ўзини қурбон қилишга тўлиқ

тайёрлиги ҳақида касамёд жорий қилди. 1939 йили барча ҳарбий ва фуқаролик ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун Империя мудофааси масалалари бўйича вазирлар кенгаши барча округларга «миллий мудофаа бўйича вакил» тайинлай бошлади. Вермахт шахсий таркибини тайёрлаш жадаллаштирилди, қурол ишлаб чиқариш оширилди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Германия қуролли кучлар таркиби 2 млн 760 минг аскар ва зобитлардан иборат бўлиб, армия 3695 та самолёт, 3200 та танк, ҳарбий-денгиз флоти – 2 та линкор, 5 та крейсер, 57 та сувости кемасига эга эди.

Германиянинг ташқи сиёсати ҳам борган сари тажовузкор характер касб этиб борди. Гитлернинг ташқи сиёсат концепциясига мувофиқ халқаро майдонда Германиянинг асосий вазифаси барча немисларни ягона Рейхга бирлаштиришдан иборат эди. Бу Версаль шартномасининг ҳудудлар бўйича шартларини қайта кўриб чиқишга олиб келди. 1933 йил 14 октябрда Германия Женевада ўтаётган қуролсизланиш бўйича конференцияни тарк этди. Шу кунги Гитлер радио орқали нутқ сўзлаб, Германиянинг Миллатлар лигасидан чиққанлигини эълон қилди. Шундан сўнг Австрияга қаттиқ сиёсий босим бошланди. Германия махсус хизмати томонидан Венада ташкил қилинган национал-социалларнинг чиқиши натижасида Австрия канцлери Э. Дольфус ўлдирилди. 1938 йил 12 мартда Австрия тўлиқ Рейхга қўшиб олинди. Бир қатор халқаро шартномалар билан тақиқланган аншлюс Ғарб етакчи давлатларининг жимгина розилиги билан амалга оширилди. 1935 йил бошида ўтказилган плебисцит натижасида Саар вилояти Германияга қўшиб олинди. 1937 йили Германиянинг Чехословакияга босими ва Судет вилоятидаги немис аҳолисининг чиқишлари бошланди. Бир йилдан сўнг Мюнхенда Гитлер, Муссолини, Даладьё ва Чемберлен Чехословакиянинг Судет вилоятини Германияга бериш тўғрисида келишув имзолади. Шу йўл билан нацистлар режимини тинчлантириш умиди ўзини оқламади. 1939 йил бошида Чехословакиянинг қолган қисми ҳам Рейхга қўшиб олинди. «Польшадаги немисларнинг тақдири ҳақида ғамхўрлик» Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши учун баҳона бўлди.

Урушдан олдинги уч йил ичида немис дипломатияси иттифок коалициясини шакллантиришга эришди. Унинг асосини «Берлин – Рим ўқи», шунингдек, Япония билан тузилган ва кейин Италия ҳам қўшилган «Антикоминтерн пакти» ташкил қилди. Германия–

Италия ҳарбий ҳамкорлигининг биринчи акти 1936–1938 йиллари Испаниядаги фуқаролар урушида Франко режимини қўллаб-қувватлаш бўлди. Иккинчи жаҳон уруши давомида бир гуруҳ сателлит давлатлар: Венгрия, Болгария, Руминия, Финляндия Германия иттифоқида бирлашди. Уруш давомида бу давлатларнинг ҳар бири ўзининг аниқ мақсадларини кўзлади, ammo урушнинг моҳиятини национал-социализм билан либерализм ва коммунизм ўртасидаги муросасиз тўқнашув ташкил қилди. Бу тўқнашувнинг якуни бутун инсониятнинг тақдирини ҳал қилиши лозим эди.

Урушнинг дастлабки давридаги буюк ғалабалар, китъада ҳукмрон давлат мақоми, забт этилган давлатлардан товар ва хомашёнинг оқиб келиши Германияда кўтаринки кайфиятни шакллантирди. Немис армияси деярли барча кўрсаткичлар бўйича рақибларидан устун эди. Нацистлар режими бутун мамлакатни ягона ҳарбий лагерга айлантиришга эришди. Ягона раҳбарлик остида бутун кучлар ягона мақсадга – урушга ва унда ғалаба қозонишга йўналтирилди. Ҳарбий-иқтисодий соҳани бошқариш диктаторлик кўринишига эга бўлди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида ҳарбий маҳсулотлар улуши 1940 йили 15% бўлса, 1944 йили 50% ни ташкил қилди. Шу даврда ўк-дорилар ишлаб чиқариш 3 марта, қурооллар – 9 марта ошди. Меҳнат захиралари тўлиқ сафарбар қилинди. 1943 йили 17 дан 65 ёшгача бўлган эркекларга ва 17 дан 45 ёшгача бўлган аёлларга меҳнат мажбуриятлари жорий қилинди. Озиқ-овқат билан таъминлаш карточка тизимига ўтказилди. Ҳарбий ишлаб чиқаришни молиялаштириш учун турли воситалар – қўшимча эмиссия, кредит, солиқларни ошириш, чет эл қарзлари ва забт этилган мамлакатлардан олинadиган контрибуциялардан фойдаланилди. Бу йиллик харажатларни уруш бошидаги 155 млн маркадан 1945 йил бошида 289 млн маркага етказиш имконини берди. Бутун уруш давомидаги харажатлар 630 млрд маркани ташкил қилди.

Шунга қарамадан, бутун дунёга қарши тотал урушда ғолиб чиқишга Германиянинг қурби етмади. 1943 йилиёқ ҳарбий ҳаракатларда туб бурилиш юз берди. Стратегик ташаббус антигитлер коалиция мамлакатларига ўтди. Ҳарбий маглубиятлар натижасида 1944 йилга келиб мамлакатдаги ижтимоий кайфият ҳам ушарди. Расмий тарғибот ҳам энди деярли таъсир қилмай қўйди. Бўлғуси ғалабага бўлган умидсизлик, турмуш шароитларининг оғирлашганидан ва кўплаб кишиларнинг ҳалок бўлаётганидан норо-

зилик мамлакат раҳбариятига бўлган ишончсизликни кучайтирди. 1944 йил 20 июлда К. фон Штауффенберг бошчилигидаги бир гуруҳ зобитлар томонидан Гитлерга қарши уюштирилган суиқасд армиядаги кайфиятни ҳам ёрқин акс эттирди. Исённинг барбод бўлиши нацистик диктатуранинг даҳшатини кучайтирди. Ҳокимиятнинг олий поғонасидагилар ҳам террорга учради. Аммо террор национал-социализм ғояларига ва фюрернинг даҳосига бўлган ишонч тиклай олмади. 1944 йил охиридан жанглар бевосита Германия ҳудудига кириб келди. Кулашга маҳкум бўлган режимнинг ўлим олдидан талвасаси бошланди. Бу шиддат билан чуқурлашиб бораётган иқтисодий инқироз, истеъмол тизимининг тўлиқ барбод бўлиши, саноат инфратузилмасининг ёппасига бомбардимон қилиниши, фуқароларни бошқариш тизимининг издан чиқиши шароитида юз бераётган эди. Нацистлар раҳбарлари ташлаб чиқиладиган ерлардаги барча бино ва иншоотларни бузишга, концлагерлардаги юз минглаб кишиларни ўлдиришга буйруқ берди. 16 – 60 ёшдаги аксарияти қурол ишлатишни ҳам билмайдиган эркаклардан ташкил топган «Халқ лашкарлари» деб аталган кўплаб батальонлар уруш оловига ташланди. Мамлакатда психологик инқироз етилиб келди. Чарчаганлик, бефарқлик, қаршилик кўрсатиш зарурлигига ишончсизлик билан бирга ўтакетган мутаассиблик ҳам мавжуд эди. 1945 йил 30 апрелда Гитлернинг ўзини ўзи ўлдириши ва Берлинда жангларнинг тугаши бу оғир руҳий ҳолатга барҳам берди: сўзсиз таслим бўлиш тўғрисидаги хабар кўпчилик аҳоли томонидан бир руҳий енгиллик билан қабул қилинди. Учинчи Рейх тарихи яқунланди. Германия ўз тарихидаги янги давр бўсағасида турарди.

* * *

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Гитлер ҳокимиятга чиқиш йўлида ҳам, ўзи ҳукмронлик қилган вақтларда ҳам ёлғондан, террордан ва ўта шафқатсизликдан фойдаланди, аммо буларнинг барчаси уни ҳалокатдан сақлаб қола олмади. Бутун дунёнинг назарида Гитлер иблиснинг тимсоли бўлиб қолди. Ундан қолган мерос – бу бутун цивилизация тарихидаги энг даҳшатли, золимона ҳукмронликдан қолган хотира. Бу хотира дунёдаги барча халқларга диктаторлик ва золимона бошқаришнинг мудҳиш оқибатларини ҳар доим эслатиб туради.

Фашистлар Германиясининг сиёсати

Ички сиёсат:

1. Этник немисларнинг турмуш даражасини муттасил ошириб бориш
2. Жаҳон бозорига боғлиқ бўлмаган режали кучли давлат иктисодиётини яратиш
3. Яхудийлар, лўлилар, негроид ва монголоид irqлари вакилларига нисбатан геноцидни амалга ошириш
4. Коммунистлар ва социал-демократларни қатағон қилиш

Ташқи сиёсатда:

1. Жаҳон тартибини ўрнатувчи Буюк Германияни яратиш
2. Бутун дунёда коммунизм ва капитализмни йўқ қилиш
3. Яхудийларни тўлиқ йўқ қилиш

ХIII боб бўйича саволлар

1. Биринчи жаҳон урушидаги мағлубият Германияда қандай иктисодий ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди?
2. «Германиядаги Ноябрь инқилоби» деган умумий ном остидаги инқилобий чиқишлар қандай оқибатларга олиб келди?
3. Германияда фашистларнинг биринчи чиқиши – «пиво исёни» қандай натижа билан якунланди?
4. «Дауэс режаси» қандай мақсадга қаратилган эди? У капиталистик дунёда иктисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга олиб келдими?
5. 1929–1932 йиллардаги инқироз нацистларнинг ҳокимиятга келишига қандай таъсир кўрсатди?
6. А. Гитлер бошчилигидаги национал-социалистлар ҳокимиятга келгандан кейин қандай ижтимоий тадбирларни амалга оширди? Италиян фашизми ва герман нацизмини таққосланг.
7. А. Гитлер тоталитар режимининг асосий мақсади нимадан иборат эди? Германиядаги тоталитар режимга тавсиф беринг.

ХIV Б О Б . Ж А Ҳ О Н У Р У Ш Л А Р И О Р А Л И Ғ И Д А И Т А Л И Я

Италия XX асрнинг биринчи чорагида. XIX аср охири – XX аср бошларида ҳам Италия Жанубий Европанинг қолоқ, аграр мамлакатлари қаторига кирарди. Саноат соҳасида ишга яроқли аҳолининг 1/3 қисми, қишлоқ хўжалигида эса 2/3 қисми банд эди. Италия иктисодиётининг ривожланиши ҳам бир текис эмасди. Шимолий

провинцияларда йирик саноат ривожланди; Жанубий Италия, Сицилия, Сардиния ороллари қолоқ аграр ҳудудлар бўлиб қолаётган эди. Саноатнинг жадал ривожланиши инкирозлар даври билан алмашилиб турди. Йирик ишлаб чиқариш соҳаси билан бирга кўп сонли майда товар ишлаб чиқарувчилар ҳам мавжуд эди. Қишлоқ жойларда, айниқса қолоқ Жанубий ҳудудларда ишсиз аҳоли сони шунчалар кўп эдики, ҳар йили бир неча юз минглаб италияликлар яхши ҳаёт умидида мамлакатдан чиқиб кетардилар.

Чет капиталининг фаол иштирокида миллий саноатнинг ва банк ишининг ривожланиши дастлабки монополистик бирлашмаларининг пайдо бўлишига олиб келди. «Монтекатини» компанияси химия саноатида монопол мавқени, «Ильва» концерни чўян ва пўлат ишлаб чиқаришнинг $\frac{3}{4}$ қисмини эгаллади, «Эдисон» трести электроника соҳасини, «Фиат» жамияти автомобиль ишлаб чиқаришни монополлаштириб олди. Молия соҳасида Тижорат банки, Рим банки, «Италия кредит» банки ва Ҳисоб-китоб банки етакчи ўринларни эгаллади. Тижорат банки ва «Италия кредит» банки фаолиятида Германия капитали етакчи роль ўйнади. Немислар, шунингдек, Италияда алюминий, қўрғошин ишлаб чиқариш соҳаларига капитал киритди, энергетика бозорини эгаллаб олди, машинасозликка ҳам кириб келди. Темир йўл қурилиши соҳасини молиялаштирган француз капиталининг таъсири ҳам жуда юқори эди.

XX аср бошларида Италиянинг давлат тузилиши Савойя сулоласи бошчилигидаги монархия эди. 1900 йили анархистлар томонидан кирол Умберто ўлдирилгандан сўнг тахтга Виктор Эммануил III (1900–1946) келди. Италияда монархия тузуми Европадаги бошқа буржуа давлатлари намунасида ташкил қилинган эди. Бирок Италия давлат аппаратининг конституцион-ҳуқуқий, маъмурий ва ҳарбий тузилиши қолоқ, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг кучсиз Жанубий Европа вариантыга асосланган эди. XX аср бошларида итальян буржуазияси ташкилий жиҳатдан етук, парламентда кўпчилик ўринни эгаллашга қодир бўлган сиёсий партияга эга эмасди. Йирик, ўрта ва майда буржуазия турли қатламларининг манфаатларини либераллар, радикаллар, республикачилар, демократлар ва шу қабиларнинг ҳар хил гуруҳлари ифода этарди. Бу партияларнинг сиёсий ҳолати уларнинг ҳеч бирига парламентда етакчилик қилиш имконини бермасди. Энг оммавий партия 1892 йили тузилган Италия социалистик партияси бўлиб қолаётган эди.

Бундан ташқари, Италияда учта умуммиллий марказ: 1906 йили шайдо бўлган ва социалистлар назорати остида етакчи позицияни эгаллаган Умуммиллий меҳнат конфедерацияси (УМК); Католик қасаба уюшмалари конфедерацияси ва 1913 йили ташкил қилинган Анархо-синдикалистлар бирлашмаси мавжуд эди.

Италия сиёсий маданиятининг характерли томони конфессиал анъаналарнинг кучли таъсири ҳисобланади. XIX аср охирида айнан конфессиал анъаналар таъсири остида жамиятнинг дунёвий ва католик қисмларга бўлиниши юз берди, черков мамлакатни бирлаштиришга қарши чиқди, бир қисм аҳолини давлатдан бегонлаштирди. XX аср бошлари бир қатор ўзгаришларни олиб келди: 1905 йили Ватикан католикларнинг сиёсий ҳаётда қатнашишини тақиқловчи қондани бекор қилди, уларга сайловларда овоз беришга рухсат этилди, энг кизиғи «худосиз» социалистларга овоз бериш тавсия қилинди.

Аср бошларидаги кенг миқёсли иш ташлаш ҳаракати туфайли ҳукмрон доиралар ижтимоий сиёсатда зўравонликдан бошқа тактикадан фойдаланиш зарурлигини тушуниб етди. Ж. Жолиттининг «либерализм эраси» ижтимоий ҳаётда ҳам либерал кадриятларнинг жорий қилинишига олиб келди.

Уруш иқтисодий тараққиётни рағбатлантирди, оғир саноатнинг (машинасозлик ва металлургия), химия саноати ва энергетика соҳаларининг ўсишига олиб келди. Саноатнинг концентрациялануви монополияларнинг ўсиши ва уларнинг давлат билан бирикиб кетиш жараёнини тезлаштирди. Аммо уруш тугаши билан Италия ўзи кутганчалик ҳудудини кенгайтириб ололмади, Фиум портини, Албанияни, Анатолиянинг жануби-ғарбий қисмини босиб олишга уриниш ва Совет Россиясига қарши интервенция муваффақиятсиз якунланди. Бу «мажруҳ галаба» Италияни «ғолиблар орасидаги мағлуб»га айлантирди. Фақат Истриянинг ғарбий қисми, жанубий Тироль, Пула ва Горація Италияга ўтди.

Урушда Италия 600 минг кишидан айрилди, бир миллионга яқин киши ярадор ва ногирон бўлиб қолди. Мамлакат жуда катта қарзга ботди, провинциялар бўшаб қолди, чайқовчилик авж олди, кишиларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, ўзгаришларни талаб қила бошлади. Мамлакатнинг умумий ҳарбий харажатлари миллий бойликнинг 1/3 қисмига тенг бўлди. Солиқларнинг ошиши, пулнинг кидрсизланиши, қимматчилик ва реал иш ҳақининг 40–50 % га

пасайиши, ишсизликнинг ошиши италияликлар турмуш тарзининг кескин пасайишига олиб келди. Урушдан олдин озик-овқат маҳсулотларини экспорт қилувчи Италия энди уни сотиб олишга мажбур бўлди. Мамлакат 1920 йили иқтисодий инкироз ҳолатига келиб қолди. Урушдан кейинги йўқчилик ва қийинчиликлар айниқса ишчилар, деҳқонлар, ижарачилар, майда савдогарлар ва тадбиркорлар, кичик амалдор ва хизматчилар, урушдан қайтган зобит ва аскарларнинг аҳволини оғирлаштирди. Бу ҳол пролетариатнинг кучли иш ташлаш ҳаракатида, деҳқонларнинг оммавий норозилигида ва итальян либерал давлатининг инқирозида намоён бўлди. Бу даврдаги ишчилар ҳаракати ўз миқёсига кўра бутун Италиyani ларзага келтирди. Баъзи шаҳарларда касаба уюшмалари дўконлардан конфискация қилинган озик-овқат маҳсулотларини арзон нархда ишчиларга тарқата бошлади. Ишчилар 8 соатлик иш куни ва иш ҳақининг оширилишини талаб қилдилар. 1919 йил Умуммиллий меҳнат конфедерацияси (УМК) аъзолари сони 2,1 млн кишига етди.

Урушдан кейинги даврда итальян пролетариатининг энг йирик чиқишлари катта «саноат учлиги» – Милан, Турин, Генуя шаҳарларида бўлиб, бу ерда ишчилар завод ва фабрикаларни эгаллаб олдилар. Бу корхоналарда фабрика-завод кенгашлари тузилди, уч ҳафта ичида ишчилар завод ва фабрикаларни эгаллаб турди, ишчиларга иш ҳақи ва озик-овқат тарқатишни йўлга қўйди. Ишчилар ҳаракатининг кўлами ҳукуматни саросимага солиб қўйди, тадбиркорлар ўз корхоналарини қайтариб олиш учун ҳарбий кучдан фойдаланишга журъат қилмадилар. Ҳукумат ишчиларга иш ҳақини оширишни, корхоналарда ишчи назорати ўрнатишни ваъда қилди. УМК етакчилари ҳукуматнинг ваъдаларига ишчиларни ҳам ишонтирди ва корхоналарни эгаларига қайтаришга эришди. Аммо корхоналар эгалари ўз сўзида турмадилар. Ишчилар манфаатини ҳимоя қилиши лозим бўлган Социалистик партия ҳам келишув йўлини тутди. Мағлубиятга учраган ишчилар ҳаракати битта натижага олиб келди: ҳукумат ва Социалистик партия ишчиларнинг ишончини йўқотди. Бу воқеалардан бир ой ўтиб, 1921 йил январда Италия коммунистик партияси тузилди.

Шаҳарлик ишчилар ортидан деҳқонлар, ижарачилар, батраклар кўтарилди. Улар ер, ижара ҳақининг пасайтирилишини, 8 соатлик иш куни ва юқори иш ҳақини талаб қилдилар. 1919 йил баҳорда помешчик ерларини эгаллаб олиш учун тартибсиз ҳаракат шундай

кўламга эга бўлдики, ҳукумат ён беришга мажбур бўлди. 1919 – 1920 йиллари қишлоқ кишиларининг яшаш шароитини яхшилашга қаратилган қонунлар қабул қилинди, бир қатор ҳолларда ҳатто эгаллаб олинган ерларни деҳқонларга беришга қарор қилинди.

XX аср биринчи чораги Италия сиёсий тарихида буржуа-либерал давлат инкирози алоҳида ўрин эгаллайди. Биринчи жаҳон урушидан кейин Италиянинг давлат ва сиёсий тизими инкироз ҳолатига тушиб қолди. 1918–1920 йиллари 5 та ҳукумат алмашди, кўпчилиги ишчиларга ён беришга мажбур бўлди. 1919 йили 8 соатлик иш куни, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи, деҳқонларнинг ижараси, сайлов тўғрисида янги қонунлар қабул қилинди. Урушдан кейинги дастлабки йиллардаги қийинчиликларни бартараф қилишга, ички сиёсий ҳолатни барқарорлаштиришга либерал-демократик давлатнинг қурби етмади. Буржуа доиралари омма билан боғланган янги, кучли партияга муҳтож эди. 1919 йил мартда католик доиралар ташаббуси билан оммавий католик ҳаракат асосида Халқ партияси (итальян тилида «*popolo*» – «халқ» дан келиб чиқиб, бу ҳаракат пополари деб аталди) тузилди. Моҳиятига кўра бу деҳқонлар, шаҳар майда буржуазияси ва қисман пролетариатга таянган ва итальянларнинг анъанавий чуқур диний ҳиссиётидан фойдаланган буржуа партияси эди. Халқ партиясининг дастури унинг оддий аъзоларига руҳан яқин бўлган талабларни аке эттирди. Пополари ўз назорати остида энг йирик умуммиллий касаба маркази – Италия меҳнаткашлар конфедерациясини ташкил қилди.

1919 йил ноябрда парламент сайловлари бўлиб, у Италияда урушдан кейин вужудга келган сиёсий кучлар нисбатини тўлиқ акс эттирди. Берилган овозлар сонига кўра биринчи ўринни Италия социалистик партияси, иккинчи ўринни – Халқ партияси эгаллади. Буржуа гуруҳлари парламентдаги ўринларнинг ярмидан камроғини олди. Икки йирик парламент партиялари – Социалистик партия ва Халқ партиясининг бирлашишига йўл қўймаслик учун бошқа буржуа партияларининг вакиллари пополари атрофида бирлашдилар. Шу тариқа буржуа партиялари ҳокимиятда қолди. Турли-туман партиялар вакилларида ташкил топган ҳар қандай коалиция сингарии бу ҳукумат ҳам барқарор эмасди ва мамлакатда ислохотларни таъминлай олмади.

Италияда фашистларнинг ҳокимиятга келиши. 1919 йил мартда Миланнинг ҳашаматли уйларидан бирида биринчи фашистик

ташкилот тузилди. Унинг дастлабки талаблари монархияни ту-
гатиш ва унвонларни бекор қилиш, йирик капиталга солиқ жорий
қилиш ва умумий мажбурий ҳарбий хизматни бекор қилиш, 8 со-
атлик иш кунини жорий қилиш, «ер унга ишлов берган кишига
тегишли» тамойили асосида аграр ислохотни ўтказиш кабилардан
иборат бўлди. Фашистик ташкилотлар жанговар иттифок (итальян-
ча – «фаши ди комбаттименто») деб атала бошланди. Фашистлар
ўзларига ҳарбийлашган либос – қора кўйлак, ташкилий тизимлар –
легионлар, когорталар ва Қадимги Римда қўлланилган саломлашиш
шакли – ўнг қўлни олдинга қараб чўзишни жорий қилди. Шиддат
ва шовқин-сурон билан олиб борилган итальян фашистларининг
фаолияти, биринчидан, босқинчилик ташқи сиёсатига («куёшнинг
остидан ўзига ўрин» эгаллаш) ва миллатчилик ҳисларини уйғо-
тишга, иккинчидан, ишчилар ҳаракати ва уларнинг партиясига
қарши туришга, учинчидан, монополистик доиралар ва армия қў-
мондонлигида ўзларига обрўли ҳомийлар топишга қаратилди.
Бироқ, 1919–1920 йиллар мобайнида фашистларнинг сафсата
ташвиқоти омма орасида муваффақият қозонмади: фашистик
иттифок аъзолари сони бир неча минг кишидан ошмади.

Италия фашистларининг етакчиси янги типдаги лидер – Бени-
то Муссолини бўлди. Б. Муссолини 1883 йили темирчи, социалис-
тик ҳаракат қатнашчиси ва ашаддий «худосиз» оиласида туғилди.
Бенито мактабда яхши ўқиди, аммо муштлашгани учун мактабдан
ҳайдалиб, ўрта маълумот ҳақида гувоҳномани экстернат йўли би-
лан олди. У бир қанча вақт мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади, аммо
кейин, Швейцарияга кетиб, митинглар ва матбуотдаги чиқишлари
билан итальян эмигрантлари орасида жуда тез кўзга ташланди.
Муссолини К. Каутский ва П. Кропоткин, Р. Штирнер ва О. Блан-
ки, А. Шопенгауэр ва Ф. Ницшенинг асарлари билан танишди,
К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Манифест»ини ўқиб чиқди. Б. Мус-
солини бу назариялардан фақат ўзига ёққанини ва тушунганини
қабул қиларди; у бошқаларнинг ғояларини осонгина ўзлаштирар,
бунинг устига орадан бироз вақт ўтганидан кейин уларни ўзиники
қилиб кўрсатиш одати ҳам бор эди. Бу даврнинг кўпгина бошқа
социалистлари каби Б. Муссолини ҳам француз синдикалисти
Жорж Сорель ғояларидан кучли таъсирланди.

Аммо уни ҳаммадан кўра Ф. Ницшенинг «яшаш учун кураш»,
«ҳокимиятга интилиш»ни ривожланишнинг универсал ҳаракат-

лангирувчи кучи деб ҳисобловчи гоялари кўпрок ўзига тортди. Бундан ташқари, Б. Муссолинига Ф. Ницшенинг халқни «танланган шахслар учун постамент»¹ сифатида, урушни инсон руҳининг энг юксак намоён бўлиши сифатида тушуниши ҳам ўзига жалб қилди.

Италияга қайтиб журналистика билан шуғулланди, «Синфий кураш» номли газета нашр қилди, 1912 йилдан «Аванти!» социалистик газетасининг бош муҳаррири бўлди. Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан Социалистик партиядан ҳафсаласи пир бўлган Муссолини, уни тарк этди ва 1919 йили фашистик иттифоқ тузишнинг ташаббускори бўлди.

Б. Муссолини унчалик ўртамиёна киши эмасди, у чет тилларини биларди, скрипка чаларди. Замондошлари уни катта шуҳратпараст, кучли ирода эгаси бўлган «ҳаракат актёри» деб аташарди. Уни сиёсий интуицияси ва зеҳни кучли бўлган оломон кишиси деб ҳисоблашарди. У даврларда ҳали имижмейкер касби йўқ эди, Муссолини ўзининг образини ўзи яратди. У қора кийим кийишни ёқтирар, таъсири кучли имо-ишоралардан яхши фойдаланар, қўлни белга қўйиб, актёрларча образга кира оларди. Муссолини жуда қобилиятли нотик бўлиб, унинг чиқишлари тажрибали ташвиқотчи ва сафсатабозга хос иборалар билан безатилар эди.

Муссолини Италиянинг урушдан кейинги қийин аҳволдан фойдаланиб, фашизмни оммавий ҳаракатга айлантирди. Фашистларни Муссолини бошчилигидаги бир тўда лўттибозлар деб ўйлаш тўғри эмас. Уларни мамлакатдаги жиддий кучлар қўллаб-қувватлади, аҳолининг ҳам катта қисми хайрихоҳлик билдирди. Муссолини нафақат итальян монополистик буржуазияси, банкирлар ва аграрларнинг, балки армия раҳбарияти, қирол саройи, Ватиканнинг ҳам қўллаб-қувватлашига эришди. 1920 йили ишчиларнинг корхоналарни эгаллаб олиш бўйича ҳаракати маглубиятга учрагандан сўнг, фашистик ташкилотлар ва улар аъзоларининг сони жуда тез кўпайиб борди. Агар 1920 йил кузда мамлакатдаги фашистик иттифоқлар сони 200 та бўлса, бир йилдан кейин улар сони 10 марта кўпайди. Инқилобий ҳаракат сусайган, мавжуд тузумга бевосита хавф-хатар йўқолган бир шароитда фашистлар сиёсий ҳокимиятни эгаллашга бўлган ўз даъволарини очик эълон қилди. «Фашизм – бу маънавий ва моддий кучларнинг улкан сафарбарлиги. Биз нимага эришмоқчимиз? Бу ҳақда ёлғондакам

¹ П о с т а м е н т – асос, такурси, хайкал ўрнатиладиган махсус сура.

камтарликсиз айтамыз: биз миллатни бошқаришга эришмоқчимиз», – деб ёзган эди Муссолини. 1921 йил ноябрда Римда бўлиб ўтган фашистик иттифоклар йиғинида «Миллий фашистик партия» ташкил килинди. Партия дастуридан дастлабки фашистларнинг радикал талаблари энди ўрин олмади. Ҳокимиятни эгаллаш учун кураш бошланди. Тадбиркорлар, банкирлар, катта ер эгалари фашистларни қўллади, аммо ишчилар ҳаракати ва уларнинг партиялари – Социалистик ва Коммунистик партиялар бу йўлда жиддий тўсиқ бўлиб қолаётган эди. Фашистлар ишчилар ташкилотларини ўраб олиб, мол-мулкларини талон-торож қилди, митингларини бузди, ишчилар раҳбарларига қарши террордан фойдаланди. Италия меҳнаткашлари фашистларга қаршилик кўрсатди, баъзан бу қонли тўқнашувларга айланиб кетди.

Аммо тарқоқ ишчилар ҳаракати фашистларнинг ҳокимиятга келишига тўсиқ бўла олмади. Социалистлар пассив қаршилик йўлини танлади ва Муссолини билан сиёсий курашнинг зўравонлик йўлларида воз кечиш тўғрисида «Хотиржамлик пакти»ни имзолади. 1922 йил августда фашистларга қарши умумий сиёсий иш ташлаш бўлиб ўтди. Агар иш ташлаш муваффақият қозонса, ҳукуматга таъсир ўтказиши ва ҳокимиятга фашистлар келишининг олдини олиши мумкин эди. Аммо иш ташлаш барбод бўлди.

Йирик саноатчилар, Ватикан ва қирол оиласининг қўллаб-қувватлашига эришган Муссолини 1922 йил 27 сентябрда «Римга юриш» ҳақида буйруқ берди. Ҳеч қандай жиддий қаршиликка учрамаган 25 минг қора кўйлаклиларнинг қуролли отрядлари 30 октябрь кунини «абადий шаҳарга» кириб келди. Римга юриш ўзига хос «қон тўкмасдан амалга оширилган инқилоб» бўлди. Қирол Муссолинини ҳукумат қароргоҳига таклиф қилиб, бош вазир лавозимини таклиф қилди. Шу тариқа фашистлар ҳокимиятга келди. Европа бўйлаб фашизм тўлқини кўтарилди.

Италия фашистлар ҳукмронлиги йилларида (1922–1943). 1922 йили итальян фашистлари коалицион ҳукуматда бош вазир ва бир неча вазирлик лавозимларига эга бўлдилар. Декабрда фашистик партиянинг олий органи бўлган Катта фашистик кенгаш тузилди. Шу вақтдан 1926 йилгача фашистик режим кучларининг жипслашуви юз берди. Фашистларнинг аста-секин қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятни тўлиқ эгаллаб олиши натижасида ўзида

тоталитаризм ва авторитаризм белгиларини уйгунлаштирган фашистик диктатура ўрнатилди.

1924 йили янги мажоритар сайлов қонунчилиги асосида, террор ва сохталаштириш ҳолатида ўтган парламент сайловлари фашистик режимнинг жипслашувида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Энг кўп овоз фашистлар партиясига берилди. Янги парламентга мухолифат партиялардан сайланган депутатлар фашистларнинг сайловдаги найранглари ва фирибгарликларини очиб ташлади. Бу жараёнда алоҳида жасорат кўрсатган Социалистик партия вакили Жакомо Маттеотти 1924 йил июнда ёлланма қотил томонидан ўлдирилди. Маттеоттининг ўлдирилиши мамлакатда «Маттеотти инқирози» деб номланган жараёнга олиб келди. Мухолифатчи депутатлар норозилик белгиси сифатида парламентни тарк этдилар ва «Мухолифатчи партиялар кўмитаси»ни («Авентин блоки») ташкил қилиб, киролдан фашистик парламентни тарқатиб юборишни, Муссолинини истеъфога чиқаришни талаб қилди. Аммо «Авентин блоки» (Қадимги Римда патрицийларга қарши чикқан плебейлар Авентин тепалигига чиқиб кетишган, блок номи шундан олинган) шу талабдан бошқа ҳеч қандай катъий ҳаракат қилмади ва коммунистлар таклифига кўра ўзини халқ парламенти деб эълон қилишни ва ҳокимиятни ўз қўлига олишни рад этди. Натижада коммунистлар парламентга қайтди, «Авентин блоки» эса ҳаракат қилмади ва 1925 йил бошларида Муссолини уларни тарқатиб юборди. «Маттеотти инқирози» Италияда либерал давлат тартибларининг йўқ қилинишини ва диктатура ўрнатилишини тезлаштирди.

1925 йил давомида бир қатор қонунлар қабул қилиниб, унга кўра ҳукумат тўлиқ фашистлашди. Муссолинини бош вазир лавозимига парламент эмас, кирол тайинлайдиган бўлди ва у парламент олдида ҳисобот беришдан озод қилинди. 1926 йили Муссолинига қарши уюштирилган муваффақиятсиз суиқасддан сўнг у диктаторлик ваколатларига эга бўлди: ҳукумат парламентнинг розилигисиз қонунлар қабул қилиш ҳуқуқини олди ва қонун чиқарувчи ҳамда ижро ҳокимиятининг марказига айланди; фашистик бўлмаган барча партиялар ва қасаба уюшмалари тарқатиб юборилди; давлат душманларига нисбатан терговсиз ва судсиз сургун жорий қилинди, ўлим жазоси тикланди. 1927 йили Катта фашистик кенгаш меҳнат муносабатларини тартибга солиш ҳақида қонун – «Меҳнат хартияси»ни қабул қилди ва корпоратив давлат тузилганлигини

эълон қилиб, иш ташлаш ва пролетариат курашининг бошқа шакллари жиноят деб қараладиган бўлди. 1929 йили Муссолини Рим папаси билан «Латеран конкордати»– Ватикан ва Италия бир-бирини суверен давлатлар деб тан олиши тўғрисида келишувни имзолади. Черков оила қонунчилиги ва мактаб таълими соҳасида ўз таъсирини сақлаб қолди, Италия ҳукумати эса Рим папасига катта миқдорда пул тўлади (Римга бўлган даввосидан воз кечганлиги учун товон сифатида).

Италияда дохий (дуче)га сиғиниш ва террор авж олди. Бир қатор партиялар (пополари, либераллар) ўзини ўзи тарқалган деб эълон қилди, бошқалари эса (коммунистлар, социалистлар) яширин фаолият ҳолатига ўтди ёки чет элга чиқиб кетди. Махсус трибунал ва махфий полиция тузилди. Минглаб антифашистлар турмаларга ташланди, лагерларга жўнатилди. Италия Коммунистик партияси (ИКП) Бош котиби Антонио Грамши қамокка олинди ва ўн йилдан сўнг турмада вафот этди. У ўзидан «Турма дафтарлари» – фашизм таҳлилининг ажойиб намунасини қолдирди. Аммо Муссолини террорининг кўлами фашистик Германиядаги сингари даҳшатли тус олмади.

1930–1934 йиллари Италияда аҳолининг барча қатламларини қамраб олган корпоратив тизим ўрнатилди. «Умумий миллий манфаатлар»ни таъминлаш учун иқтисодиётнинг асосий соҳаларида таркибига тадбиркорлар, барча меҳнаткашларнинг касаба уюшмаларини бирлаштирган 22 та корпорациялар тузилди. Корпорациялар меҳнат шароитини белгилайди, тадбиркорлар билан ишчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади: масалан, улар 1923 йили бекор қилинган 8 соатлик иш куни ва 40 соатлик иш ҳафтасини тиклади. Корпоратив тизимни жорий қилиш Италия иқтисодиёти устидан давлат назоратини кучайтириш ва меҳнат муносабатларини давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос шакли бўлди.

Муссолинининг иқтисодий сиёсати монополиялар билан давлат аппаратининг бирикиши ва давлат монополистик корпорациясини тузиш орқали анъанавий иқтисодий укладни жадал модернизация қилишга кодир бўлган кучли «давлат-дохий» ғоясига таянади. Муссолини автократияга – Италиянинг ўзини ўзи таъминлаши ва иқтисодий мустақилликка эришиши учун интилади. Шу мақсадда иқтисодни соҳалар бўйича ва техник қайта қуриш амалга оширилди, ишлаб чиқариш ва молия устидан қатъий назорат ўрнатилди,

истеъмолни тартибга солиш ва милитаризация жорий қилинди. Мажбурий картеллаштириш иқтисоднинг асосий соҳаларида йирик монополистик гуруҳларнинг кучайишига олиб келди. Иқтисодиётга тўғридан-тўғри ва ҳар томонлама аралashiш йўли билан Италия фашистик-корпоратив давлати мамлакат ривожланиши суръатларини кескин оширишга эришди. 1938 йили Муссолини ирқий қонунлар чиқарди, 1939 йил бошида эса Депутатлар палатасини тарқатиб юбориб, унинг ўрнига Катта фашистик кенгаш ва Корпорациялар миллий кенгаши аъзоларидан иборат Фашистлар ва корпорациялар палатасини тузди.

Италян фашизми махсус тоталитар диктатура сифатида ҳам тоталитаризм, ҳам авторитарлик белгиларига эга эди. Унинг мафкуравий тизими католицизм, анъанавийлик, социализм ғоялари билан тўлдирилган миллатчилик пойдеворига қурилди. Асосий мафкуравий тамойиллардан бири «Муқаддас Рим империяси»ни тиклашга интилаётган «миллатнинг буюклиги»га ва итальян халқининг касалманд Европани «соғломлаштириш», уни демократия ва большевизм каби қусурлардан халос қилишдаги ўзига хос миссиясига асосланган эди.

Италия корпоратив-фашистик давлатининг мафкуравий мустаҳкамланишида миллат раҳбари – дученинг бенуқсонлиги, ҳеч қачон адашмаслиги, халққа оталарча ғамхўрлик қилиши ҳақидаги ғоя катта роль ўйнади. Бу ғоя дохийпарастликнинг, яъни лидернинг авторитар яккахокимлиги тамойилининг асосини ташкил қилди. Германиядаги нацизм таъсири остида Италияга ирқчилик ғоялари кириб келди ва бу ерда маълум трансформацияга учраб, орийлар бўлган ва шу сабабли бошқа халқлардан устун турувчи «соф итальян ирқи» ҳақидаги ғояга айланди. Аммо ирқчилик Италияда Германиядаги сингари шафқатсиз кўринишга эга бўлмади.

Муссолини режими фашистик партия дастурининг «тоталитар давлат» ҳақидаги бандига биноан жамият ҳаётининг ҳамма жабҳалари устидан давлат назоратини ўрнатди. Дуче ҳокимиятининг мустаҳкамлиги унинг армия, бюрократия, черков ва фашистик партия сингари сиёсий институтлар ўртасида мутаносибликни сақлай олиш қобилиятига боғлиқ эди. Дохий манфаатларини кўриклаш учун жамиятни барча муҳолифатчи кучлардан «тозалашга» йўналтирилган бутун бошли террор тизими сафарбар қилинди.

1920-йиллари италян фашизмнинг ташқи сиёсати ҳали очик тажовузкор кўринишга эга бўлмаган эди, Муссолинининг бир қатор ташқи сиёсий қадамлари анча эҳтиёткорлиги билан ажралиб турарди. Корфу оролини босиб олишга уриниш барбод бўлди, аммо 1924 йили Италия Фиуме портини эгаллади. 1926 йилги инглиз-итальян келишуви Абиссиния (Эфиопия) даги таъсир зонасини Италия фойдасига ҳал қилди. 1924 йил бошларида СССР билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1930-йиллардаги ташқи сиёсат миллий «кенглик» учун курашнинг кучайиб бориши ва тажовузкорлик билан ажралиб туради. Бу йўналишда амалга оширилган аниқ тадбирлардан 1935 йили Эфиопияни босиб олишни, Испанияга қарши интервенцияни (1936–1939), Миллатлар Лигасидан чиқишни ва Антикومنтерн пактини имзоланишни (1937), Мюнхен келишувида иштирок этишни (1938), Албанияни босиб олишни, Германия билан ҳарбий ва сиёсий иттифоқ тўғрисида «Пўлат пакти»нинг имзоланишини айтиб ўтиш мумкин.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Италия. 1940 йил 10 июнда Францияга уруш эълон қилган Италия Иккинчи жаҳон урушига киришди. Икки ҳафта ўтиб француз-итальян яраш сулҳи имзолангандан сўнг, Италия Африкада уруш ҳаракатларини олиб борди. Италияга қарашли Сомали худудидан туриб Буюк Британияга қарашли Сомали, Кения, Судан худудларига, Ливия худудидан – Мисрга бостириб кирди. Бироқ инглизлар қарши ҳужумга ўтиб, 1940 йил декабрда итальянларни Мисрдан, 1941 йил баҳорда эса Шарқий Африкадан қувиб чиқарди. 1941 йил октябрда Италия Грецияга ҳужум қилди. Италия-герман қўшинларининг 1942 йил кузда Шимолий Африкадаги яна бир ҳужуми 1943 йил майда инглиз-америка қўшинлари томонидан қайтарилди ва итальян-герман қўшинларининг мағлубияти билан яқунланди. Италиянинг СССРга қарши урушда иштироки ҳам муваффақиятсиз бўлиб чиқди.

1942 йил охири – 1943 йил бошларида Италия фақат ташқи эмас, ички қийинчиликларнинг ҳам гирдобида қолди. Саноатда хомашё ва электр энергияси тахчил бўлиб қолди, самарасиз ҳарбий операциялар туфайли мамлакат молияси оғир шароитда эди. Италия фашистларининг кенг кўламли босқинчилик мақсадлари билан шу мақсадларни амалга ошириш воситаларининг чекланганлиги ўртасидага номутаносиблик яққол кўзга ташланиб қолди.

Италияликларнинг норозилиги ўсиб борди ва 1943 йил фақат иқтисодий эмас, сиёсий талабларни ҳам илгари сурган оммавий иш ташлашга олиб келди. СССРга қарши Шарқий фронтдаги ва Шимолий Африкадаги мағлубиятлар 1943 йил июлда Сицилияга инглиз-америка иттифокчи кўшинлари туширилиши билан янада чуқурлашди. Италия энди ўз худудини ҳимоя қилишга мажбур бўлди.

Вужудга келган ҳолатда йирик буржуазия ва фашистик партиянинг етакчи доиралари Муссолинини ҳокимиятдан четлатиш тўғрисида қирол Виктор-Эммануиль билан келишиб олди. Қирол янги бош вазир қилиб маршал Бадальони тайинлади, Муссолини эса қамоққа олинди. Бу 25 июлда юз берди, 1943 йил 8 сентябрда эса Италия таслим бўлганлигини ва инглиз-америка иттифокчилари билан сулҳ тузишини эълон қилди. Бунга жавобан Германия кўшинлари Шимолий Италияга бостириб кирди. Муссолини немис десанти ёрдамида озод қилинди ва Германияга келтирилди. Фашистик блокнинг инқирозидан ташвишга тушган Гитлер, Италиянинг немислар томонидан босиб олинган қисмида «Соло республикаси» деган давлатни ташкил қилиб, Муссолинини унга ҳукумат бошлиғи қилиб тайинлади. Германия босқинчи кўшинлари ва Муссолинига бўйсунувчи кўшинларга қарши 1943 йил кузидан 1945 йил баҳоригача инглиз-америка кўшинлари ва Қаршилик ҳаракати аъзолари жанглар олиб борди. Қаршилик ҳаракатида ишчилар, деҳқонлар, кичик ва ўрта буржуазия, зиёлилар сиёсий партияларининг вакиллари иштирок этди. Миллий антифашистик фронт таркибига коммунистлар, социалистлар, христиан демократлар, Либераллар ҳаракат партияси ва Демократик меҳнат партияси, яъни барча антифашист партиялар вакиллари кирди.

Озодлик кўнгиллилар корпусига бирлашган Қаршилик ҳаракати отрядлари оммавий партизанлик курашини олиб бордилар. Партизан отрядларида итальянлар билан биргаликда фашистлар концлагерларидан қочган ҳарбий асирлар ҳам курашди. Улар орасида 5 минг совет кишилари, жумладан, ўзбекистонликлар ҳам қаҳрамонларча жанг қилдилар. Қаршилик ҳаракатида ва миллий кўзғолонни тайёрлашда Миллий озодлик кўмитаси муҳим роль ўйнади.

1945 йил 18–25 апрель кунлари немис босқинчилари ва Муссолинига қарши кўзғолон бутун Шимолий Италияни камраб олди. Шиддатли жанглар давомида кўплаб жангчиларидан айрилганига

қарамасдан, партизанлар Шимолий Италиянинг бир нечта провинцияларини, жумладан, Болонья, Турин, Милан, Генуя каби 100 дан зиёд шаҳарларни ва барча йирик тоғли қишлоқларини озод қилди. Партизанлар 40 мингдан кўп аскарларни асир олди, 28 апрель куни эса Муссолини ва унинг шерикларини тутиб олиб, осиб ўлдирди. Айни пайтда инглиз-америка қўшинлари Италия худудини озод қилишда давом этди, 1945 йил 2 май куни Италиядаги немис қўшинлари таслим бўлди. Италия учун Иккинчи жаҳон уруши, шунинг билан бирга фашистик диктатура даври якунланди.

* * *

Биринчи жаҳон урушидан кейин Италияда вужудга келган ҳолат бир қатор омиллар, хусусан, мамлакатда капитализм ривожланишининг нисбатан кеч бошланганлиги, барқарор демократик анъаналарнинг мавжуд бўлмаганлиги кабилар билан қўшилиб, мамлакатда фашистларнинг ҳокимиятга келиши учун шароит яратди. Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубият бу жараённинг қонуний натижаси бўлди.

XIV боб бўйича саволлар

1. Нима учун Италиядаги сиёсий инқироз фашистларнинг ҳокимиятга келиши билан якунланди? Италия фашизмининг асосий жиҳатларини таърифланг.
2. Мухолифатчиларнинг антифашист блоки (авентинчилар) нима учун муваффақият қозонмади?
3. Иқтисодий инқироз йилларидаги қандай тадбирлар Италияда фашистлар ҳокимиятининг мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилди? Нима учун аҳолининг катта қисми, жумладан, зиёлилар фашистларни қўллаб-қувватлади, уларнинг маддоҳига айланди? Бу ҳақда фикр юритинг.
4. Италия фашистларининг милитаристик ва тажовузкор ташки сиёсати нималарда намоён бўлди?

XV Б О Б . Ж А Ҳ О Н У Р У Ш Л А Р И О Р А Л И Ғ И Д А Я П О Н И Я : ТОТАЛИТАР РЕЖИМНИНГ ЎРНАТИЛИШИ

Япония иқтисодининг «олтин даври». XX аср бошларида Япония жаҳоннинг етакчи давлатларига қарам бўлиб қолмаган, нисбатан юқори даражадаги иқтисодий ва ҳарбий ривожланишга эриш-

ган Осиё минтақасидаги ягона давлат эди. Биринчи жаҳон урушида Германия ва унинг иттифокчиларига уруш эълон қилган Япония йирик ҳарбий операцияларда иштирок этмади, аммо Германияга тегишли Микронезия (Маршалл, Каролинг ва Мариан) ороллари ва Германиянинг Хитой ҳудудида – Циндаодаги ҳарбий-денгиз базасини босиб олди.

Бошқа давлатларнинг эътибори Европада бўлаётган воқеаларга жалб қилинган бир пайтда, Япония катта фойда олишга ва ўзининг Хитойдаги мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Германияга қарши кураш баҳонасида 1915 йил Шаньдун провинциясини (Германиянинг таъсир зонаси, Циндао ҳам шу ерда жойлашган) тўлиқ босиб олди. Кучсиз Хитой ҳукумати Япониянинг бу ердаги ҳукмронлигини таъминлайдиган «21 талаб» номли ҳужжатни имзолашга мажбур қилинди.

Натижада Биринчи жаҳон уруши япон саноатининг янада ривожланишига, унинг янги соҳалари пайдо бўлишига, ҳарбий заводлар сонининг кўпайишига, Узоқ Шарқ ва океан йўлларининг жадал ўзлаштирилишига, ташқи савдонинг ўсишига катта таъсир кўрсатди. Шу йиллари Япония мамлакатни янада индустриалаштириш йўлида жиддий қадам ташлади. Уруш йиллари Япониянинг иктисодий имкониятлари кескин ошди: ЯИМ 13 млрд дан 65 млрд иенгача, саноат ишлаб чиқариши 5 марта, жумладан, металлургия – 2 марта, машинасозлик – 7 марта ўсди.

Аммо Япониянинг урушдан қилган фойдаси бу билан чекланмади: уруш йиллари Европа давлатлари Осиё бозорларига товар олиб киришни тўхтатди, японлар эса бу бозорни зудлик билан ўзлаштиришга киришди. Осиё бозорлари ҳатто сифатсиз япон товарларини ҳам қабул қила бошлади. Япон товарларининг сифати паст бўлса-да, анча арзонлиги билан ном чиқарди. Шу сабаб Осиё бозорларида, жумладан, Европа мамлакатларининг мустамлакаларида ҳам япон товарларининг бозори чаққон эди. Айниқса кemasозлик ва умуман оғир саноат жадал ривожланди – Япония Антанта мамлакатларига курул-яроғ ва аслаҳа-анжомлар етказиб берди. Айнан шу йиллари япон кemasозлиги ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди. Натижада фаол савдо балансига эришилди, экспорт-импортдан 1,4 млрд иен кўп бўлди. Олтин-валюта захираси уруш арафасида 350 млн иен бўлса, 1919 йил охирига келиб 2 млрд иенни ташкил қилди. Уруш охирига

келиб Япония олтин захирасининг катталиги бўйича АҚШдан кейин дунёда иккинчи ўринда эди.

Уруш давридаги иктисодий ўсишдан, биринчи навбатда, япон буржуазияси фойда кўрди. Янги миллионерлар пайдо бўлди. Айниқса «Мицуи», «Мицубиси», «Сумитомо» каби йирик монополиялар кескин бойиб кетди. Шундан бўлса керак, бу давр япон иктисодиётининг «олтин даври» деб аталди. Мамлакатнинг молиявий аҳволи кескин яхшиланди: экспортдан жуда катта маблағлар келиб тушди. Айтиш мумкинки, АҚШ қатори Япония ҳам урушдан энг катта иктисодий фойда кўрди: унинг ялпи ички маҳсулоти 5 марта ўсди.

Аммо япон иктисодиётининг тузилиши сифат жиҳатдан ўзгармади, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ошмади. Уруш йиллари Японияда корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилмади, бунинг учун вужудга келган ўта қулай конъюктурадан фойдаланилмади. Ғарб давлатларидан технологик ортда қолиш янада кучайди. Бу айниқса уруш тугаши билан Европа давлатларининг Осиё бозорларига қайтганида қаттиқ сезилди.

Япониянинг Осиё бозорларидан сиқиб чиқарилиши оқибатлари. Урушдан кейин Европа товарлари аста-секин Осиё бозорларига қайта бошлади. Бундан ташқари, бир қатор Европа мамлакатларида уруш тугаши билан ишлаб чиқариш тубдан техник реконструкция қилинди, бу эса Европанинг Япониядан техник устунлигини янада оширди. Бундай шароитда япон товарлари рақобатга бардош бера олмаслиги аниқ эди. Аммо бу бирданига юз бермади: фақат 1920 йилга келиб Япония рақобатнинг таъсирини сезди – унинг экспорти 20% га камайиб кетди. Баъзи соҳаларда бу пасайиш анча катта: машинасозликда – 60%, тоғ-кон саноатида – 50%, кемасозликда ҳатто 90% ни ташкил қилди.

Уруш йиллари инфляция кескин кўтарилди. Шоли нархининг ошиб кетиши 1918 йили бутун Японияни қамраб олган «шоли исёнлари»га сабаб бўлди. 1919 йили дехқонлар томонидан ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш бошланди. Шаҳарларда иш ташлашлар бўлиб ўтди ва бир қатор муваффақиятларга эришди: 1919 йили 8 соатлик иш куни жорий қилинди, меҳнат шароити яхшиланди, иш ҳақи оширилди; ишчилар касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқини олди.

Вужудга келган, оғир ҳолатнинг яна бир сабаби шунда эдики, Хитой дипломатик майдонда оккупация қилинган Шаньдун вилоятини озод қилиш талаби билан чиқа бошлади. Хитойда 1919 йил 4 май талабалар намоийишидан сўнг япон товарларини оммавий бойкот қилиш бошланди. Бу япон экспортига сезиларли таъсир кўрсатди.

Вашингтон халқаро конференциясида (1921–1922) Япония дипломатик жиҳатдан яққаланиб қолди, уни ҳатто эски иттифокчиси – Англия ҳам қўлламади. Натижада Япония Шаньдунни озод қилиш ва ўзининг Хитойдаги манфаатларидан расман воз кечишга мажбур бўлди.

1920–1921 йиллардаги иқтисодий тушқунлик Япониянинг ташқи бозорга ўта боғлиқлиги сабабли унга кучли таъсир кўрсатди. У Япония иқтисодининг кучсиз томонларини очиб ташлади. Улар: 1) саноатнинг соҳалар бўйича бир текис ривожланмаганлиги; 2) қишлоқ хўжалигининг орқада қолиб кетганлиги; 3) чайқовчилик характеридаги кўплаб корхоналарнинг пайдо бўлганлигида эди. Инқироз йиллари Япония экспорти 40% га, импорт – 30% га камайди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражаси 20% га тушиб кетди. Натижада саноат корхоналарининг бир қисми ёпилди ёки иш ҳажминини қисқартирди, ишсизлик ошиб кетди, ўнлаб банклар хонавайрон бўлди. Инқироз уруш давридаги жадал ўсишнинг нақадар мўрт эканлигини кўрсатди ва япон саноатчилари иқтисодни зудлик билан тинчлик даврига мослашга мажбур бўлди. Буларнинг барчаси йиғилиб (япон товарларининг ташқи бозорлардан сиқиб чиқарилиши, дипломатик яққалаш, Хитойдан кетишга мажбур бўлиш), Япония аҳолисида ксенофобия ҳисларининг ривожланишига олиб келди. Одамларда гўё японларни бозорлардан атайлаб сиқиб чиқаришмоқда (бу ҳукумат томонидан ҳам фаол ташвиқот қилинди), Ғарб японларни ёқтирмайди ва шу сабабли уларга жабр қилмоқда, деган тасаввур пайдо бўлди.

1920-йиллар бошларида сўллар ҳам фаоллашди, кўплаб гуруҳ ва партиялар пайдо бўлди. 1922 йил июлда улар таниқли социалист С. Катаяма бошчилигида Япония Коммунистик партиясига (ЯКП) бирлашди. ЯКП аввалбошданок ишчилар ҳаракати ичидаги ўз муҳолифлари (бир томондан, ислохотчиларга, иккинчи томондан – анархистлар) билан курашишга мажбур бўлди. Ишчилар ҳаракатининг мафкуравий-ташқилий тарқоқлиги ЯКПда ҳам

шундай ҳолатга олиб келди, партия раҳбариятида ликвидаторлар билан сўллар ўртасида кураш авж олиб кетди. Хавфли фикрларга қарши қонунга биноан фаолияти тақиқланган ЯКП ўта ёпиқ ҳолатда фаолият юритди ва бу партиянинг омма орасида таъсири ошишига ҳалақит берди. Қатағонлар миқёси шунчалар катта эдики (1928 – 1933 йиллари коммунистик фаолиятда шубҳа қилиниб 62 минг киши қамалди), 1935 йилга келиб ЯКП ягона ташкилот сифатида мавжуд бўлмади қолди.

1923 йили Японияда фавқулодда миқёсли табиий офат – даҳшатли zilзила юз берди. Мамлакат пойтахти Токио деярли тўлиқ вайрон бўлди, 150 минг киши ҳалок бўлди, 4 млн киши бошпанасиз қолди. Мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди, барча сиёсий кучлар фаолияти тўхтатилди.

Бу даҳшатли ҳодиса иқтисодий тушкунликка чек қўйди. Тиклаш ишлари ишчи кучига бўлган талабни оширди, корхоналар ҳукуматдан зарур субсидияларни олди. 1923 йил охиридан иқтисодий ўсиш бошланди. Миллий валюта (иен) курсининг пасайиши ҳисобига экспорт ҳам ўсди. Натижада 1925 йилга келиб Япония иқтисодиёти 1919 йил – Биринчи жаҳон уруши якунлангандан кейинги энг юқори даражасига етиб олди.

Ижтимоий-сиёсий ғоялар ва демократизация жараёни. Биринчи жаҳон урушидан олдин япон монархиясининг етакчи назариётчилари Япониянинг ўзига хос тарихий тажрибасини, унинг буюк бурчини асослашга уриндилар. Улардан бири У. Хатторининг фикрича, буюк бурчнинг асосий вазифаси бутун инсоният учун «янги ягона маданият»ни яратишдан иборат эди.

Япон ўзига хослигини («кокутай») асослашга уринган профессор Т. Иноуи қадимги япон ахлоқини Конфуций васиятларининг тимсоли деб атади. Токио университетининг бошқа бир профессори Я. Ходзуми «оила – табиий давлат» концепциясини илгари сурди. У Япониянинг дунёдаги бошқа барча мамлакатлардан фарқ қилишини асослаб, унинг давлат тузумидаги ўзига хосликка эътиборни қаратди. Профессорнинг фикрича, бу ўзига хослик демократия ғояларига берилган халқлар ҳукмдори бўлган Европа монархларидан фарқли равишда Японияда императорнинг олий ҳокимияти маҳаллий анъаналардан келиб чиқади ва «халқ ишончи» билан мустаҳкамланади.

Уруш арафасида, 1912 йили император Мэйцзи вафот этди. Бундан олдин бутун Японияни жунбишга келтирган воқеа содир бўлди – 1911 йили императорга суикасд қилинди. Халқ орасида бу императорнинг тез орада ўлишидан далолат, деган миш-миш тарқалди. Японияда янги давр – император Тайсе даври (1912–1926) бошланди.

Уруш йиллари Японияда ўзига хос режимнинг янада мустақамланиши юз берди. Ҳокимият тизимларида етакчи ролни тўртта жанубий уруғлардан (Сацума, Тоса, Тесю ва Хидзэн) чиққан кишилар эгаллади. Бу уруғлар вакиллари амалдорлар аппарати, армия ва ҳарбий денгиз корпуси зобитлари каторини тўлдирди, Генро (оксоқоллар) кенгашида ва Махфий кенгашда ўрин эгаллади, ишбилармон доиралар, хусусий сектор вакиллари билан ҳам яқин алоқалар ўрнатди. Демократияни кенгайтириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди, бунинг устига XIX асрда бошланган «эркинлик ва халқ ҳуқуқлари учун ҳаракат» анъаналарга зид бўлганлиги туфайли оммавий тус олмади.

Урушдан кейин японларнинг ирқий устунлиги назариясини тарғиб қилиш кучайди. Бу назарияга мувофиқ, «Ямато олий ирки» идеаллари билан курулланган японлар Осиё халқлари оиласига бош бўлади. Ғарб халқлари «варварлар» ва осиеликларнинг маданий антиподлари деб эълон қилинди. «Кокутай»нинг идеологларидан бири С. Уэсуги 1919 йили «Япония империясининг миссияси – бутун инсоният цивилизациясини қутқариш», дея таъкидлади. 1920 йили япон газеталари «Япония императорининг ҳокимиятини бутун дунёга татбиқ қилиш асосий мақсадимиз», деб ёзишди.

Бу вақтга келиб Япония ҳали Хитойнинг оккупация қилинган Шаньдун вилоятини ва Россияда фуқаролар уруши пайтида япон кўшинлари киритилган совет Узоқ Шарқини озод қилиш ниятида эмасди. Шунга қарамасдан, Биринчи жаҳон уруши тугаши билан мамлакатда демократик сиёсий режим қайта тикланишига умид бор эди.

1919 йили сайловларда қатнашиш учун мулкий чегара пасайтирилди. Японияда сайловчилар сони икки баробар ошди, аммо 56 млн аҳолининг фақат 3 миллиони сайлаш ҳуқуқини олди. Японияда Совет Россиясидан кўшинларни олиб чиқиш учун ҳаракат бошланди. Япон кўшинлари 1922 йили октябрда Узоқ Шарқдан олиб

чиқилди, 1925 йил январда СССР билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Урушдан кейин Япония олдида сиёсий режимни янада демократизациялашни давом эттириш керакми ёки анъанавий тизимларни кучайтириш лозимми, деган оғир муаммо пайдо бўлди. Либерал кайфиятдаги зиёлилар орасида Тацуките Минобэнинг «император – давлат органи» ҳақидаги назарияси кенг тарқалди. Конституцион ҳуқуқ бўйича етакчи мутахассис Т. Минобэ уруш арафасида «императорнинг илоҳий мақомини» инкор қилмаган ҳолда, ҳукмдор ўз ҳаракатларида шахсий манфаатларидан эмас, миллат манфаатларидан келиб чиқади, дея таъкидлади. 1920-йиллари унинг концепцияси расман тан олинган университет дарсликларига киритилди: Японияда ҳукумат халқ томонидан ўз иродасини давлат иродаси сифатида ифода этиш учун тузилганлиги таъкидлана бошланди.

Японияда Сакудзо Ёсинонинг «мимпонсюги»ни демократлаштириш тўғрисидаги таълимоти ҳам катта роль ўйнади. Муаллиф томонидан ихтиро қилинган мимпонсюги атамаси давлат умумий фаровонлик ҳақида ғамхўрлик қилади, ҳукумат эса халқнинг фикрини ҳисобга олади, деган маънони англатарди. 1916 йили эълон қилинган мақоласида С. Ёсино демократиянинг учта асосий принципини: инсон ҳуқуқларининг кафолатганлигини, ҳокимиятнинг бўлинишини ва уларнинг кенг сайловлар орқали шакллантирилишини эълон қилди. У императорнинг чексиз ҳокимияти ҳукуматнинг масъулиятсизлиги ва бюрократиянинг деспотизмига олиб келишини исботлашга уринди. 1918 йил ноябрда Ёсино консерватив позицияда турган «Ронинкой» жамияти вакиллари билан бўлган баҳсда ютиб чиқди. 1920-йиллари унинг гоялари кенг тарқалди ва япон жамиятининг ривожланишига арзигулик таъсир кўрсатди.

Аммо бу назариялар асосан юқори қатламнинг қарашлари бўлиб, омманинг онгини акс эттирмасди. Кўпчилик японлар ҳамон императорнинг «илоҳий келиб чиқиши» ва император ҳокимиятининг шубҳасиз обрўсига кўр-кўрона ишониб келарди. Ҳарбийларнинг сиёсатга таъсири ҳам сусаймади – Махфий кенгаш, Генро кенгаши ҳамон муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатарди.

Шундай бўлса-да, 1924 йили парламент унинг олдида масъул ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини олди: партиявий асосдаги биринчи кабинет тузилди. Минсэйто партияси (бу партия қайта иш-

лаш саноати магнатлари билан якин алоқада эди) асосида тузилган ҳукуматни Като бошқарди. 1925 йили умумий сайлов (30 ёшдан катта эркаклар учун) ҳукуқи тўғрисида қонун қабул қилинди. Бу демократиянинг муҳим ютуғи эди.

Японияда бирин-кетин сиёсий партиялар пайдо бўлиб, ўз позициясини мустақкамлаб борди, партиявий кабинетлар консерватив кучларнинг босимига қарши туришга интилди. Аммо ҳар доим ҳам бунга эришилмади: масалан, 1925 йили партиялардаги тарқоқлик туфайли «Жамоат тартибини сақлаш тўғрисида» қонуннинг қабул қилинишига қаршилиқ кўрсатишнинг иложи бўлмади. Бу қонунга биноан император тузумига қарши ғояларни ташвиқот қилганлик ёки ҳаракат учун эмас, шундай мақсаднинг ўзи мавжудлиги учун ҳам жазоланадиган бўлди. Қонуннинг 1-моддасида Конституция ва хусусий мулкка таъжовуз қилган ташкилотда қатнашганлик учун 5 йил қамокдан ўлим ҳукмигача жазо кўзда тутилди.

1924 йилдан 1932 йилгача Японияни парламент қуйи палатасидаги сиёсий партиялар шакллантирган ҳукуматлар бошқарди. Ҳатто юқори палата аъзолари ҳам сиёсий партияларга қарамлик ҳис қила бошладилар. Махфий кенгаш аъзолари аввалгидай амалдорлардан эмас, олимлар, юристлар, профессорлар орасидан тайинланади. Демократияга эски анъаналарни бузиш учун вақт керак эди, аммо барқарор тараққиёт учун айнан вақт етишмади.

1927 йилга келиб Япониянинг иқтисодий аҳволи кескин ёмонлашди; ҳукуматни бошқа партия – Сэйюкай бошқарди. У қайта ишлаш саноати билан боғланган ва ташқи сиёсат соҳасида анча таъжовузкор кайфиятда эди. Айнан шу ҳукумат даврида 1927 йили Хитойга япон экспедицион корпуси жўнатилди. Бундан ташқари иқтисодий аҳвол ёмонлашган шароитда Сэйюкай партияси ҳукумати консерватор-радикал кучлар босимига етарли даражада қарши тура олмади.

Иқтисодий қийинчиликларнинг Японияга таъсири. Японияга таъсир кўрсатган 1927 йилги иқтисодий тушқунлик фақат япон товарларининг Хитойда бойкот қилиниши билан боғлиқ эмасди. Асосий муаммо япон товарларининг сифати паст, рақобатбардош эмаслиги сабабли бозорлардан сиқиб чиқарилишида, бунинг натижасида экспортнинг кескин пасайиши ва кўплаб банкларнинг хонавайрон бўлишида эди. Бундай шароитда тадбиркорлар одатдаги усулларни қўллади: ишчиларга иш ҳақини пасайтирди, меҳнат

интенсивлигини оширди, ҳукуматдан янги субсидиялар талаб қилди.

Иқтисодий аҳволнинг ёмонлашуви ҳукуматнинг алмашинувиغا олиб келди, аммо Шити Танака бошчилигидаги янги ҳукумат ҳам Шаньдунга қўшин жўнатиб, аҳволни яхшилашга эриша олмади. Бундан ташқари, қўшиннинг чет давлат ҳудудида жойлаштирилиши янги харажатларни талаб қилди. 1929 йили ҳукумат қўшинни чақириб олишга мажбур бўлди ва бу Танаканинг истеъфосига сабаб бўлди.

1929 йили бошланган жаҳон иқтисодий инқироzi Японияга жуда катта таъсир кўрсатди. Инқироз япон капитализмининг иқтисодий кучсизлиги ва нисбатан қоқоқлигини намоиш қилди. Бу 1923 йилги даҳшатли зилзила оқибатлари ва 1926–1927 йиллардаги молиявий инқирозлар, шунингдек, саноатдаги инқирознинг доимий равишда қишлоқ хўжалигидаги муаммолар билан қўшилиб кетиши натижасида янада огирлашди. Инқироз натижасида 1929–1931 йиллари саноат маҳсулотларининг умумий қиймати 7,4 млрд дан 5 млрд иенгача (32% га) тушиб кетди.

Маълумки, инқироз бошланиши билан АҚШ ва йирик Европа давлатлари ўз ички бозорини ҳимоя қилиш мақсадида чет эл товарларига бож тарифларини оширди. Бу ўзининг кенг ички бозорига эга бўлмаган Японияни оғир аҳволга солиб қўйди: 1930 йили экспорт ҳажми икки баробар камайиб кетди.

Айниқса 1930 йилгача экспортнинг 1/3 қисмини ташкил қилган япон ипагини АҚШга экспорт қилишнинг кескин қисқариши ҳалокатли оқибатга олиб келди. Саноат ишлаб чиқариши даражаси тушиб кетди, оғир саноатда давлат буюртмалари ҳажми икки баробар қисқарди, оммавий банкротлик бошланди. Айниқса кўмир казиб чиқариш ва кемасозлик саноати кескин қисқарди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг пасайиши натижасида деҳқонларнинг даромади тушиб кетди ва ички бозор янада торайди.

Жаҳон иқтисодий инқироzi Хитойда Гоминьданнинг позицияси кучайиши билан бир пайтга тўғри келди. Бу япон капитали фаоллигини пасайтирди ва Японияда иқтисодий муаммоларни янада чуқурлаштирди. 1929 йилги жаҳон иқтисодий инқироzi анча узоқ муддатга япон жамиятида демократизациялаш жараёнининг тўхтатилишига олиб келди.

Жаҳон иктисодий инкирозининг ижтимоий-сиёсий оқибатлари. Инкироз Японияда банкротлик тўлкини ва оммавий ишсизликка олиб келди: 1930 йилдаёқ ишсизлар сони 10 млн кишидан ошиб кетди. Иш жойини саклаб қолганларнинг иш ҳақи ўртача 25–45% қисқарди. Иш жойидан айрилган кўплаб кишилар аввалги яшаш жойига – қишлоқларга қайта бошлади ва бу ижтимоий ҳолатни янада мураккаблаштирди. Қишлоқда ернинг ижара нархи ошиб, ёлланма меҳнатга тўланадиган ҳақ кескин тушиб кетди. Бу қишлоқ жойларда жанжалларга, ерларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниш ҳолларига олиб келди.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун ҳукумат бир қатор тадбирларни амалга оширишига қарамадан, аҳвол яхшиланмади, ишсизлик тўхтовсиз ўсиб борди. Аҳолининг сиёсий партиялар ва улар ташкил қилган ҳукуматдан норозилиги ортиб борди. Партиялар ва ҳукуматнинг обрўси тушиб кетди. Натижада одамларнинг парламент демократияси сиёсий институтларидан ҳафсаласи пир бўлиб, умидлари пучга чиқди. Кишилар онгида яшаш шароитининг оғирлашуви 1924 йили ҳукуматни шакллантириш ҳукуқини парламентга бериш билан боғлиқ тарзда акс этди, зеро император ҳукуматни ўзи тайинлаган пайтларда бундай ҳолат бўлмаган эди.

Япон товарлари учун бошқа мамлакатлар бозорларининг ёпилиши японлар орасида ксенофобиянинг кескин ўсишига олиб келди. Япон товарларининг чет эл бозорларидан сиқиб чиқарилиши Японияга қарши маккорона режа сифатида қаралди. 1924 йили АҚШда эмиграцияни чеклаш тўғрисида қонун қабул қилингандан сўнг Японияда Америкага қарши кайфиятлар пайдо бўла бошлади. Аммо АҚШ билан савдо Япония учун катта аҳамиятга эга эди: япон экспортининг 40% и АҚШга тўғри келарди; АҚШдан импорт эса хомашёнинг муҳим турларини (нефть, пахта, металллом) ташкил қиларди. 1930 йили денгиз ҳукуқи бўйича Лондон конференциясидан сўнг АҚШдан «хафа бўлиш» бутун Ғарб давлатларига тарқалди. Конференцияда Япония АҚШ ва Англиянинг келишилган позициясига дуч келди. Япон жамиятида сиёсий партиялар гарбпараст сиёсатнинг рамзи сифатида қабул қилина бошлади.

Японияда Ғарб билан алоқаларни узиш, ундан кўчириб олинган сиёсий тизимларни йўқ қилиш, миллий анъаналарга, «кучли ҳокимият ва тартибга» қайтиш талаблари тобора кучли жаранглай бошлади.

1920-йиллари Омотокё диний сектаси капиталистик тартиблар ва индустриал цивилизацияни танқид қилиб чиқди. Бу секта ўз идеалларига биноан деҳқонларнинг анъанавий тинч ҳаётига қайтиш ғоясини тарғиб қилди. Аммо улар император бошқарувининг қонунийлигини рад қилиб, ҳокимиятнинг газабига учради. Яна битта секта – Хоммити ҳам 1920-йиллар охирида тақиқланди.

1930-йилларнинг бошларидан Японияда ультрамиллатчилик кайфиятлари ўсиб, жиддий ички ва ташқи сиёсий воқеаларга олиб келди.

Армияда радикал кайфиятларнинг кучайиши ва тажовузкор ташқи сиёсатга ўтиш. 1930 йили ҳокимият учун кураш натижасида армияда бир-бирига қарши турган иккита: «император йўли гуруҳи» («Кодоха») ва «назорат гуруҳи» («Тосэйха») гуруҳлари шаклланди. Биринчиси «янги концернлар» билан, зобитлар орасидаги радикал ташкилотлар билан, жумладан, генераллар Араки ва Мадзаки томонидан бошқарилган «Ёш зобитлар» ташкилоти билан яқин алоқада эди.

Ижтимоий сафсатабозликдан усталик билан фойдаланган «Кодоха» йирик капиталга, «капиталист-чайковчиларга», «сиёсатбозларга» қарши чиқди. Ҳокимиятга нисбатан муҳолифатда бўлишига қарамасдан, бу гуруҳ вакиллари 1930-йиллар бошларига келиб давлат аппаратида бир қатор муҳим лавозимларни эгаллаб олишга эришди – генерал Араки ҳатто ҳарбий вазир лавозимини эгаллади.

Радикаллар ҳокимият учун курашди террордан фойдаланди, сиёсий партиялар офисларида бомбалар портлатди, фитналар уюштирди. Фақат 1931 йили иккита фитна фoш қилинди, улардан бирида Япония бош вазири Ханагути ўлдирилди. 1932 йил 15 майда «Ёш зобитлар» ташкилоти фитначилари томонидан кейинги бош вазир Инукаихам ўлдирилди. Фитна фoш қилиниб, бир қисм фитначилар қамоққа олинган бўлса-да, фитна раҳбарлари, жумладан, генерал Араки ҳарбий лавозимини сақлаб қолди. Сўл қарашлардаги зиёлилар қатағонга учради – фақат 1932 йил октябрда 2250 киши қамоққа олинди.

Армиядаги бошқа гуруҳ, «Тосэйха», фитналарга чек қўйиш, «ёш зобитлар» устидан қатъий назорат ўрнатишга интилди. Бу ташкилот мафкурада анъанавий миллатчилик концепцияларига риоя қилиб, император саройидаги молия гуруҳлари билан яқин алоқада эди. 1934 йилдан «назорат гуруҳи» Сэйюкай партияси би-

лан якинлашди ва «император йўли гуруҳи»ни сусайтириб, ўз позициясини мустаҳкамлашга эришди.

1931 йилдан Япония тажовузкор ташки сиёсатга ўтиб, Хитойнинг Манжуриясини босиб олди. Бу АҚШ ва Европа давлатлари билан муносабатларнинг кескин ёмонлашувига ва миллатчилик кайфиятларининг ўсишига олиб келди. Миллатлар Лигаси томонидан қораланган Япония 1933 йил февралда бу ташкилотни тарк этди ва бундан буён ҳеч қанақа халқаро қонунлар билан ҳисоблашмаслигини бутун дунёга намойиш қилди. Бу Япониянинг халқаро изоляциясини кучайтирди, миллий биқиқликнинг кучайиши учун қўшимча шароит яратди.

Япония катта урушга тайёрлана бошлади: 1934 йили оғир саноатни ривожлантиришга жуда катта давлат дотациялари ажратилди, корхоналарга йирик ҳарбий буюртмалар берилди. Айти пайтда меҳнат интенсивлиги оширилди: иш ҳақи пасайтирилиб, иш куни 11 соатгача узайтирилди.

Йирик партиялардан фақат Минсэйто ва Социалистик партия конституцион тузумни мустаҳкамлашга, милитаризм ва тоталитаризмга қарши туришга ҳаракат қилди, аммо уларнинг роли ва жамиятдаги таъсири нисбатан паст эди. Энди фақат ижтимоий онгдан либерал ғояларнинг қолдиқларини сиқиб чиқариш қолган эди, холос.

Миллатчиларнинг либерал ҳукуматга қарши босими. 1935 йили Япониянинг ҳукмрон доираларида фуқаровий гуруҳлар билан ҳарбийлар ўртасида кураш кетаётган эди. Бош вазир Хамагути ҳарбийларнинг сиёсатга таъсирини янада кучайтирмасликка интилди, қўшинларнинг сонини белгилаш ва армияни қайта қуриш ҳарбий раҳбарларнинг эмас, ҳукуматнинг ҳуқуқи эканлигини исботлашга уринди.

1935 йил бошида денгиз ҳуқуқи бўйича Лондон конференциясида Япония дипломатик изоляцияда қолди ва ҳарбий-денгиз кучларини қисқартиришга мажбур бўлди. Натижада ҳукумат ҳолатни тўғри баҳолашга ва мамлакат учун энг муҳим қарорлар қабул қилишга даъво қилаётган ҳарбийлар томонидан қаттиқ танқидга учради.

1935 йил февралда либерал кайфиятдаги профессор Т. Минобэга қарши кампания бошланди: пэрлар палатасида сўзга чиққан барон Т. Кикиути шу палата аъзоси Т. Минобэни «император мақомини» ҳақорат қилганликда ва «садоқатсизликда» айблади. Айбланиш учун

бевосита сабаб Хамагути ҳукумати томонидан Лондон конференциясида денгиз ҳуқуқлари бўйича имзоланган келишувни оқлаш учун профессорнинг илмий ишларидан фойдалангани бўлди. Профессор Минобэ барча айбловларга муносиб жавоб берса-да, барибир пэрлар палатаси ва Токио университетидан кетишига тўғри келди. Ҳукумат бошлиғи Хамагути истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Унинг ўрнига Окада келди.

1935 йил февралда бўлиб ўтган парламент сайловларида ўн радикаллар мағлубиятга учради. Шунга қарамасдан, 26 февраль куни «ёш зобитлар» генерал Араки бошчилигида навбатдаги давлат тўнтаришини амалга оширишга уриндилар. Бош вазир Сайто ва бир қатор йирик амалдорлар ўлдирилди, аммо исён ҳарбий-денгиз кучлари томонидан бостирилди. Шунга қарамасдан Хирота бошчилигидаги янги ҳукумат ўз таркибига ҳарбийларни киритиб, бу билан уларнинг ҳарбий соҳани назорат қилишдаги ҳуқуқини тан олди. Шу даврдан бошлаб «назорат гуруҳи» ҳокимият учун курашда узил-кесил ғалаба қилди.

1935 йилдан Японияда бюрократиянинг роли кучайди. Шу йили вазирлар маҳкамаси ҳузурида давлат сиёсатини режалаштириш билан шуғулланувчи Тадқиқот бюроси ташкил қилинди. Мамлакатда сиёсий партияларнинг таъсирини пасайтириш учун тадбирлар амалга оширилди. Япония «катта уруш»га тайёргарликни жадаллаштирди: куролларнинг янги турларини ишлаб чиқариш кўпайтирилди, ҳарбий корхоналарда қасаба уюшмалари тарқатиб юборилди. 1936 йили ноябрда Германия ва Италия билан иттифок (Антикоминтерн пакти) тузилиб, бу Япониянинг кейинги стратегиясини белгилаб берди.

Тоталитар тузумнинг ўрнатилиши. «Кокутай»нинг моҳияти тўғрисида 1935 йили бошланган мунозара 1937 йили «Кокутайнинг асосий принциплари» номли рисоланинг нашр қилиниши билан яқунланди. У барча ўқув юртларининг «ахлоқий тарбия» ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, тарихни, сиёсий режимнинг тузилишини ва Япониянинг юксак вазифасини қандай баҳолаш тўғрисида фуқаролар олдига қўйилган талаблардан иборат эди. Рисола барча мактаб ва университетларнинг ўқитувчиларига тарқатилди. Директорларга махсус билдирги берилиб, иложи бори-ча кўпроқ аҳолини рисоланинг мазмуни билан таништириш, «мил-

лий ҳис ва онгни уйғотиш» учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланиш топширилди.

Рисоланинг кириш қисмида 1930-йиллар ўрталаридаги ички тартибсизлик ва ғалаёнларнинг сабаби Ғарб ғояларининг тарқалишида эканлиги айтилиб, шунинг учун кенг оммага «кокутай»нинг ҳақиқий моҳиятини тушунтириш лозимлиги таъкидланди.

Биринчи бўлимида император ҳокимиятининг пайдо бўлишига оид мифлар баён қилинди, император билан фуқаролар ўртасидаги муносабатлар кўриб чиқилди, японларнинг бошқа «оддий» халқларга нисбатан ноёб сифатларига эътибор қаратилди.

Иккинчи бўлимда Япония тарихининг расмий талқини, урф-одатлар, турмуш тарзи, миллий характернинг ўзига хос жиҳатлари, маросим ва ахлоқий принциплар, маданият, иқтисод ва ҳарбий санъат ривожланишининг ўзига хос томонлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Яқунловчи қисмида хулоса чиқарилади: «худолар иродаси» билан Японияга алоҳида вазифа юклатилгани – Ғарб цивилизациясини «кокутай» асосида, яъни Ғарбнинг техник ютуқларини Шарқнинг маънавий қадриятлари билан бирлаштирган ҳолда ўзлаштириш лозимлиги уқтирилади. «Кокутай» Японияда тоталитар режимнинг расмий мафқурасига айланди.

1937 йили князь Коноэ бошчилигида ҳукумат тузилди. Бу ҳукумат армиядаги турли гуруҳларга, аввало, албатта, «назорат гуруҳи»га ва Японияни тоталитар давлатга айлантириш ғоясини қўллаб-қувватлаган Сэйюкай партиясига таянади. Давлатнинг ички тизимларини катта урушга тайёрлаш лозим эди. 1937 йили бош вазир Коноэ бошчилигида Миллий руҳни сафарбар қилиш лигаси тузилди. Бу ташкилот мамлакатда милитаризмни тарғибот қилиш учун кенг фаолият олиб борди. 1937 йил 7 июлда Ғарб давлатларининг жиддий қаршилигига учрамаган Япония Хитойга қарши кенг миқёсдаги уруш ҳаракатларини бошлаб юборди.

1938 йил ноябрда Коноэ ҳукумати «Шарқий Осиёда янги тартиб» концепциясини илгари сурди: Япония «Шарқнинг янги маданиятини» яратиш мақсадида қардош халқларни «ғарб мустамлакасидан» озод қилишни ўз зиммасига олади. Ташқи тажовузни бундай шаклда оқлашга уринаётган Япония АҚШ, Англия, Франция, Голландия ва бошқа Ғарб мамлакатлари томонидан қораланди, аммо улар шундан нарига ўтмади.

Бирок Япония тажовузининг келажакдаги асосий йўналиши тўғрисида ҳали хомхаёл мавжуд эди (1938 йил августда Ҳасан кўли артофида, 1939 йили Халхин-Голда совет кўшинлари билан жанглар бўлди).

1939 йили бир гуруҳ олимлар Коноэ ҳукумати қошида «шарқий ҳамдўстлик» назариясини ташкил қилди – гап Япония ҳомийлиги остида Шарқий Осиё халқларининг маданий бирлиги ва қардошлиги асосида паносиё миллатлараро бирлигини яратиш ҳақида келтирилган эди. Бу Ғарбга очиқ даъват эди, аммо бу пайт Ғарбнинг ўзи чуқур инкирозда бўлиб, тез орада Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди.

Тоталитар режимнинг кучайиши. 1939 йил бошида Японияда ҳокимиятга Хиранума ҳукумати келиб, янада қатъий курсни бошлади. 1939 йил майда ҳукумат Хитойга босимни кучайтирди, Ғарб давлатларидан Япониянинг Шанхайни сеттельментга айлантириш ҳуқуқи тан олиншини талаб қилди, бу эса очиқ можарога олиб келди, жумладан, япон-америка савдо шартномаси бекор қилинди.

1939 йил сентябрда Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Япония можарода «катнашмаслик сиёсатини» эълон қилди. Японлар 1940 йил март ойида Хитойда Ван Цзинвэй кўғирчоқ ҳукуматини тузган бўлиб, шу давлат муаммолари билан банд эди. Япония Европадаги уруш ҳаракатларини диққат билан кузатиб борди, у ерда аниқ Германиянинг кўли баланд келатган эди.

1940 йил июнга келиб бутун Ғарбий Европада Гитлер ҳукмронлиги ўрнатилди, Франция тор-мор қилинди ва таслим бўлди, Англия фашистик давлатларга қарши ёлғиз қолди. Бу ҳол Японияни Осиёда, хусусан, Франция таслим бўлгандан сўнг Виши маъмуриятининг таъсири кучсиз бўлган Ҳиндихитойда янада қатъий ҳаракатларга чорлаётган эди.

1940 йил июлда Коноэнинг иккинчи ҳукумати тузилди: Японияда ҳарбий эҳтиёжларга мос равишда бутун сиёсий тизимни кенг микёсли қайта қуриш бошланди. Бундан олдин мафкуравий қайта тузиш амалга оширилди – айнан шунда ҳукумат «ҳамкорликда гуллаб-яшнаш буюк Шарқий Осиё худудини»ни яратиш режаси ҳақида эълон қилди. Бундай режага Япония билан Маньчжоу Го ўртасидаги муносабат намуна бўлиши лозим эди. Концепция Япония тажовузи учун асос бўлди ва Иккинчи жаҳон уруши йиллари

расмий доктрина ҳисобланди. Бўлгуси таъсир зонасига Хитой, Францияга қарашли Ҳиндхитой мамлакатлари, инглиз мустамлакалари бўлган Бирма ва Малайя, Голландияга қарашли Индонезия, АҚШга қарашли Филиппин кириши лозим эди. Бу минтақалар Япония тажовузининг асосий йўналишлари бўлди.

1940 йил сентябрда «учлар пакти» имзоланди (Италия ва Германия билан) – Япония тажовуз йўлини узил-кесил танлади. 1941 йил апрелда СССР билан нейтралитет тўғрисида шартнома имзоланди. Бу шартнома Япониянинг Хитойни тўлиқ босиб олиши ва Жанубий Осиё минтақасини ўз экспансиясининг асосий йўналишига айлантиришини белгилаб берди.

Бу пайтга келиб мамлакатда тоталитар режим шаклланиб бўлди. Парламент демократиясининг барча артибутлари йўқ қилинди: сиёсий партиялар, касаба уюшмалари тарқатиб юборилди, сайловлар бекор қилинди, парламент ўз ролини йўқотди, Конституция билан қафолатланган барча демократик эркинликлар бекор қилинди.

Сиёсий партиялар ўрнига 1940 йили ягона «Тахтга ёрдам ассоциацияси» ва жойларда унинг филиаллари тузилди; барча оммавий ахборот воситалари назорат остига олинди, матбуот ва радио устидан қатъий цензура ўрнатилди.

1940 йил кuzдан «ватанга хизмат жамиятлари» деб аталувчи ташкилотлар тузилиб, уларга ўқитувчилар, журналистлар, ёзувчилар, мусикачилар, маданият арбоблари ва интеллектуал меҳнатнинг бошқа соҳалари вакиллари мажбурий равишда аъзо қилинди. Тарқатиб юборилган касаба уюшмалари ўрнига ҳам худди шу турдаги «жамиятлар» тузилди.

Ҳокимият қайта тикланган «қўшнилар жамоалари» тизими орқали фуқаролар устидан тўлиқ ижтимоий ва сиёсий назорат ўрнатди. Бу жамоалар кишиларнинг яшаш жойларида тузилиб (биздаги маҳалла сингари), озик-овқат ва кенг истеъмол молларига талонларни бўлиш, металллом йиғиш, ҳарбий заёмларга обунани ташкил қилиш кабилар билан шуғулланади.

«Жамоат хотиржамлигини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун янада қатъийлаштирилди, 1941 йили эса янада шафқатсиз «Миллий мудофаани таъминлаш тўғрисида» қонун қабул қилиниб, ҳатто «ижтимоий тартибга зарар етказувчи» ахборотни тарқатганлик учун қаторга жазоси белгиланди.

Иқтисодиёт тўлиқ давлат манфаатларига бўйсундирилди. Ҳар бир соҳада «Назорат ассоциацияси» тузилди – ҳукумат амалдорлари улар орқали буюртмаларни бўлиш, нархларни ўрнатиш, ресурслар билан таъминлаш каби муаммоларни ҳал қиларди. Бу СССРдаги саноат вазирликларининг аналоги эди. Барча ресурслар – энг аввало импорт орқали келтирилаётган ҳомашё ва ёнилғи, металллом тўлиқ давлат назорати остига олинди. Японияда уруш ва қамал ҳолати учун бу маҳсулотларнинг стратегик захираси яратила бошланди.

Дехқонлар учун ҳам шундай тизим яратилди: уларнинг қандай маҳсулот ва қанча етиштириши, қачон ва кимга, қандай нархда топшириши белгилаб қўйилди. Японияда қатъий меҳнат режими ўрнатилди: 14 соатлик иш куни белгиланди, ҳокимият иш ҳақини пасайтириш, маъмурий назоратни кучайтириш, мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳуқуқини олди, ўзбошимчалик билан ишдан кетиш ёки бошқа ишга ўтиш тақиқланди.

Мафкура соҳасида «кокутай» концепциясининг тўлиқ ҳукмронлиги ўрнатилди – фақат япон миллатининг ибодати ва эзилган Осиё халқларини озод қилиш бўйича Япониянинг буюк вазифаси ҳамма жойда мажбурий ўргатилди. Буларнинг ҳаммаси режими мустаҳкамлади ва аҳолининг қўллаб-қувватлашини таъминлади. Умуман тоталитар ҳокимият тизими бўлғуси уруш шароитида фавқулодда самарали эканлигини ҳам исботлади.

Япония Иккинчи жаҳон уруши йилларида. АҚШ, Буюк Британия ва бошқа давлатлар ўзларининг «аралашмаслик» сиёсати билан амалда Япония тажовузини рағбатлантирди ва бу тажовуз охиروқибатда Япония билан СССР ўртасида урушга олиб келади, дея умид қилишди. 1938 йил ёзда япон қўшинлари Ҳасан қўли атрофида (Владивосток яқинида) совет худудига бостириб киришга уринди, аммо шиддатли жанглардан сўнг чекинишга мажбур бўлди. 1939 йил ёзида япон армияси Мўғулистон худудига бостириб кириб (СССР билан Мўғулистон ўртасида ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома 1936 йили имзоланган эди), яна можаро уюштирди. Совет ва мўғул қўшинлари Халхин Гол дарёси бўйида японларни қақшатқич мағлубиятга учратди ва Япониянинг СССРга қарши урушга тайёр эмаслигини кўрсатиб берди.

1941 йил июнда Германия СССРга ҳужум қилгандан сўнг Япония совет чегараси бўйлаб жойлашган Квантун армиясини кучай-

тира бошлади. Улар Совет Иттифоқи Ғарбда мағлубиятга учрагандан сўнг Шарқ томондан бостириб киришни мўлжаллаётган эди. Аммо немис кўшинларининг Москва остоналарида тор-мор қилиниши японларнинг бу режаси хомхаёл эканлигини кўрсатди.

Натижада Япония тажовузининг асосий йўналиши Жануби-Шарқий Осиё бўлиб қолди. Бундан ташқари, Шимоли-Шарқий Хитойдаги урушнинг чўзилиб кетиши бу ҳудуднинг ресурсларидан фойдаланиш режасини ҳам йўққа чиқарди. 1940 йили Япония томонидан келаётган хавфни англаган АҚШ японларга Ҳиндихитойдан нефть етказиб беришга эмбарго эълон қилди ва бу Япония учун кўшимча қийинчилик туғдирди.

Шу сабабли 1940 йили Германия Франция ва Голландия ҳудудини босиб олгандан сўнг Коноэ ҳукумати қулай шароитдан фойдаланиб қолишга, уларнинг мустамлакалари – Индонезия ва Ҳиндихитойни забт этишга интилди ва Хитой қатори уларни ҳам «ҳамкорликда гуллаб-яшнаш буюк Шарқий Осиё ҳудуди»га кўшишни режалаштирди. 1940 йил кузида Япония ҳукумати Ҳиндихитойдаги француз маъмуриятига бу ерга япон кўшинларини киритиш ва ҳарбий базаларни Японияга бериш талабини кўйди, французлар талабни қабул қилишга мажбур бўлди.

1940 йил 27 сентябрда Япония Германия ва Италия билан СССР, АҚШ ва Буюк Британияга қарши қаратилган ҳарбий иттифок («Учлар иттифоқи») тузди. Айни пайтда Япония 1941 йил апрелда СССР билан нейтралитет тўғрисида шартнома имзолади.

Натижада Токио асосий ҳарбий ҳаракатларни жануби-шарқий йўналишда давом эттиришга қарор қилди. Мустамлака кўшинларини ва Буюк Британия флотини мағлубиятга учратиб, японлар қисқа вақт ичида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг барчасини босиб олди ва Ҳиндистон чегараларига етиб келди. 1941 йил октябрда Япония ҳукуматини ҳарбийларнинг энг жангарии қисми ва йирик монополиялар вакили генерал Тодзе бошқарди. АҚШга ҳужум қилиш учун тайёргарлик бошланди ва АҚШ – Япония муносабатларини тартибга солиш бўйича музокаралар давом этаётганига қарамасдан, 1941 йил 7 декабрь куни Япония флоти тўсатдан, уруш эълон қилмасдан АҚШнинг Перл-Харбордаги (Гавайи ороллари) ҳарбий-денгиз кучлари базасига ҳужум қилди.

Урушнинг биринчи босқичида устунлик Япония томонида бўлди. Янги Гвинеянинг бир қисмини, Филиппинни, Тинч океа-

нидаги кўплаб ороллари босиб олган Япония, 1942 йили умумий майдони 3,8 млн кв км бўлган ҳудудни (илгари забт этилган Хитой ва Корея ҳудудларидан ташқари) забт этди. Япон кўшинлари ҳарбий асирлар ва забт этилган ҳудудлар аҳолисига нисбатан ўта шафқатсизлик намоиш қилди, бу Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин ҳам анча вақт Шарқий Осиё халқлари ва ҳукуматлари томонидан Японияга нисбатан ёмон муносабатнинг сақланиб қолишига сабаб бўлди.

Бирок тез орада япон қўмондонлигининг стратегик хатолари очилиб қолди. Қўмондонлик денгиз урушида авианосец (самолётлар учиши ва қўниши учун мўлжалланган ҳарбий кема) ва сув ости кемаларининг ролини етарли баҳолай олмади, оқибатда Маржон денгизда (1942 йил май), Мидуэй ороли ёнида (1942 йил июнь), Соломон ороллари ёнида (1943 йил сентябрь – 1944 йил март) бўлган жангларда япон флоти огир мағлубиятга учради. Саноат ҳарбий эҳтиёжларни тўлиқ таъминлай олмади ва жангларда йўқотилган техниканинг ўрнини қоплашнинг ҳам иложи бўлмади. Ҳатто йирик шаҳарларнинг ҳам ҳарбий-ҳаво ҳужумидан самарали химояси ташкил қилинмади ва 1944 йили Филиппиндан японлар қувиб чиқарилгач, у ерда жойлаштирилган АҚШ авиацияси Тайвань, Окинава ва Япониянинг ўзини ҳам шиддатли бомбардимон қила бошлади. Бомбардимонлар ва улар оқибатида келиб чиққан ёнғинлар туфайли Токио шаҳрининг 2/3 қисми йўқ қилинди, мамлакатнинг 206 та йирик шаҳарларидан 97 тасига Токионинг тақдирини насиб қилди.

Бирок Япония таслим бўлишни ўйламас, урушни давом эттираётган эди. 1945 йил баҳорда Окинава учун бошланган жангларда АҚШ ва Буюк Британия шунга амин бўлди. Жангда иттифокчилар шунчалар катта талафот кўрдик, ўз кўшинларини бевосита Япония ҳудудига туширишдан воз кечиб, бу ишни 1946 йил ўрталарига режалаштирди.

Совет Иттифоқи 1945 йил мартда Япония билан ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани денонсация қилди ва 1944 йил Қрим учрашувида қабул қилинган ўз мажбуриятларини иттифокчилар олдида бажара бориб, ўз кўшинларини шарққа ўтказди ва 1945 йил 9 август куни Квантун армиясига қарши уруш ҳаракатларини бошлади. АҚШ 1945 йил 6 ва 9 август кунлари Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаларини ташлади, ўн

минглаб асосан тинч аҳоли ҳалок бўлди. Японияга атом бомбаларининг ташланиши ҳарбийдан кўра кўпроқ сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, у АҚШнинг кудратини намоёйиш қилиши лозим эди.

Шундан сўнг Япония армияси қисқа муддат ичида тор-мор қилинди, 14 августда император Япониянинг сўзсиз таслим бўлганлиги тўғрисида эълон қилишга мажбур бўлди. Таслим бўлганлик ҳақидаги акт 1945 йил 2 сентябрь куни АҚШнинг «Миссури» линкорни бортида имзоланди.

* * *

Осиё мамлакатлари ичида биринчи бўлиб капиталистик тараққиёт йўлига кириш, нисбатан илғор саноатни яратиш Японияга XX асрнинг биринчи ярмида тажовузкор давлатларнинг дунёни қайта бўлиш учун курашида иштирок этиш имконини берди. Иккинчи жаҳон урушида Япониянинг тор-мор қилиниши унинг Осиёда ҳукмронлик қилишга бўлган даввосининг пуч эканлигини кўрсатди.

XV боб бўйича саволлар

1. Биринчи жаҳон уруши Япония учун қандай натижалар билан якунланди?
2. Япониядаги «Ёш зобитлар» исёни сиёсий режим ва ташқи сиёсатда қандай ўзгаришларга олиб келди?
3. Япониядаги тоталитар режимнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат эди? Дарслик охиридаги глоссарийдан фойдаланиб авторитар режимга таъриф беринг.
4. Япон фашизмнинг ва унинг асосий ғояси бўлган ниппонизмнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапириб беринг.
5. Биринчи жаҳон уруши Япониянинг иқтисодий ривожланишига, урушдан кейинги иқтисодий инқирозга ва 1920-йиллар ўрталаридаги саноат тўнтаришига қандай таъсир кўрсатди?
6. Япония 1929–1933 йиллардаги инқироздан чиқишнинг қандай йўлини танлади?
7. Нима учун Япония ташқи сиёсатда тажовузкорлик ва Европадаги фашистик давлатлар билан яқинлашиш йўлидан борди?

ХVI БОБ. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА АВСТРИЯ

Биринчи жаҳон урушидаги мағлубият туфайли Габсбургларнинг жуда катта, кўп миллатли Австро-Венгрия империяси тарқалиб кетди. 1918 йил 12 апрелда Австрия республика деб эълон қилинди.

XX аср бошларида Австрия минтақанинг жадал ривожланаётган ҳудудларидан бирига айланди. Австрия саноатининг юқори монополлашган соҳалари француз, немис, инглиз банкларининг мунтазам капитал киритиш объектларидан бири бўлиб қолди. Мамлакат пойтахти Вена шаҳри XIX аср охиридаёқ йирик молия маркази, мураккаб ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий тизимга эга бўлган мегаполисга айланган эди. Аммо бутун империянинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун Австриянинг имкониятлари етарли эмасди. XX аср бошларида жаҳон иқтисодиётнинг жадал ривожланиши жараёнида Австро-Венгрия иқтисодий тизимидаги камчиликлар, империя ички ҳудудларидаги модернизация жараёнининг нотекислиги яққол кўзга ташланиб қолди.

Австрия Европа иқтисодий макони доирасида «илғорларнинг ордидан қувиб борувчи» ва «чекка ўлка» макроиқтисодий минтақалари кесишган чорраҳада жойлашган эди. Австрия жамиятининг маданий, сиёсий, маънавий ривожланиши ҳам шундай зиддиятли бўлди. Вена Европа цивилизациясини Ғарб ва Шарққа бўлиб турувчи кўринмас чегарага айланди. Австрия кучайиб бораётган славян халқлари билан ўз устунлигига тўлик ишонган роман-герман ва англо-саксон миллатларининг ўртасида жойлашди. Шу икки оламнинг тўқнашуви XX аср бошидаги Австрия маданий феноменини яратди ва у чуқур маънавий синтезнинг маҳсули бўлди. Людвиг Витгенштейн ва Зигмунд Фрейд, Франц Кафка ва Эдмунд Гуссерль ўз асарларида инсон турмушининг чуқур, илгари Ғарб фалсафаси назаридан четда қолган томонларига мурожаат қилиб, оламни билишнинг бузилмасдек бўлиб кўринган евромарказчилик акидаларига шубҳа уйготди. Сиёсий мафкура соҳасидаги интеллектуал изланишлар ҳам жуда сермаҳсул бўлди. Улар XX аср бошларидаги Австрия сиёсий элитасининг тор синфий мафкурасидан воз кечиб, давр руҳига жавоб берадиган ижтимоий тараккиёт назарияларини ишлаб чиқдилар. «Ғарбча» тажрибани

мутлақлаштиришдан, шунингдек, эгалитар¹ социалистик идеаллардан ҳам воз кечиш имконияти яратилди. Вена сиёсий олами либерал, социал, консерватив кадриятлар синтезини уларнинг миллатчилик ёки космополитик унсурларисиз қайта баҳолашнинг ижодий лабораториясига айланишдек ноёб имкониятга эга бўлди. «Қурок империя»нинг кулаши ўзига хос «Австрия йўли» шаклланишини тезлаштирди.

Австромарксизм. Австрия социал-демократик ҳаракати ўзининг мафкуравий маслағи бўйича халқаро ишчилар ҳаракатининг асосий йўналишларидан фарқ қилади. Австрия социал-демократик ишчи партиясининг (АСДИП) расмий тарихи 1889 йилги Бирлаштирувчи съезддан бошланди. XX асрнинг бошларида партия раҳбарлигига ёш сиёсатчилар кириб келди ва улар инқилобий марксистик концепциянинг ўзига хос вариантини ишлаб чиқди. Бу гоёлар кейинчалик австромарксизм номини олди. Макс Бауэр, Карл Реннер, Фридрих ва Макс Адлерлар ўзларининг назарий қарашларида нафақат ўта большевистик ва социал-ислохотчилик таълимотларни қўлламасликка, балки классик марксизмнинг ревизияси билан узвий боғланган позитивизмнинг фалсафий фаразлари билан ҳам боғланиб қолмасликка, марксизмнинг сиёсий кураш мантиғи билан боғлиқ бўлмаган илмий концепциясини яратишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг назарий қарашларида пролетар инқилоби уч босқичдан – сиёсий, миллий ва ижтимоий инқилоблардан иборат босқичма-босқич юз берадиган жараён деб қаралди. Бу жараённинг ҳар бир босқичида эски давлат-ҳуқуқ тизими янгиланиб борилади.

Австромарксизм идеологлари большевикларнинг инқилобий тажрибасини рад этдилар ва ижтимоий инқилобни узок давом этадиган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар босқичларидан иборат деб қаради. Пролетар партияси ҳокимиятга қўзғолон орқали эмас, демократик сайловлардаги ғалаба орқали келиши лозим деб ҳисоблайди, улар. Социализм куришнинг моҳияти ҳам, уларнинг фикрича, мулкчилик шаклини ўзгартиришда эмас, инсонни инсон эксплуатация қиладиган ижтимоий адолатсизликни бартараф этишдадир.

¹ Э г а л и т а р и з м (французча *égalitarisme*, *égalité* – тенглик) – асосини жамиятнинг барча аъзолари учун тенг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий имкониятлар яратиш гоёси ташкил қилувчи концепция.

Маданий инқилобни австромарксистлар социализм куришнинг энг самарали воситаси деб ҳисоблайдилар. Пролетариатнинг фақат синфий онгини эмас, маърифий ва маънавий даражасини ҳам кўтариш социализмнинг вазифаси деб қаралади.

Социал-демократлар ҳокимиятга келиши билан 1919 йилнинг дастлабки ойларида империянинг давлат органлари йўқ қилинди, умумий сайлов ҳуқуқи ва асосий демократик эркинликлар жорий қилинди. Ишчиларни махсус комиссияларнинг хулосасисиз ишдан бўшатиш, аёллар ва болаларни кечки сменаларда ишлатиш тақиқланди. 1919 йил 30 июлдаги қонун билан йилида бир марта ҳақ тўланадиган таътил, шу йил декабрда эса 8 соатлик умумий иш куни жорий қилинди. Ҳукумат таркибида О. Бауэр бошчилигида социализация бўйича махсус комиссия тузилди. Аммо тадбиркорлар хавфсираганидек, социал-демократлар кенг национализация ўтказиш мақсадини қўймадилар. Бауэр доимий такрорлардики, социализмни мажбурий экспроприация қилиш ва саноатни бошқаришнинг бюрократик аппаратини тузиш билан амалга ошириб бўлмайди. 1919 йил 15 майдаги қонун билан ишчиларнинг корхоналарни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқлари кенгайтирилди. Ҳукумат чуқур ижтимоий ўзгаришларни амалга оширишни лозим топмади. Айти пайтда иқтисодиёт издан чиқиб борди. Юқори инфляция ҳукуматнинг барча уринишларини йўққа чиқарди. Вена ни озик-овқат билан таъминлаш оғирлашди, аскарлар орасида коммунистларнинг таъсири ошиб борди. Қўшни Бавария ва Венгрияда совет республикаларини куриш учун қилинаётган ҳаракатлар ҳам Австриядаги ички сиёсий ҳолатга катта таъсир кўрсатди. Зўравонлик ҳаракатларига мойил гуруҳлар пайдо бўлди. Австрия социал-демократлари ўз ҳокимиятини мустақкамлаш учун эмас, инқилобнинг кейинги босқичига, зўравонлик, фавқулодда сиёсат ва қуролли экстремизмга йўл қўймаслик учун ҳаракат қилдилар.

«Сиёсий инқилоб» тантанаси учун ҳаракат қилган ва «ижтимоий инқилоб» руҳидаги ўзгаришларни амалга оширган австромарксистлар ўз мафқурасининг асосий банди – «миллий инқилоб»ни амалга ошира олмадилар. Собиқ империянинг иқтисодий имкониятларидан маҳрум бўлган, ҳарбий мағлубиятнинг оғир юки остида қолган Австрия ўзининг молиявий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини мустақил тиклаш имкониятига эга эмасди. Шу сабабли австромарксистлар аншлюс – барча немис ерларининг ягона давлатга

бирлашиши ғоясига алоҳида эътибор қаратдилар. Австрия республикасининг ўзи ҳам 1919 йил 12 ноябрда, яъни Германиядаги ноябрь инқилобидан бир кун кейин эълон қилинди. Аммо янги немис ҳукумати аншлюс муаммоси туфайли Антанта давлатлари билан ўз муносабатларини мураккаблаштиришни истамади. Шу масала бўйича Германия-Австрия музокаралари натижасиз тугади.

1919 йил 10 сентябрь куни Париж тинчлик конференцияси қатнашчилари томонидан Сен-Жермен тинчлик шартномасининг имзоланиши австромарксистлар инқилобий стратегиясининг мағлубиятини англатар эди. Аншлюсни тақиқлаган шартнома Австрияни иқтисодий муаммолар ва репарациянинг оғир юки остида қолдирди. Ўз дастурининг амалга ошишига кўзи етмаган ва сиёсий зўравонлик йўлига ўтишни истамаган социал-демократик партия раҳбарияти Австрия христиан-демократик партияси билан келишув йўлини танлади. Бу келишув натижасида Сен-Жермен шартномасини ратификация қилишни Австрия парламентининг барча фракциялари қўллаб-қувватлади ва коалицион ҳукумат тузилди. Янги ҳукумат Ишчи ва солдат депутатлари кенгашининг фаолиятини тўхтатиш, армияни «профессионаллаштириш» (бу аввало Қизил гвардия отрядларини тарқатиб юборишни кўзда тутарди) борасида бир қатор тadbирларни амалга оширди. Давлатнинг ижтимоий дастурлари анча қисқартирилди. 1920 йил июлдан янги коалицион ҳукумат тузилиб, унда энди социал-демократлар ўз таъсирини йўқотди. Янги ҳукумат ўз фаолиятини янги конституция лойиҳасини тайёрлашга йўналтирди. Бу конституция Таъсис мажлиси томонидан 1920 йил 1 октябрь куни тасдиқланди. Унга кўра Австрия президент-парламент шаклидаги федератив давлат деб эълон қилинди. Табақавий ва диний имтиёзлар бекор қилинди, асосий сиёсий эркинликлар, кўппартиявий тизим, федерал ҳукумат устуворлиги жорий қилинди.

Янги конституция қабул қилиниши билан АСДИПнинг жамиятдаги мавқеи пасайиб кетди. Австромарксистларнинг сўнги фаол ҳаракати шу йўналишдаги халқаро ташкилотни тузишга уриниши бўлди. 1920 йил декабрда Берн шаҳрида «инқилобий марказчилар»нинг биринчи конференцияси бўлиб ўтди, 1921 йил февралда эса Венада мустақил Вена Интернационали – «Социалистик партияларнинг халқаро ишчи бирлашмаси» ташкил қилинди. Унда Австрия социал-демократлари асосий роль ўйнади. Бирок,

Марказий Европада инқилобий ҳаракат сусайиши билан бу марказчилик ҳаракати ҳам социал-ислоҳотчиликка қараб оғди ва 1923 йили Социалистик интернационал тузилишига олиб келди.

Австрофашизм. Урушдан кейин Австрияда И. Шобер бошчилигидаги германпараст партия билан И. Зейпель етакчилигидаги йирик буржуазияга таянувчи Христиан-социал партиядан (ХСП) иборат коалицион ҳукумат ҳокимиятда турарди. Ҳукуматнинг биринчи даражали вазифаси мамлакат иқтисодини тиклаш бўлиб, асосий дастури халқаро молия гуруҳлари билан келишув бўлди ва у 1922 йил октябрда Австрияга йирик кредит бериш тўғрисида Женева аҳдлашуви билан яқунланди. Бу кредит эвазига Австрия ҳукумати аншлюсдан воз кечганлиги тўғрисида қўшимча кафолатлар ва мамлакат молияси устидан халқаро назорат ўрнатилишига розилик берди. Инвестициянинг кириб келиши ва солиқларни ошириш натижасида иқтисодни барқарорлаштиришга эришилган бўлсада, ижтимоий ҳолат анча мураккаблигича қолаётган эди. Иқтисодий ҳолатнинг барқарорлашуви даврида асосий сиёсий партиялар ўз стратегияларини қайта кўриб чиқди. Давлат қурилишининг кейинги эволюциясида асосий ролни ХСП ўйнади. 1919–1922 йиллари ХСП етакчилар эгаллаган позицияга қарамасдан, Австрия христиан социализми гоявий-сиёсий оқим сифатида буржуа демократияси ва бозор либерализми гояларидан анча йироқ эди. XIX асрнинг 70–80-йилларидаёқ австриялик католиклар орасида марксизмни ҳам, классик либерализмни ҳам рад этувчи, ижтимоий тараққиётнинг синфий мақсадларидан устун турувчи тамойилларни қарор топтириш ҳаракати пайдо бўлди. Австрия социал католицизми қисқа вақт ичида ишчилар ва зиёлиларнинг тарқоқ ташкилотларидан кучли парламент фракциясига эга бўлган партиёга айланди. Айниқса Ватиканнинг қўллаб-қувватлаши бу партиянинг сиёсий жипслашувида катта роль ўйнади. XX асрнинг бошларида Ватикан ўта ўнг ишчилар ҳаракатини, марксизм томонидан оммага сингдирилаётган синфий кураш ғоясини, шунингдек, иқтисодий эксплуатация жамияти бўлган, инсоннинг маънавий қиёфасини бузаётган, нигилизм¹, даҳрийлик ва тажовузкорликни тарғиб қилаётган тузум сифатида капитализмни ҳам танқид қилди.

¹ Н и г и л и з м (лотинча nihil – ҳеч нарса) – умумий қабул қилинган қадриятлар, идеаллар, ахлоқ нормалари, маданиятни инкор қилувчи дунёқараш (энг кескин шаклида мутлақ ҳамма нарсани инкор қилади).

1920-йиллар бошларига келиб, христиан-социал ҳаракат мафкуравий юксалишининг янги босқичи учун қулай шароит пайдо бўлди. Янги папа Пий XI нинг (1922–1939 йиллари папалик қилган) энцикликида¹ жамиятни умумий бирдамлик асосида қайта қуриш ғояси илгари сурилди. Австриялик католиклар томонидан ашаддий қўллаб-қувватланган бу дастур асосини иккита базавий принцип: жамиятнинг табақавий-корпоратив тузилиши ва субсидиарлик² ташкил қилди.

Корпоративлик фақат ижтимоий бирдамликнинг умумий ғояси сифатида эмас, синфий карама-қаршиликларни енгиб ўтишга ва давлат ҳаётининг марказига корпорациялар, табақаларнинг реал манфаатларини қўядиган жамиятни ташкил қилишнинг тамойили сифатида қаралди. Феодал табақавий тизимдан фарқли равишда табақавий ташкилотларнинг очиқлиги, улар шаклланишининг иқтисодий принципи кўзда тутилди.

Христиан-социал мафкуранинг идеали мавҳум инсониятнинг эмас, аниқ бир шахснинг эркинлиги бўлиб, бу эркинликка ижтимоий муносабатлар доирасида – касбдошлар жамоасида, ижтимоий гуруҳда, оилада, диний жамоада эришилади. Руҳан ҳам индивидуалистик, ҳам синфий кадриятларга зид бўлган «ҳақиқий» корпоратив эркинликка интилиш христиан-социал ҳаракатини фашизм билан яқинлаштирди. Корпоратив мафкуранинг вазифаси Ғарб жамиятини цивилизациявий инқироз ҳолатидан чиқаришга уриниш, ўзининг позитив имкониятларини сарфлаб бўлган классик либерал таълимотга муқобил назарияни таклиф қилишдан иборат эди. Корпоративлик янги сиёсий лойиҳа, шунингдек, ижтимоий фалсафада оламни билишнинг рационал усулларини рад этувчи алоҳида шакл ҳам бўлди.

Жамиятни кескин қайта қуришнинг асосини иқтисодий ёки сиёсий эмас, энг аввало, маънавий жиҳат ташкил қилиши лозим

¹ Энциклик (лотинча *encyclica* – округга оид) – ижтимоий-сиёсий, диний ва ахлоқий масалалар бўйича маълум бир мамлакатнинг диндорларига, епископларга ёки архиепископларга мўлжалланган папанинг асосий ҳужжати, муҳимлиги бўйича Апокалипсис конституциядан кейин иккинчи.

² Субсидиарлик (лотинча *subsidiarius* – ёрдам, химоя) – жамиятни ижтимоий ташкиллаштириш принципи бўлиб, Рим-католик черковида пайдо бўлган ва Биринчи Ватикан соборидан кейин кенг тарқалган. Бу принципга кўра ижтимоий муаммолар настда, марказдан узоқда ҳал қилиниши лозим, зотан фақат шунда улар самарали ҳал қилиниши мумкин.

эди. Инсоннинг ўзини мукаммаллаштириш, инсоний муносабатларнинг табиий шакллариغا интилишни рағбатлантириш жамиятнинг асосий вазифасига айланиши керак. Ушбу ғояларни қўллаб-қувватлаган, жамиятни «табиий» инсоний маънавият асосида қайта қуришга интилган социал католицизм ва фашистик ҳаракат иттифоқчиларга айландилар. 1922 йили Италияда фашистларнинг ҳокимиятга келиши ва янги режимнинг Ватикан билан анча яхши муносабатлар ўрнатиши бу кучларнинг сиёсий ҳамкорлик имкониятларини намойиш қилди.

Австрия жамиятининг фашистлашувида социал католицизм Италиядагидан ҳам катта роль ўйнади. Бу жараён, одатда, фашистик ҳаракатнинг илк даврига – Биринчи жаҳон урушидан кейинги тартибсизлик даврида у турли шиорлар остида ҳаракат қилган ва жамиятда деярли ҳеч қандай сиёсий таъсирга эга бўлмаган пайтга тўғри келади. Илк фашизмнинг Австрия варианты бошқа мамлакатлардагидан фарқ қилмайди. Унинг асосини хеймвер (heimwehren) – Австриянинг деҳқончилик худудларида урушдан кейин пайдо бўлган ҳарбийлашган отрядлар ташкил қилди. Аммо кейинчалик хеймвер мустақил сиёсий кучга айланмади. Австрофашизм шаклланиши жараёнида мафкуравий марказ ролини Христиан-социал партия ўз зиммасига олди. Австрияни фашистлаштиришдаги дастлабки қадамлар кўппартияли парламент демократиясини аста-секин бекор қилиш ва ҳокимиятни марказлаштириш бўлди. 1927 йил бу жараёнда бурилиш нуктаси бўлди. Шу йили бўлган сайловларда ХСП ишончли ғалабага эришди ва Зейпель ҳукумати Вена ишчиларининг қўзғолонини бостирди. 1929 йили бошланган иқтисодий инқироз Австрия давлат тузумининг ўзгаришини тезлаштирди. ХСП раҳбариятидаги келишмовчиликлар австрофашистларнинг янги етакчиси Энгельберт Дольфусга ҳокимият йўллари очиқ берди.

Дольфус диктатураси. 1930 йилги парламент сайловлари Австрия жамиятининг жиддий қутбланишини намойиш қилди. Узок йиллардан бери биринчи марта АСДИП энг йирик парламент фракциясини (72 ўрин) ташкил қилди. Ички зиддиятлар туфайли ўнг, айниқса германпараст партияларнинг обрўси тушиб кетди ва парламент сайловларида фақат 19 ўринга эга бўлди. ХСП 66 та мандатга, хеймвер етакчилари томонидан ташкил қилинган «Ватан блоки» ҳам 8 ўринга эга бўлдилар. Муҳолифатдаги коммунистик ва национал-социалистик партиялар ҳам фаоллашиб қолди. 1931 йили ҳуку-

матнинг пассивлигидан норози бўлган хеймвер отрядлари ҳатто исён кўтаришга ҳаракат қилиб кўрдилар. Бундай шароитда Дольфус кўппартияли парламент тизимини батамом йўқ қилишга қарор қилди.

1933 йил 4 март куни парламент «ўзини ўзи» тарқатиб юборганлиги, оммавий йигилишлар ва намойишлар бекор қилинганлиги эълон қилинди, цензура жорий қилинди. Ҳукумат ўз вазифаларини ҳарбий даврнинг фавқулодда қонунларига биноан бажара бошлади. Апрель-май ойларида коммунистик партия ва АСДИПнинг ҳарбийлашган отрядлари – шуцбунд тақиқланди. Шуцбунднинг 1934 йил февралдаги исёни бостирилди, АСДИП ҳам қонундан ташқари деб эълон қилинди. Айти пайтда ҳукумат тобора фаоллашиб бораётган национал-социалистларнинг фаолиятига ҳам қатъий чек қўйди. Австрия национал-социалистик ҳаракати Германия национал-социалистик ишчи партияси (ГНСИП) билан яқин алоқада бўлиб, Австриянинг Учинчи Рейхга қўшилишини ёқлаб чиқаётган эди. Дольфус эса ХСП дастурини босқичма-босқич амалга ошириш Италиядаги фашистларникига ўхшаш, аммо Германиядаги гитлерчиларникидан мутлақо фарқ қиладиган корпоратив давлат қурилишга олиб келади, деб ҳисобларди. Ушбу фикрлар австрофашистлар ҳукмронлиги даврида Австрия ташқи сиёсатининг йўналишини белгилаб берди. Австро-Италия ва Австро-Франция алоқаларининг фаоллашуви 1935 йил апрелда Сирезе шаҳрида халқаро конференция чақирилишига олиб келди. Конференция қатнашчилари Австриянинг мустақиллигини қафолатлади ва аншлюс масаласида Германия олиб бораётган ташвиқотни қоралади.

1934 йил 1 майда Австрияда янги Конституция қабул қилиниб, «христианлик, немис миллати, табақавий тамойил асосида қурилган иттифоқ давлатини» эълон қилди. Ҳукуматга содиқ барча партияларни бирлаштирган Ватан фронти ягона қонуний сиёсий ҳаракат бўлиб қолди. 1934 йили ягона умумдавлат касаба уюшмаси – Австрия ишчи ва хизматчилари касабачилик иттифоқи ташкил қилинди. Айти пайтда австрофашистик тизим анча «юмшоқ» диктатура бўлиб, тўғридан-тўғри омманинг сафарбарлигига эмас, анъанавий ҳокимият институтларига, барқарорлик ва тартиб ғояларига, анъанавий ва диний қадриятларга таянди. Австрофашизмга қатъий миллатчилик, ирқчилик, антисемитизм, тажовузкор экспансионизм каби ғоялар ёт эди.

Австриянинг аншлюс қилиниши. Австрофашизмнинг мафкуравий ўзига хослиги, унинг етакчилари гитлерчилар Германияси билан келишувга ва яқинлашувга боришни истамаслиги бу режим билан Австрия худудида Учинчи Рейх томонидан қўллаб-қувватланган национал-социалистлар ўртасида можарони келтириб чиқариши муқаррар эди. 1933 йили Австрия давлат ташкилотларини германпараст унсурлардан тозалаш амалга оширилгандан сўнг, бу можаро очикча шаклга кўчди. 1934 йил сентябрда нацистлар Венада қуроли исён кўтаришга уриндилар. Уларнинг чиқишлари бостирилди, аммо Дольфус ярадор бўлиб, вафот этди. Ўша пайтда Австрия чегарасида тўртта Италия дивизияларининг намойиш-корона жойлаштирилиши, Гитлерни очик тажовуздан воз кечишга мажбур қилди. Шунга қарамадан, Дольфуснинг ўрнига келган Курт Шушнинг Германияга нисбатан эҳтиёткор сиёсат юритишга мажбур бўлди, ҳукуматда эса германпараст хеймвер вакилларининг роли кучайди. Кейинги ойлар австрофашистик режим иқтисоддаги ва ижтимоий соҳадаги тартибсизликлар туфайли оғир аҳволда қолди. 1936 йили имзоланган, расман Австриянинг суверенитетини мустаҳкамлаган, аммо қўшимча махфий протоколга кўра, ҳукуматга германпараст сиёсатчиларнинг киритилишини, Учинчи Рейх газеталарининг Австрия худудида эркин тарқалишини, ташқи сиёсат масалаларида «маслаҳатлашишни» назарда тутган Австро-Герман шартномасининг имзоланиши, муносабатлардаги бурилиш нуқтаси бўлди. Шушнинг томонидан қабул қилинган, 1938 йил 13 мартда Австрия давлатининг мустақиллиги тўғрисида плебисцит ўтказиш ҳақидаги қарор бир оз кечикди – 11 март куни мамлакат худудига Германия кўшинлари киритилди. Аншлюс Австрияни Учинчи Рейхнинг бир қисмига айлантирди. Австрия ерлари Германия империяси таркибига кирди, бу худудга ҳам Учинчи Рейх қонунлари жорий қилинди.

* * *

Австро-Венгриядаги тажовузкор кучларнинг Биринчи жаҳон урушида фаол иштирок этиши империянинг тарқалиб кетишига олиб келди. 1930-йиллари Австриядаги фашистпараст кучларнинг фаоллашуви ва ҳокимиятга келиши 1938 йили Австриянинг Учинчи Рейх таркибига қўшиб олинишига олиб келди.

XVI боб бўйича саволлар

1. XX аср бошларида Австрия маданий феноменининг пайдо бўлишига қандай омиллар сабаб бўлди?
2. Австромарксизмнинг моҳияти нимада эди?
3. Австрофашизмнинг итальян фашизми ва немис национал-социализми билан ўхшаш ва фарқли томонлари нимада?
4. Дольфус диктатураси Австрияда қандай сиёсий тартибни ўрнатди?
5. Австриянинг аншлюс қилиниши Австрия ва Германия ҳукмрон доиралари қандай сиёсатининг оқибати бўлди?

XVII Б О Б . Ж А Ҳ О Н У Р У Ш Л А Р И О Р А Л И Ғ И Д А Ж А Н У Б И Й Е В Р О П А М А М Л А К А Т Л А Р И

Жаҳон урушлари оралиғида Жанубий Европа мамлакатлари. Пиреней, Аппенин ва Болкон яриморолларида жойлашган мамлакатлар биргаликда «Жанубий Европа» субминтақасини ташкил қилади. Испания, Португалия, Италия ва Греция ўртасида жиддий фарқ бўлишига қарамадан, уларни бирлаштириб турувчи жиҳатлар ҳам мавжудки, бу жиҳатлар уларни тарихий бирлик сифатида таърифлаш имконини беради. XX аср бошларида Жанубий Европа мамлакатлари ривожланган капиталистик мамлакатлардан ҳам, «учинчи дунё» мамлакатларидан ҳам фарқ қиларди: улар капиталистик тараққиёт йўлига кеч, XIX асрдаги буржуа ва буржуа-демократик инкилоблар ҳал қила олмаган муаммолар юки, ўз миллий анъаналари ва қадриятлари билан кириб келди. Натижада Испания, Португалия, Италия ва Греция Европанинг «чекка», «марказга» қарам ҳолатдаги иккинчи даражали мамлакатларини ташкил қилди.

Жанубий Европа мамлакатлари тарихий ривожланишининг ўзига хос томонини ўрта асрлар ва Янги даврда ҳам бу мамлакатлар тараққиётнинг характерли жиҳатини секинлашув, ортада қолиш ва қарамлик ҳолати акс эттиради. Етакчи давлатларнинг монополистик босқичга ўтиши, улар билан Жанубий Европа мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш даражаси ўртасидаги фарқни янада чуқурлаштирди. Бу субминтақа Буюк Британия, Франция ва Германия капиталининг ташқи экспансияси объектига айланди. Етакчи давлатлар Жанубий Европани ўзларининг хомашё базасига айлантириб, уларнинг технологик қарамлигини кучайтиришдан манфа-

атдор эдилар. Жанубий Европа мамлакатларида аграр масаланинг кескинлиги, ички бозорнинг торлиги, ташқи бозорнинг деярли йўқлиги (Португалиядан ташқари), жаҳон бозоридаги конъюктурага боғланиб қолганлиги, оммавий эмиграция, ижтимоий норозиликнинг кескинлиги, ижтимоий тизимларнинг қотиб қолганлиги каби салбий ҳолатлар борган сари яққол кўзга ташланиб қолди.

Жанубий Европа мамлакатларининг иқтисодий колоклиги бу ерда буржуача ижтимоий-сиёсий тизимларнинг ҳам секин шаклланишига олиб келди. Буржуа парламентаризми институтлари бу ерда монархия, аристократия, армия ва черков каби анъанавий институтларга нисбатан анча кучсиз эди. Парламентаризм гоёси Жанубий Европа мамлакатлари аҳолисини бирлаштира олмади, шу сабабли унинг ўрнини фашистик, авторитар ва ҳарбий-диктаторлик режимлари эгаллади.

Греция. Биринчи жаҳон уруши арафасида Греция иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича Европанинг энг қоқоқ давлатларидан бири бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 70 % га яқини аграр секторда банд эди. Грецияда ерга эгалик қилишнинг кичик мулк шакли (1–3 га) кенг тарқалди. Саноат асосан енгил ва озик-овқат корхоналаридан иборат эди. Айниқса тамакичилик кенг ривожланди. Сиёсий жиҳатдан мамлакат конституцион монархия бўлиб қолаверди. 1862 йилдан бери ҳокимиятда ўтирган Глюксбурглар сулоласи Германия билан яқин алоқалар ўрнатиш йўлини тутди. 1909 йили тузилган Либерал партия монархияга муҳолифатда эди. Унинг етакчиси Э. Венизелос Антанта билан яқинлашув тарафдори бўлиб майдонга чиқди. Англия ва Франция билан иттифоққа таяниб, у Греция олдида турган иккита асосий вазифани: иқтисодиётни модернизация қилиш ва асосан греклар яшайдиган ҳудудларни кўшиб олишни ҳал қилишни кўзлади. Икки сиёсий кучлар ўртасидаги қарама-қаршилик 1917 йил 10 июнь куни қирол Константин I нинг ўз ўғли Александр фойдасига тахтдан воз кечиши билан яқунланди. 1917 йил 29 июнда Греция Антанта томонида Биринчи жаҳон урушига қўшилди.

Нисбатан қисқа вақт урушда иштирок этиш Грецияга катта фойда келтирди. 1919 йил 27 ноябрда Болгария билан имзоланган Нейнтинчлик шартномасига биноан у Ғарбий Фракияга эга бўлди. 1918 йил 30 октябрда Антанта давлатлари ва Усмонийлар империяси ўртасида имзоланган Мудрос тинчлик шартномаси Грецияга Из-

мир худудини оккупация қилиш ҳуқуқини берди. 1919 йил майда Греция қўшинлари Измир ва Ойдин худудларини эгаллади, 1920 йил июлда эса Туркия билан Антанта ўртасида Севр шартномаси имзоланди. Бу шартнома урушдан кейин Европада тинчлик ўрнатишнинг Версаль тизимини яқунлади. Бу шартномага биноан Шарқий Фракия, Галлиполь яримороли, Имброс ва Тенедос ороллари, шунингдек, Измир Грецияга ўтди. Бу шаҳар тақдири беш йилдан сўнг плебесцит ўтказиш йўли билан узил-кесил ҳал қилинмоғи лозим эди. Бу шартлар Грециянинг худудий даъволарини асосан қондирди. Аммо Севр шартномаси Туркия томонидан ратификация қилинмади. Ғолиб давлатлар томонидан Усманийлар империясини бўлиб ташлашга ва миллий суверенитетни йўқотишга қаратилган сиёсат Туркияда аҳолининг ғазабини қўзғатди. Миллий-озодлик ҳаракатига генерал Мустафо Камол пошо раҳбарлик қилди. 1920 йил апрелда Анкарада инқилобий ҳукумат тузилиб, Султон Мехмед IV тахтдан туширилганлигини эълон қилди. М. Камол ҳукумати Яқин Шарқ масаласи бўйича Антанта давлатлари ўртасидаги ўзаро келишмовчиликдан усталик билан фойдаланиб, Севр шартномаси шартларини бажармаслик йўлини топди. Афинани фаол қўллаб-қувватлаётган Буюк Британияга қарши Италия ва Франция Анқаранинг ёнини олдилар. Бундай сиёсатнинг сабаби, бир томондан, Италия ва Франциянинг Туркиядаги иктисодий манфаатлари бўлса, бошқа томондан, улар Греция ва Англиянинг кучайиб кетишини истамаслигида эди. Италиянинг позициясини белгилашда у билан Греция ўртасида Додеканез бўйича худудий баҳс ҳам муҳим роль ўйнади.

1919–1921 йиллардаги Греция – Туркия уруши Греция учун ҳалокатли яқунланди. Урушнинг дастлабки босқичида Греция армияси кенг микёсда хужум уюштириб, Кичик Осиёнинг катта қисмини босиб олди. 1921 йил августда греклар Анкара яқинидаги Сакарья (туркча Sakarya) дарёсига етиб келдилар. Аммо ҳал қилувчи жангда турк қўшинлари тўлиқ ғалабага эришди. Кейинги бир ой ичида Греция Кичик Осиёда қўлга киритган барча худуддан, шу жумладан, Измирдан айрилди. 1923 йил 24 июлда Англия, Франция, Италия, Япония, Руминия, Греция ва Туркия ўртасида Лозанна тинчлик шартномаси имзоланиб, унга биноан Греция Севр шартномаси бўйича қўлга киритган барча худудларни Туркияга қайтариб берди.

Бу ҳарбий можаро оқибатлари Греция учун аянчли бўлди. Мамлакат қуролли кучларидан 50 минг киши ҳалок бўлди, 70 минг киши ярадор бўлди. Урушгача Кичик Осиёда яшаган 1,5 млн греклар Грецияга кўчиб келишга мажбур бўлди. Шусиз ҳам уруш туфайли кучсизланган мамлакат, қочокларга ёрдам бериш муаммосига дуч келди. Кичик Осиёдаги уруш авантюраси мамлакатда кескин сиёсий инқирозни келтириб чиқарди. 1920 йил декабрда ўғлининг ўлимидан сўнг тахтга қайтган Константин I ва уни қўллаётган Халқ партиясининг обрўси тушиб кетди. 1922 йил сентябрда Греция армиясининг полковник Н. Пластирас бошчилигида либерал кайфиятдаги қисми Константинга тахтдан воз кечиб, мамлакатни тарк этиш талабини қўйди. Тахт унинг катта ўғли Георгга ўтди. Ҳокимиятга келган Н. Стратос бошчилигидаги либераллар ҳукумати Халқ партиясини урушдаги мағлубиятнинг асосий айбдори деб эълон қилди. 1922 йил 5 ноябрда Халқ партияси етакчиси Д. Гунарис ва яна бешта вазирлар қатл қилинди. Н. Пластираснинг давлат тўнтариши Греция тарихшунослигида «1922 йилги ҳарбий инқилоб» номини олди.

1923 йил кузда Константин тарафдорлари исён кўтарди, аммо мағлубиятга учради. Бу ҳол антироялистик кайфиятларни кучайтириб, грек жамятининг янада бўлиниб кетишига олиб келди. 1923 йил 16 декабрда бўлиб ўтган парламент сайловларида либераллар ишончли ғалабани қўлга киритди. Сайловлардан уч кун ўтиб қирол Георг II Грециядан қочиб кетди. Олий ҳокимият регент қилиб тайинланган адмирал П. Кундуриотисга ўтди. 1924 йил январда Венизелос бошчилигида либерал ҳукумат тузилди. Унинг олдида чўзилиб кетган инқирозни бартараф қилиш ва янги сиёсий тизимни яратиш вазифаси турарди. Бу муаммоларни ҳал қилиш йўллари тўғрисидаги тортишувлар либераллар ўртасида бўлинишга олиб келди. Венизелос Буюк Британия намунасидаги конституцион монархия режимини ўрнатиш тарафдори бўлиб чиқди, либералларнинг катта қисми эса республика ўрнатилишини талаб қилди ва 1923 йил охирида Демократик иттифоққа бирлашди. Бу либерал партиянинг бўлиниб кетишига олиб келди. Венизелос 1924 йил 4 февралда, тайинланганидан роппа-роса бир ой ўтиб истеъфого чиқди ва соғлиғи ёмонлашганини баҳона қилиб чет элга жўнаб кетди. 8 март куни ҳокимиятга Демократик иттифоқ етакчиси А. Папанастасиу бошчилигидаги республикачилар келди. Респуб-

ликачилар бир қатор муҳим сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга муваффақ бўлди. 1924 йил 25 мартда Таъсис мажлиси тузилди. У қиролни тахтдан тушириб, Грецияни республика деб эълон қилди. 1924 йил 13 апрель куни шу масала бўйича плебисцит бўлиб ўтди. Плебисцитда иштирок этган фуқароларнинг 69,9 % и республика тузумини жорий қилиш учун овоз берди. 1914 йил 24 май куни собиқ регент Кундуриотис янги жорий қилинган Греция республикаси президенти лавозимини эгаллади. Бу даврда мамлакат олдида турган энг муҳим иқтисодий муаммо кишлок хўжалигида анчагина феодал қолдиқларнинг мавжудлиги эди. 1917 – 1920 йиллари Венизелос томонидан аграр соҳани ислоҳ қилишга уриниш муваффақиятсиз чиқди. А. Папанастасиу ҳукумати аграр ислоҳотни охиригача амалга оширишга эришди. Унинг асосий натижаси ерга эгалик қилишнинг энг кўп миқдорини: Эпир, Македония, Фракия ва Фессалия учун 10 га, Грециянинг қолган барча ҳудудлари учун 30 га қилиб ўрнатилиши бўлди. Ортиқча ерлар национализация қилинди. Ер эгаларига анча катта миқдорда товуқ пули тўланди.

Аграр ислоҳотни ўтказиш ва 1924 йил мартда СССР билан дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши армиянинг юқори доираларида норозилик уйғотди. «Ҳарбий инқилоб» иштирокчилари генераллар Кондилис ва Пангалос А. Папанастасиуни «большевизм»да айблади ва ҳукумат таркибидан чиқди. Армиядаги таянчидан маҳрум бўлган А. Папанастасиу 1924 йил ёзда истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Бу навбатдаги сиёсий инқирозга олиб келди. Ҳокимиятга келган Венизелос тарафдорлари ҳолатни ўнглай олмади. Натижада бир қатор ҳукуматлар алмашиб, сиёсий беқарорлик муҳити вужудга келди. Айни пайтда мамлакатнинг ташқи сиёсий аҳволи ҳам ёмонлашди. 1924 йил кузда Югославия Греция билан тузилган 1913 йилги шартномани денонсация қилди ва ўзига Салоники – Гевгели темир йўли устидан назоратни ҳамда Салоники портида савдо имтиёзлари берилишини талаб қилди. Натижада Греция Болқондаги охириги иттифоқчисидан айрилди ва ёлғизланиб қолди. Греция – Югославия муносабатларининг бузилиши ҳарбий тўнтаришни амалга ошириш учун туртки бўлди. 1925 йил 25 июнда генерал Пангалос бошчилигидаги гвардия А. Михалакопулос бошчилигидаги либерал ҳукуматни ағдариб ташлади. Ҳарбий ҳукумат тузилиб, цензура жорий қилинди, парламент сайловлари

бекор қилинди. 1926 йил 15 мартда ҳарбийлар босими остида президент Кундуриотис истеъфога чиқди. 1926 йил 11 апрелда бўлиб ўтган президентлик сайловларида Пангалос ғолиб чиқди. У авторитар режимни яратиш йўлидан борди. Парламент таркатиб юборилди, мухолифатдаги барча газеталар ёпилди, бир қатор коммунистлар етакчилари ва таникли либераллар қамокқа олинди. Ҳатто зобитларнинг ҳам бир қисми катагонга учради. Бу ўта ўнглاردан ташқари барча сиёсий кучлар иштирокида Пангалосга қарши кенг мухолифатнинг шаклланишига олиб келди. Ташқи сиёсатдаги бир қатор хатолар туфайли норозилик янада кучайди. 1925 йил октябрда Греция ва Болгария ўртасида чегара можароси келиб чиқди. Грек кўшинлари Болгариянинг бир қисм ҳудудини эгаллади. Тажовуз Миллатлар Лигаси томонидан қораланди. Греция айбдор деб топилди, у ўз кўшинларини олиб чиқиб кетиш ва товон тўлашга мажбур бўлди. 1926 йил 17 августда Греция ва Югославия уч йил муддатга дўстлик ҳақида шартнома имзолади. Шартномага Югославия талаблари асос қилиб олинди.

Югославияга ён бериш ва Болгария билан можаронинг муваффақиятсиз яқунланиши Пангалосни охириги таянчи – гвардиядан маҳрум қилди. 1926 йил 22 августда Пангалоснинг собиқ сафдоши генерал Кондилис гвардия қисмлари ёрдамида ҳокимиятни эгаллаб олди. Пангалос Италияга қочишга уринди, аммо қамокқа олинди. Пангалос диктатурасининг кулаши бошқаришнинг демократик шакли тикланишига олиб келди. Кондилис партиялар фаолиятига рухсат берди ва сиёсий амнистия эълон қилди, Кундуриотис президентлик лавозимига қайтарилди. 1926 йил 7 ноябрда парламент сайловлари бўлиб, янги ҳукумат шакллантирилди. 1927 йил июнда янги конституциянинг қабул қилиниши демократик ўзгаришларни яқунлади. Греция республика деб эълон қилинди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Депутатлар палатаси ва сенатдан иборат икки палатали парламент амалга оширадиган бўлди. Ижро ҳокимияти президентга берилди. У ҳукуматни тузиш ҳуқуқини олди. Аммо вазирларнинг ўз фаолияти учун Депутатлар палатаси олдида маъсуллиги белгилаб қўйилди. Конституциянинг қабул қилиниши республика тузумини мустақкамлаш ва грек жамиятини демократизациялаш йўлида олдинга ташланган катта қадам бўлди.

1920-йиллар охири Грецияда сиёсий иқлимнинг барқарорлашуви ва мамлакат халқаро аҳволининг яхшиланиш даври бўлди.

1928 йили ҳокимиятга келган Венизелоснинг либерал ҳукумати Италия, СССР, Албания, Югославия, Австрия, Венгрия ва Туркия билан келишувлар имзолади. Аммо 1929 – 1933 йиллардаги жаҳон иктисодий инқирози Греция иктисодига ҳам катта зарба берди ва сиёсий барқарорликни ҳам бузиб юборди. 1928 – 1931 йиллари саноат ишлаб чиқариши 14,8 % га пасайди. Инқирознинг уч йили ичида экспорт 31,6 % га қисқарди, ишчиларнинг иш ҳақи 30 % га камайди, ишсизлик даражаси 1,4 марта ошди. 1932 йил 1 майда Греция ҳукумати мамлакатни банкрот деб эълон қилди. Иктисодий конъюктуранинг ёмонлашуви либераллар мавқеининг пасайишига, монархистлар ва коммунистларнинг кучайишига олиб келди. Жамиятнинг қутблашуви республика тузумини ағдариб ташлаш учун шароит яратди. 1933 йил мартда бўлиб ўтган парламент сайловларида монархистларнинг Халқ партияси катта фарқ билан ғолиб чиқди. Монархистлар етакчиси П. Цалдарис ҳукумат тузди. 1934 йил февралда бўлиб ўтган муниципал сайловларда коммунистлар илк бор сезиларли ғалабага эришди. Коммунистик партия аъзоси Д. Парцалидис йирик Кавала шаҳарнинг мэри қилиб сайланди. Сўл кучлар ютуғидан саросимага тушган ҳукумат сайлов натижаларини бекор қилди. 1935 йил 1 мартда либерал кайфиятдаги зобитлар «ҳарбий инқилоб» етакчиси генерал Парцалидис бошчилигида Цалдарис ҳукуматини ағдариб ташлашга уринди. Аммо исён бостирилди. Бу коммунистлар ва либераллар позициясининг яқинлашувига олиб келди. 1935 йил 9 октябрда коммунистик, аграр ва либерал партиялар фашизм хавфига қарши биргаликда ҳаракат қилиш учун Умумреспублика кенгаши тузилганини эълон қилди. Шундай ҳолатда сиёсий курашга яна ҳарбийлар аралашди. 1935 йил 10 октябрда Цалдарис ҳукумати ҳокимиятдан маҳрум қилинди. 1928 йилги Конституция бекор қилинди ва 1911 йилги монархия Конституцияси тикланди. 1935 йил 3 ноябрда ўтказилган плебисцит монархиянинг тикланганлигини тасдиқлади. 1935 йил 25 ноябрь куни 13 йиллик эмиграциядан кейин Георг II Грецияга қайтиб келди ва тахтга тикланди. 1936 йил апрелда ашаддий ўнглارнинг Эркин фикрловчилар партияси етакчиси генерал И. Метаксас бош вазир қилиб тайинланди. Бу мамлакатдаги кўпчилик сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг норозилигини келтириб чиқарди. Либераллар, аграрчилар, социалистлар ва коммунистлар ҳукуматга қарши

биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида келишув имзолади. Касаба уюшмаларининг етакчилари ишчиларни 1936 йил 5 август куни ҳукуматга қарши умумий иш ташлаш ўтказишга чақирди.

Мамлакатда муҳолифатчилик кайфиятларининг ўсишига жавобан ҳукмрон доиралар ҳарбий диктатура ўрнатиш йўлидан борди. 1936 йил 4 августда қирол Георг II Метаксасга чекланмаган ваколатлар берди. Ҳарбий ҳукумат ташкил қилиниб, унда Метаксас бош вазирдан ташқари ташқи ишлар вазири, ҳарбий-денгиз вазири ва авиация вазири лавозимларини эгаллади. Мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди, парламент тарқатиб юборилди, цензура ўрнатилди, партиялар ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолияти тақиқланди. Тақиқланган касаба уюшмаси ўрнига ҳукумат назоратидаги ишчи fronti ташкил қилинди. Кўзга кўринган сиёсий арбоблар, жумладан, аграр ва коммунистик партиялар етакчилари камоққа олинди. Шу тариқа 1930-йилларнинг иккинчи ярмида Грецияда авторитар типдаги ҳарбий диктатура ўрнатилди.

XX аср бошларида Португалия. XX аср бошларида Португалия Европанинг энг қоқ ва камбағал мамлакатларидан бири эди. XIX асрда иккита тугалланмаган буржуа инқилобини бошдан кечирган Португалия, янги инқилобга етиб келди. 1910 йили юқоридан тўнтариш амалга оширилиб, монархия бекор қилинди ва буржуа-парламент тизими ўрнатилди. Бироқ бу бирорта ижтимоий-иқтисодий муаммони ҳал қилмади. Республикачилар партияси тимсолидаги анъанавий олигархия ички ва ташқи сиёсат борасидаги аввалги курсни сақлаб қолди. Биринчи жаҳон урушида Португалия Антанта томонида урушга кирди.

Уруш тугаши билан Португалия Париж тинчлик конференциясида иккинчи даражали давлатлар қаторида қатнашди. Версаль тинчлик шартномасига биноан Германия мустамлакаларини бўлиб олишда Португалия Океаниядаги бир гуруҳ оролларга эга бўлди. Буюк давлатлар Португалияни Вашингтон конференциясига ҳам таклиф қилишди, бу ерда у тўққиз давлат қаторида 1922 йил февралда Хитой бўйича шартномани имзолади.

Урушдан кейин яшаш даражасининг кескин тушиб кетиши натижасида Португалияда меҳнаткашларнинг иш ташлаш ҳаракати жуда фаоллашиб кетди. Бу ҳаракатга социалистлар, анархо-синдикалистлар ва коммунистлар етакчилик қилди. 1919 йили йирик бирлашма – анархо-синдикалистик Меҳнат умумий конфедерация-

си пайдо бўлди, 1921 йили эса Португалия коммунистик партияси тузилди. Ижтимоий-сиёсий ҳолатнинг беқарорлиги ва молиявий-иқтисодий аҳволнинг ёмонлашуви Португалияда ҳукуматнинг тез-тез алмашинувига (44 та ҳукумат алмашди) ва ҳарбий-монархистик фитналарга олиб келди. Парламент ва сиёсий партиялар ролининг кучсизлиги буржуазияни оғир аҳволдан чиқиш учун анъанавий олигархия билан келишишга мажбур қилди. 1926 йили давлат тўнтариши амалга оширилиб, ҳарбий триумвират диктатураси ўрнатилди. Тез орада ҳокимият генерал Кармона қўлига ўтди ва 1926 йил ноябрда у ўзини президент деб эълон қилди. Мамлакатни фашистлаштириш жараёни бошланди.

Фашизм ва унинг кучли давлат ғояси Португалияда мамлакатни қолоқликдан олиб чиқиш ва анъанавий тизимларни модернизация қилишнинг фақат сиёсий эмас иқтисодий усули сифатида ҳам қаралаётган эди. Фашизм асосида кейинчалик давлат-монополистик капитализмининг Жанубий Европа модели шаклланди. 1928 йили Кармона Салазарни молия вазири лавозимига тайинлади. Антонио Оливейра Салазар (1889–1970) тартиб ўрнатишнинг қатъий усуллари тарафдори ҳисобланарди. У иқтисодиёт профессори, Лиссабон университетида дарс берарди, давлат хизматига ҳам университетдан мутахассис олимларни жалб қилди. Президентдан фавкулдда ваколатларни олган Салазар инглиз капиталининг оқимини кўпайтирди, солиқларни оширди, ижтимоий харажатларни камайтирди. Мамлакатнинг молиявий аҳволини соғломлаштиришдаги ютуқлари учун Салазар 1932 йил июлда ҳукумат раиси қилиб тайинланди ва диктаторлик ваколатларига эга бўлди.

Салазарнинг ҳокимиятга келиши билан Португалияни фашистлаштириш жараёни якунланди. Салазар бюджетни тартибга солиш, корпоратив бошқариш, миллий капитални ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлини танлади. Хусусий тадбиркорлик Португалия иқтисодиётининг устувор омилига айланди. Салазарни чет эл капиталига ишончсизликда айблаганда, у «интизомсиз кредит мамлакатга банкрот бўлиш хавфини солади ва бизнинг авлодларимизни кулликка маҳкум қилиши мумкин», деб жавоб берарди. Католик анъанавийлик, миллатчилик ва либерал кадриятларни рад этиш Салазар курсининг мафкуравий асосини ташкил қилди. Салазар ҳокимият ва эркинлик синтезини ҳаётга татбиқ қилишга

ҳаракат қилди. Интернационализм, коммунизм ва либерализмга қарши бўлган Салазар, оилавий ва диний кадриятларга асосланган Португалия миллий ғоясига таянди.

1933 йил мартда янги Конституция қабул қилиниб, уни муаллифлари дунёда биринчи корпоратив конституция деб атади. Конституция Португалияни қонун чиқарувчи Миллий ассамблея, 7 йилга сайланадиган президент ва чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган ҳукумат бошлиғи бошқарадиган унитар корпоратив республика деб эълон қилди. 1930 йили Салазар томонидан тузилган «Миллий иттифок» фашистик партияси ошқор фаолият юритувчи ягона партияга айланди. Конституцияга қўшимча равишда корпоратив тизимни яратиш учун асос бўлган «Меҳнат хартияси» қабул қилинди. Бу тизим доирасида барча меҳнатга яроқли аҳоли корпорацияларга: ишчилар ва хизматчилар – миллий синдикатларга, савдогар ва тадбиркорлар – гильдияларга, зиёлилар – орденларга, деҳқонлар – «халқ уйлари»га бирлашдилар. Корпорациялар иш тартиби ва меҳнат шартномасининг шартларини белгилади, иш ташлашлар тақиқланди.

Кенг омманинг қўллаб-қувватлашига эга бўлмаган Салазар режими армия ва давлат аппаратига таянди. Ёрқин акс этган харизманинг йўқлиги Салазарнинг 1968 йилгача ҳокимиятда туриши учун халақит бермади. 1930-йиллар ўрталарида Португалия ташқи сиёсатда фашистик давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтирди ва Испаниядаги Халқ фронтига қарши интервенцияда (1936–1939) иштирок этди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Португалия ўз нейтралитети ҳақида эълон қилди. Аммо бошқа нейтрал мамлакатлар сингари Португалия ҳам урушаётган икки коалиция давлатларининг сиёсий ва иқтисодий кураши майдонига айланди. Гитлернинг Португалияга нисбатан мақсади «Изабелла» операцияси режасида баён қилинган бўлиб, унда мамлакатга немис қўшинларини киритишгача бўлган катъий чоралар кўриш кўзда тутилган эди. Фашистик давлатлар, айниқса Германия Португалияга кучли босим ўтказётган эди. Германия капитали Португалияда вольфрам ва қалай қазиб олишни амалда тўлиқ эгаллаб олди. Германияга стратегик металллар Лотин Америкаси ва Осиёдан, Португалия орқали келарди, хусусан, Португалия нефть ва нефть маҳсулотларини Германия учун Лотин Америкасидан сотиб оларди.

Урушда туб бурилиш юз берганидан сўнг антигитлер коалиция бўйича иттифоқчилар Атлантика океани орқали ташиладиган юкларини немис сувости кемалари хужумидан ҳимоя қилиш учун Португалиянинг Азор оролларида харбий-хаво кучлари базасини ташкил қилишга эришди. 1943 йил охирига келиб Португалия Германия билан алоқаларини узмасдан, уни стратегик металллар билан таъминлаб турган бўлса-да, АҚШ ва Буюк Британия билан ҳам яқинлаша бошлади. 1944 йил охири – 1945 йил бошида айнан Лиссабондаги Германия элчихонасида Германия ташқи ишлар вазири И. Риббентроп АҚШ ва Буюк Британия вакиллари билан сепарат сулҳ тузишга ҳаракат қилди. Бирок бу уринишлар натижа бермади. Бутун Иккинчи жаҳон уруши давомида Португалия нейтралитетни сақлаб қолди.

Испания. XX асрга Испания Жануби-Ғарбий Европанинг чекка аграр-саноат мамлакати сифатида кириб келди. Испаниянинг иккинчи даражали давлат мақоми фақат унинг ички иқтисодий ҳолати билан эмас, халқаро аҳволи билан ҳам белгиланади, зотан 1898 йилги Испания-Америка урушида Испания ўзининг қолган мустамлакаларидан (Куба, Пуэрто-Рико, Филиппин, Гуам ороли) ҳам айрилди. Давлат мафкурасининг ажралмас қисмига айланган Испаниянинг буюк ўтмиши ҳақидаги хотира унинг бугунги ҳолати учун мутлақо бегона эди. Испаниянинг бугунги ҳолатига боқиб, у бир пайтлар буюк мустамлакачи ва денгиз давлати бўлганлигини айтиб бўлмасди. Буюк ўтмиш ҳақидаги хомхаёлларнинг барбод бўлиши сиёсий курашда, иқтисодий курсда ва ижтимоий онгда акс этди ва Испания маданиятида муҳим роль ўйнаган «1898 йил авлоди» зиёлилар оқимини пайдо қилди. Миллий тикланиш учун жамият ҳаётининг барча томонларига таъсир кўрсатаётган умумий иқтисодий қолоқликни енгиб ўтиш лозим эди.

XX асрнинг дастлабки ўн йилида Испания иқтисодиётида ҳали капитализмгача бўлган ривожланиш белгилари асосан қишлоқ хўжалигида сақланиб қолган эди. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлгани ҳолда, ерга эгалик қилишнинг йирик хусусий мулкчилик шакли устувор бўлиб, 20 миллионли Испания аҳолисининг 3,5 миллионини ерсиз ёки кам ерли деҳқонлар ташкил қиларди. Ернинг етишмаслигидан деҳқонлар уни ижарага олишга мажбур бўларди, мамлакатдаги ерларнинг 80 % и у ёки бу шаклда ижарага олинарди. Камбағал деҳқонларнинг примитив хўжалик

юритиш шакли уларнинг маданий қолоқлиги ва қашшоқлигини белгилаб берарди; миллий бозорнинг ривожланмаганлиги индустриал тараққиётга тўсиқ бўлаётган эди. Виночиликка, зайтун ёғи, мева ва сабзавотлар, ғалла ва пахта ишлаб чиқаришга ихтисослашган жанубий провинциялар анъанавий қишлоқ хўжалик худудлари ҳисобланарди.

Бой ва турли-туман қазилма бойликлар, айниқса қўрғошин-қалай, мис ва темир, симоб, пирит (таркибида темир бўлган минерал), вольфрам, қўмир конларининг мавжудлиги саноатнинг тоғ-кон ва металлургия соҳалари ривожини белгилаб берди. Улар билан биргаликда янги машинасозлик, электротехника ва химия корхоналари ҳам бунёд этилди. XX аср бошларида мамлакатда биринчи монополиялар – Астурия металлургия жамияти, Кемасозлик жамияти, чўян эритиш бўйича кудратли корхоналар, Бискай ва Арагонда пўлат ва прокат корхоналари пайдо бўлди. Испан буржуазияси ички бозор ҳажмининг торлиги, инвестициялар етишмаслиги, технологик жиҳатдан импортга қарамлиги, маҳсулот сотишнинг ташқи бозори деярли йўқлиги туфайли катта қийинчиликларга дуч келди. Анъанавий саноат озик-овқат, тикувчилик, пойафзал тикиш, ёғочни қайта ишлаш ва енгил саноатнинг бошқа соҳаларидаги кўп сонли корхоналарга эга эди. Жадал ривожланаётган, протекционизм сиёсати орқали рағбатлантирилаётган шимолий саноат зоналари – Каталония, Басклар Мамлакати (Баскония) ва Астурия билан жанубнинг қоқоқ аграр районлари – Андалусия, Эстремадура, Янги Кастилия ўртасидаги фарк катта эди.

Испанияда саноатнинг замонавий соҳалари қарор топишида чет эл капиталли ҳам фаол иштирок этди. Банк иши ва темир йўллар қурилишида француз инвестициялари, тоғ-кон саноати ва минерал хомашё экспорт қилишда инглиз капиталли етакчилик қилди. Биринчи жаҳон урушидан кейин Испания иқтисодиётига АҚШ капиталли ҳам кириб келди.

XX асрдаги Испания тарихи қутилмаган ва мураккаб тарихий воқеалар занжиридан иборат: монархия – республика (1931–1939) – диктатура (1939–1975) – монархия. Барча ўзгаришларда қирол атрофидаги испан элитаси ва айниқса ҳарбий қўмондонлик ҳал қилувчи роль ўйнади. Зотан, мустамлака урушларида чиниққан армия испан давлат механизмининг кучли таркибий қисми ҳисобланарди.

Диндорлик даражаси юқори бўлган испанларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида черков муҳим ўрин эгаллайди. Черков кўчмас мулк, жумладан, ерга, банк омонатлари ва қимматбаҳо қоғозларга, корхоналарнинг акцияларига эгалик қилар ва давлатдан субсидиялар ҳамда диндорлардан эҳсонлар олар, католик диний анъаналарининг энг йирик вориси ҳисобланарди. Монарх ҳомийлигидаги католицизм ягона расмий давлат дини бўлиб қолаётган эди. Жамиятнинг энг консерватив институти бўлишига қарамасдан, черков юз йиллар давомида орттирилган обрўсини сақлаб қолиш учун замонга мослашишга, ўзининг ижтимоий функцияларини кенгайтиришга мажбур бўлди. Черковнинг диний-католицизмдан ижтимоий-сиёсий соҳага ўтиши бошланди.

Испаниянинг этник таркиби испанлардан ва миллий озчилик деб аталувчи бошқа халқлардан: каталонияликлар (4,5 млн), галисияликлар (2,2 млн) ва басклар (600 минг)дан иборат эди. XX аср бошларидан миллий кучларнинг ташкилий шаклланиш жараёни юз берди. Каталонияда икки партия вужудга келиб, бири йирик буржуазия, иккинчиси – ўрта ва майда буржуазия манфаатларини ифода этди. Басконияда черков ҳомийлигида йирик партия вужудга келди. Қолоқ Галисияда миллий ҳаракат ташкил қилинмади. Миллий партияларнинг асосий талаби маъмурий, молиявий ва ҳуқуқий имтиёзларни кўзда тутувчи автономия берилиши ва миллий маданиятларнинг эркин ривожланишидан иборат бўлди.

Испания истэблншменти манфаатларини монархистик ва буржуа партиялари ифода этарди. XX аср бошларида икки монархистик партия – консерваторлар ва либераллар навбат билан ҳокимиятга келди ва ниҳоятда долзарб ўзгаришларга лаёқатсизлигини намоён қилиб, аста-секин етакчиликни кўлдан берди.

Испан пролетариатининг етакчи сиёсий ташкилотлари ва касабачилари Испания социалистик ишчи партияси (ИСИП) ва шу партия раҳбарлик қиладиган «Меҳнаткашларнинг умумий иттифоқи» касабачи маркази (МУИ), Испания коммунистик партияси (ИКП) ва анархо-синдикалистик умуммиллий касабачи уюшмаси – «Миллий меҳнат конфедерацияси» (ММК)дан иборат эди. ММК энг йирик марказ бўлиб, 1920 йили сафларида 1 млн дан зиёд кишини бирлаштирди.

Биринчи жаҳон урушида ўзининг нейтралитетини эълон қилган Испания, шу мақоми ва геостратегик ҳолати туфайли Антанта ва

Учлар иттифоқи билан бирдай манфаатли алоқалар ўрнатди, уларга ўзининг анъанавий экспорт товарлари – тоғ-кон хомашёси ва озиқ-овқат етказиб бериб, фаол савдо олиб борди. Бу уруш йиллари мамлакатнинг олтин захираларини тўрт баробар ошириш имконини берди. Ана шу қулай конъюктура асосида миллий экономика жадал ривожланди, кўмир қазиб чиқариш, чўян, пўлат ва мис эритиш икки баробар ошди; юзлаб янги корхоналар бунёд қилинди, монополиялар ташкил қилинди. Ҳаммадан жадалроқ Каталония ва Баскония ривожланди. Саноатнинг жадал ўсиши испан буржуазиясининг иқтисодий позициясини мустаҳкамлади, саноат ишчиларининг сони кўпайди: 1919 йили улар сони 2 млн кишидан ошди. Бироқ меҳнаткашларнинг яшаш даражаси Европада энг пастларидан бири бўлиб қолаверди.

1920 йили уруш давридаги иқтисодий ўсиш ўрнини инкироз эгаллади. Ишлаб чиқаришнинг қисқариши халқ хўжалигининг барча жабҳаларини камраб олди. Мамлакатда ишчилар оммавий равишда ишдан бўшатилди, ишсизлар сони кескин ошди, иш ҳақи ўртача 20 % га пасайди, нарх-наво эса икки баробар ошди. Йирик намоёнлар, баъзан полиция ва қўшинлар билан тўкнашувга айланиб кетувчи стачкалар ва умумий иш ташлашлар ижтимоий норозиликнинг кенг тарқалган тури бўлиб қолди. Аграр ўлкаларда деҳқонлар ҳам кураш қўмиталарини тузди, помешчикларнинг ерларини эгаллаб олди. Урушдан кейинги ижтимоий норозиликлар натижасида 8 соатлик иш куни ўрнатилди, болалар меҳнати тақиқланди, кексалик ва ногиронлик бўйича суғурта тўловлари жорий қилинди.

Испаниянинг Марокашдаги мустамлакачилик сиёсати ҳам ички сиёсий курашнинг кескинлашувига сабаб бўлди. Франция билан 1912 йили имзоланган шартномага кўра Испания Марокашнинг бир қисмига эга бўлди ва шундан бери Марокаш ҳудудидаги бой рудаларни ўзлаштириш курол кучи билан олиб борилди. Испания мустамлакачилик маъмуриятига қарши Марокашда миллий-озодлик ҳаракати авж олди. Бу ҳаракат айниқса Шимолий Марокашдаги Риф вилоятида тоғли қабилаларнинг Риф республикаси номини олган ҳарбий-сиёсий бирлашмаси ташкил қилингандан сўнг янада кучайди. 1921 йил ёзда қўзғолон кўтарган марокашлик риф қабилалари Анвале ёнидаги жангда испан мустамлакачи қўшинларини маглубиятга учратди. Марокашда уруш 1926 йилга-

ча давом этиб, шу йили испан ва француз кўшинлари Риф республикасини тор-мор қилди.

1923 йили Испанияда янгидан кўтарилган иш ташлаш ҳаракатига Марокашдан кўшинларни қайтаришни талаб қилаётган майда буржуазия ва ҳарбий зобитлар бир қисмининг норозилик чиқишлари ҳам кўшилиб кетди. Аҳоли кенг қатламлари норозилигини бостириш ва иқтисодий инкироздан чиқиш мақсадида 1923 йил 13 сентябрь куни Каталония ҳарбий округи кўмондони 53 ёшли генерал Мигель Примо де Ривера давлат тўнтаришини амалга оширди. Испанияда ҳарбий-монархия диктатураси режими ўрнатилди. Ҳукумат (Ҳарбий директория) бошлиги бўлиб олган Примо де Ривера кортеслар (Испания парламенти шундай аталади) ва муниципалитетларни тарқатиб юборди, жойларда ҳокимиятни ҳарбий губернаторларга топширди, буржуа-демократик эркинликларни, 8 соатлик иш кунини бекор қилди, иш ташлашларни тақиқлади, ИКП ва анархо-синдикалистик ММК қонундан ташқари деб эълон қилинди, катагонлар бошланди. Диктатурага қарши энг кичик норозилик ҳам миллат манфаатларига хоинлик қилиш билан баробар баҳоланди. Ҳукуматнинг барча декретлари икки киши – қирол ва Примо де Ривера томонидан имзоланди. Примо де Ривера ҳақида айтишардики, у қиролни армия билан, армияни қирол билан, иккаласини бирга эса инкилоб билан кўрkitиб олганди. Диктатор томонидан тан олинган, очик ҳаракат қилаётган ягона ташкилотлар ИСИП ва МУИ эди.

«Мамлакатни тиклаш» шиори остида бошланган Примо де Риверанинг иқтисодий курси миллий ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда, оғир саноатни, тоғ-кон саноати, энергетика, қурилиш ва транспортни рағбатлантиришга йўналтирилди. Натижада Испания саноати ҳақиқатдан ҳам олға қадам ташлади. Иқтисодни бошқариш Иқтисодиёт миллий кенгаши назорати остида марказлаштирилди. Молия сиёсати солиқларни (даромад ва кўчмас мулк) оширишга таянди. Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида Примо де Ривера корпоратив тизимни таъсис қилди, унинг доирасида ишчилар ва тадбиркорлар умуммиллий корпорацияларга бирлашди. Бирок қишлоқ хўжалигида деҳқонларнинг ҳолатини яхшилашга бўлган камтарона уриниш ҳам натижа бермади. Примо де Риверанинг ижтимоий-иқтисодий тадбирларини давлат-монополистик бошқарувининг унсурлари сифатида қараш мумкин.

1920-йиллари мамлакатдаги сиёсий террор ҳолатига қарамасдан, диктатурага қарши кенг муҳолифат шаклланди. 1926 ва 1929 йиллари буржуа муҳолифатчилари Примо де Ривера режими қарбий тўнтариш йўли билан ағдариб ташлашга уриндилар, аммо уриниш муваффақиятли чиқмади. 1924 – 1929 йиллари капитализмнинг барқарорлашуви маълум маънода Примо де Ривера диктатурасининг мустақамлигини таъминлади, аммо 1929 йили жаҳон иқтисодий инқирози бошланиши билан ҳолат ўзгарди. Иқтисодий қийинчиликлар, пролетариатнинг фаол иш ташлаш ҳаракати, талабалар тартибсизликлари ва армиянинг чиқишлари Примо де Риверани истеъфо сўраб қиролга мурожаат қилишга ва мамлакатни тарк этишга мажбур қилди.

Буржуа-демократик инқилоб. Диктатор ағдарилгандан кейинги дастлабки ойларда сиёсий муҳитнинг ёмонлашуви жамиятда монархияга қарши қайфиятнинг кучайишига олиб келди. Испания майда ва ўрта буржуазияси республиканинг ўрнатилишини, аграр ва миллий масалалар ҳал қилинишини қатъий талаб қилди. Иш ташлаш ҳаракати ҳам тўхтамади. Буржуа-демократик инқилоб етилиб келди. Шундай ҳолатда, 1930 йил августда республикачи партиялар етакчилари билан ИСИП машҳур курорт шаҳри Сан-Себастьянда республика ўрнатиш учун ҳамкорликда курашиш тўғрисида келишув – «Сан-Себастьян пакти»ни имзоладилар. Республиканинг раҳбар органи – Инқилобий қўмита ташкил қилинди ва унинг таркибига таниқли сиёсатчилар М. Асанья («Республика альянси»дан), Н. Алькара Самора (ўнг республикачилардан), С. Касерес Кирога (Галисия мўътадил республикачиларидан), И. Пието (социалистлардан) кирди. «Сан-Себастьян пакти»нинг аҳамияти монархияга қарши республикачи кучлар бирлигига эришилганлигида ва уларнинг республикани жорий қилишга тайёрилигида акс этди.

1931 йил апрелда ҳукумат муниципалитетларга сайловлар ўтказилишини эълон қилди, барча сиёсий партиялар қатнашишга розилик билдирди. 12 апрелда бўлиб ўтган сайловларда 49 провинциядан 45 тасида республикачилар ишончли ғалабага эришди. Инқилобий қўмита қиролнинг тахтдан воз кечишини талаб қилди. Қирол Альфонсо XIII яқин кишиларининг маслаҳатига кўра ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун яширинча Францияга кочиб кетди. Ҳокимият «Сан-Себастьян пакти»да қатнашган барча партиялар вакиллари билан иборат муваққат ҳукуматга ўтди. 1931 йил

14 мартда Испания республика деб эълон қилинди. Шу тариқа буржуа-демократик инқилоб тинч йўл билан ғалаба қозонди.

1931–1939 йиллардаги инқилобни одатда қуйидаги босқичларга ажратиб кўрсатади: 1931 йил апрелдан 1933 йил ноябргача (ҳокимиятда республикачилар ва социалистлар коалицияси), 1933 йил ноябрдан 1936 йил февралгача (ўнг республикачилар ва фашистпараст кучларнинг «қора икки йили») ва 1936 йилдан 1939 йил мартгача (Халқ fronti ва фуқаролар уруши).

Буржуа-демократик инқилобнинг биринчи босқичи – 1931–1933 йилларда буржуа ва майда буржуа республикачилар ҳамда социалистлар томонидан шакллантирилган ҳукуматни ўнг Либерал-республикачи партия етакчиси, йирик ер эгаси 54 ёшли Алькара Самора бошқарди (у 1931 йил декабрдан 1936 йил апрелгача президент бўлган). Бу даврда республика Испаниянинг қолоқлигини тугатиш мақсадида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказишни мўлжаллади, амнистия эълон қилди, сўз, шахс, виждон, матбуот, йиғилиш ва иттифоқлар эркинлигини жорий қилди, касаба уюшмалари фаолиятига рухсат берди. Бир қатор ижтимоий ислохотлар ўтказилди. 1931 йил декабрда кортеслар томонидан қабул қилинган Конституция Испанияни «барча синфларнинг эркинлик ва адолат асосларига ўрнатилган демократик республикаси» деб эълон қилди, фуқаролик эркинликлари ва аёллар ҳуқуқларини жорий қилди, черковни давлатдан ажратди, дворянлик имтиёзларини бекор қилди, адолатли мукофот эвазига миллий аҳамиятга молик хусусий мулкни экспроприация қилиш ҳуқуқини давлатга берди, миллий сиёсатнинг қуроли сифатида урушдан воз кечишини эълон қилди.

Аммо черковнинг давлатдан ажратилиши, монахлик орденларининг тарқатиб юборилиши жамиятда мураккаб муносабатларни келтириб чиқарди. Черков билан давлат ўртасидаги муносабатлар мураккаблашди, дастлабки республикачи вазирлар, жумладан, бош вазир Алькара Самора истеъфога чиқди. Сўл республикачи Мануэль Асанья бош вазир лавозимини эгаллади.

Миллий масала ҳам қисман ҳал қилинди. Уч вилоятдан биттаси – Каталония автономияга эга бўлди. Баскония ва Галисия бундай мақомни олмади.

1932 йил сентябрда аграр инқилоб бошланди. Помешчикларнинг ортиқча ерларини тўлов эвазига олиш кўзда тутилди.

Аммо ислохотнинг икки йили давомида деҳқонлар мамлакатнинг хаммаси бўлиб 10,5 млн га еридан 118 минг га ерга эга бўлди, холос.

Ислохотларнинг боришидан норозилик ўсиб борди. Натижада 1933 йили кузда ҳукмрон республикачи-социалистлар коалицияси бўлиниб кетди. М. Асанья истеъфога чиқди. Янги бош вазир кортесларни тарқатиб юборди ва 1933 йил ноябрга сайловлар белгилади. Демократлар лагеридаги таркокликдан фойдаланган ўнг партиялар блоки сайловларда голиб чиқди.

Иккинчи босқич (1933 ноябрь – 1936 февраль). Антиреспубликачилар лагери бир қанча ташкилотлардан иборат эди. Унинг маркази Автоном ўнглр Испания конфедерацияси (СЭДА) – ягона сиёсий консерватив блок бўлиб, унга клерикаллар, помещчиклар ва ўнг республикачилар кирарди. Бундан ташқари Испания фашистик ҳаракатида ҳам жипслашув юз берди.

Фашизмнинг ибтидосида испан интеллигенциясининг турли вакиллари – италян ва герман фашизми тарафдорлари турди. Ёш файласуф Р. Ледесма Рамос Испаниянинг тақдири, жамиятнинг қадриятлари, миллий ғоя ва самарали иқтисодиёт, эски режимга қарши «тўғридан-тўғри ҳаракат» ҳақидаги ғояларни ривожлантирди. Ҳуқуқшунос О. Редондо «Ягона, буюк ва озод Испания» шиорини ҳимоя қилиб чиқди. Ледесма Рамос ва О. Редондо 1931 йили «Миллий-синдикалистик ҳужум хунтаси» (ХОНС) деб аталган фашистик ташкилотни тузди. Бу ташкилотнинг мақсади авторитар режимни ўрнатиш, диний анъаналарни сақлаб қолиш, ташқи экспансия, марксизм ва либерализмни йўқ қилиш, давлат ҳомийлиги остида синдикатлар тузиш эди.

Аста-секин Хосе Антонио де Ривера (1903–1936) – собиқ диктаторнинг ўғли, журналист ва ҳуқуқшунос фашизмнинг энг фаол лидерларидан бири бўлиб олади. 1933 йил октябрда у фашистик партия «Испан фалангаси»ни тузди ва унга бошчилик қилди, фаланганинг дастурини ишлаб чиқишда қатнашди. Дастур «миллий инкилоб» орқали «миллатнинг бирлигига хизмат қилувчи тоталитар курул» сифатида миллий-синдикалистик давлат тузишни мақсад қилиб қўйди. Испаниянинг буюк келажагини яратиш учун барча испанлар сиёсий партиялар орқали эмас, давлат ҳаётида бевосита оила, муниципалитет, касаба уюшмаси аъзоси сифатида қатнашмоғи лозим. Сиёсий партиялар тизими ва парламентаризм йўқ қилиниши, мамлакатни янгилаш ишига черковни жалб қилиш

хам дастурда кўзда тутилади. Фалангачилар партияси дастурининг иқтисодий қисми инсонни ўз индивидуаллиги ва оиласидан маҳрум қилган, уни «омма»га айлантирган капитализмни танқид қилишга бағишланган.

Шу тариқа Испаниядаги фашистик ҳаракат 1931 йили тузилган фашистик партия – ХОНС ва 1933 йил октябрда тузилган Испан фалангасидан иборат эди. 1934 йил февралда иккаласи битта – Испан фалангаси ва ХОНСга бирлашди.

1933 йил декабрда асосан марказчи партиялардан ташкил топган А. Леррус ҳукумати аввалги боскичдаги қонунчиликни бекор қилди ва шу сабабли «аксил ислохотлар республикаси» ёки фашистпарастларнинг «қора икки йили» деб аталди. СЭДанинг фалангачилар билан алоқалари мамлакатда ошқор йўл билан фашистик режим ўрнатиш хавфини туғдирди. 1934 йил октябрда СЭДА учта вакилининг вазир лавозимида ҳукумат таркибига киритилиши бу хавфнинг яққол исботи бўлди. Буларнинг барчаси сўл кучларни безовта қилди, улар фаоллашди. М. Асанья бошчилигида фашизмга қарши чиқаётган Сўл республикачи партия ва «Республикачилар иттифоқи» вужудга келди. Испания социалистик ишчи партиясида ўнг кучлар бошқарувдан четлатилди, ИСИПни сўл социалист Ф. Ларго Кабальеро бошқарди. ИКП раҳбарияти ҳам алмашди, севильялик ишчи Хосе Диас унинг бош қотиби, Долорес Ибаррури – сиёсий бюро аъзоси бўлди. Сўл кучлар мамлакатни фашистлаштириш ва фашистпарастларнинг ҳокимиятга келишига қарши кураш олиб борди.

СЭДА учта вакилининг ҳукумат таркибига киришига қарши ишчи альянсга қирувчи барча ташкилотлар 1934 йил 4 октябрь куни ялпи иш ташлаш эълон қилди, фақат тиббиёт муассасалари ишлади. Мадридда, Бискайда, Каталонияда ва Астурияда иш ташлашлар қуролли қўзғолонга айланиб кетди. Ҳукумат мамлакатни камал ҳолатида деб эълон қилди. Ф. Ларго Кабальеро бошчилигидаги Мадрид инкилобий кўмитаси социалистларнинг ҳокимиятни эгаллаб олишига интилди. Ҳукумат қўшинлари билан қуролли тўқнашувлар бўлди. Бискай, Каталония ва бошқа ҳудудларда ҳам шундай тўқнашувлар бўлиб ўтди. Барчаси ҳукумат қўшинлари томонидан бостирилди.

Қўзғолоннинг юқори нуқтаси 1934 йил октябрда Астурия вилоятида кўтарилган қўзғолон бўлди. Бу ерда қўзғолон 15 кун давом

этди. Бу кўзғолон тажрибаси фашизмга қарши барча кучларнинг бирлашиши лозимлигини кўрсатди.

Бутун 1935 йил давомида Халқ фронтини тузиш учун кураш кетди. 1936 йил январда ИСИП, ИКП, МУИ, Сўл республикачилар партияси, Республикачилар иттифоқи, Социалистик ёшлар иттифоқи ва Каталония миллий партияси вакиллари Халқ фронти тузилганлиги ҳақидаги пактни имзолади ва унинг дастурини қабул қилди. Бу дастурнинг асосий талаблари сиёсий маҳбусларга амнистия бериш, эркинликлар ва қонунийликни ҳимоя қилиш, сиёсий қарашлари учун ишдан ҳайдалганларни тиклаш, солиқларни ва ижара ҳақини камайтириш, Басклар Мамлақати ва Галисияга автономия бериш, таълимни ислоҳ қилишдан иборат эди. 1936 йил 16 февраль куни кортесларга бўлиб ўтган сайловларда Халқ фронти галаба қозонди.

Халқ фронти. 1936 – 1939 йиллардаги фуқаролар уруши. Мануэль Асанья бошчилигидаги Халқ фронти ҳукумати сўл республикачилардан ташкил топди, социалистлар кўшилмади. Фашист-парастларнинг «қора икки йили»даги декретлар бекор қилинди, сиёсий маҳбуслар амнистия қилинди, сиёсий қарашлари учун ишдан ҳайдалганларнинг барчаси тикланди ва товон пули олишди. Аграр ислохот давом эттирилди. 1936 йил февраль – июль ойларида деҳқонлар 712 минг га ер олдилар. Испанларни инқилобий кайфият қамраб олди, сиёсий фаолликнинг энг кенг тарқалган шакли намоёйиш бўлиб қолди. Халқ фронти партиялари халқни бирдамликка чақиришда давом этди. Сўл кучларнинг таъсири ошиб борди, ИКП аъзолари сони 1936 йилнинг биринчи ярмида уч марта кўпайди.

Халқ фронти фаолиятидаги ютуқлар ўнг кучларнинг парламент сайловлари орқали қонуний йўл билан ҳокимиятга келиш умидини пучга чиқарди. Ҳарбий исёнга фаол тайёргарлик бошланди. Испан фалангаси ва ХОНС ҳамда реакцион генераллар фитна тарафдори бўлиб чиқдилар. Фитначилар ташқаридан Муссолини, Гитлер, Буюк Британия ва АҚШ банкирлари ёрдамига таянди. Мамлакат ичкарасида уларни молиячилар, помещиклар, черков руҳонийлари қўллаб-қувватлади. Исённи бир пайтда мамлакатнинг турли худудларида бошлаш режалаштирилди. 1936 йил 17 июль куни генерал Ф. Франко бошчилигидаги Марокашдаги қўшинлар Халқ фронти республикасига қарши исён кўтарди.

Фукаролар урушининг биринчи босқичи 1936 йил май – июль ойларини қамраб олади. Сеут шаҳри радиоси тарқатган «Бутун Испания бўйлаб осмон мусаффо» деган жумла исённинг бошланиши учун ишора эди. 18 июль кuni исён Испаниянинг асосий шаҳарлари ва гарнизонларига тарқалди. Шундай ҳолатда ҳукуматни 57 ёшли кимёшунос Хосе Хираль бошқарди. Исённи бостириш учун у ишчиларга қурол тарқатишга рухсат берди. Қуролланган ишчилар ва республикага содиқ қолган қўшинлар биргаликда Мадриддаги исённи бостирди. Бутун республика бўйлаб исёнчиларга фаол қаршилиқ кўрсатиш давом этди. Халқ fronti республикасини аҳолининг кенг қатламлари қўллаб-қувватлади. Бир ҳафтадан сўнг исёнчилар фақат учта жанубий аграр провинцияларда (Кадис, Уэльва ва Севилья) ҳамда шимолда республикачиларникидан икки баробар кам ҳудудда (Галисия, Наварра, Эски Кастилия) ўрнашиб олди. Мамлакат ҳудуди ва саноатининг катта қисми халқ қўлида қолди. Исёнчиларни қуруқликдаги қўшинларнинг катта қисми, зобитлар, шунингдек, Марокашдаги чет эл легиони ва ҳарбий қисмлар қўллаб-қувватлади. Исёнчиларга шимолда генерал Мола, жанубда генерал Франко бошчилик қилди. Исёнчиларнинг бу иккала гуруҳига бошқа фашистик давлатлар – Германия, Италия, Португалия ёрдам кўрсатди. Бир-биридан узилиб қолган исёнчи гуруҳларни ҳаво орқали боғлаш учун Гитлер ва Муссолини транспорт самолётларини, шунингдек, Германия иккита ҳарбий эскадраларни ёрдамга жўнатди.

Германия ва Италиянинг Испанияга интервенцияси бу ердаги Халқ fronti ҳукуматини ағдариб ташлаш, Иккинчи жаҳон урушини бошлаш учун шароит тайёрлаш, унда Испаниядан ҳарбий-стратегик, хомашё ва озик-овқат базаси сифатида фойдаланишни мақсад қилган эди. Германия ва Италиянинг Испаниядаги фукаролар урушига аралашуви исёнчиларни тўлиқ маглубиятдан сақлаб қолди.

Интервенция аста-секин кенг миқёс касб этиб, франкочилар устунлигининг асосий омилига айланди. 1936 йилдан 1939 йилгача Германия Испанияга 50 минг ҳарбий хизматчи жўнатди. Франкочилар томонида 150 минг итальян аскар ва зобитлари, шунингдек, 20 минг португаллар ва 100 мингга яқин марокашликлар жанг қилди. Чет эл ҳарбий интервенцияси урушнинг характерини ўзгартириб юборди. Халқ fronti республикачилари учун уруш

миллий-инқилобий, франкочилар учун эса консерватив-реставрация характер касб этди.

Чет эл ёрдами туфайли исёнчилар ҳарбий куч ва техникада устунликка эришди ва хужумга ўтиш имкониятига эга бўлди. 1936 йил августда Бадахос шаҳри яқинида исёнчиларнинг жанубий ва шимолий гуруҳлари бирлашди. Шундан сўнг Франко Мадридга юриш бошлади.

Аралашмаслик сиёсати. Июль ойининг охирида жаҳон матбуоти Испанияга гитлерчилар самолётлари ва танклари кириб келаётгани ҳақида хабарларга тўлиб кетди. Аммо Германия ва Италия Ғарбий Европа давлатлари томонидан бирон-бир жиддий қаршиликка учрамади. Буюк Британия ва Франция халқаро можаронинг олдини олиш баҳонасида Испания ишларига аралашмаслик сиёсатини эълон қилди. Аралашмаслик ғояси Буюк Британиядан чиқди, аммо аниқ таклифни 1936 йил августда Франция Халқ фронти бош вазири Леон Блюм киритди. «Аралашмаслик ҳақида келишув» деб номланган ҳужжатни 27 та Европа давлатлари имзолади. Бу келишув Испанияга қурол, ҳарбий техника ва материаллар киритишни тақиқлади. Бу қамалга нисбатан Испаниянинг барча норозиликлари рад этилди. Келишувни Германия ҳам имзолади, аммо франкочиларга ёрдам кўрсатишда давом этди. АҚШ ўз нейтралитети ҳақида эълон қилди. Аралашмаслик соф расмий характер касб этди. Миллатлар Лигаси «Испаниядаги воқеалар хусусида афсус билдириб», Европада тинчликни сақлаш ҳақида чақириқ билан чекланди.

Айни пайтда, 1936 йил 1 октябрда исёнчилар эгаллаган ҳудудда Франко давлат бошлиғи ва генералиссимус деб эълон қилинди. У: «Биз, халққа мансуб бўлиш учун келдик», дея баёнот берди. Франко фалангачилар ва монархистлардан иборат ҳукумат тузди. Ўнг консерватив кучларни жипслаштириш мақсадида Франко 1937 йил апрелда «Испан фаланғаси ва ХОНС» ва бошқа ўнг партияларни «Испан анъанавий фаланғаси ва Миллий-синдикалистик хунта» (ИТХ–ХОНС) номли ягона партияга бирлаштириш тўғрисида декрет имзолади. Шундан сўнг «Фаланга» бошлиғи Х. А. Примо де Ривера республикачилар томонидан қатл қилинди, Франко эса 1936 йил ноябрда партия раҳбари бўлди ва испан фашизмнинг «каудильо»си (доҳийси) деб эълон қилинди. Янги «Фаланга» франкочилар, унинг мафкураси – франкизм деб атала бошланди. Янги давлат шундай

найдо бўлди, унда Франко ҳукумат бошлиғи, олий бош кўмондон ва фашистик партия раҳбари лавозимларини эгаллади.

Германия, Италия ва Ватикан Испания Республикаси билан дипломатик алоқаларни тўхтатиб, Франко ҳукуматини тан олди. Ўз позициясини «интернационал коммунистик инқилоб»га қарши ва испанча «миллий тартиб» ўрнатиш учун кураш билан оқлаётган испан руҳонийлари ҳам франкизмни кўллаб-қувватлади. Франко биринчи декрети билан армияни қайта қуришни бошлаб, шундан сўнг Мадридга юришни бошлади.

Фукарлар урушининг биринчи босқичидаги ҳарбий ҳаракатлар Мадрид учун жанглар (1936 йил июль – 1937 йил май) билан боғлиқ. Генерал Мола баёнот бериб, Мадрид ҳужумга ўтган тўртта колонна ва шаҳар ичкарасидаги фашизм тарафдорлари – «бешинчи колонна» ҳамкорлигида олинади, деди. Мадрид аҳолиси шаҳарни мардонавор ҳимоя қилди. Франкочилар шаҳарни ололмади, аммо фукарлар уруши давомли характер касб этди.

1937 йил мартда республикачилар армияси Гвадалахара шаҳри остонасида Мадридга ёриб қираётган 50 минг кишилиқ италян корпусини тор-мор қилди. Республикачиларнинг муваффақияти исёнчиларни Мадридни олиш ниятидан вақтинча қайтарди. Улар Испания шимолидаги провинцияларга ҳужум бошлади.

Бу даврда республикачилар СССРдан қуроқ, ҳарбий техника ёрдам олди, шунингдек, кўплаб совет зобитлари ҳам Испанияда республикачилар сафида жанг қилди. Испания республикасини ҳимоя қилиш халқаро ҳаракати ҳам кенг қулоқ ёйди. Турли китъалардан Испанияга ёрдам келди. Парижда Испания билан бирдамлик халқаро кўмитаси тузилди. Кўмита фаолият кўрсатган икки йил давомида Испания республикасига ёрдам учун 800 млн франк ва 500 минг доллар миқдорида маблағ йиғилди.

Турли сиёсий ва диний қарашдаги минглаб кишилар дунёнинг 54 мамлакатидан катта қийинчиликлар билан Испанияга келиб, 7 та интернационал бригадалар сафида франкочиларга қарши жанг қилдилар. Интербригада сафларида жанг қилган жами 35 минг кишидан 7 минги ҳалок бўлди.

Республикачилар ҳукумати иктисодиётни бошқариш, корхоналарни национализация қилиш, давлат тизимини ислоҳ қилиш бўйича қатор тадбирларни амалга оширди. Дехқонлар 5,5 млн га ер

олдилар. Халқ фронтининг кескин ҳаракатлари франкочиларнинг Халқ фронтини тугатиш учун интилишини янада кучайтирди.

Фукарлар урушининг иккинчи босқичи 1937 йил баҳордан 1938 йил сентябргача бўлган даврни қамраб олади. Бу даврда республикачи кучларнинг қаттиқ қаршилигига қарамасдан, франкочилар армияси жиддий муваффақиятга эришди. 1938 йил баҳорда улар Каталонияни республикадан ажратиб, Ўрта Ер денгизига чиқди. Бу республиканинг аҳволини янада огирлаштирди. 1938 йил кузида республикачилар ҳукумати қурол-яроғ сўраб СССР ҳукуматига мурожаат қилди. Аммо СССРнинг қурол етказиб беришига Франция тўсқинлик қилди.

Испаниядаги ҳолатнинг ёмонлашувига 1938 йилги Мюнхен конференцияси ҳам таъсир кўрсатди. Мюнхен келишуви Европанинг энг катта икки давлати – Буюк Британия ва Франциянинг позициясини белгилаб берди. Бу «тажовузкорни хотиржам қилиш» позицияси эди. Энди шу нарса аниқ бўлдики, Испания республикасига қарши Германия – Италия интервенциясига ҳеч ким, ҳатто расмиятчилик учун бўлса-да, норозилик билдирмайди. 1939 йил февралда Буюк Британия ва Франция Франко ҳукуматини расман тан олди.

Фукарлар урушининг учинчи даври 1938 йил октябрдан 1939 йил мартгача бўлган даврни қамраб олади. Бу давр Буюк Британиянинг Испания республикачилар ҳукуматига тўғридан-тўғри босими остида ўтди. Франция Испания билан ўз чегарасини ёпди. Аралашмаслик бўйича Лондон қўмитаси 1938 йил 5 июлда Испаниядаги барча чет эл кўнгилдиларини олиб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилди. Интербригадаларнинг 10 минг жангчилари бу қарорга бўйсуниб, Испанияни тарк этди. Германия ва Италия франкочиларга очиқ ёрдам кўрсатишда давом этди. 1939 йил февралда бутун Каталония франкочилар ихтиёрига ўтди. Шундан сўнг Халқ fronti аъзолари ичида таслимчилик кайфияти пайдо бўлди. Ўнг социалистлар Франко билан «фахрий тинчлик» ҳақида келишишни таклиф қилди. 1939 йил мартда Мадриддаги республикачилар флотида исён бошланди. 6 мартда Касадо ва Бестейро Миллий мудофаа хунтаси деган ташкилот тузди. Хунта республикачи Х. Негрина ҳукуматини ва ИКП Марказий қўмитасини қамоққа олишга буйруқ берди. 1939 йил 28 мартда Касадо-Бестейро мудофаа хунтаси коммунистлар қаршилигини енгиб, Мадридни франкочиларга

топширди. 1939 йил 1 апрель куни франкочилар республиканинг барча хуудини эгаллади. Испанияда фашистик авторитар диктатура ўрнатилди.

Фукарлар урушида деярли 1 млн испанлар ҳалок бўлди, ярим млн киши мамлакатни тарк этди. Диктатуранинг дастлабки беш йилида 200 минг испан антифашистлари отиб ташланди, яна 2 млн киши камоқ ва концлагерларга ҳайдалди. Мамлакатнинг ярми вайрон бўлди, кишлок хўжалик ишлаб чиқариши урушдан олдинги даражасининг 21 % и, саноат эса 31 % ига тушиб кетди. Шунга қарамасдан, пойтахтда уруш тугаши муносабати билан дабдабали черков маросимлари ўтказилди. Бутун қонун чиқарувчи, ижро ва юридик ҳокимият Франко қўлида жамланди. Фаланга ва черков ёшлар ҳаракатини, таълимни ўз назоратига олдилар. Режимнинг иктисодий курси миллий саноатни қўллаб-қувватлаш, индустриал модернизацияга интилиш билан характерланади.

1942 йили Франко амалда унга бўйсунувчи кортесларни таъсис қилишга рухсат берди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан гитлерчилар дипломатиясининг ҳаракатларига қарамасдан, Франко урушга киришга шўшилмади ва 1939 йил 4 сентябрда нейтралитет ҳақида декретни имзолади. Нейтралитет мақоми 1940 йил июнда урушмаётган давлат мақоми билан алмаштирилди. 1939 йили Испания Португалия ва Германия билан дўстлик ҳамда ҳужум қилмаслик тўғрисида келишув имзолади.

1941 йил 22 июнда Германиянинг Совет Иттифоқига ҳужум қилганлиги тўғрисидаги хабар Испанияда кўтаринкилик билан кутиб олинди. СССРга қарши урушда қатнашиш учун 20 минг кишилик «Мовий дивизия» деб аталувчи қўшин ташкил қилинди. Улар немис қўшинлари билан бирга Шарқий фронтда жанг қилдилар. Минглаб испан коммунистлари СССР томонида фашистларга қарши жанг қилди, улардан 200 киши ҳалок бўлди.

Нацистик Германиянинг мағлубияти яқинлашган сари Франконинг ташқи сиёсатида ҳам ўзгаришлар юз берди. Янги ҳомийлар излаб, каудильо Буюк Британия ва АҚШ билан келишишга уринди. Иккинчи жаҳон уруши тугаши билан Испания ёлғизланиб қолди, фашистик давлатларнинг ҳарбий ёрдами билан ўрнатилган Франко режими сақланиб қолар экан, Испания БМТга қабул қилинмади.

Греция, Португалия ва Испания Ғарбий Европа давлатларига нисбатан кеч капиталистик тараққиёт йўлига кирди. XX аср бошларида ҳам бу мамлакатлар иқтисодиёти асосан қишлоқ хўжалигига асосланган бўлиб, ижтимоий-сиёсий муносабатларда ҳам шу қолоқлик яққол сезилиб турарди. Натижада, капитализм жадал тараққиёт даврига кирган пайтда, бу мамлакатлар модернизациялашнинг ўзига хос усулини танлашга мажбур бўлди: иқтисодда ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда давлатнинг роли ортиб борди ва авторитар режимлар ўрнатилди.

XVII боб бўйича саволлар

1. Жанубий Европа мамлакатларидаги иқтисодий қолоқлик ижтимоий тизимларнинг шаклланишига қандай таъсир кўрсатди?
2. 1919 – 1921 йиллардаги Греция-Туркия урушининг асосий сабаблари нималардан иборат эди? Уруш Греция учун қандай натижалар билан якунланди?
3. 1930-йилларнинг иккинчи ярмида қандай сабаблар Грецияда авторитар типдаги ҳарбий диктатуранинг ўрнатилишига олиб келди?
4. Биринчи жаҳон уруши Португалия учун қандай натижалар билан якунланди?
5. Португалияда Салазар диктатурасининг ўрнатилишига қандай омиллар сабаб бўлди?
6. XX асрнинг биринчи ярмида Испаниядаги ижтимоий-сиёсий ва этник муаммоларнинг негизи нималардан иборат эди?
7. Испания тараққиётидаги қайси жиҳатлар 1920-йиллари Примо де Ривера, 1930-йиллари Ф. Франко режимларининг ўрнатилишига олиб келди?

XVIII БОБ. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА ШАРҚИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ

Шарқий Европа учун Биринчи жаҳон уруши натижалари. 1918 йили Германия блокининг батамом тор-мор қилиниши Европанинг янги тузилиши тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйди. Бу муаммо Париж тинчлик конференцияси ишидаги асосий масалалардан бири бўлди. Биринчи жаҳон уруши даврида Сербия ва Руминиянинг Антанта билан иттифоқчилик муносабатлари, Болгариянинг ва Венгриянинг билвосита – Габсбурглар империяси таркибида

Германия томонида урушда иштирок этгани, шунингдек, Совет Россиясининг Эстония, Латвия, Литва ва Польшага миллий давлатлар тузиш ҳукуқини берганлиги конференция қарорига жиддий таъсир кўрсатган омиллар бўлди. Натижада, Шарқий Европадаги янги давлат чегаралари халқларнинг этник ва конфессиал жойлашувини эмас, Антанта давлатларининг геосиёсий манфаатларини акс эттирди. Янги давлатларнинг чегараларини белгилашда уларнинг илгариги хизматлари, урушдаги йўқотишларидан келиб чиқмасдан, кўпроқ хайрихоҳлик даражаси, минтақада ғолиб давлатлар таъсирини таъминловчи таянч бўлишга тайёрлиги ҳисобга олинди. Ғарб давлатлари минтақада ўз сиёсий таъсирини мустаҳкамлашдан ташқари, Шарқий Европа мамлакатларида демократлаштириш жараёнини жадаллаштириш ва авторитар империялардан қолган меросни тезроқ бартараф қилишни муҳим вазифа деб биларди.

Натижада Париж конференцияси қарорига кўра Руминия ва қайта тикланган Польша энг катта қўшимча ҳудудларга эга бўлди. Руминияга унинг урушдан олдинги майдонидан катта бўлган ҳудудлар – Венгрияга қарашли Трансильвания, Болгарияга қарашли Добруджа ва илгари Россия империяси таркибига кирган Бессарабия қўшиб берилди. Оқибатда Руминия ҳудуди икки баробардан кўпроқ, аҳолиси 1915 йилги 7,8 млн кишидан 1920 йили 16 млн кишигача кўпайди. Урушдан кейинги қатор иқтисодий ва ички сиёсий қийинчиликларга кўплаб янги қўшилган, мамлакат аҳолисининг чорак қисмини ташкил қилувчи миллий озчилик – венгерлар, немислар, украинлар, турклар муаммоси ҳам қўшилди.

Польша собиқ Австро-Венгрия империяси таркибига кирган Галиция ва Юқори Силезияга, Помераниядаги Болтиқ денгизига туташган немис ерларига эга бўлди. Антанта давлатлари бу мамлакатлардаги миллатчилик кайфиятларини ва ташқи тажовузкорликни қўллаб-қувватлади. Агар 1919 – 1920 йиллари Польшанинг Совет Россиясига қарши тажовузи унга муваффақият келтирмаган бўлса, 1920 йили Польша Литванинг Вильно вилоятини босиб олишга эришди. Руминия ҳукмрон доиралари ҳам «Буюк Руминия»ни тузишнинг тажовузкор режасини ишлаб чиқди.

Польша ва Руминиядан фарқли равишда Болгария ва Венгрия Европани қайта бўлишдан анча зарар кўрди. Нёйи тинчлик шартномасига кўра Болгария ўз ҳудудининг 1/10 қисмидан, жумладан, Жанубий Добруджа, Ғарбий Македония, Ғарбий Фракия (у

билан бирга Эгей денгизига чиқиш йўлидан ҳам) айрилди. Бундан ташқари Болгария репарация тўлаш ва армиясини 20 минг кишигача қискартириш мажбуриятини олди.

1920 йили Венгрия масаласи тўлиқ ҳал қилинди. Триан шартномаси шартларига кўра Словакия ва Карпаторти Украинаси Чехословакия таркибига, Трансильвания, ва Шаркий Банат – Руминияга, Ғарбий Банат, Хорватия, Словения, Бачка – Серблар, хорватлар ва словенлар қироллигига, Бургенланд – Австрияга қўшиб берилди. Венгрия репарация ва реституция тўлаш, қўшинлар сонини 35 минг кишигача қискартириш, умумий ҳарбий мажбуриятни бекор қилиш, оғир қуроллар ва ҳарбий-денгиз флотини йўқ қилиш мажбуриятини олди.

Европанинг марказида янги Чехословакия суверен давлатининг ташкил қилиниши, бир қарашда, Чехиянинг Богемия ва Моравия вилоятлари юқори иқтисодий тараққиёти ва азалий тарихий анъаналарига жавоб берарди. Бу вилоятлардан ташқари Чехословакия таркибига Словакия ва Карпатолди ҳудудлари ҳам кирди. Кўмир конларига бой бўлган Тешин Силезияси учун Чехословакия ва Польша ўртасидаги можаро 1920 йили бу ҳудуднинг икки давлат ўртасида бўлиниши билан ҳал қилинди. Бироқ ягона давлат доирасида ижтимоий тизимларнинг ўзига хослиги, иқтисодий ихтисослашуви, маданий анъаналари бўйича турлича бўлган минтакалар: Чехиянинг ўзидан ташқари аҳолисининг асосий қисми немис миллатига мансуб бўлган Судет вилояти, Словакия ва Карпаторти Украинаси қўшилган эди. Мамлакат аҳолисининг 1/3 қисмини миллий озчилик ташкил қиларди. Бу ҳол айирмачилик сиёсий ҳаракатлари пайдо бўлиши, мамлакат ички ҳаётининг беқарорлашуви учун асос яратди.

Бундан ташқари, Болқонда Қорагеоргиевичлар серб қироллик сулоласи ҳомийлиги остида кўпмиллатли давлатнинг ташкил қилиниши, келажакда катта муаммолар пайдо бўлишидан дарак берарди. Дастлаб, 1918 йил Загребда (Хорватия) йиғилган Халқ Вечеси Хорватлар, словенлар ва серблар давлати ташкил қилинганлигини эълон қилди. Аммо Италиянинг ҳарбий аралашуви хавфи ва Антантанинг ноаниқ позицияси оқибатида Хорватия ва Словениянинг ҳукмрон доиралари Серблар, хорватлар ва словенлар қироллиги (1929 йилдан Югославия) тузилишига рози бўлди. Бироқ, бу миллий-этник марказларнинг қарама-қаршилиги кейинчалик ҳам

сақланиб қолди. Югославия давлати таркибига колоқ Черногориянинг, турклар зулмидан озод бўлган Македония, Босния ва Герцеговина, Долмациянинг қўшилиши бу мамлакатни турли этник гуруҳлар, диний жамоалар ва тараққиёт даражаси турлича бўлган минтақаларнинг аралашмасига айлантирди.

Шу тариқа Шарқий Европа сиёсий харитасининг қайта чизилиши икки хил аҳамият касб этди. Бир томондан, минтақанинг кўплаб халқлари тарихда биринчи марта суверен ривожланиш имкониятига эга бўлди. Бошқа томондан, Шарқий Европа мамлакатларида ўзаро кескин зиддиятларнинг ва худудий даъволарнинг пайдо бўлиши, ички этно-миллий можаролар учун асоснинг яратилиши, буюк давлатларнинг «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» сиёсатидан фойдаланиб, минтақада ўз таъсирини сақлаб қолишга интилиши, Шарқий Европани жаҳон урушлари оралиғида халқаро кескинликнинг манбаларидан бирига айлантирди.

Шарқий Европа мамлакатларида демократлаштириш, давлат-ҳуқуқ тизими, партиялар ривожланиши. Биринчи жаҳон урушининг якунланиши Шарқий Европа мамлакатларидаги ички сиёсий ҳолатни жиддий ўзгартирди. Ташаббус илгари оммавий таянчга эга бўлмаган буржуа-демократик партияларга – Руминияда национал-либералларга, Серб «Демократик партияси»га, Польшада «Халқ демократик партияси»га, Чехословакияда «Град» гуруҳига ўтди.

Бу партияларнинг кутилмаганда етакчиликка эришиши фақат Ғарб сиёсий гуруҳларининг уларни қўллаб-қувватлашида эмас, балки либерал дастурий йўриқлар билан миллий тикланиш ғоясининг уйғунлашувида, уруш йиллари ўз обрўсини тўққан давлат тизимларининг йўқ қилинишида ҳам эди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократизациялаш миллий-давлатчилик жипслашуви жараёнини бошдан кечирган поляк ва чехословак жамиятларида айниқса изчил амалга оширилди.

Чехословакия либерал-демократик мафкура пайдо бўлиши учун чуқур тарихий асосларга эга бўлган Шарқий Европадаги ягона давлат эди. 1918 йилги Муваққат Конституция янги давлатда конституцион бошқарувнинг демократик принципларини, жумладан, республика тузумини, ҳокимиятнинг бўлиниш принципини, ҳуқуқнинг устуворлигини ўрнатди.

Республика президенти қилиб Т. Масарик сайланди. Бу воқеанинг характерли томони шундаки, демократик давлатни шаклланди.

тириш жараёнини 1919 йил июндаги муниципал сайловларда ишончли ғалабани қўлга киритган Чехословакия социал-демократик ишчи партияси ҳам, Чехия социалистик партияси ҳам бирдай қўллаб-қувватлади. Социал-демократ В. Тусар ўнг ҳукуматни бошқарди. 1920 йил февралда Чехословакия республикасининг конституцияси қабул қилинди ва у шаклланган демократик сиёсий тизимни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Конституция фуқароларнинг келиб чиқиши, тили, ирки, диний эътиқоди, миллатидан қатъи назар тенглигини, шахсининг, яшаш жойининг дахлсизлигини, ёзишмаларнинг сир сақланишини, иттифоқларга бирлашиш, йиғилишлар, матбуот, сўз ва шу кабилар эркинлигини жорий қилди. Икки палатали Миллий мажлис олий қонунчилик органига айланди ва унга сайловлар пропорционал, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин асосда ўтказилди. Президент Миллий мажлисда 7 йил муддатга сайланиб, кенг ваколатларга: ҳукуматни тайинлаш ва истеъфога чиқариш, Миллий мажлисни чақириш ва тарқатиб юбориш, қонунларга вето қўйиш кабиларга эга бўлди. Ҳукуматнинг Миллий мажлис олдида масъуллиги белгилаб қўйилди. Конституция ягона «чехословак миллати» тамойилидан келиб чиқди ва миллий озчиликнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини эълон қилди, аммо бу фақат маданий-лингвистик тенглик деб тушунилди. Фавқулодда ҳолат ҳақидаги қонун зарур бўлган ҳолларда президент ва ҳукуматга фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ваколатини берди.

Польша давлатининг шаклланиши ҳам демократик тамойиллар асосида амалга оширилди. Тўғри, 1919 йилги Кичик конституция номини олган ҳужжатда ҳокимиятнинг Таъсис мажлиси ва «давлат бошлиғи» бўлган Ю. Пилсудский қўлида жамланиши тўғрисидаги норма кўзда тутилган эди. Аммо 1921 йил 17 мартда қабул қилинган Конституция Польшани олий ҳокимият халққа тегишли бўлган республика деб эълон қилди. Конституция парламент демократияси тузумини ўрнатди. Давлат ҳокимияти соҳасида асосий ҳуқуқлар икки палата – сейм ва сенатдан иборат парламентга берилди. Парламент сайловлари пропорционал, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин асосда ўтказилди. Ҳукуматнинг парламент олдида масъуллиги белгилаб қўйилди. Қонунчилик ва назорат соҳасида асосий ваколатларга эга бўлган сейм, ҳукуматни ва айрим вазирларни алмаштириш ҳуқуқига эга эди. Давлат бошлиғи – президент парламент

томонидан сайланадиган бўлди. Конституция асосий демократик эркинликлар: шахс эркинлиги ва дахлсизлигини, фуқароларнинг келиб чиқиши тили, ирқи, диний эътиқоди, миллатидан қатъи назар тенглигини, шунингдек, Польша давлати «эркин анъаналари»нинг узвийлиги ва уни бошқаришнинг унитар шаклини ўрнатди.

Бошқа Шарқий Европа мамлакатларида демократик ўзгаришлар бу қадар кескин тус олмади. Болгария, Руминия, Серблар, хорватлар ва словенлар қироллигида қабул қилинган конституциявий қонунлар кўпроқ сайлов ҳуқуқлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш, суд жараёнининг эски шакллари бартараф қилиш кабиларга эътибор қаратди. Бошқарувнинг монархия шакли сақлангани ҳолда, бу мамлакатларда урушдан кейин мўътадил-либерал йўналишдаги партия ва ҳаракатлар энг катта роль ўйнади. Масалан, Руминияда ўз сафида йирик саноат ва банк буржуазиясини бирлаштирган Миллий-либерал партия (МЛП) етакчи сиёсий кучга айланди. Брәтиану оиласини – бу партия асосчилари ва доимий лидерларини «иккинчи хукмрон сулола» деб аташарди. 1921 йили МЛП сиёсий ва иктисодий характердаги ислохотлар комплексини: иктисодни «ўз кучи билан» тамойили асосида барқарорлаштириш ва соғломлаштириш, миллий саноатни мустаҳкамлашни ўзида мужассамлаштирган янги дастур билан чиқди. Серблар, хорватлар ва словенлар қироллигида ҳам етакчи позицияларни буржуа партиялари – Сербия демократик партияси ва Серб радикал партияси эгаллади. 1921 йил 28 июнда демократлар ва радикаллар Таъсис мажлисида янги конституция лойиҳасининг маъқулланишига эришди. Видовдан конституцияси номини олган бу асосий қонунга кўра Серблар, хорват ва словенлар қироллиги сербларнинг Қорагеоргиевичлар сулоласи бошчилигидаги парламент монархияси эканлиги қонунлаштирилди. Халқ скупшчинаси (парламент) олий қонун чиқарувчи орган бўлди. Қирол қонунларни тасдиқлаш, шунингдек, парламентни чақиритиш ва тарқатиб юбориш ҳуқуқларини ўзида сақлаб қолди. Ҳукумат қирол ва Халқ скупшчинаси олдида масъул деб эълон қилинди, аммо бу борада қиролнинг ваколатлари унчалик катта эмасди. Видовдан конституциясига мувофиқ фуқароларнинг барча демократик ҳуқуқлари кафолатланди.

Демократлаштириш жараёни Шарқий Европа мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришларга олиб келди.

Аммо фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини конституцияларда кафолатлаш, кўппартиявийлик ва парламентаризм бу жамиятларда асрлар давомида шаклланган авторитар сиёсий маданиятни бутунлай бартараф қила олмади. Шарқий Европа мамлакатларида давлатчилик ривожланишининг қатъий унитар тенденциялари шундан далолат беради. Бу ҳол ҳатто кўпмиллатлилик асосида шаклланган мамлакатларда ҳам юз берди. Урушдан кейинги даврда Чехословакия сиёсий доираларида федерализм принциплари тўғрисидаги баҳс жуда кескин характер касб этди. «Чехо-словакизм» концепцияси тарафдорларининг ғалабаси чех ва словак халқларининг маданий, этник ва тарихий бирлиги тўғрисидаги ғоянинг тантанасига олиб келди. Словак миллатчилари буни ўз халқининг миллий анъаналари учун хавф, федератив давлат таркибидаги миллатлар тенглиги принципининг бузилиши, деб қаради. Миллий масала асосан немис миллатига мансуб аҳоли яшайдиган Судет вилоятида, шунингдек, Карпаторти Украинасида янада кескин тус олди.

Юго-славян давлатчилигининг шаклланиш жараёни ҳам шундай зиддиятли бўлди. Характерли томони шундаки, юго-славянизм – барча жанубий славянлар келиб чиқишининг умумийлиги ва маданий-лингвистик яқинлиги принциpidан келиб чиққан тасаввур ва ғоялар комплекси – дастлаб фақат Хорватияда кенг тарқалди. Хорват миллий ҳаракати учун юго-славянизм Хорватия, Славония ва Далмациянинг католик динига мансуб аҳолисини ягона қироллик доирасида бирлаштиришнинг катализатори эди. Серб ерлари – Сербия, Черногория, Воеводина учун юго-славянизм бундай миллий-интеграцион мазмун касб этмасди. Сербларнинг ўзини ўзи англаш даражаси анча юқори миллий характерга эга ва серб православ анъаналари билан узвий боғланган эди. Биринчи жаҳон уруши тугаши билан Белград ҳам, Загреб ҳам югослав сиёсий бирикмасининг маркази бўлишга даъвогарлик қиларди. 1918 йил октябрда Загребда Австро-Венгриянинг жанубий славян ҳудудларида яшовчи словенлар, хорватлар ва серблар вакилларида иборат Халқ вечеси таъсис қилинди. Шу ҳудудларда Хорватлар, словенлар ва серблар давлати ташкил қилинди. Аммо мамлакатнинг айрим қисмлари – Долмация, Босния ва Герцеговина, Банат, Бачка, Срем – ҳукуматга жанубий славян давлатининг Сербия билан бирлашиши лозимлиги тўғрисида қатъий талаб қўйди. 1918 йил 1 декабрда шундай келишувга эришилди. Айни пайтда 12 миллионли аҳолининг 39 % ини ташкил

килувчи серб этносининг янги давлатдаги устунлик роли сиёсий ва ҳукукий шаклга эга бўлди. Хорватлар ҳатто Австро-Венгрия империясидаги ҳукуқларига ҳам эга бўлмади, македонлар ва албанлар эса давлат ташкилотларида, мактабларда, матбуотда ўз она тилларидан фойдалана олмасдилар. Серблар яшамайдиган ҳудудларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари умуман мавжуд эмасди.

Шаклланаётган демократик тузумнинг элитарлиги Шарқий Европа мамлакатлари сиёсий ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Буржуа-демократик партиялар кенг халқ оммасининг қўллаб-қувватлашига эриша олмади – омма илгаригидек сиёсий ҳаётдан ажралган, барқарор конституцион-ҳукукий тизим доирасида ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишга тайёр эмасди. Уларнинг сиёсийлашуви ҳиссий, эмоционал характерда бўлиб, янги тизимни кунт билан яратишга эмас, аввалги давлатчиликни инқилобий бузишга йўналтирилган, фуқаролик бурчи билан эмас салбий, бузғунчи ғоялар билан суғорилган эди. Шарқий Европа халқларининг миллий давлатларга бирлашиш жараёнини тезлаштирган 1918 – 1919 йиллардаги инқилобий кўтарилиш эски ижтимоий тузумни тубдан қайта қуришни мақсад қилган сўл оммавий ҳаракатларнинг фаоллашувига олиб келди. Бу сиёсий кучлар урушдан энг кўп зарар кўрган собиқ Германия блоки мамлакатларида айниқса катта таъсирга эга эди.

Сўл радикал ҳаракат, айниқса Венгрияда кенг қулоч ёйди. Венгрияда монархия 1918 йил октябрь инқилоби туфайли бекор қилинди. Ҳокимиятга М. Кройи бошчилигидаги мустақиллик партияси, социал-демократлар ва буржуа радикаллари партияларининг вакиллари келди. 1918 йил 16 ноябрда Венгрия халқ республикаси деб эълон қилинди. Шу даврда Венгрияга Россиядан ҳарбий асирлар қайта бошлади. Улар орасида ҳали Москвада Венгрия коммунистик партиясини қайта тузган Бела Кун бошчилигидаги бир гуруҳ коммунистлар ҳам бор эди. Оммавий халқ ҳаракатининг радикаллашуви тўлқинида 1919 йил 21 мартда социал-демократик ва коммунистик партиялар ягона Венгрия социалистик партиясига бирлашди. Янги партия ўз олдига тинч йўл билан пролетар инқилобига ўтиш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш мақсадини қўйди. Шу куниёқ Социалистик партия Венгрияни Совет республикаси деб эълон қилди.

Республика ҳукумат кенгашини Ш. Габраи бошқарди. Ҳукумат таркибига 14 нафар коммунист, 17 нафар социал-демократлар ва икки партиясиз шахслар кирди. Янги ҳокимият ишчилар синфи номидан Советлар тизимини шакллантирди ва туб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни амалга оширишга киришди. «Социализациялаш», яъни йирик ер мулкларини, шахта, транспорт, саноат корхоналари ва молия идораларини амалда давлат ихтиёрига ўтказиш амалга оширилди. Бироқ национализация қилинган ерлар деҳқонларга тарқатилмади, бу ерларда дарҳол кооператив хўжаликлар ташкил қилинди. Шаҳарларда уй-жой фонди давлат ихтиёрига ўтди, квартира ҳақи пасайтирилди, 8 соатлик иш куни ва бепоул тиббиёт хизмати жорий қилинди.

1919 йил апрелда Антанта давлатларининг ҳарбий интервенцияси бошланди. Мамлакат худудига француз, югослав, румин ва чех ҳарбий қисмлари киритилди. Ҳукумат инқилобий Қизил армияга сафарбарлик эълон қилди. Бу армия ҳатто давлат чегарасидан ташқарига чиқиб, шарқий Словакияда совет ҳокимиятини ўрнатишга уринди (16 июнда Словакия Совет республикаси эълон қилинди). 1918 йил ноябрда Антанта розилиги билан серблар армияси жанубдан, чехлар – шимолдан мамлакат ичкарасига юриш бошлаганда ҳолат тубдан ўзгарди. Шу пайтда Руминия армияси Трансильвания ва мамлакатнинг Тиса дарёсигача бўлган шарқий қисмини босиб олди. Будапешт ҳукумати Антанта талабларига бўйсунди ва мамлакат шимолидан кўшинларни олиб чиқди. Унга норозилик сифатида Венгрия армияси кўмондони А. Штромфельд истеъфога чиқди, кўшиннинг жанговарлик руҳи синди. 30 июль куни румин кўшинлари Тиса дарёсидан ўтиб, чекинаётган венгер армиясини таъқиб қилди. Иложсизлик ҳолатида Инқилобий ҳукумат кенгаши истеъфога чиқди. 1919 йил 1 августда Венгрияда ҳокимиятга фабриканти И. Фридрих бошчилигидаги ҳукумат келди, буржуа-демократик тузум тикланди.

Биринчи жаҳон уруши тугаши билан бошланган чуқур иқтисодий инқироз, Болгарияда сиёсий ҳолатнинг ҳам жиддий кескинлашувига олиб келди. 1918 йил сентябрь ўрталарида Антанта армияси Добро-поле районида болгар фронтини ёриб ўтди. Ҳолдан тойган, артиллерия ҳужумидан вайрон бўлган болгар аскарлари тартибсиз чекина бошладилар. Болгар армияси қисмларида «Уруш айбдорларига ўлим!», «Олға, Софияга!» шиорлари остида ҳаракат бош-

ланди. Қўмондонликнинг штаб-квартираси исёнчилар томонидан пайрон қилинди. 26 сентябрь куни улар пойтахтдан 30 км узоқликдаги Радомир шаҳрини эгалладилар. Саросимага тушиб қолган ҳукумат кўзғолончилар билан музокаралар ўтказиш учун ўз вакилларини жўнатди. Делегация таркибига Болгария деҳқонлар партиясининг машҳур етакчиси Александр Стамболийский ва унинг ёш сафдоши Райка Даскалов ҳам кирди. Улар ҳукуматнинг умидини окламади: Даскалов кўзғолончиларга қўшилиб кетди ва унинг ташаббуси билан 27 сентябрда Радомирда Стамболийский бошчилигида республика эълон қилинди. Аммо ҳукумат Германия кўшинлари ёрдамида кўзғолончиларни тор-мор қилди. Радомир республикаси тўрт кун мавжуд бўлди. Аммо бу воқеалар таъсири остида Болгария Тўртлар иттифоқи давлатлари ичида биринчи бўлиб урушдан чиқди, қирол Фердинанд эса ўз ўгли Борис III фойдасига тахтдан воз кечишга мажбур бўлди.

Давом этаётган инқироз шароитида Болгариядаги партиядан бирортаси, на либерал-демократик ва на монархистик йўналишдаги партиядар мамлакатни инқироз ҳолатидан олиб чиқиш жавобгарлигини ўз зиммасига олмади. Борис III ҳукуматга Болгария деҳқонлар халқ партияси (БДХП) ва «кенг» социалистлар – Болгария ишчилар социал-демократик партиясини жалб қилишга мажбур бўлди. Бироқ мустаҳкам ҳукумат коалицияси шаклланмади. БДХП, радикаллар ва «кенг» социалистлар тезда ўнг буржуа партиядаридан ажралиб чиқди ва ҳукумат коалицияси доирасида сўл блокни ташкил қилдилар. Мамлакат парламенти – Халқ мажлисида биринчи марта сўллар кўпчилиги ташкил қилди. 1920 йили БДХП А. Стамболийский бошчилигида ўз ҳукуматини шакллантирди.

БДХПнинг сиёсий устуворлиги аграризм ғояси – деҳқонлар ҳаракатида Биринчи жаҳон уруши арафасида кенг тарқалган концепциянинг жуда оммавийлашганидан далолат беради. А. Стамболийскийнинг ўзи ҳам аграризмнинг етакчи назариётчиларидан бири эди. Аграризмнинг ўзига хос жиҳати мулк ва меҳнатни ўзида мужассам қилган деҳқон шахсининг маънавий, сиёсий, иқтисодий ноёблигини тан олишдан иборат эди. Аграризм ғоясига биноан шунан кўпсонли деҳқонлар оммаси жамиятнинг асосини ташкил қилиши, саноат буржуазияси ва пролетариат ўртасидаги синфий курашнинг давлат ҳаётига салбий таъсирини бартараф этмоғи лозим, деб қаралди. А. Стамболийский ҳукумати ушбу мафкуравий

принципларни давлат сиёсатининг асосига айлантиришга ҳаракат қилди. Аммо 1923 йил июнда ҳарбий-монархистик гуруҳлар томонидан ташкил қилинган ҳарбий тўнтариш ҳукуматга бу режаларни амалга ошириш имконини бермади. А. Стамболийский ўлдирилди, БДХПнинг қолган раҳбарлари камокқа олинди. 1923 йили Болгария коммунистик партияси томонидан ташкил қилинган кўзғолон ҳам бостирилди.

Венгрия ва Болгарияда сўл кучларнинг мағлубияти қонуний ва рамзий маънога эга эди. Сўл кучларнинг уруш якунларини ва халқ оммаси орасидаги норозиликларни кенг инқилобий ҳаракатга айлантириш учун уриниши муваффақиятсизликка учради. Кўпсонли ва ташкиллашган ишчилар синфининг йўқлиги туфайли ишончли таянчга эга бўлмаган ва Антанта мамлакатлари янги ҳукмрон доираларининг катъий қаршилигига дуч келган сўл кучлар сиёсий курашнинг энг радикал усулларидан воз кечишга мажбур бўлди ва воқеаларнинг кейинги ривожига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди.

Шарқий Европа мамлакатларида буржуа-демократик кучларнинг ҳокимиятга келиши кенг миқёсдаги ислоҳотларни бошлаб берди. Чехословакиядаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар энг катта муваффақиятларга олиб келди. Унинг боиси шундаки, собиқ Австро-Венгрия империяси иқтисодий қувватининг катта қисми республика ҳудудида қолди ва голиб давлатларнинг иттифоқчиси сифатида у чет эл кредитлари ва инвестицияларини осон олди. Чехословакия дунёнинг индустриал ривожланган кучли ўнта мамлакатидан бирига айланди. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрациялашуви жадаллашди. Умумий банк капиталининг 69 % и 8 та йирик банклар қўлида жамланди. Мамлакат иқтисодиётида чет эл капиталининг салмоғи юқори эди. Йирик миқёсдаги аграр ислоҳот амалга оширилиб, давлат ортикча ерларни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлди. 1920-йиллар ўрталарига келиб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши урушдан олдинги даражасидан ошиб кетди. Бошқа томондан, Чехословакия иқтисодининг жадал ўсиши ва миллий иқтисодиётнинг жаҳон тизимига интеграциялашуви натижасида мамлакат Ғарб давлатлари иқтисодий ўсишидаги даврийликка боғлиқ бўлиб қолди. Жаҳон иқтисодий инкирозининг энг юқори палласида Чехословакия саноат ишлаб чиқариши 40 % га тушиб кетди ва узоқ депрессия даври бошланди.

Шарқий Европа минтақасидаги бошқа давлатлар учун асосий муаммо аграр ислохот бўлди. Унинг изчил амалга оширилишига бу мамлакатлардаги сиёсий элитага йирик ер эгаларининг кучли таъсири халакит берди. Аграр ислохотларни амалга ошириш кескин курашлар остида ўтди ва келишувлар майдонига айланди. 1925 йил декабрда Польшада қабул қилинган аграр ислохот ҳақидаги қонун 180 – 300 га гача бўлган ер эгаллигига таъсир қилмади. Деҳқонлар ерни бозор нархида сотиб олди. Руминияда эса либераллар ҳукумати 1921 йили мўътадил ер ислохотини амалга оширди, унга биноан деҳқонлар ўз ерларини 5 га ҳажмигача кенгайтириш имкониятига эга бўлди. Ерлар аста-секин сотиб олиш шарти билан берилди ва ер қийматининг 20 % и тўлангандан сўнг унга эгалик ҳуқуқи берилди. 1934 йилга келиб ерга муҳтожларнинг 2/3 қисми ўз ерларига эга бўлди. Югославияда аграр ислохот давомида 70 % ерлар йирик мулкдорлар қўлида қолди; ярим миллионга яқин деҳқонлар умуман ерга эга бўлмади. Аграр масалани самарали ҳал қила олмаган ислохотлар қишлоқ аҳолисининг мулкий табақалашувини кучайтирди ва жамиятда ижтимоий кескинликни келтириб чиқарди.

Урушдан кейинги даврдаги ислохотлар аграр ўзгаришлардан ташқари банк-молия соҳасини ривожлантиришга, меҳнат муносабатларини давлат томонидан тартибга солишга, машинасозлик, тоғкон, қайта ишлаш, тўқимачилик саноати корхоналарини куришга қаратилди. Чет эл капитали билан алоқалар янада фаоллашди, экспорт-импорт операциялари соҳаси кенгайди. Польша, Болгария, Руминияда янги темир йўл линиялари, портлар, саноат корхоналари ишга туширилди. Югославияда ҳам шунга ўхшаш жараёнлар юз берди. Аммо унча узоқ давом этмаган қулай конъюнктура инқирозлар билан алмашди, улар ичида 1929 йилги инқироз энг катта зарар келтирди ва узоқ давом этди. Натижада Шарқий Европа мамлакатлари иқтисодиёти борган сари чет эл, айниқса Германия капиталига қарам бўлиб борди.

Шу тарика, ислохотларнинг биринчи тўлкинидаги маълум ютуқларга қарамасдан, Шарқий Европа минтақасидаги мамлакатларни Ғарб намунаси бўйича жадал модернизация қилиш режаси жиддий ўзгартишлар киритишни талаб қилди. Ички бозорнинг торлиги, инвестиция капиталининг етишмаслиги, транспорт инфраструктурасининг ривожланмаганлиги, хомашё базасининг кучсизлиги, аҳолининг патриархал ташкилотларга бирлашганлиги, аҳоли

серҳаракат қисмининг камсонлиги нафақат ислоҳотлар суръатини сусайтирди, балки иқтисодий самарадорлигини камайтирди, ижтимоий харажатларни оширди. Жамиятнинг маънавий негизларини бузиш билан қўшиб олиб борилган ва «юқоридан» ҳукмрон буржуа-демократик элита томонидан ўтказилган, инсоннинг янги шароитга пассив қўниқини назарда тутган жадал модернизациялаш жамият анъанавий қатламларининг кескин қаршилигига дуч келди.

Ҳарбий-авторитар режимларнинг шаклланиши. 1918–1919 йилларда Шарқий Европа мамлакатларида юз берган инқилобий кўтарилиш вақтинчалик характерга эга бўлиб, урушдан кейинги ҳолат билан боглиқ эди.

Бир томондан, ижтимоий-сиёсий ҳаёт барқарорлашган, бошқа томондан, жадал модернизациялаш туфайли ижтимоий-иқтисодий муаммолар кескинлашган пайтда давлат бошлиғи сифатида «тартиб» ўрнатишга лаёқатли ва ғарбпараст сиёсатчиларнинг ислоҳотчилик интилишларини жиловлаб қўйишга қодир бўлган «қаттиққўл шахс»ни кўриш истаги омма орасида пайдо бўлди. Ҳокимиятни бошқаришнинг демократик методларидан воз кечишга Шарқий Европа мамлакатларининг ҳукмрон элитаси ҳам тайёр эди. Ҳатто буржуа-либерал партияларидан иборат ҳукуматлар ҳам у ёки бу сиёсий вазифаларни амалга оширишда енгиллик билан кўпол, репрессив усуллардан фойдаланишга ўтиши, жамиятни демократизациялашнинг нақадар юзаки, формал бўлганлигини кўрсатди. Бу ҳол омманинг сиёсий ориентацияси билан қўшилиб, Шарқий Европа мамлакатларида авторитар тенденцияларнинг жадал кучайишига олиб келди.

Давлат ҳокимиятнинг авторитар тизимларини яратиш бўйича дастлабки уринишлар Польша ва Венгрияда амалга оширилди. Польшада 1918 йилиёқ коалицион асосда тузилган ҳукумат билан бир пайтда «давлат бошлиғи» лавозими жорий қилинди. 1918 йил 22 ноябрдаги декрет билан қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти тўлиқ генерал Юзеф Пилсудскийга берилди. У «вақтинча давлат бошлиғи» бўлиб, ҳукуматни тайинлаш ва тарқатиб юбориш, қонунлар ва бюджетни тасдиқлаш ҳуқуқига эга эди. 1920 йилги Конституция кучга киргандан сўнг «давлат бошлиғи»нинг ваколатлари анча қисқартирилди, аммо Ю. Пилсудский аввалгидек партиялар ва парламент ҳокимиятидан юқори турувчи миллий лидер ролига очик даъво қилди.

Венгрияда ҳам ҳокимият тизимларининг шаклланишида шахсий омил катта роль ўйнади. Мамлакат жанубида ҳали Совет республикаси даврида бир неча минг кўшинга эга бўлган аксилинқилобий Сегед ҳукумати шаклланди. 1919 йил августда бу кўшинлар руминлар томонидан эгалланмаган Дунайорти ўлкасининг жанубий ҳудудларига кирди. Уларга Австро-Венгрия флотининг охириги кўмондони, кейин эса Сегед ҳукуматида мулофаа вазири бўлган контр-адмирал Миклош Хорти бошчилик қилди. Иззат-нафси кучли бўлган М. Хорти тезда бу ҳукуматдан чиқди ва ўзини армия кўмондони деб эълон қилди. 1919 йил ноябрда Антанта томонидан тан олинмаган И. Фридрих ҳукумати истеъфога чиқишга мажбур бўлди. 16 ноябрь куни М. Хорти Будапештга оқ отда тантанали кириб келди. У янги давлат шаклланиши жараёнини шахсан ўз ҳомийлигига олди. Коалицион асосда тузилган янги ҳукуматни К. Хусар бошқарди. Антанта мамлакатларининг позициясини ҳисобга олган ҳолда, М. Хорти кўппартиявийлик асосида конституциявий парламент тизимини расмийлаштиришга эътибор қаратди. 1920 йил январда Миллий мажлисга сайловлар бўлиб, унда аҳоли қироллик бошқарувини сақлаб қолиш учун овоз берди ва 1 март куни қарийб бир овоздан М. Хортини регент – Венгрия Қироллиги ҳукмдори қилиб сайлади. Регент парламентни чақириш ва тарқатиб юбориш, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқларини олди ва армия бош кўмондони лавозимини ҳам ўзида сақлаб қолди. Унинг асосий вазифалари ташқи дунёда мамлакат вакили бўлиш, элчиларни тайинлаш ва чет эл элчиларини қабул қилишдан иборат эди. Уруш ва тинчлик масалалари бўйича ҳам қонунлар қабул қилиш унинг розилиги билан амалга оширилар эди.

Ю. Пилсудский ва М. Хорти каби шахсларнинг сиёсат майдонига чиқиши рамзий маънога эга эди. Аммо авторитар диктатураларнинг шаклланиши фақат прогрессив ислоҳотларнинг биринчи тўлқини ўтгандан сўнг, уларнинг салбий оқибатлари пайдо бўлиши билан юз бериши мумкин эди. Шу сабабли Ю. Пилсудский ҳам, М. Хорти ҳам дастлаб шиддат билан ҳокимиятга келиб, 1920-йиллар бошларида коалицион ҳукуматлар соясида қолиб кетди. Шарқий Европа мамлакатлари сиёсий ҳаётида консерватив ортага қайтиш белгилари 1920-йиллар ўрталарига келиб тўлиқ намоён бўлди. Унинг механизмини 1923 йили Болгарияда амалга оширилган давлат тўнтариши кўрсатиб берди. Унда БДХП ҳокимиятдан

ағдарилиб, харбий доиралар ва шох Борис III томонидан қўллаб-қувватланган Александр Цанков бошчилигидаги «Халқ келишуви» сиёсий гуруҳи ҳокимиятга келди. Бу ҳокимият томонидан олиб борилган шафқатсиз катагонлар уни жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида обрўсизлантирди ва ҳукуматни алмаштириш эҳтиёжи пайдо бўлди. 1926 йил январда А. Цанков ўз шахсий ҳокимиятидан воз кечишга мажбур бўлди, 1931 йили эса Болгария буржуа-демократик партиялари ҳатто парламент сайловларида ғалаба қозонди.

1920-йиллар охири – 1930-йиллар бошларида жаҳон иқтисодий инкирози яқинлашиши ва буржуа-демократик ҳукуматларнинг Фарб билан алоқалардан ислоҳотларни жадаллаштиришда фойдаланишга уриниши барбод бўлиши билан консерватив кучлар позицияси янада мустаҳкамланди. Янги давлат тўнтаришлари энди муқаррар бўлиб қолди. 1926 йили Польшада В. Витос бошчилигида буржуа партияларининг ҳукумат тузишга уринишидан сўнг Ю. Пилсудский бошчилигида давлат тўнтариши амалга оширилди. Президент Войцеховский ва Витос ҳукумати истеъфога чиқди.

Давлат тўнтаришини амалга оширган Ю. Пилсудский ўзини диктатор деб эълон қилмади. 31 март куни парламент уни Польша президенти қилиб сайлади. Аммо конституцияда президентга жуда кам ваколатлар берилганлиги учун Ю. Пилсудский бу лавозимдан воз кечди. 1 июнь куни Львов политехника университети профессори Игнаций Мосцицкий президент қилиб сайланди. 1926 йил августда президент фармони билан Ю. Пилсудский қуроли кучлар бош инспектори этиб тайинланди. Армия ва давлат аппарати устидан назоратни ўз қўлида тўплаган Ю. Пилсудский амалда харбий-авторитар диктатура тизимини яратди. 1926 йил августда конституцияга ўзгаришлар киритиб, парламентнинг ваколатлари камайтирилди. Режим позициясининг мустаҳкамланишида шу даврда Польшада иқтисодий юксалиш бошланганлиги ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Аммо 1935 йил 12 майда Ю. Пилсудскийнинг вафот этганлиги режимнинг жипслигига ҳалокатли таъсир кўрсатди. 1935 йил сентябрда бўлиб ўтган парламент сайловлари жамиятда Ю. Пилсудский жорий қилган санация¹ режимига ишонч тутаганлигини кўрсатди. 1930-йилларнинг иккинчи ярми ҳукмрон режимнинг борган сари сусайиш даври бўлди.

¹ С а н а ц и я – банк ва корхоналарнинг синишига йўл қўймасликка, уларни мустаҳкамлаш, кучайтиришга қаратилган тадбирлар.

Бошқа Шарқий Европа мамлакатларида 1920-йиллар охири – 1930-йиллар бошларида шаклланган авторитар диктатуралар монархия ҳокимият тизимлари билан узвий боғланган бўлиб, анъанавий характерга эга эди. Серблар, хорватлар ва словенлар қироллигида 1929 йил 6 январда юз берган давлат тўнтаришига қирол Александр Қорагеоргиевичнинг ўзи бошчилик қилди. Парламент тарқатиб юборилди, Видовдан конституцияси бекор қилинди, барча сиёсий партиялар тақиқланди. Бутун ҳокимиятни ўз қўлига олган қирол генерал П. Златковични ҳукумат бошлиғи қилиб тайинлади. Давлат механизмини мустаҳкамлаш ва «соғломлаштириш» тарафдори бўлган буюк сербчи сиёсий доиралар ҳукумат атрофида бирлашди. Мамлакат Югославия деб қайта номланди.

Руминияда авторитар тенденцияларнинг кучайиши миллий-царанистик партияга (кескин миллатчилик ва антилиберализм мафкураси томонига ўтиб кетган собиқ аграрлар) ва «темир гвардия» ҳарбийлашган ташкилотларига таянган Кароль II нинг 1930 йили тахтга келиши билан боғлиқ. 1938 йили Кароль II парламент тизимининг қолдиқларини ҳам йўқ қилди – 1923 йилги Конституция бекор қилинди, парламент тарқатиб юборилди. Патриарх М. Кристиа бошчилигида ташкил қилинган ҳукумат фақат қиролга бўйсундиган бўлди. 1938 йил февралда янги конституция жорий қилиниб, тўлиқ ҳокимият қирол қўлида жамланди. Илгариги конституциядаги демократик ва фуқаролик эркинликлари ҳақидаги моддалар «қонун доирасида ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш» деган моддалар билан алмаштирилди. 1940 йили Руминияда «қирол диктатураси» ўрнига ҳарбий-авторитар диктатура келди. Қирол Кароль II ўз ўғли Михай фойдасига тахтдан воз кечишга мажбур бўлди, реал ҳокимият эса «темир гвардия» лидери Ион Антонеску қўлига ўтди.

Болгарияда авторитар тўнтариш 1934 йил 19 май куни юз берди. Уни шоҳ Борис томонидан қўллаб-қувватланган К. Георгиев бошчилигидаги «Звено» сиёсий гуруҳи амалга оширди. «Звено» Болгария қийинчиликларининг сабабларини либерал-демократик ислохотларнинг кучайишида кўраётган ва мамлакатда кучли давлат ҳокимиятини ўрнатишга интилаётган радикал кайфиятдаги интеллигенция ва зобитлар вакиллари томонидан ташкил қилинган эди. Янги ҳукуматнинг биринчи декрети билан Конституция фаолияти

тўхтатилди, барча сиёсий партиялар, касаба ва жамоат ташкилотлари тақиқланди, парламент таркатиб юборилди.

Венгрия ва Чехословакиядаги авторитар тенденциялар маълум ўзига хосликка эга эди. Венгрияда 1920-йиллар охири – 1930-йиллар бошларида Хорти авторитар режимининг консолидациялашуви юз берди. 1926 йили умумий сайлов ҳуқуқи бекор қилинди, парламентнинг юқори палатаси тикланиб, унга юқори лавозимдаги амалдорлар ва генераллар вакиллари кирди. 1932 йили Д. Гамбеш бошчилигида ҳукумат шакллангандан сўнг мамлакатда муҳолифатчи партиялар ва ҳаракатларга босим кучайди, фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликлари, касаба уюшмалари фаолияти чекланди. Айни пайтда Хорти ўнг радикал ҳаракатнинг, жумладан, 1935 йили ташкил қилинган германпараст Миллий партиянинг (1939 йилдан «Кесишган камон ўқи» фашистик партияси) кучайишига қарши чиқди.

Чехословакияда 1920-йиллар охиридан мамлакатда узок давр либерал йўналишдаги етакчи партия бўлган Миллий-демократик партия (МДП) таъсирининг пасайиши кузатилади. 1927 йили президентга кенг ваколатлар берган конституцион ислохот ўтказилди. Айни пайтда миллатчилик ҳаракатлари – А. Глинка бошчилигидаги Словакия халқ партияси, К. Генлейн бошчилигидаги Судет-немислар партияси ҳам фаоллашиб кетди. Аммо мамлакатнинг етакчи сиёсий кучлари демократик тузум асосларини сақлаб қолишга эришди. Т. Масарик ва Э. Бенеш бошчилигидаги «Града гуруҳи» бу кучларнинг таянчи бўлди. Икки сиёсий блокларнинг очик тўқнашуви 1935 йилги президент сайловларида юз берди ва демократик кучлар вакили Э. Бенешнинг ғалабаси билан яқунланди. Мамлакатнинг авторитар таракқиёти тарафдорлари айирмачилик йўлини тутдилар ва Германияга таяна бошладилар.

Шарқий Европа минтақасида авторитар диктатураларнинг шаклланиши бу мамлакатлар сиёсий ривожланишининг характерини тубдан ўзгартириб юборди ва ислохотларнинг тўхтатилишига олиб келди. Кўппартияли парламент тизимини бекор қилиш жараёни бошланди. Миллатчилик, халқни синфсиз ягона жамоа сифатида тушуниш, патриархал ахлоқий кадриятлар сиёсий ҳаётнинг асосий ғояларига айланди. Буларнинг ҳаммаси авторитар режимларни кенг ижтимоий таянч билан таъминлади. Айни пайтда халқнинг сиёсий жараёнларга реал аралашуви кескин камайди. Диктатуранинг таянчи армия ва монархистик доиралар, кўпинча – черков ва давлат

биюрократияси бўлди. Бу Шарқий Европадаги ҳарбий-авторитар режимларни Марказий ва Жанубий Европада шаклланган ва бе-носита омманинг сиёсийлашувига, жумладан, оммавий партиялар ташкил қилишга таянган фашистик диктатуралардан жиддий фарқ қилдириб туради. Шарқий Европадаги режимларнинг шахслашув даражаси ҳам паст – одатда бу минтақада «диктаторсиз диктатура-лар» шаклланди, ҳокимиятга эса консерватив элита вакиллари би-рин-кетин келди. Хорти, Пилсудский каби шахслар эса бу жараёнда истисно бўлиб, урушдан кейинги инқилобий кўтарилиш жараёнида ҳокимиятга келган эди. Шарқий Европа мамлакатларида фашизм-нинг шаклланиши учун объектив сабаблар вужудга келмади, зеро жадал модернизациялаш жараёни биринчи босқичдаёқ, ҳали инсон-нинг шахсий сифатларига ва жамиятдаги ижтимоий муносабатларга жиддий салбий таъсир кўрсатиб улгурмаган, оммавий психология-да тоталитаризм белгилари шаклланмаган пайтдаёқ бекор қилинди. Аммо эртами кеч модернизациялашнинг янги тўлқини бошланиши лозим эди. Бунда Шарқий Европа мамлакатларининг ташқи сиёсий ориентацияси муҳим роль ўйнади, чунки иккита жаҳон ижтимоий тизимлари карама-қаршилиги шароитида модернизациялаш мафку-равий ва сиёсий тус олиши мумкин эди.

Шарқий Европа урушлар оралиғидаги халқаро муносабат-лар тизимида. Биринчи жаҳон урушидан кейинги тартибга солиш жараёнида Франция ва Буюк Британиянинг Шарқий Европа мам-лакатларига таъсири бутун 1920-йиллар давомида сақланиб қолди. Бу таъсирнинг таянчи Кичик Антанта – Чехословакия, Руминия, Югославия ўртасида имзоланган давлатлараро шартномалар тизи-ми бўлиб, Польша ҳам унга интилаётган эди. Дастлаб Кичик Антан-та Европага Совет Россиясининг таъсирини чеклаш учун ўзига хос чегара сифатида қаралди. Аммо кейин у Шарқий Европа давлатла-рининг Париж тинчлик конференциясида белгиланган чегарала-рини ҳимоя қилиб, очиқ антивенгер ва антигерман характер касб этди. Кичик Антанта мамлакатлари 1920-йиллари Ғарб давлатлари томонидан Европани тинчлантиришга ва барқарор халқаро ҳуқуқ тизимини яратишга йўналтирилган пацифистик сиёсатнинг ишонч-ли ҳамкорига айланди.

1930-йилларга келиб Шарқий Европада ташқи сиёсий ҳолат кес-кин ўзгара бошлади. Ғарб давлатлари ўзларининг илгариги таъси-рини реал иқтисодий ёрдам билан мустаҳкамлай олмади. Бундан

ташқари Италия ва айникса, кучайиб бораётган Германия фаоллик кўрсата бошлади. Гитлер ҳокимиятга келгандан сўнг Шарқий Европа Версаль халқаро шартномалар тизимини қайта кўриб чиқиш тарафдори бўлган давлатларни бирлаштиришга уринаётган немис дипломатиясининг объектига айланди.

Шарқий Европа минтақаси ташқи сиёсий аҳволи бу мамлакатларда авторитар тенденцияларнинг ўсиши билан янада мураккаблашди. Сиёсий элитанинг бир қисми Учинчи Рейхда ўзларига руҳан яқин режимни кўриб, Германияга яқинлашди. Бундай гуруҳга антидемократик ўзгаришларни қўллаб-қувватловчи, аммо ютуқлар гаровини миллий мустақилликда кўрувчи миллий кайфиятдаги сиёсатчилар қарши турди. Буларнинг ҳаммаси Шарқий Европа мамлакатларида ҳолатни беқарорлаштирди, ҳукмрон режимнинг парчаланиш хавфини оширди.

Версаль шартномасига кўра немис аҳолиси яшайдиган бир катор ҳудудларга эга бўлган Чехословакия ва Польша Иккинчи жаҳон уруши арафасида нацистик Германия тажовузкор ташқи сиёсатининг объектига айланди. 1938 йилги Мюнхен келишуви Шарқий Европага нисбатан фашистик тажовуз олдида Франция ва Буюк Британиянинг нақадар ожиз эканлигини ёрқин намойиш қилди. Чехословакиянинг ўзида ҳам мавжуд сиёсий кучлар келишувга эриша олмади. Мюнхен келишувига норозилик сифатида сиёсий раҳбарларнинг бир қисми, жумладан, президент Э. Бенеш истеъфога чиқиб, мамлакатни тарк этди. Эмиль Гах янги президент қилиб сайланди. Словакия ва Карпатолди Руси сиёсий партиялари кенг миллий автономия талаб қила бошладилар. Мамлакат Чехо-Словакия деб қайта номланди, маҳаллий ҳукуматлар тузилди. Аммо бу тадбирлар айирмачиликнинг ўсишини тўхтата олмади. Марказий ҳокимият билан Словакия ҳукумати ўртасида вужудга келган можаро натижасида Словакия ҳукумати тарқатиб юборилди ва бу ерда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Бу ҳол Гитлерга Чехословакияни «Европа тинчлиги учун доимий хавф» ўчоғи, деб эълон қилиш имконини берди. Словакия раҳбарлари Берлинга чақирилиб, Чехо-Словакия таркибидан чиққанлиги тўғрисида баёнот бериши таклиф қилинди. Эртаси куни Словакия мустақил давлати эълон қилинди ва 18 март куни Германия ҳимояси остига олинди. Чехия ва Моравия протекторат сифатида Германия таркибига қўшиб олинди.

Шарқий Европа Иккинчи жаҳон уруши йилларида. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Шарқий Европа мамлакатлари узил-кесил Учинчи Рейхнинг ҳарбий ва сиёсий таъсир зонасига айланди. Польша ва Югославия тажовузга учради. Польша худудининг бир қисми Германияга қўшиб олинди, қолган худудда «босиб олинган вилоятлар генерал-губернаторлиги» ташкил қилинди. Шу сингари Югославия ҳам Италия, Болгария, Венгрия, Руминия иштирокида босиб олинган ва қарам худудларга бўлиб олинди.

Венгрия, Руминия, Болгария Германиянинг малай давлатларига айланди. Айни пайтда уларнинг нацистик режим билан муносабатлари турлича бўлди. 1933 йилиёқ антикоминтерн пактига қўшилган Венгрия Германиянинг энг ишончли иттифоқчиси сифатида қаралди. Аммо 1939 йил февралда ҳокимиятга келган П. Телеки ҳукумати ҳарбий нейтралитет сиёсатини афзал кўрди. Шунга қарамасдан, Венгрия 1941 йил июнда СССРга қарши урушга қўшилди, шарқий фронтга 200 минг венгер аскарлари жўнатилди. Декабрь ойида Венгрия ўзини Буюк Британия ва АҚШ билан уруш ҳолатида деб эълон қилди.

СССРга қарши урушда Руминия ҳам иштирок этди. 1941 йилги уруш кампаниясида 13 та, 1942 йили эса 26 та румин дивизиялари қатнашди. Руминлар Прут дарёси бўйида, Одесса ва Севастополь остоналарида, Шимолий Кавказда, Дон ва Волга дарёлари бўйларида жанг қилди. Уруш йиллари Совет Иттифоқи билан дипломатик муносабатларни сақлаб қолган Германиянинг ягона иттифоқчиси Болгария бўлди. Антикоминтерн пактига 1940 йили қўшилган Болгария германпараст коалиция доирасида маълум мустақилликни сақлаб қолди. Уруш йиллари Болгария худудига немис қўшинлари киритилди, аммо улар оккупацион вазифаларни бажармади.

Қатағонлар ва иктисодий эксплуатацияга жавобан Шарқий Европа мамлакатларида Қаршилик ҳаракати кенг қулоқ ёйди. Оккупация қилинган худудларда яширин ташкилотлар вужудга келди. Уруш бошланиши билан чех эмиграциясининг сиёсий жипслашуви юз берди. 1939 йили Э. Бенеш бошчилигида Чехословакия миллий қўмитаси тузилиб, у Чехословакиянинг мустақиллигини тиклаш, Мюнхен келишувини ноқонуний деб тан олинишига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бенеш 1940 йили Лондонда Чехословакия муваққат ҳукуматини тузишга Англия ва Франциянинг розилигини олишга эришди. Чехословакия муваққат ҳукуматининг

ҳалқаро микёсда тан олиними СССР ҳудудида генерал Л. Свобода кўмондонлигидаги Чехословакия ҳарбий қисмларини тузиш имконини берди.

1939 йил сентябрда Парижда В. Сикорский (у 1943 йили авиаҳалокатда ҳалок бўлгандан сўнг ҳукуматни С. Миколайчик бошқарди) бошчилигида эмиграциядаги Польша ҳукумати тузилди. 1940 йилдан бу ҳукумат Буюк Британияда фаолият юритди. Сўл кучлар СССРда В. Андрес бошчилигида ўз кўшинларини тузди. 1943 йил шу ерда Поляк ватанпарварлар иттифоқи тузилиб, «Войска польского» – ўз қуролли кучларини тузди. Эмиграциядаги ҳукумат билан ҳамкорликда буржуа-демократик партиялар Польша ҳудудида Сиёсий келишув кўмитасини туздилар. Кўмига бўйсунган кўшинлар Армия Крайовага бирлашдилар. Сўл кучлар, ўз навбатида, Крайова Рада Народова – яширин вакиллик органини ва ўз қуролли кучлари – Армия Людовани ташкил қилди. Шу тариқа Қаршилик ҳаракатида бўлиниш юз берди. 1942 йил 5 январда Польша ишчи партияси ташкил қилиниб, барча ватанпарвар кучларнинг бирлашиш таклифи билан чиқди. Аммо Қаршилик ҳаракатидаги ажралишни охиригача бартараф қилишнинг иложи бўлмади.

Оккупация қилинган Югославияда ҳам анча мураккаб ҳолат вужудга келди. Югославия таслим бўлгандан сўнг полковник Драголюб Михайлович бошчилигидаги бир гуруҳ зобитлар четниклар отрядини (серб тилида «чета»)– отряд) ташкил қилди. Шу йили четниклар эмиграциядаги Д. Симович ҳукумати билан алоқа ўрнатди. Четниклар мафқураси иккита асосий ғояга: моноэтник серб давлатини тузиш ва монархияни тиклашга асосланган эди. 1941 йили Югославия коммунистик партияси ташаббуси билан Халқ-озодлик фронтига (ХОФ) бирлашган коммунистпараст Қаршилик гуруҳи ўзгача позицияни эгаллади. 1942 йили ХОФ вакиллик органи – Югославияни озод қилиш антифашист халқ вечесини ташкил қилиб, эмиграциядаги ҳукуматни тан олишдан бош тортди ва ижро ҳокимияти ваколатларини Иосип Броз Тито бошчилигидаги Югославияни озод қилиш миллий кўмитасига юкледи. Бу ташкилот кирол Петр II нинг мамлакатга қайтишига қарши чиқди ва федератив асосда кўпмиллатли Югославия давлатини тузиш ташаббуси билан чиқди. Хорватия давлатини тузиш учун курашаётган хорват миллатчилари ҳаракати – усташи ҳам четникларга қарши чиқди. Бу кайфиятларни инобатга олган Гитлер 1941 йили «Мустақил Хор-

ватия давлати»ни тузишга рухсат берди. Бу давлат етакчиси Анте Павелич бўлди. Усташларнинг четниклар ва ХОФ кўшинлари билан тўқнашуви миллий-диний уруш характериغا эга бўлди.

Германиянинг малай-давлатларида ҳам яширин ташкилотлар фаолият юритди. 1941 йил июлда Болгария коммунистик партияси раҳбарияти болгар халқига мурожаат қилиб, нацизмга қарши совет халқининг адолатли курашини қўллашга чақирди. 1942 йили коммунистпараст кучлар томонидан Ватан fronti (ВФ) ташкил қилинди. Болгариядаги Қаршилиқ ҳаракатининг ўзига хос томони унинг ҳукуматга қарши қаратилганлиги эди. Айниқса 1943 йили-Берлинга ташриф буюрган шоҳ Борис III тўсатдан вафот этгандан сўнг сиёсий инкироз кучайди. 1944 йилга келиб буржуа-демократик кучларнинг ҳукуматга қарши кенг муҳолифати ташкил топди ва улар 1934 йил 19 майдаги тўнтаришгача мавжуд бўлган давлат режимини тиклаш талаби билан чиқдилар.

Руминия ва Венгрияда антифашистик ҳаракат оммавий характер касб этмади, партизанлар ҳаракати ҳам кенг қулоч ёймади. Руминияда фақат 1944 йилга келиб партизанлар ҳаракати бошланди, унинг ҳам асосида СССРда ташкил қилинган гуруҳлардан иборат эди. Кейин турли хил сиёсий кучлар ташаббусни ўз қўлларига олди ва миллий суверенитетни тўлиқ тиклаш учун курашдилар.

Венгриядаги антифашистик ҳаракатга ҳам шундай жиҳатлар хос эди. Фашист кўшинларининг Сталинград остоналаридаги мағлубиятидан сўнг Венгрия ҳукуматининг позициясида қатъий бурилиш юз берди. Янги бош вазир М. Каллаи Венгриянинг урушдан чиқиш йўлларини излай бошлади. 1943 йил сентябрда Венгрия АҚШ ва Буюк Британия вакиллари билан ярашиш ҳақида дастлабки шартномани имзолашга эришди. 1944 йили немис кўшинлари ишончсиз иттифоқчи бўлиб қолган Венгрия ҳудудини босиб олди. Шунга қарамасдан, 1944 йил 15 октябрда М. Хорти радио орқали сўзга чиқиб, мамлакатнинг урушдан чиққанлиги тўғрисида прокламацияни ўқиб эшиттирди. Аммо бу уриниш муваффақият қозонмади. Генералларнинг кўпчилиги буйруққа бўйсунибдан бош тортди. 16 октябрда М. Хорти Гитлер тарафдори бўлган Ф. Салашига ҳокимиятни беришга мажбур бўлди.

Совет-герман frontiдаги туб ўзгаришлар Шарқий Европа мамлакатларининг кейинги тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Уруш Ғарбга қараб силжий бошлади. 1944 йили Шарқий

Европани озод қилиш бошланди. 1945 йил январда Польша ҳудуди тўлиқ озод қилинди.

1944 йил охирида Украина fronti қўшинлари Карпатортини озод қилди. 1945 йил январда Шарқий ва Марказий Словакия, кейин Шимолий Словакия, Моравия, Богомея озод қилинди. 1945 йил март ойининг охирида Қизил армиянинг Братиславага юриши бошланди ва 4 апрель куни шаҳар озод қилинди. Май ойининг бошларида Прага операцияси бошланди. 1-Украин fronti қўшинлари 9 май куни Прагага кириб келди. Кейинги бир неча кун ичида бутун мамлакат ҳудуди фашистлардан озод қилинди.

1944 йил 27 мартда Қизил армия Прут дарёсидан ўтиб, Руминия ҳудудига кириб келди. Май ойида қирол Михайл Антонескунинг фашистпараст режимидан воз кечиб, Руминиянинг урушдан чиқишига розилик берди. 24 август куни Руминия Германия билан иттифокдан воз кечди ва антигитлер коалицияга қўшилди.

1944 йил ёзида совет қўшинлари Болгария чегарасига етиб келди ва 5 сентябрь куни СССР Болгарияга уруш эълон қилди. 1944 йил 8 сентябрдан 9-га ўтар кечаси партизанлар ва Халқ fronti томонига ўтган Болгария армияси зобитлари Софиядаги давлат ташкилотлари биноларини эгаллаб олди. 9 сентябрдаги кўзғолон натижасида ҳокимиятга сўл кучлар вакиллари келди. Болгария Германияга уруш эълон қилди.

Венгриядаги фашистик режим Германиянинг энг ишончли иттифокчиси бўлиб чиқди. 1944 йил октябрда совет қўшинлари Венгриянинг шарқий ва марказий ҳудудларига кириб келди, аммо умуммиллий кўзғолон режаси барбод бўлди. Яширин Озодлик қўмитаси раҳбарлари қамоққа олинди. Венгрия армияси фашист қўшинлари билан биргаликда жиддий қаршилиқ кўрсатди. Фақат 1945 йил 13 февраль куни Қизил армия Будапештни эгаллади. Бир ой ўтиб бутун мамлакат ҳудуди фашистлардан озод қилинди.

1944 йил кузда Қизил армия Югославия чегараларига етиб келди. СССР билан Югославияни озод қилиш миллий қўмитаси ўртасида тузилган фашизмга қарши ҳамкорликдаги кураш тўғрисидаги келишувга биноан 3-Украин fronti қўшинлари сентябрь ойида шарқий Сербияга кириб келди. 20 сентябрда Югославия халқ озодлик армияси ва партизанлар отряди Белградни озод қилди. 1944 йил охирига келиб босқинчилар Сербия, Македония, Черногориядан қувиб чиқарилди. Бу ҳудудларнинг асосий

қисми Югославия армияси томонидан озод қилинди. Югославияда жанглар Германия таслим бўлгандан бир неча кун кейин, 1945 йил 15 майда якунланди.

* * *

Совет армияси кириб келиши билан илгари оккупация қилинган ҳудудларда миллий давлатчилик тикланди, фашистлар Германияси билан ҳамкорлик қилган режимлар йўқ қилинди. Озод қилиш жараёнида деярли барча Шарқий Европа мамлакатларида антифашистик кучларнинг жипслашуви юз берди. Аммо янги давлат, тузум, ижтимоий ўзгаришларнинг кейинги йўллари тўғрисидаги масала янги келишмовчиликлар ва зиддиятлар учун замин яратди. Шарқий Европа яна бир бор тарихий танлаш олдида турарди.

XVIII боб бўйича саволлар

1. Биринчи жаҳон уруши натижалари Шарқий Европа мамлакатларида қандай ҳудудий ва сиёсий ўзгаришларга олиб келди?
2. Биринчи жаҳон урушидан кейинги ижтимоий-сиёсий ривожланиш нима учун Чехословакия ва Шарқий Европанинг бошқа давлатларида турлича йўллардан борди?
3. Жаҳон урушлари оралиғида Шарқий Европа мамлакатларида қандай этно-сиёсий муаммолар мавжуд эди?
4. Шарқий Европа мамлакатларида ҳарбий-авторитар режимларнинг шаклланиши учун қандай омиллар мавжуд эди?
5. Жаҳон урушлари оралиғида Шарқий Европа мамлакатлари халқаро муносабатлар тизимида қандай роль ўйнади?
6. Иккинчи жаҳон уруши Шарқий Европа халқлари тақдирида қандай роль ўйнади?

XIX БОБ. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ

XX аср бошларида Лотин Америкаси мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг асосий тенденциялари. Мустақилликка эришгандан буён ўтган вақт ичида Лотин Америкаси мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётда анча олдинлаб кетди. XX аср бошига келиб бу улкан минтақа анча хилма-хил кўринишга эга эди. Жуда катта, суст ўзлаштирилган ёки ҳатто умуман ўзлаштирилмаган (Амазонка, Патагония дарёлари ҳавзаси)

худудлар билан бир каторда Буэнос-Айрес, Мехико, Сан-Паулу сингари йирик индустриал марказлар ҳам пайдо бўлди. Аргентина, Мексика, Бразилия, Чили, Уругвай каби минтақанинг энг ривожланган мамлакатлари ҳали XIX асрнинг охиридаёқ sanoat тўнтариши даврига кирди ва XX аср бошида ўз sanoat потенциалининг асосларини яратди. Шунинг таъкидлаш лозимки, бу мамлакатлар аввалбошданок ягона жаҳон хўжалик тизимига фаол интеграциялашган эди.

Иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳам тараққиётидаги характерли жиҳати шунда эдики, бу ерда янги ижтимоий-иқтисодий тизимлар эскининг ўрнига келмади, мавжуд тизимга аста-секин интеграциялашиб борди. Бу буржуача тараққиётни енгиллаштириб, унинг суръатларини жадаллаштирди. Аммо бу жараённинг тескари томони ҳам мавжуд эди: бу Лотин Америкаси мамлакатлари ривожланишидаги ўзига хослик бўлиб, интеграциялашган янги тизимлар доирасида анъанавий элементларнинг яшовчанлиги билан характерланади.

Бундан ташқари, энг янги даврда Лотин Америкаси жамияти ривожланишига бу ерда узоқ вақтдан бери кечаётган мураккаб этник жараёнлар катта таъсир кўрсатди. Маҳаллий хиндулар, негрлар, европалликларнинг турлича маданиятлари, анъаналари ўртасидаги ўзаро муносабатлар Лотин Америкаси мамлакатларида жуда ўзига хос ва турли-туман этнопсихологик жамоаларнинг шаклланишига олиб келди. Буларнинг ҳаммаси, ўз навбатида, сиёсий маданиятнинг характерига, бутун сиёсий жараёнларнинг ўзига хослигига таъсир кўрсатди. Лотин Америкаси жамиятларидаги беқарор ҳолат, кўплаб чигал ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан қўшилиб, сиёсий тизимлардаги беқарорликни келтириб чиқарди, тез-тез юз берган давлат тўнтаришлари, қўзғолонлар, инқилоблар сиёсий курашда ўзига хос усулларнинг қўлланилишига олиб келди. Кўпчилик ҳолларда Лотин Америкаси мамлакатлари армияга таянган авторитар режимлар томонидан бошқарилди.

Лотин Америкаси урушдан кейинги (1918–1929) йилларда. Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан кўпчилик Лотин Америкаси мамлакатлари ўз нейтралитети тўғрисида эълон қилди, улардан баъзилари Учлар иттифоқи давлатлари билан дипломатик муносабатларни тўхтатди. 1917 йил апрелда АҚШ урушга киргандан сўнг ҳолат ўзгарди: 8 та мамлакат – Бразилия ва Марказий Америка

республикалари (Гаити, Гондурас, Гватемала, Коста-Рика, Куба, Никарагуа, Панама) Германия билан уруш ҳолатида деб эълон қилди, бошқалари нейтралитетни сақлаб қолди. АҚШ Америка давлатлари ҳарбий иттифоқини тузишга ҳаракат қилди, аммо у пайтда бунинг иложи бўлмади.

Биринчи жаҳон уруши Лотин Америкаси мамлакатларида капитализм ривожланиши жараёнини янада жадаллаштирди. Европадан келадиган товарлар ва капитал оқими вақтинча камайди. Жаҳон бозорида минтақа мамлакатларида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва хомашё маҳсулотларининг нархи ошди. Масалан, Куба шакарининг нархи 11 марта ошди. Бу капиталнинг жамғарилиши, маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, иқтисоднинг нисбатан барқарор суръатлар билан ўсиши учун имконият яратди. Уруш йиллари, масалан, Бразилияда 6 минг янги sanoat корхоналари пайдо бўлиб, бу урушдан олдинги 25 йилдагига нисбатан анча кўп эди.

Биринчи жаҳон уруши йиллари Лотин Америкаси мамлакатларига АҚШ экспансияси кучайди. 1914 йилгача Лотин Америкаси мамлакатлари иқтисодиётига киритилган чет эл инвестицияларининг 80% и Европа давлатларига, асосан Буюк Британияга, 20% и АҚШга тегишли эди. Уруш йиллари АҚШ Лотин Америкасига капитал киритишни 50% га ошириб, Буюк Британияни сиқиб чиқарди. АҚШ капиталининг асосий қисми Мексика, Куба ва Марказий Америка мамлакатларида жойлаштирилди.

Биринчи жаҳон уруши тугагандан сўнг Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро муносабатларда ўз иштирокини кенгайтиришга интилиб, Париж тинчлик конференциясида қатнашди. 1924 йили улар (Мексика ва Эквадордан ташқари) Миллатлар Лигасига аъзо бўлиб кирди, Бразилия эса бир неча йил Лига Кенгаши таркибига ҳам кирди.

1920-йиллари ҳам жаҳон бозорида Лотин Америкаси товарлари учун ижобий конъюнктура сақланиб қолди. Аммо иқтисодий ўсиш аввалигидай асосан экстенсив омилар ҳисобига юз бераётган эди. Қишлоқда латифундиячилик, ташқи бозор учун маҳсулот тайёрлашга йўналтирилганлик, чет эл капиталига қарамлик Лотин Америкаси мамлакатлари иқтисодининг ўзига хос жиҳати бўлиб қолаётган эди. Агроекспорт, тоғ-кон ва енгил sanoat тармоқлари нисбатан жадал ривожланди. Аммо 1920-йиллар охирига келиб

экстенсив асосда иктисодни самарали ривожлантиришнинг имкониятлари тугади.

1920-йиллари Лотин Америкаси мамлакатлари сиёсий жиҳатдан фақат номигагина республика эди. Аҳолининг катта, айниқса йирик иктисодий ва маданий марказлардан узоқда жойлашган қисми саводсиз ёки камсавод бўлиб, сайловларда қатнашмайди, «фуқаролик жамияти»ни ташкил қилмайди ва демократик тузум учун ижтимоий асос бўла олмайди.

Биринчи жаҳон урушидан кейин Лотин Америкаси мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётининг характерли жиҳати ижтимоий кескинлик ва синфий можароларнинг ўсиши бўлди. Уларнинг асосида нафақат ижтимоий, балки сиёсий сабаблар (улар орасида – қасаба уюшмалари ҳуқуқини тан олиш, 8 соатлик иш кунини ўрнатиш кабилар) ҳам мавжуд эди. Иш ташлаш минтақанинг кўплаб мамлакатларида авж олди. Иш ташлашлар фақат саноат районларини эмас аграр районларни ҳам қамраб олди. Кўпчилик ҳолларда полиция билан тўқнашувлар юз бериб, баъзи ҳолларда ўлганлар ва ярадор бўлганлар бўларди. 1918 йил ноябрда Рио-де-Жанейрода бўлган «инқилобий синдикалистлар» кўзғолони, 1919 йил Аргентинадаги «фожиали ҳафта», 1918 – 1919 йиллари Кубада баррикада жангларига айланиб кетган иш ташлашлар, 1919 йили Перунинг шакарқамиш плантацияларида ишчилар кўзғолони, 1919 – 1921 йили Чилида иш ташлаган ишчилар билан ҳарбийлар ўртасидаги тўқнашувлар – булар урушдан кейинги ишчилар ҳаракатининг характерини кўрсатувчи айрим мисоллар, холос. Бу чиқишларнинг кўпчилиги мағлубият билан тугаган бўлса-да, бир қатор ҳолларда иш ташловчилар ҳокимиятнинг баъзи ён беришларига эришди, улардан энг асосийси 8 соатлик иш кунининг жорий қилиниши бўлди. Ишчилар ҳаракатининг етакчилари ичида энг кўзга ташланганлар анархо-синдикалистлар ва социалистлар эди. Социалистик партиялар асосида 1918 – 1925 йиллари Аргентина, Мексика, Уругвай, Чили, Бразилия, Куба коммунистик партиялари вужудга келди. Бироқ бу партиялар камсонли бўлганлиги ва аҳолининг асосий қисми томонидан қўлланмагани сабабли сиёсий курашда фаол роль ўйнамади. Коммунистлар ва социалистларнинг инқилобга ва пролетариат диктатурасига чақириши, уларнинг Коминтерн билан боғлиқлиги ҳокимиятнинг газабини кўзғатди холос: улар таъқиб қилинди ва фаолияти тақиқланди.

Ишчилар ҳаракати ва деҳқонларнинг чиқишлари билан бир қаторда талабалар ҳаракати ҳам фаоллашди. Лотин Америкаси мамлакатлари талабалари умумдемократик талаблар билан чиқди, университет ислоҳотини амалга оширишни талаб қилди. 1918 йили Аргентинанинг Кордова шахри талабалари бу ҳаракатнинг ташаббускори бўлиб чиқдилар. Улар университет аудиторияларини эгаллаб олиб, ўзларига ўқитувчилар танлаш ҳуқуқини талаб қилди. Намойиш ва митинглар бўлиб ўтди. Талабалар ҳаракатини зиёлилар, ишчилар қўллаб-қувватлади. Талабалар Лотин Америкаси халқларига «Кордова манифести» билан мурожаат қилиб, ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини ва университет автономиясини, ўқув дастурларини янгилашни, консерватор-ўқитувчиларни ишдан ҳайдашни, ижтимоий адолатни талаб қилдилар. 1918–1919 йилларда Аргентина ва бошқа Лотин Америкаси мамлакатларидаги талабалар ҳаракати университет ислоҳоти, шунингдек, ишчилар ва хизматчиларга талабалар ҳамда ўқитувчилар маърузалар ўқиши учун «халқ университетлари» тузилиши билан яқунланди.

Лотин Америкаси давлатлари сиёсий ривожланишида турли хил тенденциялар кўзга ташланди, улардан энг асосийлари диктатура, консерватизм, буржуа-либерал ислоҳотчилиги, «инқилобий каудильизм» бўлди.

Бу даврда минтақанинг энг қолоқ мамлакатларида республика тузumi фақат ташқи безак бўлиб, бу ерларда узоқ ҳукмронлик қилаётган диктаторлар – каудильоларнинг консерватив йўналишдаги авторитар ёки диктаторлик режимларини яшириш учун хизмат қиларди.

Бошқа мамлакатларда расман конституция ва вакиллик органлари мавжуд бўлса-да, сиёсий ҳаёт устидан реал назорат помешчик-буржуазия олигархияси қўлида эди. Масалан, Бразилияда сиёсий ҳокимият «қаҳва олигархияси» қўлида жамланган эди. Сайловларда фуқароларнинг жуда кам қисми – тахминан 3% и қатнашарди, холос.

Анча ривожланган капиталистик республикалар – Аргентина, Чили, Уругвайда урушдан сўнг консерватив олигархия режимлари ўрнига конституцион либерал-демократик ҳукуматлар келди. Бу мамлакатларда аҳолининг анча катта қисми ижтимоий-сиёсий ҳаётга тортилган бўлиб, улар кенг сиёсий эркинликларга эга эди. Бу ҳукуматлар (шунингдек, 1910–1917 йиллардаги инқилобдан сўнг

Мексика ҳам) томонидан амалга оширилган ислохотлар минтақа тарихида янги ҳодиса бўлди.

1910–1920-йиллар охиридаги либерал ислохотчилик Лотин Америкасида анча оёққа турган маҳаллий буржуазиянинг, шунингдек, аҳолининг кенг қатлами – майда буржуазия, ўрта қатлам ва бир қисм меҳнаткашлар манфаатларини акс эттирарди. Бу ҳаракат XX аср бошларидаги Ғарбий Европа ва Шимолий Америка буржуа ислохотчилиги таъсири остида ривожланди. Лотин Америкасидаги ислохотчиликнинг илдиэлари Европада саноат капитализми қарор топган даврга бориб тақалади.

Ислохотчи ҳукуматлар ижтимоий сиёсатга катта аҳамият қаратди. Уларнинг бу фаолияти 1917–1921 йиллари Аргентина, Чили, Уругвай, Бразилия ва баъзи бошқа мамлакатларда ишчилар ҳаракатининг кўтарилишига туртки бўлди.

Аргентинада Иполито Иригойен ҳукуматининг (1916–1922, 1928–1930) фаолияти бу давр либерал-ислохотчилик сиёсатига ёрқин мисол бўлиши мумкин. И. Иригойен радикал партияларни бирлаштирган Аргентинани модернизация қилиш ва демократлаштириш оммавий ҳаракатига узок йиллар бошчилик қилди. У икки марта президентлик сайловларида ғолиб чиқди. Унинг ҳукумати миллий саноатнинг ривожланишини рағбатлантирди, давлат нефть саноатини шакллантирди. Қишлоқда кучли фермерлар қатлами шаклланди, ижарачиларнинг аҳволи яхшиланди. И. Иригойен 8 соатлик иш куни тўғрисида қонун қабул қилинишига эришди. Иш ҳақи оширилди, ишчи ва хизматчиларнинг катта қисми учун пенсия белгиланди, ўсмирлар ва аёллар меҳнати чекланди. Касаба уюшмалари эркин фаолият юритиш ҳуқуқини олдилар. Ҳукумат ишчиларнинг норозилигини сусайтиришга эришди ва уларда давлат воситачилигида синфий ҳамкорликнинг мумкинлигига ишонч уйғотди. И. Иригойен Аргентинанинг миллий суверенитетини қатъий ҳимоя қилди.

Айни пайтда минтақанинг бир қатор мамлакатларида, жумладан, Кубада (1925), Чилида (1927) диктаторлик режимлари ўрнатилди, Венесуэлада 1909 йилдан 1935 йилгача диктатура ҳокимиятда бўлди. Куба диктатори Х. Мачадо ва Чили диктатори К. Ибаньес италянча фашизмга мойиллигини яшириб ҳам ўтирмади: К. Ибаньес Чилида корпоратив давлат тузишга интилди, Х. Мачадо эса ўзини «Антиль Муссолиnasi» деб атади. Қаҳва оли-

гархларининг манфаатини ифодаловчи Бразилия ҳукмрон доираларининг ички ва ташқи сиёсати ҳам консерватизм билан характерланади.

Аргентина ва Уругвайда нисбатан демократик либерал-ислохотчилик вариант шаклланди. Бу мамлакатларнинг либерал-демократик ҳукуматлари маҳаллий буржаузия, ўрта қатлам, меҳнаткашлардан иборат кенг ижтимоий базага таянади. Бунга ёрқин мисолни Аргентина президенти И. Иригойен мисолида қараб чиқдик. Худди шундан Уругвайда шаклланган миллий тараккийпарвар либерал-демократик анъаналарга президент Х. Батлье-и-Ордоньес (1903–1907, 1911–1915) даврида асос солинган эди. Х. Батлье-и-Ордоньес ва унинг издошлари даврида Уругвайда умумий сайлов ҳукуки тўғрисида, 8 соатлик иш куни тўғрисида, пенсия тўғрисида, черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида қонунлар, 1917 йили буржуа-либерал конституция қабул қилинди, халқ таълими тизими яхшиланди, бепул таълим жорий қилинди, ишчиларнинг иш ташлаш ва ишсизлик учун нафақа олиш ҳуқуқлари тан олинди. Национализация натижасида давлат сектори вужудга келди, унинг фаолиятдан тушадиган фойданинг бир қисми шу соҳада банд бўлган ишчиларга тақсимланди.

Лотин Америкасида кенг тарқалган консерватив каудильизмдан фарқли равишда 1920-йиллари Мексикада «инкилобий каудильизм» тарқалиб, у президентлар А. Обрегон (1920–1924) ва П.Э. Кальес (1924–1928) номлари билан боғлиқ. Улар ҳукмронлиги даврида 1910–1917 йиллардаги инкилобни давом эттириш йўлида бутун миллатнинг бирлиги ғояси асосида кенг ислохотчилик фаолияти олиб борилди. Аграр ислохот бошланди, деҳқонлар латифундистларнинг 3% га яқин ерига эга бўлди. 1917 йилги Конституция эълон қилган ижтимоий кафолатлар амалга оширила бошланди, мексикалик меҳнаткашлар 8 соатлик иш кунига, жамоа шартномалари тузиш ҳуқуқига, касаба уюшмаларининг тан олинишига эришди.

Мексика минтақавий ишчилар конфедерацияси воситасида ишчиларнинг айрим вакиллари давлат тизимларига ўтиб, парламентда депутат, давлат аппаратида, ҳукуматда турли лавозимларни эгаллади. Молиявий имтиёзларга эга бўлган миллий кичик ва ўрта буржуазиянинг позицияси мустаҳкамланди, давлат банки ташкил қилинди. 1925 йили «Нефть қонуни» қабул қилиниши билан

нефть саноатида АҚШ монополияларининг позицияси чекланди. Ташқи сиёсатда нисбатан мустақил курс юритилди, масалан, Мексика Америка давлатлари орасида биринчи бўлиб СССР билан дипломатик муносабатлар ўрнатди.

Урушдан кейинги ўн йилликдаги тарихий воқеалар демократик курашнинг яна бир кўриниши билан нишонланди: Бразилия ва Никарагуада кўзғолон юз берди. Бразилияда «тенентистлар» (португалча «тененте» — лейтенант) деб аталган бир гуруҳ радикал кайфиятдаги ёш ҳарбийлар олигархиянинг чексиз ҳукмронлигига қарши чиқди. 1922 йили улар демократик конституциявий режим ўрнатиш шиори остида аввал Рио-де-Жанейрода, икки йил кейин эса Сан-Паулуда қуролли кўзғолон кўтарди. Улар тор-мор қилингандан сўнг тенентистларнинг бир қисми Л.К. Престес бошчилигида колонналар ташкил қилди ва мамлакат худуди бўйлаб юришни бошлади. «Престес колоннаси» уларнинг изидан тушган ҳукумат кўшинлари билан жангга киришди ҳамда ўз жасорати билан оддий кишиларда ҳайрат ва умид уйғотди. Кучларнинг тенг эмаслиги кўзғолончиларни икки йилдан кейин мамлакат худудини тарк этишга мажбур қилди. Тенентистчиларнинг ватанпарвар инқилобий ҳаракати Бразилиядаги кейинги сиёсий воқеаларга таъсир кўрсатди.

Никарагуада АҚШ оккупацион қўшинларига қарши А.С. Сандино бошчилигида кўзғолон кўтарилди. Таркибига никарагуаликлардан ташқари Лотин Америкасининг кўплаб мамлакатларидан келган кўнгиллилар бирлашган А. Сандино халқ партизанлар армияси 1927 – 1932 йиллари оғир шароитларда АҚШ денгиз пиёдалари ва ҳукуматнинг миллий гвардиясига қарши кураш олиб борди. Кўзғолончиларнинг муваффақиятлари ҳукуматни улар билан музокаралар олиб боришга мажбур қилди. А. Сандино АҚШ қўшинлари олиб чиқиб кетилиши шарти билан музокараларга рози бўлди. 1933 йил январда АҚШнинг оккупацион қўшинлари Никарагуани тарк этди. 1934 йил февралда расмий музокаралар пайтида А. Сандино қамоққа олинди ва отиб ташланди. Икки йил ўтиб давлат тўнтариши натижасида Никарагуа Самоса диктатураси ўрнатилди.

1929–1939 йилларда Лотин Америкаси мамлакатлари. 1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инкирози капиталистик дунёнинг гуллаб-яшнаётган марказлари билан бирга Лотин Америка-

си сингари чекка ўлкаларига ҳам катта таъсир кўрсатди. Жаҳон иқтисодий инқирози Лотин Америкаси мамлакатларида қарор топган ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг бўш жойларини, иқтисоднинг ташқи бозорга ҳаддан ташқари қарамлигининг оғир оқибатларини очиб ташлади. Инқироз йиллари Лотин Америкаси мамлакатларининг аънавий маҳсулотларига жаҳон бозорида талаб камайиб кетди (масалан, инқироз йиллари Кубада шакар экспорт қилиш 2,5 марта камайиб кетди). Инқироз йиллари Лотин Америкаси мамлакатлари экспортининг умумий қиймати деярли уч марта камайиб кетди. Минглаб плантациялар, завод ва фабрикалар тўхтаб қолди. Ўз харидорини топмаган миллионлаб тонна қаҳва (масалан, Бразилияда 25 млн қоп қаҳва ёқиб юборилди), ғалла ва бошқа плантация маҳсулотлари йўқ қилинди. Кўплаб ишлаб чиқарувчилар хонавайрон бўлди. Юз минглаб кишилар ишсиз қолди. Меҳнаткашлар, аҳоли ўрта қатламининг умумий яшаш даражаси ёмонлашди. Иқтисодий инқироз минтақадаги ҳукмрон режимларни ижтимоий таянчидан маҳрум қилди, ижтимоий беқарорликнинг ўсишига, жиддий сиёсий ўзгаришларга олиб келди. Айни пайтда, ҳар бир мамлакатда воқеалар турлича ривожланди.

Ҳокимиятни либерал-ислохотчилар бошқарган давлатларда ўнг мухолифатчи кучлар инқироздан ҳукуматни ва у олиб бораётган сиёсатни обрўсизлантириш мақсадида фойдаланди. Айнан шундай ҳолат туфайли Аргентинада 1930 йили ҳарбий тўнтариш бўлиб, И. Иригойеннинг иккинчи ҳукумати ағдариб ташланди, ҳокимиятга консерватор гуруҳлар қайтди.

Бразилияда аксинча, инқироз бу ерда ҳукмронлик қилаётган «қаҳва» олигархиясининг позициясини сусайтирди ва бундан мухолифатчи буржуа-миллатчи доиралар фойдаланиб қолди. 1930 йилги буржуа инқилоби олигархия режимини ағдариб ташлади.

Колумбияда ҳам шу йили консерватив олигархия режими ўрнига либерал-ислохотчилар келди. Чили ва Кубада оммавий инқилобий чиқишлар натижасида инқироздан сал олдин ҳокимиятга келган диктаторлик режимлари ағдариб ташланди.

1932 йили Чилида ҳокимиятни 12 кун социалистлар эгаллаб турди ва «социалистик республика»ни эълон қилдилар. Кейин конституцион бошқарув тикланди.

Шу тариқа, 1930-йиллари Лотин Америкасининг сиёсий харитасида кўпинча бир-бирини алмаштирган турли сиёсий режим-

лар – бошқарув шакли бўйича диктаторлик ва конституцион, ижтимоий мазмуни бўйича консерватив, либерал-ислохотчилик, миллатчилик ва сўл кучлар ҳукмронлик қилишда давом этдилар.

Бу даврда давлатнинг иқтисодий фаоллашуви Лотин Америкасида капиталистик таракқиёт йўлидан анча олдинлаб кетган Аргентина, Мексика, Бразилия, Чили ва Уругвай каби давлатлар учун хос жараён эди.

1930-йилларда Лотин Америкаси республикаларида иқтисодни давлат томонидан тартибга солиш, импорт товарларга юқори бож солиғи ўрнатиш ва давлат томонидан иқтисодни ривожлантиришнинг бошқа усуллари: маҳаллий тадбиркорларга кредитлар ва солиқ имтиёзлари бериш, давлат секторини ривожлантириш каби шаклларда ўз аксини топди.

Бу тадбирлар Ғарбий Европа ва Шимолий Америка давлатларида шундай тадбирларнинг амалга оширилиши билан бир пайтга тўғри келди ва албатта улар таъсири остида юз берди. Аммо Лотин Америкасида иқтисодга давлат аралашувининг кучайиши маҳаллий капитализм ривожланишини тезлаштириш мақсадида амалга оширилди.

Иқтисоднинг давлат томонидан бошқарилиши Лотин Америкаси мамлакатларида турли вариант ва микёсга эга бўлди. Консерватив вариант Аргентинада Августин Хусто ҳукумати даврида (1932–1938) амалга оширилди. Бу ерда давлатнинг иқтисодга бевосита аралашуви давлат хазинасини ва агроэкспорт олигархиясини қўллаб-қувватлаш мақсадига қаратилди. Бразилияда Жетулио Варгаснинг националистик диктатураси даврида (1930–1945) иқтисоднинг давлат томонидан бошқарилиши миллий буржуазия манфаатларини ифода этди. Бу ерда давлат сиёсати кўпроқ миллий капитални ва саноат ривожланишини қўллашга қаратилди. Ушбу сиёсат йирик давлат секторининг шаклланишига олиб келди ва катта ер эгалари ҳамда чет эл кампанияларининг манфаатларига таъсир кўрсатди. Бу сиёсат ишчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан қўшиб олиб борилди.

Чили ва Мексикада давлатнинг иқтисодга аралашуви миллий-ватанпарвар, демократик ва сўл кучларнинг кенг қатлами, шунингдек, ўрта ва кичик тадбиркорлар, деҳқонлар ҳамда шаҳар меҳнатқашларининг манфаатларини ифода этди. Бу мамлакатларда иқтисодга давлатнинг аралашуви жиддий аксилолигархик ва ак-

силимпериалистик сиёсатга, жумладан, қатор соҳаларнинг национализация қилиниши ва ижтимоий ислоҳотларга олиб келди. Бу жараён Мексикада Карденаснинг инқилобий-демократик ҳукумати (1934–1940), Чилида эса демократик конституцион режим шароитида Халқ fronti ҳукумати (1934–1940) фаолиятида намоён бўлди.

Чилида Халқ fronti 1936 йили тузилди. Унга радикаллар, социалистлар, коммунистлар ва демократлар партиялари, шунингдек, қасаба бирлашмалари кирди. Бу вақтга келиб Чили коммунистлари Лотин Америкасининг бошқа мамлакатларидаги сингари зудлик билан «социалистик инқилобни амалга ошириш» мақсадидан воз кечдилар ва бошқа сўл ҳамда демократик кучлар билан яқин келажақдаги мақсадлар: демократик эркинликлар ва меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт, миллий суверенитетни таъминлаш борасида ҳамкорлик қилиш йўлидан борди. Бу Халқ фронтини тузиш ишини енгиллаштирди. 1938 йилги президентлик сайловларида ғалаба қозongan Халқ fronti ҳокимиятга келди. Коммунистлар ҳукумат таркибига кирмади, аммо уни қўллаб-қувватлади.

Чилида Халқ fronti ҳукумати демократик эркинликларни, меҳнаткашлар ҳуқуқларини кенгайтди, ўта ўнг ташкилотларга қарши чоралар кўрди. 1939 йили ташкил қилинган Ишлаб чиқаришни ривожлантириш корпорацияси янги заводларни ишга туширди, оғир саноатнинг пайдо бўлишига кўмаклашди. Унинг фаолияти иқтисодиётда анча таъсирли давлат секторининг пайдо бўлишига олиб келди. Кичик ва ўрта ер эгаларига ёрдам кўрсатилди, бўш ерларнинг бир қисми ерсиз деҳқонларга бўлиб берилди.

Лотин Америкаси мамлакатлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида. Иккинчи жаҳон уруши бошланишига келиб минтақанинг ташқи сиёсий позициясини АҚШ ифода қиларди. Бу сиёсат ҳарбий доктринасининг моҳияти АҚШ армияси уставида баён қилинган бўлиб, «тинчликка эришиш учун уруш олиб бориш миллий қуроли кучларни қўллаш санъатини иқтисодий ва сиёсий мажбурлаш тадбирлари билан уйғунлаштиришдан» иборат эди.

АҚШ армиясини урушга унинг яқунловчи босқичида жалб қилиш кўзда тутилаётган бўлиб, қуроли кучларнинг сақланиб қолиши улкан ҳарбий-иқтисодий имкониятлар билан қўшилиб, ҳам

ғолиблар, ҳам мағлублар олдиға АҚШ учун фойдали шартларни қўйиш имконини берарди.

Уруш арафасида бўлғуси ракиблар ўртасида Лотин Америкасига таъсир ўтказиш, унинг озик-овқат ва хомашё базасига эгалик қилиш учун рақобат кучайиб кетди. Германия Лотин Америкасини стратегик хомашё базаси сифатида қараётган эди. Нацистик Германия, фашистик Италия ва франкочи Испаниянинг агентлари минтақада ҳарбий базаларни яратиш ва фашистпараст ҳукуматларни ҳокимиятга келтиришнинг режасини ишлаб чиқди. Осиёда шиддатли урушга тайёрланаётган Япония ҳам Лотин Америкаси мамлакатларидан стратегик хомашё олишга интиларди. Буюк Британия ҳам Лотин Америкасига таъсир кўрсатиш учун ҳаракат қилаётган эди. АҚШ эса минтақани қатъий назорат остида ушлашга интиларди.

Урушнинг бошланғич босқичида Лотин Америкаси мамлакатларнинг позицияси АҚШ позициясига ўхшаш – урушга киришмасдан, нейтралитетни сақлаган ҳолда урушаётган иккала томонга ҳам товар етказиб бериш билан бойиб кетиш эди. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан 1939 йил сентябрда Панамада бўлиб ўтган Америка давлатлари ташқи ишлар вазирларининг биринчи маслаҳат кенгашида нейтралитет тўғрисида декларация қабул қилинди ва Америка қитъаси атрофида кенглиги 300 миль бўлган «хавфсизлик зонаси» яратилиши эълон қилинди. Хавфсизлик зонасини яратишдан Америка қитъаси ҳудудий сувларини уруш ҳаракатларидан сақлаш, Америка давлатлари ўртасида савдонинг ривожланишига қўмаклашиш, шунингдек, бу ерга Германия кемаларининг келишига йўл қўймаслик, урушаётган томонлар кемаларини қўлга олиш мақсадлари кўзланган эди.

Европадаги уруш ҳаракатлари Лотин Америкасига Германиянинг таъсирини кескин камайтирди, Германия импортининг ҳиссаси камайди (16,5% дан 1,2% гача), савдо нейтрал мамлакатлар воситачилигида амалга оширилди, масалан, қимматбаҳо хомашё (олмос, кристалл кварц, слюда (шаффоф минерал) ва бошқалар) Лотин Америкасидан Германияга швед, испан ва португал кемаларида ёки Италия самолётларида олиб кетиларди. Аргентина ва Парагвай худди шу воситачилар орқали фашистик давлатлар билан ҳамкорлик қилишда давом этди; фақат 1942 йили Испания Германия учун Аргентинадан 150 минг тонна буғдой ва 30 минг тонна

маккажўхори ташиб кетди. Шунингдек, Аргентина Германиянинг Лотин Америкасидаги разведка хизмати марказига айланди. Немис курол-аслаҳалари билан куролланган, немис мутахассислари томонидан ўргатилган ва немисча намунада қурилган Аргентина армияси олий қўмондонлиги орасида фашистпарастлик кайфияти кучли эди. Мексика, Колумбия, Бразилия, Аргентина ва Чилида маҳаллий фашистик ташкилотлари тузилди.

Америка қитъасининг кўплаб мамлакатлари танлаган нейтралитет позицияси қуйидаги ҳолатлар туфайли бузилди. Биринчидан, уруш ҳаракатлари туфайли 1939 йили Европа билан иқтисодий ва савдо алоқалари икки баробардан кўпроқ қисқарди. Иккинчидан, фашистик давлатларнинг муваффақиятлари АҚШ ва Лотин Америкаси учун хавф сола бошлади. Учинчидан, Франция ва Голландия таслим бўлганлиги туфайли уларнинг Жанубий Америка ва Кариб хавзасидаги мустамлакалари учун хавф туғилди; худди шундай хавф Буюк Британиянинг минтақадаги мустамлакалари учун ҳам пайдо бўлди. Тўртинчидан, 1941 йил 7 декабрда АҚШ урушга қўшилди. Шу сабаблар туфайли Марказий Америка ва Кариб хавзаси давлатлари АҚШдан кейин фашистик давлатларга уруш эълон қилди. 1941 йил декабрда Венесуэла, Колумбия ва Мексика «Берлин-Рим ўқи» мамлакатлари билан дипломатик муносабатларни узди. Германия ва унинг иттифокчиларига 1942 йили Бразилия, қолган мамлакатлар – Венесуэла, Парагвай, Перу, Уругвай, Чили, Аргентина эса 1945 йил февраль – март ойларида уруш эълон қилди.

Иттифокчиларнинг ҳарбий операцияларида фақат иккита давлат иштирок этди. Бразилияда Варгас ҳукумати жамоатчилик босими остида италян фронтига 50 минг кишилик экспедицион корпус жўнатди, бразилияликлар бу ерда 1945 йил апрелгача, яъни Италиядаги немис-фашист қўшинлари таслим бўлгунича жанг қилди. Мексика АҚШ қўшинлари таркибида Тинч океанида Японияга қарши курашиш учун Филиппинга ва Тайвань оролига ҳарбий-ҳаво кучлари эскадрильясини жўнатди. Лотин Америкасининг бошқа мамлакатлари уруш йиллари иттифокчиларга озик-овқат ва хомашё, жумладан, стратегик металллар етказиб берди, улар кемалари Атлантика ва Тинч океанларида патруль хизматини ўтади, халқаро муносабатларда дипломатик фаолликни оширди. Бразилия, Панама, Перу ва Эквадор худудида АҚШ ўзининг ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучлари базаларини жойлаштирди, шу ердан Европа ва Ши-

молий Африкага кўшинлар, курул-аслаха жўнатилди ва бу немис сувоисти кемаларининг Лотин Америкаси кирғоқларидаги фаоллигини сусайтирди. Уруш охирига келиб Лотин Америкасида АҚШнинг 92 базалари ва юзлаб кузатувчи таянч пунктлари мавжуд эди. Буюк Британия, Франция ва Голландиянинг Ғарбий яримшардаги мустамлака худудларига АҚШ кўшинлари киритилди.

Иккинчи жаҳон уруши Лотин Америкаси мамлакатларининг иқтисодий ривожланишига жиддий таъсир кўрсатди. Озиқ-овқат ва хомашё маҳсулотларининг катта миқдордаги экспорти ва жаҳон бозорида уларнинг барқарор юқори нархи Лотин Америкаси мамлакатларига ўз валюта захираларини ошириш имконини берди. Урушаётган мамлакатлардан товарлар импортининг кескин камайиши маҳаллий саноатнинг – «импорт ўрнини босувчи индустрлаштириш»нинг жадал ўсишига олиб келди. Саноатнинг анъанавий қайта ишлаш соҳасида ва «янги» соҳаларида (кимё, металлургия, нефтни қайта ишлаш) янги корхоналар қурилди ва мавжудлари кенгайтирилди. Бу муҳим ижтимоий ўзгаришларга ҳам олиб келди – шаҳар ўрта қатлам аҳолисининг сони кўпайди, қишлоқ хўжалиги билан банд бўлганлар сони, аксинча, камайди, миллий буржуазия кучайди. Уруш йиллари минтақадаги саноат корхоналарида ишчи ва хизматчилар сони қарийб икки баробар кўпайди. Иккинчи жаҳон уруши Лотин Америкасида АҚШ билан рақобатда бўлган Европа давлатларининг мавқеини пасайтирди, Америка Кўшма Штатлари Лотин Америкаси мамлакатлари иқтисодиётига киритаётган ўз инвестицияларини 13% га оширди.

Лотин Америкаси асосий ҳарбий ҳаракатлар худудидан узоқда жойлашган бўлса-да, урушнинг бориши минтақадаги ҳолатга ўз таъсирини кўрсатди. Кўплаб мамлакатларда СССРга ёрдам кўрсатиш турли хил ташкилотлари тузилди. Бу ташкилотлар СССРга пул, кийим-кечак, пойабзал, дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатиш билан шуғулланди. Улар митинглар уюштириб, Европада иккинчи фронтнинг очилишини талаб қилди. Лотин Америкасидаги касаба уюшмалари антигитлер коалицияга маблағлар ўтказиб турди.

Иккинчи жаҳон урушининг бориши ва сиёсий натижалари Лотин Америкаси аҳолисининг ижтимоий фикрига, оммавий психологиясига, сиёсий ориентациясига ҳам таъсир қилмасдан қолмади.

Урушнинг яқунловчи босқичида ва урушдан кейинги дастлабки йилларда Лотин Америкаси мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократизациялаш томон бурилиш юз берди. Бу оммавий ҳаракатларнинг (митинглар, намоёишлар, кўзғолонлар) кучайишида ва Сальвадорда (1944 йил апрель), Эквадорда (1944 йил май), Гватемалада (1944 йил октябрь) диктаторлик режимларининг ағдарилишида намоён бўлди. 1944–1945 йиллари оммавий намоёишлар натижасида Аргентина ва Бразилияда сиёсий маҳбуслар амнистия қилинди ва фуқаролик эркинликлари тикланди. Боливия, Венесуэла, Гватемала ва Аргентина ҳукуматлари миллий табиий ресурсларни химоя қилишга қаратилган прогрессив иқтисодий тадбирларни амалга оширди, меҳнаткашларга ён берди. Касаба уюшмалари, айниқса Лотин Америкаси меҳнаткашлари конфедерацияси атрофида бирлашган сўл канот ҳаракати фаоллашди. Куба, Эквадор, Чилида коммунистлар ҳукумат таркибига кирди. Лотин Америкаси жамоатчилигининг фашизмга қарши курашаётган совет халқларига хайрихоҳлиги ошди. 1942 йил октябрдан 1945 йил июнгача 20 та Лотин Америкаси давлатларидан 12 таси СССР билан дипломатик муносабатлар ўрнатди.

Уруш ва тинчлик масалаларини муҳокама қилиш учун 1945 йил февраль – март ойларида Мехикода Лотин Америкаси давлатларининг конференцияси очилди. Ташки ишлар вазирлари қатнашган конференция ишининг натижаси «Чапультепек декларацияси» (Чапультепек – конференция бўлиб ўтган Мехикодаги қаср номи) номи асосий ҳужжатда акс этди. Унда жаҳонда вужудга келган янги ҳолатда тинчлик ва инсон ҳуқуқларини сақлаш йўлида Америка халқларининг иттифоқи ва ҳамкорлиги ҳар қачонгидан ҳам зарур эканлиги, ўзаро ёрдам ва Америка давлатларини ҳамкорликда химоя қилиш принципи урушдан кейин ҳам сақланиб қолиши лозимлиги таъкидланди. Бу АҚШ Америка китъасида бўлгуси ҳарбий-сиёсий блокнинг заминини қўйишга интилаётганидан далолат эди. Бундан ташқари, АҚШ таклифи билан аста-секин ўзаро божхона чегараларини бекор қилиш, иқтисодий камситишни бартараф этиш, киритилмайдиган чет эл капитални учун кафолат муҳитини яратиш, халқаро савдони рағбатлантириш мақсадида «Иқтисодий хартия» қабул қилиниб, у Лотин Америкасида АҚШ иқтисодий экспансияси учун қулай шароит яратиши лозим эди.

* * *

Иккинчи жаҳон уруши даврини якунловчи яна бир муҳим воқеа 1945 йил апрель – июнь ойларида бўлиб ўтган Сан-Франциско конференцияси бўлди. Унда Лотин Америкасидан 19 та мамлакат вакиллари иштирок этди. Улардан кўпчилиги шу конференцияда Устави имзоланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Лотин Америкаси мамлакатлари тараққиётида янги давр бошланди.

XIX боб бўйича саволлар

1. Биринчи жаҳон уруши Лотин Америкаси мамлакатлари ривожига қандай таъсир кўрсатди?
2. 1920-йиллари Лотин Америкаси мамлакатларида қандай сиёсий тузумлар шаклланди? Жамиятда авторитар ва диктаторлик режимлари учун қандай асослар мавжуд эди?
3. 1920-йиллари Лотин Америкаси мамлакатларида ўтказилган ислохотчилик қандай йўналишларда олиб борилди? Аргентинадаги И. Иригойен фаолиятига баҳо беринг.
4. 1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози Лотин Америкаси мамлакатларига қандай таъсир кўрсатди?
5. 1930-йиллари Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатларда олигархия ва диктаторлик режимларини ағдариб ташлаган инқилобларнинг сабаби нимада эди?
6. Лотин Америкаси мамлакатларида давлатнинг иқтисодга аралашуви қандай мақсадларни кўзлади ва нималарда намоён бўлди?
7. 1930-йиллари АҚШнинг Лотин Америкаси мамлакатларига нисбатан муносабатида қандай ўзгаришлар юз берди?
8. Иккинчи жаҳон уруши Лотин Америкаси мамлакатлари ривожланишига қандай таъсир кўрсатди?

IV БЎЛИМ

ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ

XX Б О Б . ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА ХИТОЙ

Хитойнинг Биринчи жаҳон урушида иштироки натижалари. Хитойнинг Биринчи жаҳон урушидаги иштироки асосан Россиядаги ҳарбий истеҳкомлар қурилишига ва ҳарбий заводларга ишчи кучи жўнатишдан иборат бўлди. Албатта, Германия ва унинг иттифоқчилари Хитойнинг ёрдамсиз ҳам мағлуб қилинган бўларди. Аммо Хитойнинг иштироки унга расман ғолиб давлатлар сафидан ўрин олиш имконини берди. Бу унинг халқаро макomini ошириб, минтақада Япониянинг гегемонлик сиёсатига қарши туришига ёрдам берарди. Чунки 1915 йил январда Германияга уруш эълон қилган Япония Хитойнинг Циндао шаҳрида Германиянинг ҳарбий-денгиз базаси мавжудлигини баҳона қилиб, нафақат ушбу шаҳарни, балки бутун Шаньдун провинциясини босиб олди. Барча кучли давлатларнинг жаҳон уруши билан бандлигидан фойдаланган Япония Хитойга «21 талаб» деб аталган ҳақоратли талабларни қўйди. Дуань Цижуй бошчилигидаги Хитой ҳукумати ожизлиги сабаб бу талабларнинг деярли барчасини қабул қилишга мажбур бўлди. Амалда бу Хитойнинг Японияга тўлиқ қарамлигини англа-тар эди.

1919 йил Париж конференциясида Хитой ўз талаблари билан иштирок этди. Бу талаблар япон қўшинлари томонидан Хитой ҳудудини босиб олишни тўхтатиш, Шандунь оролини озод қилиш, «21 талаблар»дан воз кечиш, Хитойнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини тан олишдан иборат эди. Талаблар XIX аср охирида Хитой Ғарб давлатлари билан имзолашга мажбур бўлган шартномаларнинг ҳам бекор қилинишини назарда тутарди. Ғарб давлатлари бунга рози бўлмади ва Хитойга расман рад жавоби берилди.

«4 май ҳаракати» ва унинг сиёсий оқибатлари. Ғарб давлатларининг жавобидан ғазабланган хитойлик талабалар 4 май куни Пекинда намойиш бошладилар. Намойиш икки ҳафта давом этди. Улар Хитой делегацияси Париж конференциясини тарк этишини, тинчлик шартномасини имзоламаслигини талаб қилдилар. Талабалар япон товарларини бойкот қилишга чақирди. Бу чақириқ бутун мамлакат бўйлаб авж олди. Намойиш маркази аста-секин Шанхайга кўчиб, бу ерда 4 июнь куни умумий иш ташлаш бошланди ва талабалар намойиши «янги маданият учун» умуммиллий ҳаракатига айланиб кетди. Ҳаракат натижасида хитойликлар муомала тилига мос бўлган янги ёзув – байхуа сиёсий публицистика ва адабиётга жорий қилинди. Бу миллионлаб оддий кишиларга саводли ва маърифатли бўлиш имконини берган ҳақиқий инқилоб эди. Талабалар ҳаракати бутун Хитойни ларзага солди ва жуда катта ижобий натижаларга олиб келди.

1919 йил 25 июлда Совет Россиясининг «Шимолий ва Жанубий Хитой ҳукуматларига» мурожаати эълон қилинди. Унда Хитой билан тузилган тенг бўлмаган шартномалар бекор қилингани билдирилиб, Россиянинг ёрдам кўрсатишга интилиши изҳор қилинди, аммо бу пайтда Шимолий қўшнининг ёрдам кўрсатишга имконияти чекланган эди.

1919 йил 10 октябрда Сунь Ятсен Шанхайда Жунго Гоминьдан (Хитой миллий партияси)ни қайта тиклади ва Жанубда сиёсий ҳокимият учун кураша бошлади. Партия учта машҳур принциплар – миллатчилик, халқ ҳокимияти, халқ фаровонлиги асосида ҳаракат қилди.

1920 йил июлда Пекинда Аньхой тўдаси етакчиси Дуань Цижуй ҳукумати ағдарилиб, ҳокимиятга Англия ва АҚШ томонидан қўллаб-қувватланган Чжили тўдаси етакчиси У Пейфу келди. АҚШ умуман Хитойга эътиборини намойишкорона кучайтирди, унинг суверенитетини мустаҳкамлашга интилди. Европа давлатлари ҳам Хитойда ўз позицияларини тиклай бошлади ва шу асосда Япония билан муносабатлари кескинлашди.

Бу 1921–1922 йиллари Вашингтонда бўлиб ўтган конференция Япониянинг дипломатик яққаланишига олиб келди. Конференциянинг асосий натижаларидан бири «Хитой ҳақида 9 давлат» шартномасининг имзоланиши бўлди. Барча иштирокчи давлатлар Хитойнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини кафолатлашга ваъда

берди. Яккаланиб қолган Япония «21 талаб»дан воз кечиб, Шаньдун вилоятини Хитойга қайтаришга мажбур бўлди. Чет элликларнинг экстерриториаллигини ва бож автономиясини бекор қилиш масаласини кейинроқ муҳокама қилишга келишиб олинди. Умуман конференция Хитойнинг халқаро обрўси ошаётганлигидан далolat берди. Хитойда ўзининг иқтисодий позициясини йўқотган Япония, ўзига қарашли Кореяга қўшни бўлган Манжурияда ўрнашиб олишга ҳаракат қилди. Бу ерда яхлит саноат комплекси яратилди, коммуникация тармоғи ривожланди. Кейинчалик Япониянинг Хитойга қарши кенг миқёсли тажовузи бошланганда бу жуда муҳим роль ўйнади.

«4 май ҳаракати» деҳқонларнинг фаоллашувига ҳам туртки бўлди: ҳамма жойларда ижарачилар иттифоқлари, турли хил деҳқонлар ташкилотлари тузилди, қадимги махфий жамиятлар («Қора найза», «Сариқ найза», «Қашшоқлар иттифоқи», «Пучкоринлар жамияти») қайтадан пайдо бўлди. Янгидан ташкил қилинган деҳқонлар мудофаа отрядлари аҳолини милитаристлардан ва ҳарбийларнинг бебошлигидан ҳимоя қилишни ўз зиммасига олди.

Деҳқонлар уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик асосида ҳаракат қилдилар. Ҳар доим улар дунёқарашининг ўзига хос жиҳати ксенофобия – бегоналарга нисбатан хавфсираб қараш эди. Хитой тилида варварлар, яъни маданиятсизлар деб аталувчи чет элликлардан ташқари қўшни провинцияликлар, ҳатто қўшни кишлоқликлар ҳам бегоналар ҳисобланарди.

Айни пайтда 1920 йили Хитойда марксистик тўғарақлар пайдо бўлди. Улар Пекинда, Шанхайда фаолият юрита бошлади. Хунань провинцияси пойтахти Чанша шаҳрида Мао Цзэдун марксистик тўғарақ ташкил қилди, Ухань, Гуанчжоу шаҳарларида ҳам марксистик тўғарақлар фаолият юритди. Ҳатто эмиграцияда, Сарбонна университетиде, марксистик гуруҳлар пайдо бўлди, кейинчалик таникли арбоб бўлган Чжоу Эньлай ҳам шу гуруҳлардан бирига кирди.

Москвада ташкил қилинган Коминтерн Хитой инқилобчилари билан Россиядаги фуқаролар урушида қатнашган хитойликлар орқали алоқа ўрнатишга ҳаракат қилди. 1921 йил 1 июль куни Шанхайда Хитой Коммунистик партиясининг I съезди очилди. Съездга Коминтерн вакили Маринг раҳбарлик қилди. Бу пайтда коммунист-

лар сони жуда кам (53 киши) бўлса-да, съезд Хитой Коммунистик партияси (ХКП) тузилганлигини эълон қилди.

Партия узоққа мўлжалланган дастур қабул қилди, аммо Гоминьдан ва Сунь Ятсен билан яқинлашишдан воз кечди. ХКП Марказий Кўмитасининг котиби қилиб Чень Дусю сайланди. Шу тарика кейинчалик Хитой тарихида жуда катта роль ўйнаган коммунистик ҳаракатга асос солинди.

1920–1924 йиллари ички сиёсий ҳолатнинг кескинлашуви. 1920 йил октябрда Сунь Ятсен Гуандунь тўдаси генераллари томонидан Гуанчжоу ҳукуматини бошқаришга таклиф қилинди. 1921 апрелда бу ерда илгари Юань Шикай томонидан қувиб юборилган парламент йиғилди ва унда Сунь Ятсен Хитойнинг фавкулудда президенти деб эълон қилинди. Аммо президентда реал ҳокимият йўқ, қўшин генералларга бўйсунар, президентнинг шахсий кўриқчилари 200 кишидан иборат эди.

1922 йил июнда Сунь Ятсен пойтахтдан қувиб юборилди, аммо 1923 йил февралда ҳокимиятга келган бошқа тўда – Гуансий тўдаси генераллари томонидан қайта таклиф қилинди.

Бироқ мамлакат шимоли ва чет эл давлатлари жанубдаги ҳукуматни ва Сунь Ятсеннинг президентлигини тан олмадилар. Сунь Ятсен эса ўзининг «Хитойни қутқариш» дастурини чет эл ёрдамсиз амалга ошира олмади. Капиталистик давлатлардан ёрдам ололмаган Сунь Ятсен моддий ва ҳарбий ёрдам сўраб совет Иттифоқига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Марксизм ва синфий кураш назариясини тан олмаган Сунь Ятсен Совет Россияси тажрибасидан, аввало кучли давлат ҳокимияти ҳақидаги тасаввурни, жипслашган партияга раҳбарлик қилишни ва армияга таяниш лозимлигини ўрганди. Аммо у Хитойда коммунистик, совет тузумини яратиш мумкин эмас деб ҳисоблади.

Шунга қарамадан, Сунь Ятсен ўз позициясини мустаҳкамлаш учун ёрдам олиш мақсадида совет ҳукумати билан алоқа ўрнатишга интилди. 1923 йил мартда СССРдан Хитойга Михаил Бородин бошчилигида бир гуруҳ ҳарбий ва сиёсий маслаҳатчилар келди. Уларнинг маслаҳатига кўра Сунь Ятсен коммунистлар билан алоқа ўрнатди. Гоминьданга нисбатан муносабатни ўзгартириш тўғрисида ХКПнинг қарори 1922 йили қабул қилинган эди. 1923 йил июнда бўлиб ўтган ХКПнинг III съездида Гоминьдан тарки-

бига кириш тўғрисида қарор қабул қилинди, аммо коммунистлар ўзларининг ташкилий тузилишини сақлаб қолди.

1924 йил январда Гоминьданнинг бирлаштирувчи съезди бўлди. Унда партиянинг Дастури ва Устави қабул қилинди. Сунь Ятсеннинг учта «халқ принциплари»га: «миллатчилик» – чет элликларнинг зўравонлигига чек қўйиш, «халқ ҳокимиятчилиги» – милитаристларни ҳокимиятдан четлаштириш, «халқ фаровонлиги» – кишиларнинг давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиниши, деб таъриф берилди.

Уставда учта сиёсий йўл-йўрик: Совет Россияси билан иттифок, ХКП билан ҳамкорлик, ишчи ва деҳқонларни қўллаб-қувватлаш белгилаб берилди. Дастурда куйидаги мақсадларга босқичма-босқич эришиш стратегияси очиб берилди: 1) ҳарбий бирлашиш, 2) 6 йиллик васийлик даври, 3) конституцион бошқарувга ўтиш. Гоминьдан Марказий ижроия қўмитаси таркибига 9 нафар коммунистлар, жумладан, Мао Цзедун сайланди. М. Бородин раҳбарлигида жойларда Гоминьданни қайта ташкил қилиш бошланди.

Айни пайтда Сунь Ятсен ҳукуматига ҳарбий ёрдам кўрсатилди. Ҳарбий ёрдам тўғрисида музокараларни 1923 йил кузда Москвага келган Чан Кайши бошчилигидаги Гоминьдан ҳарбий делегацияси олиб борди. Совет ҳарбий маслаҳатчилари ёрдамида Хитой армияси қайта ташкил қилинди, сиёсий комиссар лавозими жорий қилиниб, улар аскарлар орасида тушунтириш ишларини олиб борди. Совет маслаҳатчилари дарс берадиган ҳарбий мактаблар ташкил қилинди, уларга Чан Кайши бошчилик қилди, бу мактаблар битирувчилари кейинчалик Гоминьдан армиясининг асосини ташкил қилди.

1924 йил октябрда Гуанчжоуда бошланган ва 15 минг киши иштирок этган савдогарлар қўзғолони янги армия кучи билан жуда тез бостирилди. Шундан сўнг, 1924 йил охири – 1925 йил бошларида мамлакат Жанубида турли хил милитаристларга қарши хужум операциялари олиб борилди, бу Сунь Ятсен ҳукуматига ўз позициясини мустаҳкамлаб олиш ва Гуаньдун провинциясини тўлиқ тозалаш имконини берди.

Пекинда эса 1920 йилдан бери Чжили тўдаси етакчиси У Пэйфу ҳукмронлик қилишига қарамасдан, ҳокимиятга даъвогарлар кўп бўлиб, генераллар ўртасида тўқнашувлар давом этарди. 1922 йили майда У Пэйфу бу тўқнашувларда тўлиқ галабага эришиб, 1912 йил Конституцияси тикланганлигини эълон қилди. Аммо расмий пре-

зидент Ли Юаньхун реал ҳокимиятга эга эмасди, ҳукумат тўхтовсиз алмашди, парламент деярли фаолият юритмади. Бундай шароитда ҳарбий можаролар яна бошланиб кетди. Барча барчага қарши курашарди.

1924 йил октябрда У Пэйфунинг Пекинда йўқлигидан фойдаланган Чжили гуруҳи генерали Фэн Юйсян ҳокимиятни эгаллаб олди. У Сунь Ятсен, Гомиьндан, ХКП билан алоқа ўрнатди ва ҳатто СССРдан ҳам ёрдам сўради.

Генерал Фэн Юйсян ҳокимият учун гуруҳлар ўртасидаги курашга барҳам бериш мақсадида муҳолифларни, жумладан, Сунь Ятсенни ҳам Пекинга таклиф қилди. Сунь Ятсен ягона миллий ҳукумат тузиш ниятида Пекинга келди. Аммо у касаллиги туфайли 1925 йил мартда вафот этди. Мамлакатни тинч йўл билан бирлаштириш имконияти йўққа чикди.

Сунь Ятсеннинг ўлимидан сўнг Гомиьнданда ҳокимият учун кураш бошланиб кетди. Жанубда ҳукумат бошлиғи лавозимини Ван Цзинвэй эгаллади, аммо Гомиьнданда етакчилик ролига ҳарбий арбоб Чан Кайши ҳам даъво қила бошлади.

Айни пайтда Шимолда ҳам аҳвол мураккаблашди. 1925 йил ноябрда генерал Фэн Юйсян яна ўз қўшинларини Пекинга киришиб, Манжурия диктатори Чжан Цзолинга қарши уруш бошлади. Аммо бир қатор жанглардан сўнг 1926 йил мартда Фэн Юйсян қўшинлари Пекинни ташлаб Ганьсу ва Шэньси провинцияларига қочишга мажбур бўлди. Шу пайтда Хунань провинциясида ҳам деҳқонларнинг «Қизил найза» ташкилоти қўзғолон кўтариб, бу ердан Фэн Юйсяннинг 2- ва 3- армияларини қувиб чиқарди. Қўшинлар қурол-яроғ ва совет маслаҳатчиларини ташлаб қочдилар.

Фэн Юйсян қўшинлари Калган ва Нанькоу ҳудудларида ўрнашди, аммо 1926 йил августда бу ерни ташлаб қоча бошлади. Фэн Юйсяннинг ўзи эса СССРга қочиб кетди.

Хитойда фуқаролар уруши (1925–1937). 1925 йил мартда Сунь Ятсен вафот этди. Шунга қарамасдан Гомиьндан ҳукуматининг позицияси Жанубда кучайиб борди. Мамлакатда аксиляпон кайфият кучайиб кетди. Шанхайдаги япон текстиль фабрикасида хитой ишчисининг ўлдирилиши оммавий ғазабга сабаб бўлди, унинг ортидан Циндао (Шаньдун)да бошланган аксиляпон намоийш оккупантлар томонидан ўққа тутилди. 1925 йил 30 майда Шанхайдаги инглиз сеттльменти полицияси талабалар намоийшига қаратиб ўт очди.

Бу 1925 йил 1 июнда Шанхайда умумий иш ташлашга олиб келди. Иш ташлашга септльментда ўрнатилган тартиблардан норози бўлган Шанхай тадбиркорларининг вакиллари ҳам қўшилди. Иш ташловчиларнинг талабларини Пекиндаги ҳукумат ҳам қўллаб-қувватлади. Иш ташлаш Англиянинг Хитой ҳудудидаги мустамлакаси – Гонконгга ҳам тарқалди. Иш ташловчилар шаҳарни ташлаб, кўшни Гуанчжоуга кетдилар, бу ерда Гоминьдан ҳукумати уларга ёрдам кўрсатди. Хитойда инглиз товарларининг бойкоти бошланиб, бутун Гонконгдаги савдони издан чиқарди. Иш ташлаш 1926 йил июннинг охиригача, чет давлатлар вакиллари Хитойнинг талабини махсус халқаро конференцияда кўриб чиқишни ваъда қилмагунча давом этди.

Иш ташлашни қўллаб-қувватлаган Ван Цзинвэй ҳукуматининг обрўси анча яхшиланди. Совет мутахассислари раҳбарлигида Гоминьдан армиясининг жанговарлик қобиляти ҳам кучайди. Чан Кайши бош қўмондон қилиб тайинланди ва Жанубда реал ҳокимиятни қўлга киритди.

1926 йил 1 июль куни Шимолни милитаристлардан озод қилиш учун юриш бошлаш тўғрисида манифест эълон қилинди. Юришда В. К. Блюхер бошчилигидаги совет ҳарбий маслаҳатчилари ҳам қатнашди. Юришга Чан Кайши бошчилик қилди. Гоминьдан армиясига қарши анча кўп сонли қўшинлар курашса-да, гоминьданчиларнинг юқори жанговар қобиляти сезилиб турди. Кўпчилик ҳолларда шимолий милитаристлар қаршилик кўрсатишдан кўра гоминьданчиларга қўшилишни афзал кўрди. Кўплаб ҳудудлар: Хунань, Хубэй, Фуцзянь, Цзянси провинциялари Гоминьдан назорати остига ўтди, армия сони ҳам ошиб борди. У икки колоннага бўлиниб, икки йўналиш бўйича ҳаракат қилди. Биринчиси 1926 йили Ухань шаҳрини эгаллади ва пойтахт Гуанчжоудан бу ерга кўчирилди. Иккинчиси Чан Кайши бошчилигида шарққа қараб юрди.

Айни пайтда генерал Фэн Юйсян ҳам ўз ҳаракатларини фаоллаштирди. СССРдан қайтгач, у яна қўшинга қўмондонлик қилди ва кўпчилик кутмаган ҳолда йирик ғалабаларга эриша бошлади. 1926 йил ноябрда Фэн Юйсян қўшинлари Шэньси провинциясини тўлиқ эгаллаб, Гоминьдан армиясининг асосий қисмлари билан бирлашиш учун жанубга қараб юришда давом этди.

Гоминьдан ва ХКП ҳамда СССР ва Чан Кайши ўртасида ажралиш. Ван Цзинвэй ҳукумати Ухань шаҳрига кўчгандан кейин

ҳам шимолий юриш давом эттирилди. Чан Кайши армияси шарққа қараб юриб, янги ҳудудларни эгаллади ва милитаристлар армияси ҳисобига кенгайиб борди. 1927 йил мартда Марказий Хитойнинг асосий шаҳарлари – Нанкин ва Шанхай эгалланди ва мамлакатнинг катта қисми Гоминьдан назорати остига ўтди. Аммо Гоминьданнинг ичида ажралиш етилиб келди. Чан Кайши борган сари реал ҳокимият унинг қўлида эканлигини ҳис қила бошлади, айниқса Шанхайда у ўз уйида эди. 1927 йил 12 апрель куни Шанхайда Чан Кайши қўшинлари билан Компартияга бўйсунувчи ишчи отрядлари ўртасида тўқнашув юз берди. Натижада коммунистлар етакчилари шаҳардан чиқиб кетди, ишчилар отрядлари эса қуролсизлан-тирилди.

Бу Шанхайдаги совет консуллик вакиллари билан бир қатор келишмовчиликларни келтириб чиқарди ва СССР билан муносабатларни чигаллаштирди. Шунга ўхшаш воқеалар Пекинда ҳам юз берди. Бу ерда 15 нафар совет фуқаролари қамокқа олинди, маҳаллий коммунистлар етакчиси Ли Дачжао қатл қилинди.

1927 йил 18 апрелда Чан Кайши Нанкинда ўз миллий ҳукумати тузилганини эълон қилди ва Ухандаги ҳукумат билан очик можа-ро бошланди. Ван Цзинвэй ҳукуматининг Чан Кайшига қарши ку-рашиш учун кучи етарли эмасди ва бутун умид СССРдан қайтиб келган генерал Фэн Юйсян армиясига қаратилди. Аммо 1927 йил июнда Фэн Юйсян ва яна бир нечта генераллар Нанкиндаги Чан Кайши ҳукуматини тан олди.

Бу пайтга келиб Чан Кайшининг совет ҳукумати билан му-носабатлари бутунлай ёмонлашди. 1927 йил 1 июнда И. Сталин М. Бородинга телеграмма жўнатиб, барча муносабатларни тўхтатиш ва СССРга қайтишни талаб қилди. Шахсан Чан Кайшининг афсус-ланишига қарамасдан, топшириқ тезда бажарилди. Уханда ҳам ХКП билан Гоминьданнинг ягона fronti бузила бошлади. 1927 йил 13 июлда ХКП Ван Цзинвэй ҳукумати таркибидан чиқди.

Ван Цзинвэй билан Жануб генераллари ўртасида келишмовчи-лик келиб чиқиб, улар қўшини 1927 йил кузда Уханни эгаллади. Нанкинъ, Уханъ ва Гуанчжоу ўртасида уруш бошланди. Чан Кайши вақтинча пойтахтни тарк этиб, Японияга жўнаб кетди. У 1928 йил бошида Хитойга қайтиб келди.

Барча бошқа сиёсий кучларга муҳолифат бўлиб олган ХКП Хи-тойнинг ички можаросига СССРни аралаштиришга ҳаракат қилди.

1927 йил 1 июль куни армиянинг коммунистларга содиқ қисми Наньчан шаҳрида кўзғолон кўтарди. Шу кун Хитой халқ-озодлик армияси тугилган куни ҳисобланади. 1927 йил кузда яна бир қатор провинцияларда коммунистлар кўзғолони кўтарилди. Бу жараёнларда қатнашган совет консуллиги ходимлари шаҳарга генераллар қайтгандан сўнг қатл қилинди. Бу пайтда ҳали коммунистларнинг мамлакатда таъсири жуда кам ва улкан Хитойнинг ички ишларига СССРнинг аралашшига умид қилиш хато эди.

Мамлакатни бирлаштиришнинг яқунланиши. Чан Кайши Японияда Сунь Мэйлинга (Сунь Ятсен хотинининг синглиси) уйланиб, 1928 йил январда Нанкинга қайтиб келди. Манжурия диктатори Чжан Цзолин темир йўл вағони портлаши натижасида ҳалок бўлгандан сўнг унинг вориси Нанкин ҳукуматини тан олди. Кейин жанублик генералларга қарши муваффақиятли юришлардан сўнг Ухань ва Гуанчжоу ҳам Чан Кайши ҳукуматини тан олди. Шу тариқа, 1928 йил охирига келиб бутун мамлакат расман Пекиндаги Гоминьдан ҳукумати бошчилигида бирлашди. Гоминьдан Марказий ижроия қўмитаси ҳарбий юришнинг яқунланганлиги тўғрисида махсус қарор қабул қилди. 1929 йилдан бошлаб 6 йилга мамлакатда сиёсий васийлик режими ўрнатилди. Бу даврга келиб барча етакчи давлатлар Чан Кайши ҳукуматини тан олди, у Хитойнинг суверенитетини мустаҳкамлашга эришди. 1928 – 1930 йиллари бир нечта шартномалар имзоланиб, чет давлатлар бир қатор концессиялардан воз кечди. Англия Вэйхайвэй портини қайтариб берди. 1930 йил 1 январдан чет элликларнинг экстерриториаллик режими бекор қилинди. Хитой бож солиқларини ошириш ва ўз иқтисодиётини ҳимоя қилиш учун протекционистик тадбирларни жорий қилиш ҳуқуқини олди. Хитойнинг АҚШ ва Германия билан барқарор яқинлашуви юз берди – айнан шу давлатлар мамлакатга жуда катта иқтисодий ёрдам кўрсатди, кўплаб маслаҳатчилар ва экспертларни жўнатди.

СССР билан муносабатлар анча мураккаб кечди. 1929 йил июнда Шарқий-Хитой темир йўли районида ҳарбий тўқнашув бўлиб ўтди. Хитой кўшинлари мағлуб бўлди. СССР ва Хитой дипломатик муносабатлари фақат 1932 йилга келиб тикланди.

Хитойдаги сиёсий васийлик режими ташқаридан Чан Кайшининг шахсий диктатураси бўлиб кўринарди (унинг ўзи бир пайтда расман 70 га яқин юқори лавозимларни эгаллаб турарди). Аммо

аслида Чан Кайши ҳокимияти анча кучсиз бўлиб, генераллар ва юқори лавозимдаги амалдорлар билан ҳисоблашишга мажбур эди. Уруғ-аймоқчилик, оилавийлик, маҳаллийчилик, коррупция, давлат аппаратининг самарасизлиги – булар ҳаммаси янги режимнинг хarakterли жиҳатлари эди.

1931 йили «Сиёсий васийлик даврига Хитой республикасининг муваққат конституцияси» қабул қилинди. Хитой 28 та провинцияга ва 2 та автоном районга (Тибет ва Ички Мўғулистон) бўлинди. Ҳар бир минтақада ўз ҳукумати бўлиб, амалда ҳокимият маҳаллий генераллар қўлида эди. Бир қанча жанжаллардан сўнг Чан Кайши Манчжурияда, Пекинда ва Жанубда ҳокимиятни маҳаллий генераллар қўлига топширишга мажбур бўлди. Чан Кайши давлатнинг ролини кучайтириш мақсадида бир қатор банкларни национализация қилди ва улар орқали иқтисодий назорат ўрнатишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда 1931 йили Миллий иқтисодий кенгаш тузилди ва «6 йиллик режа» қабул қилинди. Унинг асосий мақсади инфра-тузилмани яратиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўлди. Ҳар йили давлат бюджетининг ярми иқтисодий секторни рағбатлантиришга сарфланди. Миллий тадбиркорлик асосан савдо ва майда ишлаб чиқариш соҳасида жамланган эди. Хитой саноатининг 60% Шанхай шаҳрида жойлашган бўлиб, Чан Кайшининг ватанида тадбиркорлар амалдорларнинг ҳомийлигидан фойдаланарди.

Жадал иқтисодий ривожланиш, кишилар ҳаётида, таълим соҳасида, маданиятда ва бошқаларда ўзгаришлар даври бошланди. 1930 йили аҳоли катта қисмининг аҳволини яхшилаш мақсадида аграр қонун қабул қилинди. Қонун ижара ҳақининг қийматини чегаралади, бу соҳада тартиб ўрнатди.

Мамлакатнинг тарқоқлиги маҳаллий айирмачиликни келтириб чиқарди: масалан, қўшни провинцияда ғалла сотиш мумкин эмасди. Бюджетдан жуда катта маблағлар кишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришга, тўғонлар қурилишига ажратилди, ammo маблағнинг катта қисми давлат амалдорлари томонидан ўғирланди. Бу айниқса 1931 йили Янцзи дарёсида жуда катта тошқин юз берганда маълум бўлди. Тошқинда энди қуриб битказилган тўғон вайрон бўлди, натижада 5,5 млн гектар ҳосилдор ерлар 4 – 6 ойга сув остида қолди, 160 минг киши ҳалок бўлди.

Гоминьдан сиёсатининг йўналишларидан бири аҳолиси сийрак бўлган Синцзян, Шэньси, Ганьсу, Манжурия худудларига одамларни кўчириш бўлди. Манжурияга хитойликларнинг кўчиши 1923 йили бошланди. 1928 йили «Шимоли-Ғарб ва Шимоли-Шарқни ўзлаштиришнинг 6 йиллик режаси» қабул қилиниб, унда кўчиб келган хитой дехқонларига имтиёзлар берилди. 1920-йиллар охиридан бошланган миграция сиёсати ўзлаштирилган худудларда маҳаллий ва кўчиб келувчи аҳоли ўртасидаги мутаносибликни тезда ўзгартирди. Масалан, Манжурияда 1930 йилга келиб аҳоли сони 30 млн киши бўлиб, шундан 96% хитойлар эди. Шу тариқа маҳаллий манжурлар жуда катта аҳоли орасига сингиб кетди.

Хитой анъаналарига мувофиқ ҳукумат кишилар устидан ҳомийликни амалга оширди. 1929 йили расмий давлат қасаба уюшмалари ташкил қилинди. Улар фаолияти тўлиқ давлат томонидан назорат қилинди. 1930 йили «Меҳнат ва капитал ўртасидаги можароларни тартибга солиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Бу қонунга мувофиқ энг кам иш ҳақи миқдори ўрнатилди, иш куни чегараланди, ишчилар иш ташлаш ва жамоавий шартномалар тузиш, корхоналарни бошқаришда қатнашиш ва фойдадан ўз улушини олиш ҳукукига эга бўлди. Мулк ҳукукини кафолатловчи қонунлар қабул қилинди.

Шуни айтиш лозимки, Чан Кайшининг шахсан ўзи доим хулқатвор намунасини намойиш қилишга интилди: у спиртли ичимлик ичмасди, чекмасди, кам овқат ерди, оддий кийинарди, мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланарди ва шахсий гигиенага қатъий риоя қиларди. У ўз издошларидан ҳам шуни талаб қиларди. 1928 йили Хитойда наркотик моддалар истеъмол қилиш тақиқланди, уни тарқатганлик учун қатъий жазо чоралари (ўлим жазосигача) жорий қилинди.

1931 йили христианликни қабул қилган Чан Кайши оммавий ўйин-кулгуларни чеклаш, кечаси ишлайдиган ресторанларни тақиқлаш тўғрисида фармон чиқарди. 1932 йил февралдан мамлакатда «янги ҳаёт учун ҳаракат» бошланди.

Хитой учун намуна излаб Чан Кайши гоҳо Германия ва Япония тажрибасига, гоҳ конфуцийлик ва христианликка, гоҳ марксизмга ёки фашизмга мурожаат қилади. Хусусан, у немислардан тартиб ва интизомни, фашистлар ва коммунистлардан раҳбарликнинг дикта-

торлик усуллари, аҳолининг давлат томонидан таъминланиши сиёсатини олди.

Чан Кайши самарасиз бюрократияга, коррупция, уруғ-аймоқчилик, амалдорлар томонидан давлат хазинасининг ўғирланишига қарши узоқ йиллар давомида курашди. Гоминьдан раҳбарияти таркок, кучсиз, маҳаллийчилик алоқаларига боғланган эди. Бирорта ишни эплай олмаётган вазирни ишдан олиш, бошқа соҳаларда лавозимларда ўтирган унинг қариндошлари билан муносабатларнинг мураккаблашувига олиб келарди. Буларнинг барчаси коммунистлар билан қарама-қаршилик ва ташки хавф мавжуд бўлган шароитда режимнинг аҳволини янада оғирлаштирди.

Коммунистлар билан можаронинг келиб чиқиши. Хитойда радикал кучларни фаоллаштириш ва 1927 йили можарога СССРни жалб қилишга муваффақиятсиз уриниш ХКПни қийин аҳволга солиб қўйди. Москва ва Коминтерндан келаётган кўрсатмалар эса улар Хитойда бўлаётган воқеаларнинг асл моҳиятини тушунмаслигини кўрсатарди. 1928 йили дастлабки «озод қилинган районлар» ташкил қилинди, Қизил армия тузила бошланди. «Озод қилинган районлар»да Хитой Халқ Республикасининг бўлғуси раҳбарлари Мао Цзэдун, Чжоу Эньлай, Дэн Сяопин, Чжу Дэ, Пэн Дэхуай асосий роль ўйнади. Бу районлар орасида Марказий совет райони алоҳида ажралиб турарди. Бу ерда 1931 йили Советларнинг съезди бўлиб, Хитой совет республикаси эълон қилинди. Конституция ва бир қатор ижтимоий-иқтисодий қонунлар қабул қилинди, олий ҳокимият органлари тузилиб, Мао Цзэдун уларга раҳбар бўлди.

1928 йил февралда Москвада Коминтерннинг пленуми бўлди ва у Хитой масаласи бўйича қарор қабул қилди. Қарорда Хитой коммунистларининг жипслашуви муҳим эканлиги таъкидланди. 1928 йил июнда Москвада ХКПнинг VI съезди иш бошлади. У куйидаги стратегик мақсадларни эълон қилди: 1) Гоминьдан диктатурасини ағдариш; 2) Хитойда советлар ҳокимиятини ўрнатиш; 3) помешчик ер эгаллигини бекор қилиш. Съездда тактик вазифалар ҳам аниқланди: 1) «озод қилинган районлар»ни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш; 2) у ерларда Хитой армиясини шакллантириш. Аммо ХКПнинг «озод қилинган районлар» билан алоқаси анча сустр эди.

Албатта Гоминьданнинг назоратидан чиққан ҳудудларнинг пайдо бўлиши унинг раҳбариятини ташвишга солаётган эди. Аммо

коммунистларни тор-мор қилишга уриниш ҳеч қандай натижа бермади.

1931 йил июлда Чан Кайши 300 минг кишилик кўшин билан коммунистларга қарши юриш бошлади. Аммо шу йил сентябрда Япониянинг Манжурияга бостириб кириши Чан Кайшини ортга қайтишга мажбур қилди.

Япония босқинининг оқибатлари. Манжурия 1911 йилдан Япония таркибига кирган Корея билан чегарадош бўлгани учун стратегик аҳамиятга эга эди. Бундан ташқари Манжурия иқтисодий жиҳатдан ҳам ўта жозибадор кўринарди. Хитойдаги темир рудаси захираларининг 80% и, нефтнинг 50% и, кўмирнинг 35% и, ўрмон ресурсларининг 40% и Манжурияда жойлашган эди. Манжурияда соянинг 60% и етиштирилар, у Хитой кишлок хўжалик экспортининг $\frac{1}{4}$ қисмини берарди.

Японлар 1931 йил 18 сентябрда Манжурияга бостириб кирди, бир кунда барча йирик шаҳарларини эгаллади. Бу ҳудудни ҳимоя қилган Гоминьдан армияси мамлакат ичкарасига улоқтириб ташланди. Чан Кайши ҳукумати Япония устидан шикоят қилиб Миллатлар Лигасига мурожаат қилди, аммо халқаро ҳамжамиятнинг эътибори унча кучли бўлмади. Бирорта йирик давлат Япония билан жанжаллашишни истамади, уларда таъсир кўрсатиш имконияти ҳам мавжуд эмасди. Миллатлар Лигаси Манжурияга Литтоннинг махсус комиссиясини жўнатди. У денгиз орқали Манжурияга фақат 1932 йил апрелда етиб келди. Айни пайтда Япония Чан Кайшига босим ўтказишда давом этиб, Шанхайга кўшин туширди. Аммо қутилмаганда қаттиқ қаршиликка учради. Асосан ўсмирлардан ташкил топган 19-армия катта жасорат ва ватанпарварликнинг юксак намунасини кўрсатди. Улар қаршилиги шунчалар жиддий бўлдики, японлар Шанхайни эгаллай олмади. 1932 йил 5 майда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисида келишув имзоланди ва япон кўшинлари Марказий Хитойдан олиб чиқиб кетилди. Аммо бундан олдин муҳим воқеалар содир бўлган эди.

1932 йил 1 мартда японлар Манжурияда Манжоу Го давлати тузилганлигини эълон қилди. Бу кўғирчок давлатга Хитой императорлари Цин сулоласи вакили Генри Пу И бошчилик қилди (у 1934 йил мартда Манжоу Го императори деб эълон қилинди).

Миллатлар Лигаси комиссияси 1932 йили сентябрда Японияни босқинчиликда айблаб, хулоса чиқарди. Япония эса бунга жавобан

1933 йил мартда Миллатлар Лигасидан чиқди. Улар Манжурияда 150 минг кишилик Квантун армиясини жойлаштирди. Японлар Марказий Хитойга кириб борди ва бир қатор жанглардан сўнг 1933 йил 31 май куни Хитой ва Япония ўз қўшинларини Манжурия чегарасига қайтариш тўғрисида келишув имзолади.

Бу даврда Гоминьдан раҳбариятида ҳам келишмовчиликлар бошланди. Чан Кайши Японияга қарши кайфиятда бўлиб, Ғарбнинг ёрдамига умид қилаётган эди. 19-армия раҳбарияти эса фаол қаршилиқ кўрсатиш тарафдори бўлиб, бунинг учун ҳатто коммунистлар билан бўлаётган фуқаролар урушини тўхтатишни ҳам талаб қилди. Бир қисм гоминьданчилар Япония ҳужуми туфайли Чан Кайши обрўсининг пасайишидан манфаатдор эди.

ХКП раҳбариятида ҳам шундай кайфият устун эди. 1933 йил баҳорда ХКП Марказий Қўмитаси узил-кесил Марказий районга кўчиб ўтди. Аммо бу пайтга келиб аҳвол коммунистлар учун кескин оғирлаша бошлади.

ХКПнинг «Буюк юриши» ва янги сиёсий ҳолат. Чан Кайши 1932 йили «совет райони»ни бутунлай тугатишга қарор қилган бўлиб, ўшанда 19-армия қўмондонлиги бунга қаршилиқ қилганди. 1933 йили октябрда Марказий совет районига кенг миқёсли юриш бошланди, 1934 йил ёзда у тўлиқ ўраб олинди. Мао Цзэдун вужудга келган ҳолат учун ХКПнинг аввалги раҳбариятини айблади. 1934 йил октябрда Қизил армия қисмлари қамални ёриб ўтишни бошлади – «Буюк юриш» шу тариқа бошланди. 1935 йил январда ХКП МҚнинг пленуми бўлиб, муҳим лавозимларга янги кишилар тайинланди, Мао Цзэдуннинг мавқеи мустаҳкамланди. Қизил армия шимолга қараб юриб, Хитойнинг шимоли-шарқидаги узоқ ҳудудларни (Шэньси – Ганьсу – Нинься) эгаллади ва Янань шаҳрида ўрнашиб олди. «Буюк юриш» шу тариқа якунланди. Янань кейинги 17 йилга коммунистларнинг пойтахти бўлиб қолди. Мао Цзэдун шу даврдан бошлаб партиянинг тан олинган ягона етакчисига айланди.

Фуқаролар урушининг якунланиши. 1935 йил августда Коминтерн позициясида ўзгариш юз берди: VII конгресс халқ фронтини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу коммунистик партияларнинг бошқа антифашист кучлар билан ҳамкорлик қилишини англатар эди. 1935 йил ноябрда Хитойга келган Коминтерн вакили Чжан Хао ХКП раҳбарларини бир пайтнинг ўзида японларга ва Чан Кайшига қарши курашиш тактикасини қайта кўриб чиқишга

ишонтирди. 1936 йил августда ХКПнинг Гоминьданга «Очиқ хати» эълон қилиниб, унда Японияга қарши биргаликда курашиш расман таклиф қилинди. Гоминьданнинг ўзида ҳам бу таклифни қўлловчилар фаоллашиб қолди. 1935 йил декабрда Пекинда талабалар томонидан ташкил қилинган катта митинг бўлиб ўтди. Унда ҳам японларга қарши биргаликда курашиш таклифи қўллаб-қувватланди. ХКП раҳбарлари Гоминьданнинг кўзга кўринган раҳбарлари билан ўзаро келишувлар имзолади.

Айни пайтда Гоминьдан қўшинларининг ХКПга қарши юриши тўхтаб қолди. 1936 йил декабрда бунинг сабабини аниқлаш ва қўшинларни кўздан кечириш учун Сиань шаҳрига келган Чан Кайши маҳаллий қўмондон Чжан Сюэлян томонидан қамокка олинди. Бу воқеа «Сиань можароси» номи билан тарихга кирган. Шундан сўнг бу ерга ХКП раҳбари Мао Цзэдун ҳам етиб келди. Чжан Сюэлян иккала томонни музокаралар столига ўтказиб, фуқаролар урушини тўхтатиш тўғрисида келишув имзоланишига эришди.

Чан Кайши пойтахтга қайтгач, келишувни Гоминьдан МҚ муҳокамасига қўйди. Пленум келишувни маъқуллади ва 1937 йил апрелда Гоминьдан билан ХКП ўртасида фуқаролар урушини тўхтатиш тўғрисида расмий шартнома имзоланди. Коммунистлар қўшинлари Гоминьдан армияси таркибига қўшилди.

Фуқаролар урушини тўхтатиш айни вақтида юз берди, чунки 1937 йил июлда Япония Хитойга қарши кенг миқёсли очиқ уруш бошлади.

Япониянинг Хитойга бостириб кириши ва Хитой мудофаасининг ташкил қилиниши. 1937 йил июлда Япониянинг Хитойга қарши кенг миқёсли ҳужуми бошланди. ХКП ва Гоминьдан босқинчиларга қарши биргаликда курашиш ҳақида баёнот бердилар. Хитой армиясининг имкониятлари анча катта бўлиб, қўшиннинг умумий сони 2 млн кишидан зиёдни ташкил қиларди. Аммо қурол-ярог билан таъминланганлик даражаси жуда паст эди. Икки миллионли армияда бор-йўғи 20 та самолёт ва 75 танк бор эди, холос. Шу сабабли урушнинг дастлабки пайтида японлар жуда тез муваффақиятга эришиб, Пекин, Шанхай, Нанкин каби йирик шаҳарларини эгаллаб олди. Бундай очиқ тажовузга қарши Ғарб давлатлари фақат Хитойни маънавий қўллаб-қувватлаш билан чекланди. АҚШ эса изоляционизм сиёсати туфайли урушаётган давлатларга ёрдам бера олмасди. Шундай ҳолатда 1937 йил

21 августда СССР ва Хитой ўртасида ўзаро хужум қилмаслик тўғрисида шартнома имзоланди. Шу йил октябрь ойида СССРдан ҳарбий техника, қурул-яроғ ва ҳарбий мутахассислар ёрдамга кела бошлади. 1939 йилга келиб Хитойда 3,5 минг совет ҳарбийлари, жумладан, учувчилар, танкистлар жанг қилаётган эди.

1938 йилдан японларнинг йўқотишлари ортиб борди, советларнинг ёрдами сезила бошлади. Шунга қарамасдан, 1938 йил октябрда японлар жанубий Хитойнинг асосий порт шаҳри Гуанчжоуни эгаллаб олди.

Аммо 1939 йили ёзга келиб японларнинг олға силжиши тўхтади, фронтларда вақтинча тинчлик ўрнатилди.

Хитойга нисбатан Япония тактикасининг ўзгариши. Урушнинг дастлабки икки йили натижалари Чан Кайшини ташвишга солиб қўйди. Барча портлар, муҳим темир йўл тармоқлари, аҳолиси кўп ҳудудлар бой берилди. Ҳукуматнинг ўзи Фарбдаги Чунцин шаҳрида паноҳ топди. Аммо қаршилиқ давом этарди.

Халхин-Голь ёнида совет қўшинлари японларни мағлубиятга учратгандан сўнг СССРнинг Хитойга ҳарбий ёрдами янада кучайди. 1939 йил 1 сентябрда Европада Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан сўнг АҚШ Хитойга ёрдам кўрсатиш учун музокараларни бошлади. 1941 йил баҳоригача АҚШ Хитойга 120 млн долларлик ёрдам кўрсатди.

Хитойда фаол уруш ҳаракатларини тўхтатган Япония босиб олинган ҳудудларда ўз позициясини мустақамлашга киришди. 1940 йил 30 мартда Нанкинда Ван Цзинвэй бошчилигида қўғирчоқ ҳукумат тузилди. Унга 800 минг кишилиқ армия тузиш ва партизанларга қарши курашиш топширилди.

1940 йил ёзда Франциянинг таслим бўлганлигидан фойдаланган Япония Ҳиндихитойни ўз назорати остига олишга киришди. Бунинг учун барча ресурсларни сафарбар қилиб, 1940 йил 27 сентябрда «Япония – Германия – Италия» – машҳур учлар пактини имзолади. 1941 йил апрелда СССР билан ҳам нейтралитет тўғрисида шартнома имзоланди. Бу шартноманинг мазмунига кўра СССР Хитойга ҳарбий ёрдам кўрсатишни тўхтатиши лозим эди.

Шундай шароитда Чан Кайши тезда АҚШ билан муносабатларни яхшилашга киришди. 1941 йил январда дастлабки АҚШ самолётлари ва учувчилари Хитойга келди, 1941 йил ноябрда АҚШ Конгресси ленд-лиз тўғрисидаги қонунни Хитойга ҳам жорий этди.

Бу даврда ХКП билан Гоминьдан ўртасида муносабатлар яна ёмонлашди. Муносабатлар очик душманлик даражасига ўтиб, 1941 йили икки ўртада қуролли тўқнашувгача бориб етди.

Хитой армиясини қайта қуроллантиришда АҚШнинг ёрдами. Хитойга СССРнинг ёрдами тўхтатилгандан сўнг Япониянинг Чан Кайшига босими кучайди. Унга урушни тўхтатиш ва Япония билан шартнома имзолаш таклиф қилинди. Чан Кайши бу таклифни рад этди, Гоминьданда тозалаш ўтказиб, ундан японпарастларни ҳайдади ва Чунцинга америкалик маслаҳатчиларни таклиф қилди. АҚШ Хитой тимсолида жуда муҳим иттифоқчини кўрарди ва унга тезлик билан ёрдам беришни бошлади. Фақат 1942 йилнинг ўзида Хитой АҚШдан 600 млн доллар қарз олди. АҚШнинг 14-авиация корпуси Хитойга жойлаштирилди ва Чан Кайши армиясини японларнинг ҳаво ҳужумидан ҳимоя қилди. Америка генерали Жозеф Стилуэлл Хитой қўшинлари бош штаби бошлиғи қилиб тайинланди ва Гоминьдан армиясини тўлиқ қайта қуроллантириш ва ўқитиш бошланди. Аммо Хитой ҳукуматида кенг тарқалган коррупция ва армиядаги тартибсизликлар туфайли америкаликлар кўзлаган мақсадларига эриша олмади.

Айни пайтда 1941 йили Тинч океани ва Жануби-Шарқий Осиёда ҳужумга ўтган японлар учун Хитой хомашёнинг муҳим манбаи, коммуникациялар зонаси ва флотни таъмирлаш учун база бўлиб қолаётган эди.

1942 йил баҳорда японлар Фуцзян провинциясига ҳужум бошлади ва бутун қирғоқ бўйини ўз назоратига олди. 1942 йил июлда хитойликлар қарши ҳужумга ўтиб, японларни улоқтириб ташлади. 1943 йили ёзда Янцзи дарёси бўйида бошланган японларнинг ҳужуми ҳам муваффақиятсиз якунланди. Ван Цзинвэй ҳукумати кучлари томонидан партизанларга қарши олиб борилган ҳаракатлар ҳам ижобий натижа бермади. Айни пайтда японлар Чан Кайшини сулҳ тузишга чақиритишда давом этди.

1943 йил ёзда японлар «Алоҳида маъмурий район»га ҳужум бошлади, натижада унинг ҳудуди икки баробар қисқарди. ХКПнинг маҳаллий ташкилотлари саросимага тушиб қолди, 1943 йили майда Коминтерннинг тарқатиб юборилиши бу ҳолатда қўшимча зарба бўлди.

Хитойда 1944 йилги ҳарбий-сиёсий инқироз. 1944 йилга келиб ҳеч ким японлардан фаол ҳарбий ҳаракатларни кутмаётган эди. Ай-

нан шу пайтда, японлар 1944 йил мартда Хенань, майда – Хунань, декабрда – Гуанси ва Гуйчжоу провинцияларига хужум бошлади. Бу кутилмаган хужумлар натижасида Гомиьдан армияси тушкунлик ҳолатига келди: у 1 млн дан зиёд аскарларидан айрилди ва 60 млн аҳоли яшайдиган жуда катта худудни ташлаб чиқди.

АҚШ кўз ўнгида Гомиьдан ва шахсан Чан Кайшининг обрўси тушиб кетди. 1944 йил октябрда генерал Ж. Стилзуэлл ҳам АҚШга чакириб олинди. Чан Кайшининг ўзи ҳам тушкунлик ҳолатида эди. Шундай пайтда америкаликлар уни урушни давом эттиришга, Хитойнинг худудий яхлитлигини тиклашга, жумладан, Манжурияни ва XIX асрда японлар томонидан забт этилган Тайвань ва Пескадор ороллари ҳам қайтариб олишга ундашда давом этди. Хитойга урушдан кейин тузиладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашида доимий аъзолик ваъда қилинди. АҚШ президенти Ф. Рузвельтнинг шахсий вакили генерал Патрик Харли 1944 йил Хитойга келиб, Гомиьдан билан ХКП ўртасидаги коалицияни тиклашга, икки партияни яраштиришга ҳаракат қилди. Бу пайтга келиб коммунистлар анча кучайган, улар армияси сони 900 минг кишидан ошган ва жуда катта худудни назорат қилар эди.

Урушнинг якунланиши. 1945 йил бошида японлар Чан Кайши билан келишишга яна ҳаракат қилдилар. Улар АҚШ ва Буюк Британия кўшинлари Хитойни тарк этсагина Япония ҳам ўз кўшинларини олиб чиқиб кетишини билдирди. 1945 йил мартда Чан Кайши Япониянинг таклифига узил-кесил жавоб қайтарди: японлар ўз кўшинларини тўлиқ олиб чиқиб кетса, Ван Цзинвэй кўгирчок режимини йўқ қилса ва Хитойга келтирилган зарарни тўлашга рози бўлсагина уруш тўхтатилиши мумкин.

Айни пайтда уруш охирлаб бораётган эди: АҚШ авиацияси Япония худудини бомбардимон қилиб, 1945 йил апрелда Окинава-ни штурм қилишни бошлади. СССР Германия билан урушни тугатгач, Японияга қарши урушга қўшилишини маълум қилди. 1945 йил 6 ва 9 август кунлари АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаларини ташлади, 10 август кечаси Япония ҳукумати сўзсиз таслим бўлиш тўғрисида қарор қабул қилди. 9 август куни СССР ҳам Манжурия худудида Японияга қарши уруш ҳаракатларини бошлади. 14 августда Япониянинг таслим бўлганлиги тўғрисида императорнинг қарори эълон қилинди. Шу тариқа Иккинчи жаҳон уруши якунланди.

Бу хабардан кейин Чан Кайши Хитой хуудини японлардан тўлиқ тозалашга буйруқ берди. Япон кўмондонлигидан фақат ҳукумат кўшинларига (коммунистларга эмас) таслим бўлиш ҳақида телеграмма жўнатилди. АҚШ Хитойга катта ёрдам кўрсатди. Уларнинг ёрдами натижасида Чан Кайши Хитойнинг $\frac{3}{4}$ қисм хуудини ва 70% аҳолиси устидан ўз назоратини ўрнатди. Қисқа вақт ичида америкаликлар ўлжага олинган қуроолларнинг жуда катта қисмини Хитойга берди. Бу қурооллар 39 та дивизияни тўлиқ қурооллантириш учун етарли эди. Умуман Чан Кайшига 2 млрд долларлик қуроол-аслаҳа берилди.

Совет кўшинлари Манжурия ва Ички Мўғулистонга кириб келди. Бу ерда ҳам ўлжа қилиб олинган барча қуроол-яроғлар, жумладан, 250 минг милтиқ, 2300 дона пулемёт, 5,5 минг артиллерия қурооллари, 900 та танк, 840 та самолёт ва минглаб автомашиналар Хитойнинг 4- ва 8- армияларига, яъни коммунистларга топширилди. Уларнинг кўпчилигидан японлар ҳали фойдаланишга улгурмаган, омборларда сақланаётган эди.

Уруш охирига келиб коммунистлар 120 млн киши яшайдиган хуудни эгаллаб турарди.

* * *

Шу тариқа АҚШ ва СССР Иккинчи жаҳон урушидан кейин Хитойда яна тўрт йилдан кўп давом этган коммунистлар ва гоминьданчилар ўртасидаги курашга ўз хиссаларини кўшдилар.

XX боб бўйича саволлар

1. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Хитойда бошланган талабалар ҳаракатининг сабаблари нимада эди ва у қандай натижаларга олиб келди?
2. 1920-йиллардаги «Буюк» миллий инқилобнинг характери ва ўзига хос жиҳатларини таърифлаб беринг.
3. Гоминьданчилар ва коммунистлар ўртасидаги ажралишнинг ҳамда бошланиб кетган фуқаролар урушининг сабаблари нимада эди?
4. Нима учун XX асрнинг биринчи ярмидаги Хитой тарихи – тўхтовсиз урушлар даври?
5. Гоминьданчилар ҳукуматининг тадбирлари иқтисодда қандай ўзгаришларга олиб келди? Гоминьданчилар тараққиётнинг қандай йўлини танладилар?

6. Япон агрессиясининг биринчи босқичида нима учун Хитой жиддий қаршилиқни ташкил қила олмади?
7. Хитой армиясини қайта қуроллантириш ва японларга қарши қурашни кучайтиришда АҚШнинг ёрдами қандай роль ўйнади?
8. Иккинчи жаҳон урушининг якуни ва унда антифашист қучларнинг ғалабаси Хитой учун қандай аҳамиятга эга бўлди?

XXI БОБ. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА ҲИНДИСТОН

Биринчи жаҳон уруши охирида Ҳиндистондаги ҳолат. Ҳиндистоннинг катта қисми Буюк Британиянинг мустамлакаси эди, қолган қисми – 600 га яқин рожалар – у билан икки томонлама шартномаларга эга ва шунингдек, Британия империяси таркибига кирар эди. Ҳиндлар Буюк Британия томонида урушда қатнашиб, Антантанинг ғалабасига ҳисса қўшдилар. Бир ярим миллион ҳиндлар (асосан сикхлар ва гуркхлар) бевосита жангларда қатнашиб, катта талофат кўрди. Бундан ташқари, Ҳиндистон ўз муаммоларига қармасдан (уруш йиллари 13 млн киши очликдан ўлган), фронтга хомашё, озиқ-овқат ва бошқа материаллар етказиб берди. Буюк Британия Ҳиндистондан 150 млн ф.ст. қарз олди, Ҳиндистондан 200 млн ф.ст. лик товарлар жўнатилди. Ўз мустамлакасининг ривожланишидан манфаатдор бўлган инглизлар ҳукумати саноатни ва банк ишини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган барча чекловларни олиб ташлади. Бу ҳинд тадбиркорлари учун катта имконият яратди. Улар металлургия, банк соҳаларидан инглизларни сиқиб чиқара бошлади, гидроэлектростанциялар қурди. Ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари тикланиб, фақат тўқимачиликда 45 млн киши банд эди.

Ҳиндистонга инглиз капиталининг инвестицияси ҳам кенгайди – Буюк Британия банклари катта хоҳиш билан Ҳиндистон иқтисодиётига маблағ кирита бошладилар. Буларнинг ҳаммаси мустамлакачиликка қарши ҳаракатининг кўтарилиши учун янги шароит яратди.

«Ҳиндистонни бошқариш тўғрисида» қонун. 1835 йили Ҳиндистон генерал-губернатори Маколей ҳиндларнинг ўзларидан мустамлака маъмурларини тайёрлаш мақсадида таълим тизимини ислоҳ қилишни бошлаган эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ҳиндистонда кўплаб университетлар очилиб, ўқиш инглиз тилида

ва англиз дастури асосида олиб борилди. Бундан ташқари, брахманларнинг бой оилаларидан чиққан болалари Буюк Британиянинг энг яхши университетлари – Кембриж ва Оксфордда таълим олиш имкониятига эга бўлди. Европа цивилизациясининг ютуқлари билан танишиш ҳинд интеллектуалларига катта таъсир кўрсатди. Бу интеллектуаллар сони кам бўлса-да, улар сиёсатда ва жамият ҳаётида катта роль ўйнади.

Рам Мохан Рой, Свами Вивекананда, Даянда Сарасвати каби машҳур ҳинд маърифатчилари айнан шу интеллектуаллар орасидан чиқди. 1885 йили айнан шу интеллектуаллар томонидан ҳиндиларнинг мустақиллик учун курашида жуда катта роль ўйнаган Ҳиндистон Миллий конгресси (ҲМК) тузилди.

1906 йили англизларнинг фаол қўллаб-қувватлаши билан Ҳиндистонда яна бир ташкилот – Муслмон лигаси тузилди. Бу ташкилотда ҳам ҳинд муслмонлари орасидан чиққан интеллектуаллар асосий роль ўйнади. Биринчи жаҳон уруши арафасида ва урушнинг дастлабки йилларида ҲМК ва Муслмон лигаси ҳамкорликда ҳаракат қилди.

1915 йили Муслмон лигаси раиси қилиб машҳур арбоб Муҳаммад Али Жинна сайланди. Лиганинг янги Устави қабул қилиниб, унда Буюк Британия империяси доирасида Ҳиндистоннинг ўзини ўзи бошқаришига эришиш мақсади белгиланди. Бу иккита йирик сиёсий ташкилотлар – ҲМК ва Муслмон лигасининг ҳамкорлиги учун шароит яратди. Ҳамма Ҳиндистоннинг Биринчи жаҳон урушига қўшган ҳиссаси учун Буюк Британия унга ўзини ўзи бошқариш мақомини беради, деб кутган эди.

Аммо мустамлакачилар томонида туриб урушда қатнашган Ҳиндистон халқларининг умиди рўёбга чиқмади. Ҳиндистоннинг мақоми ўзгармади. Инглизлар ўзларининг энг бой мустамлакасини қўлдан чиқаришни истамадилар. 1918 йили «Ҳиндистонни бошқариш тўғрисида» қонун лойиҳасини эълон қилди. У муаллифлари – вице-қирол ва Ҳиндистон ишлари бўйича вазир номидан келиб чиқиб, «Монтегю – Челмсфорд ислоҳоти» номи билан тарихга кирди. Қонун 1919 йили Буюк Британия парламенти томонидан қабул қилинди. Унда марказий қонунчилик мажлисида (катта ёшли аҳолининг 2% и миқдорида) ва провинциялар қонунчилик мажлисларида (3% и миқдорида) сайловчилар таркибини кенгайтириш кўзда тутилди. Ҳиндларга марказда вице-қирол ва провинцияларда

губернаторлар хузурларидаги ижро кенгашларида ўринлар берилди (Британия сиёсий ҳокимияти асосларига путур етказмайдиган соғлиқни сақлаш, маориф ва шу каби соҳаларда вазир лавозимлари).

Қонунчилик мажлисига сайловлар ўтказиш тўғрисида ислоҳот қоидаларида ҳиндлар ва мусулмонларнинг алоҳида овоз бериши ва мусулмонларга айрим имтиёзлар бериш кўзда тутилди: мусулмонлар камчиликни ташкил қилган провинцияларда Қонунчилик мажлисида 30% ўрин, мусулмонлар кўпчиликни ташкил қилган провинцияларда эса 50% ўринлар улар учун кафолатланди. Инглизларга хос бўлган ҳинд ва мусулмонларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш сиёсати энди қонун билан белгилаб қўйилди. Инглизлар маҳаллий Қонунчилик йиғинларининг қарорларига вето қўйиш, бу йиғинларни тарқатиб юбориш ҳукуқини ва молия, юстиция, полиция каби соҳалар устидан назоратни ўзида сақлаб қолди.

Ўзининг чекланганлиги ва барча камчиликларига қарамасдан, ислоҳот конституциявий давлатчилик асосларини қарор топтиришда олға ташланган муҳим қадам бўлди. Ислоҳот мустамлака давлатининг провинциялар сиёсий ҳаёти устидан назоратини сусайтирди.

Провинцияларда масъул бошқарув тизимининг жорий қилиниши Ҳиндистонда давлат ҳокимиятининг характерини ўзгартирди. Илгариги тўлиқ автократия ўрнига вице-қирол ва провинциялардаги губернаторларнинг чекланмаган ҳокимияти билан Қонунчилик мажлислари олдида масъул бўлган ҳинд-вазирлари чекланган ҳокимиятининг уйғунлашгани келди. Бу бошқарув шакли «диархия» (қўшалок бошқарув) номини олди.

Ислоҳот ҳинд жамиятининг ижтимоий фаолиятда қатнашувчи қисми сиёсий онгининг шаклланишини жадаллаштирди ва кейинчалик ҳиндларга ҳокимиятни топширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратувчи кенг конституцивий тадбирларни тайёрлаш имконини яратди.

1919 йил 19 мартдан Ҳиндистонда Роулэтт қонуни жорий қилинди. Унга биноан Ҳиндистон маъмурий ҳокимияти митинг ва намойишларни тарқатиб юбориш ҳуқуқини олди, судсиз камокқа олиш ҳуқуқи жорий қилинди, қатъий цензура ўрнатилди.

«Ҳиндистонни бошқариш тўғрисида» қонунга Ҳиндистондаги сиёсий кучлар турлича муносабат билдирди. Либераллар федерацияси ва Мусулмон лигаси ислоҳотни умумий жиҳатдан маъқул-

лади. ҲМК эса 1918 йил августда Бомбей шаҳрида ўтказилган конгрессда конун лойиҳасини рад этди. Аммо бу пайтда ҲМКнинг инглизлар ҳокимиятига қарши туриш учун имконияти йўқ эди.

1920-йиллар бошига келиб ҳинд жамияти сиёсий фаолият жабҳаси коммунистик ва экстремистик гуруҳлар ҳисобига анча кенгайди. Шунингдек, XIX асрда пайдо бўлган махфий террористик ташкилотлар яна фаоллашди. Уларнинг асосий марказлари Бенгалия, Махараштра ва Панжоб бўлиб қолди.

Кейинчалик террористлар фаолияти кўшни Бирлашган провинцияларга ҳам тарқалиб, у ерда Ҳиндистон республика ассоциацияси (ХРА) тузилди ва жойларда ўзининг 23 та бўлимига эга бўлди. ХРА фаолият доираси бир шаҳар ёки провинция билан чекланган бошқа террористик гуруҳлардан фарқли равишда ўзини умумҳинд ташкилоти деб эълон қилди.

ХРАдан ажралиб чиққан Ҳиндистон социалистик республика ассоциацияси (ҲСРА) миллий махфий-инқилобий ташкилотларни ягона раҳбарият остида бирлаштиришга ҳаракат қилди ҳамда коммунистик гуруҳлар билан ҳамкорлик қилишга интилди. ҲСРА етакчиси Бхагат Сингҳ марксизм билан терроризмнинг ўзаро алоқадорлигини назарий жиҳатдан асослашга уринди. Ўзининг яширин мақомига ва ҳокимият томонидан доимий таъқиб қилинишига қарамасдан террористик ташкилотлар ўз фаолиятини доимий кенгайтириб борди, улар қаторини асосан ёшлар, шаҳар майда буржуазияси ва интеллигенция вакиллари тўлдирди.

Дастлабки коммунистик гуруҳлар ҳинд эмигрантлари томонидан чет элларда ташкил қилинди. Уларга Манабендра Рой, Абани Мукержи, Пративади Ачарья, Абдур Раб каби ватанпарварлар раҳбарлик қилди. Улар 1920 йили Ҳиндистон коммунистик партияси номли ташкилот туздилар. Шу даврда Ҳиндистоннинг Калькутта, Бомбей, Лаҳор, Мадрас каби шаҳарларида ҳам коммунистик ташкилотлар тузилди. Улар асосида 1925 йили Ҳиндистон коммунистик партияси ташкил топди. Аммо партия орасида бирлик йўқ эди. Кейинчалик партия иккига – Ҳиндистон коммунистик партияси ва Ҳиндистон миллий коммунистик партиясига ажралиб кетди. Ички келишмовчиликлар сабабли бу партиялар Ҳиндистон миллий-озодлик курашида жиддий роль ўйнамади.

М. К. Ганди сиёсий фаолиятининг бошланиши. Сатьяграҳа ҳаракати. Биринчи жаҳон уруши йилларида Мохандас Карамчанд

Ганди Ҳиндистонга қайтиб келди. У ўша пайтдаёқ ўзининг Жанубий Африкадаги фаолияти туфайли дунёга машҳур бўлганди. Жанубий Африкада у хиндлар жамоасининг манфаатларини ҳимоя қилди ва сатьяграҳа (санскрит тилида satyagrahu – «ҳақиқатга интилиш») – фуқароларнинг бўйсунмаслиги ва ҳамкорлик қилмаслиги шаклидаги мустақиллик учун зўравонликларсиз кураш тактикасини ишлаб чиқди. 1915 йили Ҳиндистонга қайтган М.К. Ганди Аҳмадобод шаҳри яқинидаги ўз уйида жойлашди. Сабармати деб аталган бу жойда М.К. Ганди ашрам ташкил қилди, унга бутун Ҳиндистондан ва қўшни мамлакатлардан талабалар келди. М.К. Ганди уларга сатьяграҳа принципларини ўргатди: кураш қатнашчилари ҳеч қачон зўравонликларни қўлламаслиги ва жазодан қочмаслиги лозимлиги тушунтирилди.

Ганди таълимотининг илдизлари Ҳиндистоннинг узок ўтмишига, ҳинд халқининг буюк маданиятига бориб тақалади. Гандизм ўзида сиёсий, ахлоқий ва фалсафий концепцияларни бирлаштирди. Гандининг ижтимоий ғоялари ҳам чуқур миллий илдизга эга. Бу ҳиндуизмнинг муқаддас китобларида жуда чиройли баён қилинган ер юзида «умумий фаровонлик жамиятини» (сарводайя), худо ҳукмронлигини, адолатли жамиятни ўрнатишнинг деҳқонча утопияси эди. Айни пайтда, Ганди таълимотида капиталистик укладга қарши норозилик ҳам мавжуд бўлиб, у Европа цивилизациясининг капиталистик йўли Ҳиндистон учун тўғри ва прогрессив йўл эканлигини рад этади.

Гандизмни деҳқонлар ва шаҳарнинг камбағал аҳолиси кенг қатламлари қўллаб-қувватлади, зотан улар кўз ўнгида ижтимоий адолат инглизлар ҳукмронлигига қарши курашнинг тўғрилиги ҳақидаги тушунча билан бирлашиб кетган эди. Ганди маданий-тарихий ва диний анъаналардан деҳқонлар ва ҳунармандлар дунёқарашига яқин бўлган даъватлар ва образларни олди. Шу сабабли анъанавий тушунчалар асосида шакллантирилган мустақиллик ва жамиятни қайта куриш талаблари миллионлаб оддий кишилар учун тушунарли бўлди ва улар қалбига етиб борди. Ганди шахси ва ғоясининг омма орасида кенг тарқалиши сири ҳам шунда эди. Миллий-озодлик курашининг, зўравонликларсиз қаршилик кўрсатишнинг гандизм деб номланган усули Ҳиндистон анъаналарини ва деҳқонлар психологиясини чуқур билишга асосланган. Бу усулда сабр-тоқат ва норозилик, консерватизм

ин инқилобчилик ажойиб бир тарзда уйғунлашиб кетган. Бу уйғунлик асрлар давомида фатализм ва диний дунёқараш руҳида тарбияланган ҳинд деҳқонига хос жиҳатдир. Гандизм Ҳиндистон шароитида мустамлакачилик зулмига қарши курашнинг мумкин бўлган ягона шакли сифатида майдонга чиқди. Ганди синфий курашни тан олмайди, бу кураш чет эл зулмидан озод бўлиш учун интилаётган миллатни чалғитади, деб ҳисоблайди.

Гандизм мафқураси уни қабул қилган миллий буржуазия манфаатларига ҳам жавоб берарди. Чунки миллий буржуазия инглиз мустамлака ҳукмронлигидан озод бўлиш ва ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун халқ билан бирга, омманинг ҳаракатига таянган ҳолда курашишга тайёр эди. Гандизм деҳқонларни, ҳунармандларни, миллий буржуазияни бирлаштирди ва мустамлакачиларни қон тўкиладиган қуроли курашларсиз Ҳиндистонни тарк этишга мажбур қилди.

Ганди томонидан ишлаб чиқилган зўравонликларсиз мустақиллик учун кураш ва мустамлака ҳукумати билан ҳамкорлик қилмаслик – сатьяграҳа ҳаракатининг биринчи босқичи 1920–1922 йиллари ташкил қилинди. Расман сатьяграҳа 1920 йил 1 августда бошланди. Урушдан кейинги миллий-озодлик ҳаракати Бомбей (Мумбай), Мадрас, Канпур ва Аҳмадобод каби йирик шаҳарлардаги иш ташлашлар билан бошланди. Мустамлакачилар турли хийлалар ишлатиш йўлидан борди. Ҳиндистон ишлари бўйича вазир Монтегю тангликни юмшатиш учун Ҳиндистонда сайлов тизимини ислоҳ қилишни таклиф қилди. Айни пайтда ҳукуматга қарши чиқишлар учун жазо белгилловчи репрессив қонун қабул қилинди (Роулетт қонуни). Бунга жавобан ҳиндлар бўйсунмаслик ҳаракатини бошладилар. Ганди харталга (дўконларни ёпиш, фаол ҳаракат қилмаслик) чорлади. Мустамлакачилар эса қурол кучи билан жавоб қайтарди. 1919 йил 13 апрель куни Панжоб вилоятидаги Амритсар шаҳрида мустамлакачилар тинч митингчиларни ўққа тутди. 1 мингдан зиёд киши ўлдирилди, 2 мингдан зиёд киши яраланди. Бу қонли воқеадан сўнг норозилик бутун мамлакатни камраб олди. Ганди қон тўкилишининг олдини олиш учун Панжобга етиб келди. ҲМК қарори билан Монтегю – Челмсфорд қонуни бўйича ўтказилган сайловлар бойкот қилинди.

Бу бойкот тажрибаси асосида кейинчалик мустамлака ҳукумати билан ҳамкорликни бойкот қилиш: фахрий унвон ва лаво-

зимлардан, расмий қабуллардан воз кечиш, англиз мактаб ва коллежларида ўқишни, сайловларда қатнашишни, чет эл товарларини сотиб олишни бойкот қилиш ҳаракати бошланиб кетди.

1921 йил декабрда Ахмадобод шаҳрида ҲМКнинг сессияси бўлди. Унда сваражга эришилмагунча бўйсунмаслик кампаниясини давом эттиришга, сатьяграҳанинг юқори шаклига — давлат солиқларини тўлашдан бош тортишга ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди. Навбатдаги сатьяграҳанинг раҳбари қилиб М.К. Ганди эълон қилинди.

1922 йил 1 февраль куни М.К. Ганди вице-қирол Ридингдан барча қамоқдагиларни зудлик билан озод қилишни, Ҳиндистоннинг ўзини ўзи бошқариши тўғрисида музокаралар бошлашни талаб қилди ва акс ҳолда солиқлар тўлашдан бош тортиш кампанияси бошланишини билдирди. Вице-қирол бунга оммавий қамоққа олишлар билан жавоб қайтарди.

Кампания жуда катта кўтаринкилик билан бошланди. ҲМКнинг кўплаб раҳбарлари қамоқда бўлса-да, М.К. Гандининг ўзи озодликда эди. Мустамлака ҳукуматининг фаолияти тўлиқ издан чиққан кўринарди. Бу даврга келиб ҲМКнинг 10 минг фаоли қамоққа олинди, солиқларни тўлашдан бош тортиш кампанияси давом эттирилди.

1922 йил 4 февралда Чаура-Чаури қишлоғида дехқонлар маҳкамада қамалиб олган полициячиларни ёкиб юборди. Бу сатьяграҳа тамойилига зид ҳаракат эди. Ганди кампанияни тўхтатиш тўғрисида кўрсатма берди. Агар Ганди шундай қилмаганда, зўравонлик бошқа ҳудудларга ҳам тарқалиши мумкин ва шунда сатьяграҳа — зўравонликларсиз ҳаракат ўз моҳиятини йўқотган, англизлар эса оммавий куч ишлатиш учун баҳонага эга бўлган бўларди. Ганди одамларнинг кайфиятини яхши сезарди.

ҲМКдаги ҳолат. 1922 йили сатьяграҳа тўхтатилгандан сўнг ҲМК аъзоларининг сони кескин қисқарди, партиядан кўпчилик, аввало мусулмонлар чикиб кетди. ҲМКнинг асосий лидерлари турмаларда эди, уларнинг кўпчилиги қабул қилинган қарор учун Гандини қораладилар. Бу орада М. Ганди ҳам қамоққа олиниб, 6 йилга ҳукм қилинди. Шундан сўнг ҲМКда уч гуруҳ пайдо бўлди:

1. М. Ганди тарафдорлари. Улар сатьяграҳани тўхтатиш тўғрисида қабул қилинган қарорни маъқуллади. Р. Прасад, В. Патель, Ч. Ражагопалачария бу гуруҳнинг етакчилари эди.

2. Ўзгариш тарафдорлари ёки сваражчилар. Уларга Мотилал Неру (Жавоҳарлаъл Нерунинг отаси), Ч.Р. Дас етакчилик қилди. Улар Гандининг қарорини танқид қилди. Сиёсий тизимни бойкот қилишни тўхтатиш, сайловларда қатнашиш, Қонун чиқарувчи мажлислар фаолиятини ичидан бузишни таклиф қилди. Бу гуруҳ аъзолари 1923 йили ҲМК таркибида Свараж партиясини тузди.

3. Сўл қанот. Бу йўналиш вакиллари ўта кескин кайфиятда бўлиб, доминион ҳуқуқини олиш учун эмас, тўлиқ мустақиллик учун курашни таклиф қилди. Бу гуруҳ етакчилари орасида ёш Жавоҳарлаъл Неру ва Субҳас Чандра Бос бор эди.

1923 йили Дехлида бўлиб ўтган ҲМКнинг сессиясида сваражчилар ўз номзодларини мустақил кўрсатиши ва шу йўл билан сайловларда қатнашиши мумкинлиги, умуман Конгресс эса бойкотни давом эттириши ҳақида қарор қабул қилинди.

1923 йили Буюк Британияда ҳокимиятга Д.Р. Макдональд бошчилигида лейбористлар ҳукумати келди. Улар Ҳиндистонга нисбатан сиёсатни тўлиқ ўзгартиришга ваъда берди. М. Ганди ва ҲМКнинг бошқа етакчилари турмалардан озод қилинди. Референдум ўтказиш ва Ҳиндистоннинг макomini ўзгартириш умиди пайдо бўлди. Шундай шароитда М. Ганди инглиз матоларидан бошқа барча турдаги бойкотларни тўхтатиш тўғрисида қарор қилди.

Аммо лейбористлар ҳукуматига боғланган умид ўзини окламади. 1924 йили Буюк Британияда ҳокимиятга яна консерваторлар келди. Бу ҳукуматнинг Ҳиндистон ишлари бўйича вазири лорд Биркинхед билан олиб борилган музокаралар натижасиз якунланди.

1924–1928 йиллари М.К. Ганди ҲМКдаги сиёсий фаолиятини тўхтатиб, ўзининг Конструктив дастур деб номланган ғоясини амалга оширишга эътиборини жамлади.

Сваражчилар ҳам муваффақиятга эришмади: улар 1926 йилги сайловларда қатнашди, аммо Қонунчилик мажлисларидан кўпчилик ўринни эгаллаш олмади.

1927 йили инглиз ҳуқуқшуноси Ж.О. Саймон бошчилигида комиссия тузилганлиги эълон қилинди. Комиссиянинг мақсади Ҳиндистон учун янги конституция ишлаб чиқиш бўлиб, комиссия таркиби фақат инглизлардан ташкил топиши кўзда тутилди. Аммо комиссия барча масалалар бўйича Ҳиндистондаги сиёсий партиялар ва ташкилотлар билан маслаҳатлашиши айтилди. Бирок

Ҳиндистонга ўзини ўзи бошқаришнинг қайси турини тақдим этишни инглизлар ҳал қиладиган бўлди. Бундан газабланган ҳиндлар комиссия ишини бойкот қилди.

1927 йил ҲМКнинг Мадрасдаги сессиясида ўз конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш учун маҳсус комиссия ташкил қилинди. Уни Мотилал Неру бошқарди («Мотилал қўмитаси»). 1928 йили комиссия конституция лойиҳасини тақдим этди («Неру Конституцияси»). Уни Мусулмонлар лигаси билан келишиш учун 1928 йил декабрда Калькутта шаҳрида чақирилган партиялараро конференция натижасиз якунланди. Томонлар Марказий қонун чиқарувчи мажлисдаги ўринларни бўлиш бўйича келиша олмади. Шундан сўнг ҲМКнинг сессияси бўлиб, унда лойиҳа маъқулланди. Инглизлар ўйлашига бир йил муҳлат бериш ва шундан сўнг тўлиқ мустақиллик учун курашни бошлаш ҳақида келишиб олинди. 1929 йил декабрда ҲМК сессияси Ҳиндистоннинг тўлиқ мустақиллигини талаб қилиш ва сатьяграҳанинг янги даврини бошлашга қарор қилди.

Сатьяграҳа ҳаракатининг кейинги босқичи 1929 – 1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози даврига тўғри келди. Бу босқич кун тартибига Ҳиндистон мустақиллиги масаласини аниқ қўйилганлиги ва конституцияни талаб қилганлиги билан ажралиб туради. Мустамлакачилик ҳукумати миллий-озодлик ҳаракатининг фаоллашувига жавобан янги сайлов ислоҳотини тақлиф қилди. 1928 йили Саймон комиссияси тақлиф қилган янги сайлов қонуни конституция сифатида тақдим этилди. Бу ҲМКни қаноатлантирмади. Янги тузилган комиссия томонидан илгари сурилган Ҳиндистонга доминион мақомини бериш тақлифи (Австралия ва Канада сингари) ҲМК томонидан рад этилди. ҲМК сўл қаноти раҳбари Жавахарлаъл Неру Ҳиндистоннинг тўлиқ мустақиллигини ёқлаб чиқди ва Мустақиллик Лигасини тузди.

Жаҳон иқтисодий инқирозининг Ҳиндистонга таъсири. Шу даврда жаҳон иқтисодий инқирози бошланиб кетди ва тезда Ҳиндистонга ҳам етиб келди. 1927–1928 йиллариёқ мамлакатда аграр инқироз бошланди – жут (Ҳиндистон канопи), пахта, ғалла, ёғли ўсимликларнинг нархи тушиб кетди. Даромаддан айрилган деҳқонлар аввалги миқдордаги ер солиғини тўлай олмадилар. 1928 йил июнда М.К. Ганди тарафдори Валлабхай Пател Гужоратда

ер солиғи тўлашни бойкот қилиб, сатьяграҳани муваффақиятли қўллади.

Жаҳон иқтисодий инқирози туфайли кишлок хўжалиги маҳсулотларининг нархи янада тушиб кетди. Солиқлар кўтарилмаган бўлса-да, энди уларни тўлаш учун аввалгидан 2 – 3 баробар кўп маҳсулот сотиш лозим эди. Бу ижара пулининг оширилиши ва ўз навбатида, деҳқонлар аҳволининг ёмонлашувига олиб келди. Кўплаб деҳқонлар ердан айрилиб қолмаслик учун ҳар бир ҳинд оиласида бўладиган аёлларнинг қимматбаҳо тақинчоқлари ҳисобига солиқларни тўлашга киришди. Қимматбаҳо тошлар ва нодир металллардан ясалган улкан ҳажмдаги ҳашам буюмлари Буюк Британияга жўнатилди. Бу инглизларга ўз молиявий тизимини барқарорлаштиришда ёрдам берди. Буюк Британия инқирозни енгишга уришиб, Ҳиндистонда ўз товарларининг савдосини оширишга ҳаракат қилди. Барча протекционистик тарифлар ва тўсиқлар бекор қилинди. Инглизлар фунт стрелингнинг олтин стандартини бекор қилди, бу ўз-ўзидан ҳинд миллий валютаси рупия қийматининг ошишига олиб келди ва ҳинд товарларининг нархини ошириб, уларнинг рақобатбардошлигини пасайтирди. Бу Ҳиндистонда минглаб майда корхоналарнинг синишига, ишсизликнинг ошишига олиб келди. Ишчиларнинг иш ҳақи 30–40% қисқарди. Инқироз ижтимоий тангликни янада оширди. Бенгалия ва Панжоб каби провинцияларда радикал террорчи гуруҳлар пайдо бўлди. Кўпчилик ҳиндлар террорни қораласалар-да, айрим кишилар, айниқса ёшлар онгида улар инглизларга қарши курашаётган миллий қаҳрамонлар тимсолига айланиб борди.

Сатьяграҳанинг кейинги босқичи. Сатьяграҳа ҳаракатининг бу босқичи 1930 йил апрелда бошланиб, худди биринчи босқичдаги сингари давом этди. Ганди ва ҳаракатнинг бошқа етакчилари камокқа олинди. Ҳаракатнинг 60 минг қатнашчиси турмаларга ташланди. Баъзи жойларда ҳаракат қўзғолонга айланиб кетди. Аскарлар уларга қарши ўқ отишдан бош тортдилар.

1931 йил мартда ҲМК раҳбарияти билан мустамлакачи ҳукумат ўртасида Ганди – Ирвинг пакти деб номланган келишув имзоланди. Инглизлар камокдагиларни озод қилиш ва ҳаракат қатнашчиларини таъқиб қилмаслик мажбуриятини олди. 1931 йил мартда Карачида бўлиб ўтган ҲМК сессияси келишувни тасдиқлади. Сатьяграҳа ҳаракати тўхтатилди. Сессияда бўлғуси мустақил Ҳиндистонда

Ўтказиладиган ижтимоий ва сиёсий ислохотлар дастури ҳам муҳокама қилинди.

Шундан сўнг Ҳиндистон муаммоси бўйича Лондонда йиғилган конференцияга ҲМК «Ҳиндистон фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган ҳужжатни таклиф қилди. Амалда бу Ҳиндистон конституцияси бўлиб, унда Ҳиндистонда буржуа-демократик эркинликлар жорий қилиш, касталар ва динлар ўртасида тенгликни тан олиш, диний омилни ҳисобга олган ҳолда мамлакат маъмурий-худудий бўлинишини қайта кўриб чиқиш, энг кам иш ҳақи даражасини ўрнатиш каби муҳим тадбирлар кўтарилган эди. Аммо конференция ҳужжатни қабул қилмади. Шунда Ганди сатьяграҳанинг кейинги босқичини эълон қилди. Бу босқич 1933 йил майгача давом этди.

1934 йил кузда ҲМК сайловларда иштирок этди ва умумий овозларнинг ярмидан кўпини олиб, катта муваффақиятга эришди. М.К. Ганди 1934 йили расман ҲМКдан чиқди ва ўзининг Конструктив дастури билан шуғулланди. Бу пайтга келиб унинг обрўси шунчалар баланд эдики, у ўзини ҳеч қандай сиёсий фаолият билан боғлашни истамади. Ганди барча ҳиндлар томонидан умуммиллий лидер сифатида қабул қилинарди.

1930-йилларнинг биринчи ярмида бутун Ҳиндистонни ларзага келтирган сатьяграҳа ҳаракатининг расман мағлубиятига қарамасдан, у мамлакат ҳаётида катта из қолдирди. Инглизлар оммавий ҳаракатнинг қудратига яна бир бор амин бўлдилар. Яна битта шундай оммавий чиқиш охиргиси бўлиши ва инглизлар Ҳиндистонни шармандаларча ташлаб чиқиши аниқ бўлиб қолди. Шу даврдан бошлаб улар қарашида бир фикр етилди: Ҳиндистондан эртами, кечми кетишга тўғри келади. Бу фикр Британия жамияти элитасининг онгида аста-секин қарор топиб борди. Улар энди охиригача назоратни ушлаб туриш, анархияга йўл қўймасликни ўйлай бошладилар.

Британия ҳукуматини ҳиндлар ва мусулмонлар жамоалари ўртасидаги душманлик кайфияти ташвишга солаётган эди. 1935 йили ҳокимият органларида мусулмонларнинг ўрнини белгилаш масаласида ҲМК вакили Ражендра Прасад ва Мусулмонлар лигаси етакчиси Муҳаммад Али Жинна ўртасидаги музокара натижасиз якунланди. Ҳиндистон устидан назоратни ва бу ерда тартибни уш-

лаб туриш англизлар учун борган сари кийинлашиб борди. Аста-секин кетишга тайёрланиш лозим эди.

1935 йилги Конституция ва унинг оқибатлари. 1935 йил августда Ҳиндистон учун янги Конституция қабул қилинди. У марказий ҳокимиятни вице-қирол қўлида сақлаб қолди ва шунинг учун маҳаллий аҳоли томонидан «куллик» конституцияси деб аталди. Вице-қирол аввалгидай Буюк Британия қироли томонидан тайинланиб, ижро ҳокимияти тўлиқ унинг қўлида жамланди: у Конституцияни тўхтатиб қўйиши ва фавқулодда ҳолат эълон қилиши мумкин эди. Айни пайтда Ҳиндистонда провинциялар автономияси шаклланди: провинцияларда ҳокимият органларининг ваколатлари кенгайди, маҳаллий Қонунчилик мажлислари олдида масъул бўлган ҳукуматлар ташкил қилинди, сайловларда қатнашиш учун ўрнатилган мулкий чегара пасайтирилди, натижада сайловчилар сони 4 марта ошди.

Шу тариқа, сайловларда ғалаба қозонган сиёсий партиялар 11 та провинцияларда ўз ҳукуматини шакллантириш ҳуқуқига эга бўлди. Бошқача айтганда, бу ҳокимиятни ҳиндлар қўлига ўтганини билдирар эди. Инглизлар Ҳиндистонни тарк этишга жиддий тайёрлана бошлади.

Аммо Ҳиндистон ҳамон мустамлака бўлиб қолаверди: Марказий ижро кенгаши Марказий қонунчилик мажлиси олдида эмас, мустамлака маъмурияти билан яқин алоқада бўлган Давлат кенгаши олдида масъул эди. Конституцияда Ҳиндистоннинг бўлғуси сиёсий мақоми тўғрисида ҳеч нарса дейилмади.

1937 йилги сайловларда ҲМК ғалаба қозонди, Панжоб ва Бенгалиядан ташқари (бу икки провинцияларда Мусулмонлар лигаси ғалаба қозонди) барча провинцияларда ўз ҳукуматларини шакллантирди. Маҳаллий сиёсат ўзгарди: сиёсий маҳбуслар озод қилинди, демократик эркинликлар тикланди, цензура бекор қилинди. Янги ижтимоий сиёсат юритила бошланди, ижарачи-деҳқонлар ҳуқуқини кенгайтирувчи қонунлар қабул қилинди, ижара учун тўланадиган рента миқдори чегараланди, кам таъминланган оилаларнинг суд-хўрлардан қарзлари музлатиб қўйилди. Провинциялар ҳукуматлари ўз ваколатлари доирасида маҳаллий саноатни рағбатлантирди, Ҳиндистон иқтисодидан англиз капиталини сиқиб чиқара бошлади. Инглизлар аста-секин Ҳиндистонда ўз позициясини йўқотиб борди.

Айни пайтда ҳинд ва мусулмон жамоалари ўртасидаги муносабатлар янада кескинлашиб кетди. Мусулмон аҳоли кўпчилигини ташкил қилган автоном провинцияларнинг пайдо бўлиши мамлакатнинг кейинги бўлиниши учун замин тайёрлади. Мусулмонлар лигаси ўз тарафдорларини ҲМК билан ҳамкорлик қилмасликка чақирди: 1938 йил Калькуттада бўлиб ўтган Мусулмон лигаси сессиясида М.А. Жинна ҲМК аъзоси бўлган мусулмонларни Лига сафидан ҳайдашга чақирди. Мусулмон жамоаси Ҳиндистонда ўз «миллий ўчоғини» яратишга киришди.

Ҳиндистон Иккинчи жаҳон уруши йилларида. 1930-йиллари фашистик давлатлар бошлиқлари бир неча бор ҲМКнинг кўзга кўринган арбоблари билан алоқа боғлашга уринди. Масалан, Муссолини Ж. Неру билан учрашишга ҳаракат қилганлиги маълум, аммо Ж. Неру принцип жиҳатидан бундай учрашувни рад этди. Мутлоқ кўпчилик ҳиндлар учун фашизм ёт, унинг гуманизмга қарши фалсафаси ҳиндуизмнинг руҳига зид эди. Шу сабабли бошқа, масалан, мусулмон давлатларидан фарқли равишда фашистик мамлакатлар раҳбарлари Ҳиндистонда қандайдир симпатияга умид қилиши мумкин эмасди. Аҳоли антифашистик коалицияни қўллаб-қувватлашга тайёр эди. Аммо 1939 йил сентябрда вице-қирол ҳинд сиёсий арбоблари билан маслаҳатлашмасдан туриб Ҳиндистонни урушаётган мамлакат, деб эълон қилиши умумий норозиликка сабаб бўлди.

1939 йил 14 сентябрда М.К. Ганди вице-қирол Линлитгоу билан учрашди, унга ҲМК мададини таклиф қилди, аммо иккита шартни илгари сурди. Инглизлар уруш тугаши билан Ҳиндистонга мустақиллик ва вице-қирол ҳузуридаги Ижро кенгаши ваколатлари берилишини қатъий ваъда қилиши лозим эди. 17 октябрь куни Буюк Британия ҳукумати бу талабларни рад этгандан сўнг ҲМКда урушга муносабат масаласида келишмовчиликлар пайдо бўлди ва кўпчилик Буюк Британияни қўллашдан воз кечиш тарафдори бўлди. 1939 йил ноябрда провинцияларда ҲМК вакиллари томонидан бошқариладиган ҳукуматлар истеъфога чиқди – бу инглиз ҳукумати билан ҳамкорликдан воз кечилганлигини билдирар эди. Аммо бу истеъфо инглизларнинг позициясини ўзгартирмади, ҳокимият вақуми эса тўлдирилди: Шимоли-Фарбий чегара ҳудудларидаги Ассам ва Синд провинцияларида Мусулмонлар лигаси ўз ҳукуматини шакллантирди, бошқа жойларда ҳокимият инглиз губернаторлари қўлига ўтди.

Айни пайтда Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки босқичи антифашистик коалиция учун ноқулай келди. 1940 йилга келиб Ғарбий Европа немис қўшинлари томонидан забт этилди, Буюк Британия Гитлер ва Муссолинига қарши ёлғиз қолди.

1940 йили ҲМК Буюк Британияга илгариги шартлар асосида ёрдам таклиф қилди. Бу антимустамлака ҳаракат етакчилари орасида зиддиятни келтириб чиқарди, М.К. Ганди, Р. Прасад, А. Гаффорхон каби бир қатор раҳбарлар фақат маънавий кўмак билан чекланишни таклиф қилди. Аммо вице-қирол ҲМКнинг талабларини яна рад этди. Келишувга эришилмади.

ҲМКдан фаркли равишда Мусулмонлар лигаси инглиз ҳукмронлари билан зиддиятга бормади. У ҲМК томонидан эълон қилинган сиёсий тизим бойкотини қўлламади. Кейин эса ҲМКга қарши сиёсий кампанияни бошлади.

1940 йил мартда Лаҳор шаҳрида Мусулмонлар лигасининг тарихий сессияси бўлди. Унда Ҳиндистон учун тарихий қарор қабул қилинди: мусулмон аҳоли яшайдиган ҳудудларнинг Ҳиндистондан ажралиб чиқиши ва мусулмон давлати – Покистонни ташкил қилишга эришиш тўғрисида қарор қилинди. Бу Мусулмон лиганинг асосий талаби бўлди. Шу тариқа Покистоннинг эълон қилиниши Ҳиндистонга мустақиллик беришнинг дастлабки шартларидан бири сифатида илгари сурилди.

Инглизлар дастлаб бунга катта эътибор беришмади, Мусулмон лига, айниқса унинг етакчиси М. А. Жинна эса бундан мусулмон давлати ғоясини тарғиб қилишда фойдаланди. Бу тарғибот бутун уруш давомида олиб борилди. Бу билан 1941 йили тузилган «Жамоат-и-ислом» ташкилоти шуғулланди ва Ҳиндистон мусулмонларининг маданий бирлиги ғоясини тарғиб қилди.

Япониянинг урушга кириши билан Ҳиндистондаги ҳолатнинг ўзгариши. 1941 йил декабрда Япония урушга кирди. Бу минтақада ҳолатнинг кескин ўзгаришига олиб келди. Биринчидан, урушдан олдин ҳам Япония минтақада «Биргаликда гуллаб-яшнаш» деб аталувчи таклифни киритиб, «Осиё халқларини оқ мустамлакачилар зулмидан озод қилишда» ўзининг ролини таъкидлашга уринган, бир қисм ҳиндлар бунга ишониб ҳам бошлашган эди.

Иккинчидан, Япония бевосита Буюк Британияга қарши урушга киришди ва бир қисм жангчилари айнан ҳиндлардан иборат бўлган

армияга зарба бера бошлади. Инглизлар Малайя ва Сингапурни бой бериб, Бирмага чекинишга мажбур бўлди.

1942 йил баҳорда японлар асир тушган хиндлар ва эмигрантлар вакилларидан Ҳиндистон миллий армияси деб аталган кўшинни тузди ва уруш бошланиши билан Японияга бориб қолган С.Ч. Босни унга бошлиқ қилиб тайинлади. Умуман хиндлар орасида японларга қарши кайфият ҳукмрон бўлса-да, бир қисм аҳоли кўлида қурол олиб мустақиллик учун курашаётган кишиларга ҳам умид боғларди. Айниқса японлар Бенгалияга, Ҳиндистоннинг чегарасига яқинлашиб келган сари шундай ўйловчилар сони кўпайиб борди.

Ҳиндистоннинг стратегик ҳолати инглизлар ва уларнинг иттифоқчилари учун жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Ҳинд жамиятининг, аввало етакчи сиёсий куч – ҲМКнинг қўллаб-қувватлаши ҳам муҳим эди. Шу сабабли АҚШ Буюк Британияни ҲМК билан яраштиришга ҳаракат қилди. Шу мақсадда АҚШ президенти Ф. Рузвельтнинг шахсий вакили Ҳиндистонга келди.

1942 йил 23 мартда Р. С. Криппс бошчилигидаги Буюк Британия ҳукумати вакиллари Ҳиндистонга келди. М. К. Ганди ва ҲМК вакили А. Озод билан музокаралар бошланди. Буюк Британия урушдан кейин Ҳиндистонга мустақиллик ва вице-қирол ҳузуридаги Ижро кенгаши ваколатларини беришга тайёрлигини маълум қилди. Инглизлар фақат ҳарбий операциялар ўтказиш ва қурол ишлаб чиқариш назоратини ўзида қолдиришни режалаштирди. Бироқ ҲМК бу таклифни рад этди. Покистон мустақиллигини эълон қилиш кафолатлари бўлмагани учун Мусулмон лигаси ҳам бу таклифга қўшилмади.

Айни пайтда Япониянинг Ҳиндистонга бостириб кириш хавфи ошиб борди. Японлар бевосита Ҳиндистон чегараларига чиқди, инглизлар ҳам мудрофаага тайёрлана бошлади.

1942 йил «Август инқилоби». 1942 йил 8 августда Бомбейда ҲМКнинг сессияси бўлиб, унда «Ҳиндистондан йўқолинг!» деган машҳур резолюция қабул қилинди. Унда инглизлардан зудлик билан Ҳиндистонни тарк этиш, японларнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун ҳокимиятни зудлик билан ҲМК қўлига бериш талаб қилинди. Ўз талабларини қўллаш учун ҲМК умумий сатьяграҳа ўтказишни режалаштирди.

Эртаси куни, 9 августда М. К. Ганди ва ҲМК Ишчи кўмитасининг барча аъзолари камокқа олинди, резолюциянинг тайёрлаб қўйилган ададги мусодара қилинди. Резолюцияда коммуникация воситаларини, алоқа линиясини, почталарни издан чиқаришга чакирик бор эди. Бир оздан кейин шундай тадбирлар ростдан амалга оширилди. Аммо уруш шароитида бундай ҳаракатлар одатда ўлим ҳукми билан жазоланди. Оммавий қатағонлар бошланди. Ғалаёнлар икки ойга яқин давом этди. Кейин фаоллар камокқа олиниб, ғалаён бостирилди. Бу воқеалар «август инқилоби» номини олди. Кўпчилик сиёсий партиялар сатьяграҳани қўлламади.

1942 йил августдан 1944 йил майгача ҲМКнинг барча кўзга кўринган арбоблари ва М.К. Гандининг ўзи ҳам камокда бўлди. Улар Япониянинг Ҳиндистонга бостириб кириш хавфи тўлиқ бартараф этилгандан сўнг озод қилинди. Уруш йиллари инглизлар Ҳиндистоннинг иқтисодий имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланди: урушга озиқ-овқат, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ҳарбий анжомлар етказиб берилди. Шу даврда Ҳиндистоннинг саноат сектори кенгайди, айниқса металлургия, кимё саноати, мато ишлаб чиқариш жадал ривожланди.

Мамлакатнинг молиявий аҳволи тубдан ўзгарди: Ҳиндистоннинг Британия банкларидаги ҳисобида жуда катта маблағ (1 млрд ф.ст. дан зиёд) йигилди, энди Англия Ҳиндистондан қарз бўлиб қолди. Ҳинд капиталининг базаси мустаҳкамланди, пул маблағи кўпайди. Саноат соҳаси ҳинд тадбиркорлари қўлига ўта бошлади.

Албатта уруш Ҳиндистон учун қимматга тушди. Фронтларда юз минглаб ҳинд аскарлари ҳалок бўлди. Миллионлаб кишилар очликдан ўлди.

Фақат 1944 йилга келиб ҲМК фаолиятига рухсат берилди. ҲМК раҳбарлари озод қилингандан сўнг Мусулмонлар лигаси билан ҲМК ўртасида узоқ ва оғир музокаралар бўлиб ўтди. Ҳатто ҲМК агар референдумда маъқулланса, Покистоннинг ташкил топишига ҳам рози бўлди. 1945 йилга келиб келишув принциплари белгиланди: бўлғуси ҳукуматда ҲМК ва Мусулмонлар лигаси 40% дан ўрин олади, қолган ўринлар бошқа диний жамоалар ўртасида тақсимланади. Покистон бўйича масала мустақиллик эълон қилингандан сўнг муҳокама қилинадиган бўлди.

Хуллас, XX асрнинг биринчи ярми Ҳиндистон халқларининг миллий-озодлик ҳаракатида ҳал қилувчи давр бўлди. Бу курашда бошқа мустамлака халқлардан фарқли равишда ҳиндлар ўзларининг усулини – зўравонликларсиз кураш тактикасини ишлаб чиқди. Курашнинг бу усули нисбатан кам йўқотишлар билан мустақилликка эришиш имконини берди.

XXI боб бўйича саволлар

1. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Ҳиндистонда мустамлакачиликка қарши курашнинг янги даври бошланишига нима сабаб бўлди?
2. Зўравонликларсиз мустақиллик учун кураш ва мустамлака ҳукумати билан ҳамкорлик қилмаслик – сатьяграҳа ҳаракати туфайли қандай натижаларга эришилди?
3. ҲМК ва Ж. Неру Ҳиндистон мустақиллиги бўйича қандай позицияни эгалладилар?
4. 1929 – 1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози Ҳиндистонга қандай таъсир кўрсатди?
5. Жаҳон иқтисодий инқирози йилларидаги сатьяграҳа ҳаракатидан қандай мақсадлар кўзланган эди?
6. 1935 йилги конституция қандай натижаларга олиб келди?
7. Иккинчи жаҳон уруши Ҳиндистон миллий-озодлик ҳаракатининг боришида қандай ўзгаришларга олиб келди?

XXII Б О Б. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА КОРЕЯ

XX аср бошлари ва Биринчи жаҳон уруши йилларида Корея. 1904–1905 йиллардаги рус-япон урушида Россиянинг мағлубиятидан сўнг имзоланган Портсмут сулҳига биноан Корея устидан Япония протекторати ўрнатилди. 1910 йили эса Корея японлар томонидан аннексия қилиниб, мустамлакага айлантирилди.

Япониянинг мустамлака ҳукмронлигини хронологик жиҳатдан тўртта даврга бўлиш мумкин: биринчи (1905–1910) – Корея устидан Япония протекторати ўрнатилиши; иккинчиси (1910–1919) – ҳарбий бошқарув ёки «қилич режими»; учинчи (1919–1939) – «маданий бошқарув»; тўртинчи (1939–1945) – корейсларни япон маданий кенглигига зўравонлик билан ассимиляциялашга уриниш.

1910 йили августда япон милитаризми томонидан Кореянинг тўлиқ аннексия қилиниши Мэйдзи ислоҳотлари асосида модерни-

зациялашаётган Япония Узоқ Шарқнинг бошқа мамлакатлари, аввало Хитой ва Россиядан кучли эканлигини англатар эди. Айнан минтақада ўзининг стратегик устунлиги туфайли Япония катта мустақиллик урушисиз қадимги ўзига хос давлат – Корея устидан ўзининг мутлоқ назоратини ўрнатишга эришди. Шу даврдан бошлаб япон генерал-губернатори Корея яриморалининг тўлиқ ҳукмдорига айланди. Япон амалдорлари истисносиз барча провинцияларда губернаторлик лавозимларини эгаллади, молия, дипломатик, савдо-иқтисодий, суд-полиция ва бошқа хизматлар устидан тўлиқ назорат ўрнатди. Жуда қадим давлатчилик анъаналарига эга бўлган Корея суверен давлат сифатида барҳам топди. Илгари Корея имзолаган халқаро шартномалар бекор қилинди. Корейс тилида газета ва китоблар нашр қилиш тўхтатилди. Империянинг мағрур Корея номи яна эски «Чосон» – «Тонгги хушхаво» номига ўзгартирилди.

Кореянинг ўз мустақиллигини йўқотиши фақат ташқи омилнинг натижаси эмасди. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида корейс давлатчилиги кенг қамровли инқироз ва таназул даврига кирди. Конфуцианлик тамойиллари асосида қурилган қатъий бюрократик бошқарув ортида давлат машинасининг тўлиқ фалажлиги яширинган эди. Амалдорлар, бутун бошли вазирликлар ўзларининг бевосита вазифасини бажармай қўйди. Солиқлар йиғилмасди, давлат хазинаси бўм-бўш, қуроли кучлар нафақат давлат чегараларини, ҳатто ҳукмрон Ли сулоласининг саройини ҳам қўриқлашга қурби етмасди. Барча амалдорлар, жумладан, қиролининг ўзи ҳам порахўрликни давлат ички сиёсатининг бош омилига айлантириб олган эди. Шундай ҳолатда эскириб кетган анъаналар боткоғига ботиб қолган Корея шиддат билан ривожланаётган, ташқи бозор ва хомашё базасига муҳтожлик сезаётган Япониянинг эътиборини жалб қилмаслиги мумкин эмасди. Бунинг устига бутун 1910 йил давомида бош вазир Ли Ванъён бошчилигидаги японпараст вазирлар, шунингдек, японпараст Ильчинхве ташкилоти аъзолари Кореянинг Япония билан «қўшилиши» нақадар «фойдали» эканлигини тарғиб қилдилар ва бирлашишни илтимос қилиб, Япония императорига бир неча бор хат йўллади.

1910 йилги аннексиядан сўнг Корея ҳукмдори Сунчжон (1907 йилдан мамлакатни бошқарган) император ҳазрати олийлари макомини ўзида сақлаб қолди, унинг харажатлари учун давлат бюджетидан йилига 1,5 млн иен пул ажратилди. Бундан ташқари, илгари

катта лавозимларни эгаллаган 76 нафар хукмрон доира вакиллари япон императорининг декрети билан муҳим маъмурий, ҳарбий, дипломатик ва бошқа лавозимларни эгаллади, юқори унвонларга эга бўлди. Уларнинг ҳар бири Япония хазинасидан мукофот ҳам олди. Ўрта қатлам вакиллари ҳам маъмурий аппаратда анча юқори лавозимларга ва шунга яраша даромадга эга бўлди. Японларнинг бундай «хотамтойлигидан» «халқ вакиллари» – конфуций роҳиблари ҳам куруқ қолмади. 9,8 минг нафар конфуцийлик ақидаларини «тўғри» талқин қилувчи воизлар давлат хазинасидан 24 иендан бир марталик мукофот олди. Бу чет элликлар ҳоқимиятига хизмат қилганлик учун рамзий тўлов эди.

Албатта корейсларнинг ҳаммаси ҳам япон хукмронлигини миннатдорчилик билан қабул қилмади. Япон босқинчилигига қарши кураш алоҳида террористик актлар ва Адолат армияси (Ийбён) сафида кураш кўринишида бўлиб, ҳали япон хукмронлиги расман ўрнатилишидан олдин, XIX асрнинг охирларидан бошланган эди. Корейс террорчилар гуруҳи томонидан турли йилларда Япониянинг бош резиденти Ито Хиробуми, Корея император саройининг америкалик маслаҳатчиси Д. В. Стивенсон каби кўзга кўринган босқинчилар ўлдирилди. Кейинчалик хоин бош вазир Ли Ванъён ҳам пичоқлаб кетилди. Аммо бу ҳаракатлар Кореяни мустамлакачилар зулмидан озод қилишга ёрдам бермади.

Ийбён армияси мустақиллик учун курашнинг муҳим бўғини бўлди. Аммо бу кураш ҳам аста-секин ўзининг оммавийлигини йўқотиб борди. Армия сафларида курашувчилар сони 1908 йили 70 минг кишига етган бўлса, 1910 йилдан кейин бу тарқок, ҳар бири бир неча ўн кишидан ошмайдиган партизан отрядларидан иборат эди.

Кореяни японлар босиб олгандан кейинги дастлабки ўн йиллик мустақиллик учун ҳаракатда янги кўтарилиш, шунингдек, аҳоли онгида Кореянинг келажаги бўлган республика тузуми тўғрисида тасаввурлар шаклланган давр бўлди.

Биринчи жаҳон уруши якунлангандан сўнг юз бераётган воқеалардан таъсирланган мустақиллик учун курашчилар янги ватанпарварлик ташкилотларини тузди. Хусусан, 1919 йил январда мустақиллик учун курашнинг бўлғуси етакчилари Ким Гюсик ва Ё Унхён Хитойнинг Шанхай шаҳрида «Янги Корея учун ёшлар партияси» (Син Хангук чхоннёндан)ни ташкил қилди.

1919 йил 21 январда Корейнинг биринчи императори Кочжон вафот этди. Халқ орасида императорнинг ўзи ўлмаганлиги, японлар томонидан заҳарланганлиги тўғрисида миш-миш тарқалди. Собик императорни кўмиш маросими 3 мартга белгиланиб, майитнинг бундай узоқ сақланиши корейсларнинг «бахтли» ва «бахтсиз» кунлар тўғрисидаги тасаввурлари билан боғлиқ эди.

Кўмиш маросимида қатнашиш учун кўплаб корейслар пойтахтга келди. Бу айни пайтда мамлакат мустақиллигини тиклаш корейсларнинг талаби эканлигини билдириш учун ҳам яхши имконият эди.

1919 йил Биринчи март ҳаракати. Император ўлимидан бир неча кун кейин Токиода ўқиётган корейс ёшлари Мустақиллик декларациясини тайёрлади. Декларация матнининг муаллифи бўлғуси таникли корейс ёзувчиси Ли Гвансу бўлди. 1919 йил 8 февраль кuni Корейс протестант ёшлари мажлислар залида Декларация ўқиб эшиттирилди ва уни Япония императорига тақдим этиш тўғрисида қарор қилинди. Декларация тўртта асосий бандлар билан яқунланди: корей халқига мустақиллик бериш; Корея Миллий мажлисини чақириш; Париж тинчлик конференциясида Кореяга ўз тақдирини ўз белгилаш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилиш; ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда корейс халқи курашни бошлаши тўғрисида. Аммо Мажлислар залига япон полицияси бостириб кирди, 60 киши қўлга олинди. Бу воқеалар тўғрисидаги хабар жуда тез бутун Корея бўйлаб тарқалди.

Корея мустақилликни тиклаш учун ўз иродасини изҳор қилиш мақсадида оммавий чиқишга тайёрлана бошлади. Унга чхондогё дини патриархи Сон Бёнхи ва корейс христиан-протестантлари вакили Ли Синхунлар раҳбарлик қилди. 1919 йил 1 март кuni Сеулнинг марказий Иқлим хиёбонида митинг ўтказиш ва унда Мустақиллик декларациясининг янги матнини оммавий ўқиб эшиттиришга қарор қилинди. Декларация матнини тайёрлаш бўлғуси корейс тарихчиси ва ёзувчиси Чхве Намсонга топширилди. 27 февраль кунига Мустақиллик декларацияси матни 21 минг нусхада тайёрланди. Ташкилотлар ва мактаблар орқали бўлғуси митинг ҳақида одамларга хабар берилди.

1 март кuni эртлаб Иқлим хиёбонида 4 мингга яқин киши йиғилди. Соат 14⁰⁰ да Сеул мактабларидан бирининг Чон Чжён исмли битирувчиси Мустақиллик декларациясини тантанали ўқиб

эшиттирди. Декларация матни тинчликсеварлик руҳида бўлиб, японлардан Кореяга нисбатан куч ишлатишдан воз кечиш талаб қилинди. Шундан сўнг «Яшасин мустақиллик!» деган чақириқлар янгради. Корея империяси (Буюк Хан)нинг байроғи сифатида Тхэгикки қабул қилинди (у ҳозир Корея Республикаси (Жанубий Корея)нинг байроғи ҳисобланади). Биринчи март воқеалари ҳақидаги хабар бутун мамлакат бўйлаб тарқалди ва корейс халқи томонидан қўллаб-қувватланди. Кореянинг 218 та уездидан 211 тасида аҳолининг чиқишлари кузатилди. Одатда бу чиқишлар тинч намойиш бўлиб, уларда Декларация матни ўқилди ва «Яшасин мустақиллик!» деган чақириқлар жаранглади. Аммо бу чиқишлар ҳар доим ҳам тинч характер касб этмади. Айрим ҳолларда иш ташлашлар, полиция билан тўқнашувлар ҳам юз берди. Айниқса деҳқонлар маҳаллий полиция участкалари, маъмурият биноси ва ер эгаларининг кўргонларига ҳужум уюштирди. Умуман Биринчи март ҳаракатида 2 млн дан зиёд киши иштирок этди.

Биринчи март ҳаракати бостирилгандан сўнг японлар Кореяда мактаб ислоҳотини амалга оширди. Бундан мақсад таълим тизимида япон тилининг таъсирини ошириш эди. Асосан бой оилаларнинг болалари учун мўлжалланган Сеул императорлик корейс университетининг очилиши кенг ташвиқот қилинди. Аммо «маданий бошқарув даврига ўтиш» ҳақидаги расмий ташвиқотга қарамасдан, мустамлака таълим тизими дискриминацион характерга эга эди. Корейслар «иккинчи тоифа» кишилари сифатида ҳамма жойда ўз она тилидан воз кечишга, корейсча исми ва насабини япончасига алмаштиришга, япон фуқаролигини олишга мажбур қилинди. Япония ташвиқот машинаси корейсларга уларнинг келажаги японлар билан яқинлашишда, японлашишда эканлигини тинимсиз тушунтирди. Бу ташвиқотга ишониб, ўзлигини унутган корейсларни аҳоли нафрат билан «янги японлар» деб атади. Японлар корейс тилини муомаладан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилди. Бу жараён мустамлакачиликнинг дастлабки даврида бошланиб, Иккинчи жаҳон урушининг охирида яқунланди. Шу даврда мактабларда корейс миллий ёзуви – хангилни ўқитиш қонун билан тақиқланди.

Жуда кўплаб кишилар япон мустамлакачиларининг мажбурий ишга ёллаш сиёсати қурбони бўлди. Японлар «Ялпи давлат сафарбарлиги тўғрисида», «Ялпи меҳнат мажбурияти тўғрисида», «Катта ёшдаги аҳолининг меҳнат мажбуриятлари тўғрисида», «Аёлларнинг

Ўз манфаатларидан воз кечиш отрядларида хизмати тўғрисида» каби қонунларни босқичма-босқич амалга ошириб, корейс аҳолисини ёппасига эксплуатация қилди. Бу қонунлар фақат инсон ҳуқуқларини қўпол бузиб қолмасдан, қўплаб халқаро келишувларга ҳам зид эди. «Япон ҳокимияти томонидан зўрлик билан ишга ёлланисдан зарар кўрган корейслар жамияти» 2003 йили БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасига тақдим этган уруш даврида мажбурий сафарбарлик қурбони бўлган кишилар рўйхатидан 427 минг 129 нафар корейслар ўрин олган. Минглаб ёш корейс қизлари Япония армиясига «қул» сифатида жўнатилган. Сафарбар қилинган «тирик товар» азобларини ўзида синаб кўрган корейсларнинг умумий сони 8,4 млн кишига етди, шундан 1 млн дан ошиғи ҳалок бўлди.

Япон мустамлака ҳукмронлиги мустақил корейс давлатчилигининг, маориф, фан, миллий маданиятнинг мустақил ривожланишини бутун бир тарихий даврга тўхтатиб қўйди. Яриморолдаги Япония «маданий бошқарув» сиёсати битта мақсадга – мустамлака аҳолисини маънавий захарлашга, тотал японлаштиришга қаратилган эди.

1930-йилларда Корея. Японларнинг Кореядаги «маданий бошқаруви» ўн йилга яқин давом этди. 1929 йили бошланган жаҳон иқтисодий инқирози Японияни, у билан бирга Кореяни ҳам қамраб олди. Инқироз йиллари Кореяда саноат ишлаб чиқарилиши анча қискарди. Ишчиларнинг иш ҳақи 30 – 50% га пасайди, ишсизлар сони 200 минг кишига етди. Шу тариқа жаҳон иқтисодий инқирози барча қийинчиликлардан ташқари япон мустамлака тизимидан норозилик учун яна битта асос ҳам бўлди.

Бу даврда Япония иқтисодий инқироздан чиқиш учун жиддий тадбирларни амалга оширди. Мукдендан (Шэньян) унча узок бўлмаган жойдаги темир йўлда портлашни ташкиллаштириб, 1931 йил 18 сентябрда Япония Манжурияга қўшин киритди ва 1932 йил 1 мартда «Манжурия давлати» (Манжоу Го) тузилганлигини эълон қилди. Манжурия Япония учун хомашё манбаи ва ўз товарларини сотиш учун катта бозор эди. Бир ярим миллионли Квантун армияси томонидан Манжуриянинг забт этилиши япон ҳарбий саноатининг ҳам ривожланиши учун рағбат бўлди. 1932 йилдан Японияда саноатнинг ўсиши бошланди.

Бунинг кетидан янги генерал-губернатор Кореяда ҳарбий ҳолат жорий қилди. «Корея саноати устидан назорат тўғрисида» қонун қабул қилиниб, Корея саноати энди Япония мудофаа эҳтиёжлари учун ишлаши қонун билан белгилаб қўйилди. Жорий қилинган янги бошқарув тартибида корейсларга келажакда автономия берилиши ҳақида гапирилди. 1933 йилдан провинцияларда чекланган ваколатларга эга бўлган маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари тузилди. Япония сингари Кореяда ҳам саноатнинг ўсиши бошланди. Генерал-губернатор Угаки бошқаруви даврида (1931 – 1936 йиллар) 1300 та янги ҳарбий корхоналар яратилди; корейс тадбиркорлари ва ишчилари сони ўсди. Японлар Кореянинг қазилма бойликлари мўл бўлган шимолий қисмида айниқса саноатни жадал ривожлантирди. Манжуриянинг жанубий чегараларида 1937 йил 7 июлда японлар уюштирган навбатдаги ифвогарлик Япония билан Хитой ўртасида узоқ давом этган урушнинг бошланишига олиб келди. Уруш бошланиши билан японлар миллий-ватанпарварлик ҳаракатларининг ҳар қандай кўринишларини бостиришга, корейс маданияти ва корейс миллатининг ўзини йўқ қилишга қаратилган сиёсатни олиб борди.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат ривожланиши. Мустамлакачилик даврида корейсларнинг асосий бойлиги ҳайдаладиган ерлар эди. Аҳолининг асосий қисми, масалан, 1942 йили меҳнатга яроқли аҳолининг 66% и қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, қишлоқ хўжалиги, шунингдек, балиқчилик, ўрмончилик ялпи халқ хўжалиги маҳсулотларининг 55% ини берар эди. Японлар ерларнинг янги кадастрини жорий қилиб, барча ерлар қайтадан рўйхатга олинди, кўпчилик деҳқонлар ўзларига тегишли ерларни ҳужжат билан исботлаб бера олмади (шартнома анъанавий оғзаки бўлганлиги сабабли) ва бу ерлар губернатор фондига ўтказилди. Шу сабабли 1930-йиллар бошига келиб империя ҳукумати мамлакат ер фондининг 40% ига эга бўлиб олди. Ерни экспроприация қилишнинг бундай миқёсини жаҳон тарихида бошқа учратиш мумкин эмас.

Жаҳон урушлари орасида Корея яримороли ҳарбийлашган типдаги жадал индустрлаштириш майдонига айланди. Японлар энг меҳнатталаб ва экологик зарарли соҳалар: металлургия, кимё, тоғ-кон саноати ва шу кабиларни мустамлака ҳудудига кўчириб, маҳаллий арзон ишчи кучини эксплуатация қилишни режалаштир-

ди. Саноат тўнтариши, Кореяни япон ва жаҳон саноат цивилизациясига жалб қилиш корейс халқи учун жуда қимматга тушди.

Япония протекторати ўрнатилгандан сўнг Кореянинг минерал-хомашё базасидан жуда унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Корея Японияни ноёб стратегик хомашё билан таъминлади. Масалан, 1943 йили Япония империясида қазиб олинган ялпи минерал ресурслар миқдориди 100% графит, 100% слюда (шаффоф минерал), 100% магнезит (ўтга чидамли тоғ жинси), 88% вольфрам, 85% молибден, 95% плавикли шпат (ўта кучли кислотали силикатлар жинсига мансуб минерал), 70% барий, 68% кўрғошин ва шу каби-лар Корея ҳиссасига тўғри келади. Корея саноатида асосий позицияни япон монополистик корпорациялари – «Мицуи», «Мори», «Ничидзу», «Сумимото» ва бошқалар эгаллади. 1944 йили капитал кўйилмаларнинг 74% и улар ҳиссасига тўғри келди ва бу инвестицияларнинг 70 – 80% и ҳарбийга йўналтирилган соҳаларга жойлаштирилди. Огир саноат маҳсулотларининг ҳам катта қисми Япония ҳарбий саноати эҳтиёжлари учун олиб кетилди.

Мустамлака саноати учун характерли бўлган салбий жиҳатлардан бири машинасозликнинг ривожланишини сунъий ушлаб туриш бўлди. 1943 йили бу соҳага мамлакат ялпи саноат маҳсулотларининг 6% и тўғри келарди, холос.

Кореянинг имкониятларидан Япония манфаатларида фойдаланишни янада унумли қилиш мақсадида 1909 йили Сеулда Корея марказий банки (Хангук инхэн) ташкил қилиниб, унда бошқарувни япон магнатлари эгаллади.

Япония Корея яриморолида сунъий яратилган ҳарбий-саноат потенциалига таяниб, фашистик давлатлар билан ҳамкорликда Евроосиё кенгликларида ўз ҳукмронлигини ўрнатишни мақсад қилган эди. Аммо шунга қарамасдан, ўта қоқоқ аграр мамлакат бўлган Кореяни япон мустамлакаси даврида аграр-индустриал мамлакатга айлантириш – жаҳон мустамлакачилиги тарихида ўта ноёб ҳодиса. Бироқ бу феномен яриморолнинг ижтимоий тараққиётида Япония катта ҳисса қўшди дейиш имконини бермайди. Чунки, биринчидан, корейслар мустақил давлат доирасида сўзсиз анча катта ютуқларга эришиши мумкин эди, иккинчидан, япон «цивилизаторлик» оккупацияси ўша даврдаги бошқа мустамлакаларга нисбатан анча ғайриинсоний эди.

Кореянинг озод қилиниши. Фашистик Германия тор-мор қилиб таслим бўлгандан сўнг Ялта ва Потсдам конференцияларидаги келишувга биноан СССР милитаристик Японияга қарши урушга кирди. Совет ҳукумати 1941 йил апрелда Япония билан имзоланган нейтралитет ҳақидаги шартномани 1945 йил апрелда денонсация қилди. СССР катта ҳарбий кучларини (400 минг кишилиқ 25 та дивизия, 900 та артиллерия қуроллари) Узоқ Шарққа кўчирди. Квантун армиясига қарши ҳарбий операция бошланиши олдидан Узоқ Шарқдаги совет Қуролли кучлари 1 млн 750 минг кўшин, 30 минг артиллерия қуроллари ва миномётлар, 5 мингдан зиёд самолётлар, 93 та кемаларга эга эди.

Узоқ Шарқдаги ҳарбий кампаниянинг асосий вазифаси Япониянинг Квантун армиясини тор-мор қилиш, Хитойнинг шимоли-шарқий провинцияларини (Манжурияни) ва Кореяни япон босқинчиларидан озод қилиш эди.

Япония Хитойнинг шимоли-шарқий провинциялари ва Кореяни ҳимоя қилишга яхши тайёргарлик кўрди. Манжурия ва Кореянинг СССР ва Мўғулистон билан чегарадош ҳудудларида кучли ҳимоя иншоотларини барпо қилди. 1945 йил ёзда Квантун армияси кўшин ва ҳарбий техника билан тўлдирилди.

Квантун армияси қисмларини тор-мор қилиш ва Кореяни озод этиш вазифасини советларнинг генерал-полковник И. М. Чистяков қўмондонлигидаги 25-армияси ва Узоқ Шарқ фронтининг бошқа бўлинмалари ҳамда СССР Тинч океани флоти денгиз пиёдалари ва учувчилар амалга оширди. Квантун армиясига қарши умумий операцияга Совет Иттифоқи маршали А.М. Василевский бошчилик қилди.

8 дан 9 августга ўтар кечаси 25-армия Тинч океани флоти кемалари ёрдамида Квантун армиясининг истехкомларини ўққа тутиб, японлар мудофаасини ёриб ўтди ва Ражин, Унги ҳамда бошқа стратегик муҳим марказларни эгаллади. 1945 йил 15 август Кореянинг Озодлик куни бўлди. Японларнинг тарқоқ кучлари 25 августгача қаршилиқ кўрсатишда давом этди. Пхеньян ва Хамхинга туширилган совет десантчилари японларни тор-мор қилишни яқунлади. Кореяни озод қилишда совет кўшинлари катта қахрамонлик кўрсатди, беш мингга яқин совет жангчилари ҳалок бўлди, яраланди ва изсиз йўқолди.

Иккинчи жаҳон уруши якунланди. Аммо Корея яриморолида тинчлик ўрнатилмади. Корея бир-бирига душман иккита давлатга бўлиниб кетди.

XXII боб бўйича саволлар

1. Кореяда Япония мустамлака ҳукмронлиги қандай даврларга бўлинади?
2. Кореянинг ўз мустақиллигини йўқотишига қандай ички ва ташқи омиллар сабаб бўлди?
3. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Корея мустақиллик учун курашида қандай ўзгаришлар юз берди?
4. 1919 йил 1 март ҳаракати қандай оқибатларга олиб келди?
5. Япониянинг «маданий бошқарув» йилларида Корея иқтисодиёти ва маданиятида қандай ўзгаришлар юз берди?
6. 1940-йиллари Корея саноат ва кишлоқ хўжалиги ривожидида қандай натижаларга эришди?
7. Корея яриморолининг японлардан озод қилинишидан сўнг бу ерда қандай ҳарбий-сиёсий ҳолат вужудга келди?

XXIII Б О Б . Ж А Ҳ О Н У Р У Ш Л А Р И О Р А Л И Ғ И Д А Ж А Н У Б И - Ш А Р Қ И Й О С И Ё М А М Л А К А Т Л А Р И

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари сиёсий ривожланиши. Жануби-Шарқий Осиё (ЖШО)га анъанавий равишда Ҳинд ва Тинч океанлари оралиғида жойлашган 10 та мамлакат киради. Минтака шимолда Хитой, жанубда Австралия билан чегарадош. Бу ҳудуд бутун XX аср давомида муҳим геосиёсий аҳамиятга эга бўлди.

Одатда ЖШО минтақасидаги давлатлар икки гуруҳга бўлинади: XX асрда социалистик тараққиётнинг турли моделларини синаб кўрган Ҳиндихитой мамлакатлари (Вьетнам, Лаос, Камбоджа) ва капиталистик тараққиёт йўлидан борган қолган давлатлар (Бирма, Индонезия, Таиланд, Филиппин, Малайзия, Сингапур, Бруней).

Минтақадаги давлатларнинг ҳозиргача давом этаётган муҳим жиҳати аҳолининг мураккаб миллий ва диний таркибидир. Этнослараро можаролар минтақада жойлашган деярли барча мамлакатлар ривожланишининг характерли томонидир. Диний мансублик ҳам катта хилма-хилликка эга эди. Бирма, Камбоджа ва Лаосда кўпчилик буддавийлик динига эътикод қилади. Индонезия, Малай-

зия ва Брунейда – исломга, Филиппинда мутлок кўпчилик католик динига сиғинади. Католиклар Вьетнамнинг жанубида ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Бир қатор мамлакатларда, айниқса XX асрда бутун Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб тарқалган этник хитойлар (хуацяо) орасида конфуцийлик кенг тарқалган. Баъзи маълумотларга қараганда улар сони ҳозирда 20 млн кишидан ошиб кетган ва улар бу мамлакатлардаги сиёсий жараёнларда муҳим роль ўйнайди.

Тарихан бу минтақа мамлакатларида давлат тузилишининг турли шакллари вужудга келган. Бошқарув шакли бўйича уларнинг кўпчилиги – республика. Таиланд, Малайзия, Брунейда монархия сақланиб қолди, 1993 йилдан Камбоджада (1970 йилдан бу ерда республика бошқарув шакли мавжуд эди) ҳам монархия тикланди.

Иккинчи жаҳон урушининг охиригача ЖШО мамлакатлари учун (Таиланддан бошқа) умумий жиҳат уларнинг мустамлака ёки протекторат ҳолатида эканлиги бўлди. Бу ҳолат анъанавий жамиятга Ғарбнинг цивилизациявий таъсири воситасида минтақада юз берган сиёсий жараёнларни белгиловчи омилга айланди.

ЖШО мамлакатлари тарихида Иккинчи жаҳон уруши алоҳида давр бўлиб, бу даврда Ғарб давлатлари мустамлакаларининг Япония томонидан эгаллаб олинishi минтақадаги сиёсий ҳолатни ўзгартириб юборди.

XX аср бошига келиб Таиланддан ташқари барча ЖШО давлатлари мустамлака мақомига эга эди. Индонезия XVII аср охиридан Голландия мустамлакаси, Филиппин – 1898 йилги испан-америка урушидан кейин ва мамлакатни республика деб эълон қилган маҳаллий аҳоли қаршилиги бостирилгандан сўнг АҚШ назорати остига тушиб қолди, Бирма – XIX аср охиридан Буюк Британия мустамлакаси, ҳозирги Малайзия ҳудуди, Бруней ва Сингапур каби 1824 йилдан бошлаб Буюк Британия протекторати остида эди. Вьетнам, Лаос, Камбоджа XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Франциянинг протекторатига айланди (Жанубий Вьетнам ва Лаос ерларининг бир қисми тўлиқ мустамлакасига айланди).

Вьетнам. 1885 йил имзоланган Тяньцзин шартномасидан кейин Вьетнам тарихида янги давр – Франция мустамлака империяси таркибидаги даври бошланди.

1887 йили Франция Ҳиндхитой иттифоқининг тузилганлигини эълон қилди. Унга Вьетнам уч қисмдан иборат таркибда

кўшилди: битта мустамлака – Кохинхина (Жанубий Вьетнам) – ва иккита протекторат – Аннам ва Тонкин (Марказий ва Шимолий Вьетнам). Буларнинг ҳар бири французларга тобе бўлган ўз маъмуриятига эга эди.

Вьетнам монархиясининг Нгуенлар сулоласи фақат Аннам ва Тонкин дарасман мақомини ва номигагина ҳокимиятини сақлаб қолди.

Вьетнамликларнинг ҳуқуқий ҳолати француз мустамлакачилари томонидан жорий қилинган маҳаллий аҳоли учун ижтимоий кодекс билан белгиланди. Шу кодекс асосида вьетнамликлар энг оддий фуқаролик ҳуқуқларидан: мамлакат бўйлаб эркин ҳаракат қилиш, яшаш жой дахлсизлиги кабилардан маҳрум қилинди. Улар «хавфсизликка раҳна солишда» гумон қилинган ҳар қандай ҳолатда судсиз, сўроқсиз қамокқа олинарди. Вьетнамликлар мустамлака маъмуриятида юқори амалларга ва жамоат хизматларига қўйилмас эди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган француз капитали томонидан Вьетнамнинг иқтисодий ўзлаштирилиши Биринчи жаҳон уруши йилларида бир оз сусайса-да, ҳар қалай давом эттирилди. Француз капитали минерал хомашё қазиб чиқариш соҳасида, қайта ишлаш саноатида мустаҳкам жойлашиб олди. Қишлоқ хўжалигига ҳам кириб келди.

1920-йиллар бошларида, урушдан кейинги жадал иқтисодий ўсиш даврида француз мустамлакачилари Вьетнамнинг табиий бойликлари ва инсон ресурсларини кенг эксплуатация қилди. Мамлакатга француз инвестицияси оқими кела бошлади. Бутун бошли халқлар кўчирилиб, бу ҳудудларда французларнинг каучук, чой ва қахва плантациялари ташкил қилинди. Француз тадбиркорлари тоғ-кон ва қайта ишлаш соҳаларини жадал ривожлантирди. Бозор муносабатларининг ривожланиши ва Вьетнамнинг жаҳон бозорига жалб қилинишига қарамасдан, аҳолининг 94% и натурал хўжалик ҳукмрон бўлган қишлоқ хўжалигида ишлашга мажбур эди. Дехқонлар, кичик ижарачилар ўз ери учун баъзан ҳосилнинг 70% гача қисмини тўларди.

Шундай ҳолатда Вьетнам учун Хитойда бошланиб кетган инқилобий ҳаракат катта аҳамиятга эга бўлди. Вьетнамда 1920-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган миллий-озодлик ҳаракати умуммиллий ва демократик шиорлар остида ўтди. Мамлакатда Биринчи жаҳон уруши арафасида ва ундан кейин юз бер-

ган ижтимоий-иқтисодий ўсишлар миллий-озодлик курашининг ҳаракатлантирувчи кучлари ва шаклларида ўзгаришларга олиб келди. Вьетнамда сиёсий ҳаракат шаҳарларга кўчди. Янги ижтимоий-сиёсий кучлар – тадбиркорлар ва ёлланма ишчилар пайдо бўлди.

Сиёсий ҳаракатда радикал кайфиятдаги ёшлар фаол роль ўйнади. Шу даврда миллий-озодлик ҳаракати кескин сиёсий тус олди. Вьетнамда бирин-кетин сиёсий партиялар ва гуруҳлар тузилди, бир қатор газеталар пайдо бўлиб, француз мустамлака тузумини танқид қилди ва демократик эркинликлар талаб қилиб чиқди. Миллий-озодлик ҳаракатининг сўл радикал қанотини Янги Вьетнам партияси, Ёшлар партияси ва бошқалар ташкил қилди. Ўнг қанотнинг олдинги сафида Конституция партияси бўлиб, у Вьетнамга доминион ҳуқуқи берилишини, вакиллик органларида французлар билан вьетнамликларга баробар ўрин берилишини ва демократик эркинликларни талаб қилди. Бу партияни Вьетнамнинг анъанавий элитаси ва француз капитали билан боғлиқ маҳаллий тадбиркорлар кўллаб-қувватларди. Дастурига Сунь Ятсеннинг халқ принциплари катта таъсир кўрсатган Вьетнам Миллий партияси радикал-миллатчилик йўналишидаги партия эди.

1920-йиллари Вьетнамга марксизм кириб келди ва коммунистик ҳаракат пайдо бўлди. Бу ҳаракатнинг оёкка туришида мустамлака халқлари орасида ишлашга катта эътибор қаратган Франция коммунистик партияси (ФКП) муҳим роль ўйнади. Кейинчалик дунёга машҳур бўлган Хо Ши Мин ФКПнинг фаол аъзоларидан бири, партиянинг биринчи съезди қатнашчиси эди. ФКП билан алоқалари туфайли айрим вьетнамлик инқилобчилар Москвага Шарк меҳнаткашлари коммунистик университетига ўқишга жўнатилди.

1925 йили Хо Ши Мин Хитой ҳудудида коммунистик йўналишдаги биринчи Вьетнам ташкилоти – Вьетнам ёшлари инқилобий жамиятини тузди. Жамият марксизмни тарғибот қилиш бўйича Вьетнам пролетариати орасида мунтазам иш олиб борди. Шу жамият таъсири остида Янги Вьетнам партияси ҳам марксизмни тарғиб қилишга ўтди. 1920-йиллар охирига келиб бир нечта коммунистик гуруҳлар Вьетнам коммунистик партиясига бирлашди. Бироз вақтдан сўнг у Ҳиндихитой коммунистик партияси деб атала бошланди.

1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози Вьетнамда 1930–1931 йиллардаги инқилобий кўтарилишга олиб келди. Инқи-

роз жаҳон бозори билан мустаҳкам боғланган Вьетнам иктисодини ҳам чуқур камраб олди. У ишлаб чиқаришнинг деярли барча соҳаларида пасайишга, ишчиларнинг ишдан бўшатилишига, минглаб деҳқон хўжаликларининг хонавайрон бўлишига олиб келди. Инқилобий ҳаракатнинг бевосита бошланишига Вьетнам миллий партияси (ВМП) томонидан ташкил қилинган Шимолий Вьетнамдаги Йенбай горнизонидаги кўзғолон, Қизил дарё ҳавзасида ва Ханойдаги бир қатор ҳарбий чиқишлар сабаб бўлди. Миллий инқилоб тарафдори бўлган бу партия ҳаракатнинг ижтимоий дастурини ишлаб чиқа олмади ва халқнинг кенг кўламли қўллашига эришмади. Бу партиянинг усуллари индивидуал террор ва кўзғолонга асосланган эди. Шу сабабли Йенбай кўзғолони иштирокчиларининг жасоратига қарамасдан мағлубиятга учради, ВМП эса тарқалиб кетди. Аксилмустамлака ҳаракатига Ҳиндихитой коммунистик партияси бошчилик қилди. Қабул қилинган сиёсий дастурга биноан биринчи навбатдаги вазифалар деб деҳқонларга ер бериш, мустамлакачиликни бекор қилиш ва мустақилликка эришиш белгиланди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида Вьетнамдаги сиёсий ҳолатга 1936 йили Францияда Халқ фронтининг ҳокимиятга келиши катта таъсир кўрсатди. Вьетнам коммунистларининг фаол иштирокида Франция ҳукуматига умуммиллий талабларни ишлаб чиқиш мақсадида Ҳиндихитой конгрессини чақириш учун ҳаракат пайдо бўлди. Ҳаракат аҳолининг турли қатламларини ягона фронтга бирлаштиришга кўмаклашди. 1937 йили Ҳиндихитой коммунистик партияси таклифи билан Демократик фронт тузилди ва унга легал коммунистик гуруҳлар, Франция социалистик партиясининг Ҳиндихитой секцияси, ишчилар, интеллигенция ва кичик савдогарларнинг оммавий ҳаракатлари кирди. Вьетнам ва Франциядаги умумдемokratик ҳаракат туфайли вьетнам халқи катта ютуқларга эришди. Демократик фронт ўз вакилларининг Шимолий ва Марказий Вьетнам ва бутун Ҳиндихитой маслаҳат органларига сайланишига эришди. Демократик фронт фаолияти туфайли иш кунини 8 соатгача қисқартиришга, аёллар ва болаларнинг тунда ишлашни тақиқлашга эришилди. Аммо Францияда Э. Даладье ҳукумати келиши билан Ҳиндихитойда яна сўл кучларни таъқиб қилиш бошланди. Коммунистлар яна француз мустамлакачиларига ва маҳаллий элитага қарши кураш шиорини илгари сурди. Ҳиндихитой коммунистик партияси нолегал ҳолатга ўтишга мажбур бўлди.

Шу тарика Вьетнамда, минтакадаги бошқа мустамлака мамлакатларидаги сингари, миллий-озодлик ҳаракати курашнинг янги босқичига кирди. Унда устувор ҳолатни коммунистпараст кучлар эгаллади.

Камбоджа. 1887 йил 17 октябрда Камбоджа расман Ҳиндихитой иттифоқи – Франциянинг Ҳиндихитойдаги мустамлакалари бирикмаси таркибига киритилди. Камбоджада қироллик ҳокимияти ҳам сақланиб қолди, аммо қирол француз мустамлака маъмуриятига тўлиқ қарам эди.

Камбоджа устидан Франция протекторати маълум ижобий томонларга ҳам эга бўлди. XIX асрнинг 70-йилларидаёқ мамлакатда умрбод қуллик бекор қилинди, бозор иқтисодиёти ва ҳуқуқий институтлар ташкил қилинди. Айни пайтда мустамлака маъмурияти солиқ соҳасини тўлиқ эгаллаб олди, натижада қирол ва унинг маъмурияти тўлиқ французларга қарам бўлиб қолди.

Қирол Нородом вафотидан сўнг тахтга Сисоват (1904–1927) келди. Мамлакатни амалда француз губернатори бошқарди. Французлар 1913 йили парламентаризмнинг илк элементларини жорий қилди: маслаҳат ассамблеяси деб аталган ташкилот пайдо бўлиб, аъзоларининг бир қисми сайланадиган бўлди. Шу йили кхмерлар ва европаликларнинг қонун олдида тенглиги ўрнатилди.

Француз протекторати шаҳар транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга эътибор қаратди. 1911 йилдан Сисоват номидаги қироллик лицейи – илк дунёвий таълим муассасаси фаолият юритди. Камбоджада саноат корхоналари пайдо бўлди.

Маориф тизими ва ишчилар синфининг пайдо бўлиши миллий онгнинг ўсишига олиб келди. Кўплаб йиллар давомида турли провинцияларда деҳқонлар кўзғолонлари бўлиб ўтди, 1930-йиллардан ишчиларнинг иш ташлаш ҳаракати бошланди. 1930 йили Ҳиндихитойда коммунистик партия ташкил топди, 1935 йилдан эса миллий-озодлик гуруҳларининг ёш лидер Сон Нгок Тхан атрофида бирлашиши юз берди. Бу давр Камбоджада «маърифатчилик даври» деб аталиб, Сон Нгок Тхан асос солган сўл газета кхмер тилида чиқа бошлади. Сон Нгок Тхан Япониянинг сиёсий ривожланиш тажрибасини Камбоджа учун энг маъқул йўналиш деб ҳисоблайди ва Япония ёрдамида Камбоджа миллий мустақиллиги муаммосини ҳал қилишга ишонади.

Бу йиллари Камбоджа тахтида қирол Монивонг ўтирарди. 1930-йиллардан французлар қуйи босқичда бошқарув тизимига борган сари кўпроқ кхмер аҳолисини жалб қилди, қиролнинг мақомини оширди. 1941 йили тахтга 19 ёшли Н. Сианук келди.

Лаос. ЖШО мамлакатларида мустамлакачилик шакли аниқ ша-роитдан ва европаликларнинг бу ҳудудларга нисбатан мақсадидан келиб чиқиб ўрнатилди. 1887 йилдан Вьетнам ва Камбоджа кир-ган Ҳиндихитой иттифоқига 1900 йилдан Лаос ҳам киритилди. Олий ҳокимият генерал-губернатор қўлида бўлиб, унинг ҳузурида маҳаллий элита вакилларидан иборат маслаҳат органи фаолият юритарди.

Лаосда ҳокимиятни қайта қуриш XIX асрнинг охиридан бош-ланган эди. Бунгача Лаос давлати алоҳида бирлик сифатида мав-жуд эмасди. Лаослар яшайдиган ҳудудлар кўпинча Сиам ва Вьет-намга қарам бўлиб, фақат Луангпрабанг князлиги озми-кўпми мустақилликка эга эди.

Энди французлар барча ерларни бирлаштириб, ўз назорати остида Жанубий ва Шимолий Лаосни ташкил қилди, Луангпрабанг эса протекторат бўлиб қолди. 1900 йили Ҳиндихитой иттифоқига қўшилиш жараёнида Лаос ерлари «автоном протекторат» мақомини олди. 1923 йили французлар томонидан ўтказилган маъмурий ислоҳот натижасида Лаос провинцияларга бўлинди, Луангпрабанг эса ҳарбий ҳудуд бўлиб қолди. Ҳар бир провинцияда маслаҳат ово-зига эга бўлган маслаҳат кенгашлари тузилди. Бошқаришнинг қуйи босқичида французлар келишидан олдин мавжуд бўлган маҳаллий тизим сақланиб қолди. Луангпрабангга бошқарув бевосита қирол орқали амалга оширилди. 1904 йилдан 1959 йилгача тахтда Сиса-ванг Вонг ўтирди ва XX аср Лаос тарихининг катта қисми унинг номи билан боғлиқ.

Индонезия. Индонезия (Голландия Ҳиндистони) – бу 13750 та оролларда жойлашган мамлакат. Уларда кўплаб халқлар яшай-ди, турли динларга сиғинади, энг кенг тарқалган дин ислом бўлиб, унга аҳолининг 90% сиғинади. Энг ривожланган ороллари Ява ва Суматра.

Индонезияда XX аср бошига келиб Голландия мустамлака бошқарув режимини ўрнатди ва у катта ўзгаришларсиз Иккин-чи жаҳон уруши бошлангунча сақланиб қолди. Бу ерда ҳудудий

ва миллий бирлик бўлмаганлиги сабабли Голландия унча кийинчиликларсиз ўз ҳукмронлигини ушлаб турди.

Бошқарув голланд генерал-губернатори қўлида бўлиб, у кенг ваколатларга эга эди. Генерал-губернатор ҳузурида «Ҳиндистон Кенгаши» деб аталувчи маслаҳат кенгаши ва асосий фаолият турлари бўйича департаментлар (ҳарбий, ички ишлар, молия, таълим, темир йўллар ва бошқалар) бошлиқларидан иборат мустамлака ҳукумати фаолият юритарди. Баъзи йирик ва аҳамияти катта ороллари метрополиядан тайинланган амалдор бошқарарди, унга маҳаллий элита вакиллари ёрдам кўрсатарди. Баъзи ҳудудлар расман «автоном давлат» мақомига эга бўлиб, аслида тўлиқ Голландиянинг назорати остида эди.

Мустамлака ҳолати Индонезия иқтисодининг бир томонлама ривожланишига олиб келди. Бу ерда йирик саноат корхоналари мавжуд эмасди. Майда корхоналар ва савдонинг катта қисми бу ерга кўчиб келган хитойликлар – хуацяо қўлида эди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Индонезия товарлари – нефть, кўрғошин, каучук, шакар, тамаки, копра (кокос ёнғоғининг магзи), қаҳвага бўлган талаб ошди. Бу кишлок хўжалиги, тоғ-кон ва қайта ишлаш саноатининг ривожланишига туртки бўлди.

Биринчи жаҳон урушидан кейин мустамлакачилар бошқарув тизимида бир қатор ўзгаришларни амалга оширди. 1918 йили улар Халқ кенгаши (Фолкстрат) деб аталувчи парламентга ўхшаш бир органни тузишди. Депутатларнинг бир қисми генерал-губернатор томонидан тайинланиб, қолган қисми голланд бюрократияси вакиллари ва Индонезия жамиятининг элитасидан иборат сайловчилар томонидан сайланарди. Бу орган фақат маслаҳат функциясига эга эди. Голландиянинг 1922 йилги Конституцияси Голландия Ҳиндистонини «Империянинг тенг ҳуқуқли қисми» деб эълон қилди. Аммо тенгҳуқуқлик бу ердаги мустамлакачиларнинг ўзларига нисбатан жорий қилинди, холос. Бу маҳаллий аҳолини ўз ҳуқуқлари учун курашга чорлади. Кенг миқёсдаги иш ташлаш ҳаракати бошланиб кетди. Транспорт ишчилари касаба уюшмаси раиси Семауканинг қамоққа олиниши темир йўлчиларнинг Индонезия тарихида биринчи умумий иш ташлаши учун туртки бўлди. Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида 1921 йили ташкил қилинган «Ислом иттифоқи»нинг кўплаб ташкилотлари ва Индонезия коммунистик партияси (ИКП) фаол иштироқ этди. Бунга жавобан

иш ташлашларни, партиялар томонидан йиғилиш ва митинглар ўтказишни тақиқловчи қонунлар қабул қилинди. Плантаторлар деҳқонларнинг қаршичилигини бостириш учун ҳарбийлашган ташкилотлар тузди. Мустамлака маъмурияти ИКПни тақиқлаш йўлидан борди. Партиянинг нашр органлари вайрон қилинди. ИКП ярим легал ҳолатга ўтди, унинг раҳбарлари мустамлакачиликка қарши қуролли қўзғолон сари йўл тутдилар.

Қўзғолоннинг тайёрланишига 1925–1927 йиллари Хитойда юз берган инқилобий воқеалар катта таъсир кўрсатди. Қўзғолон 1926 йил 13 ноябрь куни Индонезиянинг пойтахти Баравия (Жакарта)да ва Ява оролининг бошқа шаҳарларида бошланди. Аммо қўзғолон бир ой ичида бостирилди. Қўзғолон яхши тайёрланмаганлиги ва ягона бошқарувга эга бўлмаганлиги учун мағлубиятга учради. Аммо у халққа мустамлака тузуми абадий эмаслигини кўрсатиб берди.

Ўз ҳолатининг омонат эканлигини мустамлакачиларнинг ўзлари ҳам сезаётган эди. Улар деҳқонлар учун оғир бўлган жон солигини бекор қилди, фолкстратнинг ваколатларини ва унда индонезияликлар вакилчилигини кенгайтди. Фолкстрат бюджетни тасдиқлаш ва Голландия қиролига петициялар қабул қилиш ҳуқуқини олди. Генерал-губернатор миллий иттифоқларни таъқиб қилмасликка ваъда берди. Қўзғолон бостирилгандан сўнг миллий-озодлик ҳаракатининг олдинги сафига миллий-инқилобий партиялар чиқди. Улар ўтмишдаги турли хил «тадқиқот клублари» ва индонезияликларнинг аънъаналари асосида ташкил қилинган эди. Ёшлар ва зиёлилларнинг шундай «Клублари» асосида 1927 йили Индонезия миллий партияси (ИМП) ташкил топди. Партияга Сукарно бошчилик қилди. У мустамлакачиликни ағдариб ташлаш режаси билан янги адолатли жамиятни шакллантириш ғоясини уйғунлаштирди.

ИМПнинг назарий асосини Сукарно томонидан ишлаб чиқилган мархаенизм – оддий инсон мафқураси ташкил қилди. Унда Сунь Ятсеннинг социалистик халқчиллик ғояси унсурлари билан Гандининг зўравонликларсиз кураш тактикаси қўшилиб кетган эди. Этник ва диний мансублигидан қатъи назар барча аксилмустамлака кучларнинг бирлиги мархаенизмнинг асосий принципларидан бири бўлди. Мархаенизм ўзида учта тушунчани мужассамлаштирди: готон грайнг – ҳамкорлик ва ўзаро тушуниш, мушаварах – биргаликда муҳокама қилиш, муфанат – муросасозлик.

Хотин-қизлар ва ёшларнинг сўл миллатчи иттифоқлари ҳам партияга эргашдилар. 1928 йил ёшлар иттифоқининг съездида Сукарно таъсири остида «ёшлар қасамёди» қабул қилиниб, унда индонез тили, ватан ва миллат тушунчалари бутун архипелаг учун умумий деб эълон қилинди. Бу индонез миллати шаклланаётганидан, унинг миллий онги ўсганлигидан далолат берарди.

1929–1933 йилги инқироз даврида Индонезиянинг аҳволи ёмонлашди. Экспорт 59% га қисқарди. Ишсизлик ошиб кетди. Дехқонлар оммавий равишда хонавайрон бўла бошлади. Мустамлака маъмурияти бундай шароитда фақат голландларнинг фаровонлиги учун ҳаракат қилди. Айнан шу даврда арзон япон товарларининг оммавий кириб келиши бошланди (улар бозорнинг 32% ини эгаллади) ва бу ҳали кучсиз бўлган маҳаллий иқтисоднинг аҳволини янада оғирлаштирди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг оммавий хонавайрон бўлиши бошланди, Голландия мустамлака иқтисодиёти устидан назоратни йўқотиб борди. Мустамлака бозорини ҳимоя қилиш учун голландлар мустамлакани «индустрлаштириш» дастурини бошлади, бу дастур Япония ва АҚШ товарларининг кириб келишига қарши туриши лозим эди. Аммо «индустрлаштириш» кенг тарқалмади.

1932–1933 йиллари мустамлакачилар бундан буён мустамлака армияси ва флотига таяниши мумкин эмаслиги аён бўлиб қолди. Инқироз натижасида келиб чиққан оммавий норозилик акциялари армияни ҳам қамраб олди. 1933 йили «Етти провинция» броненосцида қўзғолон бошланиб, унда голландлар билан бирга индонезиялик денгизчилар ҳам иштирок этди.

Айни пайтда миллий иттифоқларни таъқиб қилиш кучайди. Хизматчиларнинг бу иттифоқларга аъзо бўлишига йўл қўйилмади, митинглар полиция томонидан тақиқланди. 1930 йили ИМП етакчилари устидан суд жараёнлари бўлиб, бу етакчилар партиянинг тарқалганлигини эълон қилди. Аммо сўл миллатчилик ташвиқоти давом этди. 1933 йил 1 августда ҳокимият Сукарнони, кейин эса миллатчилик ташкилотларининг бошқа раҳбарларини қамокка олди. Барча қамокка олинганлар судсиз Индонезиянинг узоқ худудларига сургун қилинди. Аммо бу тадбирлар миллий-озодлик ҳаракатини сусайтирмади, аксинча бу ҳаракат борган сари авж олиб борди.

1939 йили барча етакчи партияларнинг федерацияси кўринишидаги Индонезия сиёсий бирлашмаси ташкилоти тузилди.

Бу бирлашма демократик ислохотлар учун курашда барча сиёсий кучларни бирлашишга, шунингдек, Япония тажовузи хавфи олдида сиёсий партияларни Голландия мустамлакачи ҳукумати билан ҳамкорлик қилишга чақирди. Яқинлашиб келаётган ҳарбий ҳалокат олдидан мустамлака ҳукумати ўз умидларини Япония томонга қаратаётган миллий ҳаракатга, унинг етакчиларига қарши босимни кучайтирди.

Филиппин. XX аср бошида Филиппинни америкаликлар эгаллаб олди. 1901 йили Филиппин генерал-губернатори қилиб тайинланган Уильям Тафт маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. 1916 йили АҚШ Конгресси «Филиппин автономияси тўғрисида акт» қабул қилди. Биринчи марта мамлакатда «барқарор ҳукумат» шакллангандан сўнг Филиппиннинг мустақиллик олиши мумкинлиги ҳақида айтилди. Бу қонунга биноан сиёсий-маъмурий бошқарув америкача намунага яқинлашди. Филиппинда икки палатали қонун чиқарувчи орган (Легислатура) ташкил қилинди. Генерал-губернатор ҳузурида кўпчилиги мутлоқ филиппинликлардан ташкил топган вазирлар маҳкамаси шаклланди. У Легислатуранинг ҳар қандай қарорига вето қўйиш ҳуқуқига эга бўлди.

1920-йиллари Филиппинга марксистик ғоялар кириб келди, ишчилар ташкилотлари тузилиб, ҳукуматнинг таъқибига учради ва ярим легал ҳолатда фаолият юритди. Аммо марксистик ҳаракат бу ерда таъсирли сиёсий кучга айланмади. 1933 йил мўътадил сўл ҳаракат фаоллари оммавий ишчилар ҳаракати катта таъсирга эга бўлган Социалистик партияни тузди. Аммо у ҳам жамиятда етарли эътиборга эга бўлмади.

1930-йиллар бошларида АҚШ Конгресси Филиппинни бошқаришни модернизациялаш борасида кейинги қадамни ташлади. 1932 йили қонун қабул қилиниб, унга биноан 10 йиллик «ўтиш даври» тугагандан сўнг Филиппинга мустақиллик бериш кўзда тутилди. Бу даврда АҚШ Филиппиндаги ҳарбий базаларни ўзида сақлаб қолди ва капитал киритиш дахлсизлигини кафолатлади. Аммо қонун дастлабки вариантыда қабул қилинмади. Фақат 1934 йили унга тузатишлар киритилгандан сўнг Легислатура уни қабул қилди. У Тайдингс – Макдаффи қонуни номини олди. Шундан сўнг Филиппинда ўрнатилган режим 1941 йилгача сақланиб қолди ва тарихга «автономия даври» номи билан кирди.

1935 йили АҚШ намунасида қабул қилинган конституцияга (1973 йилгача амалда бўлди) биноан президентлик сайловлари ўтказилди. Бироқ АҚШ генерал-губернатор ўрнига жорий қилган олий комиссар орқали ҳукумат фаолияти устидан ўз назоратини сақлаб қолди.

Бирма. Бирма 1930-йилларнинг ўрталаригача Британия Ҳиндистонининг алоҳида провинцияси бўлиб, дастлаб вице-губернатор, кейин эса губернатор томонидан бошқариларди. Бирмада ҳам инглизлар келиши билан маъмурий тизимни қайта куриш жараёни бошланди. Юқори ва Қуйи Бирма бевосита мустамлака бошқарувига ўтди, тоғли ҳудудлар эса маҳаллий ҳукмдорлар ҳокимиятининг дахлсизлигини сақлаб қолди.

1935 йили Буёқ Британия Бирмадаги мустамлака бошқарувини қайта куришга ҳаракат қилиб кўрди. 1937 йили мамлакат Ҳиндистон таркибидан чиқди ва алоҳида мустамлака мақомини олиб, унда маҳаллий аҳолидан вакиллик ва ижро органларини ташкил қилиш, инглиз генерал-губернатори назорати остида улар фаолиятини ташкил қилиш кўзда тутилди.

Тоғли ҳудудларда XIX аср охиридан маҳаллий князлар ва қабила бошлиқлари ҳокимияти сақланиб қолди. Бу ҳудудлар маъмурий жиҳатдан Британияга тегишли ҳисобланмасди. 1935 йилги қонунга мувофиқ миллий озчилик яшайдиган ҳудудлар (Бирма ҳудудининг тахминан ярми) инглиз губернатори назорати остида қолди. Бундай сиёсат инглизларга ички сиёсий ҳолатга, ҳудуд учун энг муҳим бўлган миллий масалага тезкор аҳамият бериш имконини берди.

Бирмада сиёсий партиялар ва ташкилотлар ўзига хос маданият ва динни сақлаб қолиш шиорлари остида пайдо бўлди. Масалан, 1906 йили Буддизмни тарғиб қилиш жамияти ва Буддавий ёшлар ассоциацияси (БЁА) ташкил қилинди. Бу ташкилотлар Биринчи жаҳон уруши якунлангунча мустамлака ҳокимиятига садоқат кўрсатди, зеро уларнинг кўпчилиги метрополияда таълим олган бўлиб, бу сиёсий фаолиятга ўз таъсирини кўрсатди.

1920 йил сентябрда БЁА Бирма ёшлари ассоциацияси бош кенгашига (БЁАБК) айлантирилди ва сиёсий партия мақомига эга бўлди. Партиянинг дастурий талаблари ичида инглиз товарларини бойкот қилиш ва ҳинд судхўрлари кўлига ўтиб кетган ерларни бир-малик деҳқонларга қайтариш кабилар бор эди.

БЕАБКнинг янги курсига кўшилмаганлар ундан чиқиб кетди ва БЕАни маърифат ташкилоти сифатида сақлаб қолди.

1930 йили анъанавий сиёсий ташкилотлар билан бир қаторда «Бизнинг Бирма» («Добама Асиайон») ассоциацияси ташкил қилиниб, у анъанавий сиёсий партия эмас, кўпроқ ватанпарварлик шиорлари остида талабаларни бирлаштирган ва бирмача «такинлар» деб аталувчи ташкилот эди.

Ўз фаолиятини маърифатчилик шиорлари остига яширган такинлар лидерлари инглизларни Бирмадан тўлиқ қувиб чиқариш ташаббусини илгари сурди. Ташкилот ячейкалари шаҳарлар билан бир қаторда қишлоқ жойларда ҳам тузилди. Такинларнинг сиёсий дастури бошқа партияларникидан фарқ қиларди. Улар фақат миллатчилик эмас, умумбирма позициясидан келиб чиқди ва ўз сафларида турли сиёсий ғоялар тарафдорларини – ницшечилар ва сунъатсенчилардан то марксчилар ва фашистларгача бирлаштирди. Шу сабабли улар сафида на ғоявий, на ташкилий бирлик йўқ эди ва бу ҳаракат сиёсий партияга айланмади.

1936 йилги сайловларда кўпчилик партиялар «Беш гул иттифоқи»га бирлашди ва парламентда кўпчилик ўринни эгаллади. Ҳукуматга Иттифоқ етакчиси Ба Мо бошчилик қилди. Сафларида бирлик бўлмаган такинлар фақат учта ўрин билан кифояланди. 1930-йилларнинг охирига келиб такинлар етакчиси қилиб 23 ёшли Аун Сан сайлангандан сўнг улар фаолиятида жонланиш юз берди.

1930-йиллари У Со бошчилигида «Мъочит» («Ватанпарвар») партиясига бирлашган ўта ўнг миллатчи элементлар Бирма сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнади. Улар «Бирма бирмаликлар учун» шиори остида ҳиндлар ва мусулмонларга қарши кампания бошлади, уларни мамлакатдаги барча қийинчиликларнинг айбдори деб ҳисоблаб, ҳиндлар ва мусулмонлар яшайдиган кварталларни вайрон қилишга чақирди.

Айнан шу даврда кўпчилик бирмалик сиёсатчилар ўз назарларини Японияга қаратди. Япон ташвиқоти таъсири остида ҳатто «Добама Асиайон»нинг ичида ҳам инглизлар ҳокимиятини қурол кучи билан ағдариш ва Японияга эргашиш тарафдори бўлган радикал ташкилот (Халқ-инқилобий партияси) тузилди. 1939 йили шу ташкилот ичида коммунистик партия ташкил бўлиб, дастлаб такинларнинг кичик гуруҳи кўринишида иш юритди.

Малайзия. Сингапур. Британия Малайясида XIX асрнинг охирида шаклланган мустамлакачилик асослари то Япония босқинигача бузилмасдан турди. Бу тизимда Малайя князликари маъмурий жиҳатдан округларга бўлинган бўлиб, инглиз амалдорлари томонидан бошқарилади ва улар маҳаллий султонларга таяниб иш қўради. Округлар, ўз навбатида туманларга бўлинган ва малайялик амалдор томонидан бошқарилади.

Малайяни самарали бошқариш учун 1896 йили тўртта князлик – Перек, Селангор, Паханг ва Негри Сембиландан иборат федерация ташкил қилинди. Федерациянинг маъмурий аппарати инглиз бош резидентига бўйсунди. Резидентнинг қароргоҳи Куала-Лумпур шаҳрида жойлашди. XX аср бошларида Таиланд билан тузилган шартномага биноан Буюк Британия таиландликлар назорати остида бўлган Шимолий Малайянинг яна тўртта султонлигини ўзига қўшиб олди. Бу султонликлар федерация таркибига киритилмади ва алоҳида бошқарув тизимига эга бўлди. Бундан ташқари, Стрейтс Сетлменс (бўғозлардаги тузар жой, тожу тахтга тегишли мустамлака) ҳам мавжуд бўлиб, унга Сингапур, Малакка ва яна учта мулк кирар эди. Улар биргаликда Британия Малайяси номини олган.

Стрейтс Сетлменсга кирган Сингапур 1917 йилдан бевосита Буюк Британия ҳукуматига бўйсунувчи алоҳида мустамлакага ажратилди. Сингапурни губернатор бошқариб, унинг ҳузурида маслаҳат овозига эга бўлган Ижроия ва Қонунчилик кенгашлари ташкил қилинди. Бу кенгашлар аъзолари асосан мустамлака маъмуриятидаги амалдорлардан ташкил топди. Келиб чиқиши Хитой бўлган компрадор буржуазиянинг юқори қатлами инглизларнинг ижтимоий таянчига айланди.

1922 йили инглизлар Сингапурни ўзларининг минтақадаги асосий ҳарбий базасига айлантирди ва бунинг учун шаҳарнинг ҳимоя иншоотларини мустаҳкамлади ва бу ердаги горнизон таркибини кўпайтирди.

Жаҳон урушлари оралигида Малайя, Шимолий Калимантан ва Сингапурда маҳаллий аҳолининг сиёсий ташкилотлари этник принцип асосида ташкил топа бошлади.

Малайяда XX аср бошида мусулмон маърифатчилиги ғояси кенг тарқалди. Бу ерда анъанавий ислом тарафдорлари билан умумий дин асосида Малайзияни бирлаштириш тарафдорлари бўлган ислохотчилар ўртасида кураш бошланиб кетди. Айнан диний

ислоҳотчилик бу ерда ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг асосий шакли бўлиб қолди.

Хитойлик аҳоли ўртасида XX асрнинг бошидан бу ерда эмиграцияда яшаган Кан Ювэй ва 1906 йили Сингапурда ўз ташкилотини тузган Сунь Ятсен ғоялари кенг тарқалди. 1912 йили Гоминьданнинг ҳам бўлими очилди. Биринчи жаҳон урушигача Сингапурда хиндларнинг миллий ташкилотлари ҳам мавжуд бўлиб, 1915 йилги аксилмустамлака ҳаракат шу ташкилот фаолияти билан боғлиқ эди.

1926 йили биринчи малайя жамоат ташкилоти – Сингапур малайя иттифоки ташкил қилинди. Иттифоқ президенти қилиб Муҳаммад Юное бин Абдуллоҳ сайланди. Иттифоқ ўз олдига малайяликларни сиёсий ҳаётга жалб қилишни, шунингдек, маърифатчилик мақсадларини қўйди. Иттифоққа зиёлилар, савдогарлар ва мусулмон руҳонийларининг бир қисми кирди.

Аҳолининг этник белги бўйича ажралиши 1930-йиллари кучайди. 1935 йили Селенгор Малайя иттифоқи – малайя элитаси манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий ташкилот тузилди. Анча радикал характерга эга бўлган хинд ва хитойликларнинг ҳам шундай сиёсий ташкилотлари пайдо бўлди. Масалан, 1932 йили Малайя хиндлар ассоциацияси, 1936 йили – Ҳиндистон Миллий конгресси билан алоқадор Малайя хиндлар ассоциациялари маркази ташкил қилинди.

ЖШО мамлакатларига ҳам катта таъсир кўрсатган жаҳон иқтисодий инкирози тўлкинида, 1930 йили Малайя Коммунистик партияси (МКП) ташкил қилинди. У барча миллатлар манфаатларини ифода этишга интилди, аммо фақат келиб чиқиши хитойлик бўлган аҳолини камраб олишга эришди, холос.

Сабах, Саварак ва Брунейда бу даврда сиёсий партия ва ташкилотлар амалда мавжуд эмасди.

Бруней. XIX аср охири – XX аср бошларида Бруней узил-кесил Буюк Британиянинг протекторатига айланди. У Британия мустамлакалари билан, улар эса Голландия томонидан забт этилган Ост-Индия (ҳозирги Индонезия) билан чегарадош эди. Брунейнинг расмий ҳукмдори султон бўлиб қолса-да, у ўзининг инглиз маслаҳатчилари билан ҳисоблашишга мажбур эди.

XX асрнинг 20-йилларида Брунейда нефть конлари топилди ва бу нафақат Бруней, балки бутун атроф минтақа иқтисодиётининг ривожланиши учун туртки бўлди. Буюк Британия бу ерга ўз губер-

наторини тайинлаб, Брунейни тўлиқ мустамлакага айлантиришни режалаштирди. Аммо Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши бу режани амалга ошириш имконини бермади. Уруш йиллари деярли тўрт йил Британия протекторатида японлар хўжайинлик қилди. Японларни қувиб юборгандан сўнг, бу кураш аста-секин инглизларга қарши курашга айланиб кетди. Инглизлар Брунейни мустамлакага айлантириш ниятидан бутунлай воз кечишга мажбур бўлди.

ЖШО мамлакатлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида. Уруш йиллари ЖШО мамлакатлари тарихининг энг муҳим босқичларидан ҳисобланади. Бу йиллари ЖШОнинг Таиланддан бошқа барча мамлакатлари минтақада ўз империясини яратишни орзу қилаётган Япония томонидан босиб олинди. Япон оккупацияси ва метрополияларнинг унга қаршилик кўрсатишга ожизлиги маҳаллий аҳоли орасида озодлик ҳаракатининг ўсишига олиб келди. Япониянинг ҳақиқий мақсади очилиб, сиёсий мустақилликка эришишда унинг «ёрдами»га таяниш мумкин эмаслиги ойдин бўлиб борди. Бундай шароитда миллий-озодликнинг қуролли кураш йўлини таклиф қилаётган сўл кучларнинг, хусусан, коммунистларнинг обрўси ошиб кетди. Аммо Германияга қарши урушга киришган Франция Вьетнам коммунистларининг легал ташкилотларини тор-мор қилишни бошлади, коммунистлар ўз қароргоҳини Хитой худудига кўчиришга мажбур бўлди.

Германиядан мағлубиятга учраган Франциядаги Виши режими Япония билан ҳарбий конвенцияни имзолади. Унга биноан Япония минтақада Франция билан тенг ҳуқуққа эга бўлди. Маҳаллий аҳолини японларга қарши курашга чорлаётган коммунистларнинг обрўси янада ошиб кетди. Мамлакатда бир неча кўзғолонлар ташкил қилинди.

30 йиллик эмиграциядан сўнг 1941 йили Вьетнамга Хо Ши Мин қайтиб келди ва ҲХКП Марказий Қўмитасини бошқарди. Унинг раҳбарлигида Марказий Қўмита Вьетнам (Вьетминь) озодлиги учун кураш лигасини ташкил қилди.

1944 йили Иккинчи жаҳон уруши фронтларида Антигитлер коалициянинг устунлиги яққол кўриниб қолди, Францияда ҳам Виши режими ағдарилди, Вьетминь ўзининг озодлик кураши янги дастурини эълон қилди. Мавжуд партизан отрядлари асосида Вьетнам озодлик армияси тузилди.

Ташаббусни ўз қўлига олишга интилган Япония 1945 йил мартда француз мустамлака маъмурияти ва унинг армиясини тарқатиб юборди. Япония билан ҳамкорлик қилиш шарти билан мамлакат «муस्ताқиллиги» эълон қилинди. Аммо бу айёрона ҳаракат энди ҳеч кимни чалғитиши мумкин эмасди. Бундан ташқари, халқ орасида коммунистларнинг обрўси жуда ошиб кетди ва 1945 йил ёзга келиб мамлакат шимолидаги катта ҳудудда Вьетминь ҳокимияти ўрнатилди.

1945 йил августда Япония тор-мор қилингандан сўнг ҲХКП Марказий қўмитаси пленуми ялпи қуролли кўзғолонни бошлаш ва демократик республикани ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1945 йил мартгача «қўш протекторат» сақланиб қолган Лаос ва Камбоджада воқеалар анча сокин кечди. 1940 йили Япония билан ҳарбий шартнома имзолаган Таиланд Лаоснинг бир қисмига даъво қила бошлади. 1941 йили Виши ҳукумати Луангпрабангнинг бир қисмини ва Бассак провинциясини унга беришга мажбур бўлди.

1945 йил мартда японлар ўз назоратини тўлиқ сақлаб қолган ҳолда Лаоснинг «муस्ताқиллигини» эълон қилди. Бундан норози бўлган Лаос сиёсий кучлари «Лао Итсала» («Озод Лаос») ҳаракатини тузди. Улар японлар кетиши билан Франция протекторати бекор қилинишини талаб қилди.

1945 йил 1 сентябрь куни Франция билан шартноманинг денонсация қилинганлиги эълон қилинди ва Лаос ягона давлатга бирлашди.

Камбоджада оммавий ҳаракатлар бўлмади. Коммунистик ғоялар ҳам бу ерда кенг тарқалмади. 1945 йил мартда Ҳиндихитойнинг бошқа мамлакатларидаги сингари Камбоджада ҳам Франция билан келишув бекор қилинди ва мамлакат муस्ताқил деб эълон қилинди.

Филиппин жамиятининг кенг қатламлари япон оккупациясини турлича қабул қилди. Бир қисми, жумладан, Япония ёрдамида АҚШга қарамликдан озод бўлишни орзу қилаётган ватанпарварлик кайфиятидаги баъзи арбоблар, бирданига коллаборационистик позицияни эгаллади. Миллатчилар партияси етакчилари ва бир қатор черковлар хизматчилари японларнинг асосий таянчи бўлди. 1942 йили японлар барча сиёсий ташкилотларни тақиқлади ва ўз назорати остида «Филиппинга хизмат қилиш жамияти» деган

ташкilotни тузди. Мамлакатда сиёсий ва маданий жараёнларни мувофиқлаштириш бу ташкilotнинг вазифаси қилиб белгиланди.

Жамиятнинг бошқа бир қисми японларга қарши қуроли курашга киришди ва 1942 йили Миллий аксиляпон бирлашган фронтини ва Хукбалаха Хуки (исёнчиларни шундай атаган) аксиляпон халқ армиясини ташкил қилди. Бу ташкilotлар фаол ҳаракат қилган ҳудудларда японлар ҳукмронлиги деярли йўққа чикди. Булардан ташқари 1942 йили тараққийпарвар зиёлилар томонидан ташкил қилинган «Озод Филиппин» каби бошқа ташкilotлар ҳам фаолият юритди.

1943 йил октябрда Япония Филиппинни «озод республика» деб эълон қилди. Бу пайтга келиб ҳарбий ҳаракатларда бурилиш юз бериб, АҚШ оролни ўз назоратига қайтариш учун ҳаракат бошлаган эди. 1944 йил сентябрда АҚШ бевосита Филиппиннинг ўзида ҳарбий ҳаракатларни бошлади ва фақат японларга қарши эмас, Хукбалаха Хуки исёнчиларига қарши ҳам жанглар олиб борилди. 1945 йил 10 февралда япон қўшинлари тор-мор қилинди.

Филиппин забт этилгандан сўнг япон экспансиясининг объекти Бирма, Малайя, шунингдек, Сингапур, Бруней ва Шимолий Калимантан бўлди. Бирмада Филиппиндаги сингари японларга умид боғлаган ватанпарварларнинг бир қисми уларни қўллаб-қувватлади. Аммо Япония томонидан мамлакатда террор ва репрессия режими ўрнатилгандан ва Бирма «мустақил» давлат деб эълон қилингандан сўнг уларга қарши партизанлик ҳаракати авж олди.

1944 йил августда Халқ озодлиги аксилфашист лигаси (ХОАЛ) ташкил қилиниб, унга қўплаб сиёсий ташкilotлар, жумладан, Аун Сан бошчилигидаги Бирма мудофаа армияси (БМА) ҳам кирди. ХОАЛ 1945 йил мартда қуроли қўзғолон кўтарди ва БМА иттифоқчилар қўшинлари билан биргаликда бевосита Бирма ҳудудида жанглар олиб борди. 1945 йил майда Рангун – мамлакат пойтахти озод қилинди ва ХОАЛ раҳбарлари Англиядан Таъсис мажлисини чақиришни, унда Конституция қабул қилишни, ҳукуматни шакллантиришни талаб қилди. Бу пайтга келиб Аун Сан Бирманинг умуммиллий етакчисига айланган ва инглизлар у билан ҳисоблашмасдан иложи йўқ эди.

Малайя оккупациясининг дастлабки даврида маҳаллий аҳолига нисбатан ажратиш сиёсати олиб борилди: хитойликлар йўқ қилинди, малайя ва ҳинд аҳолисига эса юмшоқ муносабат юри-

тилди. 1942 йил январда босиб олинган Сингапурда ҳам японлар шундай сиёсат олиб борди. Японларга қарши куrolли мухолифатнинг асосий қисмини хитой миллатига мансуб коммунистлар ташкил қилди.

Сингапурда япон оккупацияси уч ярим йил давом этди. Сингапур Сенан деб қайта номланди. Уруш йиллари Ҳиндистон мустақиллик лигаси ва ҲМКнинг кўзга кўринган арбоби С.Ч. Бос бошчилигидаги Ҳиндистон миллий армияси шу ерда жойлашди.

Японлар Брунейда жуда сокин сиёсат олиб борди. Султон ва унинг амалдорлари ўзларининг мақомларини сақлаб қолди, оккупацияга эса «Брунейни оқ империалистлар зулмидан озод қилиш» сифатида қаралди. Аммо мамлакатда катъий «японлаштириш» сиёсати олиб борилиб, бу маҳаллий аҳолининг қаршилигига учради.

Малайя, Сингапур ва Брунейдаги япон гарнизонлари Япония расман таслим бўлгандан кейин ҳам бир қанча вақт қаршилиқ кўрсатди ва 1945 йил сентябрнинг ўрталарига келиб инглиз қўшинлари томонидан тор-мор қилинди.

Голландия фашистлар Германияси томонидан босиб олингандан сўнг унинг Индонезия билан алоқаси узилиб қолди. Бу ерга японлар 1942 йил бошларида кириб келди ва барча сиёсий ташкилотлар фаолиятини тақиқлади. Фақат Япония иштирокида Халқ кучлари маркази (Путера) ташкил қилиниб, Сукарно унга етакчилик қилди. Кейинчалик бу ташкилот Ява халқига садоқат иттифоқи деб қайта ташкил қилинди.

1943 йили босқинчилар Индонезия шароитида ислом омилининг муҳимлигини англаб, мусулмонларга ўз ташкилоти – Индонезия мусулмонлари маслаҳат кенгаши (Машуми)ни тузишга рухсат берди, аммо унинг аъзоларига сиёсий фаолият билан шуғулланиш тақиқланди.

1944 йили Япония ҳукумати икки йил ичида Индонезияга мустақиллик беришни ваъда қилди, 1945 йил майда эса Сукарно бошчилигида Мустақилликни тайёрлаш бўйича тадқиқот комиссияси тузишга рухсат берилди. Тайёргарлик жараёнида икки хил ёндошув пайдо бўлди – бири мустақилликдан сўнг Индонезия ислом давлатини, иккинчиси – дунёвий республика тузишни таклиф қилди. Иккинчи қараш тарафдорлари кўпчилиқни ташкил қилди.

1945 йил бошида Сукарно биринчи марта Панча Сила принципларини – мамлакат мустақиллигининг фалсафий асосларини

шаклантирди. Бу принциплар ишлаб чиқиладиган конституция матнига киритилди.

Панча Сила (беш принцип) қуйидаги қоидаларни: миллатчилик, бунда, биринчи навбатда, ягона индонез халқи ва бўлғуси мустақил давлатнинг унитар тузилиши тушунилади; интернационализм, Индонезиянинг жаҳон ҳамжамиятидаги тенг ўрни ва бирон-бир миллатнинг устунлиги ғоясидан воз кечиш; халқ ҳокимиятчилиги, яъни энг муҳим муаммоларни умуминдонезия миқёсида муҳокама қилиш имконияти; ижтимоий адолат, яъни жамиятдаги мулккий тенгсизликни камайтириш; ягона ҳудога эътиқод қилиш, аммо бу виждон эркинлиги эмас, деган принципларни таклиф қилди. Шу охириги принцип мустақил Индонезия давлатини қуришда асосий ғоя ролини ўйнади.

Таиланд. Таиланд (Сиам) 1900–1932 йиллари расман ўз мустақиллигини сақлаб қолган ЖШОдаги ягона давлат эди. Бошқарув шаклига кўра бу мутлоқ монархия бўлиб, ҳокимият тепасида XVIII аср охиридан Чакрилар сулоласи ўтирарди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Таиланд бир қатор тенг бўлмаган шартномаларни тузишга мажбур бўлди. Аммо бу шартномалар ва келишувлар Таиланднинг расман бўлса-да, мустақиллигини ва қирол оиласининг ҳокимиятини сақлаб қолишга имконият берди.

1932 йил ёзда Таиланд тарихида янги давр бошланди. 1920-йиллар охирида Парижда миллатчилик кайфиятидаги сиамликлар томонидан ташкил қилинган П. Паномионг бошчилигидаги Халқ партияси буржуа-демократик инқилобига айланган тинч давлат тўнтаришини амалга оширди. Қироллик оиласининг бир қатор аъзолари ва айрим амалдорлар ҳокимиятдан четлатилди. Қирол Рама XII расман тахтда қолди ва муваққат конституцияни тасдиқлади. Унга биноан Халқ партияси ҳукмрон партия мақомини олди. Асосий қонун мамлакатда олий ҳокимият халққа тегишли, қирол, шунингдек, Миллий Ассамблея (парламент), Халқ қўмитаси ва Олий суд халқ номидан ҳокимиятни амалга оширади, деб эълон қилди.

Муваққат конституция ярим йил амалда бўлди ва қиролнинг реал ҳокимиятини сақлаб қолишдан манфаатдор бўлган сиёсий кучларнинг норозилигини келтириб чиқарди. Шундан сўнг у мазмунига кўра анча мўътадил бўлган доимий конституция билан алмаштирилди. Қиролнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди. У қуролли

кучлар бош қўмондони бўлди, ҳукумат таркиби ҳам қирол тасдиғидан ўтиши белгилаб қўйилди.

1932 йил ёзда П. Паномионг томонидан таклиф қилинган иқтисодий ривожланиш режаси жамиятда катта баҳсларни келтириб чиқарди. Режада асосий вазифа мамлакатнинг капиталистик йўлдан бормаслиги ва ўз кучларига таянган ҳолда халқ фаровонлигини ошириш асосий мақсад деб қаралди. Капиталистик йўлдан ривожланиш тарафдорлари Халқ партияси етакчиси П. Паномионгни «коммунистпарастлик қарашларида» айблади. 1933 йил баҳорда қирол фармони эълон қилиниб, коммунистик қарашдаги барчани қонундан ташқари деб эълон қилди.

П. Паномионг мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлди, аммо 1933 йил июнда Халқ партияси тарафдорлари бўлган бир гуруҳ зобитлар давлат тўнтаришини амалга ошириб, радикал монархистларни ҳокимиятдан четлаштирди. Шундан сўнг қирол Пратичапок мамлакатни тарк этди ва 1935 йили тахтдан воз кечди. Тахтга унинг Европада таълим олган жияни келди.

1933 йилги воқеалардан сўнг Халқ партияси тарқалиб кетди. Мамлакатда ҳарбийларнинг таъсири ошиб, уларнинг бир қатор етакчилари ҳарбий диктатура ўрнатиш ғояси билан чиқди. Улар 1933 йил декабрда ҳокимиятга келди ва П. Сонгкхрам ҳукумат бошлиғи лавозимини эгаллади.

Бу гуруҳ 1930-йиллар охирига келиб мамлакатда узил-кесил ўзининг етакчилигини ўрнатди. «Пантаизм» ғояси илгари сурилиб, унинг мазмуни «Буюк Тай» (Таиланд) мамлакатини яратиш деб қаралди. Сиам 1939 йилдан бошлаб Таиланд деб атала бошланди. Мамлакатда Японияга тақлид қилувчи ҳарбий диктатура ўрнатилди. Англия ва Франция томонидан Ҳиндихитойда ва Малакка яриморолида Таиланддан ноқонуний тортиб олинган ҳудудларни қайтариш ва «Буюк Тай» таркибига қўшиш бош шiorга айланди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан фойдаланиб, 1940 йили Япония билан дўстлик тўғрисида шартнома имзолаган тай раҳбарлари Франция XX аср бошларида Сиамдан тортиб олган ҳудудларни қайтаришини Виши режимидан талаб қилди. Ҳарбий ҳаракатлар бошланиб, 1941 йил бошида Япония воситачилигида сулҳ имзоланди ва Таиланд бу ҳудудларни қайтариб олди.

Тинч океанида уруш ҳаракатлари бошлангандан кейин Япония оккупацияси хавфи остида қолган Таиланд 1942 йил январда Буюк

Британия ва АҚШга уруш эълон қилишга мажбур бўлди. Мамлакатда П. Сонгкхрам сиёсатидан норозилик кучайиб борди. «Озод Тай» ватанпарвар ташкилоти ва Таиланд коммунистик партияси тузилди. 1944 йили мухолифат босими остида японпараст кайфиятдаги арбоблар ҳокимиятдан четлатилди. Давлатга яна П. Паномионг бошчилик қилди. У 1945 йил августда иттифоқчиларга «тинчлик прокламацияси» билан мурожаат қилиб, Таиланднинг Япония тарафида бўлиб урушга киришгани учун айбни П. Сонгкхрам бошчилигидаги ҳарбийларга юкледи.

* * *

XX асрнинг биринчи ярми ЖШО мамлакатларида миллий онгнинг ўсиши, миллий туйғуларнинг кучайиши, натижада миллий-озодлик ҳаракатларининг юксалиши даври бўлди. Аммо уларнинг кўпчилиги олдида ҳақиқий озодликка эришиш йўлида узоқ, мураккаб ва фожиали кураш даври турарди.

XXIII боб бўйича саволлар

1. 1920 – 1930-йилларда Вьетнамдаги миллий-озодлик ҳаракатининг етакчи кучлари қандай сиёсий ташкилотлардан иборат эди?
2. Францияда Миллий фронтнинг ҳокимиятга келиши Вьетнамдаги миллий-озодлик ҳаракатига қандай таъсир кўрсатди?
3. 1920 – 1930-йиллари Камбоджада миллий онгнинг ўсишига қандай омиллар сабаб бўлди?
4. 1923 йили французлар томонидан ўтказилган маъмурий ислохот Лаос давлатининг кейинги тақдирида қандай роль ўйнади?
5. 1926 йил Индонезияда бўлиб ўтган қўзғолон қандай аҳамиятга эга бўлди?
6. Индонезия мустақиллиги учун курашда Сукарно бошчилигидаги Индонезия миллий партияси қандай роль ўйнади?
7. 1930-йиллари Филиппинни модернизациялаш бўйича америкаликлар қандай тадбирларни амалга оширди?
8. Бирма мустақиллиги учун курашда ёшлар ташкилотлари қандай роль ўйнади?
9. Мустамлакачилик даври Малайзия, Сингапур, Бруней саноатининг ривожланишида қандай роль ўйнади?
10. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ЖШО мамлакатлари курашаётган давлатлар учун қандай стратегик аҳамият касб этди?
11. Таиланднинг ўз мустақиллигини сақлаб қолишига қандай омиллар сабаб бўлди?

XXIV БОБ. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИГИДА МЎҒУЛИСТОН

XX аср бошларида Мўғулистон. XX аср бошида Мўғулистон ягона худудга бирлашган эмасди. Унинг бир қисми Гоби чўлидан жанубда жойлашган бўлиб, Ички Мўғулистон, бошқа қисми – Ташки Мўғулистон (Халха) деб аталарди. Ички Мўғулистон Хитойнинг таркибий қисми ҳисобланар, Халха эса XVII аср охирида Хитойга қўшиб олинди ва Синьхай инқилоби даврида кенг автономияга эришди. Шу даврда Халхада 600 минг аҳоли бўлиб, шундан 500 минги мўғуллар эди.

Ташки Мўғулистон ўша даврда бир қатор давлатлар, аввало Япония ва Россия ўртасида ракобат объектига айланди. Бу мамлакат биринчи ўринда ўзининг қулай географик жойлашуви, шунингдек, маҳсулотни сотиш учун бозори ва арзон ишчи кучи билан чет давлатларни ўзига жалб қиларди.

Мўғулистон қолок давлат бўлиб, аҳолининг асосий машғулотни кўчманчи чорвачилик эди. Саноат умуман йўқ, савдо эса деярли тўлиқ хитойликлар қўлида жамланганди. Унча кўп бўлмаган маъмурий марказлар аҳолиси ламалар (лама – ламаизм дини роҳиби), хитойликлар ва маҳаллий зодагонлардан ташкил топганди. Бу маъмурий марказлар ичида энг каттаси пойтахт Угра эди. Аҳолининг асосий қисми буддавийлик динининг ламаизм мазҳабига эътиқод қилади. Диний етакчи – богдо-гэгэн (хутухта) мўғулларнинг мутлоқ ишончини қозонган эди. Эрақ аҳолининг деярли ярми будда монастирларида монах ёки шогирд сифатида хизмат қиларди. Лама олий руҳонийлари айни пайтда йирик ер ва мол-мулк эгалари ҳам ҳисобланарди.

Буддавийлик дини, хусусан, унинг ламавийлик мазҳаби (XIV асрда пайдо бўлган) мўғул жамиятида чуқур из қолдирган. Шарқнинг бошқа мамлакатларидан фарқли равишда Мўғулистонда хубиланлик (ҳиндлардаги сансара – қайта туғилишга ўхшаш) кенг тарқалди. Унга биноан олий мақомли ламалар, жумладан, богдо-гэгэн (хутухта) ўз ҳокимияти ва мулкани мерос қилиб қолдирмайди. Зотан, мўғулларнинг фикрича, у ўлмайди, у абадий, жисмоний ўлимидан сўнг унинг руҳи тибетлик чақалокнинг танасига кўчиб ўтади ва бу чақалокни маҳсус маросим орқали аниқлашади, маҳсус тарбиялайди, улғайганда тахтга ўтқизишади.

1911 йили богдо-гэгэн Жебаун-Данбахугухта VI тахтга келди, яъни динийдан ташқари олий дунёвий ҳокимиятга ҳам эга бўлади. Бунгача Мўғулистон тарихида диний бошлиқ доим дунёвий ҳукмдорга бўйсунган. Диний ва дунёвий ҳокимиятнинг битта шахс кўлида бирлашиши сабабини XX аср бошларида ламавий черков иқтисодий позициясининг кучайиши, шунингдек, миллий ҳаракат давомида «тирик Будда» обрўсининг барча мўғуллар томонидан тан олинishi билан изоҳлаш мумкин.

Бирок, бошқарувнинг теократик шакли, шунингдек, тахт во-рислиги анъаналарининг мавжуд эмаслиги жамиятда зиддиятлар-ни келтириб чиқарди, зотан, юқорида айтилганидек, богдо-гэгэн жисмоний ўлимидан сўнг унинг руҳи бошқа кишига кўчиб ўтиши лозим. Бу тушунча одатдаги дунёвий ҳокимият сулолавий тахт во-рислиги одатлари билан мос тушмасди. Шунга қарамасдан, айнан диний ва дунёвий ҳокимиятнинг битта шахс кўлида жамланиши мўғул жамиятида диний ва дунёвий элиталар ўртасидаги келишув-нинг маҳсули эди. Ҳокимият учун курашнинг кучайишидан хавф-сираган богдо-гэгэн бешта вазирдан иборат ўз ҳукуматини тайин-лайди. Шундан сўнг, 1911 йили Мўғулистоннинг олий раҳбарлари Хитойдан ажралиш тўғрисида қарор қабул қилди ва ёрдам сўраб Россия императорига мурожаат қилди (Екатерина I дан бошлаб рус монархлари мўғуллар назарида Будданинг ўзгача гавдаланиши ҳисобланган).

Янги ҳукмдорнинг шахси элитанинг бир қисмида қаттиқ норозилик тугдирди, чунки одатга кўра давлат бошлиғи бевосита Чин-гизхон уруғи авлодидан бўлиши лозим эди. Аммо бу норозилар ва даъвогарларнинг бир нечтаси номаълум сабабларга кўра тўсатдан вафот этди. Позициясини мустаҳкамлаган янги ҳокимият жамиятда туб ўзгаришлар учун ҳаракат бошлади. 1914 йили ўзига хос икки палатали парламент ташкил қилинди. Мўғул давлатчилигини та-комиллаштириш учун турли таклифлар ўртага ташланди. Аммо бу жараёнлар фақат кам сонли элита орасида бўлиб, мўғул жамияти-нинг асосий қисми мутлоқ саводсиз эди.

1913 йили Кяхтада бўлган рус-хитой музокаралари натижасида (Мўғулистон вакиллари иштирок этмади) декларация имзоланиб, унга биноан Ташқи Мўғулистон Хитойнинг кенг автономияга эга бўлган таркибий қисми сифатида тан олинди. Аммо мавжуд шаро-итда бу фақат расмиятчилик эди холос, зотан ўзининг бу ҳуқуқини

амалга ошириш учун Хитойда имкониятлар мавжуд эмасди. Шу сабабли амалда Мўғулистон устидан Россия протекторати ўрнатилди.

1915 йил майда Хитой, Россия ва Ташқи Мўғулистон ўртасида уч томонлама келишув имзоланиб, Мўғулистон Хитойга вассал карамликдаги ички мустақил давлат сифатида тан олинди. Ташқи Мўғулистон ҳукумати манжур конунчилигини ва у ташкил қилган тоифавий суд тизимини сақлаб қолди. Бундан ташқари мамлакат бошқа давлатлар билан сиёсий ва ҳудудий масалалар бўйича шартномалар тузиш ҳукукидан маҳрум қилинди. Россия ва Хитой Мўғулистоннинг янги ҳукукий мақомини кафолатлашни ўз зиммасига олди.

1911–1917 йиллари мўғул давлатчилиги ривожланиши Россияга боғлиқ ҳолда давом этди, кейин эса Россиядаги инқилобий воқеалар туфайли бу ривожланишда узилиш юз берди. Россиядаги инқилобий воқеаларга мўғул жамиятининг ҳукмрон доиралари салбий муносабат билдирди. Икки давлат ўртасида чегаралар ёпилди, савдо тўхтатилди.

1918 йил мўғул етакчилари розилиги билан Уграга Хитой қўшинлари киритилди. Бу жараёнда Япония ҳам фаол иштирок этди. Хитойликларнинг асосий мақсади Мўғулистон автономиясини бекор қилиш бўлиб, бу шу йили ноябрда богдо-гэгэн номидан амалга оширилди. Бунинг эвазига мўғул элитасига ўз ҳуқуқ ва имтиёзларини сақлаб қолиши кафолатланди. Мамлакатда Хитой генерали Сюй Шучжэн бошчилигида ҳарбий диктатура ўрнатилди. 1919 йил қабул қилинган қарорга кўра бошқарув Пекиндан тайинлаган амалдорлар қўлига ўтди. Лекин кўпчиликнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашди ва бу жамиятда мавжуд ҳолатдан норозиликни оширди. Норозиларнинг катта қисми Россияда тўпланиб, шу ерда сиёсий мухолифат асослари яратилди. Совет Россияси ҳолатдан фойдаланиб, Ташқи Мўғулистонни ўз таъсир зонасига киритишга интилди. Мухолифатга собиқ мўғул армиясининг кичик командири Дамдин Сухэ-Батор бошчилик қилди.

1920–1940-йилларда Мўғулистон. Россиядаги фуқаролар урушида 1920 йилдан бошлаб большевикларнинг қўли баланд кела бошлади ва РСФСР раҳбарлари бундан фойдаланиб, Мўғулистондаги ҳолатни ўз назоратига олиш учун ҳаракат бошлади. Бунинг учун 1921 йил мартда ўз ҳудудида Мўғулистон халқ

партиясини (1925 йилдан Мўғулистон халқ-инқилобий партияси) ташкил қилди. Бу пайтга келиб Мўғулистонга рус генерали, ок гвардия ҳаракатининг етакчиларидан бири барон Р.Ф. Унгерн отряди бостириб кирди ва ўзини хитойликларни қувиб чиқиш ҳамда Мўғулистон автономиясини тиклаш тарафдори, деб эълон қилди (у Тинч океанидан Каспий денгизигача бўлган ҳудудда Чингизхон империясини тиклаш ғояси билан ҳам чиққан). Унгерн 1921 йил февралда Угра шахрини эгаллади ва богдо-гэгэнни тахтга тиклади. Бунга жавобан Кяхтада муваққат халқ ҳукумати тузилиб, у Мўғулистонни Унгерндан озод қилиш, шунингдек, Халқ вакиллари Буюк Хуралини чақириш, доимий ҳукуматни сайлаши, конституцияни қабул қилиш шиорини илгари сурди.

Сухэ-Батор бошчилигидаги қўшинлар Қизил армия ёрдамида 1921 йил март ойидаёқ Мўғулистон ҳудудининг бир қисмини озод қилди ва мўғул элитасининг Унгерндан норози қисмини ўз томони-га оғдиришга интилди.

1921 йил июнда Унгерн Сухэ-Баторга қарши юриш бошлади. Унга Шимоли-Шарқий Хитойнинг японпараст ҳокими Чжан Цзолин ва Манжурия ҳудудида ҳаракат қилаётган атаман Семёнов ёрдам бериши лозим эди.

1921 йил 6 июнда Сухэ-Батор қўшинлари билан РСФСР Қизил армиясининг бирлашган қисмлари Уграни эгаллади. Бу воқеалар рус ва мўғул тарихшунослигида «халқ инқилоби» номини олган. Ташқи Мўғулистон ўз мустақиллиги тиклаганлигини ва Халқ ҳукумати тузилганлигини эълон қилди. 5 ноябрда РСФСР ҳукумати Мўғулистон халқ ҳукуматини «ягона қонуний» ҳукумат деб тан олди. Бу ҳол Ташқи Мўғулистонни ўз вассали ҳисоблаб келаётган Хитойни ташвишга солиб қўйди. Шу даврдан бошлаб «Мўғулистон муаммоси» совет-хитой муносабатларида муҳим роль ўйнади.

Ўша даврдаги ҳолатдан келиб чиқиб, мустақиллик учун ҳаракатнинг биринчи босқичида (1921–1924) Мўғулистонда монархия режими сақлаб қолинди, аммо богдо-гэгэн реал ҳокимиятдан маҳрум бўлди. Шунга қарамасдан, мамлакатнинг янги раҳбарлари томонидан ҳам унга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди. Бутун ҳокимият таркиби большевикпарастлардан иборат бўлган Халқ ҳукуматига ўтди. Шу тариқа Мўғулистон сиёсий ривожланишида янги давр бошланди, унинг асосий мазмунини нокапиталистик тараққиёт йўли ташкил қилди.

Биринчи босқичда монархия чекланди, аратларнинг (оддий аҳоли) шахсий қарамлиги бекор қилинди, анъанавий элитанинг манфаатлари чекланди. СССРдаги ВЧК сингари 1922 йили «аксилинқилобчилар» билан курашиш учун махсус жазо органи – Давлат ички мудофааси ташкил қилиниб, кейинчалик ички ишлар вазирлигига айлантирилди. 1923 йили маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари – халқ хураллари ташкил қилинди.

1923 йил февралда Сухэ-Батор номаълум ҳолатда 30 ёшида вафот этди. Бу янги ҳокимиятнинг ички сиёсатни кучайтириши, айниқса диндорларга нисбатан қатъий чоралар қўллаши учун баҳона бўлди. Кейинги йили мўғуллар учун монархия тузумининг тимсоли ва олий диний нуфузга эга бўлган богдо-гэгэн оламдан ўтди. Янги ҳокимият эски тартиблардан воз кечиш учун реал имкониятга эга бўлди.

Бироқ Мўғулистоннинг ҳуқуқий мақоми ҳамон очиклигича қолаётган эди. СССР ҳукумати Жанубий Хитойдаги Сунь Ятсен ҳукуматини ўз иттифоқчиси деб ҳисоблагани учун бу масалада қатъийлик кўрсатмади. Масалан, 1923 йил бошидаги баёнотда СССР Мўғулистонни Хитой Республикасининг таркибий қисми деб ҳисоблашни яна бир бор таъкидлади. Бунинг эвазига Сунь Ятсен «дўстона» совет кўшинларининг Мўғулистон худудида жойлашишига розилик билдирди.

Ислохотларнинг иккинчи босқичи (1924–1940) Мўғулистонда республика бошқарув шаклининг ўрнатилиши билан характерланади. 1924 йили Буюк Хурал иш бошлади ва Мўғулистон Халқ Республикасининг Конституциясини тасдиқлади. Угра Улан-Батор (Қизил Баҳодир) деб қайта номланди. Бу босқичда эксплуататор синфларни йўқ қилиш, жамият ҳаётида диннинг ролини камайтириш каби бир қатор кескин чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилди.

Конституцияда мамлакатнинг нокапиталистик тараққиёт йўли ақс этди, ерга ва ер ости бойликларига хусусий мулкчилик тақиқланди. Аввалги элитанинг кўпчилиги сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Дин давлатдан ажратилди. Бутун мамлакат бўйлаб халқ хураллари кўринишидаги (СССРдаги советлар каби) янги ҳокимият ўрнатилди.

Хитой билан муносабатларни бузмаслик учун СССР 1924 йили Ташқи Мўғулистон устидан Хитой суверенитетини яна бир бор

таъкидлади ва 1925 йили Мўғулистондан Қизил армия қисмларини олиб чиқди. Аммо Совет Иттифоқи Мўғулистоннинг ички ишларига фаол аралашини, унга иктисодий ёрдам кўрсатишни давом эттирди. 1925–1927 йиллардаги инқилоб жараёнида Гоминьдан билан ХКП ўртасида муносабатларнинг бузилиши совет раҳбарларига Мўғулистондаги ўз позициясини мустаҳкамлаш учун баҳона бўлди. Мўғулистонни аста-секин «социалистик тараққиёт» йўлига ўтказиш бошланди.

1930 йили Мўғулистон Халқ инқилобий партияси (МХИП) нинг съездида «ялпи коллективлаштириш», бой аратларни кулоқлаштириш сари йўл тutilди. Натижаси тезда юзага чиқди: 1931–1932 йиллари мўғулларнинг асосий бойлиги – чорва моллари сони 1/3 қисмига камайди. Айни пайтда мамлакатдан чет эл капитали ҳам сиқиб чиқарилди. Мамлакат раҳбарияти тезкор чоралар кўришга мажбур бўлди ва вужудга келган ҳолатда «сўллар» деб аталувчи гуруҳни айблади. Аммо колхозларнинг яна тарқатиб юборилиши ички ишлар вазири Х. Чойболсан ва унинг сафдошларини норози қилди. Натижада улар томонидан бош вазир П. Гендун раҳбарлигидаги «партияга қарши» гуруҳ устидан ташкил қилинган иш бўйича кўпчилик раҳбарлар жабр кўрди. Шу даврда аратларнинг коллективлаштиришга қарши чиқишлари ҳам бостирилди. Диндорларга қарши қатағон ҳам шу даврда авжига чиқди.

1930-йилларнинг биринчи ярмида СССР ёрдамида биринчи саноат корхоналари – электростанция ҳамда тери ва жунни қайта ишлаш бўйича бир неча фабрикалар ишга туширилди. Саводсизликка қарши кураш кампанияси, бепул халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимларини яратиш бошланди.

Минтақага Япониянинг кириб келишидан хавфсизлаган СССР 1936 йили МХР ҳукумати билан ўзаро ёрдам тўғрисида Протокол имзолади. Бунинг мазмуни агар Япония Ташки Мўғулистон худудини босиб олса, бу бевосита СССР билан урушга олиб келади, деган маънони англатар эди. Мўғулистон худудига совет қўшинлари киритилди.

Советларнинг бу ҳаракатини расмий Гоминьдан ҳукумати Хитойнинг ички ишларига аралашини деб баҳолади ва ўзининг ўта салбий муносабатини билдирди. Аммо 1937 йили совет-хитой шартномасини имзолашда иккала томон ҳам Хитойнинг таркибий қисми сифатидаги Мўғулистон мақомини яна бир бор тасдиқлади. Ўз

навбатида, МХР раҳбарияти Мўғулистон суверен мустақил давлат ҳисобланишини таъкидлаб, бу шартномани ўзлари учун мажбурий эмаслигини эълон қилди.

1937 йилда СССРдаги сингари Мўғулистонда ҳам кучли қатагон ўтказилиб, унга Х. Чойболсан раҳбарлик қилди. Динга қарши кураш доирасида 70 минг ламалар (ҳаммаси 100 минг эди) қатл қилинди, деярли барча буддавийлик дастанлари (монастирлари) ёпилди. Сталинга тенглашишга интиланган Х. Чойболсан армияда тозалаш ўтказиб, олий қўмондонлик таркибининг 80% ини йўқ қилди. МХИП Марказий Қўмитаси ва Президиумининг кўпчилик аъзолари, жумладан, бош вазир А. Амар, Кичик Халқ Хурали раиси Д. Загсом ва бошқалар қатагон қилинди.

Мўғулистон армиясининг кучсизлиги, бунинг устига кенг миқёсдаги тозалаш ўтказилишининг ўрни совет қўшинлари томонидан тўлдирилди. Айнан совет армияси 1939 йил майда Халхин-Гол дарёси ёнида япон қўшинларининг МХР ҳудудига қилган ҳужумини қайтарди.

Мамлакатда тўлиқ ўз назоратини ўрнатган Х. Чойболсан 1940 йили МХИПнинг съездини ўтказди, унда «ўтиш даври» тақиқланди ва бевосита социализм асосларини қуриш бошланиши эълон қилинди.

1941–1945 йилларда Мўғулистон. 1941 йил апрелда СССР билан Япония ўртасида ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома, хусусан «МХР ва Манжоу-го давлатлари ҳудудий бутунлиги ва дахлсизлигини ўзаро ҳурмат қилиш» тўғрисида қўшимча декларация имзолангандан сўнг Ташқи Мўғулистоннинг ҳуқуқий мақоми масаласи совет-хитой муносабатларини янада кескинлаштирди. Хитой ушбу шартнома унинг «ҳудудий яхлитлигига» таҳдид солганлиги учун уни тан олмаслигини эълон қилди.

Германиянинг СССРга қарши уруш бошлаши билан Мўғулистон Қизил армияга ёрдам берди. СССРга чорвачилик маҳсулотлари, отлар, ҳарбий хизматчилар учун тери ва жундан тайёрланган маҳсулотлар етказиб берди. МХР маблағига танк колоннаси ва авиация эскадрильяси қурилди.

1944 йили МХР иттифоқдош республика сифатида Совет Иттифоқи таркибига кириш истагини билдириб, СССР раҳбариятига мурожаат қилди. И. Сталин бу илтимосни рад этди ва Мўғулистоннинг статус-кво ҳолатини, яъни амалда ҳуқуқий

мустақил эмаслигини сақлаб қолишни маъқул кўрди. Антигитлер коалиция давлат бошлиқларининг 1945 йил февралда бўлиб ўтган Ялта конференциясида ҳам шу фикр айтилди. Бу Хитойда яна норозилик туғдирди ва 1945 йил ёзда Москвада Сталин билан Цзян Цзинго учрашувида бу норозилик билдирилди. Мўғулистон муаммоси бўйича совет-хитой музокаралари натижасида қабул қилинган баёнотда агар мўғул халқи плебисцитда мустақиллик учун овоз берса, Хитой ҳукумати Ташқи Мўғулистоннинг мустақиллигини ўша пайтдаги чегаралари доирасида тан олишини маълум қилди.

* * *

Мўғулистоннинг СССР, Хитой ва Япония стратегик манфаатлари доирасида жойлашуви унинг XX асрдаги тақдирига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Айнан шу ҳолатнинг ўзи Мўғулистонга ўз мустақиллигини сақлаб қолиш имконини ҳам берди.

XXIV боб бўйича саволлар

1. 1911 йили Мўғулистонда диний ва дунёвий ҳокимиятнинг битта шахс қўлида жамланиши қандай оқибатларни келтириб чиқарди?
2. XX аср бошларида Россия–Хитой муносабатларида Мўғулистон омили қандай роль ўйнади?
3. 1921 йил июндаги «халқ инқилоби» Мўғулистоннинг кейинги таракқиётига қандай таъсир кўрсатди?
4. Мўғулистон ва СССРда социализм қуришнинг қандай ўхшаш жиҳатлари мавжуд эди?

XXV Б О Б . Ж А Ҳ О Н У Р У Ш Л А Р И О Р А Л И Ғ И Д А Т У Р К И Я

Усманийлар империясининг Биринчи жаҳон урушидаги мағлубияти ва унинг оқибатлари. 1913 йилнинг охиридан бошлаб мамлакатда ҳокимият ёш турклар партиясининг учта вакили: Энвер бей, Талғат бей ва Жемал бейлар қўлига ўтди. Улар ташқи сиёсатда Германияга таяниб иш тутди. Урушда ҳам Усманийлар империяси Германия ва унинг иттифокчилари томонида жанг қилди. Урушнинг айрим даврларида турклар армияси яхши жанг қилганига қарамасдан, охир-оқибатда уруш бой берилди, империя ҳудуди оккупация қилинди. 1918 йил 30 октябрда Мудрос сулҳи имзоланди,

ҳокимиятда турган учта бейлар мамлакатни тарк этди, ёш туркларнинг «Бирдамлик ва тараққиёт» партияси тарқалиб кетди.

Антанта давлатлари империяни бўлиб олиш режасини туздилар: барча ташқи мулк ерлари аннексия қилинди, уларнинг тақдири Париж тинчлик конференциясида ҳал қилиниши лозим эди. Туркиянинг ўз ерларидан бошқа барча ҳудудлар Миллатлар Лигаси мандати остига ўтди. Аммо Туркиянинг ўз ерлари тўғрисида ҳам турли режалар тузила бошланди. Хусусан, Туркия таркибидан иккита автономияни – Арманистон ва Курдистонни ажратиб чиқариш таклиф қилинди; Қора денгиз бўйида, Трапезунд (Трабзон) районида юнонларнинг Понтий давлатини тузиш режалаштирилди. 1919 йил 15 май куни Греция кўшинлари Измирни босиб олди, аммо унга Италия ҳам даъво қилаётган эди. Бўғозлар устидан халқаро назорат ўрнатилди. Антанта давлатлари ўз флотини киритди ва комиссарларини тайинлади. Султон номигагина давлат бошлиғи бўлиб қолди.

1919 йил бошидан ҳокимият «Озодлик ва тотувлик» ташкилотидан турк либераллари қўлига ўтди, аммо ҳақиқий ҳокимият Антанта қўлида эди. Турк армияси демобилизация қилинди, ҳарбий объектлар ғолиб давлатларга берилди. Мамлакат тўлиқ Ғарбнинг ҳокимияти остида бўлиб туюларди.

1919 йил Анатолияда қаршилик ҳаракатининг вужудга келиши. Ғарб давлатларининг ҳаракати Туркияда аҳолининг ғазабини кўзгатди. 1919 йил бошидан бутун мамлакат бўйлаб қаршилик ўчоқлари пайдо бўлди: 1919 йил январда мамлакат жанубида, майда – Анатолиянинг ғарбий қисмида партизанлар ҳаракати бошланди. Маҳаллий зиёлилар ва зобитлар раҳбарлигида «аҳоли ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари» тузилди. Шундай жамиятларнинг бирига уруш йиллари иттифоқчиларнинг Дарданелл операцияси пайтида мудофаани яхши ташкил қилганлиги билан машҳур бўлган 39 ёшли генерал Мустафо Камол пошо раҳбарлик қилди. У Германиянинг душмани, ўз юртининг ватанпарвари сифати ном чиқарган эди.

Уруш тугаши билан Мустафо Камол ҳарбий хизматдан бўшади, Истамбулга кетди, кейин 19 май куни Самсун шахрига келиб, маҳаллий партизанлар ҳаракатига раҳбарлик қилди. 1919 йил 23 июль куни унинг раислигида Арзурум шахрида шарқий вилоятлар «ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти»нинг съезди бўлди. Ижро

қўмитасига М. Камол бошчилик қилди ва у Туркиянинг парчаланишига йўл қўймаслиги ҳақида баёнот берди.

1919 йил 4 сентябрь кунини Сивас шаҳрида «ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жамияти»нинг умумтурк съезди бўлди. Съезд томонидан тузилган М. Камол бошчилигидаги Вакиллик кенгаши Истамбул ва Антанта томонидан оккупация қилинган зонадан ташқари мамлакатнинг бутун ҳудудига даъвосини эълон қилди. Сивасдаги съезд талабига кўра султон ҳукумат бошлиғини алмаштирди ва парламент сайловлари ўтказишга розилик берди.

Сайловлар бўлиб ўтди, парламент сайланди, аммо кўплаб депутатлар Истамбулга боришдан бош тортдилар. Улар М. Камолга қўшилди ва ўз манзилгоҳи қилиб Анатолиянинг ичкарасидаги шаҳар – Анқарани танлади. 1920 йил 28 январда Истамбулдаги парламент «Миллий аҳд»ни қабул қилди. Бу амалда мустақиллик декларацияси эди: у Туркия ҳудудининг яхлитлигини, чет эл иқтисодий ва молиявий назоратини, Ғарб давлатларининг барча имтиёзларини бекор қилди. Антанта давлатлари бунга рози бўлмади.

Туркияга қарши интервенциянинг бошланиши. 1920 йил 16 март кунини султоннинг розилиги билан Истамбулга инглиз десанти туширилди. Парламент тарқатиб юборилди, депутатлар инглизлар томонидан қамокқа олинди ва Мальта оролига сургун қилинди, турк ҳокимияти инглиз комиссарларига бўйсундирилди. Янги ҳокимиятга итоаткор султон ҳукумати Вакиллик қўмитасини исёнчи деб эълон қилди, М. Камолни эса сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилди.

Шундай шароитда 1920 йил 23 апрелда Анқара шаҳрида янги парламент – Туркия Буюк миллат мажлиси (ТБММ) йиғилди. Унинг таркибига Истамбулдан инглизлар томонидан тарқатиб юборилган парламентнинг бу ерга қочиб келган 105 аъзоси ҳам кирди. ТБММ раиси М. Камол янги органни бутун мамлакат ҳудудидаги ягона қонуний ҳокимият деб эълон қилди. ТБММ томонидан ташкил қилинган ҳукумат иқтисодий ва ҳарбий ёрдам сўраб Совет Россиясига мурожаат қилди. 1920 йил августда М. Камол Москвадан биринчи ҳарбий ёрдамни олди.

Султон Анкарадаги янги ҳокимиятни исёнчи деб эълон қилди ва унга қарши армияни жўнатди, аммо партизанлардан мағлубиятга учради. Шундан сўнг 1920 йил июнда Измирдан грек қўшинлари

М. Камолга қарши юриш бошлади. Шу тариқа грек-турк уруши бошланди.

Грек-турк уруши. 1920 йил 10 августда Париж тинчлик конференциясида Туркия билан сулҳ шартлари келишиб олинди. Севр тинчлик шартномаси имзоланди. Бу шартнома: биринчидан, асли Туркиянинг ўзига тегишли бўлмаган барча худудларни энди ташкил қилинган Миллатлар Лигаси мандати остига ўтказди (мандатни Англия ва Франция олди); иккинчидан, Туркиянинг ўз худудини ҳам бўлишни кўзда тутди. Шарқда Арманистон ва Курдистон мустақил давлатларини тузиш бошланди. Шарқий Фракия Адрианополь шаҳри билан Грецияга ўтадиган бўлди, бўғозлар зонаси устидан халқаро назорат ўрнатилди, Анатолиянинг бир қисми Европа давлатларининг таъсир зоналарига бўлинди; учинчидан, Туркия устидан Антанта давлатларининг тўлиқ молиявий назорати ўрнатилиши кўзда тутилди, турк армияси тўлиқ қуролсизлантирилиши, мамлакат худуди устидан капитуляция режими ўрнатилиши лозим эди.

Бундай шартлар мамлакатда норозилик уйғотди. ТБММ бу шартномани тан олмаслигини эълон қилди. Франция ва Италия ҳам норозилик билдирди. АҚШ амалда ўзини четга олди. Конференцияда АҚШга Арманистон устидан мандат бошқаруви таклиф қилинди, аммо у рад этди. Буюк Британия ҳам бевосита унинг манфаатларига тааллуқли бўлмаган муаммо учун жанг қилиш ва қон тўкишни истамасди. Ташаббус кўрсатаётган ва ўзига бевосита тегишли бўлмаган масала учун қон тўкишга тайёр ягона давлат Греция бўлди. Греция қўшинлари Севр шартномаси шартларини ҳаётга татбиқ этиш ташаббусини ўз қўлига олди. Греция армияси М. Камол қўшинлари позициясига ҳужум қилишни давом эттирди, аммо 1921 йил 10 январь куни Иненю деган жойда тўхтатилди. Бу Анкара ҳукуматининг позициясини мустаҳкамлади. Антанта давлатлари 1921 йил февраль – март ойларида Лондонда Туркия масаласи бўйича иккинчи конференцияга йиғилди. Унда Туркиянинг иккала ҳукумати вакиллари ҳам иштирок этди, аммо конференция натижасиз якунланди.

Айни пайтда М. Камол қўшинларининг Арманистон ва Грузияга қарши ҳаракатлари натижасида (турк қўшинлари бу икки давлат худудига киритилди) Туркиянинг Совет Россияси билан муносабатларига ҳам совуқлик тушди. Можаро 1921 йил 16 мартда Туркия билан Россия ўртасида шартнома имзоланиши билан якунланди.

Унга биноан Совет Россияси Туркияга жуда кўп миқдорда ку-рол-яроғ ва ўқ-дори ҳамда олтин ҳисобидан 10 млн рубль пулли беминнат етказиб бериш мажбуриятини олди.

1921 йил 31 мартда Греция армияси Иненюда турклар мудофаасини ёриб ўтишга яна бир бор ҳаракат қилди, аммо муваффақиятсизликка учради. Туркия армиясига Исмет пошо қўмондонлик қилди, у кейинчалик бу жангдан ёдгорлик сифатида Иненю фамилиясини олди. 1921 йил ёзда греклар мудофаани ёриб ўтди ва августда Анқарага етиб келди. М. Камол бош қўмондон этиб тайинланди ва чекланмаган ваколатларга эга бўлди.

1921 йил 23 августда Сакаръя дарёси ёнида жанглар бошланди. У жуда даҳшатли бўлиб, 22 кун давом этди; натижада греклар армияси тор-мор қилинди. Турклар ҳам катта талафот кўрди. Шу жангдан сўнг Туркияни куч билан Севр шартномаси шартларини қабул қилишга мажбурлаш иложсиз эканлиги маълум бўлиб қолди. 1921 йил 20 октябрда Франция Туркия билан сепарат сулҳ имзоллади, М. Камол ҳукуматини тан олди ва ўз қўшинларини олиб чиқиб кетди. Италия ҳам қўшинларини олиб чиқди. Аммо Греция армияси хали Туркия худудида қолаётган эди.

1922 йил 30 августда Туркия армияси кучларини йиғиб, қарши ҳужумга ўтди ва греклар армиясини узил-кесил тор-мор қилди. 1922 йил 9 сентябрда турк қўшинлари Измирга кириб келди, греклар армияси штаби асир тушди. 1922 йил 18 сентябрда Туркия худуди тўлиқ озод қилинди, 11 октябрда эса Греция билан сулҳ имзоланди. Греция қўшинлари ҳатто Шаркий Фракиядан ҳам олиб чиқилди. Шу тарика бутун Туркия худуди озод қилинди, турк армияси инглизлар назорати остида бўлган бўғозлар чегарасида тўхтади.

Мустафо Камол инқилоби. 1922 йил 1 ноябрь куни Туркия Буюк Миллат мажлиси султон ҳокимиятини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Султон Меҳмед VI тахтдан ағдарилди ва мамлакатни тарк этди, аммо бутун дунё мусулмонларини бирлаштирувчи институт сифатида халифалик сақлаб қолинди. Барча мусулмонлар халифаси қилиб султон сулоласи вакили Абдул Мажид II сайланди.

1922 йил 20 ноябрда Лозаннада конференция очилди. Конференцияда бўғозлар масаласи анча узоқ тортишувларга сабаб бўлди. Россия таклиф қилган бўғозлардан чет давлатлар ҳарбий кемалари ўтишини тақиқлаш Ғарб давлатлари томонидан қабул қилинмади. 1923 йил 24 июлда Лозаннада М. Камол ҳукумати билан имзолан-

ган якуний шартномага кўра Туркия ўз суверенитети ва худудий яхлитлигини сақлаб қолди. Бўғозларни демилитаризация қилиш бошланди: Истамбул горнизони сони 12 минг кишидан ошмаслиги белгиланди, тинчлик пайти барча мамлакатлар кемаларига бўғозлардан эркин ўтиш кафолатланди. Туркия Усманийлар империясининг эски қарзларини тўлаш мажбуриятини олди ва шу шарт билан Европа давлатларининг молиявий назорати олиб ташланди. Капитуляция режими бекор қилинди.

Туркия 5 йил чет эл товарларига паст бож солиғини сақлаб қолишга ваъда берди ва шундан сўнг бож мустақиллигини – протекционистик тарифлар жорий қилиш ҳукуқини олди.

Греция билан ҳам можаро ҳал этилди. Икки жамоаларни – грекларни Туркиядан, туркларни – Грециядан кўчиришга қарор қилинди. Кўчирилганларнинг кўчмас мулклари, шунингдек, ер мулклари Греция ва Туркия ҳукуматлари ихтиёрига ўтди. Барча чет эл қўшинлари Туркия худудини тарк этиши лозим эди. 1923 йил 6 октябрда инглиз ҳарбий қисмларининг охириги аскарлари бўғозлар зонасини тарк этди.

1923 йили Мустафо Камол етакчилигида Халқ партияси (кейинчалик Халқ республикачилар партияси – ХРП) ташкил топди. 1923 йил 29 октябрда Туркия республика деб эълон қилинди, Анқара унинг пойтахти бўлди. М. Камол – республика президенти, унинг сафдоши Исмет пошо – бош вазир қилиб сайланди. Мамлакатда узокқа мўлжалланган ислоҳотлар бошланди.

Мустафо Камол ислоҳотлари. Туркияни Европа босқинидан озод қилган, ҳақли равишда Ватан халоскори ва миллат отаси ҳисобланган М. Камол ўзининг жуда катта обрўсидан фойдаланиб, мамлакатда авторитар режим ўрнатди, бу эса унга қисқа вақт ичида анча кескин ислоҳотларни амалга ошириш имконини берди. Ислоҳотларнинг бош мақсади – мамлакатни модернизация қилиш, деб эълон қилинди. Бу Европа цивилизациясининг барча тараққийпарвар томонларини қабул қилиш ва уларни Туркия шароитига мослаштиришни англатар эди. Бундай уринишлар илгари ҳам бўлган, аммо улар жамият онгида тўлиқ ҳукмронлик қилган ислом дини ақидаларига зид бўлганлиги учун амалга ошмай қолганди.

Айнан мусулмон менталитети, ундаги ақидапарастлик ва жаҳолат ислоҳотлар учун асосий тўсиқ эканлигини М. Камол яхши тушунарди. Шу сабабли у ислоҳотларни диндан бошлади. 1924

йил Буюк Миллат мажлиси халифаликни тугатиш тўғрисида қарор қилди. Бу билан дунё мусулмонларини бирлаштириб турувчи тизим йўқ қилинди, дарвешлик ордени ва дарвешхоналар тарқатиб юборилди. Дин ва вақуф ишлари бўйича вазирлик тугатилди, вақуф мулклари национализация қилинди. Шариат судлари бекор қилинди. Мадрасалар ёпилиб, барча мактаблар Маориф вазирлиги ихтиёрига ўтказилди.

Халифаликнинг бекор қилиниши фақат Туркияда эмас, бутун мусулмон дунёсида катта норозиликка сабаб бўлди. М. Камолни ислом дини асосларини бузганликда айблади. Ҳатто Туркиянинг ўзида ҳам Тараққиёт республика партияси тимсолида муҳолифат пайдо бўлди. Норозилар генералнинг сафдошлари орасида ҳам бор эди. Улар, оз муддатга бўлса-да, ҳатто бош вазир Исмет пошони истеъфога чиқишга ҳам мажбур қилди.

1925 йил февралда Туркияда курдлар кўзғолони бошланди. Кўзғолоннинг расмий шиори «халифаликни тиклаш» бўлса-да, ҳақиқий сабаби анча мураккаб эди. Курдлар фақат Эрон ва Туркияда эмас, Англия мандати остида бўлган Ироқда ҳам яшайдиган алоҳида этник гуруҳни ташкил қилади. Биринчи жаҳон уруши йилларида курдлар инглизларнинг Туркияга қарши курашида катта ёрдам кўрсатди ва эвазига урушдан сўнг мустақиллик олишга умид қилди. Англия Туркиянинг курдлар яшайдиган бир қисм ҳудудини (Ироқ шимолидаги Мосул райони) ажратиб олди. М. Камол бу ҳудудга ўз даъвосини илгари сурди, аммо у 1925 йили Миллатлар Лигаси томонидан рад этилиб, Мосул райони узил-кесил Ироқ ҳудуди деб тан олинди.

Расмий шиор – халифаликнинг тикланиши талабига қарамадан, курдлар кўзғолонининг асосий сабаби М. Камол ислохотларига, унинг кичик миллатларни турклаштириш сиёсатиغا қарши қаратилган эди. Бу сиёсат ислохотларнинг иккинчи принципи – миллатчиликда намоён бўлди. Туркияда фақат турклар яшайди деган сиёсатга ҳукумат Биринчи жаҳон урушига қадар ҳам амал қилган эди.

Исмет пошо яна бош вазир этиб тайинланди. Ҳукуматга фавқулодда ваколатлар берувчи «тартибни сақлаш» ҳақида қонун қабул қилинди. Натижада 1925 йил апрелга келиб курдлар кўзғолони бостирилди. Курдлар кўзғолонини бостириш ички режимни кучайтириш билан қўшиб олиб борилди: барча муҳолифат-

чи газеталар ёпилди, Тараққиёт республика партияси фаолияти тақикланди, оммавий камокқа олишлар ва суд жараёнлари ўтказилди. Баъзи ижобий натижаларни ҳам айтиш лозим: натурал солиқ бекор қилинди (ашар – ўндан бири), Туркияда норозилик туғдираётган тамаки концессияси бекор қилинди. Шу тарика М. Камол ислохотлари бошланди.

Ислохотларнинг биринчи тамойили – лаицизм, яъни дунёвийлик, динни давлатдан ажратишда ўз аксини топди. 1924 йил 20 апрелда қабул қилинган Туркия Республикасининг биринчи конституциясида ислом давлат дини деб аталган эди. 1928 йил 9 апрелда бу банд ҳам конституциядан олиб ташланди.

Асосий қонунга кўра Туркия бир палатали парламент республикаси эди. Унда фуқароларнинг асосий демократик ҳуқуқ ва эркинликлари эълон қилинди, аммо бу фақат қоғозда бўлиб, аслида М. Камол пошонинг авторитар режими ўрнатилди. У армияга ва 1923 йили тузилган Халқ республика партиясига таянди. Марказий ҳокимият кучайтирилди. Мамлакат вилоятларга бўлинди. Жамиятда жуда катта обрўга эга бўлган М. Камол пошо ислохотларни амалга оширишга, қаршиликларни куч билан бостиришга қатъий қарор қилди.

Ҳаммасидан ўтмишнинг расмий атрибутларини бекор қилиш осон кечди, 1925 йилдан барча учун мажбурий европача либос ва бош кийим жорий қилинди. Шу йили европача тақвимга ўтилди. Барча қонунлар Европа намунасида қайта ишланди. Фуқаролик кодексига аёллар ҳуқуқларига катта эътибор қаратилди. Улар давлат идораларида ишлаш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига эга бўлди. Араб алифбосидан воз кечиб, лотин алифбоси жорий қилинди. Европача насаб (фамилия) киритилиб, Буюк миллат мажлиси М. Камолга расман «Отатурк» (турклар отаси) деган насабни берди.

Иқтисодий ислохотлар. Ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири этатизм бўлди. Бу иқтисодий ҳаётда давлатнинг етакчилик ролини англатар эди. Миллий иқтисоднинг аҳволи ва аҳоли фаровонлиги учун ҳам давлат жавобгар ҳисобланади. Бу қоида азалий исломий анъаналарга ҳам мос келганлиги учун уни жамиятда жорий қилиш нисбатан осон кечди. Миллий иқтисодни жадал ривожлантириш ва замонавий саноатни яратиш фақат давлат сектори шароитида мумкин эди. Давлатнинг чет элларга қарамлигига ҳам барҳам бериши лозим эди. Аммо таъкидлаш жоизки, онгли равиш-

да жамият ҳаётининг бутун тизимини тўлиқ этатизациялаш ўша давр тоталитар мамлакатларидаги сингари ўнг ёки сўл мафкуралар таъсирига тушиб қолмади. Мамлакатни бошқарган партия-давлат бюрократияси коррупцияга берилиб кетмади, аксинча, ҳамма ўз вазифасини яхши уддалашга интилди. Бу ислом ақидалари кучли бўлган мусулмон мамлакати учун ноёб ҳодиса эди.

1920-йиллари иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишини чет эллик мулкдорлардан саноат корхоналарини, инфратузилма объектларини, темир йўлларни сотиб олиш, миллий саноатни яратиш ташкил қилди. 1928 йили давлатнинг эски қарзларини тўлаш ҳақида облигацияларнинг чет эллик эгалари билан келишилди. Фақат шундай ҳолда Туркия Ғарб давлатларининг молиявий ёрдамига умид қилиши мумкин эди. Туркия барча эски қарзларидан 1944 йили кутулди.

Лозанна шартномаси бўйича Туркия паст бож солиқларини сақлаб туриши лозим бўлган 5 йиллик муддат 1929 йили тугади. Шу йили бож тарифлари бўйича қонун қабул қилиниб, у Туркияга протекционистик бож ўрнатиш, ўзининг ёш саноатини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди, бу бошланиб кетган иқтисодий инқироз шароитида жуда муҳим эди.

Инқироз Туркия экспортининг асосий бўғини – қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг тушиб кетишга олиб келди. Бу иқтисодий муаммоларни чуқурлаштириб, валюта танқислигини келтириб чиқарди. 1931 йили ҳукумат импортни кескин чеклашга мажбур бўлди. Натижада импорт икки марта қискарди, чет эл рақобати ҳам сусайди.

Давлат секторида янги йирик корхоналар яратилди, темир йўллар, портлар қурилди, бошқа инфратузилма ривожланди. Чет эл концессияларини бекор қилиш бошланди, кўпчилиги давлат томонидан сотиб олинди.

1930 йили Марказий банк тузилди. Усманийлар банкидан сотиб олинган акциялар ва пул эмиссияси ҳукуки унга ўтди. Банк Туркия иқтисодиётини тартибга солишнинг давлат қўлидаги асосий қуролига айланди, у инвестицияларни асосан давлат секторига йўналтирди. Биринчи беш йилликнинг (1933 – 1938) дастлабки икки йилида давлат секторида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми қиймат кўринишида икки баробар ўсди.

Аграр сектордаги ўзгаришлар унча катта бўлмади. 1920-йиллари натурал солиқни бекор қилишдан ташқари, ерсиз деҳқонларга

давлат фонди (греклар, арманлар, курдлардан тортиб олинган ерлар) ҳисобидан ер тарқатилди. Ҳаммаси бўлиб 700 минг га ер бўлиб берилди. Ягона ижара тизими жорий қилинди. Инкироз йиллари кишлоқ хўжалик маҳсулотларига юқори нархни ушлаб туриш учун улар давлат томонидан харид қилинди. Дехқонларни молиялаш учун Қишлоқ хўжалик банки ташкил қилинди.

Давлат анъанавий равишда нархларни қатъий назорат қилади: 1920 йиллардаёқ айрим кишлоқ хўжалик маҳсулотларига (тамаки, лавлаги, буғдой) давлат нархлари ўрнатилди. 1936 йили «Санот маҳсулотлари нарҳини назорат қилиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Туркияда 1940 йили қабул қилинган «Миллий ҳимоя тўғрисидаги қонун»га биноан ҳокимият маҳсулот нарҳини, фойда нормасини, транспорт ва бошқа харажатлар миқдорини ўрнатишни ўз зиммасига олди. Иқтисодий жараёнлар устидан бундай қатъий назорат Туркияда XX асрнинг 80-йилларигача сақланиб қолди.

Туркияда ижтимоий фаровонлик ҳақида давлат ғамхўрлиги ҳам анъанавий бўлиб, бу айниқса 1925 йили қабул қилинган «тартибни сақлаш тўғрисида»ги қонунга биноан касаба уюшмалари фаолияти тақиқлангандан сўнг давлатнинг бевосита вазифасига айланди. Тоталитар давлат фуқаролари ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим. У нарх-навони ва меҳнат шароитларини тартибга солиб, оммавий ишсизликка йўл қўймайди.

1936 йили кенг камровли «Меҳнат тўғрисида» қонун қабул қилинди. У 8 соатлик иш кунини ўрнатди, меҳнат шароитларини тартибга солди, хусусан, аёллар ва ўсмирлар учун оғир меҳнатни тақиқлади. Ижтимоий имтиёзлар: касаллик ва ҳомила бўйича таътил пайтида пул тўлаш ва бошқалар жорий қилинди. Аммо ишчиларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти қатъий тақиқланган эди. Масалан, иш ташлаш мумкин эмасди.

М. Камол режими сўзсиз ислохотчилик сиёсатида муваффақиятга эришишни осонлаштирди. Албатта бу режим тоталитар эди, кучга таянарди, аммо ислом ғоялари ҳукмрон бўлган жамиятда ислохотларнинг бошқача йўлини тасаввур қилишнинг иложи ҳам йўқ.

М. Камолнинг ўзи 1936 йили соғлиғи ёмонлашиб, аста-секин фаолиятини тўхтатди. Шу даврда, касаллик туфайли бўлса керак, характери ўзгариб, яқин сафдошлари билан муносабати ёмонлаш-

ди. 1937 йил 25 октябрда И. Иненю истеъфога чиқди. 1938 йил 10 ноябрда М. Камол вафот этди.

Янги президент килиб Исмет Иненю сайланди, у М. Камол каби харизмга эга бўлмаса-да, ислохотларни муваффақиятли давом эттирди.

Ташки сиёсат. Отатурк ташки сиёсатининг асосий вазифаси Туркиянинг халқаро обрўсини оширишга қаратилди. 1932 йили Миллатлар Лигасига аъзо бўлган Туркия барча давлатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилди. 1925 йили СССР билан дўстлик ва нейтралитет тўғрисида шартнома имзоланди. Қўшни мусулмон давлатлари билан ҳам муносабатлар яхшиланиб, Эрон, Афғонистон, Ироқ билан ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисида шартномалар имзоланди. 1936 йили Монтро шартномасига биноан Қора денгиздаги бўғозлар устидан Туркия назорати тикланди.

М. Камол Германия билан муносабатларга алоҳида эътибор қаратди. 1936 йили Туркия ташки савдосининг 50% дан кўпроғи Германияга тўғри келарди. 1941 йили Германия билан дўстлик шартномаси имзоланди. Туркия Иккинчи жаҳон урушида расман бетараф қолган бўлса-да, ҳукмрон доираларнинг катта қисми Германияга хайрихоҳ эди.

Туркия Иккинчи жаҳон уруши йилларида. Отатурк ҳаётининг охириги йилларида ва унинг ўлимидан сўнг бир партияли режим дарз кета бошлади. Аммо Отатурк издошлари Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги халқаро ҳолатни ҳисобга олиб, шу тизимни сақлаб қолишни афзал кўрди. Мамлакат мудоффа қобилятини таъминлаш зарурати этатизм принципларини кенг қўламда қўллаш ва ҳар қандай норозиликларни шафқатсиз бостириш учун авторитар бошқарувнинг энг қатъий шаклларида фойдаланиш имконини берди. Ҳарбий ҳаракатлар бошланиши билан Туркия ўз нейтралитети ҳақида эълон қилди. Бутун уруш давомида Туркия ўз чегараларининг дахлсизлигини сақлашга интилиб, баъзан фашистик давлатларга, баъзан антигитлер коалиция давлатларига хушомад қилди. Фақат Германия мағлубиятининг муқаррарлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, 1945 йил февралнинг охирида Германия ва Японияга уруш эълон қилди. Бу соф рамзий акт Туркияга ғолиб давлатлар қаторида БМТ таъсисчилари қаторидан жой олиш имконини берди. Аммо халқаро майдонда унинг обрўси анча пасайди, айниқса Совет Иттифоқи билан муносабатлари ёмонлашди.

Хукмрон доиралар мамлакат ташқи ва ички сиёсатини тубдан ўзгартиришга мажбур бўлди.

* * *

Туркия аҳолисининг мутлоқ кўпчилигини мусулмонлар ташкил қилса-да, ўзининг жуда катта обрўсига таянган М. Камол мамлакат ҳаётини кескин қайта қуришни ислохотлар йўлидаги асосий тўсиқ – ислом ақидапарастлигини бартараф қилишдан бошлади. 10 йил ичида Туркияда мамлакат қиёфасини кескин ўзгартириб юборган ислохотлар амалга оширилди. Ислохотларнинг асосий принциплари лаицизм, миллатчилик ва этатизм бўлиб қолди. Иқтисодда асосий ўрин давлатнинг етакчилик ролига ажратилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини давлат ўз зиммасига олди. Ташқи сиёсатда М. Камол асосий эътиборни миллий суверенитетни ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратди.

XXV боб бўйича саволлар

1. Биринчи жаҳон урушининг натижалари Туркия учун қандай оқибатларга олиб келди?
2. Анатолияда қаршилик ҳаракатининг вужудга келишига асосий сабаблар нималардан иборат эди?
3. Туркияга қарши интервенцияда қайси давлатлар иштирок этди?
4. Қандай ички ва ташқи омиллар Туркияда М. Камол ғалабасини таъминлади?
5. М. Камол ислохотларининг асосий сабаблари нималардан иборат эди?
6. М. Камолнинг иқтисодий ислохотлари қандай натижаларга олиб келди?
7. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Туркия қандай позицияни эгаллади?

XXVI БОБ. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА ЭРОН

1905–1911 йиллардаги инқилоб яқунланмай қолди. Кожарлар сулоласи ҳокимиятини сақлаб қолди, хонлар ва феодалларнинг имтиёзлари ҳам сақланиб қолди, феодал тарқоқлик енгиб ўтилмади. Инқилобий ҳаракат мамлакат шимолида Россия, жанубида Буюк Британия ёрдамида аксилинқилобчи кучлар томонидан бостирил-

ди. Аммо инқилобнинг бош вазифаси – конституциявий чегараларни белгилашга эришилди. Инқилоб йилларида савдо буржуазияси билан либерал ер эгалари биринчи марта сиёсий майдонга кириб келди.

1911 йили чор Россияси Эроннинг шимолий провинцияларига кўшин киритди. Мажлис яна тарқатиб юборилди. Ҳукуматга либераллар ўрнига реакционерлар келди.

Бу даврда Германия ҳам минтақада ўз таъсирини оширишга ҳаракат қилди. Бағдод темир йўлини курди, Туркия армиясини қайта ташкил қилиб, амалда ўзига бўйсундирди. Эронда ҳам ўз агентлари орқали либераллар ва ёшларни ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилди.

Биринчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда Эрон. Эрон ўз нейтралитетини эълон қилиб, Биринчи жаҳон уруши жангларида бевосита қатнашмади. Аммо унинг ҳудуди иккала коалиция кучлари томонидан ўзаро сиёсий кураш майдонига айлантирилди.

Германия тарафдори бўлган бир қисм мажлис депутатлари Қум шаҳрига бориб, у ерда Қум қўмитаси деб аталувчи ташкилотни туздилар. Бу ҳукумат кейин герман-турк кўшинлари томонидан эгаллаб олинган Карманшоҳ шаҳрига кўчиб ўтди. Бундай шароитда рус ва инглиз кўшинлари Эрон Озарбайжонида, Ҳузистон, Форс, Карманшоҳ ва Ҳамадонда герман-турк кўшинларига қарши жанглар олиб бориши лозим эди. 1915 йили турк кўшинлари Эроннинг Туркия билан чегарадош бир қатор вилоятларини эгаллади, аммо бу фронтда кучларнинг умумий нисбати руслар ва инглизлар фойдасига ҳал бўлди.

Россия урушдан чиққандан сўнг ва Германия ҳамда Усмонийлар империясининг тор-мор қилиниши билан Эрон ҳудуди тўлиқ инглиз кўшинлари томонидан оккупация қилинди. Уруш бошланишида Эрон ҳудудидан турк кўшинларига қарши плацдарм сифатида фойдаланган Буюк Британия 1918 йил бошидан Совет Россиясига қарши ҳарбий интервенцияда фойдаланиш ва кўтарилиб келаётган аксилмустамлака ҳаракатини бостириш мақсадида Эрон ҳудудини босиб олди.

Уруш охирида мамлакат вайрон қилинган, иқтисодиёти издан чиққан эди. Мажлис тарқатиб юборилиб, ҳукумат тез-тез алмашиб турарди. 1918 йил августда тузилган инглизпараст ҳукумат бошлиғи Вогус-эт-Довул конституцияни бузиб, мажлиснинг руҳсатисиз 1919

йил 9 августда «Форсни тараккий эттиришга ёрдам кўрсатиш учун Британия ёрдами тўғрисида келишув» деган ҳужжатни имзолади. Бу келишув Эрон армиясини, молия, йўл қурилиши, ташқи савдо ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг бошқа соҳаларини инглиз маслаҳатчилари ва инструкторлари қўлига берди. Амалда бу Эроннинг Англия протекторатига айланганлигини билдирар эди.

Англия оккупацияси ва имзоланган келишув оммавий норозиликни келтириб чиқарди. 1920 йил 7 апрелда Табризда реакцион шоҳ ҳукумати ва инглизлар таъсирига қарши кўзғолон бошланди. Кўзғолонга Озарбайжон демократлари етакчиси шайх Маҳаммад Хиёбоний бошчилик қилди. Кўзғолончилар 1919 йилги инглиз-эрон келишувини бекор қилишни, демократик ислоҳот ўтказишни ва Озарбайжонга автономия беришни талаб қилди. Кўзғолон 1920 йил августгача давом этиб, шоҳ ва инглиз қўшинлари томонидан бостирилди.

1920 йил Эроннинг бошқа бир шимолий вилояти – Ғилонда миллий-озодлик ҳаракати бошланди. Кўзғолончилар 1920 йил 5 июнда Ғилон республикасини эълон қилди ва Эрон коммунистик партияси тузилиб, унинг аъзолари Ғилон муваққат инқилобий ҳукумати таркибига кирди. Компартияда сўл кайфиятдагилар кўпчилик бўлиб, улар Ғилон Совет республикаси тузилганлигини эълон қилди ва Россиядаги октябрь воқеаларини Шарқ заминига кўчирмоқчи бўлди. Бой дехқонлар ерларини конфискация қилиш, динга қарши ташвиқот, бозорларнинг ёпилиши фақат савдогарларни ва либерал ер эгаларини эмас кенг халқ оммасини ҳам коммунистларга қарши қўйди.

Бу инқилобий воқеалар давомида Буюк Британия ўз позициясини ўзгартирди ва Эронни парчалаш, унинг шимолий вилоятларини Британия мустамлакасига айлантиришни бошлади. Бу мақсадга эришиш учун инглизлар марказий ҳукуматга қарши ҳар қандай айирмачилик ҳаракатларини, жумладан, Эрон шимолидаги инқилобни ҳам қўллаб-қувватлади. Натижада, «Ғилон воқеалари» фожиали яқунланди. 1922 йил бошида Эрон ҳукумати қўшинлари Хуросон, Гарден, Табриз ва бошқа вилоятлардаги инқилобий чиқишларни тор-мор қилди. Мағлубиятнинг асосий сабаби вилоятлардаги инқилобий ҳаракатлар ўртасида алоқа ва ягона марказнинг йўқлигида бўлди.

1921 йил 21 февралдаги давлат тўнтариши. Инқилобий ва миллий-озодлик ҳаракатининг бостирилишига қарамаздан, мам-

лакатда айирмачиликка қарши самарали кураша олмаган ва инглизлардан давлат мустақиллигини таъминлай олмаган Кожарлар сулоласининг обрўси тушиб кетди. 1921 йил 21 февралда (давлат тўнтариши мусулмон тақвими бўйича 1299 йил хут ойининг 3 кунда юз бергани учун 3 хут тўнтариши номини олди) Техронда давлат тўнтариши юз берди. Фитна инглизлар билан алоқада бўлган Саид Зиё-ид-Дин Табатабай томонидан ташкил қилинди ва Ризохон бошчилигидаги казаклар бригадаси томонидан амалга оширилди. Пойтахт амалда жангсиз эгалланди, ҳукумат ағдарилди, номаъқул кишилар қамокқа олинди, Зиё-ид-Дин бошлик янги ҳукумат ташкил қилиниб, Ризохон ҳарбий вазир лавозимини эгаллади. Янги ҳукумат «зодагонларга қарши кураш» декларациясини эълон қилди. Декларацияда ишчиларнинг аҳволини яхшилашга интилиш, мустақил ташқи сиёсат юритиш айтилди ва 1919 йилги инглиз-эрон шартномаси бекор қилинди. Зиё-ид-Дин ҳукумати эса кейин 1921 йил майда унинг ўрнига келган Аҳмад Кавам (Кавам-эс-Салтане) ҳукумати инглизлар ҳукмронлигига қарши қаратилган бир қатор тadbирларни амалга оширди. Инглизлар томонидан ташкил қилинган жанубий форс ўқчилари корпуси тарқатилди, инглиз ҳарбий инструкторлари ва молия маслаҳатчилари мамлакатдан чиқариб юборилди, 1921 йил баҳорда инглиз оккупацион қўшинлари ҳам Эрондан олиб чиқиб кетилди. Шу тариқа Англия Биринчи жаҳон урушидан кейин Эронда эришган мавқеидан тўлиқ айрилди. Бу даврга келиб Англия ўзининг Эрондаги сиёсатини ўзгартирди. Совет Россиясига қарши интервенция муваффақиятсиз якунланди, энди инглизларнинг асосий мустамлакаси Ҳиндистонни советлар таъсиридан асраш учун Эронни буфер давлатга айлантириш фойдалироқ эди.

Яқин ва Ўрта Шарққа таъсир ўтказиш усулларини энди ўзлаштираётган АКШ вужудга келган ҳолатдан зудлик билан фойдаланиб қолди. 1922 йили А. Мильспо бошчилигида америкалик молия маслаҳатчилари Эрон ҳукумати таклифига биноан Техронга келди. А. Мильспо давлатнинг молияси, даромадлари, солиқлар йиғиш, давлат бюджетини шакллантириш, ғазначилик устидан тўлиқ назоратни ўз қўлига олди.

Совет Россияси Шарқ мамлакатларига нисбатан ўзгача сиёсат олиб борди. 1917 йилиёқ «Россия ва Шарқ меҳнаткаш мусулмонларига» мурожаат қилган совет давлати чор ва муваққат ҳукуматининг Эронга нисбатан сиёсатини танқид қилди, 1907 йилги инглиз-рус

шартномасини бекор қилди ва бу шартнома туфайли олинган барча имтиёзлардан воз кечди. Шундан сўнг Эрон ҳукумати РСФСР билан дипломатик муносабатларни тиклади ва янги шартномалар имзолади. Шундай шартнома 1921 йил 26 февралда Москвада имзоланди. Совет ҳукумати Эроннинг ҳудудий яхлитлиги ва дахлсизлигига раҳна солувчи ҳар қандай ҳаракатдан ўзини тийиш мажбуриятини олди. Чор Россиясининг Эрон ҳудудигаги барча бойликларини беминнат эрон халқига берди ва Эроннинг барча қарзларидан воз кечди. Шартноманинг 6-бандига биноан агар Эрон ҳудуди «Совет Россиясига қарши ҳарбий ҳаракатлар учун базага айланса» ва агар Эрон ҳукуматининг «ўзи хавфни бартараф қилиш имкониятига эга бўлмаса», Россия ҳукумати зудлик билан Эрон ҳудудига ўз қўшинларини киритиш мажбуриятини олди.

3 хут тўнтариши тарихчилар томонидан бир хил баҳолангани йўқ. Уни қўпчилик янги шароитда ўз таъсирини сақлаб қолишга интилаётган инглизлар томонидан тайёрланган тўнтариш деб ҳисоблашади. Аммо бир нарса аниқ – тўнтариш мамлакатда кучли ҳокимиятнинг ўрнатилишига, халқаро миқёсда Эрон ўз миллий манфаатларини мунтазам ҳимоя қилишига олиб келди.

Ҳарбий вазир бўлиб турган Ризохон 1923 йил бош вазир лавозимини эгаллади. 1925 йил 31 октябрда Эрон Мажлиси Кожарлар сулоласини тахтдан маҳрум қилди ва ҳокимиятни вақтинча Ризо хонга топширди. Ризохон томонидан чақирилган Таъсис мажлиси 1925 йил 12 декабрь куни уни янги, Паҳлавийлар сулоласининг шоҳи деб эълон қилди.

Шоҳ Ризо Паҳлавий марказий ҳокимиятни мустаҳкамлади, турли кўринишдаги айирмачилар, миллатчилар ва феодал авторитетларни, қабила бошлиқларини қатъий жазолади, кўчманчиларни мажбуран ўтроқлаштирди. 1936 йилдан Эронда янги маъмурий-ҳудудий бўлиниш жорий қилинди – мамлакат 10 провинцияга бўлиниб, губернаторлар маҳаллий обрўли кишилардан тайинланадиган бўлди.

Ризошоҳ маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, фақат кучга таяниши лозимлигини яхши тушунарди. 1926 йили мамлакатда умумий ҳарбий мажбурият жорий қилинди. Қўшинлар сони 150 минг кишигача оширилди, қўшиннинг янги турлари: авиация ва танк қисмлари пайдо бўлди. Зобитликка ижтимоий келиб чиқишига қараб эмас, қобиляти ва хизматларига қараб олинадиган бўлди. Ризошоҳ даврида давлат бюджетининг 1/3 қисми армияга сарфланди. Шоҳ

аста-секин руҳонийларга нисбатан ҳам муносабатини ўзгартирди: шариат судларининг ҳуқуқлари кискартирилди, европача намунада фукаролик, жиноят ва тижорат кодекслари қабул қилинди.

М. Камолдан ўрناق олиб шоҳ Эронда 1928 йилдан европача либос жорий қилди, феодал унвон ва мурожаат шакллари бекор қилинди, насаб жорий қилинди. 1935 йилдан мамлакатнинг номи ўзгартрилди: илгариги Форс ўрнига Эрон деб аталадиган бўлди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари тўғрисида қонун қабул қилинди, улар мактабларда, олий ўқув юртларида ўқиш, давлат ташкилотларида ишлаш ҳуқуқига эга бўлди. 1935 йили чодра ўраб юришни бекор қилиш тўғрисида қонун қабул қилинди.

Таълим соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. 1927–1934 йиллардаги ислохотлар даврида бепул мажбурий бошлангич таълим ҳамда пуллик ўрта ва олий таълим тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Барча ўқув юртлари, давлатга қарашли ёки хусусий бўлишидан қатъи назар, дин назоратидан чиқарилиб, давлат тасарруфига ўтказилди. Янги мактаблар қурилиб, ўқувчилар сони бир неча баробар ошди. Олий ўқув юртларининг бутун бошли тизими яратилди, жумладан, 1934 йили Техрон университети очилди. Юзлаб эронлик ёшлар ҳар йили чет элларга, дунёнинг энг яхши университетларига ўқишга жўнатилди.

Ризошоҳ ватанпарварлик ғоясига катта эътибор қаратди. Ислохотлар шу ғоя доирасида амалга оширилди. Жумладан, форс тили ислоҳ қилиниб, ундаги турк ва араб тилларидан қириб келган сўзлар муомаладан чиқарилди. Миллий сиёсат ҳам шу руҳда олиб борилди (Эронда турли халқлар яшаб, форслар шу даврда аҳолининг фақат 50 % ини ташкил қилган). Мамлакатда эронлаштириш сиёсати олиб борилиб, эрон миллатининг бирлиги фаол тарғиб қилинди.

Иқтисодий сиёсат. Аграр сиёсатда Ризошоҳ кескин ўзгаришлар қилмади. Қабила бошлиқлари ва бошқа ер эгаларидан ер-мулклари, жумладан, вақуф ерлари тортиб олиниб, мулозимлар ва зобитларга бўлиб берилди. Умуман 2,5 млн га ер қайта тақсимланди. Аммо деҳқонлар учун шароит ўзгармади, улар аввалгидай жуда юкори (ҳосилнинг $\frac{1}{2}$ қисмидан $\frac{4}{5}$ қисмигача) ижара ҳақи тўлайверди.

1929 йили ерга хусусий мулкчилик тўғрисидаги қонун қабул қилингандан сўнг давлат ерларини сотиш жараёни бошланди. 1930 йили хусусий ерларнинг дахлсизлиги тўғрисида қонун қабул қилинди. Ерлардан унумли фойдаланишни таъминлаш мақсадида

Кишлоқ хўжалик банки очилиб, деҳқонларга ссуда бериш бошланди.

Иктисодий ислохотларнинг мақсади миллий суверенитетни мустаҳкамлаш эди. 1928 йили Эрон Миллий банки ташкил қилинди. Илгари молияни назорат қилган инглиз банкининг ваколатлари аста-секин Миллий банкка ўтказилди. 1930 йилдан пул эмиссияси ҳуқуқи фақат Эрон Миллий банкига берилди.

Ҳукумат саноат секторининг ривожланишини ҳам рағбатлантирди. Мамлакатга машина ва ускуналарни лицензиясиз олиб келишга руҳсат берилди, бож солиғида имтиёзлар берилди. Янги тузилган корхоналар 5 йилга ҳар қандай солиқлардан озод қилинди.

Ризошоҳ ҳам М. Камол сингари давлат секторини ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Кимё, цемент, шакар саноати соҳаларида йирик давлат корхоналари қурилди. Тоғ-кон ва тўқимачилик саноати ривожланди, ҳарбий техника ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Давлат саноатини ривожлантиришга бюджетнинг $\frac{1}{4}$ қисми сарфланди.

Мамлакатда инглизларнинг таъсирини камайтириш мақсадида шоҳ Германия билан ҳамкорликни кучайтирди. Эронга кўплаб немис мутахассислари ва техникаси кириб келди. Нефть қазиб чиқаришда инглизлар билан имзоланган эски, Эрон учун фойдали бўлмаган шартнома бекор қилиниб, янги шартнома имзоланди. Инглизларнинг иктисодий имтиёзлари бошқа соҳаларда ҳам бекор қилинди.

Ташки сиёсат. Шоҳ ташки сиёсати СССР билан Ғарб давлатлари ўртасидаги зиддиятларни ҳисобга олиб, усталик билан ўз манфаатларини сақлаб қолишга қаратилди.

1938 йили Эрон (Туркия, Ироқ, Афғонистон билан бирга) Соадобод пактини имзолагандан сўнг СССР билан муносабатлар совуқлашди. Ташки савдонинг 38 % и СССРга тўғри келса-да, Эрон у билан янги ҳамкорликдан воз кечди. Ташки савдода СССРнинг ўрнини Германия эгаллади: 1939 йили ташки савдода Германия улуши 41 %, 1940 йили эса 45 % ни ташкил қилди.

СССР Иккинчи жаҳон урушига қўшилгандан сўнг 1941 йил августда совет ва инглиз қўшинлари Эронга киритилди. Ризошоҳ кичик ёшли ўғли Муҳаммад Ризо Паҳлавий фойдасига тахтдан воз кечди. Муҳаммад Ризо 1942 йили СССР ва Буюк Британия билан шартнома имзолади. Бутун мамлакат ҳудуди уруш даврида совет-

лар ва англизлар ихтиёрига берилиб, СССРни Ғарб давлатлари билан боғловчи муҳим коммуникация тармоқлари Эрон ҳудудидан ўтди.

Муҳаммад Ризошоҳ ислоҳотлари

Соҳа	Асосий тадбирлар
Иқтисод	<ul style="list-style-type: none"> – Иқтисодда давлат секторини яратиш, давлат ҳисобидан йирик корхоналар, йўллар қуриш; – Чет эл концессияларини чеклаш; – Протекционистик бож солиқларини жорий қилиш; – Чет эл нефть компаниялари устидан назорат ўрнатиш; – Миллий банкни очиш; – Ташқи савдога монополияни жорий қилиш; – Ер муносабатларини тартибга келтириш. Давлат ерларини сотиш.
Ижтимоий соҳа, дин, маданият	<ul style="list-style-type: none"> Дунёвий таълимни, мажбурий бошланғич таълимни жорий қилиш. Саводсизликни тугатиш жараёнини бошлаш; – Техрон университетини (1934) ва Кережда қишлоқ хўжалик институтини очиш; – Аёлларнинг чодрасиз юришига рухсат бериш; – Европача кийимни жорий қилиш; – Унвонларни насаб (фамилия) билан алмаштириш; – Европача йил ҳисоби ва Григорий тақвимини жорий қилиш; – Фуқаролик ва жиноят кодексларини жорий қилиш.
Хулоса	Эрондаги ислоҳотлар натижасида давлатнинг иқтисодий мустақиллиги ва суверенитети мустаҳкамланди, дунёвий давлат шаклланиши учун асос яратилди. Мамлакатда ҳокимиятга янги сулола келди.

Эрон Иккинчи жаҳон уруши йилларида. Германия СССРга хужум бошлаган бир шароитда Эронда фашистпарастлик кайфиятларининг кучайиши Антигитлер коалиция мамлакатларида хавотир уйғотди. У. Черчилль таклифига кўра Буюк Британия ва СССР ҳамкорликда Эронни босиб олди. 1941 йил сентябрда Эроннинг жанубига англиз қўшинлари, шимолга – совет қўшинлари киритилди. Кўп марта огоҳлантиришлардан сўнг 1921 йил 27 августдаги совет-эрон шартномасига биноан Форуғий бошчилигидаги ҳукумат Эрондан Германиянинг дипломатик вакиллари ва агентларини чиқариб юборишга ваъда берди. Бироқ Ризошоҳ бу мажбуриятларни

амалга ошириш учун ҳаракат қилмади. Бундай сиёсат Эронда порозилик ва намойишларни келтириб чиқарди. Натижада Эрондаги фашистлар айғоқчилари бартараф қилинди.

1942 йил 29 январь куни Техронда СССР, Буюк Британия ва Эрон ўртасида иттифоқчилик тўғрисида шартнома имзоланиб, унга биноан иттифоқчилар Эроннинг худудий бутунлигини, суверенитети ва мустақиллигини ҳурмат қилиш, Германия ва бошқа давлатлар агрессиясидан ҳимоя қилиш мажбуриятини олдилар. Бунинг учун СССР ва Буюк Британия уруш тугагандан кейин олти ой муддатгача ўз қўшинларини Эрон худудида сақлаб туриш ҳуқуқини олди. Шу шартнома асосида уруш даврида Эрон худуди орқали СССРга қурол-аслаҳа ва ҳарбий материаллар етказиб берилди.

1943 йил 9 сентябрда Эрон Германияга расман уруш эълон қилди аммо унинг қўшинлари уруш ҳаракатларида иштирок этмади.

Бу воқеаларнинг ҳаммаси Эроннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Шохнинг ҳарбий диктатура режими бекор қилинди. Демократик ҳаракатлар фаоллашди, сиёсий маҳбуслар турмалардан озод қилинди, жамиятда монарх ҳокимиятини чеклаш ва мажлиснинг ролини ошириш учун ҳаракатлар пайдо бўлди.

1941 йил октябрда Эрон халқ партияси тузилди ва тезда мамлакатдаги энг оммавий партияга айланди. 1944 йил августда партиянинг 25 минг аъзоси бўлиб, шундан 75% и ишчилар эди. Халқ партияси Эроннинг миллий суверенитетини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг турмуш тарзини яхшилаш, ички реакцияга қарши курашиш ташаббуси билан чиқди.

Айни пайтда сиёсий майдонга эски партиялар ҳам қайтди. Аҳмад Қавам Эрон жамиятининг барча буржуа элементларини бирлаштириш учун «Демократик партия»ни тузишга ҳаракат қилди. 1942 – 1943 йиллари бош вазир лавозимини эгаллаган Аҳмад Қавам Мильспонинг иккинчи миссиясига кўмаклашди. Бу даврда немисларнинг қувиб юборилиши ва инглизлар мавқеининг пасайишидан фойдаланган америкаликлар Эронда ўз позициясини мустаҳкамлаб олди. 1942 йил охирида АҚШ ҳарбий юклар транзитини таъминлаш баҳонасида Эронга ўз қўшинларини киритди. Қавам иқтисод бўйича, шунингдек, Эрон армияси, жандармерия, полиция, соғлиқни сақлаш вазирлиги учун америкалик маслаҳатчиларни таклиф

қилди. Улар нарх-навони барқарорлаштириш, бюджетнинг харажат қисмини камайтириш, ишлаб чиқаришни ошириш ва шу қабилар бўйича таклифлар қилди. Эрон мажлиси Мильспога фавқулодда ҳуқуқлар, жумладан, ташқи ва ички савдо, саноат ва озик-овқат маҳсулотларини сақлаш ва тақсимлаш, транспорт, иш ҳақи устидан назорат каби ҳуқуқларни берди. Бироқ Мильспо миссияси Эроннинг шусиз ҳам мураккаб бўлган молиявий ҳолати ва иқтисодини янада оғирлаштирди. Унинг фаолияти оммавий норозиликни келтириб чиқарди. Мильспо миссияси муваффақиятсизликка учради, у 1945 йил январда АҚШга чакириб олинди.

Эрон ҳукмрон доираларида илгаридан ўз алоқаларига эга бўлган инглизлар АҚШдан ортда қолишни истамади ва инглизпараст кучларнинг жипслашувига кўмаклашди. 1943 йили инглиз оккупацион ҳокимиятининг кўмаги билан Саид Зиё-ид-дин Фаластиндан қайтиб келди ва мажлисда ўз фракциясини тузди.

Айни пайтда «Эрон» партияси каби либерал-миллатчи партиялар пайдо бўлди, ислом ташкилотлари, жумладан, ўз олдига ислом душманлари ва чет эл таъсирига қарши курашни мақсад қилиб қўйган «Фидойи ислом» каби клерикал-террорчи ташкилотлар ҳам тузилди. Шундан сўнг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ислом динининг таъсирини оширишни мақсад қилган «Ислом учун курашчилар» партияси пайдо бўлди.

Шундай тариқа Иккинчи жаҳон урушининг охирига келиб, Эронда мамлакат ҳаётининг кейинги даврини белгилаб берувчи барча сиёсий оқимлар шаклланиб бўлган эди.

* * *

1925 йил охирида Паҳлавийлар сулоласининг ҳокимиятга келиши Эрон тарихида янги даврни бошлаб берди. Янги шоҳ катъий усуллар билан мамлакатда тартиб ўрнатди, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлади, айирмачиликни бостирди, Туркия намунасидаги модернизациялашни амалга оширди. Буларнинг барчаси тажовузкор давлатларнинг фаоллиги кучайган даврда Эронга ўз мустақиллигини сақлаб қолиш имконини берди.

XXVI боб бўйича саволлар

1. 1905–1911 йиллардаги инқилоб Эроннинг кейинги ривожига қандай роль ўйнади.

2. 1919 йил 9 августда «Форсни тараққий эттиришга ёрдам кўрсатиш учун Британия ёрдами тўғрисида келишув» деб аталган хужжат Эрон билан Буюк Британия ўртасида муносабатларнинг қандай мақомини ўрнатди?
3. Биринчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда кўтарилган кўзғолонлар кимга қарши қаратилган эди?
4. 1920-йилларда Эрон Россия билан Англия ўртасидаги муносабатларда қандай роль ўйнади?
5. Шоҳ Ризо Пахлавий ислохотлари Эрон тарихида қандай аҳамиятга эга бўлди?
6. 1942 йили СССР, Буюк Британия ва Эрон ўртасида тузилган шартнома Эроннинг суверенитети ва мустақиллигини таъминлашда қандай аҳамиятга эга бўлди?

XXVII Б О Б . Ж А Ҳ О Н У Р У Ш Л А Р И О Р А Л И Ғ И Д А А Ф Ғ О Н И С Т О Н

Омонуллохоннинг ҳокимиятга келиши. Афғонистон – Осиёдаги ўзига хос мамлакат. Маълум маънода бу – турли этник ҳудудлар, қабилалар масканларининг тартибсиз қоришмасидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз анъаналарига мувофиқ бошқарилар эди.

Кучли марказлашган ҳокимиятни ташкил қилишга биринчи уриниш XVIII асрда пуштун қабилалари бошлиғи Аҳмадшоҳ томонидан амалга оширилган эди. Кейин инглизлар бир неча марта мамлакатни ўз назоратига олишга уринди, аммо муваффақиятсизликка учради.

1880-йиллари амир Абдурахмон даврида Кобулдаги марказий ҳокимият анча кучайди. Аммо 1901 йил амир Абдурахмон вафот этгандан сўнг ҳокимиятга унинг ўғли амир Ҳабибулло – табиатан юмшоқ феълли, ташқи таъсирга мойил шахс келди.

Афғонистонда турли халқлар яшайди. Мамлакат аҳолисининг ярмини пуштунлар – фавқулудда жангари халқ ташкил қилади. Чекка ҳудудлардаги пуштунлар кўчманчи ҳаёт кечиради, ўз қонунлари бўйича яшайди, ўз қабилла бошлиқлари томонидан бошқарилади ва бошқа ҳеч кимга бўйсунитишни истамайди. Мамлакат аҳолисининг бешдан бир қисмини тожиклар ташкил қилади. Улар асосан йирик шаҳарларда яшайди, мамлакатнинг шимолий ҳудудларида деҳқончилик билан шуғулланади ва мамлакат ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

Бундан ташқари мамлакат шимолида туркий халқлар: ўзбеклар ва туркманлар яшайди; марказий қисмида – хазарлар (мўғуллар авлоди) ва ўзларини Македониялик Александр қўшинлари билан келган грекларнинг авлоди деб ҳисобловчи нуристонликлар яшайди. Бу халқлар орасидаги муносабат кўпинча анча танг ҳолатда бўлиб келган.

Биринчи жаҳон урушига келиб Афғонистон қоқоқ, бутун дунёдан ажралган мамлакат бўлиб қолаётган эди. Тўғри, бу даврда жуда кам сонли бўлса-да, европача маълумот олган, мамлакатни янгилаш, модернизациялаш таклифи билан чиқаётган зиёлилар ҳам мавжуд эди.

XX аср бошларида Кобулда европача фанлар ўқитиладиган биринчи лицей – «Ҳабибия» очилди. Мамлакатни модернизациялашнинг бўлғуси тарафдорлари, жумладан, ёш афғонлар ҳаракатининг етакчиси доктор Абдул Ғани ҳам шу лицей битирувчилари орасидан чиқди.

Ёш афғонларнинг яна бир вакили, таниқли маърифатпарвар ва шоир Маҳмудбек Тарзий амир саройида жуда ҳурматли шахс эди. Амирнинг яқин қариндоши бўлган Маҳмудбек унинг учинчи ўғли, бўлғуси ислохотчи-шоҳ Омонуллохоннинг тарбиячиси бўлди. Маҳмудбек бир нечта Европа тилларини билар, кўп саёҳат қилар ва мусулмон дунёсида яхши маълум эди. У 1913 йили Афғонистонда биринчи журнал «Сирож ул-Акбар»ни нашр қилиб, унда Ғарб матбуотидан мақолалар таржима қилиб босди. Маҳмудбек атрофида модернизация тарафдорлари бирлашди.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг, 1919 йил 21 февралда амир Ҳабибулло Жалолобод шаҳри атрофида овда сирли ҳолатда ўлдирилди. Омонулло амир деб эълон қилинди. У Ҳабибуллонинг учинчи ўғли бўлса-да, Жалолобод ва Кобулда армия уни қўллаб-қувватлаётган эди.

Омонулло Манифест эълон қилиб, унда давлатнинг тўлиқ мустақиллиги тан олинишига эришишини маълум қилди. Айни пайтда у Совет Россияси билан алоқа ўрнатишга қарор қилди – 1919 йил 7 апрель куни В. И. Ленинга хат йўллади. Шу йили май ойида алоқалар ўрнатиш учун Москвадан Кобулга дипломатик миссия келди.

Бу инглиз-афғон келишувларини очикчасига бузиш эди. Шундан сўнг икки орада можаро бошланиб, уни афғонлар учинчи

инглиз-афғон уруши деб атайди. Афғон кўшинлари кўмондони генерал Нодирхон ҳатто Британия Ҳиндистони ҳудудидаги шарқий пуштун қабилаларига ҳам ҳужум қилди.

Можаро бир ойдан сўнг, 1919 йил 3 июнда сулҳ, 1919 йил 8 августда эса – тинчлик шартномаси имзоланиши билан якунланди. Шартномага биноан Буюк Британия Афғонистонни тўлиқ мустақил деб, амир Омуллоҳони эса хон деб тан олди. Афғонистон ҳам инглиз субсидияларидан воз кечди ва Ҳиндистондаги пуштунларнинг ишларига аралашмаслик мажбуриятини олди.

Омуллоҳон ислоҳотлари ва уларнинг оқибатлари. Бу даврда Афғонистон олдида иккита бош муаммо: биринчидан, марказий ҳокимиятни мустақкамлаш, иккинчидан, мамлакатни модернизация қилиш вазифалари турарди. 1921 йил 28 февралда совет-афғон шартномаси имзоланиб, унда Афғонистонга Совет Россиясининг ёрдам бериши кўзда тутилди.

Аммо Омуллоҳон ислоҳотларни бошлашдан олдин армияни қайта курди, Туркиядан ҳарбий инструкторлар таклиф қилди. Қобилиятли генерал Нодирхон мудофаа вазири бўлди. Мамлакатда ислоҳотлар бўйича махсус комиссия, Қонунчилик кенгаши тузилиб, унга кирол ва ёш афғонлардан унинг ёрдамчилари кирди.

Омуллоҳон солиқ ислоҳотидан бошлади – бу марказий ҳокимиятнинг мустақкамланишини билдирар эди. Солиқларни йиғиш учун Кобулдан амалдор тайинланди, кўпчилик қабилалар солиқ имтиёзларидан маҳрум қилинди (илгари улар умуман солиқ тўламас эди). Натурал солиқлар пул солиғи билан алмаштирилди, ер ва уй ҳайвонлари солиққа тортилди; аммо солиқ даражаси унча катта эмасди, хазинага катта даромад келтирмади. Ички божхоналар бекор қилиниб, ягона бож солиғи ўрнатилди, аммо у ҳам катта фойда бермади. Ҳукумат қоғоз пуллар чиқаришга мажбур бўлди, бу эса миллий валютани қадрсизлантирди.

Шунингдек, кўчманчи аҳолининг бир қисмини мамлакат шимолига кўчириш кўзда тутилиб, ҳукумат махсус режа ҳам ишлаб чиқди. Аммо бу ўз жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлган қабилаларнинг ҳам, шимолий ҳудудлар аҳолисининг ҳам норозилигини келтириб чиқарди. 1924 йили шу масалада баъзи жойларда ҳатто кўзғолонлар ҳам бўлиб ўтди.

1924 йили Афғонистонда давлат фондидан ерларни хусусий шахсларга сотиш тўғрисида қонун қабул қилинди – бу ерга хусу-

сий мулк ҳукукини ўрнатишга уриниш эди. Уламоларга қарашли ерларнинг бир қисми конфискация қилиниб, деҳқонларга бўлиб берилди. Аммо бу тадбирларнинг микёси жуда кичик бўлиб, Афғонистонда ердан фойдаланишнинг анъанавий усули устувор бўлиб қолаверди. Бундан ташқари, субижара усули мавжуд бўлиб, унда ернинг асли эгаси кимлигини аниқлаб олиш ҳам мураккаб эди.

1925 йилгача марказий ҳокимиятни мустаҳкамловчи қонунлар қабул қилинди, хусусан, давлат хизмати учун ер бериш бекор қилинди. 1923 йил 10 апрелда Асосий қонун, бошқача айтганда Афғонистон Конституцияси қабул қилинди. У Давлат кенгаши – қонунлар лойиҳасини, бюджетни, чет эллар билан тузилган шартномаларни муҳокама қилиш ва тасдиқлаш учун олий маслаҳат органи тузишни кўзда тутди. Биринчи марта сайланадиган маҳаллий бошқарув органлари – Маслаҳат йиғинлари ташкил қилинди.

Афғонистонда таълим тизими ҳам ривожланди: янги мактаблар қурилди, хусусан, Кобулда европача мактаблар ишга туширилди, ёшлар чет элларга ўқишга жўнатилди. Турмушда ҳам ўзгаришлар юз берди. Омонуллохон жамиятда руҳонийлар таъсирини чеклашга интилди; дунёвий судлар жорий қилинди, ҳукумат қишлоқ муллаларига ойлик маош тўлаб, уларни давлат амалдорлари даражасига ўтказишга ҳаракат қилди.

Бундай ўзгаришлар жамиятнинг турли қатламларида кучли муҳолифатни келтириб чиқарди; 1923 йили кўзғолон бошланиб, ҳукумат бунга жиддий эътибор қаратмади. Савдогарларнинг қўллашига эришиш учун Омонуллохон йирик савдо компаниялари тузишга кўмаклашди, уларга давлат номидан ташқи савдога монопол ҳуқуқ берилди. Аммо норозилар анча кўп эди.

Шунга қарамасдан, Омонуллохон афғон элитасининг типик вакили эди – у ташқи атрибутларга аҳамият берди, халқаро ишларга кўпроқ эътибор қаратди. У фаол ташқи сиёсат олиб борди. 1926 йили СССР билан «Ўзаро ҳужум қилмаслик ва нейтралитет тўғрисида» Наманган шартномаси имзоланди. Кейин Буюк Британия билан савдо шартномаси ва консуллик конвенцияси, Германия, Франция, Италия ва бошқа Европа давлатлари билан ҳам шартномалар имзоланди.

1927 йили Омонуллохон узоқ муддатли (етти ойлик чет эл сафарига чиқиб, кўплаб мамлакатларга, жумладан СССР ва Тур-

кияга ҳам ташриф буюрди. М. Камолнинг Туркияда ўтказётган ислохотлари унга жуда катта таъсир кўрсатди. Москвада у СССР билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича шартнома имзолади, ёрдам кўрсатиш бўйича советларнинг ваъдасини олди, совет техник мутахассисларини Афғонистонга таклиф қилди.

У ватанига қўтаринки руҳда, ислохотларга қатъий ишонч билан қайтиб келди. Аммо бу пайтда мамлакатда унинг ҳокимиятига қарши қўзғолонлар бошланиб кетган эди.

Омонуллохон Кобулда лойа-жирғани йиғиб, бутун бошли ислохотлар дастурини таклиф қилди. Хусусан, йирик ер эгалари ва қабилалар бошлиқларини имтиёзларидан маҳрум қилиш, мулларни қайта имтиҳон қилиш, ўғил болалар ва қизларнинг мактабда бирга ўқишини жорий қилиш, чодра ўраб юриш ва кўпхотинликни тақиқлаш каби тадбирлар кўзда тутилди. Сиёсий ислохот таклиф қилинди: Миллий кенгаш – парламентни чақиришга қарор қилинди.

Аммо Омонуллохоннинг таклифлари лойа-жирға томонидан душманларча қарши олинди, руҳонийлар тўғридан-тўғри қиролни шаккокликда айблади, унга қарши ташвиқот олиб борди. Улар мусулмонларни муқаддас урушга – «шайтон малайига» қарши жиҳодга чақирди.

Қиролга қарши қўзғолон Жалолободда бошланди. Ҳукумат қўшинлари шарққа жўнатилганда, шимолда Бачаи Сако бошчилигида тожиклар қўзғолони бошланиб кетди. Тожиклар шиддат билан Кобулга яқинлашиб келди. Шундай шароитда 1929 йил 14 январда Омонуллохон тахтдан воз кечиб, Қандаҳорга қочиб кетди. Эртаси куни Бачаи Сако Кобулни эгаллаб, ўзини амир деб эълон қилди.

Айни пайтда, Афғонистон шарқига, Хост шаҳрига Омонулло ҳукуматида мудофаа вазири бўлган Нодиршоҳ келди. У ҳукумат қўшинларига бошчилик қилди, Бачаи Сақони мағлуб этиб, уни қатл қилдирди ва 1929 йил 15 октябрда ўзини қирол деб эълон қилди.

СССР ўзининг сиёсий ҳамкорига ёрдам беришга ҳаракат қилди. 1928 йил апрель – май ойларида Афғонистон шимолига совет қўшинлари киритилди, аммо воқеаларнинг шиддат билан ривожланиши советларни орқага қайтишга мажбур қилди. Бундан ташқари, Афғонистоннинг географик жойлашуви унда қандай ҳукумат бўлишидан қатъи назар уни СССР билан дўстона муносабатлар ўрнатишга мажбур қиларди. Янги ҳукумат ҳам буни тасдиқлади.

Муҳаммад Зоҳиршоҳ режимининг қарор топиши. Нодиршоҳ ислоҳотларнинг зарурлигини тушунарди, аммо пуштун қабила бошлиқлари ва рухонийлар билан муносабатларини бузишни истамасди. У афғон жамияти анъанавий ҳаёт тарзини бирдан ўзгартириш лозим эмас, аҳоли менталитетини инобатга олиш лозим деб ҳисобларди.

Нодиршоҳ СССР билан нормал муносабатлар ўрнатиш лозимлигини ҳам тушунарди: у 1930 йилга келиб шимолдаги тожиклар қаршилигини бостирди, 1931 йил ичида Афғонистон ҳудудида бошпана топган ўзбекистонлик Иброҳимбек кўшинларини ҳам тормор қилди. Бу 1931 йил июнда СССР билан «Нейтралитет ва ҳужум қилмаслик тўғрисида» шартнома имзолаш имконини берди. СССР Афғонистоннинг ташқи савдосида биринчи ўринни муқим эгаллаб олди.

Жаҳон иқтисодий инкирози Афғонистонга жуда қаттиқ таъсир қилмади, чунки афғон экспортининг (қорақўл) асосий қисми СССРга жўнатилар эди. Зарар миллий валюта – кумуш рупиянинг кадрсизланишида ифодаланди; бу ҳол Ҳиндистон жаҳон бозорига жуда катта миқдорда кумуш чиқаргандан сўнг юз берди – кумушнинг нархи кескин тушиб, нарх-наво кўтарилиб кетди. Мамлакат Буюк Британия, Германия ва Швециядан имтиёзли қарзлар олди; қарз Шарқий Европа мамлакатлари – Чехословакия ва Польшадан ҳам олинди.

Бу пайтга келиб мамлакатдаги ички ҳолат ҳам барқарорлашди, айирмачилик чиқишларининг барчаси армия томонидан бостирилди. Аммо Римда жойлашиб олган Оммонуллохон тарафдорлари Нодиршоҳга қарши кураш бошлади. 1932 йили Берлинда қиролнинг укаси Муҳаммад Азизхон ўлдирилди; бунга жавобан Нодиршоҳ Омонуллохоннинг Кобулдаги бир неча тарафдорларини қатл қилдирди. 1933 йил ноябрда Омонуллохоннинг қариндоши Нодиршоҳни ўлдирди. Унинг ўғли Муҳаммад Зоҳиршоҳ Афғонистоннинг янги қироли бўлиб тахтга ўтирди.

Янги қирол отасининг йўлини давом эттирди, қабилалардаги обрўли кишилар билан яхши муносабатни сақлашга, қабилалар ишларига аралашмасликка ҳаракат қилди.

1931 йили Нодиршоҳ даврида қабул қилинган конституцияга биноан парламент жорий қилинган эди. Сайловлар қирол назорати остида амалга оширилса ҳам Муҳаммад Зоҳиршоҳ томонидан

таклиф қилинган ҳар қандай прогрессив таклифни қабул қилиш йўлида айнан парламент тўсиқ бўлиб қолди. Масалан, Эрондан фарқли равишда Зоҳиршоҳ парламентни тарқатиб юбориши мумкин эмасди.

Шунга қарамасдан модернизация жараёни аста-секин давом этди. Тўғри, бу асосан йирик шаҳарларда кўзга ташланар эди: вақт ўтиши билан аҳвол ўзгарди, янги мактаблар очилди, Кобулда университет иш бошлади ва Афғонистонда европача билимлар марказига айланди.

1936 йили расман иккита давлат тиллари: пушту ва дари жорий қилинди; китоблар ва иш юритиш аста-секин даридан пушту тилига ўтказилди.

Иқтисодиётда қирол инфратизим ривожланишини рағбатлантирди – илк иншоотлар СССР ёрдамида фақат давлат маблағлари ҳисобига қурилди, давлат сектори корхоналари яратилди. Давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан янги акциядорлик жамиятлари – ширкатлар тузилиб, улар қиролдан ташқи савдо монополиясини олди ва бу соҳадан аста-секин чет элликларни қувиб чиқарди.

1939 йили давлатга қарашли фабрикаларни хусусий тадбиркорларга сотишга қарор қилинди, аммо иқтисодий ривожланиш унча юқори бўлмади. Айниқса инфратузилма кам тараққий этганди: мамлакатда бир километр ҳам темир йўл қурилмаганди, трансфғон автомобиль йўллари ҳам йўқ эди.

Иқтисодий фаолиятнинг асосий турларидан бири контрабанда бўлиб, у билан пуштун чорвадор қабилалари ҳар йилги кўчиш даврида деярли очик шуғулланарди. Шу сабабли Афғонистонда ташқи савдо устидан давлат монополияси номигагина мавжуд эди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Афғонистон расман ўз нейтралитети ҳақида эълон қилди, аммо 1941 йил СССР босими остида мамлакатдан Германия вакиллари кувиб чиқаришга ва Афғонистонни фашист жосусларидан тозалашга мажбур бўлди. Мамлакатнинг СССРга қарамлиги анча кучли бўлиб, қирол мустақил ташқи сиёсат юрита олмасди.

Бироқ уруш ташқи бозорга ўта боғлиқ бўлган Афғонистон иқтисодиётига оғир таъсир кўрсатди. Уруш йиллари бир қатор халқаро монополиялар Афғонистоннинг оғир иқтисодий аҳволидан фойдаланиб ўзларининг нафақат иқтисодий, балки сиёсий таъсири-

ни ҳам оширишга интилди. Уруш охирига келиб афғон бозорида АҚШ фаоллик кўрсатди, хусусан, Афғонистон экспортининг 50% ини ташкил қилган қорақўл савдосини монополлаштириб олди. АҚШ капиталининг кириб келиши мамлакат молиясига, миллий савдо-молия капиталига жиддий зарар етказди, аҳолининг аҳволини оғирлаштирди. Бу эса мамлакатдаги ички сиёсий ҳолатни янада мураккаблаштирди.

* * *

1919 йили ҳокимиятга келган Омонуллохон инглиз-афғон шартномасини бекор қилди, натижада Афғонистоннинг тўлиқ мустақиллиги тан олинди, Омонуллохоннинг обрўси ошиб кетди. М. Камолнинг ютуқларидан илҳомланган Омонуллохон Афғонистонда ҳам шундай ислохотларни ўтказишга интилди, аммо афғон жамиятининг қаршилигига учраб, 1929 йили тахтдан воз кечишга мажбур бўлди. Ҳокимиятга келган Муҳаммад Зоҳиршоҳ эҳтиёткор сиёсат юритди, қабила бошлиқлари ва ислом дини пешволари билан зиддиятга бормасликка ҳаракат қилди. Мамлакатда, айниқса Кобул ва бошқа йирик шаҳарларда аста-секин Европа цивилизациясининг белгилари пайдо бўлди. Аммо Афғонистонда Туркия, Эрон, Ўрта Осиёдаги сингари радикал ислохотлар амалга оширилмади, ислохотлар йўлидаги асосий тўсиқ – ислом ақидапарастлиги бартараф қилинмади, натижада Афғонистон энг қоқоқ давлатлардан бири бўлиб қолаверди.

XXVII боб бўйича саволлар

1. Омонуллохон ҳокимиятга келгандан сўнг инглиз-афғон муносабатларида қандай ўзгаришлар юз берди?
2. Омонуллохон ислохотлари қандай оқибатларга олиб келди?
3. Нодиршоҳнинг ислохот ўтказишда сусткашлиги қандай натижа билан яқунланди?
4. Муҳаммад Зоҳиршоҳнинг ислохотлари қандай натижаларга олиб келди?
5. Иккинчи жаҳон уруши охирига келиб Афғонистонда АҚШнинг фаоллашуви сабаблари нимада эди?

XXVIII БОБ. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА ОСИЁДАГИ АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ

Мандат тизими ва унинг оқибатлари. Версаль-Вашингтон тизимининг асосчилари Биринчи жаҳон урушининг асосий сабабларидан бири мустамлакалар, дунёни қайтадан бўлиб олиш муаммоси бўлганлигини яхши тушунишар эди. Бу муаммони юмшатиш мақсадида Антанта давлатлари 1919 йили Германиянинг собиқ мустамлакаларини ва Усманийлар империяси тарқалгандан сўнг ундан ажралиб қолган ҳудудларни бошқариш учун халқаро васийлик тизимини жорий қилди. У «мандат тизими» деб номланиб, Миллатлар Лигасининг Уставида ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйилди. Мандат тизими мустамлакаларни бошқариш учун Миллатлар Лигаси томонидан вақтинча бериладиган ваколат эди. Васийлик ғояси буюк давлатларнинг Биринчи жаҳон урушигача бошқа давлатлар томонидан бошқарилган Европадан ташқаридаги ҳудудлар «ҳозирги дунёнинг ўта кийин шароитида» ўзини ўзи мустақил бошқара олмайди, деган қарашига асосланган эди. Шу мантиқдан келиб чиқиб, Миллатлар Лигаси «дунёнинг илғор миллатларига» ўз номидан «қолоқ халқларга» васийлик қилиш ваколатини беради.

Кўпинча мандат тизими мустамлакаларни бўлиб олишнинг янги шакли, мустамлакаларни эскича талаш усули, деб ёзиб келинди. Аммо у Д. Ллойд Жорж айтганидек, фақат «босқинчилик учун оддий ниқоб» эмасди. Аслида, мандат тизими мустамлакачиликка қарши катта зарба ҳам бўлди. Зотан, метрополия мамлакатлари, уларнинг лидерлари ва халқлари мустамлака ҳудудлари ўзларига абадий тегишли эканлигига психологик жиҳатдан кўникиб қолган эди. Мандат тизими жорий қилиниши билан европаликлардаги бу ҳудудларга абадий эгалик ҳисси, мулкчилик ҳисси барҳам топди. Бундан ташқари, мустамлака халқларининг ўзларида ҳам миллий онг, миллий ғурур, мустақиллик каби тушунчалар шаклланиб борди. Булар эса мустамлака тизими қулаши учун жуда катта омил бўлди. Бундан ташқари, мандат тизими Биринчи жаҳон урушидан кейин Яқин Шарқнинг замонавий сиёсий харитаси шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнади. Айнан шу тизим минтақадаги мамлакатлар замонавий давлатчилигининг асосларини яратди.

Фаластин. Фаластин учта буюк цивилизациялар билан боглик мураккаб тарихга эга. Бу ерда яҳудо, христианлик ва ислом динла-

рининг муқаддас саждагоҳлари жойлашган. Яхудий давлати Библия замонидан мил. авв. 721 йилгача, яъни Оссурия Исроил давлатини йўқ қилгунгача мавжуд бўлди. Мил. авв. 526 йили бу ҳудудни Бобил забт этгандан сўнг яхудийлар бутун дунёга тарқалиб кетди. Кейинчалик тикланган Яхудий давлати I асрда Рим империяси томонидан вайрон қилингунча яшади¹.

XX аср бошларида араб деҳқонлари йирик ер эгаларининг ерларида ижарада меҳнат қилиб, ҳосилнинг бешдан бирини (хумс) ер эгасига натура шаклида берарди. Аммо одатда бу солиқ ҳосилнинг 2/3 қисмини ташкил қиларди. Фаластинда саноат XIX аср охири – XX аср бошларида пайдо бўлди. Кейинроқ хусусий тадбиркорлар бир неча совунгарлик заводларига, озиқ-овқат саноати ва тўқувчилик устахоналарига асос солди. Наблус, Яффа, Хайфа, Иерусалим каби шаҳарларда зайтун ва кунжут ёғини тайёрлаш кенг тарқалди. Яффа ва Хайфада суғориш иншоотлари учун ускуналар тайёрлайдиган иккита кичик заводлар ҳам мавжуд эди. Саноатда банд бўлганлар ва хунармандлар сони умумий аҳолининг 10% идан ошмасди. Саноатнинг кам таракқий этганлиги, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг пастлиги сабабли мамлакатнинг савдо баланси ҳам пассив эди.

XIX аср охирида сионизм² Фаластинга даъво қилиб чиқди. Сионистлар ягона яхудий халқининг мавжудлиги ва унинг «доимий антисемитизм» туфайли аجدодлари ерини тарк этишга мажбур бўлганлиги ҳақидаги ғоядан келиб чиқди. Уларнинг фикрича, фақат шу йўл билан яхудийлар масаласи ҳал этилиши мумкин эди. Сионистлар Фаластинни Исроил Ери (Эрец Исраэль) дея қайта номлаб, уни бутун дунё яхудийлари учун «маънавий ва миллий марказ» деб эълон қилди.

Сионистлар етакчилари бирор-бир қудратли Европа давлатининг ёрдамисиз Фаластинни яхудийлар маконига айлантириш орзулигича қолаверишини яхши тушунишарди. Улар дастлаб XX аср бошларида бўлажак дунёни қайта бўлиш жараёнида Фаластинни

¹ Яхудийлар тарихи ҳақида каранг: Ш.Эргашев. Қадимги цивилизациялар. – Т.: «O'zbekiston» НМИУ., 2016.

² Сионизм – Сион топонимидан олинган. Иерусалимда Сион тоғи ҳам мавжуд. Бобилга ҳайдаб кетилган яхудийлардан бошлаб кейинги ҳамма даврларда Сион яхудий диаспораси учун йўқотилган ватаннинг рамзига айланган. Эрец Исраэлни «Сионнинг кизи», яхудийларни «Сион фарзандлари» ҳам дейишган.

муҳим стратегик ҳудуд сифатида қараётган Германияга таянишга қарор қилди, аммо тез орада бу фикрдан қайтиб, таянч давлати сифатида Англияни танлади.

Сионистлар ўзларининг 1897 йил Базелда (Швейцария) бўлиб ўтган биринчи конгрессида Бутунжаҳон Сионистик Ташкилотини (БСТ) туздилар. БСТ Фаластинни экспансия қилиш учун бир қатор иқтисодий ташкилотлар тузди. Улар ичида Яхудий миллий банки ва Яхудий миллий фонди (шу фонднинг филиали – Англо-фаластин банки) энг муҳимлари эди.

Яхудий буржуазиясининг қўллаб-қувватлаши Фаластинда сионистларнинг ер-мулкларини кенгайтириш имконини берди. 1899 йилдан 1924 йилгача уларга қарашли ерлар 247 минг дунамдан (дунам – 0,1 гектарга тенг) 450 минг дунамгача кўпайди. Аммо яхудийлар иммиграцияси Биринчи жаҳон урушигача жуда суст эди. 1914 йили Фаластинда 85 минг яхудий яшарди.

Биринчи жаҳон уруши даврида Фаластинда яшаётган, аммо бошқа, асосан Ғарб давлатлари фуқаролари бўлган яхудийларга усмонийлар ҳукумати талаб қўйди: улар Туркия фуқаролигини қабул қилиши ёки Фаластиндан чиқиб кетиши лозим эди. Шундай шароитда Буюк Британия ташқи ишлар вазири А. Бальфур кўплаб яхудий ташкилотларига ҳомийлик қилаётган лорд Л.У. Ротштилдга мурожаат қилиб, Фаластинда яхудийларнинг миллий ўчоғини яратишни таклиф қилди. Бу хат кейинчалик «Бальфур декларацияси» номини олди.

Урушдан кейин яхудийлар оммавий равишда Фаластинга кўчиб кела бошлади. 1919 йили Умумараб конгресси яхудийларга ер сотишни тақиқлади ва келажақда яхудий давлатини тузиш режасини рад этди.

1920 йили Буюк Британия Фаластинни бошқариш учун Миллатлар Лигасининг расмий мандатини олди. Фаластиннинг олий комиссари этиб яхудий миллатига мансуб Герберт Сэмюэль тайинланди. Буюк Британия ҳукумати Г. Сэмюэлни тайинлаш билан ўзининг Бальфур декларациясига содиқлигини яна бир бор намоён қилди. Яхудийларнинг Фаластинга кўчиб келиши давом этди. 1921 йили мустамлакалар бўйича вазир У. Черчилль Бальфур декларациясини бекор қилиш тўғрисидаги араблар талабини рад этди. Яхудийларнинг янги жойга кўниқиши учун шароит яратилиб берилди. 1925 йили Куддус шаҳрида Яхудий университети очилди.

1929 йилгача яхудийлар билан араб жамоалари ўртасида яхши кўшничилик ҳукм сурди. Шу йили жанжал чиқиб, кўплаб қурбонларга олиб келди. Инглиз ҳукумати 1930 йили «Оқ китоб»ни эълон қилиб, биринчи марта яхудийлар иммиграциясини ва уларнинг ер сотиб олишини чеклаш тўғрисида фикр билдирди. Бу яхудий жамоаларини ташвишга солиб қўйди.

1931 йили яхудийларнинг ҳарбийлашган ташкилоти «Хагана» дан радикаллашган «Иргунбет» ташкилоти ажралиб чиқди. У Фаластинга яширин қурол етказиб беришни йўлга қўйди.

1930 йилдан саноатнинг жадал ривожланиши бошланиб, айнан шу йиллари замонавий Исроилнинг саноат корхоналарига асос солинди. Ўша давр учун энг илғор ускуналари билан жиҳозланган фабрикалар, электростанциялар қурилди, инфратузилма ривожланди.

1933 йили Германияда ҳокимиятга фашистлар келгандан сўнг у ердан яхудийларнинг қочиши бошланиб, Фаластинга иммиграция кучайди. 1933 йилдан яхудийларнинг капитали ва мол-мулкани Фаластинга кўчириш билан шуғулланувчи «Хаавара» махсус агентлиги фаолият юритиб, уруш бошлангунча жами 94 млн маркага тенг капитални олиб чиқишга эришди. Фақат 1935 йили яхудий жамоасининг сони 62 минг кишига кўпайди. Кўплаб яхудийлар болаларини жўнатди – 1933 йилдан 1940 йилгача Фаластинга 5 минг болалар келди. Фаластиндаги яхудийлар сони жуда тез кўпайди шу даврда умумий аҳолининг 1/3 қисмини – 429 минг кишини ташкил қилди.

Бу ҳол 1936 йили араблар томонидан кўзғолон кўтарилишига олиб келди. Улар яхудийларнинг Фаластинга кўчиб келиши ва ер сотиб олиши тақиқланишини талаб қилди. Тартибсизликлар давомида яхудийларга қарши зўравонликлар қилинди – юзлаб яхудийлар ўлдирилди, уйларга ўт қўйилди. Яхудийлар қаршилик кўрсатди, ўзини ўзи ҳимоя қилиш отрядлари сони ошиб борди – фақат «Хагана» сафларида 5 мингдан зиёд киши бор эди. 1936 йил октябрда ғалаёнлар бир оз пасайди.

1937 йили Буюк Британия ҳукумати Фаластинни иккига бўлишни, арабларга тегишли қисмидан яхудийлар ер сотиб олиши ва яшашини тақиқлашни таклиф қилди. Аммо таклиф иккала томонни ҳам қаноатлантирмади. Яқинлашиб келаётган уруш инглизларга икки томондан бирини танлашни тақозо этди. Инглизлар араблар томонини танлади. 1939 йил 17 майда «Оқ китоб»да Буюк Британия ҳукуматининг расмий муносабати эълон қилинди: ҳукумат

Бальфур декларациясидан воз кечди, яхудийларга Фаластинда ер сотиб олиш тақиқланди; яхудийлар иммиграцияси 5 йил ичида 75 минг киши билан чекланди; 10 йил ичида ягона мустақил Фаластин давлати эълон қилиниши лозим эди.

Бу қарор яхудий жамоаларининг ғзабини кўзгатди: норозилик акциялари бошланди. Яхудий агентлиги англизлар билан келишмасдан янги яхудий манзилгоҳларини кура бошлади; Фаластинга яширин иммиграция кучайди. Аммо бу нисбатан унчалик кўп сонни ташкил қилмади. 1930-йиллари Фаластинга ҳаммаси бўлиб 100 минг яхудий кўчиб келган бўлса, шу даврда асосан Европадан АҚШга 340 минг яхудий жўнаб кетди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан яхудийлар жамоаси Буюк Британияга ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Кўнгиллиларни рўйхатга олиш бюролари очилди. Биринчи ҳафтада Буюк Британия армиясида хизмат қилиш учун 136 минг киши – Фаластин аҳолисининг 1/3 қисми ёзилди.

Аммо бу ҳаракат ҳокимият томонидан совуқ қабул қилинди. Бундан ташқари яхудийларнинг ўзини ўз ҳимоя қилиш отрядлари – «Хагана» ва «Эцела»нинг ўнлаб аъзолари қамокқа олинди, қурол омборлари конфискация қилинди. 1940 йил февралда яхудийларнинг ер сотиб олиши чекланди ва бу жўшқин норозиликларни келтириб чиқарди. «Эцела»дан янада радикал кайфиятли гуруҳ – Абрахам Штерн бошчилигида «Лехи» гуруҳи ажралиб чиқди. Бу гуруҳ англизларга қарши уруш эълон қилиб, итальян ва немис фашистлари билан ҳамкорлик қилишга интилди.

1940 йил июндан бошлаб ҳолат ўзгарди – Буюк Британия фашистик давлатларга қарши курашда яккаланиб қолди, унинг ҳукуматини Германияга қарши катъий кайфиятдаги У. Черчилль бошқарди. Яхудийлар оммавий равишда англиз армиясига ёзила бошлади. Фаластин араблари эса бошқа йўлдан борди – улар етакчиси Амин ал-Ҳусайний Берлинга бориб А. Гитлер билан учрашди, барча арабларни англизларга қарши курашга чорлади.

Буюк Британия армиясида 24 минг фаластинлик яхудийлар жанг қилди. Кўплаб кишилар махсус разведка ва кўпоровчилик ҳаракатларида қатнашди. Бу 1941–1942 йиллари Роммель кўшинларининг Фаластинга бостириб кириш хавфи кучайганда жуда муҳим аҳамият касб этди. Айнан шунда яхудий аҳолисидан иборат махсус хизмат қисмлари – «Палмах» ташкил қилинди. 1942

йил январда Роммель кўшинлари босими остида англизларнинг чекиниши бошланиб, Миср ва Фаластин учун катта хавф пайдо бўлди. «Палмах» немислар бостириб кирганда Фаластинни химоя қилишнинг махсус режасини ишлаб чиқди. Аммо 1942 йил охирига келиб оккупация хавфи бартараф қилинди – Монтгомери Роммель кўшинларини тор-мор қилди ва Ливиядан қувиб чиқди. Шундан сўнг англиз ҳокимиятининг яҳудий жамоалари билан ҳамкорлиги сусайиб борди.

Шу пайтда Европада нацистлар томонидан яҳудийларнинг оммавий қиргин қилинаётгани тўғрисидаги хабарлар Фаластинга етиб кела бошлади. Яҳудий етакчилари антигитлер коалиция давлатлари ҳукуматларидан ҳалок бўлаётган яҳудий халқига амалий ёрдам кўрсатишини, оммавий қиргинни тўхтатишини талаб қилди. Аммо урушнинг охиригача бу қиргинни тўхтатишнинг иложи бўлмади.

Масалан, маълумки 1944 йил ўрталарида Адольф Эйхман 1 млн венгриялик яҳудийларни 10 мингга юк машинасига алмаштиришни таклиф қилди, аммо бу таклиф англизлар томонидан рад этилди. Европада яҳудий қаршилигини ташкил қилиш учун яҳудий жамоалари етакчилари томонидан ўнлаб кўнгиллилар бу ерга жўнатилди, аммо бу жиддий натижаларга олиб келмади.

1944 йили У. Черчиллнинг шахсий топшириғига кўра англизлар армияси таркибида Яҳудий бригадаси ташкил қилинди. Бу бригада кейин Италия, Австрия, Германия, Франция ва Бельгия ҳудудларида немисларга қарши курашди ва Брюсселгача етиб борди.

Аммо ҳамма яҳудийлар ҳам Англияни қўлламади – «Лехи» гуруҳи 1940 йил ёзда унга қарши уруш эълон қилган эди. «Лехи» Италия ва Германия жосуслари билан ҳамкорлик алоқасини ўрнатишга эриша олмади, англиз ҳукумати эса бу гуруҳга қарши кураш бошлаб, 1942 йил февралда «Лехи» гуруҳи етакчиси Абрахам Штернни йўқ қилди. Шундан сўнг гуруҳ фаолияти икки йилга тўхтаб қолди.

1944 йил январда «Эцела» гуруҳининг янги лидери Менахем Бегин Фаластинда англизларга қарши кўзғолонга даъват қилиб чиқди. «Лехи» гуруҳи ҳам қайта жонланиб қолди: унинг лидерлари индивидуал террор тактикасини қўллашга ўтди. 1944 йил ноябрда «Лехи» гуруҳи жангарилари Қоҳирада Буюк Британиянинг Яқин Шарқ масалалари бўйича вазири лорд Мойнни ўлдирди. Бу Анг-

лиянинг ғазабини кўзгатди. Шу воқеадан сўнг Англия ҳукумати бошлиғи У. Черчиллнинг ҳам сионизмдан кўнгли совиди, аммо шунга қарамасдан, у Фаластинда яҳудий давлати тузилишига қаршилиқ қилмаслигини айтди.

Мойннинг ўлдирилиши яҳудийлар жамоаси раҳбарларини ташвишга солиб қўйди. «Эцела» ва «Лехи» ташкилотларининг фаолиятига чек қўйишга қарор қилинди: бу гуруҳлар аъзоларининг рўйхати инглизларга берилди, «Хагана» махсус гуруҳи уларни таъқиб қилиш ва қамокка олишда ёрдам кўрсатди. 1945 йил мартга келиб инглизларга қаршилиқ кўрсатиш гуруҳлари тугатилди, «Эцела» гуруҳи етакчиси М. Бегин қочиб кетди.

Бу даврда Иккинчи жаҳон уруши ҳам охирига етиб қолди, Европада уруш ҳаракатлари яқунланди, геноциддан тирик қолган миллионлаб яҳудийлар нацистлар лагерларидан озод қилинди.

Аммо янги муаммо пайдо бўлди: бу миллионлаб яҳудийлар нима қилиши керак – қўпчилиги илгариги яшаш жойига қайтишни истамасди, уларнинг уйларини ҳам бошқалар эгаллаб олган, молмулки талон-торож қилинган эди. Яҳудий жамоалари раҳбарлари уруш йиллари ўзларининг инглизлар билан ҳамкорлик қилганлиги учун инглизлар 1939 йили «Оқ китоб»да қайд этилган ўз позициясини ўзгартиради, деб умид қилишаётган эди.

Сурия. Биринчи жаҳон урушигача Сурия ва Ливан Усманийлар империяси таркибига кирар эди. 1918 йил октябрда турклар бу ҳудудни ташлаб чиқди, ҳудудга инглиз қўшинлари киритилди. Кейин Сурия ва Ливанга француз қўшинлари киритилиб, уларнинг тақдири Париж тинчлик конференциясида ҳал қилинди.

1920 йили Франция Сурия ва Ливанни бошқаришга Миллатлар Лигасининг мандатини олди. Бу даврда Сурия ва Ливан маъмурий, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан ягона бирликни ташкил қиларди. Улар Бейрутдаги француз комиссари томонидан бошқариларди. Кейинроқ Сурия ва Ливан сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан бири-бирдан узоқлаша бошлади.

Сурия тўртта диний жамоаларнинг давлат тузилмалари: Ҳалаб, Дамашқ, Жабел-Друз ва Латакиядан ташкил топган эди.

Французлар Макканинг ҳукмдорига лаганбардорлик қилиб, ҳатто унинг укаси амир Фейсалга Сурия ҳукмдорлигини ҳам ваъда қилишди. Аммо французларга қарши бошланиб кетган галаёнлар

уларни ўйлантириб қўйди. Суриядаги француз қўшинлари сони 10 марта кўпайтирилди. Ғалаёнларни ташкил қилишда айбланган Фейсал мамлакатдан қувиб юборилди. У кейинчалик Ироқнинг қироли бўлди. Аммо ғалаёнлар кейин ҳам давом этди.

Яхши ниятларини намоёйиш қилган французлар Таъсис мажлисини чақиришга рухсат берди. Унга сайловлар 1928 йил 24 апрелда бўлиб ўтди. Энг кўп депутатлик ўринларини Халқ партияси ўрнига ташкил қилинган Миллий блок (Қутля ал-Ватания) миллий-ислохотчилик буржуа партияси эгаллади. Шу тариқа французлар ўзлари таяниши мумкин бўлган сиёсий тизимни яратишга интилди.

Бироқ Таъсис мажлиси чет эллардаги марказларнинг қўллаб-қувватлаши билан тезда французлар билан можарога борди.

1928 йил апрелда Сурияда Таъсис мажлиси чақирилди. Аммо тез орада французлар билан можаро келиб чиқди: августда Таъсис мажлиси конституция қабул қилиб, Суриянинг мустақиллигини эълон қилди. Франция буни мандат шартларига хилоф деб ҳисоблаб, Таъсис мажлисини тарқатиб юборди. Фақат 1930 йилга келиб конституцияга Сурияда Франциянинг мандат режимини тасдиқловчи модда қўшилди.

Бу пайтга келиб жаҳон иқтисодий инқирози бошланди, ҳунармандчилик маҳсулотларининг бозори касодга учради, кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи 5 марта тушиб кетди, дехқонлар хонавайрон бўлди.

1936 йили Францияда ҳокимиятга Халқ fronti келди. Бу ҳукумат Сурияда конституцияни тиклади. 1936 йил 9 сентябрда Сурия мустақиллигини тан олиш асосига қурилган янги давлатлараро шартномани имзолади. Унда ушбу шартнома ратификация қилинган кундан бошлаб уч йил ичида Франция мандатининг бекор қилиниши кўзда тутилди. Франция Суриянинг ички ишларига аралашмаслик шарти билан бу ерда ўз қўшинлари ва ҳарбий базаларини сақлаб қолиши мумкин эди.

Шу йил 30 ноябрда Сурия парламентида бўлиб ўтган сайловларда Миллий блок ғалаба қозонди ва унинг лидери Ҳошим ал-Атаси Сурия президенти қилиб сайланди. Илгари алоҳида кичик давлатлар тарзида мавжуд бўлган Латакия, Жабел-Друз, Ал-Жазира Сурия таркибига қўшиб берилди.

Францияда сиёсий шароит ўзгариб, 1939 йил январда Франция парламенти 1936 йилги шартномани ратификация қилишдан бош тортди, Латакия, Жабел-Друз, Ал-Жазира расман яна алоҳида давлатларга ажратилди. Бунга норозилик белгиси сифатида Сурия миллий ҳукумати истеъфога чиқди. Француз олий комиссари Сурияда конституцияни бекор қилиб, парламент тарқатиб юборилди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Сурия худудида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. 1940 йил июнда Франция мағлубиятга учрагандан сўнг у ерда ҳокимиятга келган «Виши» ҳукумати Суриянинг барча ресурсларини Германия хизматига йўналтирди. 1941 йил июнда Сурия худуди инглиз кўшинлари ва де Голль бошчилигида тузилган «Озод Франция» армияси томонидан забт этилди. 1941 йил 27 сентябрда Сурия мустақил давлат деб эълон қилинди, аммо мандат тизимини бекор қилиш номаълум муддатга қолдирилди.

1943 йили инглизлардан чиққан бир лойиҳа эълон қилинди. Лойиҳада Сурия, Ливан, Трансиордания ва Фаластинни битта давлат – «Буюк Сурия»га бирлаштириш таклиф қилинди. Бу ҳол Францияни фаол ҳаракат қилишга мажбур қилди: 1943 йил мартда Сурия конституцияси тикланди; шу йили парламентга сайловлар бўлиб ўтди; Сурия тўлиқ мустақил бўлди; 1945 йил мартда у фашистик давлатларга уруш эълон қилди, шу йил апрелда БМТга аъзо бўлди.

Ливан аҳолиси турли этник ва диний гуруҳлардан ташкил топган. Бу худудда қадимдан турли диний оқимлар: христиан-маронитлар, православ греклар, шунингдек, мусулмонлар: шиалар, суннийлар, друзлар ва бошқалар жамоалари яшаб келади. Бу жамоалар бир-бири билан душманлик муносабатида бўлиб, фақат ўзаро алоқаларга ҳалақит берувчи табиий тўсиқ – тоғлар туфайли тинчлик сақланиб келарди. 1920-йиллари иқтисодий аҳволдаги фарқ туфайли жамоалар ўртасидаги душманлик янада кучайиб кетди.

Энг бой жамоа маронитлар бўлиб, улар орасидан уддабурон савдогарлар ва банкирлар чиққан эди. Ливаннинг камбағал кўшнларига нисбатан анча бойлигига урғу бериб, уни «Яқин Шарк Швейцарияси» деб ҳам аташарди. Ливандаги бошқа жамоалар ма-

ронитлар каби бой эмасди, энг йирик жамоа бўлган мусулмон шиалар энг камбағал ҳам ҳисобланарди.

Ливан Франция мандати остига ўтгандан сўнг бу ерда ҳам Суриядаги сингари аксилфранцуз галаёнлар бошланиб кетди. Галаёнлар Франция сиёсатининг ўзгаришига олиб келди: 1926 йили Ливан республика деб эълон қилинди. Республика конфессиянал асосда қурилган бўлиб, давлатдаги барча лавозимлар диний жамоалар ўртасида тақсимланди. Унга биноан, масалан, мамлакат президенти фақат христиан-маронит, бош вазир – мусулмон сунний, парламент раиси – мусулмон шиа бўлиши мумкин эди.

Ливанда ўз ҳукумати ва икки палатали парламент тузилди, халқаро алоқалар ва муҳофаа ишлари Франция ихтиёрида қолдирилди. Францияда Халқ fronti ҳокимиятда пайтида Француз-Ливан шартномаси имзоланиб, уч йил ичида Ливанга тўлиқ мустақиллик берилиши лозим эди. Аммо Суриядаги сингари бу ерда ҳам Франциянинг янги ҳукумати бу шартни бажаришдан бош тортди ва Ливан устидан Франциянинг тўлиқ назорати ўрнатилди. Иккинчи жаҳон урушида Франция мағлубиятга учрагандан сўнг «Виши» ҳукумати орқали Ливан Германия ихтиёрига ўтди. 1941 йили инглизлар ва «Озод Франция» кўшинлари киритилиб, шу йил 26 ноябрь куни Ливан мустақил деб эълон қилинди. 1943 йил мартда барча конституцион эркинликлар тикланди, парламентга сайловлар ўтказилди, президент сайланди, Ливан тўлиқ мустақил давлатга айланди.

Ироқ. Ироқ ҳам Усмонийлар империясининг таркибий қисми бўлиб, Биринчи жаҳон урушида иштирок этди. Ҳарбий ҳаракатлар бу ерда чўзилиб кетди – фақат 1917 йил 17 март куни инглиз кўшинлари Бағдодга кириб келди. Усмонийлар империясининг учта вилояти худудида тузилган давлат – Ироқни бошқариш учун Буюк Британия 1920 йилги Сан-Ремо конференциясида Миллатлар Лигасининг мандатини олди.

Уруш келтирган вайронгарчилик, турк ва инглиз ҳокимиятларининг талончилик сиёсати мамлакат хўжалигини ҳалокатли оқибатларга олиб келди. Ҳайдаладиган ерларнинг катта қисми (Мосул вилоятида 50 % гача) ташландиқ ерларга айланди. Хунармандчилик ва энди пайдо бўлаётган саноат тушкунликка юз тутди. Уруш ва ҳарбий талончилик натижасида мамлакатда очарчи-

лик бошланди; вабо, ўлат, терлама касалликларининг эпидемияси авж олди. Очлик ва касалликлардан бир неча ўн минг киши вафот этди. Кўплаб ҳудудларда инглизларга қарши исёнлар бошланиб кетди.

Шундай ҳолатда инглизлар итоатсиз араб қабилалари билан, курдлар билан келишишга мажбур бўлди. Бундан ташқари мамлакат ҳудудида мусулмон шиаларнинг муқаддас шаҳарлари Нажаф ва Карбало жойлашган бўлиб, улар маълум автономияга эга эди. Инглизлар шиалар қаршиликка дуч келиб, уни бостириш учун курулчи кучларини жалб қилишга мажбур бўлди. 1920 йил охирига келиб ҳолат барқарорлашди.

1921 йил августда Ироқ амир Фейсал бошчилигида монархия деб эълон қилинди. 1922 йили Буюк Британия билан Ироқ ўртасида тузилган шартномага кўра инглизлар Ироқда ўз қўшинлари, маслаҳатчи ва олий комиссарини сақлаб қолди. Аммо Ироқда инглизларга Абу ат-Тимман ва ас-Садр бошчилигидаги миллатчи кучлар қарши турарди.

1930 йилги инглиз-ироқ шартномасига кўра Ироқ мустақилликка эришди, 1932 йили Миллатлар Лигасига аъзо бўлди. Аммо Буюк Британиянинг ҳарбий-сиёсий назорати сақланиб қолди. Мамлакатда инглиз ҳарбий базалари, маслаҳатчилар қолдирилди. Ироқ ташқи сиёсатини Буюк Британия билан маслаҳатлашиши лозим эди. Ҳукуматни англияпараст сиёсатчи Нури Сайд бошқарди. Мандат тизими бекор қилинди.

Мустақиллик жаҳон иқтисодий инқирози билан бир пайтга тўғри келди. Бу кўплаб қийинчиликларни олиб келди: Ироқ экспорти кескин камайди, экспорт товарлари нархи тушиб кетди; ишсизлик ва бошқа ижтимоий қийинчиликлар пайдо бўлди. Мамлакатда ҳукумат алмашинуви бошланди, радикал кайфиятдаги элементлар фаоллашди, этник асосда оммавий қирғинлар бўлиб ўтди.

1933 йил мартдан ҳокимиятга Рашид Али ал-Ғилоний бошчилигидаги ҳукумат келди, аммо мамлакатда сиёсий ғалаёнлар тўхтамади. 1936 йил октябрда қўшинлар исён кўтариб, қиролдан янги бош вазир тайинлашини талаб қилди. Ҳукуматни Ҳикмат Сулаймон бошқарди. Аммо 1937 йил августда бу ҳукумат ҳам ағдарилди.

1938 йили иккинчи бор ҳукуматга келган Нури Сайд мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди. Аммо турли гуруҳлар ўрта-

сидаги келишмовчилик ва жанглар тўхтамади. 1941 йил апрелда амалга оширилган ҳарбий тўнтариш натижасида ҳокимиятга яна Рашид Али ал-Ғилоний келди. У Германия ва Италия фашистик давлатларига кўмаклаша бошлади. 1941 йил майда Ироққа Буюк Британия қўшинлари киритилиб, армия ва давлат аппаратида тозалаш ўтказилди, кирол ва ижро ҳокимиятининг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Инглиз қўшинлари бутун уруш давомида Ироқда қолди.

Трансиордания. Маълумки, Буюк Британия Яқин Шарқдаги яна бир ҳудуд – Ғаластинни бошқаришга ҳам мандат олган эди. 1921 йили Буюк Британия Ғаластиндан махсус амирлик – Трансиорданияни ажратиб олди ва бошқаришни амир Ҳусайнга топширди.

Бу жуда камбағал мамлакат бўлиб, камбағаллик қисман унинг географик шароити: табиий ресурсларнинг камлиги, ҳосилдор ерларнинг етишмаслиги, воҳаларнинг камлиги, аҳолининг сийрақлиги билан боғлиқ эди. Аҳолининг катта қисмини кўчманчи-бадавийлар ташкил қиларди. Инглизлар улардан Араб легионини ташкил қилиб, кўп марта ўз мақсадларида фойдаланди. Умуман мамлакат аҳолисининг катта қисми Араб легионини таъминлаш учун инглизлар ажратган маблағ ҳисобига кун кечирарди.

1928 йил февралда Трансиордания билан Буюк Британия ўртасида шартнома имзоланиб, унга кўра маъмурий функциялар амирга топширилди, инглизлар молия, ташқи сиёсат ва армия устидан назоратни ўзларида сақлаб қолди. Шунинг билан мамлакатда конституция қабул қилиниб, Қонунчилик кенгаши тузилди.

Трансиордания Буюк Британияни фақат стратегик мақсадлар нуктаи назаридан қизиқтиради – инглизлар асосий эътиборни ҳарбий базалар ва инфраструктура объектларини куришга қаратди. 1939 йили Араб легиони қайта ташкил қилиниб, унга «Сахро кўрикчилари» деб номланган отряд қўшилди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан инглизлар Араб легионидан унумли фойдаландилар: легионни таъминлаш учун Буюк Британия ажратган субсидия Трансиорданиянинг ички харажатларидан икки баробар кўп эди.

Арабистон яриморли. Маълумки, XIX аср бошида султон саудларга қарши Миср пошоси Муҳаммад Алини жўнатиб, уларни Арабистоннинг ичкарасига қувиб юборган эди.

XX аср бошига келиб саудлар аста-секин ўзини тиклаб олди: 1902 йил январда 22 ёшли амир Абдул Азиз ибн Сауд пойтахти Ар-

Риёд бўлган ваҳобийлар амирлигини тиклади. Унинг ҳудуди кенгайиб, 1904 йили Нажни ва бошқа ҳудудларни қўшиб олди. Биринчи жаҳон уруши арафасида Ибн Сауд бадавий қабилаларни ўтрок ҳолатга ўтказиб, ваҳобийлик ҳаракатини рағбатлантира бошлади.

Биринчи жаҳон уруши йилларида саудлар хонадони бетарафликни саклади: Усманийлар империяси ва Буюк Британия билан шу сиёсатга мос шартномалар имзоланди. Аммо инглиз эмиссарлари томонидан қўллаб-қувватланган Макканинг шерифи Хусайн 1915 йил июнда Ҳижознинг мустақиллигини эълон қилиб, Туркияга қарши уруш бошлади. 1917 йил ёзига келиб Хусайн Ҳижозни тўлиқ эгаллаб олди.

Биринчи жаҳон уруши якунланганда Арабистон яримролида иккита йирик давлат: маркази Ар-Риёдда бўлган Наж султонлиги ва маркази Макка бўлган Ҳижоз қироллиги мавжуд эди. 1924 йили бу икки давлат ўртасида уруш бошланди. Ибн Сауд Ҳижозни Макка ва Мадина шаҳарлари билан қўшиб босиб олди ва 1926 йили у Ҳижознинг қироли деб эълон қилинди. Шундай қилиб 1926 йил январга келиб давлат ҳозирги чегараларига етди. Ҳижозни янги давлатга мослаштириш осон кечмади. 1926 – 1930 йиллари мамлакатда фуқаролар уруши бўлиб ўтди. Охир-оқибатда ҳолат барқарорлашди. 1932 йил сентябрдан мамлакат Саудия Арабистони қироллиги деб аталадиган бўлди. У кенг ҳудуд ва кўп сонли аҳолига эга давлатга айланди. Қуръон мамлакатнинг конституцияси деб эълон қилинди.

Дастлаб мамлакат жуда камбағал эди. Давлат даромадининг асосий қисмини мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари Макка ва Мадинага ҳаж сафаридан тушадиган маблағ ташкил қиларди. 1938 йили мамлакат ҳудудида нефть захиралари топилгандан сўнг Саудия Арабистонининг шиддат билан бойиш даври бошланди.

Яман. Арабистон яримролининг жануби-ғарбий қисмида қадимги Яман жойлашган. XVII асрдаёқ у амалда мустақил эди, аммо XIX аср ўрталарига келиб расман султонга қарамлик ҳолатига тушди. Усманийлар империяси тор-мор қилингандан сўнг вассал қарамлик бекор қилинди. Тўғри, Аден порти 1839 йилдан инглиз мустамлакаси эканлигидан фойдаланиб, Англия Яманнинг ички ишларига аралашаишга интилни. Шу асосда келиб чиққан инглиз-яман можароси давомида (1918 – 1928) Жанубий Яманнинг анча-

гина қисми инглизлар назорати остида қолди – у ерда инглиз харбий-ҳаво кучлари жойлаштирилди.

Сиёсий тарқоклик туфайли Яманда иқтисодий ва ижтимоий тизимлар ҳам ривожланмаган эди. Аҳолининг 90% и қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, куллар меҳнатидан фойдаланиш ҳам фаол давом этарди. Асосий экинлари жўхори, тарик, арпа, дуккакли экинлар, қаҳва ва хурмо дарахтлари эди. Воҳаларда шакарқамиш ҳам етиштириларди. XIX асрдаёқ Яман ўзининг машҳур қаҳваси – мокко (у ташиб кетиладиган Мохи порти номидан шундай аталган) билан танилди. Аммо кейинчалик рақобат кучайгани сабабли Яман иқтисодиётида қаҳванинг аҳамияти пасайди.

Бу даврда (1963 йилгача) мамлакатнинг ўз миллий пул бирлиги ҳам мавжуд эмасди. Мария Тереза талери деб аталувчи қумуш тангалар муомалада бўлиб, аҳоли орасида улар реал деб аталарди. Бундай ҳолатнинг сақланиб қолишидан мустамлакачилар ҳам манфаатдор эди, зеро тарқоклик аҳолининг этник жипслашувига ва миллий онгнинг ўсишига тўсқинлик қиларди.

1934 йил февралда Яман қироллиги билан Буюк Британия ўртасида шартнома имзоланди: инглизлар қиролликнинг мустақиллигини, Яман ҳукмдори имом Яҳё эса Жанубий Яманда инглизлар ҳукмронлигини тан олди. Барча ҳудудий баҳслар 1974 йилгача тўхтатилди. Бу жуда вақтида юз берди, зеро 1934 йили Яманга Саудия Арабистони ҳужум қилди. Шу пайтда Англия Яман мустақиллигининг қафолати бўлиб қолди.

Яман қироли имом Яҳё Англияга қарши туришга ҳаракат қилди, қўшни Эфиопияга қизиқиш билдираётган Италия билан муносабатларни яхшилашга интилди. Аммо Италиянинг Яманда харбий база қуриб, бу ерда ўрнашиб олишга интилиши Англиянинг қаршилигига учради. 1941 йили Италия Қизил денгизда мағлубиятга учрагандан сўнг Яман Муссолини билан барча алоқаларни узишга мажбур бўлди.

Яман билан қўшни жойлашган Аден Англиянинг мустамлакаси бўлган Аден ва Аден протекторати (23 та князлик, Англия улар билан Биринчи жаҳон урушигача ҳомийлик тўғрисида шартнома имзолаган) дан ташкил топган эди. Мустамлака ва протекторатларни бошқариш тизими 1937 йили ўзгартирилди: шу даврдан бошлаб Аден порти бевосита Лондондан бошқарилди, бошқа князликлар

эса ёки Шарқий, ёки Ғарбий Аден протекторати таркибига кирди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Англиянинг Германия ва Италияга қарши туришида Аден порти муҳим роль ўйнади. Бу ҳудуднинг стратегик аҳамияти ошиб борди.

Уммон. Адендан шарқ томонда Уммон жойлашган. Бу минтақанинг барча ҳудудида ижтимоий-иқтисодий тизим ўта қолоқ бўлиб қолаётган эди. Англия бу князликлар устидан ўз протекторатини ўрнатар экан, фақат ўзининг стратегик манфаатларини тан оларди, холос. Шундан келиб чиқиб, инглизлар бу ерда тинчлик ўрнатувчилик ролини ҳам ўйнади. Англияни бу ердаги доимий тўқнашувлар, Уммон билан Маскат ўртасида баҳсли ҳудудлар учун можаролар доим ташвишга соларди. 1930-йилларга келиб бу ҳудудда инглизларни жалб қиладиган бойлик нефть бўлиб қолди. 1937 йили Англия Уммон султонидан бу ҳудудда нефтни излаб топиш учун концессия олди.

Кувайт. Уммондан шимолда, Форс қўлтиғи зонасида жойлашган Кувайт билан инглизлар узоқ алоқаларга эга бўлган: 1899 йили Англия билан Кувайт ўртасида махфий шартнома имзоланган эди. Расман Кувайт султонга қарам бўлса-да, амалда мустақил сиёсат юритарди. Бу 1901 йили Усманийлар империяси билан Англия ўртасида имзоланган шартномада ҳам акс этди: Англиянинг Кувайтдаги алоҳида манфаатлари тан олинди.

Биринчи жаҳон уруши арафасида, 1913 йили турклар «Кувайт автономияси»ни тан олди, Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан эса Кувайт Буюк Британия протекторатига айланди.

1915 йили мамлакат шайхи Муборак ибн Сабоҳ ас-Сабоҳ вафот этди. Тахтга унинг ўғли Аҳмад ибн Жаббор ас-Сабоҳ келди, 1917 йили эса ҳокимият амир Салим қўлига ўтди. Айни пайтда Кувайт билан унинг қудратли қўшниси Наж ўртасида зиддиятлар кучайди. Аниқ белгиланган чегараларнинг йўқлиги 1920 йил январдан бошлаб бир қатор халқаро можароларга сабаб бўлди. 1920 йил апрелдан 1921 йил октябргача Кувайтнинг катта қисми Саудия қўшинлари томонидан босиб олинди. Аммо 1921 йил мартда қирол Ибн Сауд Кувайт ҳудудига даъвоси йўқлигини эълон қилди.

Янги тахтга келган амир Аҳмад ибн Жаббор ас-Сабоҳ инглиз-параст эди. Унинг даврида Англия билан муносабатлар янада яхшиланди. Англияни энг аввало Кувайтнинг стратегик жойлашу-

ви кизиктирар эди. У бутун Форс қўлтиғи районидаги денгиз ва курукликдаги йўллар чорраҳасида жойлашган. Кувайт жаҳон бозорига энг кўп марварид етказиб берарди. Замонавий Кувайтнинг асосий бойлиги – нефть конлари фақат 1938 йили очилди. Нефтни саноат миқёсида қазиб олиш эса Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланди.

Баҳрайн. XX аср бошларида Баҳрайн ярим феодал ва қабилавий муносабатлар ҳукмрон бўлган қолақ мамлакат эди. Биринчи аҳолини рўйхатга олиш 1941 йили ўтказилди. Унга биноан Баҳрайнда ўша пайтда 89970 киши яшарди, шундан 15930 киши чет элликлар эди. Мамлакатда шиалар билан суннийлар ўртасида доимий тўқнашувлар бўлиб турарди.

Баҳрайнда нефть топилгунга қадар аҳолининг анъанавий машғулоти тури марварид топиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва савдо эди. Давлат даромади ҳам асосан марварид сотишдан ва бож солиғидан тушарди. Марварид овлашда аҳолининг асосий қисми банд бўлиб, 1930-йиллари сатҳида 20 минг киши бўлган 500 тагача кема кунига шу иш билан банд бўларди. 1930-йиллар охири – 1940-йиллар бошларида японлар сунъий марварид ишлаб чиқара бошлагандан сўнг бу касб инкирозга учради.

Баҳрайнда ишлов бериладиган ерлар бошқа араб мамлакатларига нисбатан анча кенг эди. Асосан хурмо дарахти экилиб, меваси экспорт қилинарди. Чорвачилик яхши ривожланмаган эди.

1920-йиллари Форс қўлтиғидаги нефть конлари устидан назоратни қўлга олиш учун Буюк Британия ва Америка компаниялари ўртасида қизғин кураш бўлди. Баҳрайн нефти учун узоқ давом этган кураш инглизларнинг мағлубияти билан якунланди.

1930 йил 12 июнда «Стандарт Ойл Компани оф Калифорния» компаниясининг филиали бўлган «Бахрейн Петролеум Компани» (БАПКО) шайх Ҳамадом билан нефтни излаб топиш ва қазиб олиш бўйича 69 йилга шартнома имзолади. 1932 йили оролнинг ўртасида биринчи нефть кони топилди, 1934 йили эса Баҳрайн нефти юкланган биринчи танкер Форс қўлтиғидан йўлга чиқди. Нефть қазиб олиш мамлакатнинг қиёфасини ўзгартириб юборди. Кишиларнинг сиёсий онги ҳам ўсиб, араб миллатчилиги ғоялари кириб келди.

1934 йили Буюк Британия парламенти Баҳрайннинг «мустақил давлат» сифатидаги мақомини тасдиқловчи биллини қабул қилди.

Аммо инглизларнинг бу ҳаракати мамлакатда авж олаётган мустақиллик учун кураш, иш ташлашлар тўлқинини сусайтира олмади. 1936 йили марварид овловчилар иш ташлади, 1938 йили эса Баҳрайн тарихида биринчи бор БАПКО ишчиларининг иш ташлаши бўлиб, унга чет эллик ишчилар ҳам қўшилди.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланишини мамлакат митинг ва намойишлар билан қарши олди. Намойиш қатнашчилари режимнинг либераллашувини, конституция қабул қилинишини талаб қилди. Уруш йиллари бундай ҳаракатлар давом этди. Аммо 1944–1945 йиллари ҳукумат ўч олишга ва мамлакатда «тартиб ўрнатишга» ўтди. Сиёсий режим учун хавfli жамоат арбоблари аниқланиб, қамоққа олинди, меҳнаткашларнинг норозилиги уруш охирида асосан бостирилди.

Қатар. XX аср бошларида Қатар Араб дунёсининг энг қолок мамлакатларидан бири эди. Аҳолиси 20 минг кишидан кўпроқ бўлиб, кўчманчилар ва бир қисм ўтроқ аҳолидан ташкил топганди.

1913 йили шайх Қосим вафот этгандан сўнг унинг ўрнига келган ўғли шайх Абдулла ибн Қосим ат-Табаний 1916 йил ноябрда Буюк Британия билан шартнома имзолаб, Қатар устидан Британия протекторати ўрнатилди. Лекин шунга қарамадан мамлакатда аксиланглиз кайфиятнинг кучлилигини ҳисобга олган шайх Абдулла кўпчилик ҳолларда, айниқса ички масалаларда мустақил сиёсат олиб боришга интилди.

Минтақада нефть топилгандан сўнг аҳвол мураккаблашди. Қатарда борган сари АКШнинг «Стандарт Ойл Компани оф Калифорния» компаниясининг таъсири кучайиб борди. Бундай ҳолатда инглизлар шайх Абдуллага босимни кучайтирди ва у 1935 йил 17 майда Англиянинг «Петролеум Девелопмент оф Қатар» нефть компанияси билан 75 йилга концессия келишувини имзолади. Компания бутун мамлакат ҳудудида чексиз ваколатларга эга бўлди. Концессионер 1938 йили нефть қудуқлари қовлашни бошлади, аммо бу жараён Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан узилиб қолди. Қатар бевосита жанг майдонларидан узоқда бўлса-да, уруш мамлакатнинг аҳволини оғирлаштирди. Аҳоли бошқа ҳудудларга кўчиб кета бошлади. 1939–1945 йиллари туб аҳоли сони 30 мингдан 25 минг кишигача камайиб кетди.

XXVIII боб бўйича саволлар

1. Мандат тизими унга киритилган мамлакатлар тақдирида қандай роль ўйнади? Бу тизимнинг ижобий ва салбий томонлари нималардан иборат эди?
2. 1930-йиллари Бальфур декларацияси бўйича яҳудийларнинг Германиядан Фаластинга оммавий кўчиши нима билан изоҳланади?
3. Мандат тизими Яқин Шарқда замонавий давлатларнинг шаклланишида қандай роль ўйнади?
4. Жаҳон урушлари оралиғида Ироқнинг сиёсий ривожланишига қандай омиллар катта таъсир кўрсатди?
5. Трансиорданияда инглизларнинг стратегик мақсадлари нимадан иборат эди?
6. Наж киролиги ва Ҳижоз султонлиги бирлашиб Саудия Арабистони киролигининг ташкил қилиниши бу давлатнинг кейинги ривожланишида қандай роль ўйнади?
7. 1943 йили Суриянинг тўлиқ мустақил бўлишида инглизларнинг қандай лойиҳаси асосий роль ўйнади?
8. 1926 йилги Ливан Республикаси нима учун конфессионал асосда қурилган эди?

V БЎЛИМ

ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ

XXIX БОБ. ЖАҲОН УРУШЛАРИ ОРАЛИҒИДА ШИМОЛИЙ АФРИКАДАГИ АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ

Африка қитъасини кенг маънода иккита минтақага бўлиш мумкин: Шимолий ва Тропик Африка. Африка қитъасининг шимолий қисми араб-ислом цивилизациясининг бир қисмига айланди. Бу ҳудуд доим Яқин Шарққа интилиб яшади ва шу билан Африканинг қолган қисмидан фарқ қилади. Анъанавий жамият ўзининг кучли диний-цивилизациявий пойдеворига таянади – исломий давлат бўлган Усманийлар империяси Ўрта асрлардаёқ бу ерда ҳукмронлик қилди.

Миср. Муҳаммад Али (1769 – 1849) ислоҳотлари давридан бошлаб Миср Шарқнинг энг илғор мамлакатига айланди. Расман Усманийлар империяси таркибида бўлган Мисрда 1882 йилдан амалда инглизлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Чет эл, асосан инглиз капиталининг фаол кириб келиши мамлакатнинг жадал ривожланишига олиб келди. Ҳукумат давлат секторида саноат корхоналари қуришни фаол олиб борди, кишлок хўжалигини муваффақиятли ривожлантирди, товар кўринишига эга бўлган кишлок хўжалик маҳсулотларига (пахта, индиго (нил бўёғи), шакарқамиш) давлат монополиясини эълон қилди, кучли мунтазам армияни ва марказлашган маъмуриятни яратди.

Аммо Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан дунёда вужудга келган геосиёсий ҳолат Буюк Британия ҳукуматини Миср устидан Туркия суверенитетини бекор қилиб, Англия протекторатини ўрнатишга мажбур қилди. Ўзининг туркпарастлик қарашлари билан танилган хедив Аббос Ҳалимий ўрнига унинг амакиси Ҳусайн Комил ҳокимиятга келди ва султон унвонини олди. Англия бош

консули олий комиссар деб аталди ва мамлакатда бутун ҳокимият унинг қўлида жамланди.

Миср худудидан инглизлар ўзларининг Фаластин ва Сурияда туркларга қарши ҳарбий операциялари учун плацдарм сифатида фойдаланди. Қўшиннинг саҳродан ўтишини ташкил қилиш учун мисрликлардан «меҳнат корпуси» ташкил қилиниб, унга 500 мингга яқин киши жалб қилинди. Туркларнинг Мисрда кўзғолон кўтаришга уриниши ижобий натижа бермади: 1915 – 1916 йиллари Сувайш каналини эгаллашга уриниши ҳам барбод бўлди. Турк қўшинларига Германиянинг кўрсатган ёрдамларига қарамадан, инглизлар туркларнинг барча ҳужумларини қайтарди. Шу тариқа Миср тўлиқ Англиянинг таъсир зонасида қолди.

Биринчи жаҳон уруши тугагандан сўнг Мисрда яна миллий-озодлик ҳаракати авж олиб, мамлакатнинг мустақиллиги талаб қилинди. Бу курашга Вафд партияси етакчилик қилди. Илгари иккаласи ҳам ашаддий инглизпараст бўлган бош вазир Рушди пошо ва таниқли жамоат арбоби Заглул пошо 1918 йил охирида мавжуд ҳолат тўғрисида Европада музокаралар ўтказиш учун Вафд партиясининг делегациясини ташкил қилди. Аммо инглизлар мисрликлар талабини эшитишдан бош тортиб, вафдчиларнинг тўртта етакчисини камоққа олди. Бу 1919 йил мартда бутун Мисрни қамраб олган инқилобий кўзғолонга олиб келди. Аммо вафдчилар курашнинг микёсидан чўчиб, унда армия ва «меҳнат корпуслари»нинг иштирокини бартараф қилишга уринди.

Кўзғолоннинг шафқатсиз бостирилишига қарамадан, Миср мустақиллиги учун ташвиқот давом этди. Мўътадил таклифлар билан инглизлар томонидан жўнатилган лорд Милнер миссияси маҳаллий аҳоли томонидан бойкот қилинди. Шундан сўнг, Буюк Британия ҳукумати ўз позициясини ўзгартириб, 1922 йил 28 февралда Миср устидан Англия протекторати тугатилганлиги ва Миср мустақиллиги тан олингани тўғрисида декларация эълон қилди. Аммо инглизлар ўзларида бир қатор ҳуқуқларни, жумладан, Сувайш каналини қўриклашни, Миср ишларига чет эллар аралашувидан уни ҳимоялашни, чет элликлар ва миллий озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва Суданни биргаликда бошқаришни ўзида сақлаб қолди.

1923 йил 19 апрелда янги конституция эълон қилинди: Мисрда кирол Фауд I бошчилигида конституцион монархия тузуми

ўрнатилди. Парламент ва етакчи вафдчилар бошчилигида вазирлар маҳкамаси тузилди. Шу тарика вафдчилар чала мустақилликка рози бўлиб, англизлар билан келишувга борди. Аммо бу келишув мустаҳкам эмасди, зеро Мисрнинг ҳақиқий мустақилликка интилиши билан англизларнинг бу ерни ўзида сақлаб қолиш истаги ўртасида катта зиддият мавжуд эди. Мажаро Англия ва Мисрнинг кондоминиуми (ҳамкорликда эгалик қилиш ҳуқуқи) бўлган Судан масаласида келиб чиқди. Аслида кондоминиум номигагина бўлиб, Судан ва Мисрнинг ўзи ҳам Буюк Британиянинг мустамлакаси эди. Вафд Судандаги аксиланглиз ҳаракатни қўллаб-қувватлади. 1924 йили Вафд раҳбарлари Судандан англиз қўшинларини олиб чиқиш ва Суданни Миср билан бирлаштириш масаласини қўйганда, англизлар вафдчилар ҳукуматини бартараф қилишга қарор қилди. Суданнинг англиз генерал-губернатори мисрлик террорчи томонидан ўлдирилгандан сўнг Судандаги Миср қўшинларига қарши жанглар бошланиб кетди. Вафдчилар ҳукумати қаршилик кўрсатмасдан, истеъфога чиқди. Аммо навбатдаги сайловларда улар яна кўпчилик овозни олди.

1929 – 1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози Миср иқтисодиётига, биринчи навбатда пахтачиликка катта зарар етказди. Пахтачилик мамлакат иқтисодининг асосий маҳсулотиди. Англизлар ирригация иншоотларига катта маблағ сарфлаб, пахтачиликнинг ривожланишини рағбатлантирди, Мисрда англиз тўқимачилик саноати учун муҳим хомашё базаси яратилди. Пахта бошқа экинларни сиқиб чиқарди. Бир пайтлар Ўрта Ер денгизи ҳавзаси мамлакатларини ғалла билан таъминлаган Миср, энди уни ўзи сотиб олишга мажбур бўлиб қолди.

Инқироз маҳаллий саноатни ҳам издан чиқарди. Саноат ривожланишининг умумий даражаси анча паст эди. Мамлакатда вужудга келган фабрика- завод саноати маҳаллий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, асосан пахтани тозалаш билан банд эди. Мисрда йирик оғир саноат мавжуд эмасди.

1930 йили вафдчилар ҳукумати миллий буржуазия босими остида рағбатлантирувчи бож солиғини жорий қилди. Чет эл, биринчи ўринда англиз монополиялари бу юқори бож тарифидан Мисрдаги ўз капиталини оширишда фойдаланди. Ишсизларнинг жуда катта армияси, фавқулодда арзон ишчи кучи чет эл капитални ҳажмининг ошишига олиб келди.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатда озодлик курашининг янгидан кўтарилишига сабаб бўлди. Англия ҳукумати томонидан Мисрга тиқиштирилаётган янги шартнома бу курашнинг бошланишига баҳона бўлди. Шартнома лойиҳаси шундай норозиликни келтириб чиқардики, 1930 йили бош вазир бўлган вафдчилар етакчиси Наххос пошо уни қабул қилишдан бош тортди. Қирол Фауд I парламентни тарқатиб юборди ва Наххос пошо ҳукуматини истеъфога чиқарди. Янги ҳукуматни катта ер эгалари ва йирик капитал вакили Исмоил Сидқи пошо бошқарди.

Сидқи пошо реакцион режимининг ўрнатилиши иктисодий инкироз даврига тўғри келди. Мамлакатда инглизлар ва реакцион ҳукуматга қарши шиорлар остида намойиш ва митинглар бошланиб кетди. Мансур шаҳрида вафдчилар томонидан уюштирилган намойиш полиция томонидан ўққа тутилиб, 22 киши ўлдирилди, юзлаб кишилар ярадор қилинди. Шу куни Қохира, Александрия ва Порт-Саид шаҳарларида ҳақиқий жанглар бошланиб кетди, Сувайш шаҳри эса бир муддат исёнчилар томонидан эгаллаб олинди. Бироқ кўзғолонлар бостирилди.

1930 йил октябрда Сидқи пошо 1923 йилги конституцияни бекор қилди ва депутатларнинг ижро ҳокимияти ишларига аралашувини тақиқловчи янги таҳрирдаги конституцияни жорий қилди. Айна пайтда ҳукумат Вафд партияси таъсири остида бўлган бир қатор касаба уюшмалари фаолиятини тақиқлади, полиция ҳузурида иш ташлашларнинг олдини олиш билан шуғулланувчи бюро ташкил қилинди. Ишсизликка, иш ташлашларга қарши курашувчи яна бир қатор комиссиялар тузилди. Мисрдаги инқилобий кучларни бостиришга қаратилган бу тадбирлар натижасида ҳукумат ўз мақсадига эришмади. 1931 йил майда бутун мамлакат бўйлаб иш ташлаш ҳаракати бошланиб кетди. 1934, 1935 йиллари ҳам иш ташлаш ҳаракати тўхтамади.

Халқаро аҳволнинг кескинлашуви ва жаҳон инкирози туфайли Мисрда вужудга келган хавfli ҳолат, Германияда Гитлернинг ҳокимиятга келиши ва фашистик Италиянинг 1935 йили Абиссиния (Эфиопия)га ҳужуми Буюк Британия ҳукуматини Мисрдаги сиёсатини ўзгартиришга мажбур қилди. Улар Миср ҳукумати билан келишиш орқали ички ҳолатни юмшатишга киришди. Жиддий ҳарбий кучларга эга бўлмаган Миср ҳам дунёда вужудга келаётган хавfli

ҳолатда инглизлар ёрдамсиз ўзини ўзи ҳимоя қила олмаслигини тушунар эди.

1935 йил декабрда 1923 йилги конституция тикланди, 1936 йил майда бўлиб ўтган сайловларда вафдчилар кўпчилик овозни олиб, Наххое пошо бошчилигида ҳукумат тузди.

1936 йил августда Миср делегацияси Англия билан шартнома имзолади. 20 йил муддатга имзоланган бу шартномага биноан Мисрда инглиз оккупацияси тугатилганлиги эълон қилинди, олий комиссар Англия элчиси мақомини олди. Шартнома Сувайш канали ҳудудида, Қоҳира ва Александрияда инглиз кўшинларининг жойлашишига рухсат берди; Англия ҳарбий кучлари Миср аэродромларидан фойдаланиш ва Миср ҳудуди устида учиш ҳуқуқини олди; Миср армияси инглиз ҳарбий миссияси назоратига олинди. Шу тариқа, 1936 йилги шартнома бир томондан, мустақил Миср ҳукуматининг ваколатларини анча кенгайтди, иккинчи томондан, Англиянинг Мисрдаги ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Вафдчилар ютуғи бўлган бу шартнома миллий буржуазиянинг келишувчанлигини намойиш қилди.

1937 йили Миср Миллатлар Лигасига қабул қилинди; шу йили Монтрада бўлиб ўтган конференцияда қайси давлатлар фойдасига капитуляция режими мавжуд бўлса, уларнинг барчаси бу режимнинг бекор қилинганлигини тан олди.

Либерал-конституционалистлардан ташкил топган янги ҳукумат 1936 йил августда инглизлар билан янги келишув имзолади. Бу келишув инглизларнинг Мисрдаги ҳарбий-стратегик қурилиши дастурини кенгайтди, Англия базаларидаги бир қатор иншоотлар ва коммуникациялар учун харажатларни Миср зиммасига юкледи.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Италиянинг Германия томонида урушга кириши, Тинч океанидаги уруш ҳаракатлари, Япониянинг Ҳиндистонга ҳавф сола бошлаши, Олд Осий ва Шимолий Африкадаги уруш ҳаракатлари ва сиёсий аҳволнинг мураккаблиги Мисрни Англия мудофаа тизимидаги муҳим пунктга айлантирди. Бу ерда Англия ҳарбий қўмондонлиги штаби ҳамда Яқин Шарқ ва Шарқий Африкада ҳаракатланувчи иттифоқчи кўшинлар таъминот маркази жойлашди. Англия Мисрнинг мудофаа тизимини мустаҳкамлаш чораларини кучайтирди. Кўплаб ҳарбий иншоотлар ва йўллар қурилди. Миср армиясининг ўзи ҳам кучайтирилди.

Харбий буюртмалар ва Мисрга чет эл товарлари келишининг қисқариши саноатнинг бир оз юксалиши ва ишчилар сонининг кўпайишига олиб келди. Уруш йиллари йирик ва ўрта саноат корхоналари сони кўпайди, янги акционерлик жамиятлари тузилди. Аммо кўплаб корхоналар чет эл капиталига тегишли эди.

Уруш аҳолининг аҳволини оғирлаштирди, ишчиларнинг реал иш ҳақи камайди. Инглиз қўшинларини озик-овқат билан таъминлаш эҳтиёжи туфайли пахта экиладиган майдонлар қисқартирилди, деҳқонларнинг даромади ҳам камайди. Очарчилик бошланди.

Миср ҳукумати мамлакатни урушга жалб қилмаслик позициясида турди. Кўпчилик сиёсий кучлар, жумладан, вафдчилар ҳам шу сиёсат тарафдори эди. Вафдчилар Англия ҳукумати уруш тугаши билан Мисрдан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга ва 1938 йили сайланган реакцион парламентни тарқатиб юборишга ваъда берган тақдирда у билан ҳамкорлик қилишга рози бўлди. Миср феодалларининг қирол Фарук бошчилигидаги энг реакцион гуруҳи, шунингдек, либерал-конституционалистлар партияси фашистик давлатларга эътибор қаратди. Миллий буржуазиянинг инглиз капитали билан боғланган қисми Англия билан тўлиқ ҳамкорлик қилиш, Германия ва Италияга уруш эълон қилиш тарафдори бўлиб чиқди. Уруш арафасида улар Вафддан ажралиб чиқиб, Саад партиясини тузди.

1940 йили Италиянинг Африкадаги тажовузкор сиёсати туфайли Миср ҳукумати у билан дипломатик муносабатларни узди. Бош вазири баёнот бериб, «Миср Италия томонидан ҳужумнинг учта туридан бирига: агар итальян аскарлари Миср ҳудудига бостириб кирса, Италия Миср шаҳарларини бомбардимон қилса, Италия Мисрнинг харбий объектларига ҳаво ҳужуми уюштирса Миср урушга кириши мумкин», деди. Аммо бу шартлар аниқ бўлганда, масалан, итальянлар Сиди-Баррани ишғол қилиб, Миср ҳудудига 100 км кириб келганда ҳам Миср урушга кирмади. 1940 йил декабрда инглизлар итальянларни Миср ҳудудидан қувиб чиқди.

Фашистларнинг очик тажовузкорлигига қарамасдан, Вафд лидерлари ва айрим бошқа сиёсий гуруҳлар ҳамон Мисрнинг уруш эълон қилмаслигини талаб қилди. 1941 йил баҳорда немис-итальян қўшинлари Миср ҳудудига бостириб кирди, аммо ноябрда инглизлар қарши ҳужумга ўтиб, 1942 йил январда Мисрни босқинчилардан тўлиқ тозаллади.

Аммо 1942 йил баҳорда немис-итальян қўшинлари Мисрга янгидан ҳужум бошлади. 1942 йил ёзда Александрия ва Нил водийси хавф остида қолди. Инглизлар ўз доминионлари ва АҚШ ёрдамида немис-итальян қўшинларининг Нил водийси ва Сувайш каналини босиб олиш режасини барбод қилди. Ал-Аламейн ёнидаги йирик жанг инглизлар ғалабаси билан яқунланди ва Роммель армиясини ғарбга қараб чекинишга мажбур қилди. Германия қўшинларининг Сталинград остоналаридаги мағлубияти қўшинларнинг бир қисмини Африкага ёрдамга жўнатиш имкониятини бермади. Англия армиясининг ғарбга қараб юриши 1943 йил майда Шимолий Африкадаги немис-итальян қўшинларини тўлиқ йўқ қилди. Бу Германия ва унинг сателлитлари томонидан Мисрга солинаётган хавфни тўлиқ бартараф қилди.

1945 йил февралига келиб Миср фашистик давлатларга қарши урушга расман қўшилди. Бу билан Миср 1945 майда БМТни тузишда иштирок этиш имконига эга бўлди. 1945 йил мартда инглизлар ташаббуси билан Араб давлатлари лигаси тузилиб, бу ташкилотда ҳам Миср етакчи роль ўйнади. Лиганинг штаб-квартираси Қохирада жойлашди.

Судан. XX аср бошларида Судан Буюк Британиянинг мустамлакасига айлантирилган эди. Мамлакатда бутун ҳокимият инглиз генерал-губернатори қўлида жамланди. Суданнинг бу ҳуқуқсиз ҳолати 1899 йил Буюк Британия ва Миср ўртасида имзоланган конвенцияда белгилаб қўйилди.

Биринчи жаҳон уруши Суданнинг ички ҳолатига кам таъсир кўрсатди. Суданни унинг ҳозирги чегаралари доирасида инглизлар томонидан забт этилиши 1916 йили яқунланди. Суданни иктисодий жиҳатдан асоратга солишни мустамлакачилар, биринчи навбатда, унинг ҳосилдор ерларини экспроприация қилиш, Нил дарёси сувлари устидан назорат ўрнатиш орқали амалга оширди. 1925 йили Сеннар тўғони қурилиб, сув муаммоси Судан фойдасига ҳал қилинди (Нил дарёси сувининг 90% ини Миср оларди). Суғориладиган ерларга пахта экилди. Суданда пахта яккахокимлиги ўрнатилиб, у Англиянинг хомашё базасига айлантирилди. 1930 йили пахта майдонлари 176 минг гектарга етказилиб, Судан экспортининг 75% ини пахта ташкил қилди. Пахтани ташиб кетиш учун 3,5 минг км темир йўллар ва Қизил денгизда Порт-Судан порти қурилди. Шу йўллар орқали Англиядан Суданга саноат маҳсулотлари етказиб келинди.

Мустамлакачиларнинг иқтисодий сиёсати Судан халқига кашшоқлик олиб келди. Феодал муносабатларни аста-секин вайрон қилди, буржуа муносабатларнинг шаклланиши учун имконият яратди. Эски феодаллар йирик аграр буржуазияга айланиб борди. Аҳолининг 90% ини ташкил қиладиган деҳқонлар хонавайрон бўлиб, ерларидан айрилди, ишсизлар ва қишлоқдаги ёлланма ишчилар қаторини тўлдирди.

XX асрнинг биринчи ярмида Суданда янги шаҳарлар қурилди ва шаҳар аҳолисининг сони кўпайди. Иккинчи жаҳон уруши бошланишида мамлакатда 60 та шаҳарлар бўлиб, улар аҳолисининг умумий сони 700 минг кишига (мамлакат аҳолисининг 8% и), жумладан, пойтахт Хартумда 200 минг кишига етди. Провинцияларнинг марказларида саноат корхоналари, маданият обидалари пайдо бўлди. Аммо миллий буржуазия кам сонли ва сиёсий фаолиятсиз эди.

Судандаги сиёсий ҳолатга аввалгидек диний оқимлар катта таъсир кўрсатарди. Бу ерда кўплаб суфийлик тариқатлари бўлиб, уларнинг барчаси ислом динининг суннийлик мазҳабига мансуб эди. Улар ичида энг йириклари бўлган Ал-Ансар ва Ал-Хатмия сиёсий ташкилотлар ва партиялар тузиш ташаббускорлари бўлди. Биринчи жаҳон урушидан кейин шаҳарларда ҳарбийлар ва зиёлилар вакиллари «Судан иттифоқи лигаси», «Оқ байроқ лигаси», «Нил водийси бирлиги» каби яширин ташкилотлар тузди. Умуман олганда, жаҳон урушлари оралиғида Судандаги миллий-озодлик ҳаракати ҳали умуммиллий миқёс касб этмади. Шаҳарликлар ва айрим қабилаларнинг кўзголонлари бостирилди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Судан ҳудудида уруш ҳаракатлари олиб борилмади. Суданликлар ҳарбий хизматга чақирилиб, жанг қилиш учун бошқа мамлакатларга жўнатилди, меҳнат корпуслари ҳам ташкил қилинди. Мустамлака тизимининг инкирози ва Судандаги ички ҳолат мустақиллик учун курашнинг янги босқичини тайёрлади. Бу босқичда сиёсий партиялар тузилди ва курашга ташкилий тус берилди. Уруш йиллари Суданда коммунизм ғояси кенг тарқалди. Уруш охирида марксистик тўғарақлар коммунистик партия тузиш учун замин тайёрлади ва у 1946 йили ташкил қилинди.

Жазоир. Расман мустақил давлат бўлган Мисрдан фарқли равишда Жазоир XIX асрдаёқ Франциянинг мустамлакасига айлан-тирилган эди. Жазоирни ўзлаштириш катта тезлик билан олиб

борилди. Бу ерда узумчилик билан шуғулланувчи европаликларнинг катта қатлами пайдо бўлди. Улар ичида Франция, Испания, Греция, Италия, Швейцариядан келганлар кўпчиликини ташкил қилар эди. Инфратузилмалар, турли хил маданий ва маърифий асоциациялар, соғлиқни сақлаш тизими ривожланди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Жазоирнинг роли кескин ошди: Францияга озик-овқат маҳсулотлари олиб кетиш кўпайди, мамлакат аҳолиси орасида ҳарбий хизматга чақирув ўтказилди. Усманийлар империяси ва Германия ёрдамида мустақилликка эришишни истаётган гуруҳлар ҳам бўлса-да, Жазоир аҳолисининг мутлоқ кўпчилиги урушда Франциянинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Араб аҳолисининг Биринчи жаҳон урушида иштироки миллий ўзликни англаш жараёнининг ривожига катта туртки бўлди. «Ёш жазоирчи», «Сараланган мусулмонлар федерацияси», «Шимолий Африка юлдузи» каби анча таъсирли ташкилотлар пайдо бўлди. Урушдан кейин чет элларда бўлган 250 минг киши Жазоирга қайтиб келди, бу ҳам сиёсий кайфиятнинг ўзгаришига таъсир кўрсатди.

Буларнинг ҳаммаси Францияни ўз сиёсатини ўзгартиришга мажбур қилди: 1919 йили араблар ва европаликлар тўлайдиган солиқлар ўртасидаги фарқ бекор қилинди; маҳаллий аҳоли маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимларига сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Аммо кишиларнинг мақомидаги фарқ сақланиб қолди: европаликлар граждандар, араблар эса сиёсий ҳуқуқларга эга бўлмаган фақирлар эди.

Жазоирликлар сиёсий фаоллигининг ошиши Жазоирдаги ишчилар миллий таркибида араблар сонининг ошишига олиб келди. Миллий онгнинг шаклланишига турли газета ва бошқа нашрлар ҳам кучли таъсир кўрсатди. Улар арабларнинг Францияга бориши учун чекловларнинг бекор қилинишини талаб қилди ва 1928 йили бунга эришди.

Жаҳон иқтисодий инқирози аҳоли асосий қатламларининг аҳволини кескин оғирлаштирди, диний ислохотчиларнинг фаоллашувига туртки бўлди. 1936 йили улар томонидан Жазоирнинг мустамлака мақоми бекор қилишга қаратилган «Жазоир халқи талаблари хартияси» номли ҳужжат қабул қилинди.

Жазоирга янги ҳуқуқлар 1936 йили Франциядаги Халқ fronti ҳукумати томонидан берилди: сиёсий партиялар ва касаба уюш-

малари тузиш, ҳақ тўланадиган таътил, 40 соатлик иш ҳафтаси ҳуқуқлари берилди; давлат мақомини ўзгартириш режалаштирилди. Аммо Францияда сиёсий ҳолат ўзгарди. 1937 йили «Жазоир халқ партияси» жазоирлик миллатчилар манфаатларини ифода этади. 1938 йили яна бир ташкилот – «Жазоир халқи иттифоқи» тузилиб, унга кейинчалик Жазоир мустақиллиги учун кураш етакчиси Фарҳод Аббос бошчилик қилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўплаб мусулмонлар Францияни қўллаб-қувватлади, француз армияси сафига кирди. 1940 йили Франция мағлубиятга учрагандан сўнг ҳокимиятга келган «Виши» ҳукумати Жазоирни Германия ва Италиянинг хомашё базасига айлангирди.

1942 йил инглиз-америка қўшинлари Жазоирга кириб келди, 1943 йили ҳокимият генерал де Голль ташкилоти қўлига ўтди. У 1944 йил августда Парижга кўчиб ўтгунга қадар шу ерда қолди.

Шундан сўнг миллатчи радикал ташкилотларнинг мустақиллик учун чиқишлари бошланиб кетди. 1945 йил май ойида араб аҳолиси ичида ғалаёнлар бошланиб, кўплаб европаликлар ҳам ҳалок бўлди. Бунга Франция ҳукумати Жазоир қишлоқларини оммавий бомбардимон қилиш билан жавоб берди. Бу воқеа Жазоирда сиёсий зиддият анча кескин эканлигини яна бир бор эслатди.

Тунис. Хукмрон Ҳусайнийлар сулоласи ташки сиёсат ҳуқуқини французларга берган 1881 йили Тунис Франциянинг протекторати-га айланган эди. 1883 йилдан кейин ҳокимият тўлиқ француз резиденти қўлига ўтди.

Франция ҳукумати мамлакатни фаол ўзлаштиришга киришди, бу ишга европалик мустамлакачиларни кенг жалб қилди, бу эса Тунисда миллатчилик кайфиятларининг ўсишига олиб келди.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг, 1920 йили Тунисда Дастур партияси тузилди. У мамлакат аҳолиси ҳуқуқларининг тенглаштирилишини ва мусулмонларнинг бошқарув ишларида иштирок этишини талаб қилди. Натижада 1922 йили Катта кенгаш тузилиб, унга мамлакат барча аҳолисининг вакиллари киритилди.

Бу миллатчиларнинг фаоллашувига олиб келди. Бир қисм дастурчилар француз маъмурлари билан ҳамкорлик қила бошлади. 1920-йиллар Тунис иқтисодиёти учун муваффақиятли келди, экспорт жадал суръатлар билан ўсди. Аммо жаҳон иқтисодий инқирозидан сўнг мамлакатда ишсизлар сони кескин ошиб кетди,

1935 йили дахшатли курғоқчилик бўлиб, мамлакатнинг силласини куритди.

Миллатпарвар зодагонларнинг ёш авлоди фаоллашди: адвокат Ҳабиб Бурғиба 1934 йил мартда «Янги Дастур» партиясини тузди. Унинг обрўси тез ўсиб борди. 1936 йили Францияда Халқ fronti даврига келиб, кўплаб филиаллар, нашрлар ва ижтимоий ташкилотларга эга бўлган «Янги Дастур» Туниснинг энг таъсирли сиёсий ташкилотига айланди.

1936 йили Тунисда сиёсий ҳаётни демократлаштириш бошланиб, Франция ҳукумати билан «Янги Дастур» партияси ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Аммо Францияда юз берган сиёсий ўзгаришлар туфайли музокаралар якунланмай қолди, «Янги Дастур» партияси муҳолифатга ўтди. Мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди, Ҳ. Бурғиба ва унинг сафдошлари қамоққа олинди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Туниснинг араб аҳолиси орасида германпарастлик кайфиятлари тарқала бошлади. 1940 йили Франция мағлубиятга учрагандан сўнг «Виши» ҳукумати Катта кенгашни тарқатиб юборди, мамлакатда террор режимини жорий қилди. Мустамлака маъмурияти билан 1942 йили ҳокимиятга келган Туниснинг янги бейи ўртасида ҳам муносабат ўрнатишнинг иложи бўлмади.

1942 йили ноябрда Тунисни Германия қўшинлари эгаллаб олди. Франция мустамлака тизими бекор қилинди. Германия қўмондонлиги Тунисда ўз комендатурасини ташкил қилди ва у 1943 йил майгача сақланиб турди. Немислар маҳаллий миллатчиларни ўз томонига жалб қилишга уринди, ҳокимият Монсуф бей ва унинг ҳукумати қўлига берилди. Аммо француз турмасидан озод қилинган Ҳ. Бурғиба немислар билан ҳамкорлик қилмади.

Тунисдаги немис ва итальян қўшинлари таслим бўлгандан кейин француз маъмуриятининг барча тизимлари тикланди. Фашистлар билан ҳамкорлик қилган миллатчиларни таъқиб қилиш бошланди. Фақат 1944 йил мартда сиёсий партиялар фаолиятига руҳсат берилди ва умумий сиёсий авф эълон қилинди.

Марокаш 1912 йили Франциянинг протекторатига айланди, унганча Италия, Буюк Британия, Испания, Германия, Португалия бу мамлакатга қизиқиш билдириб келаётган эди. Франция 1912 йил Испания билан шартнома имзолаб, Марокашнинг шимолий ва ғарбий қисми устидан Испания ҳукмронлигини тан олди.

Марокаш – табиий ресурсларга фавкулудда бой мамлакат, французлар бу бойликларни ўзлаштириш учун жуда катта маблағ сарфлади, темир йўллар қурди, энергетикани, алоқа воситаларини ривожлантирди. 1 млн гектарга яқин ерларни европалик мустамлакачиларга бериб, фермер хўжалигини ривожлантирди.

1920 йили тоғли қабилалар испанларга қарши уруш бошлади, унга французлар ҳам аралашди. Исёнчилар 1921 йили Абдул Карим бошчилигида ўз давлати – Риф республикасини туздилар. Фақат 1926 йилга келиб французлар тоғлик қабилалар қаршилигини енга олди.

1920-йиллари француз компаниялари Марокаш ер ости бойликларини казиб олиш ва Францияга жўнатишни йўлга қўйдилар, Франция манфаатлари йўлида қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, коммуникация тизими ривожлантирилди.

1930-йиллар бошидан миллатчилар ҳаракати кучайди – 1934 йили Марокаш миллий ҳаракат блоки тузилди. Бу ҳаракат Марокашни бошқаришда султон ваколатларининг кенгайтирилишини талаб қилиб чиқди. 1936 йили Францияда Халқ fronti ғалаба қозонгандан кейин Марокаш блоки ҳам мамлакатда демократик ўзгаришлар ўтказилишини талаб қилди. 1937 йили улар фаолияти тақикланди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Виши» ҳукумати Марокаш-ни ҳам фашистик давлатларнинг хомашё базасига айлантиришга уринди.

1942 йили англо-америка қўшинлари Марокашга кириб келди. 1943 йил январда Касабланкада Ф. Рузвельт ва У. Черчилль учрашди. Бу учрашув чоғида Ф. Рузвельт Марокаш султони Муҳаммад бен Юсуф билан учрашди. Султон АҚШ президентида яхши таассурот қолдирди. 1943 йил августда султон билан генерал де Голль ҳам учрашди ва Марокаш мақомида катта ўзгаришлар бўлади, деб ваъда берди. 1943 йили тузилган Истиклол партияси 1944 йили биринчи марта Марокашнинг тўлиқ мустақиллигини талаб қилди. Аммо султон французларга садоқат сақлашда давом этди.

Ливия. Мисрдан ғарбда жойлашган Ливия Биринчи жаҳон урушигача Усманийлар империясининг автоном қисми эди; 1912 йил октябрда тузилган шартномага биноан Ливияни бошқариш ҳуқуқи Италияга ўтди. «Ливия» деган номнинг ўзи ҳам 1913 йили пайдо

бўлди – Киренаика, Триполитания ва Феццанадан иборат мустамлакани италияликлар шундай деб атадилар.

Биринчи жаҳон уруши йиллари Италиянинг Ливиядаги ҳокимияти анча кучсиз эди: у фақат баъзи йирик шаҳарлар устидан назоратини сақлаб қолди. Италиянинг эътибори асосан Европадаги воқеаларга қаратилди, у ерда итальян армияси жиддий мағлубиятга учраётган эди. Уруш йиллари Ливия амалда иккига – Киренаика (1915) ва Триполитанияга (1918) бўлиниб кетди.

Биринчи жаҳон урушидан кейин Италия Ливияга 70 минг кишилик қўшин киритди, аммо миллий етакчилар билан бўлган учрашувда тинчликка келишилди. 1921 йили Триполитания ва Киренаикани бирлаштиришга қарор қилинди. 1922 йил октябрда Идрис Сенуси бу вилоятлар ҳукмдори деб эълон қилинди.

Италияда ҳокимиятга Муссолини келгандан сўнг Ливияга босим кучайди. 10 йиллик уруш бошланиб, унда ливияликлар қаршилик ҳаракати отрядлари 30 минг кишилик итальян қўшинларига қарши кураш олиб борди. 1931 йили қаршилик ҳаракати бостирилиб, унинг раҳбарлари қатл қилинди.

Ливия Италиянинг мустамлакасига айлантирилди. Унинг бойликларини тез ўзлаштириш бошланди: ҳосилдор ерларда ғалла етиштириш жадал ривожлантирилди. Фашистлар ҳукумати Ливияга кўчиб келувчиларни рағбатлантирди – 1940 йилгача 110 минг италиялик бу ерга кўчиб келди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Италия Ливиянинг қулай стратегик жойлашувидан фойдаланди: портлар, аэродромлар, йўллар қурилди. Мамлакат худуди уруш ҳаракатлари майдонига айланди ва 1942 йил охири – 1943 йил бошларида инглиз қўшинлари томонидан забт этилди. Қиргоқбўйи ҳудудларига АҚШ қўшинлари ва Франция қаршилик ҳаракати жангчилари туширилди. Фақат уруш тугагандан сўнг Ливияда мустақиллик учун курашувчи сиёсий ташкилотлар пайдо бўла бошлади.

Мавритания. XX аср бошларида Франция мустамлакасига айлантирилди. Мавританияликлар мустақиллик учун тўхтовсиз кураш олиб борди. 1920 йили Мавритания расман Франциянинг Ғарбий Африкадаги мустамлакаси таркибига киритилгандан кейин ҳам бу ерда аксилмустамлакачилик кураши тўхтамади. Аммо мустамлакачиларнинг катта устунлиги охир-оқибатда маҳаллий аҳоли қаршилигини енгди. 1935 – 1936 йиллари Франция Маври-

танияни эгаллагандан бери биринчи марта ўзининг Шимолий ва Тропик Африкадаги мустамлакалари билан тўғридан-тўғри транспорт алоқасини ўрнатди. 1930-йиллари Мавританиянинг Акжужт ва Форт-Гуро районларида мис ва темир конларининг очилиши француз монополистлари учун катта фойда манбаи бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан мавританияликларга солиқ юки оширилди, улар ёрдамчи ҳарбий ва курилиш ишларига мажбурий жалб қилинди.

1940 йил июндан 1942 йил декабргача Виши ҳукуматининг бепарволиги туфайли ирқий террор ва ҳақсизлик авжига чикди: амалда ҳеч ким томонидан назорат қилинмаган қуллик кучайди, озиқ-овқат ва мол-мулки тортиб олинишидан норози бўлганлар каттиқ кийноққа солинди. Генерал де Голлнинг «Озод Франция» ташкилотига хайрихоҳ бўлганлар отиб ташланди. Шимолий Африкага иттифокчилар қўшинлари туширилгандан сўнг Франциянинг бошқа мустамлакалари каби Мавритания ҳам Франция миллий-озодлик қўмитаси ихтиёрига ўтди ва гитлерчилар коалициясига қарши урушга киришди.

1944 йил январь – февраль ойларида Браззавилда бўлиб ўтган конференцияда Франция миллий-озодлик қўмитаси вакиллари африкаликларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини бериш сиёсатини олиб боришини билдирди. Мавританияликлар ғалабага ўз ҳиссаларини қўшишига қарамасдан уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мақомида ўзгариш юз бермади.

XXIX боб бўйича саволлар

1. Мисрнинг мустақилликка эришишида «Вафд» партияси қандай роль ўйнади? «Вафд»чилар ҳукуматининг ислохотчилик тадбирлари ҳақида гапириб беринг.
2. 1936 йили Буюк Британия билан имзоланган шартноманинг Миср учун аҳамияти тўғрисида гапириб беринг.
3. Жазоир аҳолисининг Биринчи жаҳон урушида иштироки бу ерда миллий ўзликни англаш жараёнига қандай таъсир кўрсатди? Жазоирликларнинг мустақиллик учун кураши нималарда намоён бўлди?
4. Тунис мустақиллиги учун курашда Дастур ва Ҳ. Бурғиба бошчилигидаги «Янги дастур» партияларининг роли ҳақида гапириб беринг.
5. Марокашнинг ер ва ер ости бойликларидан асосан қандай мақсадларда фойдаланилди?

6. Италияда ҳокимиятга Муссолини келгандан сўнг Ливияни бошқариш сиёсатида қандай ўзгаришлар юз берди.
7. Иккинчи жаҳон уруши йилларида араб аҳолиси орасида германпарастлик кайфиятларининг тарқалишига нималар сабаб бўлди?

XXX Б О Б . Ж А Ҳ О Н У Р У Ш Л А Р И О Р А Л И Ғ И Д А Ғ А Р Б И Й , Ш А Р Қ И Й В А Ж А Н У Б И Й А Ф Р И К А М А М Л А К А Т Л А Р И

XX аср бошларида Африка. Европаликлар яқингача Африка тарихини назар-писанд қилмасди – кўпчилик бу тарих умуман бўлмаган деб ҳисобларди. Албатта Африканинг ўз тарихи бор. Афсуски бу тарих XX асрнинг бошларигача европаликлар назарида фақат қул савдоси ва иқтисодий талончилик билан боғлиқ бўлди.

Қул савдосининг Африка учун энг оғир оқибатларидан бири психологик ҳолат бўлди: инсон ҳаёти қадрсизланди, қулдорлар ва қулларнинг деградацияси юз берди. Қулчиликнинг энг ғайриинсоний кўриниши – иркчилик мафқураси шаклланди. Тўрт аср ичида кўпчиликнинг, аввало европаликларнинг, тасавурида қул деганда африкалик, яъни қора танли одам акс этадиган бўлиб қолди.

Буюк француз буржуа инқилоби қулликни бекор қилди. Бирок дунёнинг катта қисмида, жумладан, қуллик расман бекор қилинган давлатларда ҳам қулликдан кам фарқ қилувчи муносабатлар шакли, мажбурий меҳнат узоқ сақланиб қолди, баъзи бир ҳудудларда, афсуски ҳозир ҳам мавжуд.

1926 йили Миллатлар Лигаси томонидан қабул қилинган «Қуллик ҳақида» конвенцияда қуллик ва қул савдосига қуйидагича таъриф берилган:

Қуллик деганда шахснинг шундай мақоми ёки ҳолати тушуниладики, унда шахсга нисбатан мулк ҳуқуқига хос бўлган баъзи ёки тўлиқ ваколатлар амалга оширилади.

Қул савдоси деганда қайсидир кишини сотиб олиш ёки қулликка маҳкум этиш мақсадида унга эгалик қилиш билан боғлиқ барча ҳаракатлар; сотиш ёки алмаштириш мақсадида қулни сотиб олиш билан боғлиқ барча ҳаракатлар; сотиб олинган шахсни сотиш ва алмаштириш бўйича амалга оширилган барча ҳаракатлар; ва умуман қулларни сотиш ва ташиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат қул савдоси деб баҳоланади.

Куллик Миллатлар Лигасининг 1926 йилги шартномасида ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1948 йили қабул қилган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да ҳамда инсон ҳуқуқларига бағишланган бошқа халқаро ҳужжатларда кораланган.

БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» 4-бандида куллик тушунчаси кенгайтирилиб, ўз иродаси билан меҳнатдан воз кеча олмайдиган ҳар қандай шахс куллик қурбони деб тан олинди.

Халқаро Меҳнат ташкилоти (ХМТ) инсоннинг ўз хоҳишига хилоф равишда меҳнатга жалб қилинишини, қонуний меҳнат ҳуқуқларининг бузилишини, бошқа шахснинг назорати остида меҳнат қилишини, ишчига нисбатан жисмоний зўравонликнинг қўлланилишини ишчининг қуллик ҳолати белгилари деб ҳисоблайди.

Албатта, инсоният тарихида куллик фақат европаликлар босқини натижасида юзага келган ҳодиса эмас. Аммо янги ва энг янги даврдаги куллик асосан европаликларнинг мустамлакачилик интилишлари билан боғлиқ. Улар XVIII асрдан Африкани забт этиб бошлаган бўлса, бу жараён XX асрда ўз якунига етди. Европаликлар қарийб уч аср давомида Африка бойликларини талади. Бу бойликлар XVIII асрда – қулла, XIX асрда – табиий бойликлар (ноёб ва рангли металллар, қимматбаҳо тошлар), XX асрда – қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (қаҳва, какао, пахта, ерёнғоқ, бананлар, ананаслар) ва қимматбаҳо ёғоч эди. Бу талончиликдан энг катта зарар кўрган қитъанинг табиий бойликлари эмас, инсон ресурслари бўлди. У чексиз кадрсизланди.

Албатта Африкага европаликлар билан бирга уларнинг цивилизацияси ҳам кириб келди. Янги цивилизация қаршисида турган африкаликлар модернизация билан анъанавийликдан бирини танлаши лозим эди.

Саҳрои Кабирдан жанубда, Тропик Африкада модернизация билан анъанавийликдан бирини танлаш имконияти ҳам йўқ эди: ёки ибтидоий жамоа тузуми даражасида қолиш керак, ёки мустамлака ва қарамликка олиб келса-да, Европа цивилизациясини қабул қилиш ва ривожланиш керак эди.

Биринчи жаҳон урушига келиб Африка қитъасининг катта қисми Европа давлатлари томонидан бўлиб олинди. Африканинг 35% и Францияга, 30% и Буюк Британияга, 8,5% и Германияга те-

гишли ва фақат 3,4% ҳудуд мустақил бўлиб қолган эди. Мустақиллигини сақлаб қолган Эфиопия бошқа давлатлардан фарқли равишда ўз цивилизациявий пойдевори – православ динига эга эди.

Африка Биринчи жаҳон уруши йилларида. Биринчи жаҳон урушининг биринчи босқичида Африка қитъаси мамлакатлари метрополия давлатларини стратегик минерал хомашё, озиқ-овқат маҳсулотлари одам ресурси билан таъминлашда муҳим роль ўйнади. Буюк Британия ўзининг ошиб кетган ҳарбий эҳтиёжини кондириш учун Ғарбий Африкадаги мустамлакаларида ер ости бойликларни (Олтин Қирғоқда боксит ва марганец, Нигерияда кўрғошин ва тошкўмир) қазиб олишни оширди. Бундан ташқари, инглизлар мустамлакалардан кўп миқдорда гўшт, пахта, пальма ёғи, какао олиб кетди. Уруш даври қийинчиликларини Африканинг маҳаллий аҳолиси зиммасига юклашга интилган Британия компаниялари экспорт учун бож солигини оширди ва айна пайтда маҳаллий товарлар учун харид нархини пасайтирди, бу африкалик ишчи ва хизматчиларнинг реал даромадларини камайтирди, турмуш харажатларини ошириб юборди. «Уэст Африкен фронттиер фарсис» деб номланган Ғарбий Африка кўшинлари таркибига мустамлакачилар 25 минг африкаликни хизматга чақирди. Улардан кўпчилиги Германияга қарашли Того ва Камерун учун, кейин эса Шарқий Африкада Танганьика учун бўлган жангларда ҳалок бўлди.

Шунга ўхшаш жараёнлар Францияга қарашли Ғарбий ва Экваториал Африкада ҳам юз берди. У ердаги аҳолига кўшимча ва фавқулодда солиқлар жорий қилинди. Бу Африка абориген аҳолисининг умумий яшаш даражаси пасайишига, очликка олиб келди. Метрополия ҳукумати мажбурий сафарбарликни амалга ошириб, 250 минг кишини ҳарбий хизматга чақирди, шундан 160 мингдан зиёд киши Биринчи жаҳон уруши турли фронтларида (жумладан, Европада) жангларда қатнашди. Шулардан тахминан 35 минг киши ҳалок бўлди.

Мис, кобальт, рух ва кўрғошин конларига бой бўлган Бельгия Конгосида уруш тоғ-кон саноатининг ривожланишига олиб келди ва бу иш билан шуғулланаётган чет эл компанияларига катта фойда келтирди. Бу ерда ҳам урушнинг асосий қийинчиликлари маҳаллий аҳоли зиммасига тушди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Португалия ҳам Антанта мамлакатларига иттифокчи бўлди, Англиянинг молиявий кўмаги

билан ўз мустамлакаларида маҳаллий аҳолини эксплуатация қилишни кучайтирди. Аммо Португалиянинг уруш ҳаракатларида иштироки катта аҳамиятга эга бўлмади.

Инглиз-бур урушидан кейинги ўзаро зиддият туфайли Буюк Британия Жанубий Африка иттифоқини (ЖАИ) Германияга қарши урушга жалб қилиши кийин бўлди. Шунга қарамасдан, ЖАИ дастлаб Жануби-Ғарбий Африкага, 1915 йил ёзда – Мисрга ва Европага, кейин эса Германиянинг Шарқий Африкадаги мустамлакаларига ўн минглаб аскар жўнатди. Бу ҳудудларда ЖАИ дивизиялари кўплаб йўқотишларга қарамасдан жаҳон уруши тугагунча жанг қилди.

Худуди ҳарбий ҳаракатлардан ташқарида қолган Африка мамлакатларига ҳам уруш таъсир кўрсатди. Суданлик жангчилар инглизлар хоҳишига кўра Шарқий Африкада ва Француз Экваториал Африкасида жанг қилди, Сувайш канали худуди ва Синай ярим-оролини кўриклашда қатнашди. 1915 йили минглаб суданликлар инглизлар томонида ҳимоя иншоотларини қуришда ва сапёрлик ишларида иштирок этди.

Европада уруш ҳаракатлари бошланиши билан Эфиопиянинг ҳукмрон доираларида ички келишмовчиликлар авж олди. Натижада 1916 йили ёш эфиопияликлар томонидан давлат тўнтариши амалга оширилиб, Менелик II нинг қизи Заудита император деб эълон қилинди. Ҳокимият асосан регент Тэфэри Мэконнин қўлида бўлиб, у кейинчалик Хайле Селассие I номи билан Эфиопия тахтига ўтирди.

Уруш бошланиши билан ўзининг сиёсий нейтралитети ҳақида эълон қилган Либерия дастлаб ўзининг асосий савдо ҳамкори Германия билан аввалги муносабатларини сақлаб қолишга интилди. Аммо Антанта кемалари томонидан қамал қилинган ва муҳим немис бозоридан ажралиб қолган Либерия раҳбарлари антигерман коалиция ҳукуматлари босими остида 1918 йили Германияга уруш эълон қилди ва бу Либерия вакилларининг Версаль тинчлик конференциясида қатнашишига имкон берди.

Биринчи жаҳон уруши Африка қитъасида ҳам кўплаб кишиларнинг ўлимига, иқтисодий зулмнинг кучайишига сабаб бўлди ва Африка туб аҳолисининг антимустамлака қўзғолонларига олиб келди. Бу қўзғолонларнинг ҳаммаси охир-оқибатда бостирилди. Аммо катта йўқотишларга қарамасдан, бу қўзғолонлар мустақиллик учун

курашда катта тажриба тўплаш имконини берди. Бу кураш Биринчи жаҳон урушидан кейин янги босқичга кўтарилди.

Африкадаги Германия мустамлакаларининг бўлиб олиниши. Биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган давлатларнинг мустамлакалари Миллатлар Лигаси тузилишдан олдин, 1919 йил майда ғолиб давлатлар ўртасида бўлиб олинди. Миллатлар Лигаси бу бўлинишни тасдиқлади.

Германиянинг Африкадаги 2,5 млн кв. км ҳудудга эга бўлган ва 13 млн аҳоли яшайдиган мустамлакалари юридик жиҳатдан Миллатлар Лигасининг мандат тизими сифатида расмийлаштирилди. Мандат тизимини тузишда урушдан кейинги даврнинг янги жиҳатлари акс этди. Унинг муаллифлари китъани бўлишда XIX аср охиридагига нисбатан анча самарали йўлларини топишга ҳаракат қилди.

Мандат тизимига биноан Германия мустамлакалари «В» ва «С» категорияларга («А» категориясига собиқ Усманийлар империясининг қисмлари кирди) бўлинди. Германияга қарашли бўлган Шарқий Африка, Того ва Камерун «В» категорияга кирди. «С» категориясига фақат битта ҳудуд – энг қолоқ собиқ Германия мустамлакаси ҳисобланган Жануби-Ғарбий Африка киритилди.

Миллатлар Лигаси бошқаришга мандат берар экан, мандатни олган Европа давлатларидан «ҳозирги дунёдаги мураккаб шароитда» ўзини ўзи бошқара олмайдиган ушбу ҳудуднинг фаровонлиги ва тараққиётини таъминлаш бўйича зиммасидаги мажбуриятларни бажаришни талаб қилди. Бунинг учун мандат олувчи давлат ушбу ҳудудда қонунчилик ва маъмурий ҳуқуққа тўлиқ эга бўлди ва ҳудудни ўзининг таркибий қисми ҳисоблаши мумкин бўлди. Бошқача айтганда янги мустамлакага эга бўлди. Бироқ, мандат остидаги ҳудудда, масалан, «В» гуруҳида ҳарбий база ва бошқа ҳарбий иншоотлар қуриш тақиқланди.

Германияга қарашли бўлган Шарқий Африкани Буюк Британия, Бельгия ва Португалия бўлиб олишди. Англия асосий қисмини олди ва у Британия империяси таркибига Танганьика номи билан кирди. Руанда ва Урунда Бельгия бошқаруви остига берилди ва Конгога бирлаштирилди. Шарқий Африкадаги кичик ҳудуд Кианга шаҳри билан Португалияга берилди ва унинг мустамлакаси бўлган Мозамбикка қўшилди.

Жануби-Ғарбий Африкадаги Германия мустамлакасини бошқаришга ЖАИ мандат олди. Камерун худудини Англия ва Франция ўзаро бўлишди. Тогони ҳам шу икки давлат бўлиб олди.

Мустамлака ҳукмронлигини ўрнатишнинг янги шакли бўлган мандат тизими Европа жамоатчилигининг тараққийпарвар қисмида норозилик уйғотди, Африка халқларининг мустамлакачиларга, умуман мустамлака тизимига қарши ҳаракатлари учун туртки бўлди.

Жаҳон урушлари оралиғида Тропик ва Жанубий Африка. Миллий-озодлик ҳаракатининг пайдо бўлиши. Мустамлакачилик шароитида ҳаётнинг оғирлиги, эксплуатация ва ирқий дискриминациянинг кучлилиги, ўз хоҳишига кўра яшаш имкониятининг йўқлиги урушдан кейинги Африка мустамлакаларида қаршиликнинг янги босқичига сабаб бўлди. Бу даврда очлар исёнлари, иш ташлаш ҳаракати, норозилик намойишлари, ҳокимиятга очикчасига бўйсунмаслик ҳар куни бўладиган воқеаларга айланиб қолди. Бу чиқишларнинг кўпчилиги аввалгидай стихияли характерда эди. Аммо 1920-йиллар бошидан деҳқонлар, ишчилар, майда буржуазия, интеллигенция, турли динлар вакилларида иборат Африка қаршилик кўрсатиш ҳаракати курашнинг ташкиллаштирилган шаклларига ўта бошлади.

Жаҳон урушлар оралиғида Тропик Африкада одатда маҳаллий элита томонидан ташкил қилинган сиёсий партиялар пайдо бўлди. Қора Африкада тузилган илк антимустамлака ташкилотлардан бири ЖАИдаги Африка Миллий конгресси (АМК) бўлди. 1920 йили Британия Ғарбий Африкаси Миллий конгресси тузилди. Шарқий ва Марказий Африкада «фаровонлик ассоциациялари» тузилди. Бу партия ва ташкилотлар ҳали мустамлакачиликни йўқ қилиш талаби билан чикмади, аммо мустамлака тартибларини юмшатишни, солиқ юқини енгиллаштиришни, африкаликлар учун таълим тизимини кенгайтиришни ва шу кабиларни талаб қилди. Улар Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамлакачиликка қарши оммавий курашга раҳбарлик қилган сиёсий партияларнинг ибтидоси бўлди.

Шу йиллари озодлик ҳаракати мафкурасининг шаклланишида, унинг фаоллашувида панафриканизм катта роль ўйнади. Биринчи Панафрика конференцияси 1900 йили Лондонда бўлиб ўтган эди, аммо ҳаракат 1919 йили I Таъсис конгрессида расмийлаштирилди. Панафрика конгресслари 1921, 1923, 1927 ва 1945 йиллари бўлиб ўтди.

Жаҳон урушлари оралиғида панафриканизм етакчилари негро-африкалик ирқ халқларининг жабрланишига қарши биргаликда курашиш ғоясига амал қилди. Бу даврда панафриканизм ҳаракатига асосан америкалик ва вест-индиялик негрлар вакиллари раҳбарлик қилди. Панафрика конгрессларининг ташаббускори ва илҳомчиси негро-африка тарихи бўйича кўплаб асарлар муаллифи, АҚШдаги афроамерикаликлар ҳаракатининг кўзга кўринган етакчиларидан бири доктор Уильям Дюбуа (1868–1963) бўлди.

Дастлабки тўртта конгрессларнинг қарорлари умуман мўтадил характерга эга бўлиб, ҳаракатнинг ўзи ҳам энди оёққа тураётган эди. У ҳали ўзининг пировард мақсадларини аниқламаган, радикал ҳаракатлар дастурини ҳам ишлаб чиқмаган эди. Бу даврдаги панафриканизмни ҳаракатдан кўра кўпроқ ғоя деса бўлади. Аммо, ҳаракат ўз сиёсий позициясининг мўтадиллигига қарамасдан, бу даврда жаҳон жамоатчилигининг эътиборини Африка муаммоларига қаратганлиги билан ҳам ажралиб туради. Ҳаракат Африканинг сиёсий уйғонишига, миллий-озодлик дастурларининг пайдо бўлиб шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Мустамлака эксплуатацияси ва ирқий зулмга қарши баралла овоз берди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин панафрика ҳаракати Африка халқлари антимустамлакачилик кайфиятининг тан олинган ифодачиси ва мустақиллик учун бўлғуси курашларнинг илҳомчиси бўлди.

Антимустамлакачиликнинг янги шакллари орасида илк ва кенг тарқалганларидан бири диний-сиёсий, аввало, афро-христианлик ҳаракати бўлди. Афро-христианлик черкови ва секталари дастлаб Жанубий Африкада пайдо бўлди. Кейинчалик уларнинг ривожланиш ўчоғи Бельгия Конгоси бўлди, кейин эса улар Ғарбий Африканинг қирғоқбўйи ҳудудларида, Марказий Африканинг бир қатор жойларида тарқалди.

Жанубий Африкада афро-христианлик ҳаракати европалик христиан миссионерларининг мустамлакачилик ролига қарши норозилик сифатида XIX асрнинг 80-йилларида пайдо бўлди. Афро-христианлик черкови ва секталари тарафдорларининг антимустамлакачилик норозиликлари Исо масиҳ васиятларига хиёнат қилиб, ирқчилар ва золимларга айланган европаликлардан ихлоси қаттиқ қайтганлиги оқибатида пайдо бўлди.

1920-йиллари христиан-африкаликларнинг диний-сиёсий ҳаракатлари Бельгия Конгоси ва унга туташ ҳудудларни камраб олди.

Бу ҳаракатлар ичида энг таъсирлиси Симон Кимбангу сектасининг чиқишлари бўлди. Симон Кимбангу конголиклар ва бошқа африкаликлар орасида жуда машҳур эди, унинг ваъзларида африкаликларнинг «худо ёрлақаган халқ» эканлиги ғояси илгари сурилади. Кимбангу издошлари уни пайғамбар ва халоскор деб билишар эди. Стихияли равишда пайдо бўлган кимбангизм деҳқонларнинг кенг миқёсдаги антимустамлакачилик ҳаракатига айланиб кетди.

Афро-христианлик ҳаракатининг шаклланиши конкрет тарихий шароитга боғлиқ эди. Айрим ҳолларда диний жамоалар фаолияти сиёсий тус олиб кетарди. Бошқа бир ҳолларда аксинча, сиёсий ҳаракат диний никобга ўралган бўларди. Бунга 1920-йиллари Француз Экваториал Африкасида (ФЭА) шаклланган матсуанизм мисол бўлиши мумкин. Бу ҳаракатга Андре Гренар Матсуа (1899–1942) асос солган. 1926 йили у Парижда «ФЭАдан келиб чиққанлар ассоциацияси»ни ташкил қилди. Бу ташкилот курашнинг тинч усуллари танлади, мустамлака аҳолисини бўйсунмаслик ҳаракатига даъват қилди. ФЭА аҳолиси Матсуанинг масиҳлик ролига ишонар, уни пайғамбар деб ҳисобларди.

Африканинг ислом дини тарқалган ҳудудларида турли муслмон ҳаракатлари вужудга келди, улар «эътиқод софлиги»ни ҳимоя қилиш позициясидан туриб, «кофирлар» ҳокимиятига бўйсунмасликка чақирди.

Африка Иккинчи жаҳон уруши йилларида. Бу йиллари Саҳрои Кабирдан жанубдаги Африка ҳудудида уруш ҳаракатлари бўлмади. Эфиопия, Эритрея ва Сомали ҳудудлари бундан мустасно. Қитъанинг шимоли-шарқида ҳарбий техника ва қўшинда кўп марта устунликка эга бўлган итальянлар 1940 йил июлда ҳужумга ўтди. Август ойининг охирида улар Британия Сомалиси, Кениянинг бир қисми ва Суданда бир нечта таянч пунктларини эгаллаб олишга эришди. Аммо эфиопларнинг қуролли озодлик ҳаракатининг кучайиши ва инглизларга Кения ва Судан аҳолиси томонидан ёрдам берилиши итальянларни ҳужумни тўхтатишга мажбур қилди. Инглизлар эса ўз қўшинлари сонини 150 минг кишига етказиб, шиддатли қарши ҳужумга ўтдилар. 1941 йил январда Судандан Эритреяга инглиз-хинд ва суданлик қўшинлар ва «Озод Франция» қисмлари (асосан африкаликлар) жўнатилди. Айни пайтда ғарбдан Эфиопияга аралаш судан-эфиоп ҳарбий қисмлари ва Суданда ташкил қилинган эфиоп партизанлар отрядлари кириб келди. Февралда Ке-

ниядан чиққан Англиянинг африкаликлардан иборат кўшинлари Бельгия Конгоси қисмлари билан бирга авиация ҳамкорлигида Эфиопия ва Италия Сомалиси чегараларидан ўтди. Етарли қаршилик кўрсата олмаган итальянлар 14 февраль куни Кисимайо портини ва 25 февраль куни – Сомали пойтахти Могадишо шаҳрини ташлаб чиқди. Муваффақиятни давом эттирган инглизлар 1 апрель куни Эритреянинг бош шаҳри Асмаруни эгаллаб олди, 6 апрель куни эфиопиялик партизанлар билан бирга Аддис-Абебани забт этди. Бу ғалабалар натижасида Шаркий Африкадаги итальян кўшинлари 20 май куни батамом таслим бўлди.

Метрополия армияларига рекрут қилинган юз минглаб африкаликлар Шимолий Африкада, Ғарбий Европада, Яқин Шарқда ва ҳатто Бирма ва Малайяда жанг қилишга мажбур бўлдилар. Бундан ҳам кўп сонли африкаликлар ёрдамчи кўшинларда хизмат қилиб, ҳарбий эҳтиёжлар учун меҳнат қилди.

Франция мағлуб бўлгандан сўнг унинг Африкадаги мустамлакаларида Виши ҳукумати вакиллари билан «Озод Франция» тарафдорлари ўртасида кураш бошланиб кетди. Бу кураш жиддий қуролли тўқнашувгача бормаса-да, унда ўзини ғолиб ҳисоблаган генерал де Голль тарафдорлари 1944 йил январь-февраль ойларида Браззавиль шаҳрида (Конго) Африка қитъасидаги француз мустамлакаларининг урушдан кейинги мақоми масалалари бўйича конференция ўтказди. Унинг қарорларида келажакда маҳаллий аҳолидан ҳокимиятнинг вакиллик органларини шакллантириш, ялпи сайлов ҳуқуқини жорий қилиш, шунингдек, жамият ҳаётида кенг демократизациялашни амалга ошириш кўзда тутилди. Аммо Француз миллий-озодлик қўмитаси (ФМОК) раҳбарлари Браззавиль декларацияси қарорларини амалга оширишга шошмадилар.

Уруш йиллари Европа давлатларининг ҳарбий операцияларга жалб қилинган африкаликларга муносабати икки хил эди. Бир томондан, гитлерчилар коалициясига қарши курашда Африканинг инсон ресурсларидан максимал фойдаланишга интилган европаликлар, ўша пайтдаёқ африкаликларни замонавий қуроллар билан таништиришга қўрқарди ва улардан асосан алоқачи, ҳайдовчи ва шу каби касбларда фойдаланишни афзал кўрарди. Европаликлар томонидан шакллантирилган мустамлака армияларининг истисносиз барчасида иркий камситиш мавжуд эди, аммо инглиз

кўшинларида бу ҳол француз кўшинларидагига нисбатан анча кучли эди.

Африка мамлакатлари инсон ресурсларидан ташқари метрополияларга минерал хомашё, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам етказиб берди. Айни пайтда жаҳон савдо алоқалари бузилиши туфайли импорт товарларининг кескин қисқариши оқибатида айрим мустамлакаларда, аввало Жанубий Родезия, Бельгия Конгоси, Кения, Нигерия, Француз Ғарбий Африкасида қайта ишлаш ва енгил саноатнинг баъзи соҳалари жадал ривожланди. ЖАИнинг оғир саноати олдинга муҳим қадам ташлади. Индустириал ишлаб чиқариш ишчилар сонининг ошишига олиб келди. Европа экспортининг камайишидан АҚШ фойдаланиб, ушбу Африка мамлакатларига кириб келди.

Уруш даврида, айниқса унинг бошларида гитлерчилар коалициясидан мағлубиятга учраган метрополиялар обрўсининг тушиб кетиши, шунингдек, 1941 йил августда Буюк Британия ва АҚШ раҳбарлари томонидан барча халқларга ўз бошқарув шаклини ўзи танлаш ҳуқуқи эълон қилинган Атлантик хартиянинг имзоланиши антифашистик ҳаракатдаги ғалабалар билан кўшилиб, Африка худудида кенг антимустамлака кайфиятларнинг ўсишига олиб келди. Мустамлакачиларнинг тақиқларига қарамасдан янги сиёсий партиялар ва бирлашмалар пайдо бўлди. Улар ичида энг муҳими 1944 йил августда ташкил қилинган Нигерия ва Камерун Миллий кенгаши бўлди. Бу кенгаш ўзини ўзи бошқариш режимига эришиш, ирқий камситишнинг барча кўринишларини бекор қилувчи демократик конституцияни жорий қилиш ва мустамлакачилик қолдиқларини бартараф қилиш учун мамлакатда таълимни ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Африка қитъасида юз берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар метрополиялар билан миллий-озодлик кучлари ўртасидаги зиддиятларни янада чуқурлаштирди ва урушдан кейинги даврда антимустамлака демократик курашнинг кучайиши учун шароит яратди.

5-Панафрика конгресси. 1945 йил октябрда Англиянинг Манчестер шаҳрида чақирилган 5-Панафрика конгресси, мутлақо янги тарихий шароитда иш бошлади ва Африка халқлари озодлик курашининг сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаб берди. Фашизм устидан қозонилган ғалаба, Европа жамиятида империалистик ре-

акциянинг сусайиши, Осиёдаги озодлик ҳаракатларининг дастлабки ғалабалари анжуман делегатларида яхши кунлар яқинлигига умид уйғотди.

Конгресс барча бошқа панафрика конгресслари орасида африкалик делегатлар сони бўйича энг каттаси бўлди. Бу делегатлар ишчилар касаба уюшмалари, деҳқонлар, радикал интеллигенция, турли сиёсий партиялар ва ташкилотлар, фахрий аскарлар манфаатларини ифода этарди. Уларнинг кўпчилиги курашга қатъий шайланган эди. Конгрессдаги деярли барча маърузалар африкаликлар томонидан ўқилди ва очик антимустамлакачилик характерида бўлди. Конгресс ишига Уильям Дюбуа раислик қилди. Конгресснинг 200 нафар қатнашчилари орасида кейинчалик Гана, Кения ва Малави президентлари бўлган Кваме Нкрума, Жомо Кениата, Хастингс Банда, жанубий африкалик ёзувчи Питер Абрахамс, таниқли жамоат арбоблари – Уоллес Жонсон (Сьерра-Леоне), Обафеми Авалово (Нигерия) ва бошқалар энг фаоллари бўлди.

Конгрессда барча Африка мустамлакаларидаги аҳвол муҳокама қилинди, аҳолининг инкилобий ҳаракатлари қўллаб-қувватланди. Қабул қилинган резолюциялар ичида энг муҳими учта: «Мустамлака давлатларига даъват», «Мустамлака мамлакатлари ишчилари, деҳқонлари ва зиёлиларига мурожаат» ва «БМТга Меморандум» бўлди. «Мурожаат» матнида мустамлакалар аҳолисини ҳамма жойларда мустамлакачиликка қарши курашга даъват этилди, бунинг учун барча воситалардан, жумладан, қуролли курашдан ҳам фойдаланишга чақирилди.

5-Панафрика конгресси Африка халқларининг мустамлакачиликка қарши кураши ривожига муҳим роль ўйнади. Конгресс янги, радикал талаблар билан чиқди ва уларни ҳам қитъа миқёсида, ҳам йирик минтақа ва мамлакатлар учун алоҳида тарзда шакллантирди.

XX аср бошларида Жанубий Африка. XIX аср охири – XX аср бошлари Жанубий Африкада мустамлака урушлари даври бўлди. Уларни бу ерда ўзининг кенг мустамлакаларини яратиш учун Буюк Британия олиб борди. Инглизлар экспансионистик интилишларининг асосий сабаби бу ердаги бой олтин ва олмос конлари эди. Аммо бу конларнинг асосий қисми аулу, ндбеле, шона халқлари яшайдиган худудларда ва иккита бурлар республикалари – Трансвааль ва Оранж озод республикасида жойлашган эди.

Дастлаб Жанубий Африка маҳаллий аҳолисининг қаршилиги синдирилди, кейин бурлар республикаларини аннексия қилишга ҳаракат қилиб кўрилди. 1899 – 1902 йиллардаги инглиз-бур уруши бўлиб бўлинган дунёни қайтадан бўлиш учун курашни бошлаб берди.

Бу уруш инглизларга жуда қимматга тушди – инглиз корпусининг 450 минг аскарларидан 20 минги ҳалок бўлди. Бурларга қарши уруш энг даҳшатли ёввойи усуллар билан олиб борилди. Уйлар ва фермаларга ўт қўйилиб, моллар кириб ташланган «куйдирилган ер» тактикаси фаол қўлланилди. Инглизлар кейинчалик ёмон ном билан машҳур бўлган концентрацион лагерларни яратиб, у ерга асир олинган бурлар, шунингдек, аёллар ва болаларни қамади.

Инглизлар ҳарбий ғалабага эришди, аммо уруш келишув билан якунланди. Буюк Британия ва бурлар республикалари вакиллари ўртасидаги узоқ музокаралардан сўнг 1902 йил 31 майда Феринихинг тинчлик шартномаси имзоланди. Шартноманинг асосини Африка маҳаллий аҳолисининг тақдири ҳақида оқ танли жамоалар вакиллариининг ўзаро келишуви ташкил қилди. Британия муваққат ҳарбий маъмурияти «Кейптаундан Замбезиягача қора танли ишчи кучига таянадиган оқ танлиларнинг ўзини ўзи бошқарувчи жамоасини ташкил қилиш» вазифасини бажаришга киришди.

Бур республикалари мустақиллигини йўқотди, аммо ўзларининг қора танли африкалик аҳолини эксплуатация қилиш ҳуқуқини сақлаб қолди. Британия ҳукумати уруш туфайли етказилган зарарни қоплаш учун бурларга 3 млн ф.ст. тўлашни ва дастлабки икки йил фоиз тўланмайдиган узоқ муддатли қарз беришни ўз зиммасига олди. У голиб томон мағлуб томонга товон тўлаган тарихдаги ягона ҳолат бўлса керак.

Жанубий Африка иттифоқининг (ЖАИ) ташкил топиши. Инглиз-бур уруши якунлангандан кейин 7 йил ўтиб, инглизлар билан бурлар оқ танлиларнинг ягона ўзини ўзи бошқарадиган жамоасини ташкил қилиш тўғрисида келишдилар. Бу «европача» хўжаликнинг оёққа туриш даври эди. Тог-кон саноати ривожланди, шаҳарлар ўсди, темир йўллар қурилди. Бу даврда инглизлар билан бурлар ўртасидаги муносабат мураккаблигича қолди. Шу муносабатларни яхшилаш мақсадида 1906 йили бур республикаларига ички ишларида автономия ҳуқуқи берилди. Бир неча конференциялар ўтказилиб, икки инглиз мустамлакалари – Кап ва Наталь ҳамда икки

бур республикалари – Жанубий Африка (Трансвааль) ва Оранж озод давлатини бирлаштириб, ягона ҳамжамият тузиш тўғрисида келишиб олинди. Натижада Британия империяси доирасида янги доминион – Жанубий Африка Иттифоқини (ЖАИ) тузишга қарор қилинди.

1908 йили Миллий конвент чақирилиб, унда ҳар тўрттала провинциялар қонунчилик йиғинларининг вакиллари иштирок этди. Конвент конституция лойиҳаси бўйича қарор қабул қилди: бирлашиш шакли (унитар иттифоқ), марказий ҳукумат ва икки тил – инглиз ва африкаанс тилларининг тенглиги ўрнатилди. Бу қарор Англия парламентига жўнатилди ва у 1909 йили лойиҳани кўриб чиқиб, «Жанубий Африка тўғрисида акт»ни қабул қилди. Унга биноан 1910 йил 31 май куни ўзини ўзи бошқарувчи доминион сифатида ЖАИ тузилганлиги эълон қилинди. Жанубий Африка тўғрисида акт ЖАИнинг конституцияси бўлди. У яна 50 йил амал қилиб, дунёдаги энг ирқчи конституция сифатида тарихда қолди.

Ирқчилик режимининг қарор топиши. ЖАИнинг биринчи бош вазири Луис Бота (1910–1919), унинг энг яқин ёрдамчиси Ян Сметс бўлди. Ҳукумат тузилишидан олдин 1910 йили парламентга сайловлар бўлиб ўтди. Унда оқ танлиларнинг бир нечта партиялари – Жанубий Африка партияси, унинг вакиллари Л. Бота ва Я. Сметс эди, Лейбористлар партияси ва Юнионистик партия кураш олиб борди. Шундай сайлов тизими жорий қилинган эдики, унда европалик бўлмаган шахсларнинг ЖАИ парламентида аъзо бўлиши мутлақо мумкин эмасди. Маҳаллий аҳоли учун парламентга йўл «рангли тўсиқ» орқали ёпилган бўлиб, у ирқий белгига қараб камситишнинг биринчи акти бўлди.

Доминион эълон қилинаётган пайтда оқ танли камчилик тузем аҳолини кутаётган фаровонлик тўғрисида катта ваъдалар берганди. Аммо амалда тузем аҳолини иқтисодий эксплуатация қилиш ва ирқий камситиш учун ҳуқуқий асос яратилди.

1911 йили ЖАИ парламенти ва ҳукумати «Тоғ-кон ва фабрика-завод саноати тўғрисида» ва «Тузем аҳоли меҳнатини регламентация қилиш ҳақида» қонунлар қабул қилди. Бу қонунларга биноан африкалик ишчиларга иш жойини алмаштириш ва ихтисос талаб қилинадиган меҳнат билан шуғулланиш тақиқланди. Энг шафқатсиз қонун 1913 йили қабул қилинган «Туземларнинг ерлари ҳақида билль» бўлди. Африкаликларга «рўйхатга олинган тузем районла-

ридан», яъни резервациялардан ташқарида ер участкаларини сотиб олиш, ижарага олиш ёки қандайдир бошқа йўл билан эгалик қилиш катъий тақиқланди. ЖАИнинг 90% дан зиёд ҳудуди туб жой аҳоли учун тақиқланган зонага айланди. Қабул қилинган бу қонунлар асосий мақсадга – мамлакатда бошланган саноат тўнтаришини арзон ишчи кучи билан таъминлашга қаратилган эди.

Маҳаллий аҳоли сиёсий ташкилотларининг тузилиши. Африка Миллий Конгрессининг (АМК) ташкил қилиниши. Африкаликлар ва бошқа рангли аҳолининг сиёсий фаоллиги ЖАИни тузиш жараёнида намоён бўлди. Африкаликларнинг биринчи ва Саҳрои Кабирдан жанубдаги илк сиёсий ташкилоти «Имбумба яма Африка» («Матонатли африкаликлар») Кап колониясида 1882 йили пайдо бўлди. 1904–1907 йиллари шундай ташкилотлар – «тузем конгресслари» – Наталда, Оранж давлатида ва Трансваалда тузилди.

Камчиликнинг ҳукмронлигига қарши Жанубий Африканинг эзилган халқлари ягона фронтини тузиш шиорини илгари сурган ташкилот 1902 йили метислар томонидан тузилган Кейптаун Африка сиёсий ташкилоти бўлди. У рангли африкалик аҳолининг сиёсий онги шаклланишида муҳим роль ўйнади.

Конвент томонидан «рангли тўсик» ўрнатган конституция қабул қилиниши маҳаллий аҳолини 1909 йили умуммиллий съездга йиғилишга ва ирқчиликка қарши ўз норозиликларини билдиришга мажбур қилди. 1912 йил январда «тузем конгресслар» ва бошқа сиёсий ташкилотлар ўз конференциясига йиғилди. 1912 йил 8 январь куни конференция ўзини Жанубий Африка тузем миллий конгресси (кейинчалик номини Африка Миллий Конгресси деб алмаштирилди) деб эълон қилди. Конгресс доимий ишловчи ташкилот сифатида фаолият юритишга қарор қилди. Унинг йиллик конференциялари 1912 йилдан бошлаб 1960 йили АМК тақиқлангунга қадар ҳар йили мунтазам ўтказилиб келинди. «Абанту бато» («Халқ») конгресснинг нашр органи бўлди. Конгресснинг биринчи президенти этиб черков руҳонийси зулус қабиласи вакили Жон Л. Дубе сайланди. Конгресс аъзолари ўз фаолиятида фақат конституцион усуллардан фойдаланди.

Мавжуд ирқчилик режими оқ ва қора танли ишчиларни ҳам бирига қарама-қарши қўйишга хизмат қилди. Оқ танли ишчилар асосан ихтисослик талаб қилинадиган ишларда ўз монополиясини сақлаб қолиш эвазига яшаш ва меҳнат қилиш шароитини яхшилаш-

га интилди. Ишчилар ҳаракатида байналминаллик учун, африкалик ишчиларга ҳам ишлаб чиқаришда ва жамият ҳаётида тенг ҳуқуқ берилиши учун курашувчи ягона ташкилот 1915 йили оқ ишчилар ҳаракати етакчилари У. Эндрус, Д. Жонс, С. Бантинг томонидан ташкил қилинган Интернационал социалистик лига (ИСЛ) бўлди. 1921 йили ИСЛ асосида коммунистларнинг Африкадаги биринчи партияси – Жанубий Африка Коммунистик партияси ташкил топди.

Жанубий Африканинг оқ танли ва рангли аҳолиси онгининг ўсишида дин омили катта роль ўйнади. Оқ танли аҳоли орасида мавжуд бўлган ирқий тоқатсизлик мафкуравий шакл касб этди ва «африканер христианлиги»нинг алоҳида ажратилишига олиб келди. Айтиш лозимки африканерларнинг кўплаб сиёсий ва давлат арбоблари илгари диний хизматчилар бўлган. 1948–1954 йиллари ЖАИнинг бош вазири бўлган ва апартхейд (африкаанс тилидан – «алоҳида яшаш») назариясини давлат сиёсати даражасига кўтарган Д. Малан ҳам илгари пастор бўлган.

ЖАИ Биринчи жаҳон уруши йилларида. Жаҳон урушининг бошланиши ЖАИ ҳукмрон доиралари орасидаги муносабатларни кескин мураккаблаштирди, англо-бур зиддиятларини кучайтирди. Бош вазир Л. Бота парламентнинг розилигини олмасдан ЖАИнинг Англия томонида туриб урушда қатнашиши тўғрисида қарор қабул қилди. Уни Жанубий Африка партиялари қўллади. Аммо генерал Ж. Герцог бошчилигидаги Националистик партия кескин қарши чиқди. Бу партия 1913 йили тузилган ва ўз сафларида миллатчилик кайфиятидаги бурларни жамлаган эди. Бу партия ЖАИнинг Буюк Британия билан муносабатларда кўпроқ мустақилликни, ЖАИ ичида – африканерларга янада кўпроқ ҳуқуқлар берилишини, европалик бўлмаган аҳолига нисбатан қаттиқ сиёсат юритишни талаб қилди.

Националистик партия вакиллари ЖАИни мустақил давлатга айлантириш учун фурсат етилди деб ҳисоблаб, 1914 йил охирида инглизларга қарши кўзғолон кўтаришга уринди. Аммо кўзғолон тезда бостирилди.

Кўзғолон бостирилгандан сўнг Бота ҳукумати Германия қўшинларига қарши ҳаракатларни фаоллаштирди ва 1915 йил бошида қўшни Жануби-Ғарбий Африкада уларни таслим бўлишга мажбур қилди.

Кўплаб бурлар урушда қатнашишдан бош тортди. Улар Бота – Смэтс ҳукуматининг инглизпараст сиёсатидан ғазабга келдилар. 1918 йили африканерларнинг махфий ўта миллатчи ташкилоти «Брудербонд» («Биродарлар иттифоки») тузилиб, кейинчалик мамлакатда ирқчилик режими ва апартеид мафкурасини ўрнатишда муҳим роль ўйнади.

Урушдан кейин ЖАИ Париж тинчлик конференциясида фаол иштирок этди, генерал Ян Смэтс эса Миллатлар Лигаси уставининг муаллифларидан бири ва мандат тизимининг муаллифи бўлди. У мандат тизимини ишлаб чиқиш бўйича комиссияни бошқарди.

Жаҳон урушлари оралиғида ЖАИ. Биринчи жаҳон урушидан кейин ЖАИ саноатида катта ўзгаришлар юз берди. Саноат корхоналари, тоғ-кон саноати жадал ривожланди.

1924 йилгача ҳокимиятда инглизпарастлик позициясида бўлган Жанубий Африка партияси вакиллари турди. Л. Бота (1910–1919) ва Я. Смэтс (1919–1924) ҳукуматлари африканер-ер эгалари ва инглиз саноатчилари ўртасида вужудга келган зиддиятларни келишув йўли билан ҳал қилишга интилди. Шунга қарамасдан Националистик партия вақти-вақти билан мамлакатда ҳолатни издан чиқаришга ҳаракат қилиб келди. Улар уюштирган иш ташлашлар «Оқ танлилар Жанубий Африкаси учун!» шиори остида ўтганлиги сабабли унда африкалик ишчилар қатнашмади. Ҳукуматнинг иш ташлашни куч ишлатиш йўли билан тўхтатишга ҳаракат қилиши Националистик партия ва унинг етакчиси Ж. Герцогга қўл келди. 1924 йилги парламент сайловларида бу партия ғалаба қозонди, унинг етакчиси Жеймс Герцог навбатдаги бош вазир бўлди. У 1924 йилдан 1939 йилгача бу лавозимни эгаллаб турди.

Сайловолди ваъдаларини бажара бориб Ж. Герцог ва унинг ҳукумати «рангли тўсикни» саноатда қонун йўли билан мустаҳкамлади. 1937 йили африкалик меҳнаткашларнинг ижтимоий мақомини ўзгартириш тўғрисида қонун қабул қилиниб, унга биноан энди африкаликлар ишчи эмас хизматкор категориясига ўтказилди. Бу ҳукуматга уларнинг қасаба уюшмаларига аъзолигини тўхтатиш ҳуқуқини берди.

1934 йили Жанубий Африка ва Националистик партиялар бирлашиб, Жанубий Африка бирлашган партиясини ташкил қилди. Натижада бош вазир Ж. Герцог бошчилигида коалицион ҳукумат тузилди. Миллатчилик кайфиятидаги африканерлар Д. Ф. Малан

бошчилигида тозаланган деб аталган Националистик партияни туздилар. Европада фашизм тарқалиши билан бир пайтда ЖАИда ҳам пайдо бўлган кўплаб фашистпараст ва очиқчасига фашистик ташкилотлар унга қўшилди. ЖАИдаги инглиз истеблишментининг бир қисми Доминион партиясини тузди ва Буюк Британия билан яқин алоқага киришди.

ЖАИ Иккинчи жаҳон уруши йилларида. Германияда фашистик диктатура ўрнатилгандан сўнг немис национал-социализмдан Жанубий Африка ирқчи ва миллатчилари ўзларининг диний қобикқа ўралган мафкурасини оқлашда фойдаланди. Жанубий Африка республикасининг бўлғуси бош вазири Форстер 1942 йили шундай деди: «Бизнинг христиан-национализм национал-социализм билан қондош. Италияда бу фашизм, Германияда – национал-социализм, Жанубий Африкада – христиан-социализм деб аталади».

Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан кейин бош вазир Герцог ва Малан бошчилигида тозаланган Националистик партия ЖАИнинг Англия томонида туриб урушга киришига қатъий қарши чикди. Бироқ парламент Англияни кўллаб урушда қатнашиш тарафдори бўлди. Герцог ҳукумати истеъфога чикди. Собиқ бош вазир муовини Смэтс бошчилигида ҳукумат тузилди. 1939 йил 4 сентябрда ЖАИ Англия билан иттифокда Иккинчи жаҳон урушига киришди. Герцог ва кўплаб миллатчилар Бирлашган партиядан чикди.

Давлат тўнтариши хавфи олдида Смэтс ҳукумати жамиятни демократизациялаш бўйича бир қатор қадамлар ташлади. 1942 йил бошида Смэтс иркий сегрегация сиёсатидан воз кечилиши тўғрисида эълон қилди. Саноатни ривожлантириш эҳтиёжи ҳукуматни меҳнат ҳақидаги қонунларни юмшатишга мажбур қилди. Африкалик ишчиларга илгари тақиқланган баъзи ишларни бажаришга рухсат берилди. Африка, ҳинд ва рангли аҳоли сиёсий ташкилотлари, аввало АМК ўз фаолиятини жонлантирди.

XX аср бошларида Эфиопия. 1896 йили Адуа ёнидаги жангда император Менелик II бошчилигидаги эфиоп кўшинлари итальян босқинчиларини қақшатқич мағлубиятга учратди. Мамлакат ўз мустақиллигини сақлаб қолди. 1896 йилги шартномага биноан Италия Эфиопиянинг мустақиллигини тан олди. Мамлакат мустақиллиги бошқа Европа давлатлари томонидан ҳам тан олинди.

Эфиопия XX асрга феодал тартиблар ҳукмрон бўлган қолоқ аграр мамлакат сифатида кириб келди. Солиқ тўлайдиган аҳолининг асосини кўпмиллионли деҳқонлар ташкил қилиб, улар шафқатсиз эксплуатация қилинади. Жамиятнинг силласини қуритаётган этнослараро можаролар, диний камситиш, қуллик сақланиб қолаётган эди.

Эфиопиянинг мустақиллигини сақлаб қолиш давлатчилиқни мустаҳкамлаш ва асрий қолоқликдан қутулиш билан бево-сита боғлиқлигини тушунган Менелик II (1889–1913 йилла-ри ҳукмронлик қилган) мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишига кўмаклашувчи бир қатор тадбирларни амалга оширди. Ўтказилган ислохотларнинг асосий мақсади қатъий ҳокимият вертикалини яратиш орқали абсолют ҳокимият асослари-ни мустаҳкамлашга қаратилди. 1907 йилги фармон билан мамлакат тарихида биринчи марта юстиция, мудофаа, ички ишлар, савдо ва ташқи ишлар, молия, қишлоқ хўжалиги ва жамоат ишлари вазир-ликлари, сарой ишлари бошқармаси, император девонхонаси таш-кил қилинди. Шунингдек, биринчи марта провинция ва вилоятлар ҳокимларини шахсан император тайинлаши жорий қилинди.

Жамиятда капиталлашувнинг бошланиши ҳам Менелик номи билан боғлиқ. 1907 йили «Ер олди-соттиси ҳақида» фармон эълон қилиниб, унга кўра энди ер Эфиопия монархларининг муқаддас мулки бўлмай қолди. Ички ва ташқи савдони ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Баъзан императорнинг ўзи ҳам савдо алоқаларида иштирок этди. 1905 йили Абиссиния банки ташкил қилинди. Солиқ тизими тартибга келтирилди, қуллик тизими чек-ланди.

Жамиятнинг ҳукмрон доиралари Ғарб давлатлари томони-дан хавф сақланиб қолаётганини, давлатни мустаҳкамлаш Европа техник ютуқларини қабул қилишга нечоғлиқ боғлиқ эканлигини яхши тушунади. Мамлакатда илк телефон ва телеграф тизимлари яратилди, ўз почта хизмати йўлга қўйилди. Менелик даврида би-ринчи давлат мактаблари ташкил қилинди, тиббиёт хизмати йўлга қўйилди, суд тизими ўзгартирилди. Мамлакатда биринчи газета чиқа бошлади.

«Юкоридан» амалга оширилган модернизация жараёни икки хил характер касб этди. У анъанавий жамиятнинг энг муҳим асос-ларига таъсир кўрсатди, аммо мавжуд феодал тартибларни бузиб

ташламади. Монархнинг ўзи ҳам бу соҳада катта эҳтиёткорлик килди. У ўз ҳокимиятини мустақкамлаш ва юксалтириш борасида дадил ҳаракат килди. Менелик II нинг асосий хизмати шундаки, у таркок, ўзаро феодал урушлар гирдобида қолган мамлакатдан ягона сиёсий организмни, мустақкам марказлашган давлатни яратди.

Менелик II даврида Европанинг Германия, Буюк Британия, Австро-Венгрия, Бельгия каби давлатлари ва АҚШ билан дипломатик ва савдо муносабатлари ўрнатилди. Аммо Европа давлатлари Эфиопия билан тенг муносабатлар ўрнатишни хаёлига ҳам келтирмасди. 1906 йили Англия, Италия, Франция Эфиопия худудини ўзаро таъсир зоналарига бўлиб олиш тўғрисида махфий шартнома имзоладилар. Аммо Европа давлатлари ўртасида боғланиб кетган келишмовчиликлар туфайли бу режани амалга оширишнинг иложи бўлмади. Шунга қарамасдан, Эфиопиядаги чет эл монополияларининг фаолияти унинг иқтисодий мустақиллигини хавф остига қўйди. Маҳаллий хунармандчилик ишлаб чиқариш кескин пасайиб кетди, савдодан маҳаллий аҳоли сиқиб чиқарилди, ташқи савдо деярли тўлик Европа компаниялари қўлига ўтди.

Император Лиж Иясу ҳукмронлиги (1913–1916). 1913 йили Менелик II вафот этгандан сўнг тахтга унинг набираси Лиж Иясу келди. Ёш император бобоси бошлаган ислохотларни давом эттириш тарафдори эди. У ҳукмронлигининг дастлабки кунларидан бошлаб нафақат христиан, балки мусулмон феодалларни, кўчманчи қабилалар бошлиқларини ҳам ўз томонига жалб қилишга ҳаракат килди.

Биринчи жаҳон урушида Эфиопия иштирок этмаседа, мамлакат худуди шафқатсиз сиёсий курашлар майдонига айланиб, унинг қурбони император бўлди. Ўзининг Германия ва Туркияга бўлган ҳавасини яширмаган Лиж Иясу антантاپараст кайфиятдаги гуруҳларни қаноатлантирмай қолди. Натижада, 1916 йили император тахтдан ағдарилди. Ҳокимиятга Менелик II нинг қизи малика Заудита, регент Тэфэри Мэконнин ва ҳарбий вазир Хабтэ Гийоргисдан иборат триумвират келди.

1920–1930-йиллари триумвират бошқаруви ва ислохотлари. Бу йиллар икки гуруҳ – ёш эфиоплар ва эски эфиоплар ўртасидаги кескин сиёсий курашлар билан характерланади. Биринчи гуруҳни Тэфэри Мэконнин, иккинчи гуруҳни – малика Заудита ифода этди. Ёш эфиоплар мамлакатни модернизациялашга қаратилган

Менелик II ислохотларини давом эттиришга интилди. Эски эфиоплар ёки анъанараастлар эски вассал-сюзерен муносабатларни тиклашга, мамлакатни ташқи дунёдан ёпишга қаратилган сиёсат юритишга ҳаракат қилди. Бу курашда ёш эфиопларнинг қўли баланд келди. Улар бир қатор ислохотларни амалга оширди. 1923–1924 йиллари кул савдосини ва қисман кулликни тақиқлаш бўйича фармонлар чиқарилди. Бу 1923 йили Италиянинг қаршилигига қарамасдан Миллатлар Лигасига аъзо бўлиш имкониятини берди. Мунтазам армияни яратиш ва мактаб таълимини ривожлантиришга ҳаракат қилинди. Босмаҳона ташкил қилиниб, газета, журнал, маърифий адабиётларнинг мунтазам чиқиши бошланди.

Сиёсий курашда мағлубиятга учраб, реал ҳокимиятдан четлатилган Заудита вафот этгандан сўнг (триумвиратнинг бошқа аъзоси Хабтэ Гийоргис олдинроқ вафот этган эди) 1930 йил ноябрда Тэфэри Мэконнин Хайле Селассие I (1892–1975) номи билан император деб эълон қилинди. Унинг даврида ислохотлар давом эттирилди. Мунтазам армияни яратиш яқунланди. Аммо Ғарб давлатлари замонавий қуроолларни сотмаганлиги сабабли армия фақат милтиқлар билан қуроолланди.

1935–1936 йиллардаги Италия-Эфиопия уруши. Италияда фашистлар ҳокимиятга келиши билан Эфиопияни босиб олиш режаси қайта тикланди. 1935 йил 3 октябрь куни Италия қўшинлари уларга қаршли қўшни Эритрея ва Сомали ҳудудидан Эфиопияга бостириб кирди. Қурооллардаги ва қўшин тайёргарлигидаги фарқ туфайли 200 минг кишилик қўшинга қарши туришнинг иложи йўқ эди. Босқинчини тўхтатиш учун Миллатлар Лигаси ҳам ҳеч қандай ҳаракат қилмади. Эфиопларнинг катта жасоратига қарамасдан, 1936 йил 2 май куни фашистлар қўшинлар Эфиопия пойтахти Аддис-Абеба шаҳрига кирди. Эфиопиянинг босиб олинишини фақат Европадаги фашистик давлатлар ва Япония эмас, Англия ва Франция ҳам тан олди. СССР бу босқинчиликни адолатсизлик деб қоралади ва тан олмади.

1936 йил 1 июнда Италия қироли Виктор-Эммануил III нинг декрети билан Италиянинг Шарқий Африка мустамлакаси ташкил қилинди, унга Эритрея, Сомалий ва Эфиопия кирди.

Эфиопия халқининг фашистлар оккупациясига қарши кураши. Босқинчиларнинг маҳаллий аҳолига нисбатан шафқатсиз муносабати, Эфиопияга итальянларнинг 500 минг оиласини кўчи-

риш режаси эфиопларни фаол ҳаракатга чорлади. 1937 йили биринчи партизанлик отрядлари шаклланди. Қаршилик ҳаракати кенгайиб ва ўсиб борди. Партизанлар орасида аёллар ва рухонийлар ҳам бор эди. 1940 йилга келиб партизанлар сони 400 минг кишидан ошиб кетди. Улар душманга катта зарар етказа бошладди. Босқинчиларнинг 200 минг кишилик кўшини фақат йирик шаҳарларни назорат қиларди, холос.

1940 йил июнда Италия Англия ва Францияга уруш эълон қилганидан сўнг Шимоли-Шарқий Африкада ҳам жанглар бошланиб кетди. 1941 йил январда асосан африкаликлардан ташкил топган инглиз кўшинлари Эфиопияга ҳужум бошлади. Улар партизанлар томонидан озод қилинган Аддис-Абебага 1941 йил апрелда кириб келди. 1942 йилнинг бошларида итальян босқинчилари Эфиопия худудини тўлиқ ташлаб чиқишга мажбур бўлди. Уруш ва оккупация даврида 760 минг эфиоплар ҳалок бўлди, 525 минг уйлар вайрон қилинди. Эфиопия 1942 йил 1 январда Бирлашган Миллатлар декларациясини имзолаб, антифашистик коалицияга қўшилди. 1943 йили бошқа давлатлар билан дипломатик муносабатлар тикланди.

XX аср бошларида Либерия. АҚШдан кўчиб келган афроамерикаликлар томонидан ташкил қилинган Либерия Республикасида 1847 йилдан бери конституция, унда мустақамланган буржуа принциплари, қонунчилик ва суд ҳокимияти фаолият юритарди. Аммо сиёсий тузум умуман олганда олигархия характерида эди. Америко-либерияликлар мамлакат аҳолисининг 10% ини ташкил қиларди.

Либерия сиёсий тузумининг кўппартияли бўлишига қарамасдан, мамлакатда битта – америко-либерияликларнинг сиёсий ташкилоти, Ҳақиқий виглар партияси ҳукмронлиги режими ўрнатилган эди. 1877 йили ҳокимиятга келиб, бу партия юз йилдан зиёд давлатни бошқарди.

Иқтисодий мустақилликнинг йўқотилиши. XX аср бошига келиб мамлакатда шоли, қаҳва, шакарқамиш, пахта, индиго етиштириш бўйича йирик плантация хўжалиги шаклланди. Плантациялар товар маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган бўлиб, уларни экспорт қилиш мамлакат иқтисодида муҳим роль ўйнади. Мамлакат хўжалигида савдо ҳам муҳим ҳисобланади. XIX аср охиригача иқтисоднинг муҳим соҳаларини либерияликлар, тўғрироғи

американо-либерияликлар вакиллари назорат қилади. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни чет элга – АҚШ ва Европага сотиш билан шуғулланади. XX аср бошларидан экспорт операциялари чет эл савдо компаниялари кўлига ўтди. Либерия флоти европаликларники билан рақобатлаша олмади.

Либерия экспорт савдосини қўлга олишда немис компаниялари алоҳида фаоллик кўрсатди. 1914 йилга келиб Либерия ташқи савдосининг 50% идан кўпроги улар қўлида жамланган эди. Инглиз капиталлари ҳам ортда қолмасликка ҳаракат қилди. Улар мамлакатдан каучук олиб чиқишни тўлиқ монополаштириб олдилар. Либерияга бошқа Европа давлатлари ҳам қизиқиш билдирди.

Ташқи савдонинг чет эл компаниялари томонидан эгаллаб олиниши мамлакатнинг молиявий аҳволини оғирлаштирди. 1905 йили Либерия ўзини банкрот деб эълон қилди. Либериянинг оғир аҳволдан фойдаланиб Англия ва Франция уни мустамлакага айлантиришга ҳаракат қилди. Уч томонлама шартнома Либерияни мустамлакага айлантириш хавфини солди. Аммо Англия ва Франциянинг бу режасини амалга оширишга АҚШ ва бошқа Европа давлатлари халақит берди. Аммо 1912 йилги ташқи қарз шартларига кўра мамлакат ўзининг иқтисодий мустақиллигини йўқотди. Ички сиёсий ҳолат ҳам оғирлашиб, кўзғолонлар кўпайиб борди.

Биринчи жаҳон уруши йиллари мамлакатнинг иқтисодий аҳволини янада ёмонлаштирди. 1917 йилга келиб мамлакатнинг умумий даромадлари 50% га тушиб кетди, оммавий ишсизлик бошланди.

Урушда Либерия дастлаб нейтрал позицияни сақлаб турди. Бу унга Германия билан савдо алоқаларини (у умумий савдонинг 50% ини ташкил қиларди) сақлаб қолишга имкон берди. Аммо бу Антанта давлатларини қаноатлантирмади. Улар Либерия ҳукуматига босим ўтказди ва охири мақсадига эришди – 1917 йил 23 июлда Либерия Германияга уруш эълон қилди. Либериянинг расман бўлсада, урушда иштирок этиши унга 1919 йил Париж конференциясида қатнашиш, кейин эса Миллатлар Лигасига аъзо бўлиш имконини берди.

Либерия жаҳон урушлари оралиғида. 1920-йиллардан бошлаб мамлакатда АҚШ иқтисодий фаоллик кўрсата бошлади. Либерия ҳукуматига ўзининг таъсиридан ва иқтисодий кудратидан фойдаланган АҚШ Либериядан 400 га ер сотиб олишга эришди. Бу

даврдa дунёдаги автомобилларнинг 85% ини ишлаб чиқараётган АҚШ каучукка жуда муҳтож эди. У Либерияда сотиб олинган ердан катта миқдорда арзон каучук ола бошлади.

Американинг «Файрстоун» компанияси амалда Либерияни АҚШдан иктисодий қарамликка солиб қўйди. 1940 йилга келиб Либерия экспортининг 90% и, импортининг 75% и АҚШ ҳиссасига тўғри келди. Мамлакат тўлиқ АҚШнинг каучук плантацияларига айланиб қолди. Аҳолининг ерлари мусодара қилиниб, ўзлари арзон ишчи кучига айлантирилди. «Файрстоун» компаниясига қарашли плантацияларда фақат мажбурий меҳнатдан фойдаланилди.

1939–1945 йиллари Либерия. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Либерия ўзининг нейтралитети ҳақида эълон қилди. АҚШ урушга кириши билан Либерия унга ўз ҳудудидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга руҳсат берди. 1942 йил июлда мамлакатга АҚШ ҳарбий контингенти туширилди. 1943 йили АҚШ президенти Ф. Рузвельтнинг Либерияга ташрифи пайтида бу ерда АҚШ ҳарбий-денгиз базасини қуриш тўғрисида шартнома имзоланди. 1944 йил январда Либерия ҳукумати АҚШ долларини ўзининг миллий валютаси (Либерия доллари) деб эълон қилди. Шу йил январда Либерия антифашист коалицияга қўшилди ва Германия ҳамда Японияга уруш эълон қилди. Аммо у уруш ҳаракатларида бевосита иштирок этмади. Уруш йиллари хўжаликнинг барча соҳалари – қаҳва, какао, пальма ёғи ишлаб чиқариш издан чиқди.

Урушдан кейин фақат битта соҳа – каучук ишлаб чиқариш ривожланиб, унинг экспортини АҚШ тўлиқ монополлаштириб олди. 1945 йили Либерия экспортининг 98% и АҚШ ҳиссасига тўғри келиб, шундан 95% ини каучук ташкил қилди. Айни пайтда мамлакат ички бозоридаги товарларнинг 95% и АҚШ дан келтирилди. Шу тариқа Либерия АҚШнинг иктисодий мустахлақасига айлантирилди.

* * *

XX асрнинг биринчи ярми Африка халқларида миллий онгнинг ўсиши, миллий давлат ва мустақиллик тушунчаларининг шаклланиши даври бўлди. Уларнинг аксарияти учун мустақиллик сари курашнинг оғир йўли ҳали олдинда турарди.

XXX боб бўйича саволлар

1. Қул савдосининг Африка аҳолиси учун психологик оқибатлари нима-ларда намоён бўлди?
2. 1926 йили Миллатлар Лигаси томонидан қабул қилинган «Қуллик ҳақида» конвенцияда ва БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да қуллик ва қул савдосига қандай таъриф берилган?
3. Биринчи жаҳон уруши арафасида Африка қитъаси асосан қайси дав-латлар ўртасида бўлиб олинган эди?
4. Европаликлар кириб келиши билан Африкада модернизациялаш тенденцияларининг пайдо бўлиши нималарда намоён бўлди?
5. Аҳоли орасида анъанавийлик қолдиқларининг кучлилиги иқтисо-дий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда қандай намоён бўлди?
6. Биринчи жаҳон урушидан кейин Африкада миллий ҳаракатларнинг пайдо бўлишига қандай омиллар сабаб бўлди?
7. Жаҳон иқтисодий инкирози Африка ривожланишига қандай таъсир кўрсатди ва иқтисодда қандай ўзгаришларга олиб келди?

VI БЎЛИМ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ

XXXI БОБ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ АРАФАСИДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

Германияда фашистларнинг ҳокимиятга келиши ва халқаро муносабатлар. 1933 йил январда Германияда национал-социалистик ишчи партия реванш ва уруш партияси сифатида ҳокимиятга келди. 1933 – 1935 йиллари Германиянинг асосий вазифаси мамлакатни куроллантиришга Версаль шартномасида кўйилган чекловларни бекор қилиш, дунёни иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан зўравонлик билан қайта бўлишга, ҳудудий экспансияга тайёрланиш бўлди. Экспансияга йўналтирилган бу сиёсат Германиянинг «тенглигини» тиклаш мафкураси билан асосланди. Ғарб давлатлари бу босимга қарши тура олмадилар. Германия Версаль шартномасининг адолатсизлигини рўқач қилиб, ундан ўз манфаати йўлида усталик билан фойдаланди. Германиянинг Версаль шартномасини қайта кўриб чиқиш талабини айрим давлатлар қўллади. 1933 йил октябрда Германия Миллатлар Лигасидан чиқди. У ҳарбий кучлар сонини оширди ва Европада тажовузкорлик ҳаракатларига тайёргарлик қила бошлади. 1935 йилги инглиз-герман келишуви Германияга Буюк Британия флоти ҳажмининг 35 % га тенг ҳарбий флот куриш имконини берди. Шу йили Германия умумий ҳарбий мажбуриятни жорий қилди ва айни пайтда армияни – вермахтни ислоҳ қилиш бошланди. Версаль шартномасининг навбатдаги бузилиши ҳам Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари ва жамоатчилиги томонидан қаршиликсиз қабул қилинди. 1935 йили плебисцит натижасида Саар вилояти Германия таркибига кўшилди. Шу йили март ойида немис кўшинлари Версаль шартномасига кўра демилитаризация қилинган, яъни бу ҳудудда кўшин ҳам, курол ҳам сақлаш тақиқланган Рейн зонасига киритилди. Кичик қаршилик кўрсатилса, кўшинни ортга қайтариш тўғрисида Гит-

лернинг кўрсатмаси бор эди. Аммо ғолиб давлатлар, аввало Буюк Британия ва Франция томонидан ҳеч қандай қаршилик бўлмади. Шу тариқа, 1935 – 1936 йиллари Германия амалда Версаль тинчлик шартномаси шартларининг бекор қилинишига эришди ва Европада янги жаҳон уруши ўчоғини келтириб чиқарди.

Италиянинг Эфиопияни босиб олиши. 1930-йиллар ўрталарига келиб Италия Африкадаги мустамлакалар тақсимотини қайта кўриб чиқиш талаби билан чиқди. 1935 йил октябрда Италия буюк давлатлар, жумладан, АҚШ ва СССРнинг йўл қўйиб бериши тўғрисида Эфиопияга бостириб кирди. 1936 йил баҳорида Италия-Эфиопия уруши якунланди, Эфиопия Италиянинг мустамлакасига айланди. Бу босқин Европадаги фашистик давлатларнинг тўғридан-тўғри қуролли тажовуз актига ўтишини бошлаб берди. Миллатлар Лигасининг Италияга қарши санкция қўллашга уриниши катта натижа бермади.

1936 йил июлда Испанияда генерал Франко исёни бошланди. Германия ва Италия испан фашистларини қўллаб-қувватлади, ёрдамга самолётлар, танклар ва бошқа қуроллар етказиб берди, кейин қўшин ҳам жўнатди. Буюк Британия ва Франция Испания ишларига «аралашмаслик» сиёсатини олиб борди ва бу билан Испания республикасини ағдариб ташлашга кўмаклашди. Аралашмаслик кўмитасининг қарорини рўқач қилиб, Франция Испания республикасига пули тўлаб қўйилган қуролларни ҳам етказиб беришдан бош тортди. Аммо Германия ва Италия бу қарорга риоя қилмадилар. Натижада Испаниядаги фуқаролар уруши 1939 йил мартда республиканинг кулаши билан якунланди. Испанияда фашистик режим ўрнатилди.

Германия-Италия-Япония тажовузкор блокининг ташкил топиши. Уч давлат – қуролланиш пойгаси ва зўравонлик йўли билан дунёни қайта бўлиш ташаббускорларининг тил бириктириши тажовузкор блокнинг расмийлаштирилишига олиб келди. 1936 йил октябрда ҳамкорлик тўғрисида Италия-Германия баённомаси имзоланди («Берлин – Рим ўқи»). Кейин шу йили ноябрда Германия ва Япония Коммунистик Интернационалга қарши кураш тўғрисида келишув имзоладилар (Антикоминтерн пакти). 1937 йили бу келишувга Италия қўшилди ва учта тажовузкор давлатлар блоки – «Берлин – Рим – Токио учбурчаги» ташкил топди. Босқинчиликнинг янги даври бошланди. 1937 йили Япония Хитойга бостириб кирди. Япон

қўшинлари Пекинни эгаллаб, Хитойнинг марказий хуудларига қараб юрдилар. 1938 йил мартда Германия Австрияни қўшиб олиш (аншлюс) режасини амалга оширди.

Коллектив хавфсизлик ва тажовузкорни «хотиржам қилиш». Италия – Эфиопия уруши Миллатлар Лигаси учун жиддий синов бўлди. Миллатлар Лигаси томонидан Италияга қарши қўлланилган санкциялар қутилган натижани бермади, Италия тажовузкорлигига нисбатан коллектив қаршилик юзага келмади. Бу Европа жамоатчилигида Миллатлар Лигаси чорасиз ва дунёда тинчликни сақлашнинг ишончли воситаси эмас, деган фикрни уйғотди. Миллатлар Лигасининг ўзида ҳам кучларнинг бўлиниши юз берди. Германия ва Япония Миллатлар Лигасидан чикди ва бу билан тажовуз сиёсатини бемалол давом эттириш мумкинлигини намоён қилди. Аммо 1934 йили Миллатлар Лигасига янги муҳим аъзо – Совет Иттифоқи қўшилди. Бу билан Европа хавфсизлиги муаммоси янада кенг географик миқёсга эга бўлди. Илгари бу муаммо Фарбий Европа мамлакатларининг ўзаро муносабатлари доирасида ҳал қилинар эди. Энди эса СССР коллектив хавфсизлик тизимининг янги кучи сифатида қаралиши мумкин эди.

1934 йили совет-француз музокаралари натижасида СССР, Чехословакия, Польша, Литва, Латвия, Эстония, Финляндия каби Шарқий Европа давлатлари кириши лозим бўлган Шарқий пакт деб аталган лойиҳа ишлаб чиқилди. Франция Шарқий пактга кафил сифатида қўшилишга ваъда берди, Совет Иттифоқи эса Рейн кафолат пактига кафил сифатида қўшилиши кўзда тутилди. Шу тарзда Германия тажовузига қарши коллектив хавфсизлик тизими тузилиши мумкин эди. Бироқ, Буюк Британия ва Германия, шунингдек, бир қатор Шарқий Европа давлатлари Шарқий пакт тузиш тўғрисидаги таклифни рад этдилар. Европада коллектив хавфсизлик тизимини яратиш имконияти қўлдан бой берилди. Аммо бу тизимга кетмакет қўшиладиган Европа давлатлари билан икки томонлама шартномалар имзолаш орқали коллектив хавфсизлик тизимини яратиш имконияти ҳам бор эди. Шу тариха, Шарқий пактни тузиш режаси барбод бўлганлиги муносабати билан СССР ва Франция 1935 йили ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шартнома келишувчи давлатларнинг бирига бошқа Европа давлатлари томонидан ҳужум бўлганда ўзаро ёрдам кўрсатишни кўзда тутарди. Худди шундай шартнома СССР ва Чехословакия ўртасида ҳам имзоланди.

Бу шартномада Чехословакияга ҳужум бўлган тақдирда агар Франция ёрдамга келса, СССРнинг ҳам ёрдам бериши кўзда тутилган эди. Худди шундай Чехословакия – Франция пакти ҳам имзоланди. Аммо Франциянинг позицияси муқим эмасди. Кўп жиҳатдан у тажовузкорларга ён бериш йўли билан Европада тинчликни сақлашга қаратилган Буюк Британия сиёсатининг умумий йўналишига тақлид қилишда давом этди. Бу тажовузкорни «хотиржам қилиш» сиёсати бўлиб, бу сиёсат илгари Германия томонидан Версаль шартномаси шартларининг бузилишига йўл қўйиб берган эди.

1938 йилги Мюнхен келишуви. Австрия аншлюс қилингандан сўнг Германия Чехословакияни босиб олишга тайёрлана бошлади. Судет инқирози деб аталган муаммо сунъий яратилди. Чехословакиянинг Судет вилояти аҳолисининг кўпчилигини немис миллатига мансуб кишилар ташкил қиларди. Гитлер бу вилоятнинг Чехословакиядан олиб Германияга берилишини талаб қилди. Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари Германияга ён босишни маслаҳат бериб, Чехословакиянинг қаршилик кўрсатиш имкониятларини чеклади. Судет вилоятида судет немислари партияси номи остида гитлерчилар фаолият олиб борди. Буюк Британиянинг Чемберлен ҳукумати вужудга келган сиёсий инқирозни Чехословакиянинг ён бериши ҳисобига енгиб ўтишга умид қилди. Тажовузкорни «хотиржам қилиш» сиёсатининг моҳияти аслида шундан иборат эди. Бу сиёсатнинг узокни кўзлаган мақсади эса Герман тажовузкорлигига кенгроқ ён беришлар эвазига бўлса-да, Европада катта урушнинг олдини олишдан иборат эди. Шу сабабли Ғарб давлатлари Чехословакияга ёрдам бермадилар. 1938 йил сентябрда СССР ташқи ишлар вазири М.М. Литвинов Франция ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортса-да, СССР 1935 йилги шартнома бўйича Чехословакияга ёрдам беришга тайёр, деган баёнот берди. Чунки совет раҳбарларининг назарида Ғарб давлатлари кун сайин ўсиб келаётган Германия тажовуздини СССРга қарши йўналтиришни режалаштираётган эди.

Буюк Британия ва Франция босими остида Чехословакия ҳукумати Германиянинг талабини бажаришга мажбур бўлди. Чехословакиянинг капитуляцияси 1938 йил 29 сентябрь куни Мюнхенда Буюк Британия бош вазири Чемберлен, Франция бош вазири Даладье ҳамда фашистик диктаторлар Муссолини ва Гитлер иштирокида расмийлаштирилди. Йиғилишда Чехословакия вакили

иштирок этмади. Чехословакия тақдирини тўрт давлат вакиллари ҳал қилишди. Қабул қилинган келишувга биноан Чехословакия ўн кунлик муҳлат ичида Судет вилоятини барча иншоотлари билан бирга Германияга бериши лозим эди. Бу Чехословакия худудининг 1/5 қисми, аҳолисининг 25% и, огир ва ҳарбий саноатининг асосий қисми олиб қўйилди, дегани эди. Чехословакия ҳукумати Мюнхен келишуви шартларини қабул қилганлиги ҳақида баёнот берди. Тарихий адабиётларда бу келишув «Мюнхен тил бириктириши» номини олди. Германия Буюк Британия ва Францияга бундан буён вужудга келадиган баҳсларни музокаралар йўли билан ҳал қилишга ваъда берди. Аммо Германия тегишли декларацияларда қайд қилинган бу ваъдани қўпол равишда бузди.

Кўпчилик тарихчи олимлар 1938 йил 29 сентябрдаги Мюнхен келишуви халқаро муносабатларнинг кейинги ривожини белгилаб берди, Иккинчи жаҳон урушини муқаррар қилиб қўйди, деб ҳисоблашади. Зотан, бу келишув натижасида:

- халқаро ҳуқуқ нормалари бузилди;
- Европада шаклланган коллектив хавфсизлик тизими барбод бўлди;
- СССРнинг яққаланиши кучайди;
- Германия тажовузи Шарққа қараб «йўналтирилди».

Мюнхен келишуви Совет Иттифоқининг манфаатларини инобатга олмади, бу билан совет раҳбарларини тажовузкорликка ундади, жавобгарликдан халос қилди ва Иккинчи жаҳон уруши бошланишида ҳал қилувчи қадам бўлди. СССРнинг иккита фронтда – шарқда Японияга ва ғарбда Германияга қарши уруш олиб бориш хавфи пайдо бўлди. Айни пайтда Германия ҳам иккита фронтда урушишга тайёр эмасди. Уларнинг манфаатлари вақтинча мос тушди. Бу 1939 йил 23 августда 10 йил муддатга ўзаро уруш қилмаслик тўғрисида совет-герман пактининг имзоланишига олиб келди.

1939 йил 15 март куни немис қўшинлари Чехия ва Моравияни босиб олди, Словакияда эса фашистпараст режимни яратдилар. Шундан сўнг Германия Польшадан Гданьск шаҳрини талаб қилди. 1939 йил апрелда Германиянинг иттифоқчиси бўлган Италия Албанияга бостириб кирди. Тажовузкорни «хотиржам қилиш» сиёсатининг дастлабки натижалари шулар эди. 1939 йил баҳорга келиб бу сиёсат унинг ташаббускорлари учун ҳам хавф солаётганлигини тушуниб етдилар. Евроосиё китъасининг Ғарби ва Шарқини таъ-

сир зоналарига бўлиш ҳақида келишиб олган фашистик Германия ва милитаристик Япониянинг дунёда ўз гегемонлигини ўрнатиши реал хавфга айланди.

Инглиз-француз-совет музокаралари. Совет-Герман пакти. 1939 йил баҳорда Европадаги ҳолат кескинлашди. Тажовузкорни «хотиржам қилиш» сиёсати тўлиқ барбод бўлди. Германия 15 мартда Мюнхен келишувини бузиб, Чехословакияни босиб олди. Бир ҳафта ўтиб эса Польшадан Гданьск шаҳрини талаб қилди ва Литванинг Клайпеда вилоятини босиб олди. Фашистик Италия апрелда Албанияни эгаллаб олди. Бу босқинчилик актлари дунёни жаҳон уруши гирдобига торта бошлади, Буюк Британия, Франция ва Совет Иттифокининг халқаро обрўси пасайди. Испанияда Франкнинг фашистик режими ўрнатилгандан сўнг, айниқса фашистик давлатлар қуршовида қолган Франциянинг аҳволи жуда хавфли эди. Германиянинг Польша ва Руминияга бостириб киришга тайёрланаётганлиги ҳақида Британия ҳукуматига маълум эди. Буюк Британия ҳукумати тажовузкорларга ён бериш сиёсатининг барбод бўлганлигини тан олган бўлса-да, тажовузга учраган давлатларга ёрдам бериш тўғрисида ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришдан бош тортди. Айни пайтда Клайпедани забт этган Германия 23 март куни Руминияни иқтисодий келишув имзолашга мажбур қилди ва унинг иқтисодиётини Германия ҳарбий саноати хизматига йўналтирди. Тажовузкор давлатларнинг янги босқинчилик актлари таъсири остида Буюк Британия ҳукумати ўзининг ташқи сиёсат курсини ўзгартира бошлади – чегараларини мустаҳкамлаган ҳолда Франция, Польша ва Руминия билан алоқаларини кенгайтира бошлади. Буюк Британия ва Франция Польша ва кейин Руминияга ёрдам кўрсатиш сиёсий қафолат тўғрисида эълон қилдилар (Гитлер Польшани тор-мор қилиш «Вайс» режасини имзолагандан икки кун кейин).

1939 йил апрель – май ойларида совет ҳукумати ва Буюк Британия ҳамда Франция ҳукуматлари ўзаро ёрдам, жумладан, СССР билан чегарадош Шарқий Европа давлатларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида сиёсий келишув тайёрлашга киришдилар. Айни пайтда ҳарбий конвенция имзолаш ҳам кўзда тутилди. Бу ҳақда ўзаро хат алмашиш бир неча ой давом этди. Натижада сиёсий музокаралар боши берк кўчага кириб қолди. Шунда Буюк Британия, Франция ва Совет Иттифоқи ҳарбий масалалар бўйича музокаралар бошлаш-

га қарор қилдилар, зеро ҳарбий келишувсиз Германия тажовузига қарши туриш учун ҳар қандай сиёсий келишув фойдасиз бўларди. Бироқ, ҳарбий музокаралар ҳам муваффақиятсиз якунланди. Муаммо фақат Польша ва Руминия, шунингдек, Болтиқбўйи республикаларининг Германиядан кўра СССРдан кўпроқ кўрқишида, у билан ҳамкорлик қилишни истамаганлигида ва ўз ҳудудларидан Қизил армиянинг ўтишига розилик бермаганлигида эмасди. Инглиз-француз-совет музокараларининг иштирокчилари бир-бирига нисбатан ўта ишончсизлик, хавфсираш кайфиятида эдилар, ҳар бири ўзининг ғараз мақсадларини кўзлаб иш тутарди. Бу умумий ишончсизлик руҳи Буюк Британия ва Совет Иттифоқининг Германия билан яширин алоқалари туфайли янада авж олди.

1939 йил июнь – август ойларида турли иқтисодий ва сиёсий масалалар, шу жумладан, ўзаро ҳужум қилмаслик пактини имзолаш тўғрисидаги инглиз-герман музокаралари бўлиб ўтди. Шу йил май ойида иқтисодий масалалар бўйича совет-герман музокаралари бўлиб, кейин сиёсий масалаларга ўтилди. Германия инглиз-француз-совет музокараларини бузиш ва Польшага ҳужум қилишдан олдин СССРнинг бетарафлигини таъминлашдан манфаатдор эди. Ўз навбатида, Сталиннинг Ғарб демократларига нисбатан ишончсизлиги ҳамда уч томонлама музокаралар пайтида Буюк Британиянинг сусткашлиги совет ташқи сиёсати курсининг ўзгаришига олиб келди. Бу курс ўзгариши ташқи ишлар халқ комиссари М.М. Литвиновнинг ишдан олиниб, ўрнига В. М. Молотовнинг тайинланишида ҳам намоён бўлди. Шу вақтдан бошлаб то 1939 йил 23 августда ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисида совет-герман пакти имзолангунга қадар совет-герман алоқалари тўхтамади. Бу алоқалар давомида совет-герман яқинлашувининг шартлари, ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисидаги пактнинг тафсилотлари, Шарқий ва Жануби-Шарқий Европани иккала давлатларнинг таъсир зоналарига бўлиш тўғрисида келишиб олинди.

1939 йил 23 августдаги совет-герман пакти (Молотов – Риббентроп пакти) ва унга илова қилинган махфий баённома совет-герман яқинлашувининг ҳамда иккала диктатор келишувининг натижаси бўлди. Ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартнома қонуний бўлса-да, бироқ у келишув бўлиб, СССР ва Германиянинг бири бошқа бир давлат билан урушганда иккинчиси бетарафлик сақлаб туриши кўзда тутилган эди. Бу келишув натижасида Сталин Болтиқ-

бўйи давлатлари ва Бессарабияни эгаллаб олиш ҳамда Польшани бўлиб олишда иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Шартномага илова қилинган махфий баённома шуни кўрсатдики, СССР ташқи сиёсатида кескин ўзгариш юз бериб, у илгари Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари юритган Германияни «хотиржам қилиш»нинг Мюнхен курсига кўшилди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида тузилган халқаро шартномалар

Шартнома номи	Имзоланган йили	Қатнашувчи давлатлар
Антикоминтерн пакти	1936–1937 йиллар	Германия, Италия, Япония
Мюнхен келишуви	1938 йил	Франция, Буюк Британия, Германия, Италия
Пўлат пакти	1939 йил, май	Германия, Италия
Риббентроп-Молотов пакти	1939 йил, август	СССР, Германия
Чегара ва дўстлик ҳақида шартнома	1939 йил, сентябрь	СССР, Германия
Учлар пакти	1940 йил, сентябрь	Германия, Италия, Япония

XXXI боб бўйича саволлар

1. Германияда фашистлар ҳокимиятга келгандан сўнг нима учун Версаль шартномаси шартларини бекор қилишга ҳаракат қилди?
2. 1930-йиллари дунёнинг қайси худудларида уруш ўчоқлари пайдо бўлди? Уларнинг пайдо бўлишига нималар сабаб бўлди?
3. 1930-йиллари Европада коллектив хавфсизликни яратиш йўлида қандай тадбирлар амалга оширилди? Нима учун шундай хавфсизлик тизими яратилмади?
4. Тажовузкорни «хотиржам қилиш» сиёсатининг моҳияти нимада эди? Бу сиёсат дунёда тинчлик ўрнатилишига олиб келиши мумкинми?
5. 1938 йил 29 сентябрдаги Мюнхен келишуви нима учун халқаро муносабатларнинг кейинги ривожини белгилаб берди ва Иккинчи жаҳон урушини муқаррар қилиб қўйди?
6. 1939 йилги инглиз-француз-совет музокаралари нима учун ижобий натижаларга олиб келмади?
7. 1939 йилги совет-герман келишувига баҳо беринг. СССРни Германия билан келишишга нима мажбур қилди?

XXXII БО Б. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШНИНИНГ БОРИШИ. УРУШ ЯКУНЛАРИ

Урушнинг бошланиши. 1939–1941 йиллардаги уруш ҳаракатлари. 1939 йил 1 сентябрь куни Германиянинг Польшага бостириб кириши билан Иккинчи жаҳон уруши бошланди ва 1945 йил 2 сентябргача давом этди. Польшага ёрдам беришни ваъда қилган Буюк Британия ва Франция 3 сентябрь куни Германияга уруш эълон қилди, ammo Германия раҳбарлари билан хуфия музокара-ларни давом эттириб, жиддий жанглар олиб бормади. Уларнинг бу ҳаракати тарихда «ғалати уруш» номини олди.

Иккинчи жаҳон урушининг биринчи босқичида (1939 йил 1 сентябрдан 1941 йил 21 июнгача) немис босқинчилари Бельгияни, Голландияни, Польшани, Норвегияни, Данияни, Францияни босиб олишга муваффақ бўлдилар. Франция 1940 йил май-июнь ойларида тор-мор қилинди. Инглиз-француз кўшинларининг омон қолганлари оғир техникани ташлаб, эвакуация қилинди. Австрия билан Чехословакия олдинроқ оккупация қилинган эди. Италия фашистлари Албания, Греция ва Эфиопияни босиб олдилар.

Гитлёрни «хотиржам» қилиш тарафдори бўлган Буюк Британия бош вазири Невилл Чемберлен ўрнига Уинстон Черчилль келди. У фашистларни «хотиржам» қилиш эмас, йўқ қилиш лозим деб ҳисобларди. Инглизлар ҳақиқий жанговар характери ни намоиш қилиб, 1940 йил ёз-куз ойларида немисларнинг ҳаводан бомбарди-мон қилишига мардонавор бардош берди. Черчилль нацистлар билан ҳар қандай келишувни қатъиян рад этди.

Совет раҳбарлари пайтдан фойдаланиб қолди. 1939 йил 17 сентябрь куни совет кўшинлари Польшанинг бир қисмини забт этди, махфий келишувга биноан унинг ҳудудини Германия билан бўлиб олди. 1920 йилги совет-польша урушидаги мағлубият туфайли бой берилган Ғарбий Украина билан Ғарбий Белоруссия СССР таркибига қайтариб олинди. Германия билан СССР ўртасида дўстлик шартномаси имзоланиб, унда Польша давлати сиёсий харитадан бутунлай ўчириб ташланди.

1939 йил 30 ноябрдан 1940 йил 12 мартгача совет-фин уруши бўлиб ўтди. Жуда катта йўқотишлар эвазига Карелия Виборг шаҳри билан бирга СССР таркибига қайтариб олинди, Ханко ҳарбий база-си ва бошқа ҳудудлар эгалланди. Териоки шаҳрида Коминтерннинг

рахбарларидан бири О. Куусинен бошчилигида кўғирчок ҳукумат тузилди. Аммо тез галаба қилиш ва Финляндияни қарам давлатга айлантириш режаси амалга ошмади. СССР тажовузкор давлат сифатида Миллатлар Лигаси таркибидан чиқарилди. 1940 йил мартда СССР Финляндия билан сулҳ тузишга мажбур бўлди.

1940 йил майда Германия кўшинларининг Францияга ҳужуми бошланди. Германиянинг танкли ва механизациялашган дивизиялари Бельгия ва Голландия ҳудудларидан ўтиб инглиз-француз кўшинларининг орқа томонига чиқиб олди. Уларнинг йирик ҳарбий гуруҳи денгиз қирғокларига сиқиб қўйилди ва Буюк Британияга эвакуация қилинди. Бошбошдоклик ҳолатига келган француз кўмондонлиги қаршилик кўрсатиш лаёқатини йўқотди, Париж очик шаҳар деб эълон қилинди ва жангсиз немисларга топширилди. Германиянинг галабасига ишонган Италия 10 июнь куни Буюк Британия ва Францияга уруш эълон қилди. 1940 йил 22 июнда Франция таслим бўлди.

Франциянинг таслим бўлиши деярли тўлиқ Германиянинг назорати остига тушиб қолган Европадаги ҳолатни ўзгартирди. Анча кам, 100 минг кишидан камроқ талафот билан Германия 27 млн киши яшайдиган ҳудудни ўзига қўшиб олди, уруш бошланганда ўзи эга бўлган қуролдан ҳам кўпроқ қурол-аслаҳани ўлжа қилиб олди. 1940 йил сентябрда Германия, Япония ва Италия ўртасида ҳарбий ҳамкорлик тўғрисида келишув – Учлар пакти имзоланди. Тез орада бу пактга Венгрия, Руминия, Словакия ва Болгария ҳам қўшилди. Германиянинг ягона жанг қилаётган рақиби бўлиб Буюк Британия қолди, уни Германия ҳаво ҳужуми ва денгиздан қамал қилиш орқали енгишга ҳаракат қилди.

Франциянинг шиддат билан тор-мор қилиниши Биринчи жаҳон уруши тажрибасидан келиб чиқиб, уруш чўзилади деб ҳисоблаган совет раҳбарларини шошириб қўйди. Ўзгарган шароитдан келиб чиқиб, Совет Иттифоқи унга белгилаб берилган ҳудудлар устидан ўз назоратини ўрнатишга киришди. Париж забт этилган 14 июнь куни СССР Болтиқбўйи давлатларини ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани бузганликда айблади ва улар ҳудудида ўз кўшинларини жойлаштириш учун розилик олди. Бир ойдан камроқ вақт ўтиб, амалда оккупация қилинган бу давлатларда ҳокимиятга коммунистлар келди. Учала давлат ҳам совет республикалари деб эълон қилинди ва СССР таркибига қабул қилинди. Франция таслим бўлгандан кейин

дархол Совет Иттифоки йирик қўшинларини Руминия чегарасида жамлади ва Бессарабиянинг СССРга берилишига эришди.

Шу даврда совет дипломатияси яна бир муаммони ҳал қилишига тўғри келди. 1940 йил ноябрда совет ташқи ишлар вазири В.М. Молотовнинг Берлинга сафари чоғида СССРга Учлар иттифокига қўшилиш таклиф қилинди. Бу СССРнинг Буюк Британияга қарши урушга қўшилишини ва бунинг эвазига Эрон ва Ҳиндистон томонда ҳудудларни босиб олиб, жанубдан океанга чиқишини тақозо қиларди. Агар бу таклиф қабул қилинганда Буюк Британия маглуб этилгандан сўнг СССРнинг хавфсизлиги халқаро келишувларни писанд қилмаслигини бир неча бор намоёиш қилган Германия ва Япония раҳбарларига боғлиқ бўлиб қоларди. Шарқий Европа давлатлари ва Финляндиянинг Германия иттифоқчилари тизимида қўшилиши ҳам совет раҳбарларини хавотирга солаётган эди.

Германиянинг СССРга бостириб кириши. Германия билан СССР ўртасидаги уруш муқаррар бўлиб, Ғарбий Европанинг эгалланишини Гитлер ўзининг асосий режаси – Шарқда «ҳаётий кенглик» яратиш учун тайёргарлик сифатида қараётган эди. СССР Учлар иттифокига кириш таклифини рад этгандан сўнг Гитлер СССРни шиддат билан тор-мор қилишни кўзда тутган «Барбаросса» режасини тасдиқлади.

Фашистлар ташвиқотининг расмий ривояти шундан иборат эдики, СССР Ғарбий Европага ҳужум қилишга тайёрланаётганлиги учун Германия бу ҳужумнинг олдини олиш мақсадида СССРга бостириб кирган. Бу ривоят фактлар билан тасдиқланмаган. СССР ҳали душман аниқ бўлмаса-да, 1930-йилларнинг бошлариданок урушга тайёрлана бошлади. Худди Германия сингари СССРнинг ҳам асосий ҳарбий кучлари тез ҳужум қилиш қобилятига эга бўлган йирик механизациялашган корпуслардан иборат эди.

1941 йил бошида ҳам СССР ўз ҳарбий кудратини оширишда давом этди. Армияни янги техника билан (хусусан, немисларникидан кучли бўлган Т-34 ва КВ танклари билан) қайта қурулантириш 1942 йили якунланиши лозим эди. 1941 йил бошида АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари, совет разведкасининг ўзи ҳам Германиянинг СССРга бостириб кириши мумкинлиги ҳақида И. Сталинни огоҳлантирди. Бу огоҳлантиришлар ишончсизлик билан қабул қилинди. Шунга қарамасдан, 1941 йил апрелда СССРда 800 минг захирадаги ҳарбийлар хизматга чақирилди.

1941 йили 22 июнда СССРга хужумни бошлаган Германия кўмондонлиги Қизил армиянинг жанговар қобилияти ҳозир жуда юқори бўлмаса-да, яқин икки-уч йил ичида янги техникани ўзлаштириш натижасида анча кучайиши мумкин деб ҳисоблайди.

Германиянинг ҳужуми СССР учун қутилмаганда юз берганлиги И. Сталиннинг энг йирик хатоларидан бири бўлди. У тайёрланаётган ҳужум ҳақидаги огоҳлантиришларга эътиборсизлик билан қаради, немисларга ҳужум қилиш учун баҳона бўлади деб, чегарага яқин ҳудудларда жанговар ҳолатни оширишга қаратилган тadbирлар ўтказишни тақиклади. У ҳужум ҳақидаги миш-мишларни Германия билан СССРнинг тўқнашувидан манфаатдор бўлган Буюк Британия атайлаб тарқатмоқда, деб ҳисоблади. Сталин Германиянинг қудратини тўлиқ баҳолай олмади, уни бир неча фронтда урушишга қодир деб ўйламади. 1941 йил апрелда Германия билан Италия Югославия ва Грецияни босиб олди, Крит оролидан инглизларни қувиб чиқарди, Шимолий Африкада ҳам уруш ҳаракатлари олиб борилди. Немис генералларининг Қизил армияни ҳарбий жиҳатдан жуда кучсиз, уч ойда мағлуб қилса бўлади, деб ҳисоблаши совет раҳбарларининг хаёлига ҳам келмасди.

Урушнинг тўсатдан бошланиши шунга олиб келдики, совет авиациясининг катта қисми ҳавога кўтарилишга улгурмасдан аэродромларда йўқ қилинди, кўшинни бошқариш ва таъминлаш тизими издан чиқди. Бу СССР уруш бошларида учраган аянчли мағлубиятларнинг ягона сабаби эмасди. 1937 – 1938 йиллардаги қатағонларда кўплаб тажрибали кўмондонларидан маҳрум бўлган Қизил армия анча кучсизланиб қолди. Эски чегарадаги ҳимоя иншоотлари бузиб ташланди, янгилари хали қурилмаган эди. Кўшинлар узоқ ҳимояга эмас, зудлик билан қарши ҳужумга ўтиб, урушни душман ҳудудида олиб боришга йўналтирилган эди. Шу сабабли душман тўсатдан ҳужум қилганда улар жуда катта талафот кўрди. Немислар Европадаги жангларда катта тажриба орттирганлиги ҳам инобатга олинмади. Урушнинг биринчи кунларида совет кўшинларининг қарши ҳужумга ўтиш учун қилган ҳаракатлари немисларга уларни ўраб олиш ва Қизил армиянинг катта қисмини йўқ қилишни осонлаштирди.

Антигитлер коалициянинг тузилиши. Учлар пакти давлатларининг тажовузкор сиёсати манфаатлари турлича бўлган давлатлар ўртасида иттифок тузилиши учун замин яратди, бошқача шароит-

да бундай иттифок тузилиши мумкин бўлмасди. Бироқ Германия ва унинг иттифокчилари уруш бошлагандан кейин Буюк Британия сингари СССР учун ҳам ўз фукароларини химоя қилиш, суверенитетини сақлаш асосий масалага айланди.

Германия СССРга хужум бошлаши билан Буюк Британия бош вазири У.Черчилль ва АҚШ президенти Ф. Д. Рузвельт совет халқи билан бирдамлигини эълон қилди.

АҚШ худудига бевосита хавф бўлмаса-да, унинг раҳбарлари Германиянинг Европада ғалаба қозониши узоқ келажакда Америка учун жиддий хавф эканлигини яхши тушунарди. Жамиятда изоляционизм кайфияти кучли бўлишига қарамасдан, АҚШ сенати 1941 йил мартда ленд-лиз тўғрисида қонун қабул қилди. Бу қонунга биноан тажовузкорларга қарши курашаётган давлатлар ҳаракати Қўшма Штатлар хавфсизлиги учун муҳим ҳисобланганда АҚШ уларга ёрдам кўрсатиши кўзда тутилади. Ленд-лиз бўйича берилган ёрдам агар ҳарбий мақсадларга ишлатилмаса, урушдан кейин қайтарилиши белгилаб қўйилди. Шу тариқа АҚШ урушга киришга шўшилмади, у Буюк Британиянинг урушмаётган иттифокчиси бўлди.

1941 йил августда АҚШ ва Буюк Британия уруш пайти ва ундан кейинги ҳамкорлик тамойиллари тўғрисида декларацияни – Атлантик хартияни имзолади. Бу ҳужжатни имзолаган томонлар худудий ва бошқа бойликларни эгаллаб олишга интилмаслик, халқларнинг ўз бошқарув шаклини эркин танлаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, зўравонлик йўли билан суверенитетидан маҳрум қилинган халқларнинг ўз ҳуқуқларини тиклашга интилишини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз зиммасига олдилар. Улар барча давлатларнинг савдо ва дунё хомашё манбаларидан тенг фойдаланиши, барча халқларга муносиб яшаш даражасини таъминлаш, уларнинг иқтисодий тараққий этиши, ижтимоий таъминланиши ва мустаҳкам тинчлик тарафдори эканлигини таъкидладилар. 1941 йил сентябрда СССР Атлантик хартиянинг асосий тамойилларини қабул қилди ва ноябрда унга нисбатан ленд-лиз татбиқ қилинди.

Тинч океанида Япония бошлаган жанговар ҳаракатлар АҚШнинг урушга қўшилишини ва антигитлер коалициянинг батамом шаклланишини тезлаштирди.

Ўзаро хужум қилмаслик тўғрисидаги совет-герман шартнома-си имзолангандан сўнг (1939) Япония СССР ва Мўғулистон би-

лан можароларни ҳал қилишга киришди, Хитой билан урушни ва Европадаги воқеалар ривожини кузатишда давом этди. Франция мағлубиятга учрагандан сўнг унинг Ҳиндихитойдаги мустамлакаларини ўз назорати остига олди. Буюк Британиянинг оғир аҳволи Осиё-Ҳинд океани минтақасида ҳукмронлик даъво қилаётган Япония раҳбарларини жанубий йўналиш томон тажовуз қилишга ундади. Бунинг натижасида 1941 йил апрелда Япония СССР билан нейтралитет тўғрисида шартнома имзолади. СССР раҳбарияти бу шартноманинг риоя қилинишига шубҳа билдирса-да, у Узоқ Шарқда қисман хавфсизликни таъминлади.

1941 йил 7 декабрь куни Япония флоти Пёрл-Харборга, АҚШ флотининг Тинч океанидаги асосий базасига ҳужум қилди, йирик кемаларнинг катта қисмини чўктирди ёки ишдан чиқарди. Айни пайтда Буюк Британиянинг Осиёдаги мустамлакаларига ҳам ҳужум уюштирилди. Барча йирик давлатлар урушга жалб қилинди.

АҚШнинг урушга қўшилиши билан антифашистик коалиция ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилди. 1942 йил 1 январда иттифоқчи давлатлар ва Учлар иттифоқи билан урушаётган давлатлар ҳукуматлари 26 давлат Декларациясини имзоладилар. Унда душман устидан ғалабага эришиш учун барча имкониятларни сафарбар қилиш, сепарат сулҳ тузмаслик мажбуриятлари юкланди, урушдан кейин дунё тартиби Атлантик хартия тамойиллари асосида ўрнатилишини белгилаб қўйди. Декларация ҳозирча урушмаётган давлатлар унга қўшилиши учун очиқ бўлиб, бу давлатлардан фақат Учлар иттифоқи давлатларига уруш эълон қилиши талаб қилинар эди.

Урушнинг бориши. АҚШ урушга қўшилиши билан антигитлер коалиция давлатлари моддий ва инсоний ресурсларда сўзсиз устунликка эришди. Бирок, урушнинг боришида бурилиш бирданига юз бермади. 1941 йил декабрда немис қўшинлари Москва остоналарида жангни бой берди ва урушдаги дастлабки жиддий мағлубиятга учрадилар. Аммо уларнинг ҳужумкорлик руҳи ҳали синдирилмаган эди. 1942 йил баҳор-кузида немис қўшинлари Волга дарёсига ва Шимолий Кавказга чиқдилар. Африкада герман-итальян қўшинлари ҳамон Мисрга хавф солиб турарди, Япония Малайя, Бирма, Филиппин, Индонезияни босиб олди, япон қўшинлари Ҳиндистон ва Австралия бўсағасида турарди.

1942 йил асосий фронтларда бурилиш йили бўлди. Июнда япон флоти Мидуэй оролида дастлабки мағлубиятга учради. Бу АҚШга японларни улар Тинч океанида босиб олган ороллардан аста-секин сиқиб чиқариш имконини берди. 1942 йил ноябрда совет кўшинлари Сталинград остоналарида қарши ҳужумга ўтиб, Волгага чиққан герман кўшинларининг катта гуруҳи – 22 та дивизиясини қуршаб олди ва тор-мор қилди. 1943 йил февралда қуршовдаги немис кўшинлари таслим бўлди.

Сталинград остоналаридаги мағлубият Учлар иттифоқи давлатлари учун ҳалокатли бўлди. Германия ўз армиясининг жанговар қобилиятини тиклаш учун ялпи сафарбарлик эълон қилишга мажбур бўлди. Германиянинг захирадаги барча кўшинлари Шарқий фронтга жалб қилинди, натижада иттифоқчилар 1943 йил май ойида италян-герман кўшинларини Африкадан тўлиқ қувиб чиқишга эришдилар.

1943 йили Учлар иттифоқи давлатлари ҳали ташаббусни ўз қўлига олишга ҳаракат қилиб кўрдилар, хусусан, Иккинчи жаҳон урушининг энг йирик танклар жанги бўлиб ўтган Орлов-Курск жангида шунга интилдилар. Бирок, бу ҳаракат муваффақият қозонмади. Совет кўшинлари қарши ҳужумга ўтиб, Россиянинг ўз ҳудудини даярли тўлиқ ва Украина ҳудудининг катта қисмини озод қилди. 1943 йил сентябрда иттифоқчилар Италияга кўшин туширдилар. Муссолини ҳокимиятдан четлатилди, янги ҳукумат Германияга уруш эълон қилди. Бунга жавобан немис кўшинлари Шимолий Италиyani босиб олиб, у ерда фашистик режимни тикладилар.

1944 йили Совет Иттифоқи ўз ҳудудини тўлиқ озод қилди, совет кўшинлари Шарқий Европага кириб келди. Финляндия, Болгария, Руминия урушдан чиқди, совет кўшинлари Варшава ва Будапешт чегараларига етиб келди, жанглр Шарқий Пруссия ерларида олиб борилди. 1944 йил июнда иттифоқчилар Нормандияга кўшин туширди, Франция ва Бельгия озод қилинди. Уруш Германиянинг ўз ҳудудларига етиб келди. Германиянинг Арденда қарши ҳужумга ўтиб, англо-америка кўшинларини денгизга улоқтириб ташлаш учун қилган ҳаракатлари муваффақиятсиз чиқди. У. Черчиллнинг шахсий илтимосига кўра 1945 йил бошида СССР бутун Шарқий фронт бўйлаб ҳужум бошлади ва бу Германияни барча кўшинларини Қизил армияга қарши ташлашга мажбур қилди.

Фашизмга қарши курашда италян-герман кўшинлари томонидан забт этилган худудлардаги миллий-ватанпарвар кучлар катта роль ўйнади. Англо-америка кўшинлари билан бирга мамлакатни озод қилишда иштирок этган генерал де Голль бошчилигидаги «Озод Франция» Қаршилик ҳаракатининг асосий кучи эди. Югославияда И.Б. Тито бошчилигидаги озодлик ҳаракати иттифокчилар кўшинлари яқинлашиб қолганда мамлакатда қолган босқинчилар горнизонини ўз кучлари билан тор-мор қилдилар. Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам озодлик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Айти пайтда бу ҳаракатнинг характери ва миқёси ҳар доим ҳам антифашист коалиция мамлакатларининг ниёт ва режаларига мос эмасди. Грецияда инглизлар томонидан қилинган Қаршилик ҳаракатининг маҳаллий отрядларини қуролсизлантириш борасидаги ҳаракатлар мамлакатда фуқаролар урушига олиб келди. Шунингдек, Қаршилик ҳаракатининг Польшадаги нокоммунистик гуруҳларига СССР анча совук муносабатда бўлди. Уларнинг совет кўмондонлиги билан келишмасдан Варшавани озод қилиш учун қилган ҳаракати немис кўшинлари томонидан бостирилди ва бу кейинчалик поляклар билан советларнинг бир-бирига жиддий таъна қилишлари учун асос бўлди. 1945 йилнинг бошига келиб Германиянинг ғалаба қилиш учун имкониятлари тугаган эди.

СССР ва Ғарб давлатлари: ўзаро муносабатлар муаммолари. Гитлерчиларга қарши коалиция давлатларининг ўзаро муносабатларига оид асосий масалалар СССР, АҚШ ва Буюк Британия лидерларининг учрашувларида ҳал қилинади. Уруш давомида шундай учрашувлар учта –Техронда (1943), Ялтада (1945 йил февраль), Потсдамда (1945 йил июль-август) бўлиб ўтди.

Ғалабага бўлган умумий интилиш, ундан манфаатдорлик баҳсли масалаларда келишув йўлини топиш имкониятини берди. Айти пайтда, томонлар эришилган кўплаб келишувларни мажбурий, келажакда қайта кўриб чиқиши лозим, деб қаради. Иттифокчилар ўртасида ўзаро тўлик ишончнинг йўқлиги ҳамкорликнинг жорий муаммолари ечимига салбий таъсир кўрсатди.

Урушнинг СССР учун энг оғир бўлган даврларида Ғарб давлатлари Сталин таслим бўлиши мумкин деб ҳисоблаб, ленд-лиз бўйича бериладиган техника ва қуролларни бир неча бор тўхтатиб қўйди. 1944 йил ёзига қизил армия Германиянинг асосий кучларига қарши кураш олиб борган бир пайтда, АҚШ ва Буюк Британия ик-

кинчи даражали йўналишлардаги операциялар билан банд бўлди ва бу албатта СССР раҳбариятининг норозилигини келтириб чиқарди. Совет раҳбарларида иттифоқчилар СССР ва Германиянинг бир-бирини обдан кучсизлантиришини кутиб, атайлаб иккинчи фронт очилишини чўзмоқда, деган шубҳа ҳам пайдо бўлди.

Бу шубҳа маълум асосга ҳам эга эди. 1944 йил ёзда Гитлерга суиқасд қилингандан сўнг АҚШ ва Буюк Британия вакиллари бетараф Швейцарияда агар Гитлер ва унинг энг яқин сафдошлари ҳокимиятдан четлатилса, Фарб билан Германия ўртасида сулҳ тузиш мумкинлиги тўғрисида музокаралар олиб бордилар. АҚШ ҳукмрон доираларида урушни чўзиш, ўзининг бўлгуси рақибини иложи борида ҳолдан тойдириш тарафдорлари ўз қарашларини яшириб ҳам ўтирмадилар. Уларнинг фикрини 1944 йили вице-президент, 1945 йили Ф. Д. Рузвельтнинг ўлимидан кейин АҚШ президенти бўлган Г. Трумен ҳам тасдиқлар эди.

Уруш давом этаётган пайтда, ҳатто у Европада яқунлангандан кейин ҳам иттифоқчилар орасидаги келишмовчиликлар яққол намоён бўлмади. АҚШ ва Буюк Британия СССРнинг Японияга қарши урушга киришидан манфаатдор эдилар, акс ҳолда баъзи ҳисобкитобларга кўра бу уруш 1947 йилгача чўзилиши мумкин эди. Ҳатто ёндошувлар жуда фарқли бўлган масалалар бўйича ҳам Атлантик хартия тамойилларидан анча йироқ бўлган тамойиллар асосида келишувга эришилди эди.

Буюк Британия ўз мустамлакаларини сақлаб қолишга, фашизмдан озод бўлган Европада ўз таъсир доирасини таъминлашга интиларди. У. Черчилль 1944 йил октябрда Москвага қилган сафари чоғида И. Сталинга фашизмдан озод бўлган мамлакатларни, хусусан, Руминия, Болгария, Греция, Венгрия ва Югославияни таъсир зоналарига бўлиб олишни таклиф қилди. И. Сталин бу таклифни шарҳламади, аммо унга эътироз ҳам билдирмади. Аксинча, СССР Италиянинг Шимолий Африкадаги мустамлакаларини бошқаришга ҳам мандат олишга қизиқаётганлигини билдирди.

Совет Иттифоқининг 1939–1940 йиллари қўлга киритган ҳудудларини сақлаб қолишга интилаётгани жиддий қаршиликка учрамади. Финляндия ва Руминия Германиянинг иттифоқчилари эди, шу сабабли уларнинг СССРга қўшиб олинган ерларини қайтариб бериш масаласи ҳам кўтарилиши мумкин эмасди. СССРни тажовузкор ҳисоблайдиган Польшанинг Лондонда турган қувғиндаги

хукумати билан ҳам 1941 йил июлда нормал муносабатлар ўрнатилган эди. Совет томони Польшанинг мустақил давлат сифатида мавжуд бўлиш ҳуқуқини тан олди ва урушдан кейин чегараларни этник тамойиллар асосида белгилашга рози бўлди. Болтиқбўйи мамлакатлари муаммоси 1943 йил Техрон учрашувида ҳал қилинди. Рузвельт Сталин билан суҳбатда Литва, Латвия ва Эстониянинг СССР таркибига қўшиб олиншини қонуний деб тан олмаса-да, АҚШ Болтиқбўйи давлатлари учун Совет Иттифоқи билан муносабатларини бузишни истамаслигини аниқ баён қилди.

СССРнинг ўз худудидан ташқаридаги инқилобий ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши, бу худудларни иттифоқчилар СССРнинг таъсир зонаси деб тан олишга тайёр бўлса-да, уруш йилларида муҳоама қилинмади. 1943 йили Коминтерн тарқатиб юборилди. Бу фашизмдан озод қилинган мамлакатларни СССР советлаштиради ва ўз назорати остига олади, деган хавфсирашларнинг олдини олиши лозим эди. Бундан ташқари, Германия СССРга хужум бошлагандан кейин оккупация қилинган мамлакатлардаги коммунистик партиялар кенг доирадаги сиёсий кучлар, жумладан, буржуа-либерал йўналишдаги партиялар билан ҳам ҳамкорлик қилди.

Фашистик Германия ва милитаристик Япониянинг тормор қилиниши. Урушнинг якунлари. 1945 йил 16 апрелдан 2 майгача Берлин операцияси амалга оширилиб, шу вақт ичида Учинчи Рейхнинг пойтахти ўраб олинди ва штурм билан забт этилди. Рейхстаг устида советларнинг қизил байроғи ўрнатилди.

Иттифоқчилар немис қўмондонлиги вакилларининг таслим бўлиш ҳақидаги қарорини 7 май куни қабул қилди, аммо И. Сталин бу ҳаракатга қўшилишдан бош тортди.

1945 йил 8 май куни Олий бош қўмондон ўринбосари, Совет Иттифоқи маршали, советларнинг энг кўзга кўринган қўмондони Г.К. Жуков Совет Иттифоқи номидан Германиянинг сўзсиз таслим бўлганлиги тўғрисидаги актни имзолади. Бу расмий маросим Берлин шаҳри Карлхорст районидаги инженерлик мактаби биносида бўлиб ўтди. Маросимда Буюк Британия, АҚШ ва Франция ҳарбий қўмондонлиги вакиллари ҳам иштирок этдилар. 9 май СССРда Ғалаба куни деб эълон қилинди. Совет давлати тарихидаги энг оғир уруш СССР таркибига кирган барча халқларнинг буюк ғалабаси билан якунланди. 1945 йил 24 июнь куни Москвадаги Қизил майдонда Ғалаба Паради ўтказилди.

Уруш йиллари СССР таркибида бўлган Ўзбекистон ҳам фашизмга қарши курашда фаол иштирок этди. 1,5 млн га яқин киши ҳарбий хизматга чақирилди, шундан 500 мингга яқин киши ҳалок бўлди, ўн минглаб кишилар бедарак йўқолиб, ногирон бўлиб қайтди. Фронтда қаҳрамонлик кўрсатган 280 нафар ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар, ўн минглаб кишилар орден ва медаллар билан мукофотланди. Уруш йиллари фронтдаги ҳудудларидан 1 млн дан зиёд киши Ўзбекистонга эвакуация қилинди, шундан 200 мингдан кўпи болалар эди. Улар ўзбек оилаларида бошпана ва меҳр топди. Бундан ташқари, СССРнинг фронтга яқин ҳудудларидан 100 га яқин саноат корхоналари Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. Улар фронт учун ҳарбий маҳсулотлар етказиб берди. Уруш йиллари халқимиз жуда катта матонат намунасини кўрсатди.

Япониянинг тор-мор қилиниши. 1945 йил апрелда Совет ҳукумати Япония билан 1941 йил апрелда имзоланган нейтралитет тўғрисидаги пактни денонсация қилди. 1941 йил баҳордан бошлаб Япония раҳбарлари СССРнинг нейтрал қолиши учун ҳаракат қилдилар. Японлар ўзларининг америкаликларга қарши тура олишига ишонарди. АҚШ раҳбарлари эса Японияга қарши атом бомбаси қўлланилгандан кейин ҳам агар СССР қўшилмаса, уруш 1946 йил охиригача ва ҳатто 1947 йилгача ҳам чўзилиши мумкин деб ҳисоблашарди. 1945 йил 6 ва 9 август кунлари АҚШ Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбасини ташлади. Атом бомбалари портлаши натижасида асосан тинч аҳоли ҳалок бўлди.

1945 йил Совет Иттифоқи Японияга қарши урушга кирди. Уч ҳафта ичида Манжурияда, Сахалин ва Курилл оролларида стратегик, тактик ва десант операциялари амалга оширилди. Совет армияси японларнинг йирик ҳарбий кучларини тор-мор қилди. Шимоли-Шарқий Хитойда, Манжурияда Квантун армияси деярли тўлиқ таркибда асир тушди. Совет қўшинлари Жанубий Сахалин ва Курилл ороллари японецлардан озод қилди. 1945 йил 2 сентябрь куни Япония сўзсиз таслим бўлиш тўғрисидаги пактни имзолади. Иккинчи жаҳон уруши якунланди. Асосини фашистик Германия, Италия ва милитаристик Япония ташкил қилган тажовузкор давлатлар блоки тор-мор қилинди.

Уруш йилларида ва ундан кейин Шарқий Европа ва Узоқ Шарқда СССРнинг таъсир зонаси шаклланди. Бу давлатлар социалистик лагерни ташкил қилди.

Иккинчи жаҳон урушининг натижалари. Иккинчи жаҳон уруши 2194 кун давом этди. Унда 1 млрд 700 млн аҳолига эга бўлган (ер юзи аҳолисининг 80 % и) 72 та давлат иштирок этди. Фақат 6 та давлат нейтрал қолди, уруш ҳаракатлари эса 40 та давлат ҳудудида олиб борилди. 110 млн киши урушга сафарбар қилинди. 60–65 млн киши ҳалок бўлди, улар орасида ҳарбий хизматчилар билан бирга миллионлаб тинч аҳоли ҳам бор эди¹. 1914 – 1918 йиллардаги Биринчи жаҳон урушидан фарқли равишда ҳаводан қилинган бомбардимонлар ва «норасо» халқларни қирғин қилишлар натижасида ҳалок бўлган тинч аҳоли сони ҳарбий хизматчиларникидан кам эмасди. Уруш оқибатида СССР – 27 млн, Польша – 5,6 млн аҳолисини йўқотди. Шунингдек, югославлар – 1,7 млн, Франция – 600 минг, АҚШ – 400 минг, Буюк Британия – 375 минг, урушни бошлаган Германия – 6,5 млн, Япония – 2,6 млн аҳолисидан айрилди. 1934 йили бошланган ва жаҳон уруши йиллари давом этган япон агрессияси даврида Хитой 35 млн киши йўқотди. Германия ва у босиб олган давлатлар ҳудудида 23 та концентрациялашган лагерлар қурилиб, уларга 18 млн киши ташланди, шундан 11 млн киши ҳалок бўлди. Фашистик режимлар томонидан 6 млн яхудий ўлдирилди, бу Европадаги яхудийларнинг 60 % дан ошиғи эди. Яхудийларни таҳқирлаш ва йўқ қилиш жараёни Холокост («бутунлай ёқилган», «ҳалокат» деган маъноларни билдиради) деган ном олди. Германия ҳудудида мажбурий ишлатиш учун 3 млн совет кишилари олиб кетилди, улардан кўпчилиги очликдан ва бомбардимонлар пайтида ҳалок бўлди.

Урушнинг энг муҳим натижаларидан бири шу бўлдики, халқлар ва кўпчилик давлатлар ҳукуматлари халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизимини писанд қилмайдиган эгоистик, манфаатпарастлик сиёсатининг хавфини англаб етди. Урушни бошлаган давлатларнинг тормор қилиниши, улар раҳбарларининг ҳарбий жиноятчилар деб тан олиниши, уларнинг халқаро трибуналлар томонидан қораланиши тарихда биринчи марта халқларга мусибат ва ўлим олиб келган ҳаракат учун сиёсатчиларнинг шахсий жавобгарлик прецедентини яратди.

Урушдан кейинги йилларда антифашистик коалиция давлатла-

¹ *Фортунов В.В.* История: Учебное пособие стандарт третьего поколения. Для бакалавров. – СПб.: Питер, 2012. С. 353.

ри ўзаро муносабатларининг кескинлашиши билан улар ўртасида фашизм устидан қозонилган ғалабага ким ҳал қилувчи ҳисса қўшганлиги тўғрисидаги баҳс авж олди. Хусусан, кўплаб совет тарихчилари гўё Германия ва Японияни СССРнинг ўзи деярли ёлғиз тор-мор қилганлигини исботлашга уриндилар. Ғарб давлатларида эса Германия устидан қозонилган ғалабага СССРнинг ҳал қилувчи ҳисса қўшганлигини тан олишни истамадилар. Муаммонинг мураккаблиги яна шунда эдики, совет даврида пролетар интернационализи (советча бағрикенглик) ва «социалистик лагерь» ичидаги «дўстлик» тамойилларидан келиб чиқиб, совет мамлакати ҳудудида немис миллатига мансуб бўлмаган фашистлар томонидан амалга оширилган ваҳшийликларга эътиборни жалб қилмаслик қабул қилинган эди. Айни пайтда Совет Иттифокига қарши 50 минг голландиялик, 23 минг фламандрияликлар, 20 минг боснияликлар, 11 минг данияликлар, 7 минг норвеглар, 7 минг французлар, 4 минг шведлар ва бошқалар ҳам курашган.

Бундан ташқари, коммунистик мафкура совет фуқароларининг Учинчи Рейх томонида туриб урушда иштирок этишининг миқёсини узоқ вақт сир сақлаб келди. Вермахт қисқа вақт ичида славянлар, кавказликлар, Болтиқбўйи халқлари, Ўрта Осиёликлар ва бошқалардан ҳарбий қисмлар ташкил қилди. Фашистларга хизмат қилган совет фуқароларининг бир қисми азалдан большевиклар тузумини қабул қилмасдан, большевизмнинг ғоявий душмани бўлиб, вужудга келган шароитдан фойдаланишга ҳаракат қилган бўлса, яна бир қисмини оддий инсоний қусур – кўрқоқлик йўлга етаклади. Улар ичида фашистлар ташвиқотининг таъсирига тушиб қолган, алданганлар ҳам анчагина эди. Немис қўмондонлиги ва Россия тарихчиларининг маълумотларига кўра, турли сабаблар билан немислар томонида бўлиб қолган ва Германиянинг вермахт, СС қўшинлари, полиция таркибига кирган совет фуқаролари сони қуйидагича эди: руслар – 300 мингдан кўпроқ, украинлар – 250 минг, белоруслар – 70 минг, казаклар – 70 минг, латишлар – 150 минг, эстонлар – 90 минг, литваликлар – 50 минг, Ўрта Осиё халқлари – 70 мингга яқин, Шимолий Кавказ ва Кавказорти халқлари – 115 мингга яқин, умуман 1 млн 200 минг кишига яқин эди¹.

¹ Қ а р а н г: Коллаборационизм во Второй мировой войне. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

Германия куруқликдаги кучларининг камида 2/3 қисми совет-герман frontiда тор-мор қилинди. Ўз навбатида, иттифоқчилар Италиянинг асосий кучларини тор-мор қилди, Германия худудини бомбардимон қилди, унинг иқтисодий имкониятларини чеклади. Бу имкониятлар ҳатто уруш охирида ҳам анча юқори эди. 1944 йил ўрталаригача Германияда қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника ишлаб чиқариш муттасил ўсиб борди, унинг қаршилик кўрсатиш имкониятлари ҳам юқориликгача қолаверди. Фақат иттифоқчиларнинг Нормандияга қўшин тушириши урушнинг чўзилишини, демак Германия атом қуролига эга бўлишининг олдини олди. Бундан ташқари, Тинч океанидаги урушнинг асосий оғирлиги иттифоқчилар зиммасига тушди, айти пайтда Япониянинг куруқликдаги асосий кучлари Хитой томонидан сиқиб қўйилди. Хитойнинг Иккинчи жаҳон урушидаги роли кўпинча эсга ҳам олинмайди.

Ленд-лиз бўйича иттифоқчилар етказиб берган маҳсулотлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Улар СССР ишлаб чиқарган саноат маҳсулотларининг бор-йўғи 4 % га яқинини ташкил қилса-да, қурол ва техниканинг алоҳида турлари бўйича уларнинг ҳиссаси катта эди. Хусусан, ленд-лиз СССРда ишлаб чиқарилган самолётларга нисбатан 13 % ни, танкларга нисбатан 7 % ни, автомобилларга нисбатан 200 % ни ташкил қиларди.

Уруш натижалари кейинги ўн йилларга жаҳон таракқиётининг йўналишини белгилаб берди. Герман фашизми ва япон милитаризмининг тор-мор қилиниши гуманизм ва умуминсоний кадриятлар галабасини, ер шарининг турли қисмларида демократик, тинчлик-севар кучлар позициясининг кучайганлигини англатар эди. Асосий нацист ҳарбий жиноятчилар устидан бўлиб ўтган суд жараёнида герман фашизмнинг моҳияти, унинг бутун бошли давлатлар ва халқларни йўқ қилиб ташлашга қаратилган режалари очиб ташланди, тарихда биринчи марта тажовуз инсониятга қарши оғир жиноят, деб тан олинди. Япониянинг асосий ҳарбий жиноятчилар устидан бўлиб ўтган Токио суди жараёнида япон милитаристларининг тажовузқорона режалари ва экспансиячилик интилишлари фош қилинди. Ҳарбий жиноятчилар тегишли жазоларини олдилар ва бу халқро ҳуқуқ ривожланишида ҳам катта қадам бўлди.

Голиб давлатлар Буюк Британия ва Франция, иттифоқчилар томонига ўтиб олган Италия кўплаб аҳолисидан айрилди, катта моддий зарар кўрди, урушдан кейин жиддий ижтимоий-сиёсий

ва иктисодий инқирозга дуч келдилар. Умумий душман устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшган мустамлака ва қарам давлатлар энди ўзларини озод бўлишга ҳақли деб ҳисобладилар. 1940-йилларнинг иккинчи ярмида Ҳиндистон, Покистон, Бирма мустақилликка эришди.

Мағлуб бўлган Германия ва Япония оккупация қилинди, аҳолиси ва моддий бойликларининг катта қисмидан айрилди. Берлин, Дрезден, Хиросима, Нагасаки ва бошқа кўплаб шаҳарлар вайрон қилинди. 1946 йили Италияда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ҳажми 1937 йилдагига нисбатан 40 % ни, Ғарбий Берлин ва Австрияники эса 34 % ни ташкил қилди. Озиқ-овқат, хомашё, ёнилғи танқислиги кескин сезиларди, асбоб-ускуналар эскирган эди. Ишсизлик энг катта фожиага айланди. Ҳарбий саноатни тинчлик даври маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтириш ҳам катта муаммо бўлиб қолди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилиши. Антифашист коалиция давлатлари урушдан кейинги дунё тузилиши тамойиллари тўғрисидаги ўз қарашларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Уставида – 50 та давлат вакиллари иштирокидаги Сан-Франциско конференциясида (1945 йил апрель – июнь) қабул қилинган ва Атлантик хартиянинг асосий ғояларини ўзида акс эттирган ҳужжатда баён қилдилар. БМТ жаҳонда барқарор тинчликни ва халқаро хавфсизликни таъминлаш ишига хизмат қилиши лозим эди. Унинг Устави кўплаб халқлар курашининг мазмунига айланган ва ер юзидаги барча халқларнинг тинчлик ва тенгликда яшаш тамойиллари бўлган умуминсоний кадриятларни эълон қилди.

БМТни тузишда Иккинчи жаҳон урушини бартараф эта олмаган Миллатлар Лигаси фаолиятидаги муваффақиятсизликлар сабоғини ҳам ҳисобга олишга ҳаракат қилинди. Миллатлар Лигасидан фарқли равишда БМТ таъсисчилари унинг Устави тамойилларини универсал, яъни барча учун, шу жумладан, БМТга аъзо бўлмаган давлатлар учун ҳам мажбурий деб эълон қилдилар. Энг йирик таъсисчи-давлатлар – АҚШ, СССР, Буюк Британия, Франция ва Хитойни ўз таркибига доимий аъзо сифатида киритган Хавфсизлик Кенгаши (ХК) БМТнинг муҳим органи бўлди. Ташқи ҳужумга учраган ҳар қандай давлат тажовузнинг олдини олиш учун то ҳарбий аралашувгача бўлган қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ХКга мурожаат қилиши мумкин бўлди. XX аср охирига келиб

амалда дунёнинг барча давлатларини ўз ичига олган, ўз манфаатлари камситилган, хавфсизлигига путур етган ҳар қандай давлат мурожаат қилиши мумкин бўлган обрўли халқаро ташкилотнинг тузилиши халқаро ҳаётнинг ҳуқуқий асосларини қарор топтиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Айни пайтда БМТ иш фаолиятининг таъсирчанлиги ХК аъзоларининг яқдил қарор қабул қилишига боғлиқ, зотан барча санкциялар ёки ҳарбий куч қўллаш тўғрисидаги қарорлар бир овоздан қабул қилиниши лозим эди. Яқдил овоз бериш тамойили БМТ механизмларининг ғолиблар лагерига мансуб бўлган буюк давлатлардан бирига қарши қўлланиш хавфини истисно қилди, аммо ғолиблар ўртасида ихтилоф ёки ундан ҳам ёмони можаро келиб чиққанда, масалан, «совук уруш» давридагидек, БМТнинг таъсири кескин пасайди.

Нюрнберг ва Токио суд жараёнлари. Урушдан кейин фашист раҳбарларини жазолаш тўғрисида 1942 йилдан бошлаб бир неча бор айтилса-да, Халқаро ҳарбий трибунал тўғрисида келишув ва унинг устави 1945 йил 26 июлдан 8 августгача бўлиб ўтган АҚШ, СССР, Буюк Британия, Франция вакилларининг Лондон конференциясида ишлаб чиқилди.

Суд жараёни 1945 йил 20 ноябрдан 1946 йил 1 октябргача Германиянинг Нюрнберг шаҳрида бўлиб ўтди. Фашистик Германиянинг асосий сиёсий ва ҳарбий раҳбарларидан 24 нафари судга тортилди. Суд 12 кишини осиб ўлдиришга, 3 кишини умрбод қамок жазосига ҳукм қилди. Қолган жиноятчилар 10 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилинди, 3 киши эса айбсиз деб топилди. Трибунал нацистлар партиясининг раҳбариятини, СС, СД каби ҳужумкор отрядларни ва гестапони (сиёсий полиция) жиноятчи ташкилотлар деб эълон қилди. СССР томонидан қатнашган аъзонинг фикрига қарамасдан, трибунал Германия ҳукуматини, бош штабини ва олий бош қўмондонликни жиноятчи деб тан олмади.

1946 йил 3 майдан 1948 йил 12 ноябргача Япония пойтахти Токио шаҳрида япон агрессиясидан азият чеккан 11 та давлат вакилларидан ташкил топган Халқаро ҳарбий трибунал иш олиб борди. Япониянинг 28 нафар собиқ раҳбарлари судга тортилди. Улар ичида 4 нафар собиқ бош вазир, 11 нафар вазир, армия ва флот қўмондонлари бор эди. Айбланувчиларнинг 7 нафари осиб ўлдиришга, қолганлари турли муддатларга қамок жазосига ҳукм қилинди.

Ушбу суд жараёнлари жиноийдан кўра кўпроқ сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, ғолиб давлатлар раҳбарларининг иродасини ифода этди.

Нюрнберг ва Токио суд жараёнлари тажовузкорлик, урушлар ҳамда тинчлик ва инсонийликка қарши бошқа жиноятларда айбдор бўлган бош ҳарбий жиноятчилар устидан ўтказилган тарихда биринчи суд жараёни бўлди. Тажовузни, ҳарбий жиноятларни, тинч аҳолига нисбатан террорни қоралаган суд қарорлари фақат бош ҳарбий жиноятчиларни жазолаб қолмасдан, халқаро ҳуқуқнинг ҳам муҳим манбаига айланди. Тарихда биринчи марта давлат, ҳукумат ёки армия бошлиғи мақоми кишиларни жиноий жавобгарликдан озод қилмаслиги халқаро миқёсда тан олинди.

* * *

СССР тарқалиб кетгандан сўнг бир қатор собиқ социалистик давлатларда ва Болтиқбўйи, Молдова, Украина каби собиқ совет республикаларида уруш яқунларини қайта кўриб чиқишга, қайта баҳолашга ҳаракат қилинмоқда. Уруш учун айбдорлар аниқланиб, Нюрнберг ва Токио халқаро судларида улар ҳаракатига баҳо берилганлиги, фашизм ва нацизм барча кўринишларида инсониятга қарши жиноят деб баҳоланиб, қораланганига қарамасдан, фашистлар билан ҳамкорлик қилганларни, инсониятга қарши жиноятга шерик бўлганларни оқлаш учун ҳаракатлар бошланиб кетди.

Афсуски фашистик давлатлар йўқ бўлиши билан фашизм мафкураси ҳам йўқолиб кетмади. Урушдан сўнг кўплаб мамлакатларда Гитлер ва Муссолини гоёларини қўлловчи гуруҳлар пайдо бўлиб, улар неофашистлар номини олди. Бу ҳаракатнинг кейинги кучайиши СССР тарқалиб кетгандан сўнг бошланди. Неофашистлар ҳам фашизмнинг асосий гоёлари – шовинизм ва ксенофобия (бошқа миллат, дин ва мамлакатларни ўзига тенг билмаслик)ни қабул қилди. Фашизм дунёнинг кўплаб давлатларида тақиқланганига қарамасдан, неофашистик ташкилотлар сўнгги пайтда бир қатор собиқ совет республикаларида фаоллашиб бормоқда.

Тарихий ҳужжат БМТ Устави (приамбула)

«Биз, Бирлашган Миллатлар халқлари, бизнинг давримизда инсониятга икки марта мислсиз даражада мусибатлар олиб келган уруш кулфатларидан келгуси авлодларни халос қилиш ни-

яти билан тўлиб-тошган ҳолда, инсоннинг асосий ҳуқуқларига ишонччи, инсон шахсининг шаъни ва кадр-қимматини, эркаклар ва аёлларнинг, катта ва кичик миллатларнинг тенглигини яна қарор топтиришга, шартномалардан ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар ва адолат ҳурмат қилинадиган шароитларни яратишга, ижтимоий прогресс ва кенг эркинликлар ҳолатида кишилар яшаш шароитининг яхшиланиши учун кўмаклашишга, ва бу мақсадларда чидамлилиқ намоён қилиш ва бир-биримиз билан яхши қўшнилар сингари тинчликда бирга яшашга, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашда кучларимизни бирлаштиришга, принциплар қабул қилиниши ва методлар қарор топтирилиши орқали умумий манфаатлардан бошқа ҳолларда ҳарбий кучлар қўлланилмаслигини таъминлашга, халқаро аппаратдан барча халқларнинг иқтисодий ва ижтимоий прогрессига кўмаклашиш йўлида фойдаланишга, бу мақсадларга эришиш учун ўз кучларимизни бирлаштиришга қарор қилдик».

XXXII боб бўйича саволлар

1. Иккинчи жаҳон уруши қандай ва нима сабабга кўра бошланди? Урушнинг аввалида Германия, Буюк Британия, Франция, СССР ва АҚШнинг мақсадлари ва сиёсати қандай эди?
2. Уруш бошларида немис қўшинларининг муваффақиятини нима билан изоҳлаш мумкин?
3. Антифашистик коалициянинг тузилиши урушнинг боришида қандай ўзгаришларга олиб келди?
4. СССР ва Ғарб давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг асосий муаммолари нимадан иборат эди? Техрон, Қрим, Потсдам конференцияларида қандай муаммолар ҳал қилинди?
5. СССРнинг Японияга қарши урушга қўшилиши Иккинчи жаҳон урушининг якунланишида қандай роль ўйнади? Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига ташланган атом бомбалари урушнинг якунига ҳал қилувчи таъсир кўрсатдимми?
6. БМТнинг тузилиши урушдан кейин дунёда тинчликни сақлашда қандай роль ўйнади?
7. Нюрнберг ва Токио халқаро судларининг қарорлари қандай сиёсий ва тарихий аҳамиятга эга бўлди?

ХУЛОСА

XX асрнинг биринчи ярми индустриал жамиятнинг юксалиш, стуклик ва айти пайтда таназзулининг бошланиш даври бўлди. Индустрлаштиришнинг моҳияти ишлаб чиқаришнинг машинали характерида эди. Фабрика ва заводлар индустриал цивилизациянинг ёки капиталистик ишлаб чиқаришнинг тимсоли бўлиб қолди.

Капитализм Европа, Шимолий Америка мамлакатларининг кўпчилигида қарор топди, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларга ёйилди. Машиналар тизими Германия, Япония, Италия ва Россия каби мамлакатларда қўл меҳнатининг тор доирасидан чиқиб, шиддат билан ривожланиш имкониятини яратди. Агар XIX асрда ишлаб чиқаришнинг юқори даражаси Европа минтақаси мамлакатлари учун характерли бўлса, XX асрдан бошлаб бу жараён оламшумул характер касб этди. Транспорт воситалари ва алоқанинг мутлақо янги турлари пайдо бўлди ва турли қитъалар халқларининг яқинлашиши учун кенг имкониятлар яратди.

Айти пайтда XX аср – бу инсоният тарихидаги энг қонли аср. Чорак аср давомида инсоният иккита жаҳон урушларини бошидан кечирди. Зўравонлик чексиз-чегарасиз миқёсга эга бўлди. Иккинчи жаҳон уруши келтирган вайронгарчиликларни инсоният тарихидаги ҳеч бир ҳодиса билан тенглаштириб бўлмайди. Жанг майдонларида ҳалок бўлганлар, концлагерларда қийноққа солиниб, йўқ қилинганлар, бомбардимонлар пайтида ўлганлар сони 60 млн кишидан ошиб кетди.

XX асрнинг биринчи ярмида инсон даҳоси атом бомбасини яратди. Бу даҳшатли қурол 1945 йили Японияга қарши қўлланди ва кейин бутун аср давомида инсониятга хавф солиб турди. Ўзгаришлар суръатининг жадаллашуви ва ҳаёт маромининг тезлашуви кишиларда илгари маълум бўлмаган рухий-психологик ҳолатларни келтириб чиқарди.

Агар XIX асрда жаҳон иқтисодиёти ривожига тараққиётнинг европача моделлари таъсир кўрсатган бўлса, XX асрда тараққиёт

моделининг кўплаб турлари пайдо бўлди ва уни танлаш ҳар бир давлатнинг ўз муаммосига айланди.

Буржуа ижтимоий-сиёсий тузумининг қарор топиши ва мустаҳкамланиши жамият тузилишида кескин ўзгаришларга олиб келди. Илмий-техник инқилоб ишчилар синфининг таркибига ва унинг мутахассислашувига катта таъсир кўрсатди. Автоматик линиялар ва электроникани кенг қўллаш асосида ишлайдиган кўплаб корхоналар пайдо бўлди. Янги корхоналар инженер-техник ва илмий ходимлар ҳамда зиёлилар сонининг ўсишини рағбатлантирди.

Йил сайин ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ходимларга эҳтиёж ортиб борди. Халқ хўжалигидаги ўзгаришлар саноат ишчиларини илмий-техник интеллигенция даражасига кўтарди. Ишчилар синфи орасида ўз акцияларига эга бўлган, корхоналарни бошқаришда фаол иштирок этаётган қатламнинг сони ва таъсири ошиб борди.

Қишлоқларнинг кифоаси ўзгарди. Дехқонлар орасидан ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этувчи қишлоқ буржуазияси ажралиб чиқди. Ўртаҳол дехқонлар, қишлоқ камбағаллари, пролетариат ва ярим пролетариат, кичик ерга эга бўлган батрақларнинг бир қисми ўз меҳнатини сотиш эвазига кун кечирди. Катта ер эгалари аста-секин буржуа жамиятининг ижтимоий элементига айланиб борди.

Капиталистик тизимда кескин ўзгаришлар юз берди. Унинг асосини катта маблағлар йиғиб олган ва уни кўп фойда келтирадиган ишлаб чиқариш соҳасига жойлаштирган савдо-молия доиралари ташкил қилди. Капиталист-миллионерлар синфи орасида ўз мулкидан тушадиган фойда ҳисобига яшайдиган рантье қатлами шаклланди. Аҳолининг катта қисмини товарлар ва хизматларни сотишдан келадиган фойда ҳисобига яшайдиган шаҳар майда буржуазияси ташкил қилди.

Индустриал жамиятда илмий-техник, бадий, иқтисодий интеллигенциянинг катта қатлами шаклланди. Улар ўзларининг ма-лакали ишчи кучини, талантини сотиш эвазига яшайдиган қатлам (Ғарбда уларни «оқ ёқалилар» деб атади) сифатида таркиб топди. Уларнинг анчагина қисмини ҳарбий хизматчилар ва полиция ходимлари ташкил қилди. Кўп сонли зобит ва генераллар ҳукмрон қатламнинг таянчига айланди.

XX асрнинг иккинчи ярми унинг биринчи ярмига нисбатан тинч тараққиёт даври бўлди.

ГЛОССАРИЙ

Авторитаризм (лотинча *auctoritas* – ҳокимият, таъсир) – бу биринчидан, халқнинг давлатга ва унинг йўлбошчисига тобе бўлишига асосланган ижтимоий-сиёсий тизим бўлиб, унда ҳокимият эгаси (масалан, диктатор) ўзини ҳукмрон бўлишга ҳақли деб эълон қилади. Иккинчидан, ижтимоий йўриқ бўлиб, у ҳукмрон шахснинг жамиятда ўзига нисбатан қатъий ва сўзсиз содиклик мавжудлигига, халқ унинг авторитети ва ҳокимиятига сўзсиз қарамлигига тўлиқ ишончини ифодалайди. Авторитар сиёсий режимда эркин сайловларга нисбатан ҳам, давлатни бошқариш масаласида ҳам ҳақиқий демократия мавжуд бўлмайди.

Анархизм (юнонча – *v* – «сиз» ва – *ρχή* – «ҳокимият», яъни ҳокимиятсизлик) – инсонни инсон томонидан ҳар қандай мажбурий бошқаришни тугатишга чақирувчи қарашларни ўзида мужассам этган мафкура, сиёсий фаласафа. Анархизм – инсоннинг инсон томонидан мажбур ва эксплуатация қилинишининг барча турларини йўқ қилишни ўзига мақсад қилган ва кишиларнинг эркинлигига асосланган сиёсий фалсафа.

Аннексия (лотинча *annexio*, *annexus* – қўшиб олинган) – бир давлат томонидан бошқа давлатнинг ёки унинг бир қисмининг бир томонлама мажбурий қўшиб олиниши. Халқаро ҳуқуқ бўйича аннексия – тажовузнинг турларидан бири ҳисобланади ва ҳозирги даврда аннексияни амалга оширган давлат халқаро ҳуқуқ бўйича жавоб беради.

Ген инженерияси (генетик инженерия) – РНК (Рибонуклейн кислотаси – учта асосий макромолекулалардан бири (қолган иккитаси – ДНК ва оксиллар) бўлиб, барча тирик организмларда мавжуд) ва ДНК (Дезоксирибонуклейн кислотаси – генетик дастурни сақлашни таъминловчи ва авлоддан-авлодга ўтказувчи макромолекула)ни олишнинг, генларни организмдан ажратишнинг, генлар билан манипуляция қилиш ва уларни бошқа организмларга

кўчиришнинг йўл, усул ва технологиялари мажмуи. Ген инженерияси кенг маънода фан бўлиб, аслида биотехнологиянинг куроли ҳисобланади.

Гетто (итальянча ghetto nuovo «янги литейний») – йирик шаҳарлардаги этник кам сонли аҳоли (дастлаб яҳудийлар) кўнгилли равишда ёки мажбуран яшайдиган районлар.

Давлат социализми (немисча Staatssozialismus) – социализмга ўтиш назариясининг классификацион гуруҳи. Иқтисодий таълимотлар ва сиёсатшунослик тарихида мавжуд тузум асосларини ўзгартирмасдан хусусий ислохотлар, давлатнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага фаол аралашуви, ишлаб чиқариш воситаларининг давлат эгаллигига ўтиши ва бошқаларни амалга ошириш орқали социализмга ўтиш назарияси. Масалан, канцлер Бисмарк иқтисодий сиёсатининг номларидан бири.

Деградация – регрессия, қандайдир объект ёки ходиса характеристикасининг аста-секин ёмонлашув жараёни, орқага кетиш, аста-секин ёмонлашиш, тушкунлик, сифат пасайиши, табиат қонунлари ва вақт таъсири остида материянинг бузилиши. Деградация кўпинча тараққиётга қарама-қарши қўйилади.

Декрет (лотинча decretum қарор, discernere – қарор қилиш) – давлат органи ёки лавозимдаги шахснинг ҳуқуқий акти, қарори.

Демилитаризация (халқаро ҳуқуқда) – маълум ҳудуддаги ҳарбий истехком ва қурилмаларни йўқ қилиш, шунингдек, манфаатдор давлатлар ўртасида тузилган шартнома асосида шу ҳудудда ҳарбий кучлар жойлаштиришни тақиқлаш.

Денонсация (французча dénoncer – «расторгать») – давлат томонидан ўзи имзолаган халқаро шартномани бекор қилиши тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат. Халқаро шартномаларни бекор қилишнинг бошқа турларидан шуниси билан фарқ қиладики, унда бекор қилиш ҳуқуқи шартноманинг ўзида кўзда тутилган бўлади. Шу сабабли денонсация халқаро ҳуқуқнинг бузилиши ҳисобланмайди.

Десеграгация – сегрегацияни (сегрегация (лотинча segregatio – ажратмок) – аҳолининг қайсидир гуруҳини мажбурий ажратиш сиёсати. Одатда диний ва ирқий камситишнинг шаклларида бири) бекор қилиш, аҳолини ирқий белгиларига қараб ажратиш сиёсатидан воз кечиш.

Дефицит (лотинча deficit – етишмаяпти) – ниманингдир етиш-маслигини англаувчи атама. Масалан, бюджет дефицити – бюджет харажатларининг даромаддан ошиб кетиши.

Изоляционизм (французча isolation – ажралиш, таркалиш) – сиёсий субъектнинг (давлатнинг) бошқа субъектлар билан алоқа ва муносабатларини чеклашга йўналтирилган сиёсий хулқ-атвор тури. Изоляционизм асосан бошқа давлатлар, миллатлар, халқлар ва этнослар ишларига давлатни жалб қилмаслик, савдо ва маданий алоқаларни энг паст даражага келтиришга қаратилган ташқи сиёсат.

Импичмент (инглизча impeachment – ишончсизлик) – маҳаллий ёки давлат ижро органлари амалдорларига, ҳатто давлат бошлиғига суд айблови, жумладан, жиноий айблов эълон қилиш ва оқибатда лавозимидан озод қилиш жараёни. АҚШда Конституцияга биноан президентга ва федерал микёсдаги бир қатор амалдорларга нисбатан импичмент қўлланилади. Унда импичмент эълон қилиш учун вакиллар палатаси ва сенатнинг кўпчилик овози (2/3 қисм) етарли ҳисобланади.

Индустриал-цивилизация – бу ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳалари: иқтисод, сиёсат ва маданиятда саноат (индустрия) асосий роль ўйнайдиган жамият. Янги даврда шаклланган бозор муносабатлари, сиёсий ва ижтимоий тенглик, ҳуқуқий давлат, диний бағрикенглик, инсон ҳуқуқлари, умуминсоний кадриятлар каби тушунчалар индустриал цивилизациянинг асосий белгилари ҳисобланади.

Коллаборационизм (французча collaboration – «ҳамкорлик») халқаро ҳуқуқнинг юридик изоҳида – англанган ҳолда, онгли ва кўнгилли равишда душман манфаатларини кўзлаб, ўз давлатига зарар етказган ҳолда душман билан ҳамкорлик қилиш. Атама кўпинча тор маънода – босқинчилар билан ҳамкорлик қилиш тарзида қўлланилади. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари жиноят қонунчилигида коллаборационизм ўз давлатига нисбатан жиноят, одатда давлатга хоинлик қилиш деб белгиланган.

Компенсация (лотинча compensatio – «ўрнини қоплаш») – компенсация халқаро ҳуқуқда – давлатнинг халқаро ҳуқуққа зид равишда қилган ҳаракати туфайли етказилган зарарни молиявий қоплаш, товон тўлаш тушунилади.

Концессия (лотинча concessio – рухсат бериш, ён бериш) – давлат билан хусусий тадбиркор, чет эл фирмаси ўртасида саноат

корхоналари, ер ва бошқа бойликларни эксплуатация мақсадида тузиладиган шартнома шакли.

Конъюнктура (лотинча *conjunctura* – боғлайман, бирлаштираман) – инсон фаолиятининг қайсидир соҳасида (қайсидир ҳудудда) вужудга келган ҳолатлар, кўплаб воқеаларнинг мос келишини ва унинг маълум бир даврини акс эттирувчи парадигма; вужудга келган ҳолат, шаклланган муҳит, мавжуд аҳвол, шаклланган шароитлар мажмуи, маълум соҳада, аниқ вақт давомида пайдо бўлган ҳолат.

Национализация – хусусий шахсларга тегишли бўлган ерларни, саноат корхоналарини, банкларни, транспорт ёки бошқа мулкларни давлат ихтиёрига ўтказиш. Национализация тортиб олиш ёки конфискация қилиш йўли билан текин, шунингдек, тўлиқ ёки қисман тўлаш йўли билан (реквизиция) амалга оширилиши мумкин.

Панамериканизм – асосини АҚШ ва Америка қитъасидаги бошқа давлатларнинг тарихий тақдири, иқтисоди ва маданиятининг бирлиги ташкил қилувчи сиёсий доктрина.

Пацифизм (лотинча *pacificus* – тинчликсевар) – зўравонликни йўқ қилиш учун унга қарши кураш мафқураси. Пацифистик ҳаракат, тинчлик учун – урушга қарши ижтимоий ҳаракат бўлиб, асосан тинч воситалар билан, урушнинг ғайриахлоқий эканлигини қоралаб чиқувчи қаршилик ҳаракати.

Постиндустриал цивилизация – бу иқтисодиётда саноатнинг юқори унумдор инновацион сектори, яъни ички маҳсулотда фан ютуқлари ва ахборот технологиялари, иқтисодий ва бошқа фаолият соҳаларида рақобат устувор бўлган жамият. Ахборот жамияти деб ҳам аталади.

Прагматик – прагматизм тарафдори, фалсафий тизим. Маиший маънода прагматик – бу ҳаётга нисбатан ўз қарашлари ва амалларини фойдали натижаларга қараб шакллантирувчи киши.

Плебисцит (лотинча *plebiscitum*, *plebs* – оддий халқ, *scitum* – қарор) – умумхалқ муҳокамаси, умумхалқ овоз бериш усули. Юридик нуқтаи назардан плебисцит билан референдум ўртасида фарқ йўқ. Аммо мамлакат ёки минтақа тақдири учун ҳал қилувчи жиҳатга эга бўлган масалан, баҳсли ҳудуднинг қайси давлатга қарашли эканлиги, бошқарув шакли, ҳуқуқрон режимнинг кейинги тақдири, мамлакат етакчисига ишонч масалаларида ўтказиладиган референдум плебисцит деб аталади.

Популизм (лотинча *populus* – халқ) – кенг оммага қаратилган ва кескин ижтимоий муаммоларнинг тез ва енгил ечимини ваъда қилувчи сиёсат.

Прецедент (лотинча *praecedens* – олдин бўлиб ўтган) – ўтмишда юз берган ва ҳозирда унга айнан ўхшаш ҳаракат ёки қарорларга асос бўлувчи воқеа ёки ҳодиса.

Приватизация – мулкни ўзгартириш шакли бўлиб, давлат (муниципал) мулкни тўлиқ ёки қисман хусусий мулкка ўтказиш жараёнини ақс эттиради.

Пролетариат диктатураси – марксистик назарияда ишчилар синфи манфаатларини ифода этувчи сиёсий ҳокимият шакли.

Пропорционал сайлов тизими – вакиллик органларига сайловларда қўлланиладиган сайлов тизимининг турларидан бири. Пропорционал тизим бўйича сайлов ўтказилганда депутатлик мандатлари маълум партия ёки бошқа сиёсий ташкилотдан илгари сурилган номзодлар рўйхатига сайловчилар берган овозларга мос равишда бўлинади.

Протекционизм – ички бозорни маълум чекловлар (импорт ва экспорт бож тўловлари, субсидиялар ва бошқа тадбирлар) орқали чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат. Бундай сиёсат миллий ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантиради.

Расизм – қарашлар мажмуи бўлиб, унинг асосини ирқларнинг, миллатларнинг жисмоний ва ақлий тенгсизлиги ва ирқий фарқнинг тарих ва маданиятга ҳал қилувчи таъсири ҳақидаги ғоя ташкил қилади.

Реваншизм (французча *revanchisme, revanche* «қасос; ўч олиш») – давлат, партия ёки ижтимоий гуруҳларнинг ҳарбий ва сиёсий мағлубият, ижтимоий ўзгариш натижаларини ўч олиш йўли билан қайта кўриб чиқишга интилиши. Бироқ «реванш» деган бетаараф атамага нисбатан «реваншизм» салбий мазмунга эга ва барча ютқазган томонга нисбатан эмас, фақат адолатсиз тажовуз ташаббусқори бўлган томонга нисбатан қўлланилади.

Репарация (лотинча *geratio* – тиклаш) – халқаро ҳуқуқ субъекти томонидан халқаро ҳуқуқни бузганлик натижасида халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектига етказилган зарар бўйича моддий жавобгарлик шакли, хусусан, бир давлат томонидан хужумга учраган бошқа давлатга етказилган зарарни халқаро шартнома ёки бошқа халқаро актга биноан қоплаш.

Рецессия (лотинча recessus – чекиниш) – иқтисодиётда (хусусан, макроэкономикада) бу атама ишлаб чиқаришнинг нисбатан муътадил, носалбий пасайишини ёки иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашувини билдиради.

Социалистик реализм (соцреализм) – Совет Иттифоқида, кейин эса бошқа социалистик мамлакатларда қўлланилган бадиий ижоднинг дунёқараш усули бўлиб, бадиий ижодга социализм қуриш вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилган давлат сиёсати, шу жумладан, цензура воситасида сингдирилган.

Фатализм (лотинча fatalis – қисмат) – антидиалектик дунёқараш концепцияси бўлиб, унга кўра оламдаги ҳамма жараёнлар зарурият тақозосига бўйсунди, эркин танлаш ва ижодга ўрин қолдирмайди, ҳаммаси олдиндан белгилаб қўйилган.

Экспансия (лотинча expansio – тарқатиш, кенгайтириш) – бир давлат, халқ, маданият ёки биологик турнинг ҳудудий, географик ёки яшаш зонасининг бошқа шаклда кенгайиши. Экспансиянинг биологик, маданий, сиёсий-иқтисодий (этник) турлари бўлиши мумкин.

Экспроприация (лотинча expropriatio – мулкдан маҳрум қилиш) – хусусий мулкдорлар мулкни мажбурий олиб қўйиш. Ҳар хил даражадаги давлат, шунингдек, маҳаллий бошқарув органлари томонидан жамият манфаатлари йўлида амалга оширилади. Экспроприациянинг икки тури мавжуд: тўловсиз – конфискация ва тўланадиган – реквизиция.

Экстенсив – фақат сон жиҳатидан ўсиш йўли бўлиб, сифат жиҳатидан мукамаллашиш назарда тутилмайди.

ХРОНОЛОГИЯ

1917 йил 7 ноябрь – Россияда большевиклар ҳокимияти ўрнатилди.

1918 йил 3 март – Россия билан Германия ўртасида Брест сулҳи имзоланди.

1918 йил 11 ноябрь – Германия билан Антанта ўртасида сулҳ имзоланиб, Биринчи жаҳон уруши якунланди.

1918–1922 йиллари Советлар республикасида «ҳарбий коммунизм» сиёсати ўрнатилди.

1918 йил 9 ноябрь – Германия республика деб эълон қилинди.

1919 йил 18 январдан 1920 йил 21 январгача Париж тинчлик конференцияси бўлиб ўтди.

1919 йил 13 апрель – Бавария совет республикаси эълон қилинди.

1919 йил 13 апрель – Панжоб вилоятидаги Амритсар шаҳрида тинч митинг инглиз мустамлакачилари томонидан ўққа тутилди.

1919 йил 28 июнь – Германия Версаль тинчлик шартномасини имзолади.

1919 йил – Нью-Йорк – Вашингтон йўналиши бўйича дунёда биринчи почта-ўловчи ташувчи авиалиния очилди.

1919 йил сентябрь – Париж яқинидаги Сен-Жермен қасрида Австрия билан шартнома имзоланиб, Австро-Венгрия империясининг тарқалганлиги расмийлаштирилди.

1919 йил ноябрь – Париж яқинидаги Нёйи саройида Болгария билан ҳам шартнома имзоланди.

1919 йил – Германия национал-социалистик ишчи партияси тузилди.

1920 йил 28 январь – Туркия парламенти «Миллий қасамёд» – мустақиллик декларациясини қабул қилди.

1920 йил июнь – Версаль саройида Венгрия билан тинчлик шартномаси имзоланди.

1920 йил август – Туркия билан Севр шартномаси имзоланди.

1920 йил – Африкада биринчи сиёсий партия – Африка Миллий конгресси (АМК) ташкил топди.

1921 йил август – Ироқ монархия деб эълон қилинди.

1921 йил 12 ноябрдан 1922 йил 6 февралгача тўққиз давлат вакиллари иштирокида Вашингтон конференцияси бўлиб ўтди.

1922 йил февраль – денгиз қуроқларини чеклаш бўйича шартнома имзоланди.

- 1922 йил – инсулин кашф этилди.
- 1922 йил октябрь – Италияда Б. Муссолини ҳукумат бошлиғи қилиб тайинланди.
- 1922 йил 30 декабрь – Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи (СССР) ташкил топди.
- 1923 йил январь – Франция ва Бельгия кўшинлари Германиянинг Рур вилоятига бостириб кирди.
- 1923 йил 29 октябрь – Туркия республика деб эълон қилинди.
- 1923 йил 8 ноябрь – Мюнхенда фашистларнинг «пиво исёни» бўлди.
- 1923 йил – Лозанна тинчлик шартномаси имзоланиб, Туркиянинг урушдан кейинги чегаралари белгилаб берилди ва унинг мустақиллиги тан олинди.
- 1925 йил декабрь – Эронда паҳлавийлар сулоласи тахтга келди.
- 1926 йил – Чан Кайши бошчилигидаги Гоминьдан Миллий инқилобий армияси Шимолга юришини бошлади.
- 1926 йил – Ибн Сауд Ҳижоз кироли деб эълон қилинди.
- 1926 – 1989 йиллар – Японияда император Хирохито тахтга ўтирди.
- 1926 йил – Миллатлар Лигаси «Куллик ҳақида» конвенция қабул қилди.
- 1927 йил – илк ЭҲМ яратилди.
- 1927 йил – Буюк Британиянинг машҳур радиокорпорацияси Би-би-си ташкил қилинди.
- 1927 йил 6 октябрь – Нью-Йоркда биринчи овозли кино намойиш қилинди.
- 1928 йил – Тошкентда замонавий телевидениега асос солинди.
- 1928 йил – пенициллин кашф этилди.
- 1929 йил – жаҳон иқтисодий инқирозининг бошланиши.
- 1929 йил 24 октябрь – Нью-Йорк фонд биржасидаги саросималикдан «Буюк депрессия» номини олган жаҳон иқтисодий инқирози бошланди.
- 1931 йил – Вестминстер статути имзоланди.
- 1932 йил сентябрь – Саудия Арабистони киролик деб эълон қилинди.
- 1932 йил ноябрь – Ф. Рузвельт АҚШ президенти қилиб сайланди.
- 1933 йил 30 январь – А. Гитлер Германия рейхсканцлери қилиб таъинланди.
- 1933 йил – АҚШ билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.
- 1936 йил ноябрь – Япония ва Германия антикоминтерн пактини имзолади. 1937 йили Италия ҳам бу пактга қўшилди.
- 1938 йил март – Германия Австрияни қўшиб олди (аншлюс қилди).
- 1938 йил 29 сентябрь – Мюнхен келишуви имзоланди.
- 1939 йил 1 апрель – Испанияда генерал Ф. Франко диктатураси ўрнатилди.
- 1939 йил – Германияда жаҳонда биринчи реактив самолёт учурилди.

1939 йил 23 август – Москвада СССР ва Германия ўртасида ўзаро хужум қилмаслик тўғрисидаги шартнома (Молотов – Риббентроп пакти) имзоланди.

1939 йил 1 сентябрь – Иккинчи жаҳон уруши бошланди.

1939 йил 17 сентябрь – совет қўшинлари Польшага бостириб кирди.

1939 йил 30 ноябрь – 1940 йил 12 март – совет-фин уруши бўлиб ўтди.

1940 йил март – Москвада СССР – Финляндия шартномаси имзоланди.

1940 йил 14 июнь – немис қўшинлари Парижни эгаллади, 22 июнда Франция таслим бўлди.

1941 йил 5 апрель – СССР билан Япония ўртасида нейтралитет ҳақида пакт имзоланди.

1941 йил апрель – Москвада ўзаро хужум қилмаслик тўғрисида совет-япон шартномаси имзоланди.

1941 йили 22 июнь – Германия СССРга бостириб кирди.

1941 йил август – АҚШ ва Буюк Британия Атлантик хартияни имзоллади.

1941 йил 26 ноябрь – Ливан мустақил деб эълон қилинди.

1941 йил 7 декабрь – Япония флоти Пёрл-Харборга, АҚШ флотининг Тинч океанидаги асосий базасига хужум қилди.

1942 йил ноябрь – совет қўшинлари Сталинград остоналарида қарши хужумга ўтди.

1943 йил – Коминтерн тарқатиб юборилди.

1945 йил 8 май – Германия таслим бўлди.

1945 йил 16 июль – АҚШда биринчи атом бомбаси синовдан ўтказилди.

1945 йил 6 – 9 август – АҚШ Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбасини ташлади.

1945 йил 2 сентябрь – Япония сўзсиз таслим бўлиш тўғрисидаги пактни имзолади. Иккинчи жаҳон уруши тугади.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҶЙХАТИ

1. *Абрамова С. Ю.* Африка: четыре столетия работорговли. Изд. 2-е. М.: «Наука», Гл. ред. вост. лит., 1992.
2. *Бурстин Д.* Американцы: демократический опыт. М., 1993.
3. *Бурстин Д.* Американцы: национальный опыт. М., 1993.
4. *Васильев Л.С.* Всеобщая история: Учеб. пособие: В 6 т. Т.5. Новейшее время (XX в.) М.: Высшая школа, 2010.
5. *Вилар Пьер.* История Испании. – М.: АСТ·Астрель, 2006.
6. Всемирная история. Весь школьный курс в таблицах / сост. *М.Ю. Дуда.* – Минск: 2012.
7. Всемирная история. Весь школьный курс в таблицах/ сост. *М.Ю. Дуда.* – Минск: Современная школа: Кузьма, 2011.
8. Всемирная история: учебник для вузов /Под ред. *Г.С. Поляка, А.Н. Марковой.* – М.: ЮНИТИ, 2000.
9. Всеобщая история/ *С.В. Новиков, А.С. Манькин, О.В. Дмитриев.* – М.: АСТ: СЛОВО: Полиграфиздат, 2012.
10. Жаҳон мамлакатлари (маълумотнома). 4-нашр. Тузувчилар: *Ш.Эргашев, Т.Бобоматов, Н.Турсунов.* – Т.: «O‘zbekiston», 2013.
11. *Загладин Н.В.* Всемирная история: XX век. /Учебник для 11-го класса общеобразовательных учреждений/. – М.: «Русское слово», ОАО «Московские учебники», 2006.
12. История мировых цивилизаций. Учебное пособие /коллектив авторов; под науч. ред. *Г.В. Драча, Т.С. Пониотовой.* – М.: КНОРУС, 2012.
13. *Космач Г.А., Кошелев В.С., Краснова М.А.* Всемирная история Новейшего времени : 1918 – 1945 гг. : учебное пособие для 10-го класса учреждений общего среднего образования с русским языком обучения. – Минск, «Народная асвета», 2012.
14. Новейшая история стран Европы и Америки. XX век : Учеб. для студентов вузов : В 3 ч. / Под ред. *А.М. Родригеса и М.В. Пономарева.* — М.: Гуманитар. изд. центр ВЛАДОС, 2005.
15. Мировые войны XX века. Кн. 1 – 4. М., 2002.
16. Новейшая история стран Азии и Африки, XX век: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений: В 2 ч. / Под ред. *А.М. Родригеса.* – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2001. – Ч. 1: 1900 – 1945.
17. *Новиков С.В., Манькин А.С., Дмитриева О.В.* Всеобщая история. – М.: АСТ: СЛОВО: Полиграфиздат, 2012.

18. *Ражабов Қ., Қандов Б.* Жаҳон мамлакатлари. Қискача маълумотнома. – Т.: «O‘zbekiston» NMIU, 2015.
19. *Савченко А.И.* Государство и право, история и культура Великобритании и США. М., 2005.
20. *Сороко-Цюпа О. С., Смирнов В. П., Посконин В. С.* Мир в первой половине XX века. 1918 – 1945. Материалы к курсу «Новейшая история». – М.: «Просвещение», 1994.
21. *Трошин Ю.А.* История стран Азии и Африки в новейшее время. – М., 2006.
22. *Философия истории. Учеб. пособие /Под ред. проф. А.С. Понарина.* М.: Гардарики. 1999.
23. *Фортунатов В.В.* История: Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. Для бакалавров. – СПб.: Питер, 2012.
24. *Хайдеггер М.* Бытие и время. М., 2007.
25. *Хантингтон С.* Становление цивилизаций. М., 2003.
26. *Хидаятов Г.А.* Дипломатия XX века. М., 2010.
27. *Хидаятов Г.А., Гулямов Х.Г.* Всемирная история новейшего периода: Европа и США после Второй мировой войны. – Т.: 1999.
28. *Шпенглер О.* Закат Европы. М., 1993.
29. *Эргашев Ш.* Уч буюк француз. – Т.: «O‘zbekiston» NMIU, 2013.
30. *Эргашев Ш.* Жаҳон тарихи. II қисм. (Янги давр. 1800 – 1918 йиллар). – Т.: «O‘zbekiston» NMIU, 2015.
31. *Эргашев Ш., Бобоматов Т.* XX аср: тақдирларда ақс этган тарих. – Т.: «O‘zbekiston», 2015.
32. *Ўзбекистоннинг янги тарихи. К. 2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.* – Т.: «Шарқ», 2000.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

I бўлим. Индустириал цивилизация: ривожланишнинг янги тенденциялари

I боб. Капиталистик жамият тараққиётидаги янги муаммолар.....	10
II боб. Биринчи жаҳон урушидан кейинги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва мафкуралар.....	28
III боб. Барқарор ривожланиш ва иқтисодий инқироз муаммолари.....	41
IV боб. XX асрнинг биринчи ярмида илмий-техник тараққиёт, илм-фан ютуқлари. Адабиёт ва санъат.....	48

II бўлим. Жаҳон урушлари оралиғида либерал-демократия мамлакатлари

V боб. Жаҳон урушлари оралиғида Буюк Британия.....	64
VI боб. Жаҳон урушлари оралиғида Франция.....	91
VII боб. Жаҳон урушлари оралиғида Америка Қўшма Штатлари.....	112
VIII боб. Жаҳон урушлари оралиғида Канада.....	130
IX боб. Жаҳон урушлари оралиғида Шимолий Европа мамлакатлари.....	139
X боб. Жаҳон урушлари оралиғида Ғарбий Европанинг «кичик мамлакатлари».....	147
XI боб. Жаҳон урушлари оралиғида Австралия.....	155

III бўлим. Жаҳон урушлари оралиғида тоталитар режимлар ва авторитар диктатура мамлакатлари

XII боб. Жаҳон урушлари оралиғида Совет Иттифоқи: тоталитар тизимнинг ўрнатилиши ва ўзига хос жиҳатлари.....	163
XIII боб. Жаҳон урушлари оралиғида Германия: фашистларнинг ҳокимиятга келиши.....	188
XIV боб. Жаҳон урушлари оралиғида Италия.....	215
XV боб. Жаҳон урушлари оралиғида Япония: тоталитар режимнинг ўрнатилиши.....	228
XVI боб. Жаҳон урушлари оралиғида Австрия.....	248
XVII боб. Жаҳон урушлари оралиғида Жанубий Европа мамлакатлари.....	257

XVIII боб. Жаҳон урушлари оралиғида Шарқий Европа мамлакатлари	282
XIX боб. Жаҳон урушлари оралиғида Лотин Америкаси мамлакатлари.....	305

IV бўлим. Жаҳон урушлари оралиғида Осиё мамлакатлари

XX боб. Жаҳон урушлари оралиғида Хитой.....	321
XXI боб. Жаҳон урушлари оралиғида Ҳиндистон	340
XXII боб. Жаҳон урушлари оралиғида Корея.....	356
XXIII боб. Жаҳон урушлари оралиғида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари	365
XXIV боб. Жаҳон урушлари оралиғида Мўғулистон	387
XXV боб. Жаҳон урушлари оралиғида Туркия	394
XXVI боб. Жаҳон урушлари оралиғида Эрон.....	405
XXVII боб. Жаҳон урушлари оралиғида Афғонистон	415
XXVIII боб. Жаҳон урушлари оралиғида Осиёдаги Араб мамлакатлари	423

V бўлим. Жаҳон урушлари оралиғида Африка мамлакатлари

XXIX боб. Жаҳон урушлари оралиғида Шимолий Африкадаги Араб мамлакатлари	441
XXX боб. Жаҳон урушлари оралиғида Ғарбий, Шарқий ва Жанубий Африка мамлакатлари.....	455

VI бўлим. Иккинчи жаҳон уруши

XXXI боб. Иккинчи жаҳон уруши арафасида халқаро муносабатлар.....	479
XXXII боб. Иккинчи жаҳон урушининг бориши. Уруш якунлари.....	487
Хулоса.....	505
Глоссарий	507
Хронология	513
Тавсия этилган адабиётлар рўйхати	516